

В. П. МАКСАКОВСКИЙ

ГЕОГРАФИЯ

**ЖАҲОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ
ГЕОГРАФИЯСИ**

ЎРТА МАКТАБЛАРНИНГ 10- СИНФИ

УЧУН ДАРСЛИК

ТОШКЕНТ — «ЎҚИТУВЧИ» — 1995

НАШРИЁТДАН

Дарсликда А. А. Ростовцев, С. Ф. Кулик, В. Ф. Семенов слайдларида, Россия Ахборот агентлиги, Токио Маориф ахборотлари халқаро жамияти фотсхроника-сидан фойдаланилди.

4306021000—155
М — бл. зак.—95
353(04)—95

© Издательство «Просвещение». 1993

© Ўзбек тилига таржима, «Ўқитувчи»
1995

С Ў З Б О Ш И

Жаҳоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси ижтимоий географик фан бўлиб, у аҳоли ва хўжаликни умуман бутун дунёда, айрим ҳудудлар мамлакатларда ривожланиш ва жойлашиш қонуниятларини тадқиқ этади. Бу фан халқаро муносабатларга, инсоният ва жамият билан табиатнинг ўзаро алоқалари, бутун жаҳон муаммоларига онд масалаларга ҳам тўхталиб, жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Бу фаннинг қарор топиши жаҳоннинг кўп географ олимлари номи билан боғланган. Унинг тараққиёти айниқса Николай Николаевич Баранский (1881—1963) ва Иван Александрович Витвер (1891—1966) номлари билан боғлиқдир. Булар фақат йирик олимлар бўлиб қолмасдан мактаб дарсликларининг муаллифлари ҳамдир.

Кўлингиздаги дарслик учта қисмдан иборат. Биринчи қисми иқтисодий ва ижтимоий географиянинг умумий масалаларига, иккинчи қисм эса жаҳоннинг ҳудудлар бўйича иқтисодий ва ижтимоий географияси таърифига, учинчи қисм инсониятнинг умумжаҳон муаммоларини таърифлашга бағишланган бўлиб, унинг мақсади билимларни умумлаштиришдир.

Дарсликнинг ҳар бир мавзуси (боби) чизма — режа билан бошланади. Бу чизма — режа чизма мундарижагина бўлиб қолмасдан аслида мавзунинг мантиқий конспекти (қисқача матн) ҳамдир. Сиз бу чизма — режа билан танишар экансиз, сиз ўрганилиши лозим бўлган материални яхшироқ билиб оласиз. Шундан кейин мавзунинг асосий илмий мазмунини ўз ичига олган асосий матн ўрганилади. Бу матн параграф ва кичик параграфларга бўлинади. Матн ички рукн (рубрика) ларга бўлинади, уларни бир-биридан разряд (доналаб) ёзиб ажратилади. Бу эса матнни алоҳида мазмунли қисмларга ажратишда сизга ёрдам беради. Хулосалар, асосий гоёлар ва қондаларни ажратиш учун курсив (ёзмага) ёзув қўлланилган. Асосий матнда энг муҳим илмий тушунчалар алоҳида ажратиб кўрсатилган. Бошқа тушунча ва атамалар (асосий сўзлар) алоҳида ҳарфлар билан ажратиб кўрсатилган. Янги илмий атамалар саҳифа тагида изоҳ кўринишида тушунтирилган.

Асосий матнга махсус танланган хариталар, чизмалар, ҳисоб жадваллари, фотосуратлар берилган. Одатда булар матн мазмунини қайтармайди, балки тўлдиради. Дарслик муқовалари орқасида (форзацда) берилган мамлакатлар ҳақидаги маълумотлар ҳам матн мазмунини тўлдиради. Шу сабабли Сиз бундай маълумотлардан ҳам матн билан бир қаторда мустақил билим манбаи сифатида фойдаланинг. Баъзи ҳолларда Ҳ синф учун нашр этилган географик атласдан фойдаланиш учун кўрсатмалар берилган.

Асосий матндан кейин қўшимча матн ҳам берилган. Бунда мавзу мазмунига оид қизиқарли маълумотлар берилган бўлиб, улар кичкина «ўқиш китоби» ўрнини босади. Булар асосан уйда ўқишга мўлжалланган. Сиз асосий матнда ичига тартиб рақами кўйилган квадрат қавсларни учратасиз. Бу белги сизни зарур жойда қўшимча матндан фойдаланишга йўналтиради.

Шундан кейин китоб жавони келади. Жавондан Сиз билимларингизни чуқурлаштириш ва адабиёт билан мустақил ишлаш малақангизни ривожлантириш учун фойдаланишга имкони борича ҳаракат қилинг.

Билим ва малакалар олинадиган қисмга алоҳида эътибор қилинг. Дарсликнинг асосий матнида Сизга зарур бўлган билимларнинг фақат бир қисми берилади. Билимнинг қолган қисмини эса Сиз ўзингиз матн, хариталар, графиклар, жадваллар, адабиёт билан мунтазам ишлаб, дафтарда, ёзувсиз харитада амалий ишларни бажариб эгаллашингиз лозим. Билимларни бундай эгаллашингизда параграф матнида эслатиладиган топшириқлар Сизга ёрдам беради. Бу топшириқларнинг ўзи турига кўра ҳам (матн билан, хариталар билан, дарслик жадваллари билан, билимнинг турли манбалари билан ишлаш), мураккаблигига кўра ҳам бир-биридан фарқ қилади. Булар орасида ижодий топшириқлар ҳам бор, улар сиздан алоҳида мақсадга интилишни ва ўқув материални чуқур билишни талаб қилади. Ҳисоблашга оид айрим топшириқларни бажаришда компьютердан ва микрокалькулятордан фойдаланишга ҳаракат қилинг.

Ўз-ўзини назорат қилиш ва ўзаро назорат қилиш қисми бир қанча аниқ саволларни, кўпроқ ўқув тести шаклидаги оғзаки ва ёзма топшириқларни ўз ичига олади. Сиз бу саволлар ва топшириқлар ёрдамида ўзингиз ёки ўртоғингиз кўмагида билим ва малакаларни эгаллаш юзасидан ўз ишингизнинг баъзи бир натижаларини текшириб кўришингиз мумкин.

Дарсликда ҳар бир мавзу (боб) охирида берилган методик калит Сизга катта ёрдам беради. Бунда сиз муҳим тавсияларни топасиз. Чунончи, мана бундай: мазкур мавзунини тушуниш учун географиянинг олдин ўрганилган курсларидан ва бошқа баъзи фанлардан нималарни эслаш керак; сиз бу мавзунини ўрганиш натижасида нималарни ўзлаштиришингиз, қандай амалий малака ва кўникмаларни эгаллашингиз лозим. Бу қисмда мустақил ишлаш учун лозим бўлган топшириқларни бажариш юзасидан йўл-йўриқ ва режалар ҳам берилган. Олдинги география курсларидан зарур

билимларни эслаш учун ўқувчилар учун нашр этилган «География. Маълумотнома материаллар» китобидан фойдаланинг.

Дарслик билан ишлаганингизда унда берилган материал икки босқичга ажратиб берилганини эсдан чиқарманг. Масалан, асосий матнда ёрдамчи материални ажратиб кўрсатиш учун майда шрифт (харф) қўлланилган. Ҳамма топшириқлар ҳам асосий ва қўшимча топшириқларга бўлинган.

Маълумки, жаҳоннинг сиёсий ва иқтисодий хариталарида рўй бераётган кўп муҳим воқеалар дарслик саҳифаларида тезда ўз аксини топмайди. Бунга кейинги йилларда рўй берган воқеалар яққол мисол бўлади. Бу воқеалар илгариги кўп тасаввур ва гаърифларни жуда ўзгартириб юборди. Шу сабабли газета ва журналлар, радио ва телевидение, қомус, маълумотнома, лугат, географик атласларга мунтазам мурожаат этиб туриш жуда муҳимдир. Билим олишнинг қўшимча манбалари билан бундай ишлаш Сизнинг сиёсий ва илмий савиянгизнинг ривожланишига, мустақил ижодий ишлаш малакасини эгаллашингизга ёрдам беради. Ижодий иш малакаси ҳозирги вақтда ҳар бир киши учун зарурдир.


I қисм.

ЖАҲОННИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ

1-МАВЗУ. ЖАҲОННИНГ ҲОЗИРГИ СИЁСИЙ ХАРИТАСИ

Сиз жаҳоннинг сиёсий харитасини ўргангансиз ва уни яна 11-синф тарих курсида ўрганасиз. Унинг шаклланиши ҳақиқатан ҳам узок тарихий жараёндан иборат бўлиб, кишилик жамияти ривожланишининг бутун йўлини акс эттиради. Жаҳоннинг сиёсий

1-МАВЗУНИНГ ЧИЗМА-РЕЖАСИ



харитаси асрлар давомида ўзгариб, у давлатларнинг пайдо бўлиши ва парчаланиб кетишини, улар чегараларининг ўзгаришини, янги ерларнинг кашф қилиниши ва мустамлака этилишини, метрополия ва мустамлакаларнинг пайдо бўлишини, дунёни бўлиб олиш ва қайта таксимланишини акс эттириб келган.

Бироқ дунёнинг ҳозирги сиёсий харитаси — аввало сиёсий географиянинг ўрганиш предметидир. Сиёсий география эса иктисодий ва социал географиянинг ўзига хос тармоғидир.

1. ҲОЗИРГИ ЗАМОН МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ХИЛМА-ХИЛ ЭКАНЛИГИНИ ЎРГАНАМИЗ

1. Мамлакатларнинг сони ва уларни гуруҳлаштириш. Дунёнинг ҳозирги сиёсий харитасида 230 га яқин мамлакат ва ҳудудлар бор; буларнинг асосий кўпчилиги мустақил давлатлардир.

Мамлакатлар сонининг бунчалик катталиги уларни гуруҳлаштиришни тақозо этади. Бунда, биринчи навбатда, миқдорий кўрсаткичлар мезон қилиб олинади. Мамлакатларни ҳудудининг катталиги ва аҳолисининг сонига қараб гуруҳлаштириш энг кенг тарқалган.

1- мисол. Ҳудудининг катталигига кўра дунёда ҳар бирининг майдони 3 млн. км² дан ортиқ еттига энг катта мамлакат ажратилади, уларнинг ялпи майдони Ер юзидаги куруқликнинг $\frac{1}{2}$ қисмидан ортигини эгаллайди.

2- мисол. Аҳолиси сонига кўра ҳар биридаги аҳоли 100 млн. кишидан ортиқ бўлган ўнга энг катта мамлакат ажратилади, бу мамлакатлардаги аҳолининг ялпи сони Ер юзи аҳолисининг $\frac{3}{5}$ қисмига тўғри келади.

Дунё сиёсий харитасида ўртача ва кичикроқ мамлакатлар кўпчиликни ташкил этади. Жуда кичик давлатлар ҳам борки, улар «митти» давлатлар деб аталади. [1].

Мамлакатлар кўпинча географик ўрни хусусиятларига қараб ҳам гуруҳлаштирилади. Бу хусусиятига кўра денгиз бўйида, яриморолда, оролларда жойлашган мамлакатлар, архипелаг-мамлакатларга бўлинади.

Ҳудуди бевосита денгизга туташ бўлмаган мамлакатлар (улар жами 40 тага яқин) алоҳида гуруҳни ташкил этади. Бу мамлакатларнинг куруқлик ичкарисида жойлашганлиги денгиз йўллари ва Дунё океани бойликларидан бевосита фойдаланишни қийинлаштиради. (1- топшириқ.)

2. Мамлакатларни тоифаларга ажратиш. Иктисодий ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар. Жаҳон мамлакатлари фақат майдонининг катта-кичиклиги ва географик ўрнигагина эмас, балки социал-иктисодий ривожланиш даражасига кўра ҳам бир-биридан фарқ қиладилар.

Мамлакатларни ривожланиш даражасига кўра 1) иктисодий ривожланган ва 2) ривожланаётган мамлакатлар тоифасига бўлиш қабул қилинган.

БМТ иктисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларга Европа, Осиё, Африка, Шимолий Америка, Австралия ва

Океаниянинг жами 60 га яқин мамлакатларини киритган. Буларнинг иқтисодий ва социал ривожланишининг анча юқори эканлиги ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулотининг анча кўплиги билан ажралиб туради.

Булардан биринчи гуруҳни АҚШ, Япония, ГФР, Франция, Буюк Британия, Италия ва Канададан иборат «Ғарбнинг катта еттилик мамлакатлари» ташкил этади. Булар Ғарб дунёсининг етакчи мамлакатлари бўлиб, катта миқёсдаги иқтисодий ва сиёсий фаолияти билан ажралиб туради.

Мисол. «Еттилик» мамлакатларига жаҳон ялпи миллий маҳсулот ва саноат ишлаб чиқаришининг 50 % идан ортиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 25 % идан кўпроги тўғри келади. Бу давлатларда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ички ялпи маҳсулот (ИЯМ) 10 минг доллардан 20 минг долларга ча ташкил этади.

Ривожланган мамлакатларнинг иккинчи кичик тоифасига камроқ ривожланган мамлакатлар, биринчи галда Европа мамлакатлари киради. Бу мамлакатлар ҳар бирининг сиёсий ва иқтисодий қудрати унча катта бўлмаса ҳам, лекин умуман олганда улар жаҳон ишларида катта, шу билан бирга тобора ортиб бораётган аҳамият касб этади. Уларнинг кўпчилигида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ички ялпи маҳсулот «катта еттилик» мамлакатларидагига тенгдир.

Тарихий ёндошиш «кўчирилган капитализм» мамлакатларини алоҳида ажратишга имкон беради. Булар Буюк Британиянинг аҳоли кўчириб келтирилган собиқ мустамакалари (доминионлари) — Канада, Австралия, Янги Зеландия ва ЖАР. Бу мамлакатларда аслида феодализм бўлмаган ва улар ҳозир ҳам сиёсий ва иқтисодий ривожланишига кўра ўзига хос мамлакатлардир.

СССР парчаланиши натижасида 1991. йил охирида барпо бўлган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига (МДХ) кирган мамлакатларни алоҳида тоифага киритиш мумкин.

Колган барча мамлакатларни ва БМТ худудлари ривожланаётган мамлакатлар тоифасига киритилади. Улар бутун Ер юзи куруқлик майдонининг 1/2 қисмини эгаллайди, аҳолиси эса дунё аҳолиси сонининг ярмидан ортигини, Хитойни қўшиб ҳисоблаганда 70 % идан кўпини ташкил этади. Ривожланаётган мамлакатлар дунё сиёсий харитасида Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Океанияда экватордан шимолда ва айниқса жанубда жуда катта масофага чўзилган минтақани эгаллайди. Бу мамлакатлардан айримлари (Эрон, Таиланд, Эфиопия, Миср, Лотин Америкаси мамлакатлари ва бошқалар) иккинчи жаҳон урушидан анча олдин мустақилликка эга бўлган. Кўпчилиги эса, мустақилликка урушдан кейин эришди. Урушдан кейин 100 га яқин мустақил давлат вужудга келди ва улар озодликка эришган мамлакатлар деб атала бошлади.

Жуда катта ва турфа қиёфага эга «учинчи дунё» мамлакатлари ички шароити жиҳатидан хилма-хилдир. Улар бир қанча тоифаларга ажратилади.

Бу мамлакатларнинг биринчи тоифасини таянч мамлакатлар деб аталувчи Ҳиндистон, Бразилия ва Мексика ташкил этади. Бу мамлакатлар жуда катта табиий, аҳоли ва иқтисодий имкониятларга эга ҳамда ривожланаётган мамлакатлар орасида кўп жиҳатдан етакчи мамлакатлардир.

Мисол. Қолган ҳамма ривожланаётган мамлакатлар биргаликда қанча саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришса, бу учта мамлакат ҳам деярли шунча саноат маҳсулоти ишлаб чиқаради. Бу мамлакатларда аҳоли жон бошига ишлаб чиқариладиган ички ялпи маҳсулот иқтисодий ривожланган мамлакатлардагидан анча кам. Масалан, Ҳиндистонда ички ялпи маҳсулот қиймати атига 340 долларни ташкил этади.

Иккинчи, нисбатан яқинда пайдо бўлган давлатлар тоифасига янги саноатлашган мамлакатлар деб аталувчи озгина мамлакатлар ва ҳудудларни киритиш мумкин. Бу тоифа мамлакатларнинг типик вакиллари — Корея Республикаси, Тайвань, Гонконг, Сингапур, 70—80-йилларда ривожланаётган кўпчилик бошқа мамлакатлардан жуда ўзиб кетишди.

Унча катта бўлмаган учинчи тоифага ташқарига нефть чиқарувчи (экспорт қилувчи) мамлакатлар — Саудия Арабистони, Қувайт, Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари, Ливия, Бруней киради. Бу мамлакатларда нефть сотишдан катта даромад келганлигидан аҳоли жон бошига тўғри келувчи ички ялпи маҳсулот 10—15 минг ва ундан ортиқ долларни ташкил этади [2].

Тўртинчи, энг катта тоифага ўз тараққиётида сезиларли даражада орқада қолаётган ўнлаб мамлакатлар киради. Уларда феодализм қолдиқлари сақланиб қолаётган кўп тармоқли анча қоқоқ хўжалик кўпчилигини ташкил этади.

Бешинчи тоифага БМТ таснифига кўра энг кам ривожланган 42 та мамлакат киради (аҳолисининг умумий сони 400 млн. дан ортиқ). Бу мамлакатларда истеъмолга оид хўжалиги устун туради. Ишлов берувчи саноат деярли йўқ. Аҳолининг $\frac{2}{3}$ қисми саводсиз. Аҳоли жон бошига тўғри келувчи йиллик ички ялпи маҳсулот атига 100—200 долларни ташкил этади.

Мисол. Бу тоифага Осиёдаги Бангладеш, Непал, Афғонистон, Яман, Африкадаги Мали, Нигер, Чад, Эфиопия, Сомали, Лотин Америкасидаги Гаити киради.

БМТ ривожланаётган мамлакатлар қаторига Хитойни ҳам киритади. Хитой ижтимоий тузумига (социалистик мамлакат) кўра ҳам, ишлаб чиқаришига кўра ҳам ўз хусусиятларига эга. Лекин аҳоли жон бошига тўғри келувчи ички ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш Хитойда ҳам Ҳиндистондаги каби паст (2-тошпирнк).

2. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ДУНЁ СИЁСИЙ ХАРИТАСИГА ТАЪСИРИНИ КЎРИБ ЧИҚАМИЗ

1. Дунёнинг сиёсий харитаси. Иккинчи жаҳон урушидан кейин. Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунёнинг сиёсий харитасида бир қанча социалистик давлатларнинг пайдо бўлиши, мустамлакачилик системасининг парчаланиши ва ўнлаб озод бўлган мамлакатларнинг вужудга келиши, Қўшилмаслик ҳаракатининг ўсиши каби муҳим жараёнлар ўз аксини топди. Урушдан кейинги бутун давр асосини Ғарб билан Шарқнинг жаҳон бўйлаб қарама-қарши туриши, улар ўртасидаги «совуқ уруш» ташкил этди. Кўпдан-кўп ҳарбий-сиёсий иттифоклар, шу жумладан иккита йирик иттифок: Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти (НАТО) ва Варшава шартномаси ташкилоти (ВШТ) вужудга келди. Ер қуррасининг турли жойларида юзлаб ҳарбий базалар бунёд этилди, маҳаллий урушлар бўлиб турди.

Дунёнинг сиёсий харитасида кўпдан-кўп кескинлик ўчоқлари, регионал келишмовчиликлар (жанжаллар) вужудга келиб турди.

Мисол. Урушдан кейинги бутун давр мобайнида Форс қўлтигини ўз ичига олган Яқин Шарқ асосий «оловли нуқта» бўлиб келди. Бу ер сайёрамизнинг турли маданият ва динлар жуда мураккаб ҳолда ёнма-ён шаклланган асабий зиддиятлар тугунидир. Бу ерда фақат араб мамлакатлари билан Исроилнинггина эмас, балки бошқа кўплаб давлатларнинг ҳам манфаатлари ўзаро тўқнашган.

2. Ҳозирги замон халқаро муносабатлари ва дунёнинг сиёсий харитаси. 80-йилларнинг иккинчи ярмида халқаро муносабатларда қарама-қарши туришдан ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамкорликка ўтиш бошланди. Ўзаро ишончсизлик, хавфсираш ва душманлик ўрнига яхши кўшничилик қарор топа бошлади. Бу жараён СССР (МДХ) билан АҚШ, Европа давлатлари, Осиё-Тинч океан региони (ОТР), бошқа худудлар муносабатларида акс этди. Дунёнинг сиёсий харитасида 1990-йилда Германиянинг бирлашиши, ҳақиқий қуролсизланишнинг бошланиши Варшава шартномаси ташкилотининг тарқатиб юборилиши, НАТО нинг асосан сиёсий иттифокқа айлантирилиши каби муҳим жараён ва ҳодисалар ўз аксини топди. Кўпгина маҳаллий жанжалларни сиёсий воситалар йўли билан ҳал қилишга эришилди.

Мисол. ~~Марказий Америкадаги (Никарагуа, Сальвадор), Африка жанубидаги (Намибия, Ангола), Жануби-Шарқий Осиёдаги (Камбоджа)~~ жанжаллар музокаралар йўли билан ҳал қилинди.

Буларнинг натижасида халқаро кескинлик камая бошлади, дунё тинчроқ ва хавфсизроқ бўлиб қолди. Жаҳондаги кескинликни камайтиришда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) нинг хизмати жуда катта. БМТ қароргоҳи Нью-Йоркда

жойлашган (1- расми кўринг). 1993 йилнинг бошида БМТ нинг 180 та аъзоси бўлган (3- ижодий топшириқ).

3. ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ТУЗУМИНИ ЎРГАНАМИЗ

1. Давлатни сиёсий бошқаришнинг икки асосий шакли: республика ва монархия шакллари. Исталган мамлакатнинг давлат тузуми аввало идора қилиш, яъни бошқариш шаклига боғлиқ. Давлатни идора қилишнинг икки асосий шакли мавжуд.

Бошқаришнинг республика шакли анча кенг тарқалган. Дунёдаги мамлакатларнинг $\frac{3}{4}$ қисми республикалардир. Республика давлатни идора қилишнинг шундай бир шаклидан иборатки, бунда қонун чиқарувчи ҳокимият сайлаб қўйиладиган юқори орган — парламент ихтиёрида (2- расмга қаранг), ижро этувчи орган эса ҳукумат ихтиёрида бўлади. Озодликка эришган мамлакатларнинг асосий кўпчилиги сиёсий мустақилликка эришгач, республика бошқарув шаклини қабул қилган. Миср, Ҳабашистон ва Эрон каби собиқ монархиялар ҳам республика деб эълон қилинган.

Давлатни бошқаришнинг монархия шакли анча кам тарқалган. Ҳаммаси бўлиб 30 та монархия мамлакат бор. Монархияларда император, қирол, князь, шоҳ, султон ва бошқалар давлат бошлиғи ҳисобланади. Шуниси ҳам борки, бунда олий ҳокимият наслдан-наслга ўтади. Бундай давлатлар орасида конституцион монархиялар кўпчиликни ташкил этади. Конституцион монархияларда ҳақиқий қонун чиқарувчи ҳокимият — парламент, ижро этувчи ҳокимият эса — ҳукумат ихтиёридадир. Монарх эса «ҳокимлик қилса-да, идора қилмайди». Бундай давлатларда монархия тузуми ўзига хос тарихий, баъзан минг йиллик анъана сифатида сақланади ва «тахт-тож» нинг бир вақтлардаги қудратидан дарак бериб туради, холос.

1- мисол. Буюк Британия дунёдаги энг кекса конституцион монархия. Қирол (ҳозирги кунда қиролича Елизавета II) давлат ва суд системасининг бошлиғи, ҳарбий кучлар бош кўмондони, инглиз давлат черковининг дунёвий бошлиғи, шунингдек, Буюк Британия томонидан бошқарилувчи Ҳамдўстликнинг рамзи ҳисобланади; бу Ҳамдўстликка 50 мамлакат киради [3]. Қирол парламент қабул қилган қонунларни тасдиқлаб имзо қўяди. Қирол буйруғи нормандия истилолари замонидан бери анъанавий тарзда «Қирол (қиролича) шунинг исгайди!» деб ифода қилинади [4].

2- мисол. Япония конституцион монархиядан иборат бўлиб, унда император азалдан давлатнинг ва миллат бирлигининг рамзи бўлиб хизмат қилади. Аслида бутун қонун чиқарувчи ҳокимият — парламент қўлида, ижро этувчи ҳокимият эса — вазирлар кабинети қўлидадир [5].

Мутлоқ монархияда, аксинча, монарх. ҳокимияти деярли чекланмаган. Бироқ ҳозирги замон жаҳон сиёсий харитасида бундай мамлакатлар кам қолди.

Мисол. Саудия Арабистони — мутлоқ монархиядир. Бу ерда давлат бошлиғи бўлмиш қирол қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият вазифасини ўтайди, айни вақтда у бош вазир, ҳарбий кучлар бош қўмондони ва олий ҳакам, шунингдек диний бошқарувчи вазифаларини ҳам бажаради. Ҳукумат асосан қирол оила аъзоларидан таркиб топади [6].

2. Маъмурий-худудий тузилишнинг асосий шакллари: унитар ва федератив давлатлар. Исталган мамлакатнинг давлат тузилиши, шунингдек, унинг маъмурий-худудий шакли билан ҳам ифодаланади. Бу жihatдан барча мамлакатлар унитар¹ ва федератив² давлатларга бўлинади. Жаҳоннинг 20 га яқин мамлакати федератив тузумга эга. Булардан айримларида (Россия, Бельгия, Хиндистон, Нигерия) федератив тузилиш миллий-этник тамойил билан, бошқаларида эса (ГФР, Австрия, АКШ) тарихий-географик хусусиятлари билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда кўп мамлакатларда маъмурий-худудий тузилиш масаласи муҳим сиёсий муаммо бўлиб қолган (4- топширик.)

Асосий хулоса. *Дунёнинг сиёсий харитаси ҳар бир даврнинг ўзига хос кўзгуси. У тўхтовсиз ривожланишда бўлади. Бироқ у бутун инсоният тарихида ҳеч қачон XX асрдагидек кучли ўзгармаган (5- якуний топширик).*

ҚЎШИМЧА МАТН

(Қизикарли маълумотлар)

[1] Хорижий давлатлар орасида майдонининг катталигига кўра иккинчи ўриндаги давлат Канада. Унинг жанубий чегараси Рим кенглигига тўғри келади, Шимолий архипелаги оролларида Шимолий кутбгача бўлган масофа атиги 700 км. Канада гербида (тамғасида) «Денгиздан денгизгача» деб ёзилган лента бор, унинг байроғидаги қизил рангли икки ёни ҳам шунинг тимсолидир. Австралия байроғидаги мовий ранг ҳам бу материк давлатни ўраб олган океан тимсолидир.

[2] Нефть сотишдан келадиган долларлар ҳисобига бу мамлакатларнинг бошқарувчи амалдорлари айниқса бойиб кетишди. Чунончи; Бруней султони, номини тўлиқ айтганда, Муда

¹ Унитар давлат (лотинча *unitas* — бирлик) шундай давлат — худудий тузилиш шаклига эгаки, бу тузумда мамлакатда ягона (бир бутун) қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият мавжуд бўлади.

² Федератив давлат (лотинча *federatio* — иттифок, бирламчи) шундай маъмурий-худудий тузилиш шаклига эгаки, унда ягона (Федерал) қонунлар ва ҳокимият органлари билан бирга давлатлар таркибида айрим худудий бириклар (республика, музофотлар, ерлар, штатлар ва х. к.) мавжуд бўлиб, улар мустақил қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд қонунларига ҳамда ҳокимият органларига эгадир.

Хасанал Бўлкиёх Муъзаддин Ваддаулох дунёдаги энг бой киши ҳисобланади.

[3] Ҳамкорликдаги 15 та мамлакатда давлатнинг расмий бошлиғи деб Буюк Британия қироличаси ҳисобланади, у мамлакатлардаги генерал-губернаторни тайинлайди. Буюк Британиянинг собиқ доминионлари — Канада, Австралия, Янги Зеландияда шундай. Илгари бу мамлакатларда Англия онаси» иборасидан, шу жумладан «Эй худо қироличани сақлагин» деган мадҳия фойдаланилар эди. Энди Канада ва Австралиянинг ўз мадҳиялари бор. У «Оҳ, Канада» ва «Одга, гўзал Австралия» деб бошланади.

[4] Ҳар йили ноябрь ойида Лондон шаҳрида энг катта тантана ва дабдаба билан ўтадиган анъанавий маросимлардан бири — қироличанинг ўз қароргоҳи — Букингем саройидан парламент биноси — Вестминстерга подшоҳ нутқини сўзлаш учун кўчиб ўтишидир. Бу тантанада қироличанинг олти жуфт оқ от кўшилган зарҳар файтонини ўрта аср либосини кийиб олган отлик гвардия эскадрони бошлаб боради; Отлик гвардия эғнига Ватерлоо жанги замонидаги тантанавор ҳарбий анжом кийиб олади (3- расми кўринг).

[5] Япониянинг давлат тузуми 1947 йилда конституция қабул қилинганга қадар мутлақ монархия бўлиб, монархия қонунлари императорга чекланмаган ҳокимият бериб, уни илоҳийлаштирар эди. 1947 йилда мутлоқ монархия бекор қилинди, бироқ мамлакатда сақланиб қолган анъанага кўра бу ердаги йил ҳисоб (сана)ларнинг бири навбатдаги императорнинг давлат бошига келишидан бошланади.

Тахтга 1989 йил бошида император Акихито келиши муносабати билан боғлиқ янги йил ҳисоби «Хэйсэй» деб атала бошлади. «Хэйсэй» — «бутун дунёда, Ерда ва осмонда тинчликни барқарор топтириш» демакдир.

[6] Саудия Арабистонининг биринчи қироли Абдул Азиз Ибн Сауд бўлиб, у 1932 йилдан то 1953 йилгача ҳукмронлик қилган. Унинг 17 та расмий хотини бўлиб, улардан бештаси «биринчи хотин» унвонига эга эди. Ҳозирги кунда қирол сулоласида турли даражада қариндош бўлган 5 мингга яқин эркак бор. Мамлакатдаги барча юқори лавозимларни ушбу сулола вакиллари бўлашиб олишган.

Китоб жавонингизга

1. Ежегодник Большой Энциклопедии (БЭ). — М.:
2. Жаҳон мамлакатлари: Справочник. Тошкент: Ўзбекистон, 1990.

БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИНАДИГАН БЎЛИМ

1-топширик. Атласдаги дунёнинг сиёсий харитаси ва мамлакатлар тўғрисидаги дарслик форзацида берилган («визит

карточка») маълумотлардан фойдаланиб, куйдагиларни дафтарингизга ёзиб олинг: а) дунёда худудига кўра энг катта етти мамлакат, б) аҳолиси сони 100 млн. кишидан ортадиган дунёдаги энг катта ўн мамлакат, в) яриморол ва оролларда жойлашган ва архипелаг-мамлакатларга мисоллар, г) материк ичкарасида жойлашган мамлакатларга мисоллар. Бу иш натижаларидан дарслик матнини ойдинлаштиришда фойдаланиш. Қани айтинг-чи, бу маълумотлар дарсликдаги қайси фикрларни тасдиқлайди?

Кўшимча топшириқ (ўйин учун).

«Дунё мамлакатлари» кроссвордини тузинг.

2-топшириқ. Дарслик матни ва атласдаги дунёнинг сиёсий харитасидан фойдаланиб, дафтарингизга турли тоифага мансуб бўлган ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардан бир неча мисоллар ёзиб олинг. Ўртоқларингиз бажарган топшириқларни текшириб кўринг.

3-топшириқ (ижодий).

Дарслик матни, вақтли матбуот, радио ва телекўрсатув маълумотларидан фойдаланиб, 90-йилларда дунёнинг сиёсий харитасида рўй берган ўзгаришларни кўрсатувчи мисоллар келтиринг.

4-топшириқ. Мамлакатлар ҳақидаги дарслик форзацидаги маълумотлар асосида «Дунё мамлакатларининг давлат тузуми» номли куйидаги жадвални тузинг.

Давлатни бошқарув шакли			Давлатнинг маъмурий-худудий тузилиши шакли	
Монархиялар				
Республика	Конституцион	Мутлоқ	Унитар давлатлар	Федератив давлатлар
1	2	3	4	5

Ҳар бир устунга мисол тариқасида бир нечта давлатнинг номини ёзинг. Иш натижаларидан дарслик маълумотларини ойдинлаштиришда фойдаланинг. Ўртоқларингиз бажарган топшириқни текшириб кўринг.

5-топшириқ (якуний). 1. 1-мавзунинг асосий матнини таҳлил қилинг. Уни параграфлар, кичик параграфлар ва мазмунига кўра кичик қисмларга бўлинишини кўриб чиқинг. Ушбу матнларда нима учун сўзлар гоҳ ёйиб, гоҳ ёзмача, гоҳ тўқ қора ранг билан ёзилиши сабабларини тушунтириб беринг.

2. Шу матнга доир икки-уч савол тузиб, унга жавоб беринг. Синфдаги ўртоқларингиз билан бир-бирларингиз ишларингизни текширинг.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ВА ЎЗАРО НАЗОРАТ БЎЛИМИ

Сиз қўйидагиларни қандай тушунтирасиз?

1. Ҳозирги замон давлатларининг хилма-хиллиги нималарда ифодаланган?

2. Жаҳон мамлакатлари бошқарув шакли ва маъмурий-худудий тузумига қараб, бир-бирдан қандай фарқ қилади?

Биласизми?

1. АҚШ, ГФР, Франция, Буюк Британия, Япония мамлакатлари ўртасида қандай умумийлик бор?

2. Қўйида санаб ўтилган қайси мамлакатлар а) республика бошқарув шаклига эга бўлган мамлакатларга ва б) федератив маъмурий-худудий тузумга эга бўлган мамлакатларга мисол бўла олади? Болгария, Польша, Буюк Британия, Франция, Япония, Саудия Арабистони, Куба, АҚШ, ГФР, Ҳиндистон, Миср, Бразилия.

Қўйидагиларни бажара оласизми?

1. Дарслик матнида ва хариталарида эслатиб ўтилган қўйидаги мамлакатларни ўз хотирангизга асосланиб ёзувсиз харитага тушира оласизми? Россия, Франция, Хитой, Япония, Саудия Арабистони, Сурия, Нигерия, Ирок, АҚШ, Канада, Бразилия, Австралия.

2. «Қўчирилган капитализм» мамлакатлари номларини айта оласизми?

3. «Суверен (мустақил) давлат», «республика», «Федератив давлат» атамаларини изоҳлаб беринг.

I-МАВЗУ УЧУЎ МЕТОДИК ОЧҚИЧ.

Нималарни эсламоқ керак:

1. Капитализмнинг галабаси ва қарор топиш давридаги дунё сиёсий харитасининг асосий белгилари (Тарих, 9- синф).
2. Ҳозирги замон сиёсий харитасининг асосий белгилари (География, 7- синф).
3. Ўзбекистоннинг миллий-давлат тузилиши ва маъмурий-худудий бўлиниши (География, 9- синф).

Нима қилишни билиш керак:

I-мавзунинг асосий ғоялари

1. Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги юздан ортиқ давлатнинг халқаро майдонга чиқиши ҳозирги замоннинг буюк ҳақиқатидир. 2. Ядро уруши сиёсий, иқтисодий, ғоявий ва бошқа ҳар қандай мақсадларга эришиш воситаси бўла олмайди.


1- мавзунинг асосий илмий маълумотлари

1. Ҳозирги замон давлатларининг хилма-хиллиги ва мамлакатлар тоифалари. 2. Халқаро муносабатларнинг янги босқичи ва унинг жаҳоннинг ҳозирги сиёсий харитасида акс этиши. 3. Дунё мамлакатларининг бошқарув ва маъмурий-худудий тузумининг асосий шакллари. 4. Мавзудаги кўрсаткич (таянч) сўзлар: 1) суверен (мустақил) давлат, 2) озодликка эришган мамлакат, 3) регионал жанжал (конфликт), 4) республика, 5) монархия, 6) унитар давлат, 7) федератив давлат.

Нималарни билиб олмоқ керак:

1. Ҳозирги жаҳон мамлакатларининг гуруҳ ва тоифаларини қисқача таърифлаб, буларга мисоллар келтириш. 2. Маълумотларни тартибга солувчи жадваллар тузиш. 3. Мавзудаги асосий маълумотларни қўшимча адабиёт, газета ва журналлар, радио ҳамда телеэшиттиришлар маълумотлари билан мустаҳкамлаш ва асослаш. 4. Дарслик матни тузилишини таҳлил қилиш.

2- МАВЗУНИНГ ЧИЗМА РЕЖАСИ



2- МАВЗУ. ЖАҲОН ТАБИАТ РЕСУРСЛАРИ ГЕОГРАФИЯСИ АТРОФ-МУҲИТНИНГ ИФЛОСЛАНИШИ

Сиз табиат ресурслари ва экологик муаммолар билан географиянинг олдинги курсларида танишишни бошладингиз. Энди биз Сизлар билан уларни ўрганишни давом эттираемиз. Бу масала ҳозирги замон география фанида «жароқатга келтирувчи», бош масала бўлганлиги учун ҳам айниқса муҳимдир. Бу масала географияни амалиёт билан, олдиндан башорат қилиш билан яна мустаҳкамроқ боғлайди. География фанида кейинги ўн йилликларда табиат бойликлари географияси, геоэкология, тиббий география, рекреацион география каби янги илмий йўналишлар шаклланди.

1. БИЗ ЖАМИЯТ БИЛАН ТАБИАТНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИНИ ЎРГАНАМИЗ

1. Географик (атроф) муҳит ҳақида тушунча. «Табиат» ва «географик муҳит» тушунчаларининг маъноси аслида бир хил. Бироқ табиат тушунчаси кенгроқ тушунча. Географик муҳит географик қобикнинг инсон таъсирида узоқ давом этган эволюцияси, заводлар, шаҳарлар, каналлар, транспорт йўллари ва бошқалар, яъни «иккиламчи табиат» бунёд этилиши натижасида вужудга келган.

Географик муҳит деб Ер табиатининг кишилик жамияти тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичида ўзининг ҳаёти ва ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита таъсир кўрсатиб турадиган қисмига айтилади.

Кейинги вақтларда илм соҳасига географик муҳит тушунчаси билан бирга атрофни ўраб олган табиий муҳит (қискача қилиб айтилганда атроф-муҳит) тушунчаси кириб келди.

Географик муҳитнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятига баҳо беришда икки хил хатога йўл қўйиш мумкин: унинг таъсирига ортикча баҳо бериб юбориш ва етарли баҳо бермаслик. Бу ҳар иккала хил хато илм ва амалиётда асрлар давомида кенг тарқалди ва кўп салбий оқибатларга олиб келди. Айниқса табиий муҳитга етарли баҳо бермаслик кишиларни табиатни «бўйсундириш»га ундаб, кўпроқ салбий оқибатларга сабаб бўлди.

Географик муҳит жамиятнинг ҳаёти ва фаолияти учун зарур шартдир. Табиий муҳит инсонларнинг яшаши учун макон, ресурсларнинг муҳим манбаи бўлиб, кишиларнинг маънавий дунёсига, уларнинг соғлигига, руҳиятига катта таъсир кўрсатади.

2. Жамият билан табиат ўртасида «модда алмашинуви» сифат жиҳатидан янги босқич. *Инсон жамиятининг бутун тарихи унинг табиат билан, географик муҳит билан ўзаро таъсири тарихидир.* Жамият ҳар доим фаол куч бўлиб келган бу ўзаро таъсир жараёнида, К. Маркс таъбири билан айтганда, улар ўртасида мунтазам «модда алмашинуви» рўй бериб турган. Бу модда алмашинуви мураккаб ва кўп ҳолларда қарама-қарши аворда бўлган.

XX асрда жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро таъсирда сифат жиҳатидан янги босқич бошланди. Жамиятнинг табиатга «таъйиқи» кучайди. Табиий ландшафтларнинг антропоген ландшафтларга — шаҳар, тоғ саноати (5-расмга қаранг), қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, рекреацион ландшафтларга айланиши ниҳоятда тезлашиб кетди, янги-янги ҳудудларга ёйилди.

Шунга қарамадан географик муҳитнинг инсон томонидан қанчалик даражада ўзгартирилганлиги масаласи ҳозиргача мунозарали масала бўлиб қолмоқда. Бу масалани академиклардан Д. С. Берг (1876—1950), А. А. Григорьев (1883—1968), С. В. Калесник (1901—1977), И. П. Герасимов (1905—1985) ва бошқа кўп географлар ўрганишган. Бир гуруҳ олимлар Ернинг барча ёки деярли барча табиий ландшафтлари ҳозирги даврда антропоген ландшафтларга айланган деб ҳисоблайдилар. Бунда улар XIX аср охирида Германияга германлар келган вақтдаги табиий муҳитдан «жиндайгина» қолган эди, деб ёзган Ф. Энгельсга ишора қилишади. Бошқа олимлар эса табиий муҳитга бу жиҳатдан баҳо беришда анча эҳтиёткорона ёндашдилар.

Мисол. Москва дорилфунуни географ олимларининг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги вақтда антропоген ландшафтлар бутун қуруқликнинг 60 фоиздан ортиқроқ қисмини эгаллаган. Шу жумладан қуруқликнинг тахминан 20 фоиз ерида табиий ландшафтлар, бутунлай ўзгарган: булар шаҳар ва қишлоқлар, экинзор ва боғлар, йўллар, қонлар, экилган ўрмонлар ва истироҳат жойлари [1].

Жамият табиатдан тобора кўпроқ ресурсларни оладиган ва шу билан бир вақтда табиатга ўз фаолиятининг тобора кўпроқ чиқиндиларини чиқариб ташлайдиган бўлиб қолди. Шу йўл билан бир-бири билан боғланган иккита муаммо: 1) *табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш*; 2) *атроф-муҳитни ифлосланишидан муҳофаза қилиш муаммолари вужудга келди.*

2. БИЗ ЖАҲОН ТАБИАТ РЕСУРСЛАРИГА БАҲО БЕРАМИЗ

1. Ресурслар билан таъминланганлик тушунчаси. Ернинг географик қобилиги жуда кўп ва хилма-хил табиий ресурсларга

эга. Бирок ресурсларнинг ҳар хил турлари миқдори жуда катта фарқ қилади ва улар Ер юзидан нотекис тарқалган. Бунинг оқибатида айрим ҳудудлар, мамлакатлар, ўлкалар, ҳатто материклар ҳам ресурслар билан турлича таъминланган.

Ресурслар билан таъминланганлик деганда табиат ресурслари миқдори билан улардан фойдаланиш миқдори ўртасидаги нисбат тушунилади. У мазкур ресурс етадиган йиллар сони билан ёки ресурсларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори билан ифодаланади.

Албатта ресурслар билан таъминланганлик кўрсаткичи муайян ҳудуднинг табиий ресурсларга бой ёки камбағаллигига боғлиқ. Лекин ресурслар билан таъминланганлик, шунингдек улардан фойдаланиш кўламига ҳам боғлиқ бўлганлиги сабабли, бу тушунча табиий тушунча бўлмай, социал-иқтисодий тушунчадир.


Мисол. Олимларнинг ҳисобларига кўра, минерал ёқилгининг жаҳондаги умумий геологик захираси 12,5 триллион т шартли ёқилгидан ортиқ. Бу ҳозирги даражада қазиб олинадиган бўлса, минерал ёқилги 1000 йилдан ортиқ вақтга етади демакдир. Бирок қазиб олиш мумкин бўлган захиранини ва ёқилги истеъмолининг ошиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, бу муддат бир неча барабар қисқаради.

Маълумки, узок келажакка мўлжалланган таъминланганлик даражаси табиий ресурсларнинг қайси турига, яъни тугайдиган (тикланмайдиган ва тикланадиган) ёки тугамайдиган турига киришига ҳам боғлиқдир (1-ижодий топшириқ).

2. Минерал ресурслар: улар етарли-ми? Қишилар қадимги замонларданок бу ресурслардан баъзи бирларини ишлатишни ўрганиб олишган. Бу ҳол инсон маданий тараққиёти даврларининг турли номлар, чунончи «тош асри», «бронза асри», «темир асри» каби номлар билан аталишида ҳам ўз аксини топган.

Бизнинг давримизда минерал ресурсларнинг 200 дан ортиқ туридан фойдаланилади. Академик А. Е. Ферсман (1883—1945) таъбири билан айтганда, ҳозирги вақтда инсоният қўл остида бутун Менделеев даврий жадвали муҳайё бўлган [2].

Шу билан бирга Ер пўстини кишиларнинг истагига қараб Ер бағри дурдоналарини исталган миқдорда стказиб берадиган сеҳрли очил дастурхон деб қарамаслик керак. Бунга сабаб: биринчидан, *деярли барча минерал ресурслар тикланмайдиган ресурслар турига киради*. Иккинчидан, ресурслар



1-расм. Ер бағридан қазиб олинадиган минерал хом ашё ҳажми.

лар айрим хилларининг жаҳондаги заҳираси бир хил эмас (1- жадвалга қаранг). Ниҳоят, учинчидан, инсониятнинг «иштаҳаси» тўхтовсиз ошиб боради (2- топширик).

Сизга маълумки, Ер пўстида фойдали қазилмаларнинг жойлашиши геологик (тектоник) қонуниятларга бўйсунди.

1- жадвал

Фойдали қазилмалар айрим турларининг умум жаҳон заҳираси

Фойдали қазилмалар турлари	Ўлчов бирлиги	Умумий геологик заҳираси	Шу жумладан текширилган заҳираси
Кўмир	млрд. т	14800	1200
Нефть	млрд. т	400	150
Табий газ	трлн. м ³	320	135
Темир рудаси	млрд. т	400	1500

Ёқилги фойдали қазилмалар келиб чиқишига кўра чўқинди бўлиб, қадимги платформаларнинг устини қоплаган жинслар орасида ҳамда ички ва чеккадаги буқилма ботиқларда жойлашган бўлади.

Ер қуррасида 36 мингдан ортиқ кўмирли ҳавзалар ва конлар бўлиб, улар биргаликда қуруқлик майдонининг 15 фоизини эгаллаган. Бир хил геологик ёшга эга бўлган кўмир ҳавзалари кўпинча минглаб километрга чўзилиб кетган кўмирли минтақаларни ҳосил қилади. Асосий кўмир заҳиралари Осиё, Шимолий Америка ва Европада бўлиб, ўнта йирик ҳавзада тўпланган.

600 дан ортиқ нефть-газли ҳавзалар ўрганилган, улардан 450 тасидан нефть-газ қазиб олинади, конларнинг умумий сони 35 мингтага етади. Уларнинг асосий заҳиралари шимолий яримшарда бўлиб, мезозой ётқизиклари орасида жойлашган. Нефть-газ заҳирасининг асосий қисми ҳам унча кўп бўлмаган энг йирик ҳавзаларда тўпланган (3- топширик).

Рудали фойдали қазилмалар қадимги платформаларнинг заминида ва уларнинг ер юзига чиққан қисмларида (қалқонларда), шунингдек, бурмаланган ўлкаларда жойлашган. Рудали фойдали қазилмалар кўпинча жуда катта рудали (металлогеник) минтақаларни ҳосил қилади ва улар ҳосил бўлишига кўра Ер пўстининг чуқур ёриқларига боғлиқдир. Бундай минтақалар ҳудуди (Альп-Химолай, Тинч океан ҳалқаси) тоғ-кон саноати учун ҳам ашё базаси бўлади ва айрим ўлкалар ва ҳатто бутун-бутун мамлакатларнинг хўжалик ихтисосини белгилайди.

Рудамас фойдали қазилмалар ҳам кенг тарқалган. Уларнинг конлари платформаларда ҳам, бурмаланган ўлкаларда ҳам учрайди.

Литосфера ресурсларига Ернинг ички энергиясини, яъни геотермал энергияни ҳам киритиш керак. Геотермал энергия ресурслари 50 та мамлакатда кидириб топилган. Бундай ресурслар сейсмик ва вулкан фаолияти кучли ўлкаларда (Исландия, Италия, Янги Зеландия, Филиппин, Мексика, Камчатка, Шимолий Кавказ, Калифорния) айниқса каттадир.

Бир жойда бир неча хил фойдали қазилмаларнинг тўпланиши хўжаликда ўзлаштириш учун энг фойдали бўлиб, хом ашёга комплекс ишлов беришни, йирик худудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг таркиб топишини енгиллаштиради. Географ олимлар томонидан ишлаб чиқилган фойдали қазилмаларнинг ана шундай уйғунлиги ҳақидаги илмий қарашлар катта амалий аҳамиятга моликдир.

Ҳозирги вақтда фойдали қазилмаларни кидириш икки йўналишда ҳам чуқурга, ҳам энига томон олиб борилмоқда. Чуқурга томон йўналиш Ер пўстининг юза қатламларидаги кўпчилик конлар қазиб олиб бўлинган Хорижий Европа, Россиянинг Европа қисми, Украина, АҚШ учун хосдир. Бундай конларда қазилмаларни қазиб олишнинг тоғ-геологик шароити ёмонлашяпти, конлар чуқурлашиб борапти.

Энига томон йўналиш Россиянинг Осиё қисмида, Канада, Австралия, Бразилияда кенг тарқалган. Бу жойларда конларни қазиб олиш нисбатан яқинда бошланган. Қазиб олишнинг тоғ-геологик шароити бу жойларда одатда анча қулай, конлар унчалик чуқур эмас.

3. Ер ресурслари: қарама-қарши икки жараён рўй берапти. Ер — табиатнинг энг асосий ресурсларидан бири, ҳаёт манбаи. «Бойликнинг отаси меҳнат, онаси эса ердир» деб бекорга айтилмаган. Ер ресурслари одамлар яшаши учун ҳам ва бутун хўжалик тармоқлари учун ҳам зарур.

Инсониятнинг ер билан таъминланганлик даражаси жаҳон ер фонди билан белгиланади, у 13,4 млрд. гектарни ташкил этади. Сиз 6-расмда кўриб турганингиздек, ер фондининг таркиби умуман олганда унчалик қулай эмас. Ишлов бериладиган ерлар энг қимматбаҳо ер ҳисобланади, бундай ерлар инсониятга зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотининг 88 фоизини беради. Ишлов бериладиган (биринчи галда ҳайдаладиган) ерлар сайёрамизнинг асосан ўрмонлар, ўрмондашт ва дашт зоналарида жойлашган. Ўтлоқ ва яйлов ерларнинг ҳам аҳамияти катта, улар инсоният истеъмол қиладиган озиқ-овқатнинг 10 фоизини беради.

Бироқ *сайёрамиз ер фондининг таркиби ўзгариб туради.* Ер фонди таркибига бир-бирига қарама-қарши бўлган икки жараён тўхтовсиз таъсир кўрсатади.

Бир томондан, инсоният минглаб йиллар давомида яшаш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланишга қулай бўлган ерларни кенгайтириш учун зўр бериб курашиб келади. Фақат ХХ асрнинг ўзида ҳайдаладиган ерлар майдони икки ҳисса кўпайди. Бунда кўриқ ерларни катта кўламда ўзлаштирилганлиги жиҳатидан Россия, Қозоғистон, АҚШ, Канада, Хитой, Бразилия алоҳид


ажралиб туради. Лекин ери кичик, аҳолиси зич ўрнашган мамлакатлар (Нидерландия, Япония ва бошқалар) денгизларнинг қирғоқ бўйи қисмларини жадал ўзлаштиришяпти.

Иккинчи томондан, ерлар тўхтовсиз ориқлаб боряпти. Эрозия оқибатида ҳар йили 6—7 млн. гектар ер қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб қоляпти. Ерларнинг ботқоқланиши ва шўр босиши оқибатида яна 1,5 млн. гектар ер ишдан чиқяпти. Шахарлар ўсиб борган сари турар жой, саноат ва транспорт қурилишлари ҳам қишлоқ хўжалиги ерларига тобора жадал босиб бормоқда. Жаҳоннинг қурғоқчил ўлкаларида содир бўлаётган чўллашиш жараёнлари қишлоқ хўжалиги ерларини қаърига ютиб юборяпти.


Мисол.— Чўллашиш ҳозирнинг ўзидаёқ 900 млн. гектардан ортик ерни «ютиб» юборди ва яна, ўнлаб мамлакатларда, асосан ривожланаётган мамлакатларда 3 млрд. гектар ерга хавф соляпти (атласнинг 5-бетидаги харитага қаранг). Саҳрои Кабир, Атакама, Тар, Намиб ва бошқа чўллар кенгайиб боряпти. Олимларнинг ҳисобларига қараганда, чўллашиш ҳозирги суръат билан давом этадиган бўлса, келгуси 30 йил давомида Ғарбий Европанинг ярмига тенг келадиган ерни ишдан чиқаради [5].

Бу жараёнлар натижасида ерга тушаётган тазйиқ тўхтовсиз ортиб боряпти, ер ресурслари билан таъминланганлик даражаси эса пасайиб кетяпти. Сиз фалокат даракчиси sos ни яхши биласиз (sawe our souls), инглизчадан таржимаси «бизнинг жонимизни сақлаб қолинг» бўлади. Ҳозирги вақтда жаҳон тупроқшунослари sos рамзли дастурни (sove our soils) амалга оширяптилар. Бунинг маъноси — «бизнинг тупроқларни сақлаб қолинг». БМТ идоралари раҳбарлигида чўллашишга қарши кураш юзасидан катта ишлар амалга ошириляпти. Бу ишда географлар фаол қатнашяптилар (4- топшириқ).


4. Курукликнинг сув ресурслари: чучук сув муаммоси. Яқиндагина сув ҳам ҳаво каби табиатнинг текин инъомларидан бири ҳисобланар эди; фақат обикор дехқончилик жойларидагина сув ҳамма вақт юқори баҳоланиб келган.




2- расм. Жаҳон ер фондининг майдони тузилиши ва ўлчами.



3-расм. Ерлар билан таъминланганлик даражаси



4-расм. Дарё сувлари билан таъминланганлик даражаси



5- расм. Урмон бойликлари билан таъминланганлиги.

Кейинги вақтларда қуруқликдаги сув ресурсларига муносабат ўзгаради. Бунга сабаб шунки, чучук сув ресурслари гидросфера умумий ҳажмининг 2,5 фоизинигина ташкил этади. Бунинг устига, чучук сувнинг асосий қисми Антарктида, Гренландия музликларига, Арктика музлари, тоғ музликларига жамлаб қўйилган ва hozirча улардан амалда фойдаланиб бўлмайд.

Муаммо шундаки, инсониятнинг чучук сувга бўлган эҳтиёжини таъминлайдиган асосий манба дарёлар суви бўлиб, унинг миқдори бор-йўғи 47 минг км³ га тенг. Бу миқдор унчалик кўп эмас, бунинг устига бу сувнинг ҳам фақат ярмидан фойдаланиш имкони бор. Чучук сувни ишлатиш тўхтовсиз ортиб бормоқда ва 2000 йилга бориб йилига 5 минг км³ дан ошиб кетади, 1980 йилда 3,5 минг км³ эди. Шун билан бирга сув энг кўп қишлоқ хўжалигида сарф бўлади. Қишлоқ хўжалигида, айниқса обикор деҳқончиликда ишлатилган сув асосан ўрнига қайтмайди. Дарёлар сув ресурслари ўзгармаган ҳолда сувдан фойдаланишининг бундай ўсиб бориши чучук сув танқислиги юзга келиши хавфини вужудга келтиради.

Ер юзид а чучук сув жуда нотекис тақсимланган. Экваториал минтақада ва муътадил минтақанинг шимолий қисмида чучук сув етарли ва ҳатто ортиқча ҳам. Бу жойларда сувга энг сероб мамлакатлар жойлашган. Уларда аҳоли жон бошига йилига 25 минг м³ дан ортиқ сув тўғри келади. Қуруқликнинг 1/3 қисмини ташкил этган қуруқчил минтақаларида сув танқислиги жуда кескин сезилади. Бу ерларда сувга энг

камбагал мамлакатлар жойлашган. Уларда киши бошига 5 минг м³ дан кам сув тўғри келади ва қишлоқ хўжалигини ерларни сунъий суғорибгина юритиш мумкин.

Бунда сувнинг микдоринигина эмас, унинг сифатини ҳам ҳисобга олмок керак. Ер кураси аҳолиснинг фақат $\frac{1}{3}$ қисми яхши сифатли сувдан фойдаланади, $\frac{1}{3}$ қисми яхши сифатли сув билан етарлича таъминланмаган ва қолган $\frac{1}{3}$ қисми сифатсиз сувдан фойдаланади. Ривожланаётган мамлакатларда мана шундай сув кўпгина касалликлар тарқаладиган асосий манба ва ўлимнинг кўплигига сабаб бўлади.

Инсониятнинг сув муаммосини ечишнинг бир неча йўллари мавжуд. Бу йўللاردан асосийси, афтидан, ишлаб чиқариш жараёнларининг сувга талабини камайтириш ва сув исрофгарчилигини қисқартиришдир. Дарёлар оқимини бошқарадиган сув омборларини қуриш катта аҳамият касб этади.

Мисол. Жаҳонда ҳаммаси бўлиб, умумий сув ҳажми 6,5 минг км³ бўлган 30 мингдан ортиқ сув омбори бунёд этилган. Бунга сув Ер кураси дарёларида бир вақтда мавжуд бўлган сувдан 3,5 баробар кўпдир. Бу сув омборларининг умумий майдони 400 минг км² дан ортиқ ёки Азов денгизи майдонидан 10 баравар катта. Катта сув омборларининг кўплиги билан АҚШ ва Россия алоҳида ажралиб туради (атласнинг 8- бетидаги харитани кўринг).

АҚШ, Канада, Австралия, Ҳиндистон, Мексика, Хитой, Миср ва МДХ га кирган мамлакатларда сувни ҳудудларда қайта тақсимлаш ишлари амалга оширилган ва лойиҳалаштирилган. Бироқ кейинги вақтларда бир дарё ҳавзасидан бошқа дарё ҳавзасига сувни оқизиш юзасидан тузилган йирик лойиҳалар иқтисодий ва табиий муҳофазаси мулоҳазалари сабабли бекор қилинди. Форс қўлтиги, Ўрта денгиз бўйларидаги мамлакатларда, Туркменистонда Каспий денгизиде, АҚШнинг жанубида, Японияда, Қариб денгизи оролларида денгиз сувини чучитиш амалга ошириляпти; дунё бўйича Қувайтда сув энг кўп чучитилади. Чучук сув эндиликда жаҳон бозориде сотиладиган товарга айланиб колди. Чучук сув денгиз кемаларида ташилади, узокка чўзилган кувурлар орқали юборилади [4]. Антарктикадан айсбергларни тортиб олиб кетиш лойиҳалари тузилмокда. Антарктикадан ҳар йили ёзда иссиқ минтақаларга 1200 млн. чучук сув жамланган музлар сузиб кетади [5] (5- топширик).

Сизга маълумки, дарёлар сувидан электр энергияси олиш учун ҳам фойдаланилади. Жаҳоннинг фойдаланиш мумкин бўлган гидроэнергетика захираси 10 трлн. кВт. с электроэнергияси олиш мумкин деб ҳисобланади. Бу гидроэнергетика захирасининг $\frac{1}{5}$ қисмига яқини 6 та мамлакатга тўғри келади: булар — Хитой, Россия, АҚШ, Заир, Канада, Бразилия.

5. Биологик ресурслар: камайиб кетишини тўхтатмоқ лозим!

Ернинг биологик моддаларини ўсимликлар билан ҳайвонлар бунёд этади.

Ўсимлик ресурслари маданий ва ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлардан иборатдир. Маданий ўсимликларнинг турлари деярли 6 мингга этади. Лекин ердаги кўп тарқалган кишлок хўжалик ўсимликлари 80—90 турни, энг кўп тарқаганлари 15—20 турни ташкил этади.

Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар орасида ўрмон ресурсларини ҳосил қилувчи ўрмон ўсимликлари кўпчиликини ташкил қилади. Ўсимлик ресурслари ҳам тупроқ ресурслари сингари тугайдиган, лекин тикланадиган ресурслар ҳисобланади. Улардан кўп хил мақсадларда фойдаланилади. Жаҳон ўрмон ресурслари иккита кўрсаткичи билан: эгаллаган майдони (4 млрд. га) ва ёғоч захираси (350 млрд. м³) билан ифодаланади. Доим ўсиб турганлиги туфайли ёғоч захираси ҳар йили 5,5 млрд. м³ кўпаяди. Шундай экан, ўрмон ресурслари захирасининг етишмай қолиши ҳақида ҳозир гапирмаса ҳам бўладиганга ўхшайди. Аслида бундай эмас. Ёғочдан қадим замонлардан қурилиш ва ишлов бериш материали сифатида фойдаланиб келинади, ёғоч ҳозир ҳам бундай аҳамиятини йўқотгани йўқ [6]. Ҳозирги вақтда ҳам ёғочга талаб ошиб борапти, дунёда тайёрланадиган ёғочнинг $\frac{1}{2}$ қисми шу мақсадларга сарфланади. Яна деҳқончилик пайдо бўлган неолит давридан бошлаб минглаб йиллар давомида ўрмонлар экин экишга ер очиш учун йўқ қилинади. Фақат кейинги икки юз йилда қуруқликдаги ўрмонлар икки барабар камайди ва у хавфли тус олди. Тупроқлар ювилиб кетишининг кучайиб кетиши ва атмосферада кислороднинг камайиши ўрмонларнинг йўқолиши билан боғлиқдир.

Мисол. Дунёда ўрмонлар майдони ҳар йили кам деганда 25 млн. гектарга ёки 0,5 % га қисқаради. Дунёда тайёрланадиган ёғоч миқдори 2000 йилга бориб 5 млрд. м³ га етиши керак. Бу эса йиллик пайдо бўладиган ёғоч захираси тўлик фойдаланилади деган сўздир.

Дунёдаги ўрмонлар жуда катта масофага чўзилган иккита минтақани ҳосил қилади: шимолий ва жанубий.

Шимолий ўрмон минтақаси мўътадил ва қисман субтропик иқлим минтақасига жойлашган. Дунёдаги бутун ўрмон майдонининг ярми ва ёғоч захирасининг деярли ярми шу минтақага тўғри келади. Асосий ўрмон кесиш ишлари айниқса ёғочи яхши сифатли игна баргли дарахтларни кесиш шу минтақада олиб борилади. Дарахт кесиш жадал олиб борилаётган бўлса ҳам ўрмонларни тиклаш ва дарахт экиш ишлари туфайли (АҚШ, Канада, Финляндия, Швецияда) шимолий минтақада ўрмонлар майдони камаяётгани йўқ. Бирок Россияда дарахт кесиш унинг ўсишига қараганда кўпроқ бўляпти.

Жанубий ўрмон минтақаси асосан тропик ва экваториал иқлим минтақаларида жойлашган. Дунёдаги ўрмон майдонининг ярми ва умумий ёғоч захирасининг 50 % и дан ортиги шу минтақага тўғри келади. Илгари ёғочдан асосан ўтин сифатида фойдаланилар эди, кейинги вақтларда эса ёғочни Япония, Ғарбий Европа ва АҚШга экспорт қилиш кўп марта ошди. Жанубий минтақа ўрмонларига бир қанча юз йиллар давомида ўрмонни ёқиб ер очиш ва экстенсив яйлов чорвачилиги катта зарар етказди. Буларнинг ҳаммаси ўрмонларнинг ҳалокатли равишда камайишига сабаб бўлади.

Мисол. Сернам доимий яшил тропик ўрмонлар ҳозир ҳам 1 млрд. гектардан ортиқ майдонни эгаллаган, уларнинг ярмидан ортиги Лотин Америкасида жойлашган. Бирок Лотин Америкаси билан Осиё ҳозирок шундай ўрмонларининг 40 % ини, Африка 50 % ини йўқотди. Лекин олимлар бу ўрмонлар ХХI асрнинг ўрталарига бориб тўлиқ йўқ бўлади деб ҳисоблашади.

Тропик ўрмонларни сақлаш юзасидан БМТ раҳбарлигида катта ишлар бошланган. Лекин улар ҳозирча қутилган натижани бермаяпти. *Шу сабабли ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш тадбирларини амалга ошириш жуда долзарб масала эканлигича қолиб келмоқда* (6- топшириқ).

6. Дунё океани ресурслари: бойликлар кони. Сиз, эҳтимол эшитгандирсиз, кейинги ўн йилликларда жаҳон океаншунос олимлари, шу жумладан Ю. М. Шокальский (1856—1940), В. Ю. Визе (1886—1954), Н. Н. Зубов (1885—1960), П. П. Ширшов (1905—1953), К. К. Марков (1905—1980) каби рус тадқиқотчилари, ўнлаб экспедицияларнинг ишлари натижасида Дунё океанининг кўп сирларини кишилар билиб олишди. Денгиз геологияси ёрдамида *Океан табиий ресурсларнинг жуда катта хазинаси эканлиги исбот қилинди. Бу хазинани қуруқлик ресурслари билан бемалол қиёслаш мумкин.*

Бу хазина аввало денгиз сувидан иборат. Денгиз суви миқдори ҳақиқатан ҳам жуда кўп, яъни 1338 млн. км³ ёки гидросферадаги сув миқдорининг 96,5 фоизини ташкил этади [8]. Бундан ташқари, денгиз суви ўзига хос «тирик руда» бўлиб, таркибида 75 хил кимёвий элемент мавжуд. Мисрликлар ва хитойлар қадим замонлардаёқ денгиз сувидан туз ажратиб олишни ўрганиб олишган. Ҳозир ундан кўп миқдорда туз олинади. Денгиз суви яна магний, бром, йод олинадиган манба бўлиб ҳам хизмат қилади.

Бундан кейинги бойлик Дунё океани тагидаги минерал ресурслардир. Материк саёзлиги ресурслари орасида нефть ва табиий газ энг катта аҳамиятга эга. Кўпчилик ҳисобларга қараганда, бу бойликлар бутун жаҳон захирасининг $\frac{1}{2}$ қисмидан ортиқроғи материк саёзликка тўғри келади. Саёзликдаги қаттиқ фойдали қазилмаларни нишаб шахталар ва драгалар ёрдамида қазиб олиш мумкин. (Агар чўкиб кетган

кемалар бойликлари бўлган «олтин томирларни» ҳисобга олмаганда. Бундай бойликлар кўпинча ҳозирги замон мўмай бойлик топувчи усталарнинг қўлига тушади [9].) Океанлар чуқур қисмининг асосий бойлиги темир-марганец қотишмаларидир [10].

Дунё океанининг бундан кейинги бойлиги энергетика ресурсларидир. Бу бойлик ҳам жуда катта.

Олимларнинг ҳисобига кўра сайёраміздаги сув қалқилининг умумий кудрати 1 млрд. дан 6 млрд. гача кВт га тенг. 1 млрд. кВт кудрат Ер юзидаги барча дарёлар энергиясидан ортик. Сувнинг кўтарилиши билан боғлиқ йирик электр станцияларини 25 та жойда қуриш мумкинлиги аниқланган. Россия, Франция, Канада, Буюк Британия, Австралия, Аргентина, АКШ энг катта сув қалқили энергияси ресурсларига эгадир. Бу мамлакатларда сув кўтарилишининг баландлиги 10—15 м га етадиган сохиллар бор.

Нихоят, Дунё океанининг яна бир бойлиги биологик ресурслардир. Булар сувда яшовчи ҳайвонлар (балиқлар, сутэмизувчилар, моллюскалар, қисқичбақасимонлар) ва ўсимликлардир. Океанларнинг биологик моддалари умумий миқдори 35 млрд. т ҳисобланади, улар 140 минг тур мавжудотдан иборат. Норвегия, Беринг, Охота, Япония денгизлари дунёда энг маҳсулдор денгизлар ҳисобланади. Бироқ океанлардаги овладиган кўпчилик балиқлар ва ҳайвонлар муҳофазага муҳтож [11]. (7-топширик).

7. Иқлимий ва космик ресурслар — келажак ресурслари. Куёш — баҳайбат термоядро реактори, Ердаги бутун ҳаёт манбаигина бўлиб қолмай, амалда бутун энергетика ресурсларининг ҳам манбаидир. Куёш нурлари иссиқлигидан инсон манфаати йўлида самарали фойдаланиш мумкинлиги ҳақида Гелиосни ўқиган қадимги юнонлар ҳам билишган. Афсоналарда айтилишича, Архимед Куёш нуридан Сира кузада Рим кемаларига қарши қурол сифатида фойдаланган.

Атмосферанинг қуйи қатламларига ва Ер юзига йил давомида етиб келадиган куёш энергияси (10^{14} кВт) шунчалик каттаки, у ўрганилган минерал ёқилгилар бутун энергиясидан ўнлаб марта кўп ва жаҳонда истеъмол қилинадиган бутун энергиясидан минглаб марта ортикдир. Табиийки, куёш энергиясидан фойдаланиш учун энг қулай шароит Ернинг куёш энг узок вақт кўрсатиб турадиган курғоқчил минтақа-сида мавжуддир.

Инсон жуда қадимдан шамол тегирмонлари ва елканли кемаларда фойдаланиб келадиган шамол энергияси Куёш энергияси каби амалда тугамайдиган ресурслардир. Шамол энергияси нисбатан арзон ва атроф-муҳитни ифлосламайди. Лекин у вақт ва маконда жуда нотекис тақсимланган ва уни «жиловлаш» осон эмас. Куёш энергиясидан фарқ қилиб, шамол энергияси ресурслари асосан мўътадил минтақада тўпланган.

Агроиклимий ресурслар — иссиқлик, нам ва ёруғлик иқлим ресурсларининг алоҳида туридир. Бундай ресурсларнинг географик жойлашиши агроиклимий хариталарда ўз аксини топган.

8. Рекреацион ресурслар — истироҳат ва туризм асоси. Табиий-рекреацион ресурслар ҳосил бўлиш хусусиятларига қараб эмас, балки фойдаланиш хосиятига қараб ажратилади. *Рекреацион ресурслар истироҳат, туризм ва шифоланиш мақсадида фойдаланиш мумкин бўлган табиат объектлари ва ҳодисаларидир.* Бундай ресурсларга денгиз соҳиллари, дарё ва кўллар бўйлари, тоғлар, ўрмонли ерлар, минерал булоқ ва шифобахш балчиқлар чиққан жойлар киради. Бундай жойларда дам олувчилар ва туристлар учун жуда хилма-хил ва гўзал табиатли ландшафтлар, бой ўсимликлар олами, шифобахш иқлим, дам олиш, спорт билан шуғулланиш, овчилик, балиқ тутиш ва шу кабилар учун яхши имкониятлар мавжуд бўлади.

Катта шаҳарлар атрофларидаги яшил минтақалар, кўриқхона ва миллий боғлар асосий табиий-рекреацион ҳудудлардир.

Рекреацион ресурсларнинг иккинчи гуруҳини маданий-тарихий диққатга сазовор жойлар ташкил этади. Булар тарихий, археологик, меъморчилик ва санъат ёдгорликларидир.

Мисол. Москва Кремли, Санкт-Петербург яқинидаги Петродворец, Лондондаги Вестминистер, Париж яқинидаги Версал сарой-боғ мажмуи, Рим Кагизейн, Афина Акрополи, Миср эҳромлари, Аградаги (Ҳиндистон) Тож Маҳал мақбараси, Хивадаги Ичонқалъа дунёдаги ҳар йили миллионлаб кишилар келиб зиёрат қиладиган энг йирик музейлардир.

Италия, Испания, Франция, Швецария, Болгария, Ҳиндистон, Мексика, Миср ва бошқа давлатлар энг кўп дам олувчилар ва туристларни ўзига жалб қилади. Бу мамлакатларда табиий-рекреацион ресурслар билан бирга маданий-тарихий диққатга сазовор жойлар ҳам мавжуд. Бу гаплар бошқа айрим жойларга ҳам тааллуқлидир (8-ижодий топшириқ).

ЎЗ. Ҳ. БИЗ АТРОФ-МУҲИТНИНГ ИФЛОСЛАНИШИНИ КЎРИБ ЧИҚАМИЗ

1. Атроф-муҳитнинг антропоген ифлосланиши: сабаблари ва оқибатлари. Сиз атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги ҳақида кўп нарсаларни биласиз ва бу сизни ташвишга солмай қўймайди. «Ўз уясини ифлослайдиган қуш ёмон қуш», «Ит ҳам думи билан ўз уясини тозалаб туради» деган иборалар бор. Наҳотки бутун инсоният, наҳотки, ҳар биримиз ёмон қушга ўхшаб қолган бўлсак? Бу саволга жавоб беришга уриниб кўрамыз.

Атроф-муҳитнинг ифлосланиши унинг хусусиятларининг инсон томонидан табиатга чиқариб ташланган турли моддалар ва

бирикмалар таъсирида номақбул ўзгаришидир. Бу ўзгариш келажакда литосферага, гидросферага, атмосферага, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига, бинолар, иншоотлар, буюмлар ҳамда одамнинг ўзига ҳам зарарли таъсир этиши мумкин ва таъсир қилади. Бу ҳол табиатнинг ўз-ўзидан тикланиш хусусиятини йўқотади.

Атроф-муҳитнинг инсон томонидан ифлосланиши узок тарихга эга. Ҳатто қадимги Рим аҳолиси Тибр дарёси сувининг ифлосланганидан шикоят қилган эди. Афина аҳолисини Пирей порти сувларининг ифлослангани ташвишга солган эди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунлар ўрта асрлардаёқ пайдо бўлган [13].

Атроф-муҳитни ифлословчи асосий манба инсоният жамияти томонидан қайта ишлаш ва истеъмол жараёнида ҳосил бўладиган бениҳоя кўп чиқиндиларнинг табиатга қайтарилишидир. Табиатга чиқарилган чиқиндилар 1970 йилдан 40 млрд. т бўлган бўлса, XX аср охирига бориб 100 млрд. т га етиши мумкин. Табиатга кимё саноатида ҳосил қилинган ва табиат учун бегона бўлган моддалар ва бирикмаларнинг туширилиши айниқса хавфлидир.

Тупроқ қопламанинг ифлосланиши қурилишлар ва конларни казиб олиш жараёнида ишдан чиққан миллионлаб гектар ерлар вужудга келиши натижасида рўй беради. «Бедленд» («бузилган ерлар») деб аталувчи ҳосилдорлигини бутунлай ёки деярли бутунлай йўқотган ерлар қуруқлик юзасининг I фоизини ташкил этади. Ифлосланишга сабаб бўлувчи янада муҳимроқ нарса саноат ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидир. Асосий ифлословчи моддалар металлар ва уларнинг бирикмалари, ўғитлар, кимёвий захарли моддалар, радиоактив моддалардир. Буларнинг тўпланиши тупроқларнинг кимёвий таркибининг ўзгаришига олиб келади. Уй-рўзгордан чиқадиган ахлатлар уюмлари тобора мураккаб масалага айланиб бормоқда. Фарбда ҳозирги замонга баҳо берганда уни «ахлатхона маданияти» деб бекорга айтишмайди.

Гидросфера аввало дарёлар, кўллар ва денгизларга саноат, қишлоқ хўжалиги ва уй-рўзгор чиқинди сувларини тушириш оқибатида ифлосланади. 90-йилларнинг бошига келиб бутун дунёдаги ташлама сувларнинг умумий ҳажми йилига 1 минг км³ дан ёки бутун Ер юзидаги тоза сувнинг 5% идан ошиб кетди. Ифлосланган сувга ўн баравар кўп тоза сув қўшиш кераклигини ҳисобга олсак, аслида 10 минг км³ сув ифлосланган бўлади. Олимларнинг ҳисобларига кўра XX аср охирида чиқинди сувларга қўшиш учун 20—25 минг км³ тоза сув ёки аслида фойдаланиш мумкин бўлган ҳамма чучук сув талаб қилинади! *Бундан маълумки, чучук сув муаммосининг кескинлашуви сувни дарёлардан олиш масаласида эмас, чиқинди сувларнинг кўпайиб кетишидадир.*

Рейн, Дунай, Сена, Тибр, Миссисипи, Огайо, Волга, Днепр, Дон, Днестр, Нил, Ганга ва бошқа дарёлар жуда ифлосланиб

кетган дарёлар ҳисобланади. Дунё океани ҳам ифлосланиб боряпти, унинг тозалигига соҳиллардан ҳам, сув юзасидан ҳам, сув остидан ҳам, дарёлар ва атмосферадан ҳам ифлословчилар хавф соляпти. Океанларга ҳар йили 100 млн. тоннагача чиқиндилар тушяпти. Бунда айниқса ички ва чеккадаги денгизлар — Ўрта денгиз, Шимолий Ирландия, Болтик, Қора, Азов денгизлари, Япония, Ява, Кариб ички денгизлари, шунингдек, Бискайя, Форс, Мексика ва Гвинея қўлтиқлари айниқса кучли ифлосланган.

Ўрта денгиз — Ердаги энг катта ички денгиз, бир қанча буюк маданиятлар бешиги бўлган. Унинг қирғоқларига 18 мамлакат туташган, соҳилларида 130 млн. одам яшайди, 260 та порт бор. Бундан ташқари, Ўрта денгиз жаҳон кемачилигининг асосий йўлларидан бири: денгизда бир вақтнинг ўзида узокқа қатнайдиган 2,5 минг кема ва 5 минг каботаж кемаси сузиб юради. Бу денгиз йўлида йил давомида 300—350 млн. тонна нефть ташилади. Буларнинг натижасида Ўрта денгиз 60—70 йилларда Европанинг асосий кир ўрасига айланиб қолай деган.

Фақат ички денгизларгина ифлосланиб қолмасдан океанларнинг ўрта қисмлари ҳам ифлосланиб боряпти [14].

Океанларнинг чуқур ботикларига ҳам хавф ортиб бормоқда, бундай жойларга захарли ва радиоактив моддаларни ташлаш ҳоллари бўлди.

Лекин океанлар учун нефтдан ифлосланиш алоҳида хавф тугдиряпти. Ҳар йили Дунё океанига қазиб олиш, нефть ташиш ва қайта ишлаш натижасида 6 млн. тоннадан 16 млн. тоннагача нефть тушади. Космик расмлардан маълум бўлишича, дунё океани юзасининг $\frac{1}{3}$ қисмидан ортиғи нефть пардаси билан қопланган. Нефть пардаси бугланишни камайтиради, планктоннинг ривожланишини сусайтиради, океан билан атмосферанинг ўзаро алоқаларини чегаралайди. Нефть билан Атлантика океани энг кўп ифлосланган [15]. Океанлардаги юза оқимлар ифлосларнинг катта масофаларга тарқалишига сабаб бўлади.

Атмосфера саноат, транспорт ва бошқа ёкиш ишлари натижасида ифлосланяпти. Булар биргаликда атмосферага ҳар йили миллиардлаб тонна қаттиқ ва газсимон зарралар чиқариб ташлайди. Атмосферани асосан углерод оксиди (CO) ва олтингургурт гази (^{so}) ифлослайди, булар асосан минерал ёқилғилар ёқилганда чиқади. Атмосфера ҳавосини яна олтингургурт, азот, фосфор оксидлари, қўрғошин, симоб, алюминий ва бошқа металллар ҳам ифлослайди.

Олтингургурт гази кислотали ёмғир ҳосил бўлишининг асосий манбаи эканлигини сиз биласиз. Бундай ёмғирлар Европада ва Шимолий Америкада айниқса тез-тез ёғиб туради. Кислотали ёмғирлар ҳосилдорликни камайтиради, ўрмонларни қуритади, чучук сувлардаги ҳаётни ўлдиради, биноларни бузади, кишилар соғлиғига ёмон таъсир қилади.

Мисол. Асосан Буюк Британия ва Германиядан келадиган кислотали ёмғирлар таъсирида Скандинавиядаги 20 минг кўлда ҳаёт тугади. Улардаги лосос, форел ва бошқа балиқлар йўқолди. Ғарбий Европанинг кўп мамлакатларида ўрмонлар кўллаб қуриб қолмоқда. Ўрмонларнинг бундай қуриши Россияда ҳам бошланган.

Кислотали ёмғирлар таъсирига тирик организмларгина эмас, балки тошлар ҳам бардош бера олмайди [16].

Ҳаводаги ҳаракатлар [шамоллар] натижасида ҳавонинг ифлосланиши бутун жаҳон миқёсида ёйилмоқда. Озон пардасининг бузилиши инсоният учун яна ҳам хавфлироқ оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Чунки озон пардаси ҳаёт учун зарарли бўлган ультрабинафша нурларни ушлаб қолади ва қуёшнинг қисқа тўлқинли нурларини камайтиради.

2. Табиат муҳофазаси муаммоларини ҳал этиш: уч асосий йўл. Инсоният ўз «уясини» фақат ифлослаётгани йўқ. Шу билан бирга у атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўлларини ҳам ишлаб чиқди ва уларни амалга оширишга киришди.

Биринчи йўл ҳар хил тозаллагич иншоотларини бунёд этиш, таркибида олтингургут камроқ бўлган ёқилгини қўлланиш, ахлатларни йўқотиш ва қайта ишлаш, баландлиги 200—300 м бўлган мўрилар қуриш, ерларни рекультивация қилиш ва бошқалардан иборат. Бироқ энг мукамал иншоотлар ҳам тўлиқ тозалай олмайди. Жуда баланд мўрилар эса муайян жойдаги ифлословчи моддалар миқдорини камайтирса ҳам, лекин чангсимон ва кислотали ифлословчи моддаларнинг каттароқ майдонларга ёйилишига ёрдам беради. Баландлиги 250 м бўлган мўри ифлословчи моддаларнинг атрофга 75 км масофага ёйилишига олиб келади.

Иккинчи йўл ишлаб чиқаришнинг табиат муҳофазасининг тамомила янги технологиясини ишлаб чиқариш ва қўлланишдан, чиқиндисиз ишлаб чиқариш жараёнларини жорий қилишдан иборат. Бунда сув билан таъминланишнинг тўғри, яъни дарё — корхона — дарё тизимидан тозалаб қайта ишлатиш тизимига ўтишдан иборат. Аввалги ишланган сув қисман ташланади, сўнгра «қурук» технологияга ўтилади, бунда ишлатилган сув дарё ва ҳовузларга ташланмасдан тозаланиб қайта ишлатилаверади.

Бу йўл асосий йўл бўлиши керак, чунки бунда атроф-муҳитнинг ифлосланиши камайибгина қолмай, бутунлай тўхта-талади. Лекин бу йўл катта маблағ сарфлашни талаб этадики, у ҳамма мамлакатларнинг ҳам қўлидан кела бერмайди.

Учинчи йўл атроф-муҳит ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган «ифлос» ишлаб чиқаришларни чуқур ўйлаб энг мақбул жойлаштиришдир. «Ифлос» ишлаб чиқаришларга биринчи галда қимё ва нефть-қимё, металлургия, целлюлоза-қоғоз саноатлари, иссиқлик энергетикаси, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш киради. Бундай корхоналарни жойлаштиришда географик тадқиқотлар айникса зарурдир.

3. Экологик сиёсат. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши даражасининг ошиши ва табиий ресурсларнинг талон-торож қилиниши ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўскинлик қилиб қолди, у кишилар ҳаётига ҳам хавф соляпти. Шу сабабли жамоанинг табиатни ҳимоя қилиш ҳаракати оммавий тус ола бошлади. Иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг кўпчилиги ва баъзи бир ривожланаётган мамлакатлар давлат экологик сиёсатини, табиатдан фойдаланиш сиёсатини юрита бошладилар. Табиатни муҳофаза қилиш қонунлари қабул қилинди, жарималар тизими ишлаб чиқилди, табиат муҳофазасига харажатлар кўпайтирилди, узоқ муддатга мўлжалланган дастурлар тузилди, муҳитни муҳофаза қилиш давлат идоралари ташкил этилди. Буларнинг натижасида иқтисодий ривожланган бир қанча мамлакатларда 80- йилларда атроф-муҳитнинг ифлосланганлик даражаси аста-секин пасая бошлади.

Бироқ кўпчилик мамлакатларда экологик вазият жуда кескинлигича қолмоқда. Қуролларни синаш, айниқса ядро қуролларини синаш, ҳарбий ҳаракатлар атроф-муҳит учун жуда катта хавф бўлиб қолмоқда.

Мисол. 1991 йилнинг бошида Ироқнинг Форс қўлтиғига атайлаб кўп миқдорда нефтни ташлаб юборгани, босиб олган Қувайтдаги нефть қудуқларини ёкиб юборгани жаҳон миқёсидаги экологик ҳалокат бўлди.

Ҳозирги вақтда айрим мамлакатларнинг ҳаракатлари экологик сиёсат учун етарли эмас. Бутун жаҳон мамлакатларининг БМТ бошқариб турадиган ҳаракати зарур. 1972 йилда Стокгольмда БМТнинг атроф-муҳит муаммолари бўйича биринчи конференцияси бўлди. Бу конференцияда барча мамлакатлар ҳаракатининг кенг дастурини ўз ичига олган «Табиатни муҳофаза қилишнинг бутун жаҳон режаси» қабул қилинди. Давлатлар бошлиқлари қатнашган яна битта шундай конференция 1992 йилда Бразилияда бўлди. БМТ махсус идора — БМТнинг атроф муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) мавжуд. Бу идора турли мамлакатлар олиб бораётган ишларни уйғунлаштириб туради, жаҳон тажрибасини умумлаштиради, истикболли ишларни қўллаб-қувватлайди. ЮНЕПнинг бош идораси Найроби шаҳарида (Кения) жойлашган.

Асосий хулоса. *Бизнинг давримизга келиб жамият билан табиатнинг ўзаро таъсири бутун инсониятнинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолди. Антропоген ўзгаришлар тараққиётгагина эмас, балки атроф-муҳитнинг ифлосланишига, табиат ресурсларининг камайишига ҳам қулайлик туғдириб, сайёрамиз географик қобиғига катта таъсир кўрсатди. Ана шу сабабдан табиатдан фойдаланишни мукамаллаштириш, илмий асосланган экологик сиёсат юритиш ҳозирги замондаги энг муҳим масалалардан биридир.* (9- якуний топширик).

[1] Яқинда Америкалик географлар космик расмларни ўрганиб, қуруқликнинг 48 млн. км² (ёки унинг деярли $\frac{1}{3}$ қисми)

ерида инсон хўжалик фаолияти таъсирининг ҳеч қандай асари йўқ, деган хулосага келдилар. Шимолий Америкада ҳудуднинг 38% идан, МДХ да 34% ида, Хорижий Осиёда 14% ида, Хорижий Европада 3% ида инсон фаолияти излари кузатилмайдди. Антарктидада амалда ҳамма жойда инсон фаолияти таъсир этмаган.

[2] Кишилар ўрта асрларда Ер бағридан фақат 18 хил кимёвий элемент ва уларнинг бирикмаларини олган бўлса, XVII асрда 25 та, XVIII асрда 29 та, XIX асрда 47 та, XX аср бошида 54 та, XX асрнинг иккинчи ярмида 80 та кимёвий элемент ва унинг бирикмаларини олиб ишлатадиган бўлди.

[3] Чўллашиш жараёни соатига 7 км² тезлик билан рўй бермоқда, яъни йилига 6,9 млн. гектар ер чўлга айланыпти. Бундан ташқари, чўл ва чала чўл ўлкаларда ҳар йили 20 млн. гектардан ортиқ ер ҳолати кескин ўзгарипти.

[4] Нидерландия чучук сувни Норвегиядан, Саудия Арабистони Филиппиндан, Гонконг Хитойдан, Сингапур Малайзиядан келтиради. Сувни сув қувурлар орқали Гренландия ва Антарктидадан Европага, Амазонка этакларидан Африкага келтириш лойиҳалари мавжуд.

[5] Ўртача катталиқдаги айсбергларни (узунлиги 1000 м, эни 600 м, баландлиги 300 м) тортиб олиб келишнинг техник лойиҳалари ишлаб чиқилган. Бунинг учун беш-олтита шатакчи кема керак бўлади. Айсберглар устини қайишқоқ материал билан ўраш уларни эриб кетишдан сақлайди. Тортиб олиб келаётганда айсберг эриб анча қисмини йўқотса ҳам барибир иктисодий жиҳатдан ўзини оқлар экан. Айсберглар олиб бориладиган жойларда уларнинг эриши тахминан бир йилча давом этиши мумкин.

[6] Ўрта асрларда елканли битта ҳарбий кема ясаш учун 400 дан ортиқ эман дарахтини кесиш керак эди. XV асрда енгилмас ҳарбий денгиз флотини Испания ярим миллиондан ортиқ эман дарахтини кесиш эвазига бунёд этган. XIX аср ўрталарида ёғочдан 4,5—5 минг хил маҳсулот олинган, хозир эса ёғочдан 20 минг хилдан ортиқ маҳсулот ишланади.

[7] 80-йилларда ҳар йили 11 млн. гектардан ортиқ тропик ўрмон қирқилган ва яна 4,5 млн. гектар ерда дарахтлар танлаб кесилган. (14,5 млн. гектар Швейцария майдонидан деярли 4 баравар ортиқ). Ҳар дақиқада тропик ўрмонлардан 14—15 гектари қирқилиб бормоқда.

[8] Ердаги ҳар бир киши учун ўрта ҳисобда тахминан 270 млн. м³ денгиз суви тўғри келади. Бунча сув Москва дарёсидаги Можайская денгизи каби сув омборларининг 7 тасига тўғри келади.

[9] 70—80- йилларда фидойи ишбилармонлар энг янги техника ёрдамида Флорида бўғозида Испаниянинг 1622 йилда чўккан «Атога» ва «Санта-Мargarита» кемаларининг қолдиқларини топишди. Улардан жуда кўл миқдорда қуйма олтин ва кумуш, тангалар ва ёқутлар чиқариб олишди.

[10] Дунё океани тагидаги темир-марганец қотишмалари XIX асрнинг 70- йилларидаёқ инглизларнинг «Челленжер» илмий тадқиқот кемасида аниқланган. Темир-марганец қотишмалари ҳамма океанларда текширилди, лекин улар Тинч океанда энг катта (16 млн. км²) майдонни эгаллаган. Уларнинг умумий захираси 3 трлн. т, олиш мумкин бўлгани эса 0,5 трлн. т. Қотишмаларни қазиб олиш дастлабки тажрибаси AKШ томонидан Гавайи ороллари яқинида ўтказилди.

[11] Дунё океанида кит овлаш касби 1868 йилда пайдо бўлган ва ҳозирга қадар ҳамма тур китлардан 2 млн.дан ортиги ов қилинган. 1962 йили кит овлашда энг самарадор йил бўлди — 66 миңг кит овланди. Табиий тикланишдан ортиб кетадиган бундай ов китлар сонининг кескин камайишига олиб келди. Фақат кит овлаш бўйича халқаро комиссия жорий қилган кит овлашни қаттиқ чегаралаш анча оқилона хўжалик юритишга имкон берди. Кит овлаш дастлаб чегараланди ва 1982 йилдан бошлаб амалда ман этилди.

[12] Дунёда 2,5 миңдан ортиқ йирик кўриқхоналар, резерватлар, табиий ва миллий боғлар бор, уларнинг умумий майдони 4 млн. км² дан ортиқ, Ернинг 2,7 фоиз майдонини эгаллаган. Майдонига кўра энг йирик миллий боғлар Гренландия, Ботсвана, Канада ва Мўғулистон ва Аляскада жойлашган.

[13] 1273 йили Англия қироли Эдуард I ўрлон қилган эдикт (қонун)ни табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги биринчи қонун деб ҳисоблаш мумкин. Бу қонунда Лондонда турар жойларда тошкўмирдан фойдаланиш ман этилган эди. Уша вақтдаги одатга кўра бу қонунни бузганларга ўлим жазоси жорий қилинган. 1338 йили Эдуард III қироллиги вақтида парламент ахлатни Темза дарёсига ташлашни ман этган қонунни қабул қилган. XV асрда Франция қироли ҳам Сена дарёсига ахлатни ташлашни ман этган фармон чиқарган. Пётр I фармонида кўра Нева дарёсига ахлат ташлаган ҳар бир киши жазоланган.

[14] Америка олимлари 80- йилларнинг бошида Тинч океаннинг фақат шимолий қисмида миллионлаб пластик халтачалар, 35 млн. пластик ва 70 млн. шиша бутилкалар, пластмассадан ясалган турли-туман буюмлар, 5 млн. эски пойабзал сузиб юрганини аниқлашган. Бундай буюмларнинг денгиз ҳайвонлари қорнидан топилиши оддий ҳодиса бўлиб қолди.

[15] Норвегиялик машҳур олим ва сайёҳ Тур Хейердан 1947 йилда «Кон-Тики» солида Тинч океан орқали сузганида ўз йўлида ҳеч қандай ифлословчи моддани кўрмаган. 1969 йилда эса у «Ра» номли елканли қайиқда Атлантика океанини сузиб ўтганда океаннинг хатто ўрта қисмида 1400 мил масофада сув

юзасида нефть пардасини кўрганини айтади. Нефть ўткир хид таркатиб ётарди.

[16] Афина Акрополи кейинги ўн йилликларда олдинги минг йилдагига қараганда кўпроқ бузилди. Бу гап Мисрдан Лондонга юз йил олдин олиб келинган малика Клеопатра ёдгорлигига ҳам тегишлидир. Кёльн собори кейинги ўн йилликларда қурилгандан кейинги юз йилликлардагига қараганда кўпроқ зарарланди.

Китоб жавонингизга

1. Ер ва инсоният. Жаҳон муаммолари (Мамлакатлар ва халқлар туркуми). М., Мысль, 1985. III—IV қисм (рус тилида).
2. Мамлакатлар, хўжалик, одамлар. 10-синф ўқувчилари учун ўқиш китоби (А. Кузнецов тузган). М., Просвещение. 1988. «Сайёрамиз ресурслари ва экологик муаммолар» (рус тилида).
3. Израиль Ю. А., Ровинский Ф. Я. Биосферани сақланг. М., Педагогика, 1987 (рус тилида).
4. Баландин Р. К., Бондарев Л. Г. Табиат ва маданият. М., Мысль, 1988 (рус тилида).
5. Китанович Б. Сайёрамиз ва маданият ханф остида. М., Мысль, 1985 (рус тилида).
6. Фуломов П. Н. Инсон ва табиат. Т., «Ўқитувчи». 1990.

БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИШ БЎЛИМИ

1- топшириқ (ижодий). Олдин ўрганилган география курсларидан ва мазкур дарсликнинг I мавзусидан олган билимларингизга асосланиб, табиий ресурсларга камбағал бўлса ҳам, лекин иқтисодий ва социал таракқиётда юкори даражага эришган мамлакатларга мисоллар келтиринг. Ресурслар билан таъминланганликнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида хулоса чиқаринг.

2- топшириқ. 1,4 ва 5- жадваллар маълумотларини таҳлил қилинг. Кўмир, нефть, табиий газ ва темир рудасининг дунёдаги умумий геологик ва ҳисоблаб чиқилган захираси уларни қазиб олиш хозирги даражада давом этса неча йилга етишини ҳисоблаб чиқаринг (42- бетдаги йўл-йўриққа қаранг). Бунга боғлиқ равишда қандай муаммолар юзага келишини тушунтиринг.

Қўшимча (мураккаблаштирилган) топшириқ. 4- расм ва 2- жадвални таҳлил қилинг. Ер бағридан аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 1900, 1980 йилларда қанча минерал хом ашё қазиб чиқарилганлигини ҳамда 2000 йилда қанча чиқарилишини ҳисобланг. Тўртта кўрсаткични таққосланг, қандай ўзгараётганини аниқланг ва буни тушунтириб беринг.

3- топшириқ. Дарслик матнидан ва атласдаги минерал бойликлар харитасидан фойдаланиб, ёқилги фойдали қазилмаларнинг қандай жойлашганини таҳлил қилинг. Кўмир, нефтьга энг бой мамлакатларни, бу бойликлар жойлашган энг йирик хавзаларни айтинг. Бу таҳлил асосида қандай хулосалар чиқариш мумкин?

4- топшириқ. 7- расми ва атласдаги жаҳон ер ресурслари харитасини таҳлил қилинг. Айрим регионлар ва мамлакатларнинг ҳайдаладиган ерлар билан таъминланганлик даражасини қиёсланг. Ери кўп ва ери кам мамлакатларга мисоллар келтиринг. Материклар ва океанлар географияси курсидан олган билимларингизга таяниб, бундай тафовутлар сабабини тушунтириб беринг. Ўз фикрингизни исботланг.

5- топшириқ. 8- расми ва атласдаги жаҳон сув заҳиралари харитасини таққосланг. Айрим регионларнинг дарёлар сув заҳиралари билан таъминланганлик даражасини таққосланг. 8- расмдан сув билан энг яхши ва энг ёмон таъминланган мамлакатларга мисоллар келтиринг. Уларнинг сув билан таъминланганлик даражасида қандай фарқлар бор? Материклар ва океанлар географияси олган билимларингизга таяниб, бундай тафовутларнинг сабабини тушунтиринг. Ўз фикрингизни исботланг.

Қўшимча (мураккаблаштирилган) топшириқ. Асосий матндаги рақамли маълумотлардан фойдаланиб, 2000 йилда инсониятнинг чучук сув заҳиралари билан қай даражада таъминланишини башорат қилинг. Ўша вақтга бориб сайёрамиздаги сув заҳирасининг қанча қисмидан фойдаланилишини ҳисоблаб чиқинг. Натижани 80- йиллар кўрсаткичи билан таққосланг. Бу билан боғлиқ бўлган қандай муаммолар пайдо бўлади, деб ҳисоблайсиз.

Қўшимча (ўйин учун) топшириқ. Қурғоқчил ва мўътадил минтақадаги мамлакатлар ва ҳудудларга арктика ҳамда антарктикадан айсберглари судраб келиш мумкин бўлган йўллари ёзувсиз харитага туширинг. Бунинг учун океанлардаги совуқ оқимлардан фойдаланиш мумкинми, йўқми эканлигини ўйлаб кўринг. Бундай музларни олиб келиш, шу мамлакатлар иқлимига таъсир этмасмикан? Бу лойиҳа ҳақидаги фикр ҳамда далилларингизни келтиринг.

6- топшириқ. 9- расми таҳлил қилинг. Мана шу расм ва асосий матндан фойдаланиб, сайёрамизнинг иккита асосий ўрмон минтақасига таъриф беринг. Айрим мамлакатларнинг ўрмон билан қандай таъминланганлигига баҳо беринг. Бунда ўрмонларга энг камбағал ва энг бой мамлакатларни ажратиб кўрсатинг.

7- топшириқ. Атласдаги Дунё океани минерал бойликлари харитасини таҳлил қилинг. Бу бойликларга умумий таъриф беринг. Океанларнинг минерал бойликларга энг бой бўлган материк саёзлиги ва чуқур океан тагини аниқланг. Қилинган таҳлил асосида денгиз кон-қазилов саноатининг истиқболини белгилаш мумкинми?

Қўшимча (мураккаблаштирилган) топшириқ. Дарслик матндан фойдаланиб, дафтарингизда «Дунё океани табиий бойликлари» турлари жадвалини тузинг. Бу жадвалдан Дунё океани табиий бойликлар хазинаси деган фикрни исботлаш учун фойдаланинг.

8- топшириқ (ижодий). Ўз республикангиз, вилоятингизнинг табиий, иқтисодий ва социал географиясига оид билимларингизга

таъниб, қуйидаги хил жойларга мисоллар келтиринг: 1) рекреацион-шифобахш, рекреацион-соғлиқни тиклаш, 2) рекреацион-спорт, рекреацион-ўрганиш жойлари. Бунда иложи борича ўз кузатишларингиз ва таассуротларингиздан фойдаланинг. Бу жойга бағишланган альбом (кўргазма) тайёрланг.

9-топшириқ (якуний). 1. Эгаллаган билимларингиз асосида қуйидаги ҳодисаларнинг сабабини айтиб беринг: а) XX асрнинг иккинчи ярмида географик муҳитнинг инсон томонидан ўзгартирилганлиги кескин ўсди; б) фойдали қазилмалар қазиб олинганда уларнинг ҳудудда тўпланганидан фойдаланиш энг қулайдир; в) ҳозирги вақтда ерга таъйиқ ошапти, ер бойликлари билан таъминланганлик эса камайяпти; г) сувдан фойдаланишнинг ўсиши чучук сув танқислиги хавфини туғдирди.

2. Мавзу матни асосида муаммо масалага оид камида учта савол тузинг. Ўртоқларингизга бу саволларга жавоб беришни таклиф қилинг ва у жавобларини муҳокама қилинглар.

3. Атласдаги ва дарслик саҳифаларидаги жаҳоннинг табиат бойликлари берилган хариталарни ўрганинг. Бу хариталар харита тузишнинг қандай услубларидан фойдаланиб тузилганини аниқланг.

4. Мавзуга оид қўшимча адабиёт рўйхатини тузинг ва ундан ўз ишингизда фойдаланинг.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ВА ЎЗARO НАЗОРАТ БЎЛИМИ

Сиз қуйидагиларни қандай тушунтирасиз?

1. «Табиат» ва «географик муҳит» тушунчаларнинг ўхшаш томонлари ва тафовутлари нималардан иборат?

2. Нима сабабдан ресурслар билан таъминланганлик тўғрисида фақат ресурслар захираси катталигига қараб хулоса чиқариш мумкин эмас?

3. Жаҳон ер фонди таркибида рўй берган ўзгаришлар нималардан иборат?

4. Инсониятнинг сув муаммосида кескинлик рўй берганига сабаб нима?

5. Нима сабабдан экологик масалаларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик зарур?

Сиз қандай деб ўйлайсиз?

1. Жамият билан табиатнинг ўзаро таъсирини нима сабабдан биологик муаммо эмас, балки ижтимоий, социал муаммо деб қараш лозим?

2. Тикланмайдиган ва тикланадиган табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш деганда нималарни тушунамиз?

3. Машхур немис географи Александр Гумбольднинг «Инсондан олдин ўрмон бўлган, унга чўл йўлдош бўляпти» деган гапининг маъноси нима?


4. Табиатдан фойдаланиш ва экология муаммоларини ҳал қилишда география қандай ўрин тутиши мумкин?

Биласизми?

1. Харита-схемада (40-бетдаги) қуйидаги қайси фойдали қазилмаларнинг жаҳондаги энг йирик хавзалари кўрсатилган: 1) кўмир, 2) нефть, 3) темир рудалари?

2. Қуйидаги айтилган мамлакатлардан қайсилари ҳайдалади-ган ерлар билан энг кўп ва энг кам таъминланган: Австралия, Япония, ГФР, Хитой, Аргентина?

3. Қуйида номлари келтирилган мамлакатлардан қайсилари сув бойликлари билан энг яхши ва энг ёмон таъминланган мамлакатлар қаторига киради: Канада, Бразилия, Заир, Саудия Арабистони, Миср?



6-расм.

Қуйидагиларни бажара оласизми?

1. Дунёнинг ёзувсиз харитасига дарслик матнида ва саҳифаси-даги хариталарда эслатиб ўтилган қуйидаги мамлакатларни харитага қарамасдан тушира оласизми: Буюк Британия, Нидер-ландия, Испания, Швеция, Ҳиндистон, Миср, Заир, ЖАР, Мексика, Аргентина?

2. «Географик муҳит», «ресурслар билан таъминланганлик» тушунчаларига таъриф бера оласизми?

3. Энг катта нефть захирасига эга бўлган мамлакатларни хотирадан ёзувсиз харитага тушира оласизми?

4. Қуйидаги гаглар қалчеллик тўғри эканини баҳолай оласизми ва керак бўлса, тўғри жавоб бера оласизми: а) кўмирнинг умумий геологик захираси нефтнинг шундай захирасидан анча кўп; б) жаҳондаги ер фонди таркибида ҳайдаладиغان ерлар кўпчиликни ташкил этади; в) Ердаги чучук сув захираси сайёрамиз бутун сув захирасининг 10 фоизини ташкил этади; г) экологик муаммоларни ечишнинг асосий йўли ишлаб чиқаришда тамомила янги техноло-гияни қўлланишга ўтишдир.

2- МАВЗУ УЧУН МЕТОДИК ОЧҚИЧ

Нималарни эсламоқ керак

1. Ер географик қобигининг тузилиши ва хусусиятлари (6,7-синфлар географияси). 2. Материклар ва океанлар табиатига инсон таъсирининг хусусиятлари (7-синф географияси). 3. Сув ресурсларининг турлари (8-синф географияси). 4. Ер пўстида фойдали қазилмалар жойлашининг асосий қонуниятлари (6, 7, 8-синфлар географияси). 5. Ер табиат зоналари ва иклим минтақаларининг жойлашиши (7-синф географияси). 6. Ўзбекистон табиат бойликлари географиясининг асосий хусусиятлари (8-синф географияси). 7. Сувнинг аҳамияти ва унинг кимёвий таркиби (8-синф кимёси). 8. Тушунча ва атамалар: географик қобик, табиат комплекси, табиат зонаси, табиат бойликлари, агроиклимий бойликлар, рекреацион бойликлар, табиатдан фойдаланиш, антропоген ландшафт, экология.

Нималарни билиб олмоқ керак

1- мавзунинг асосий ғоялари:

1. Географик қобик, жамият ҳаёти, аҳоли ва ҳўжаликнинг мавжудлиги, ривожланиши ва жойлашиши учун зарур бўлган шарт. 2. Инсоният жамиятининг табиатга таъсири даражаси жамият ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёт даражасига боғлиқ.

1- мавзунинг асосий илмий маълумотлари:

1. Жамият билан табиат ўзаро таъсирининг ҳозирги замон босқичи хусусиятлари. 2. Географик (атроф) муҳит ҳақида тушунча. 3. Ресурслар билан таъминланганлик ҳақида тушунча. 4. Минерал, ер, сув, ўсимлик, иқлим, Дунё океани ресурслари жойлашининг асосий хусусиятлари ва инсониятнинг бу ресурслар билан таъминланганлик даражаси. 5. Атроф-муҳитнинг ифлосланганлик кўлами хусусияти, экологик муаммоларини ҳал қилишнинг асосий йўллари.

6. Мавзудаги очқич сўзлар: 1) фойдали қазилмаларнинг худудий бирга учрашуви, 2) гидроэнергетика имконияти, 3) атроф-муҳитнинг ифлосланиши, 4) «ифлос» ишлаб чиқариш, 5) экологик сиёсат.

Нималарни қилишни билиш керак

1. Табиий ресурслар асосий турларининг жойлашишига қисқача таъриф бериш. Бунда булар жойлашган асосий мамлакатлар ва худудлар ажратиб кўрсатилади. 2. Жаҳоннинг ва унинг айрим регионларининг турли хил минерал бойликлар билан таъминланганлигини умумий ҳажмда қиёсий баҳолаш, бундай таъминланганликни ҳисоблаб чиқиш. 3. Атроф-муҳитнинг ифлосланишига, табиатдан оқилона ва нооқилона фойдаланишга


мисоллар келтиришни. 4. Олдин ўрганилган география курслари билан ўрганилаётганларни боғлашни. 5. Мактаб кутубхона фондини ўрганишни ва мавзуга онд қўшимча библиография тузишни.

Мустақил ўқув ишлари малакасини эгаллаш юзасидан йўл-йўрик ва режалар

Жаҳоннинг ва айрим регионларнинг минерал бойликларнинг турли хиллари билан таъминланганлик даражасини қандай баҳолаш керак. Бунинг учун қуйидагилар бажарилиши зарур:

1. Фойдали қазилмалар тегишли турларининг бутун жаҳондаги ёки биронта региондаги захираси миқдорининг жадвал ёки харитадан аниқланиши. 2. Мазкур ресурснинг йиллик қазиб олинishi (истеъмоли) миқдорини аниқлаш. 3. Захира кўрсаткичи-ни қазиб чиқариш (истеъмол) кўрсаткичига тақсимлаш (бўлиш). Ҳосил бўлган натижа (бўлинма) фойдали қазилма мазкур тури ҳозирги даражада қазиб олинадиган бўлса, у неча йилга етишини кўрсатади. 4. Ресурслар билан таъминланганлик ҳақида хулосалар чиқариш.

3- МАВЗУНИНГ ЧИЗМА РЕЖАСИ



3- МАВЗУ. ЖАҲОН АҲОЛИСИ ГЕОГРАФИЯСИ

Сиз аҳоли географияси билан танишишни географиянинг олдинги курсларида бошлаган эдингиз. Бирок бу мавзу ҳали бери тугамайди. Н. Н. Баранский 40- йилларда география китоблари муаллифларини аҳоли билан боғлиқ масалаларга етарлича баҳо бермаганликлари учун қаттиқ танқид қилган эди. У «Одамни унутдингиз!!!» деб ёзган. Ҳозирги вақтда аҳоли географияси ~~иктисодий~~ ва социал географиянинг жуда ривожланган асосий соҳаларидан бири бўлиб қолди. Аҳоли географияси билан этнографияга боғланган ҳолда этнография ривожланиб борапти. Бундан ташқари, аҳоли географияси **демография**¹ билан, шунингдек иктисодиёт, социология ва бошқа кўп фанлар билан жуда боғланган.

1. АҲОЛИНИНГ СОНИ ВА КЎПАЙИШИ БИЛАН ТАНИШАМИЗ

1. Дунё аҳолисининг сони: жуда тез кўпаймоқда! Географ ҳамда демографлар ўз ишларида аҳоли рўйхати маълумотларидан кенг фойдаланишади. Бутун дунёда XIX аср бошидан буён 2000 дан ортиқ аҳоли рўйхати ўтказилган, кўпчилик ривожланган мамлакатларда аҳоли рўйхати ҳар беш ёки ўн йилда бир марта ўтказиб турилади (1).

Бутун инсоният тарихи давомида Ер қурраси аҳолиси жуда секин кўпайиб борган ва аҳолининг тез кўпайиши янги тарих даврида бошланди. (2). Охири минг йилликда аҳолининг биринчи марта икки баробар кўпайиши учун 600 йил керак бўлган, иккинчи икки баробар кўпайиши учун 230 йил, учинчиси учун 100 йил тўртинчиси учун 40 йилдан ортиқроқ вақт керак бўлди.

Бу шундан далолат берадики, аҳоли илгари ҳеч қачон XX аср ўрталаридаги ва иккинчи ярмидаги каби тез суръатлар билан кўпаймаган! Аҳоли сони 1950 йилда 2,5 млрд.га етди, 1987 йилда эса 5 млрд. бўлди.

¹ *Демография* (грекча *demos* — халқ, *grapho* — ёзаман) — аҳолининг кўпайиши қонуниятлари ҳақидаги фан бўлиб, аҳолининг сонини, табиий кўпайиши, ёшлар бўйича жинсий тарқиб ва бошқаларни ўрганади.

Мисол. XX аср бошларида Ер аҳолисининг йиллик мутлак кўпайиши 10—15 млн. га тенг эди, аср ўрталарида 40—50 млн. бўлди. Ҳозирги вақтда эса 90 млн.га етди. (3). Бу миқдор Европадаги Россиядан ташқари исталган мамлакат аҳолисидан анча кўп.

Жаҳоннинг турли ҳудудларида аҳолининг кўпайиши бир хил эмас. Бунга аҳоли кўпайишининг турли хусусиятларга эга эканлиги сабабдир. (1- топшириқ.)

2. Аҳолининг кўпайиши ҳақида тушунча. Аҳолишунослик илмий назарияси меҳнатда қатнашувчи аҳолини жамиятнинг ишлаб чиқарувчи асосий кучи, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асоси деб қарайди. Аҳоли табиат (географик муҳит) билан тўхтовсиз ўзаро таъсир кўрсатиб, табиатни ўзгартиришда фаол иштирок этади. Шу билан бирга, аҳоли бунёд этиладиган барча моддий бойликларнинг асосий истеъмолчиси ҳамдир. Буни ҳар биримиз ўзимизда ҳис этамиз. Шунинг учун ҳам аҳолининг сони ҳар бир мамлакат, шунингдек бутун инсоният тараққиётининг муҳим омилларидан биридир.

Ўз навбатида аҳолининг сони аҳоли кўпайишининг хусусиятига боғлиқ бўлади.

Аҳолининг кўпайиши (табиий ҳаракати) деганда туғилиш, ўлим ва табиий кўпайиш ҳодисаларининг мажмуи тушунилади. Бу ҳодисалар аҳолининг тўхтовсиз тикланиб ва авлодларнинг алмашилиб туришини таъминлайди.

Туғилиш, ўлим, табиий кўпайиш ўз асосига кўра биологик жараёндир. Шунга қарамасдан, *бу жараёнга кишилар ҳаётининг социал-иқтисодий шароити, шунингдек жамиятда ва оилада кишилар ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.* Ўлим даражаси даставвал кишилар ҳаётининг моддий шароитига-овқатланишига, меҳнат ва рўзгорнинг санитария-гигиена шароитига, соғлиқни сақлаш ишлари тараққиётига боғлиқ. Туғилиш даражаси ҳам жамиятнинг социал-иқтисодий шароити, шунингдек жамиятда ва оилада кишилар ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Ўлим даражаси даставвал кишилар ҳаётининг моддий шароитига — овқатланишига, меҳнат ва рўзгорнинг санитария-гигиена шароитига, соғлиқни сақлаш ишлари тараққиётига боғлиқ. Туғилиш даражаси ҳам жамиятнинг социал-иқтисодий тузилишига, кишилар ҳаёти шароитига боғлиқ. Лекин бу боғлиқлик жуда мураккаб ва қарама-қаршиликли бўлиб, фанда кўп мунозараларга сабаб бўлади. Одатда фаровонлик ва маданият ўсган, аёллар ишлаб чиқаришга ва ижтимоий фаолиятга кўпроқ жалб этилган, болаларнинг ўқиш муддати узайган ва «болалар қиммати» умуман ошган сари туғилиш камаяди. Лекин даромаднинг ўсиши туғилишнинг кўпайишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Аҳолининг кўпайишига урушлар, айниқса жаҳон урушлари жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Урушларнинг бевосита ҳарбий ҳаракатлар натижасида ҳам, қаҳатчилик ва қасалликларнинг тарқалиши оқибатида ҳам кўплаб кишилар ўлимга маҳкум бўладч.

Жуда соддалаштириб, умумлаштириб айтганда аҳоли кўпайишининг икки тури ҳақида гапириш мумкин.

3. Аҳоли кўпайишининг биринчи тури: демографик танглик. **Аҳоли кўпайишининг биринчи тури** учун туғилиш, ўлим ва табиий кўпайиш кўрсаткичларининг нисбатан паст эканлиги хосдир. Аҳоли кўпайишининг биринчи тури, аввало, Европанинг ривожланган мамлакатлари учун хос. Бу мамлакатларнинг баъзиларидагина аҳоли сонининг кенгайтирилган қайта тикланиши сақланиб қолган. Бунинг учун мамлакатдаги оилаларнинг тахминан ярми иккита болали, ярми учта болали бўлиши керак. (Иккита бола келажакда ота-она ўрнини босади, учинчи бола эса бахтсиз ходисалар, касалликлар натижасида ўлганлар ўрнини тўлдиради ва боласизлар ўрнини босади). Хорижий Европанинг кўп мамлакатларида туғилганлар ўлганлар ўрнини оддийгина тўлдириб қўя қолади. Баъзи мамлакатларда (ГФР, Дания, Италия, Бельгия, Австрия, Венгрия, Болгария, Латвия) аҳолининг табиий камайиши, яъни **демографик танглик** кузатилади.

Мисол. Германияда туғилиш дунёда энг паст кўрсаткичга эга. Оиланинг ўртача меъёри 2,7 киши. Ҳар тўрт оиланинг биттаси фарзандсиз. Бунинг оқибатида кейинги вақтларда бу мамлакат аҳолиси сони камайиб борапти.

Европа мамлакатларида туғилишнинг ва табиий кўпайишнинг пасайиши кўп жиҳатдан демографик сабабларга ва биринчи галда кекса кишилар сонининг кўпайиши ва болалар сонининг камайишига боғлиқ. Лекин аҳолининг кўпайишида иқтисодий ва социал сабаблар ҳам катта ўрин тутади. Россияда туғилишнинг камайиши ва кўп болали оилалар камайиб, кам болали оилаларнинг (оилаларнинг ўртача меъёри 1989 йил рўйхатига кўра 3,2 киши) кўпайишига асосий сабаб аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлик даражасининг кўтариллишидир. Лекин аҳолининг қариши ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасининг орқада қолаётгани ҳам сабаб бўлмоқда.

4. Аҳоли кўпайишининг иккинчи тури: демографик фаоллик. **Аҳоли кўпайишининг иккинчи тури** учун туғилиш ва табиий кўпайишнинг юқори ҳамда жуда юқори, ўлимнинг эса нисбатан кам эканлиги хосдир. Аҳоли кўпайишининг бу тури даставвал ривожланаётган мамлакатлар учун хос.

Бу мамлакатлар мустақилликни кўлга киритганларидан кейин ҳозирги замон тиббиёти, санитария ҳамда гигиенанинг ютуқларидан кенгрок фойдаланиш, биринчи галда юқумли касалликларга қарши курашиш имконига эга бўлдилар. Бу эса ўлимнинг кескин камайишига олиб келди. Туғилиш эса кўп мамлакатларда илгаригича юқори даражада сақланиб қолди.

Албатта, бунга минглаб йиллардан бери эрта оила қуриш ва кўп болали оила одатларининг барқарорлиги сабаб бўляпти. [5]. Оиланинг ўртача меъёри ҳозир ҳам 6 киши; одатда оилалар уч авлодли бўлади (ота-оналар, уларнинг болалари, набиралари). Улар учун яшашнинг асосий воситаси оиладигича қолмоқда ва болалар ота-она қариганда асосий таянч бўлади. Шу билан бирга бу мамлакатларда болалар ўзини хали ҳам анча кўплигича қолмоқда. Қишлоқ аҳолисининг кўпчилигини ташкил этиши, таълимнинг етарли даражада эмаслиги, аёлларнинг ишлаб чиқаришга кам жалб этилганлиги ҳам таъсир кўрсатиб қолмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, тугилиш ва табиий ўсишнинг энг юқори даражаси Африка ва Осиёнинг энг қолоқ қишлоқ хўжалик мамлакатлари учун хосдир.

Мисол. 90- йиллар бошларида тугилиш (ҳар 1000 кишига 54 та) ва табиий кўпайиш (ҳар 1000 кишига 41 та) да энг юқори кўрсаткичли мамлакат Кения бўлган. Аҳолининг кўпайиш суръати ана шундай бўлганда мамлакат аҳолиси ҳар 17 йилда икки ҳисса ортади. Буюк Британияда аҳолининг икки ҳисса кўпайиши учун эса 630 йил керак бўлар эди. (2- топширик.)

Аҳоли кўпайишнинг иккинчи тури хос бўлган мамлакатларда аҳолининг бундай тез кўпайиши XX аср ўрталаридан бошлаб **демографик портлаш** деган ном олди. Ҳозирги вақтда демографик фаолликни бошидан кечираётган бу мамлакатларга (Хитой билан бирга) Ер қураси аҳолисининг $\frac{3}{4}$ қисми ва йиллик мутлак кўпайишнинг 85 млн. ни тўғри келади. Шу жумладан. Осиёнинг ўзида аҳолининг сони ҳар йили тахминан 55 млн. кишига, Африкада 20 млн., Лотин Америкасида 10 млн. дан ортик кўнаяди.

Агар 1900 йилда жаҳондаги аҳолисининг сонига кўра энг йирик 15 мамлакатнинг еттитаси Европада, бештаси Осиёда ва учтаси Америкада жойлашган бўлса, башоратларга кўра 2000 йилда 15 та энг йирик давлат орасида Европадаги битта ҳам давлат бўлмайди, лекин уларнинг 9 таси Осиё давлатлари (Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Покистон, Бангладеш, Япония, Вьетнам, Филиппин, Эрон), иккитаси Африка давлати (Нигерия, Миср), иккитаси Лотин Америкаси давлати (Бразилия, Мексика), шунингдек АКШ билан Россия бўлади.

Бинобарин, *ривожланаётган мамлакатлар жаҳондаги демографик ҳолатни белгилаш билан бирга бутун дунёдаги аҳолининг сонига ва унинг кўпайишига таъсир этмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.* (3- ижодий топширик.)

5. Демографик сиёсат — аҳоли кўпайишини бошқариш. Ҳозирги вақтда жаҳондаги кўпчилик мамлакатлар давлат **демографик сиёсатини** юргизиб, аҳолисининг кўпайишини бошқаришга интиломқдалар. *Демографик сиёсат маъмурий, иқтисодий, тарғибот ва бошқа тадбирлар бўлиб, давлатлар булар ёрдамида аҳолининг табиий кўпайишига ўзи хоҳлаган йўналишда (биринчи галда тугилишга) таъсир кўрсатади.* Демографик сиёсатнинг йўналиши даставвал мамлакатдаги демографик ҳолатга боғлиқ бўлди.


Аҳоли кўпайишнинг биринчи турига кирувчи мамлакатларда демографик сиёсат кўпроқ тугилишни ва табиий кўпайишни оширишга қаратилган бўлади.

Европадаги мамлакатлардан Франция ана шундай сиёсатни ҳаммадан фаол юргизяпти. Японияда оила кўламини режалаштиришнинг кенг дастури амалга ошириляпти.


Аҳоли кўпайишнинг иккинчи тури хос бўлган кўпчилик мамлакатлар кейинги ўн йилликларда тугилишни ва аҳолининг табиий кўпайишини қисқартиришга қаратилган демографик сиёсат юргиза бошладилар. Бу соҳада дунёнинг иккита энг катта

мамлакати — Хитой билан Ҳиндистон энг кўп ҳаракат қилмоқда деса бўлади.


1- мисол. ХХР Конституциясида эр-хотинлар режа асосида фарзанд кўришлари керак дейилган. Фарзанд тугилишини режалаштириш Қўмитаси ташкил этилган. Бола кўриш учун маҳаллий ҳокимиятдан рухсат олиш керак. Кечроқ турмуш куриш муддати белгиланган. Институтда ўқиш вақтида одатда турмуш куришга рухсат берилмайди. ХХР демографик сиёсатининг асосий шиори «Бир оилага — бир бола». Бу сиёсатни амалга ошириш ҳозирданок катта натижалар берди.



7- расм. Ер қурси аҳолиси сонининг милодимиз бошидан буёнгги ўзгариши.



8- расм. Аҳоли кўпайишининг биринчи ва иккинчи турларининг ёш-жинсий таркиби пирамидаси




9-расм. Жаҳон аҳолисининг кўпайиш турлари

2-жадвал

XX аср давомида жаҳон аҳолиси сонининг ўсиши

Дунё регионлари ва бутун жаҳон	Йиллар						
	1900	1920	1950	1960	1980	1990	2000 маълумот
Россия, СССР, МДҶ	130	158	180	214	266	288	300
Хорижий Европа	295	329	392	425	484	498	517
Хорижий Осиё	950	966	1392	1715	2569	3108	3698
Африка	130	141	220	275	475	648	872
Шимолий Америка	81	117	166	199	249	276	295
Лотин Америкаси	64	91	164	216	354	448	540
Австралия ва Океания	6	9	13	16	23	26	30
Бутун жаҳон	1656	1811	2527	306	4420	5292	6252



10- расм. Жаҳон аҳолисининг ёшлар бўйича таркиби

2- мисол. Хиндистон ривожланаётган мамлакатлардан биринчи бўлиб 1951-йилда давлатнинг расмий сиёсати сифатида оилани режалаштириш миллий дастурини қабул қилди. Оила қуриш ёши анча узайтирилди, аҳолини ихтиёрий равишда ёппасига бичиш олиб бориляпти, «Биз иккитамиз — бизга иккита бола бўлса бас» деган шior остида тўрт кишилик оила ташвиқоти олиб бориляпти. Бу тадбирлар натижасида туғилиш ва аҳолининг табиий кўпайиши анча пасайди, лекин шунга қарамасдан дунёда туғилаётган болаларнинг ҳар бештасидан биттаси Хиндистонда туғиляпти.

2. БИЗ АҲОЛИНИНГ ТАРКИБИНИ БИЛАМИЗ

1. **Жинсий таркиби:** эркаклар билан хотинлар нисбати. Табиатда эркаклар билан аёллар бир хил миқдорда туғилмайди. Аслида ҳар 100 та қиз бола туғилганда тахминан 104—107 та ўғил бола туғилса ҳам лекин 15 ёшга етганда иккала жинсдаги болалар сони тенглашади. Лекин аҳолининг бундан кейинги ёшлар бўйича гуруҳларида аҳолининг жинсий таркиби турли мамлакатларда турлича таркиб топади.

Дунёдаги мамлакатларнинг тахминан ярмида аёллар сони эркаклардан ортиқ. Бунга сабаб шуки, аёлларнинг ўртача умри эркакларникига қараганда бироз ортиқ бўлади. Баъзи бир мамлакатларда аёлларнинг эркаклар сонига қараганда анча кўплигига бу мамлакатларда иккинчи жаҳон урушида эркакларнинг кўплаб қирилганлиги сабабдир. Лекин ҳаётга янги ёш авлодларнинг кириб келиши билан аҳоли сонига бу фарқлар аста-секин камайиб бoryпти.

Аёлларнинг иқтисодий ва ижтимоий мавқеи тарихан ноқулай бўлган (эрта турмуш қуриш, қашшоқлик ва касаллик шароитида

эрта ва кўп бола кўриш) мамлакатларда эркаклар сони аёллар сонидан ортик. Бутун жаҳон аҳоли жинслари нисбатига Хитой билан Ҳиндистондаги эркакларнинг аёллардан анча кўплиги айниқса кучли таъсир кўрсатади. Умуман олганда дунёда ана шу мамлакатлар туфайли ҳар 1000 та аёлга 1009 та эркак тўғри келади. (4- топширик.)

2. Ёшлар бўйича таркиби: меҳнат ресурсларига таъсири. Қадимги юнон математиги ва файласуфи Пифагор инсон ҳаётини йил фаслларига қиёслаб, инсон умрида тўрт «фасл»ни: баҳор (болалик), ёз (ёшлик), куз (етуклик) ва қиш (қарилик)ни фарқ қилишни таклиф қилади. Ҳозирги вақтда ҳам олимлар аҳолининг демографик ёшлиги, етуқлиги ва қарилиги ҳақида сўз юритишади. Мамлакат (худуд)ни мазкур фасллардан бирига киритиш биринчи галда туғилиш, ўлим ва табиий кўпайиш кўрсаткичларига боғлиқ. Шу сабабли аҳолининг ёшлар бўйича асосий турлари умуман олганда унинг кўпайиш турига боғлиқдир.

Мисол. Ривожланган мамлакатларда болалар салмоғи ўрта ҳисобда 23 фоизни, кекса кишилар салмоғи 15 фоизни ташкил этади, ривожланаётган мамлакатларда эса бу кўрсаткич 43 ва 6 фоизни ташкил этади [6].

Аҳолининг ёшлар бўйича ва жинсий таркибини таҳлил қилиш учун махсус диаграмма тури — аҳолининг ёшлар бўйича ва жинсий таркиби пирамидаси қўлланилади (5- топширик).

Аҳолининг асосий ишлаб чиқариш қисми — меҳнат ресурсларини аниқлашда унинг **ёши** асосий мезон бўлади. Аҳолининг **иктисодий фаоллиги** кўрсаткичи меҳнат ресурсларининг ишлаб чиқаришда жалб қилинганлик даражасини кўрсатади.¹

Бутун дунё аҳолисининг 45 фоизи ёки 2 млрд.дан ортиқроқ қисми иктисодий фаол аҳоли ҳисобланади. Россияда, Хорижий Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида аҳолининг иш билан бандлиги жуда юқори бўлгани ҳолда фаол аҳоли кўрсаткичи (48—50%) умумжаҳон кўрсаткичидан анча юқори. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида бу кўрсаткич жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан паст (35—40%). Бунга бу мамлакатларнинг умумий иктисодий қолоқлиги, миллионлаб болалар ва ўсмирларнинг ишлашларига қарамасдан аҳоли сонида ёш болалар салмоғининг жуда катта эканлиги (11- расмни кўринг), аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга анча кам жалб қилинганлиги сабабдир.

3. Билим даражаси — аҳолининг сифат кўрсаткичи. Ҳозирги вақтда аҳолининг миқдоригина эмас, балки унинг сифати ҳам катта аҳамият касб этади. Аҳолининг сифати тушунчаси турмуш ва овқатланиш шароитини, соғлигини, янгиликларни қабул қилиб олиш малакасини ўз ичига олади. Саводхонлик, умумий ва махсус билим даражаси ҳам аҳоли сифати тушунчасининг муҳим белгиларидан биридир.

¹ Иктисодий фаол (ёки, қисқаси — фаол) аҳоли — меҳнатга яроқли аҳолининг моддий ишлаб чиқаришда ва номоддий ишлаб чиқариш соҳасида қатнашадиган қисмидир.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда саводсизлик амалда тугатилган. Лекин ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг билим даражаси, кейинги вақтда анча ютуқларга эришилганига қарамай, ҳозирча анча паст. БМТ маълумотига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 900 млн. га яқин киши ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмайди; бу сайёрамиздаги катта ёшдаги кишиларнинг ҳар 4 тасидан биттаси саводсиз деган гапдир. Бунинг устига саводсиз кишиларнинг мутлақ сони камаймаяпти, аксинча ортиб борапти ва XX аср охирига бориб 1 млрд. кишига етиши мумкин.

Т
Қ

4. Этник (миллий) таркиби: мураккаб муаммолар. Дунёда ҳаммаси бўлиб 3—4 мингга яқин халқ, яъни этнос мавжуд. Буларнинг айримлари миллатларга айланган, қолганлари халқ ва қабилалардан иборат. Табиийки, шунчалик кўп миқдордаги халқларни гуруҳларга ажратиш (таснифлаш) зарур. Аҳоли географияси учун халқларни, биринчидан, сонига ва, иккинчидан, тилига қараб гуруҳларга ажратиш энг катта аҳамиятга эгадир.

Халқларни од ам сонига қараб гуруҳларга ажратганда бу гуруҳлар аҳолиси сонига қараб жуда катта фарқ қилиши намоён бўлади: 1,1 млрд.дан ортиқ кишидан иборат хитойлардан, Шри-Ланкадаги аҳолиси бор йўғи 1 минг киши бўлган *ведд* ёки Бразилиядаги *ботоку* қабиласигача. Ер аҳолисининг асосий қисмини йирик ва жуда йирик халқлар ташкил этади. Бир қанча юзлаб кичик халқлар эса Ер қуրраси аҳолисининг бор йўғи бир неча фоизини ташкил этади, ҳолос. Лекин жаҳон маданиятига ўз хиссасини катта халқлар ҳам, кичик халқлар ҳам қўшиб келган ва бундан кейин ҳам қўшади.

Халқларни тилига қараб гуруҳларга ажратиш тилларнинг яқинлигига қараб амалга оширилади. Тилларнинг яқинлиги одатда бир қанча тилларнинг битта қадимги тилдан келиб чиқишига боғлиқ бўлади. Жанубий Европадаги роман тиллари Қадимги Римда ва унга тобе мамлакатларда тарқалган латин тили асос бўлган.

Ҳамма тиллар, сиз билганингиздек, тил оилаларига бирлаштирилади, тил оилалари ўз навбатида тил гуруҳларига бўлинади. Энг кенг тарқалган тиллар гуруҳи ҳинд-европа оиласидир.

Мисол. Ҳинд-Европа тил оиласи тилларида умумий сони 2,5 млрд. киши бўлган 150 халқ сўзлашади. Булар ҳамма китъаларда яшайдиган 11 та тил гуруҳига мансубдир. Европа билан Америкада бу тилда 95 фоиз аҳоли гаплашади [7].

1 млрд.дан ортиқ киши хитой-тибет оиласи, асосан хитой тилида сўзлашади. Бошқа тил оилалари анча кичик. (6- топширик.)

Миллий (этник) чегаралар сиёсий чегаралар билан мос тушган жойларда бир миллатли давлатлар ташкил топади: Европа, Латин

¹ Этнос (юнонча *ethnos* — жамият, гуруҳ, қабила, халқ) — кишиларнинг тарихий таркиб топган, барқарор бирлиги.

Америкаси, Австралия ва Океания, Яқин Шарқдаги кўп давлатлар ана шундай бир миллатли давлатлардир. Шунингдек, икки миллатли давлатлар ҳам бор: Бельгия, Канада ва бошқалар. Яна кўп миллатли давлатлар ҳам мавжуд: уларнинг баъзи бирларида ўнлаб ва ҳатто, юзлаб халқлар яшайди. Одатда улар федератив ёки конфедератив маъмурий-худудий тузилишга эга.

Кўп миллатли ва икки миллатли мамлакатларда мураккаб миллатлараро муносабатлар муаммоси мавжуд.

Бу ҳол биринчи навбатда ривожланаётган мамлакатларга хос. Бу мамлакатларда қабилаларнинг элатларга, элатларнинг миллатларга бирлашиши ижобий жараёни рўй берапти. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда ҳам 70- йилларнинг ўрталаридан бошлаб миллий масала анча кескин тус олди. Бунга биринчи галда миллат ва элатларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий тенгсизлиги сабаб бўлди. Бундай аҳвол биринчи навбатда Буюк Британия, Франция, Канада, Бельгия ва Испания мамлакатларига хосдир.

Канадада икки асосий миллат — канадалик инглизлар ва канадалик французлар яшайди, давлат тили инглиз ва француз тиллари. Канадалик французлар Квебек вилоятига тўпланган. Бу вилоят «Француз Канадасини» ташкил қилиб, бошқа барча вилоятлардаги «Инглиз Канадасидан» буткул фарқ қилади. Лекин Канадалик инглизлар жамиятда юқориқ табакани ташкил этади. Улар иқтисодиётда муҳим мавқени эгаллайди. Бу ҳолат миллатлараро муносабатларнинг мунтазам кескинлашиб туришига олиб келади. Канадалик французларнинг бир қисми «Мустақил Квебек» деган шиорни, яъни мустақил француз Канадаси давлатини бунёд этишни талаб қилиб чиқмоқда.

Жанубий Африка Республикасида миллатлараро қарама-қаршиликлар яна ҳам кескинроқ. Бу ерда ирқий ва миллий камситилар 90- йиллар бошларигача давлат сиёсати даражасигача кўтарилган эди. 80- йилларнинг охирларида Россияда, собиқ СССР худудида юзага келган бир қанча мамлакатларда, Шарқий Европа мамлакатлари, айниқса Югославияда миллатлараро муносабатлар жуда мураккаблашди.

5. Диний таркиби: учта жаҳон динлари. Динлар тарқалиши ва аҳамиятига кўра жаҳон динлари ва миллий динларга бўлинади. Жаҳон динларидан энг кенг тарқалгани х р и с т и а н дини бўлиб (бу дин уч мазҳабни — католик, протестант ва православ мазҳабларини ўз ичига олади), унга асосан Европа, Америка ва Австралияда яшовчи тахминан 1 млрд. киши эътиқод қилади. Эътиқод қилувчилар сонига кўра (1 млрд. га яқин) ислом (мусулмон) дини иккинчи ўринда туради. Асосан Осиё билан Африкада жойлашган деярли 30 мамлакатда Ислом дини давлат дини деб эълон қилинган. Марказий ва Шарқий Осиёда тарқалган будда дини жаҳон динлари орасида учинчи ўринда (250 млн. киши) туради.

Миллий динларга Ҳиндистондаги индуизм, Хитойдаги конфуцианлик, Япониядаги синтоизм ва бошқалар қиради. Қадимий динлардан бири бўлмиш иудаизм ҳам кенг тарқалган. Бу дин-

нинг кўп қоидалари христиан динида қабул қилинган (7-топшириқ).

Дин ўзгараётган шароитга мослаша бориб, кишиларнинг ахлоқига, урф-одатларига, шахсий ҳаётига, оиладаги ўзаро муносабатларга катта таъсир кўрсатишда давом этапти. Дин хусусан аҳолининг кўпайишига жуда катта таъсир кўрсатади.

Протестант мазхабидаги халқлар яшайдиган мамлакатларда одатда никоҳга кириш ёши ҳаммадан кеч ва ажралиш эса унчалик мураккаб эмас. Баъзи бир католик мазхабига мансуб мамлакатларда (Испания, Лотин Америкаси мамлакатларида) эркакларга 14 ёшдан, аёлларга 12 ёшдан никоҳга кириш қонун билан рухсат этилган. Қатолик учун никоҳни бузиш ҳам 20—30 йил олдингига нисбатан ҳозир анча осон. Илгарилари амалда ман этилган эди. Мусулмон мамлакатларида никоҳга кириш ёши жуда кичик. Бу мамлакатларда дин эрта ва мажбурий никоҳни, кўп болаликни, кўп хотинликни қўллайди ва кўп ҳолларда демографик сиёсатга салбий муносабатда бўлади. Индуизм ҳам эрта ва мажбурий никоҳни ҳамда кўп болаликни қўллайди, лекин мусулмончиликдан фарқ қилиб, ажралишни ва иккинчи никоҳни ман этади. Илгари Ҳиндистондаги 14 ёшгача бўлган қизлар ва ўспиринларнинг ярми оила қурган бўларди. Ҳозир ҳам аёлларнинг ярми 18 ёшгача оила куради.

Диний қарама-қаршиликлар кўпинча ирқий ва миллий зиддиятлар билан боғланиб, узоқ давом этадиган «қайноқ нуқталар»ни вужудга келтиради.

Мисол. Шимолий Ирландияда (Ольстерда) сиёсий кескинлик кўп йиллардан буён давом этапти. Бу ерда аҳолининг қашшоқ-роқ қисми бўлган ерли аҳоли — католиклар билан иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётда муҳим мавқеларни эгаллаб олган протестантлар (Англия ва Шотландиядан кўчиб келганларнинг авлодлари) ўртасида диний низолар тўхтамаяпти.

3. АҲОЛИНИНГ ЖОЙЛАШИШИ ВА МИГРАЦИЯЛАРИНИ ТАЪРИФЛАЙМИЗ

1. Аҳолининг жойлашиши ва зичлиги: жуда катта тафовутлар.

Аҳоли жуда нотекис жойлашган: бутун аҳолининг 70 фоизига яқин қисми қуруқликнинг 7 фоиз ҳудудида яшайди. Шу билан бир вақтда одам яшайдиган қуруқликнинг ярмига яқинида аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 5 кишидан кам тўғри келади. Аҳоли томонидан бутунлай ўзлаштирилмаган ерлар қуруқлик майдонининг 15 фоизини ташкил этади. Инсонлар томонидан ўзлаштирилмаган ёки заиф ўзлаштирилган ерлар асосан табиий шароити ноқулай ўлкалардир.

Табиийки, одамлар биринчи навбатда ҳаёт кечириш учун қулай ва турли ресурсларга бой ҳудудларга келиб ўрнашишган ва ўзлаштиришган. Кишилар бундай жойларда антропоген ландшафтларнинг турли хилларини бунёд қилишган.

Мисол. Ердаги ҳар 100 кишининг 80 таси пасттекисликларда ва денгиз сатҳидан баландлиги 500 м гача бўлган текисликларда яшайди. Бундай ерлар қуруқлик майдонининг фақат 28 фоизини ташкил этади. Тоғли ўлкаларда аҳоли анча кам ўрнашган, лекин бунинг аксини ҳам учратиш мумкин [8].

Аҳолининг жойлашишига қадим замонлардан буён кишиларнинг қишлоқ хўжалигида банд эканлиги катта таъсир кўрсатиб келади.

Мисол. Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёда обикор ерларда сермеҳнат шодикорликнинг ривожланиши жуда йирик аҳоли тўплаларининг шаклланишига олиб келди. Бу ерларда ҳозирги вақтда ҳам аҳолининг зичлиги 1 км^2 майдонда 200 кишидан ортади, айрим жойларда эса 1500—2000 кишига етади ва ундан ҳам ортади.

Саноат тараққиётининг бошланиши билан Европа ва АҚШда йирик аҳоли тўплалари таркиб топди. Баъзи бир саноат районларида ҳам аҳоли зичлиги 1 км^2 майдонда 1000—1500 кишига етади.

Ниҳоят, инсоният маданий тарихининг бутун давомида аҳоли транспорт ва савдо йўлларига яқинроқ жойлашишга интилиб келган.

Мисол. Денгиз ва океанларнинг қирғоғи бўйлаб чўзилган, эни 200 км гача бўлган соҳил ерларда бутун аҳолининг ярми тўпланган. Эни 50 км гача бўлган ерларда эса деярли 30 фоизи яшайди. Бундай ерлар қуруқликнинг бор йўғи 12 фоизини ташкил этади (15- расмга қаранг). Ороллар ва яриморолларда жойлашган айрим мамлакатларда бу кўрсаткич яна ҳам юқоридир.

Ер қурраси аҳолисининг ўртача зичлиги 1 км^2 майдонга 40 кишидан тўғри келади. Бу — ўртача зичлик. Лекин турли мамлакатларда аҳолининг зичлиги бир-биридан кескин фарк қилади. Лекин айрим мамлакатлар ҳудудида аҳоли зичлигидаги тафовутлар бундан ҳам катта.

Мисол. Канадада аҳолининг $\frac{2}{3}$ қисми мамлакатнинг АҚШ билан чегарадош бўлган эни 150 км ли жанубий қисмида жойлашган. Мамлакатнинг шимолий қисмида 20—25 км^2 майдонга 1 киши тўғри келади. Аҳолининг бундай жуда нотекис жойлашиши Австралия учун ҳам хосдир (16- расмга қаранг).

Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши учун аҳолининг муайян сони ва зичлиги бўлиши керак. Лекин аҳолининг зичлигига билан унинг ижтимоий-иқтисодий даражаси ўртасида тўғридан-тўғри боғланиш бор, дейдиган олимлар ноҳақдирлар (8- топшириқ).

2. Аҳоли миграцияси: миграция хусусияти ва географиясидаги ўзгаришлар. Аҳолининг жойлашишига, шунингдек унинг сони ва таркибига аҳоли миграцияси¹ катта таъсир кўрсатади. Н. Н. Баранский «кишилар учиб келиб-кетувчи қушлар эмас ва уларнинг кўчишига биологик қонуниятлар эмас, балки ижтимоий қонуниятлар сабаб бўлади» деб ёзган эди. Миграциянинг асосий сабаби

иктисодий сабаб, лекин унга сиёсий, миллий, диний, экологик ва бошқа сабаблар ҳам бўлиши мумкин. Аҳолининг ташқи миграциялари жуда қадим замонларда вужудга келган бўлиб, ўрта асрларда буюк географик кашфиётлар билан боғлиқ равишда давом этган, лекин капитализм даврида у жуда ривожланди.

Энг катта «миграцион портлаш» XIX асрда бошланди. Европа асосий эмиграция маркази бўлиб қолган эди. Бу ерда капитализм ривожланиши билан аҳолининг бир қисми хали бўш ерлар бор, хўжалик тез ривожланаётган ва ишчи кучига талаб вужудга келган жойларга «сиқиб чиқарилар» эди. Эмиграция бошланган вақтдан то иккинчи жаҳон урушигача Европадан 60 млн. одам кўчиб кетди [9]. Эмиграциянинг иккинчи манбаи Осиёда вужудга келди. Бу ердан Хитой ва Ҳинд ишчилари кўчиб кетар эди. Улар плантациялар ва конларда ишлашга ёлланардилар. АҚШ, Канада, Бразилия, Аргентина, Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Африка эмиграция марказлари бўлган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин ташқи миграциялар географияси сезиларли даражада ўзгарди. АҚШ, Канада, Австралия [10], Янги Зеландия, шунингдек Исроилга доимий яшаш учун иммигрантлар ҳамон келаётган бўлса ҳам, қитъалараро миграциянинг умумий миқдори камайди. Лекин қитъалар ичидаги миграциялар кучайди. Шу билан бирга меҳнаткашлар миграцияси деб аталувчи кўчишлар айниқса кенг тус олди. Бу ўзгаришлар айниқса Ғарбий Европага хос бўлди. Асрлар давомида асосий эмиграция манбаи бўлган Ғарбий Европа Ўрта денгиз бўйи мамлакатларидан ҳам (Испания, Португалия, Италия, Югославия, Греция) ва Осиё мамлакатларидан (Туркия, Ҳиндистон, Покистон ва бошқалар) ҳам ўзига ишчи кучини тортадиган асосий худудга айланди. Яқин Шарқ мамлакатларида меҳнаткашлар миграциясининг янги йирик худуди таркиб топди. Бу ерда нефть қазиб чиқарувчи мамлакатлар — Саудия Арабистони, Қувайт, Баҳрайн, Қатар, Биравган Араб Амирликлари, Ливия меҳнаткашларни ўзига тортувчи худудга айланди. Бошқа араб мамлакатлари (Миср, Яман, Йордания, Сурия, Судан) ва Осиёнинг араб бўлмаган мамлакатлари (Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш ва бошқалар) меҳнат ресурсларини етказувчи манбага айланди. Лотин Америкаси ва Осиёдан ишчи кучини ўзига тортувчи АҚШ ҳам меҳнаткашлар иммиграциясининг муҳим марказларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ғарбнинг ривожланган мамлакатларида булар натижасида 20—25 млн. чет эллик ишчилар ишламоқда, агар яширин келган ишчиларни ва улар оилалари аъзоларини ҳам қўшиб ҳисобласак, булар сони 40—50 млн. кишига етади. Ҳар йили давлат чегараларини 2—3 млн. киши кесиб ўтади.

Ишчи кучларининг бундай халқаро миграциясига асосий сабаб иктисодий ривожланган мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлардаги аҳолининг яшаш шароити ва маошда катта тафовутлар мавжудлигидир. Бироқ АҚШда ва Ғарбий Европада иммиграциялар, айниқса ёшлар кўпинча энг қийин, кам

ҳақ тўланадиган ва паст ишларда ишлашга мажбур бўлишяпти. Албатта, уларни ҳозирги замон корхоналарида ҳам учратиш мумкин. Лекин уларнинг кўпчилиги конларда ёки қурилишларда, ёки хизмат кўрсатиш соҳасида сотувчи, мол ташувчи, официант, лифтчи, қоровул, машина ҳайдовчи, ахлат йиғувчи ва бошқаларда ишлаб қолиб кетади.

XX асрнинг иккинчи ярмида ташқи миграциянинг янги шакли, яъни «билак кучи»нинг кетишидан фарқ қилувчи «оқиллар кетиши» деб ном олган миграция пайдо бўлди. Бу кўчиб кетишнинг моҳияти хорижий олимлар, муҳандислар, врачлар ва бошқа хил юқори малакали мутахассисларни йўлдан уришдан иборат. Бундай миграция Ғарбий Европадан АҚШ га кўплаб кетишдан бошланди. Кейинги вақтларда иммигрантоқиллар асосан ривожланаётган мамлакатлардан кетяпти. Оқилларнинг кетиб қолиши зиёлилар шундай ҳам кам бўлган бу мамлакатларнинг иқтисоди ва маданиятига салбий таъсир кўрсатяпти. 80- йиллар охири ва 90- йиллар бошларида сиёсий ва иқтисодий бўҳрон муносабати билан Россия, Украина ва илгари СССР таркибига кирган бошқа мамлакатлардан «оқиллар кетиши» кучайди.

Аҳоли ички (давлат доирасидаги) миграциясининг бир қанча тури мавжуд. Буларга аҳолининг қишлоқ жойлардан шаҳарларга кўчиб келиши киради. Бу миграция кўп мамлакатларда шаҳарларнинг ўсиши учун манба бўлади. Бу хил миграциянинг кўлами ҳозирги вақтда шунчалик катталашиб кетдики, уни «XX асрда аҳолининг буюк кўчиши» деб аталадиган бўлди. Аҳолининг ҳудудий қайта тақсимланиши йирик ва кичик шаҳарлар ўртасида ҳам рўй берапти. Янги ерларни ўзлаштириш ҳам миграция билан боғлиқдир. Миграциянинг бу тури ҳудуди катта ва аҳоли зичлиги жуда ҳар хил бўлган мамлакатлар — Россия, Қозогистон, Канада, Бразилия, Австралия, Хитой учун айниқса хосдир.

4. ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИЛАРИНИ ҚИЁС ҚИЛАМИЗ.

1. **Шаҳар аҳолиси** — шаҳарлар мавқеининг ўсиши. Сиз тарих фанларини ўқиб билиб олганингиздек, шаҳарлар жуда қадимги замонда маъмурий ҳокимият, савдо ва ҳунармандчилик марказлари, ҳарбий қўрғонлар сифатида Нил, Дажла ва Фурот дарёлари дельталарида пайдо бўлган. Капитализмнинг ривожланиши ва йирик машинасозлик саноати, транспорт ва жаҳон бозорининг ўсиши билан шаҳарларда саноат тўпланди, кўп шаҳарлар транспорт тугунларига, савдо-тақсимоъ марказларига айланиб борди. Шаҳарларнинг маъмурий ва маданий марказлар сифатидаги мавқелари кучайди. XX аср ўрталарида номоддий ишлаб чиқариш соҳаларининг ўсиши билан шаҳарларнинг вазифалари янада кўпайди. Ҳозирги замон шаҳари одатда бир қанча вазифани бажаради. Лекин бир хил вазифани бажарувчи шаҳарлар ҳам мавжуд. Масалан, тоғ-кон саноати шаҳари, илмий шаҳар, курорт шаҳари ва ҳатто пойтахт шаҳарлари бор [11]. Баъзи шаҳарлар пойтахт қилиш учун махсус қурилган [12].

Ҳозирги вақтда аҳолининг жойлашиши шаҳарлар географияси-га тобора кўпроқ боғлиқ бўлиб бормоқда. Шаҳарларнинг умумий сони Ер қуррасида ўнлаб минг ҳисобланади [13]. Шаҳарлар ўз атрофини ўраб олган жойларга — табиий муҳитга ҳам, кишлоқларга ҳам тобора кўпроқ таъсир этмоқда. Н. Н. Баранский шаҳарларни ҳар бир мамлакат ҳудудининг «Сардорлари» деб атаган.

2. Урбанизация (шаҳарланиш) ҳақида тушунча. Урбанизация ҳозирги замондаги энг муҳим ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан ҳисобланади.

Урбанизация (лотинча urbs — шаҳар) деб мамлакатда, ҳудуд ва жаҳонда шаҳарларнинг ўсиши ва шаҳар аҳолиси салмоғининг ошишига, мураккаб шаҳарлар шохобчалари, тизимларининг пайдо бўлиши ва ривожланишига айтилади. Бинобарин, урбанизация жамият ҳаётида шаҳарлар аҳамиятининг тарихий ўсиши жараёнидан, жамиятнинг аҳоли меҳнати, турмуш тарзи ва маданиятининг кўпроқ шаҳарларга хос бўлиб ўзгариб боришидан иборатдир. Урбанизация социал-иқтисодий тараққиётнинг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир.

Ҳозирги замон урбанизацияси бутун жаҳонга тегишли жараён бўлиб, кўпчилик мамлакатларга хос бўлган учта умумий хусусиятга эгадир.

Биринчи хусусият — шаҳар аҳолиси сонининг хусусан ривожланаётган мамлакатларда тез суръатлар билан ўсиб бориши.


Мисол. 1900 йилда жаҳон аҳолисининг 14 фоизига яқини шаҳарларда яшаган бўлса, 1950 йилда 29 фоизга, 1990 йилда 45 фоизга етди. Ўрта ҳисобда олганда шаҳарлар аҳолиси ҳар йили 50 млн. кишига кўпайиб бормоқда. Аҳолишуносларнинг фикрига кўра, 2000 йилга борганда шаҳар аҳолиси жаҳон аҳолисининг ярмидан ошиб кетади.

Иккинчи хусусият — аҳоли ва хўжаликнинг асосан йирик шаҳарларда тўпланиши. Бунга ишлаб чиқариш хусусияти, унинг илм-фан, таълим билан алоқасининг мураккаблашиб бораётгани сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, катта шаҳарлар кишиларнинг маънавий эҳтиёжларини одатда тўлиқроқ қондиради, ҳар хил моллар ва хизматларга талаби яхшироқ таъминланади, турли ахборотлар олиш осонроқ бўлади. Машҳур француз меъмор Ш. Э. Ле Корбюзье: «Катта шаҳарлар Коинотнинг энг яхши асарлари яратиладиган руҳий устахоналардир», деб ёзган эди.


Мисол. XX аср бошида жаҳонда аҳолиси 100 мингдан ортиқ бўлган 360 та катта шаҳар мавжуд эди, уларда бутун аҳолининг 5 фоизи яшаган. 80- йиллар охирига келиб бундай шаҳарлар сони 2,5 мингга етди, улардаги аҳоли жаҳон аҳолисининг $\frac{1}{3}$ қисмидан ошиб кетди. XXI асрнинг бошига келиб, катта шаҳарларнинг сони афтидан 4 мингга етади.

Йирик шаҳарлардан аҳолиси 1 млн. дан ортиқ бўлган энг катта — «миллионер» шаҳарларни ажратиб кўрсатиш одати


мавжуд. Тарихда Рим шаҳари Юлий Цезар вақтида биринчи ана шундай миллионер шаҳар бўлган. XX аср бошида бундай шаҳарлар бор йўғи 10 та эди, 80-йиллар бошларига келиб 200 тадан ортди, аср охирига келиб улар сони 400 тадан ошса керак. Россияда 1992 йилда бундай шаҳарлар сони 13 та, Ўзбекистонда 1 та бўлган. Жаҳондаги 30 дан ортиқ шаҳарнинг ҳар бирида ҳозирнинг ўзида 5 млн. дан ортиқ аҳоли мавжуд (17-расмни кўринг), аср охирига бориб бундай шаҳарлар сони 60 га етади.




11-расм. Жаҳон аҳолисининг денгиздан узоқлигига қараб жойлашиши



12-расм. Австралия аҳолисининг жойлашиши



13-расм. Жаҳоннинг энг йирик шаҳарлари



14-расм. Жаҳон мамлакатларида урбанизация даражаси

3-жадвал

1950—2000 йилларда шаҳар аҳолиси сонининг ўсиши (млн. киши ҳис.)

Дунё регионлари ва бутун жаҳон	Йиллар					
	1950	1960	1970	1980	1990	2000 маълумот
СССР, МДҲ	70	104	137	166	193	222
Хорижий Европа	217	256	302	341	363	477
Хорижий Осиё	229	362	517	733	949	1412
Африка	33	51	81	136	220	346
Шимолӣ Америка	106	139	167	191	210	240
Лотин Америкаси	67	106	163	238	323	466
Австралия ва Океания	8	11	14	17	18	27
Бутун жаҳон	730	1027	1381	1822	2276	3190

Учинчи хусусият — шаҳарлар майдонининг кенгайиб кетиши. Ҳозирги замон шаҳарлашиши (урбанизация) учун шаҳарларнинг оддий бир ўзакли шаклидан шаҳарлар ва қишлоқлар тутатиб кетиб, шаҳарлар гуруҳи, шаҳарлар «уюми» шаклига, яъни шаҳар агломерацияси шаклига ўтиш хосдир. Пойтахтлар, энг

муҳим саноат марказлари, портлар йирик шаҳар агломерация учун ўзак бўлади.

Мисол. Жаҳондаги энг катта агломерациялар Мехико, Токио, Сан-Паулу ва Нью-Йорк теварагида таркиб топган. Уларнинг ҳар бирида 16—20 млн.дан ва ундан ортиқ аҳоли яшайди. Россиядаги бир неча ўн йирик агломерациялардан энг каттаси Москва агломерацияси бўлиб, аҳолиси 13,5 млн. киши, унда 100 га яқин шаҳар ва бир неча минг қишлоқ жамланган.

Мавжуд башоратларга кўра, XX аср охирида йирик агломерациялар сони анча ортади [14]. Улардан кўпчилиги ўзгариб, янада йирикрок тизим — шаҳарлашган ҳудудларга, зоналарга айланади.

3. Урбанизация даражаси ва суръати: уларни қандай бошқариш мумкин? Урбанизация бутун жаҳон жараёни сифатида умумий хусусиятларга эга бўлиш билан бирга турли мамлакатлар ва ҳудудларда ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Бу хусусиятлар урбанизациянинг ҳар хил даражада эканлигида ва суръатида акс этади.

Урбанизация даражасига кўра жаҳондаги барча мамлакатларни учта катта тоифага ажратиш мумкин (18-расмга қаранг). Лекин асосий фарқ мамлакатларнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Ривожланган мамлакатларда 90-йилларнинг бошларида урбанизация даражаси 72 фоизни, ривожланаётган мамлакатларда 33 фоизни ташкил этган (10-топширик.)

Урбанизация суръати кўп жиҳатдан унинг тараққиёт даражасига боғлиқ. Урбанизация юқори даражага чиққан, иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида шаҳар аҳолиси сони кейинги вақтларда нисбатан секин ўсаяпти, пойтахтлардаги ва бошқа йирик шаҳарлардаги аҳоли сони эса одатда камайяпти. Кўп шаҳарликлар эндиликда йирик шаҳарлар марказларидан кўра шаҳар атрофида, қишлоқларда яшашни афзал кўришяпти. Бунга инженерлик жиҳозларининг қимматлашиб бораётгани, инфраструктуранинг ёмонлашиши, транспорт муаммоларининг мураккаблашиб кетиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши сабаб бўлмоқда.

Урбанизация даражаси анча паст бўлган ривожланаётган мамлакатларда шаҳарлашиш энига ўсмоқда, шаҳарлар аҳолиси тез кўпайиб бормоқда. Шаҳарлар аҳолиси йиллик ўсишининг $\frac{4}{5}$ қисми ривожланаётган мамлакатларга тўғри келяпти, шаҳарликларнинг мутлақ сони эса иқтисодий ривожланган мамлакатлардагидан анчагина ошиб кетди. Илм-фанда шаҳар портлаши деб ном олган бу ҳодиса ривожланаётган мамлакатларнинг бутун социал-иқтисодий тараққиётида муҳим омиллардан бири бўлди. *Бироқ бу мамлакатларда шаҳар аҳолисининг ўсиши уларнинг асл ривожланишига нисбатан анча илдам боряпти.* Шаҳарлар аҳолисининг кўпайишига аҳолиси ортиқча бўлган қишлоқ жойлардан кишиларнинг шаҳарларга, айниқса йирик шаҳарларга мунтазам кўчиб ўтаётгани маълум даражада сабаб бўляпти. Бунда камбағал аҳоли катта шаҳарларнинг атрофига келиб

ўрнашиб, қашшоқлар минтақасини ҳосил қиляпти. «Қашшоқ урбанизация» деб ном олган бундай шаҳарлашиш кўлами жуда кенгайиб кетяпти.

Шу сабабли бир қанча халқаро ҳужжатларда ривожланаётган мамлакатлардаги урбанизация бухрони ҳақида сўз юритиляпти. Лекин урбанизация бу мамлакатларда асосан ўзи бўларча ва тартибсиз давом этяпти. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда урбанизацияни тартибга солиш ва бошқариш юзасидан катта ишлар қилиняпти. Кўпинча тажриба усулида ва хатолар билан амалга ошириляётган бу ишда давлат идоралари билан бирга меъморлар, аҳолишунослар, географлар, иқтисодчилар, социологлар ва бошқа фанлар вакиллари ҳам қатнашмоқда. Тадқиқотчилардан бирининг сўзи билан айтганда, «Ҳамма бир оқимга ўзини отяпти-ку, лекин турли киргоқлардан отяпти».

Катта шаҳарлар муаммоларини ечиш йўлларида бири сифатида жуда баланд бинолар қуриляпти ва лойиҳалаштириляпти. Шунингдек, ерости шаҳарлари, сузиб юрвчи шаҳарлар, сувости шаҳарлари, копуссимон шаҳарлар, дарахт шаҳарлар, минора шаҳарлар, воронка шаҳарлар, кўприк шаҳарлар ва х.к. лар қуриш каби ярим афсонавий лойиҳалар таклиф этиляпти [15]. (11- топширик.)

4. Қишлоқ аҳолиси: қишлоқ ва ферма. Шаҳарларнинг тез ўсаётганига қарамай, жаҳон аҳолисининг ярмидан ортиги қишлоқ жойларда яшайди, қишлоқларнинг умумий сони эса 15—20 млн.га етади.

Қишлоқ аҳолисининг жойлашишида асосан икки хил шакл мавжуд: ғуж ва тарқоқ жойлашиш.

Қандай хил қишлоқларнинг мавжудлиги тарихий, иқтисодий ривожланишга, табиий шароитининг хусусиятларига боғлиқ?

Аҳолининг қишлоқларда ғуж бўлиб жойлашиши Россияда, Хорижий Европа, Хитой, Японияда ва ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида кўп тарқалган (19- расмни кўринг). Лекин қишлоқларнинг шакли хилма-хил бўлиши мумкин. Фермалар АҚШ, Канада ва Австралияда энг кўп тарқалган [16]. Аҳоли жойлашининг аралаш турлари ҳам мавжуд. Кўчманчи чорвачилик ўлкаларида доимий қишлоқ жойлари умуман йўқ.

5. Аҳоли ва атроф-муҳит: урбанизацияга таъсири. Ҳозирги вақтда урбанизация атроф-муҳитнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилардан бири эканини сиз яхши биласиз. Умумий ифлосланиш ҳажмининг $\frac{3}{4}$ қисми ана шу урбанизация билан боғлиқ. Агар шаҳарлар қуруқлик майдонининг бор йўғи 1 фоизини эгаллаган ҳолда уларда дунё аҳолисининг деярли ярми ва ишлаб чиқаришнинг асосий қисми тўпланганини ҳисобга олсак, бунинг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ. Катта шаҳарлар ва агломерациялар ифлосликнинг деярли асосий манбаи бўлиб, атроф-муҳитга айниқса кучли таъсир кўрсатади [17] Биринчи ўринга, афтидан, хавонинг ифлосланишини қўйиш керак.

Мисол. Кимёвий тадқиқотлар маълумотларига кўра, йирик шаҳарларнинг ифлословчи моддалари қолдиқлари ва иссиқлик таъсири шаҳар атрофида 50 км масофагача кузатилади ва 800—1000 км² майдонни эгаллайди. Бунда энг фаол таъсир шаҳар атрофидаги шу шаҳар майдонига нисбатан 1,5—2 марта катта майдонда намоён бўлади.

Лос-Анжелос, Мехико каби йирик шаҳарлар бекорга «ифлос худудлар» («смогополислар») деб аталмайди. Шаҳарликларга ҳазил қилиб, шундай маслаҳат берилади: «Ҳар ким камроқ ва зарурат туғилгандагина нафас олсин».

Кейинги вақтларда иқтисодий ривожланган мамлакатларда расмий идоралар ва жамоатчилик шаҳар муҳитини муҳофаза қилиш ва яхшилаш юзасидан турли тадбирларни амалга оширмақда. Ривожланаётган мамлакатларда аҳвол жуда оғир. Маблаг жуда танқис шароитда кам чиқиндилди технологияга ўтиш у ёқда турсин, тозалаш иншоотлари ва ахлатларни қайта ишловчи заводлар қуришни ҳам таъминлай олишмайди.

Асосий хулоса. Аҳолининг ҳозирги вақтдаги ўсиш жараёни, таркиби ва жойлашиши кўпгина мураккаб масалаларни туғдиради. Бу масалаларнинг баъзилари бутун жаҳонга хос бўлса, айримлари турли тоифадаги мамлакатларга хосдир. Жаҳон аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани миллатлараро муносабатлар, урбанизация масалалари ана шундай муҳим муаммо масалалардир. (12-якуний топширик.)

Кўшимча матн. (Қизиқарли маълумотлар)

[1] Ҳозирги вақтда дунёда аҳоли рўйхати ўтказилмаган (Омон билан Катарни истисно қилганда) мамлакат қолмаган. 1975—1984 йилларда (бу йилларни БМТ аҳоли рўйхати ўтказиладиган ун йиллик деб эълон қилган) 191 мамлакат ва худудда камида бир марта аҳоли рўйхати ўтказилди: бунда дунё аҳолисининг 95% и камраб олинди.

[2] Демограф-маълумотчилар ҳисобига кўра, бутун инсоният тарихи давомида 80 млрд. дан ортиқ одам туғилган. Шу жумладан милоддан аввалги 40 минг йилда 4 млрд. киши, милод бошидан 1750 йилгача 61 млрд. ва 1750 йилдан 1990 йилгача 15 млрд. дан ортиқ одам дунёга келган.

[3] Дунёда ҳар йили 140 млн. бола туғилади. Бинобарин, ҳар секундда уч бола, ҳар дақиқада 175 бола, ҳар соатда 10,4 минг бола, бир кеча-кундузда 250 минг одам туғилади. Бу Андижон ва Намангандан салгина кичик шаҳар аҳолисига тенг. Ҳар 9 кунда янги Тошкент кўшилади дейиш мумкин. Ҳар ойда дунё аҳолисига Австралия ёки Тунис каби давлат аҳолиси кўшилади.

[4] Россияда ҳам XX аср бошигача кўп болалилик анъанаси мавжуд бўлган. Машҳур ҳаким Н. И. Пирогов оилада 13-бола, буюк кимёгар Д. И. Менделеев эса 17-фарзанд бўлишган. Лев Толстойнинг 13 та боласи бўлган.

[5] Демографик маълумотларга кўра, 80-йилларда дунёдаги

энг кўп болали она чилилик аёллардан бири бўлган. Бу аёл ҳаммаси бўлиб 55 та бола туққан, у хар гал эгизак ёки учтадан фарзанд кўрган.

[6] ГФР да болалар салмоғи дунё бўйича энг кам — 15 фоиз, Кенияда энг катта — 51 фоизни ташкил этади. Қариялар сони Швецияда энг кўп (24 фоиз) ва Кувайтда энг кам (2 фоиз)дир. Мутлақ сонига кўра болалар Хитойда (330 млн.) ва Ҳиндистонда (290 млн.) энг кўп.

[7] Ҳинд-Европа оиласига мансуб тиллардан инглиз тили энг кенг тарқалган. Бу тилда 425 млн. киши, Ҳинд тилида 350 млн. испан тилида 340 млн. рус тилида 290 млн. бенгал тилида 185 млн. ва португал тилида 175 млн. немис ва француз тилларида 120 млн. дан киши сўзлашади. Асосий халқаро алоқалар вазифасини ҳозирги вақтда инглиз (қадимда лотин) тили бажаради, дунёдаги хар етита одамнинг биттаси бу тилни озми-кўпми билади.

[8] Дунёда бир қанча мамлакатлардагина (Боливия, Мексика, Перу, Эфиопия, Афғонистон) аҳолининг кўпчилиги денгиз сатҳидан 1000 м дан баландда яшайди. Фақат Боливия, Перу ва Хитойда (Тибетда) аҳоли яшайдиган жойлар чегараси 5000 м дан ҳам баланд кўтарилади.

[9] XIX асрда аҳоли энг кўп кўчиб кетадиган мамлакат — Ирландия бўлган. Бу мамлакатнинг аҳолиси 40- йиллардаги буюк қаҳатчиликдан кейин эмиграция натижасида деярли икки баробар камайган. Бу мамлакат эмиграция салмоғига кўра биринчи ўринни эгаллаган. Ҳозир ҳам Ирландияда ирландларнинг фақат ярми яшайди. АҚШ да ирландияликлардан тарқалган 40 млн. дан ортик кишилар яшайди. Бу Ирландия аҳолисидан 12 баробар кўп.

[10] Буюк Британиянинг собиқ мустамлакаси бўлган Австралия тарихининг дастлабки босқичида сургун қилинадиган ўлка сифатида фойдаланилган. Сургун қилинганлар туширилган дастлабки ўн бир елканли кема саккиз ой сузгандан кейин 1788 йили материкнинг жануби-шарқий қирғоғига етиб келган. Бу ерда кейинчалик ўша вақтдаги мустамлакалар вазири номи билан Сидней деб аталган манзилга (аҳоли пункти) асос солинган. 1988 йили Австралиянинг 200 йиллиги байрам қилинганда инглизлар «дастлабки флот» йўлини аниқ такрорлашди. Ҳозирги Австралия кўплаб иммигрантлар келадиган мамлакатлигича қолиб келмоқда. Бу ерга хар йили 100—150 минг киши кўчиб келади.

[11] Баъзи бир мамлакатларда пойтахт вазифаларини иккита шаҳар бажарадиган бўлиб тарихий таркиб топган. Нидерландияда қирол қароргоҳи Амстердамда, парламент билан ҳукумат эса Гаагада жойлашган. Жанубий Африка Республикасида сиёсий ҳокимият маркази Претория, мамлакат парламенти эса Кейптаунда жойлашган. Боливияда Конституцияга биноан мамлакат пойтахти (ҳукумат қароргоҳи ҳам) Ла-Пассда жойлашган.

[12] Баъзи бир шаҳарлар фақат пойтахт вазифасини бажариш учун қурилган. Бундай шаҳарларга Австралия пойтахти Канберра яққол мисол бўлади. Бу шаҳар пойтахтликка даъвогар бўлган

Сидней билан Мельбурн шаҳарлари жамоалари ўртасидаги келишмовчиликни бартараф қилиш учун махсус танланган жойда XX аср бошида бунёд этилган. Канада пойтахти Оттава ва АҚШ пойтахти Вашингтон ҳам бундай пойтахтларга мисол бўлади.

[13] Ҳамма мамлакатларда «шаҳар» тушунчаси ҳар хил тушунилади. Масалан, «Дания, Швеция, Финляндияда 200 кишидан ортиқ, Канада ва Австралияда 1 минг кишидан ортиқ, Германия, Франция, Кубада 2 минг кишидан ортиқ, АҚШ ва Мексикада 2,5 мингдан ортиқ, Австрия, Ҳиндистон, Эрон, Мадагаскарда 5 мингдан ортиқ, Швейцарияда, Малайзияда 10 мингдан ортиқ, Нигерияда 20 мингдан, Японияда 30 мингдан, Жанубий Кореяда 40 мингдан ортиқ аҳолиси бўлган аҳоли пунктлари шаҳар деб аталади.

[14] Демографик ҳисоб-китобларга кўра, 2000 йилда дунёда аҳолиси 10 млн. дан ортиқ бўлган улкан шаҳарлар сони 25 та бўлади. Мехико дунёдаги энг йирик шаҳар (31 млн. киши) бўлиб қолади. Биринчи ўнга йирик шаҳарлар рўйхатида Сан-Паулу (26 млн.), Шанхай (23 млн.), Токио (24 млн.), Нью-Йорк (20 млн.), Пекин (20 млн.), Рио-де-Жанейро (19 млн.), Бомбай (17 млн.), Калкутта (17 млн.), Жакарта (17 млн.) шаҳарлари бўлади.

[15] Дунёдаги энг баланд бино Чикагодаги, «Сиэрс Тауэр» осмонўпар биноси бўлиб, у 110 қават, баландлиги 443 м. У Нью-Йоркдаги халқаро тижорат марказига қарашли кўш минорадан ўтиб кетди. Бу миноралар 110 қават бўлиб, баландлиги 411 м. Юз минглаб одам яшайдиган 300, 500 ва 400 минг кишига мўлжалланган, баландлиги 3 км дан ортиқ 850 қаватли осмонўпар бинолар лойиҳалари тузилган.

[16] Австралия фермаларидаги кишилар бир-бирларидан жуда узоқда яшайди. Улар қўшнилари ва умуман ташқи дунё билан асосан телефон ҳамда радио ёрдамида алоқа қилишади. Врач радио орқали маслаҳат беради ва зарур бўлиб қолгандагина касалга бориш учун таклиф қабул қилади. Фермерларнинг болалари 15 ёшгача радио орқали ўқитилади. Ҳар бир ўқувчининг ўз радиостанцияси бўлади, у машғулоти бажараётганда ана шу радиостанция ёрдамида ўқитувчига, бошқа ўқувчиларга мурожаат қилиши мумкин. Ўқувчи ўзининг ёзма ишларини ҳафтада бир марта радио-мактаб ўқитувчисига юбориб туради.

[17] Дунёдаги барча шаҳарлар ҳар йили атроф муҳитга 3 млрд. тоннагача қаттиқ саноат ва уй-рўзгор чиқиндилари, 500 км³ дан ортиқ саноат ҳамда уй-рўзгор ифлосланган сувлар ва 1 млрд. тоннага яқин ҳар хил аэрозоллар чиқариб ташлайди. Таққослаб кўринг: Ерда 578 та фаол вулқон бор, улар отилишидан 2,5 млрд. тонна лава, қул, сув буги ва газлар чиқади.

Китоб жавонингизга

1. Ер ва инсоният: Умумжаҳон муаммолари «Мамлакатлар ва халқлар» туркуми. М.: Мысль, 1985 — III, IV қисмлар (рус тилида).

2. Мамлакатлар, хўжалик, одамлар: 10-синф ўқувчилари учун ўқиш китоби (А. П. Кузнецов тузган. М.: Просвещение, 1988. «Инсонлар сайёраси» бўлими (рус тилида).

3. Минс Л. Л. Синган ўк-ёйи: Этнографик хикоялар. М.: Просвещение. 1991 (рус тилида).

БИЛИМ ВА КЎНИҚМАЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИНАДИГАН БЎЛИМ

1- топширик. 10- расмни таҳлил қилинг. Ер қўрраси аҳолиси эрамиз бошидан 1990 йилгача неча баробар кўпайганини ҳисоблаб чиқаринг. Аҳоли XIX асрда неча млн. кишига ва XX асрда неча млн. кишига кўпайган? Дарсликда айтилганларни исботлаш учун бошқа ҳисоблар ва қиёслар қилинг.

2- топширик. Дарсликда айтилганларни аниқлаштириш учун 13- расмдан фойдаланинг. Бу расмга қараб аҳоли кўпайишининг биринчи ва иккинчи турларини таърифлаб беринг. Айрим ҳудудларда аҳоли кўпайишининг ўртача рақамли кўрсаткичларини таҳлил қилинг, уларни қиёсланг ва тафовутларини тушунтириб беринг.

Кўшимча (мураккаблаштирилган) топширик. Атласдаги туғилиш, ўлим ва табиий кўпайиш хариталаридан қандай кўрсаткичларни алоҳида олинган мамлакатлар учун юқори, ўрта ва паст кўрсаткич деб ҳисоблаш мумкин. Уларни мисолларда кўрсатинг.

3- топширик (ижодий). 2- жадвал маълумотларидан фойдаланиб, Ер қўррасининг айрим йирик ҳудудлари аҳолиси сонининг ўзгаришини таққосланг, уларнинг Ернинг бутун аҳолиси сонидagi салмоғи қандай ўзгараётганини ҳисобланг, бу ўзгаришлар сабабини тушунтиринг. Жадвалдан қанча маълумот олиш мумкин бўлса, шунча маълумот олинг. Дафтарингизда айрим кўрсаткичларни ёзувсиз харитада акс эттиринг. Улардан қандай хулосалар чиқариш мумкин. Бу ҳақда ўйлаб кўринг.

4- топширик. Атласдаги аҳолининг жинсий таркиби харитасини таҳлил қилинг. Дарслик матнида баён этилган фикрларни аниқлаштириш ва кўрсатиш учун бу харитадан фойдаланинг.

5- топширик. 13 ва 14- расмларни таққосланг. Аҳоли кўпайиш турининг унинг ёшлар бўйича таркибига таъсири ҳақида дарсликда келтирилган фикрларни бу расмлар ёрдамида исботланг. Бу ўзаро боғлиқлиқни сиз қандай тушунтирасиз?

Кўшимча (мураккаблаштирилган) топширик. 14- расмни таҳлил қилинг. Дунёнинг аҳоли кўпайишининг биринчи ва иккинчи турларига кирувчи мамлакатлар аҳолисининг ёшлар жинсий пирамидалари фарқларини тушунтириб беринг.

6- топширик. Атласдаги аҳолининг миллий таркиби харитасидан аҳолининг асосий тил оилалари ва уларнинг Ер қўррасида қандай жойлашганлигини ўрганинг. Хорижий Европада, Хорижий Осиёда, Африкада, Шимолий ва Жанубий Америкада, Австралия-

да ҳамда Океанияда қайси тил оиласига кирувчи халқлар кўпчиликни ташкил этишини аниқланг. Хулосаларни дафтарингизга ёзиб олинг.

Кўшимча топшириқ (эрмак учун). Турли қитъаларда яшовчи халқлар бир хил тилда гаплашадиган ҳоллар тез-тез учраб туради. Сиз тарих ва географиядан ўрганганларингизни эсланг ва қуйдагиларни тушунтириб беринг: 1. Нима сабабдан фақат инглизларгина эмас, балки АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Африка халқлари ҳам инглиз тилида сўзлашадилар? Инглиз тилининг Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш ва бошқа кўп мамлакатларда кенг тарқалганлигига сабаб нима? 2. Испан тили XVI асргача фақат Испанияда ҳукмрон эди, энди эса Лотин Америкасидаги кўп мамлакатларда нима сабабдан давлат тили ва халқларнинг она тилиси ҳисобланади? 3. VII асргача араб тилидан фақат Арабистон яриморотидаги аҳоли фойдаланган, кейинроқ бу тил нима сабабдан бутун Шимолий Африкага тарқалди?

7- топшириқ. Атласдаги динлар харитасидан жаҳон динларининг тарқалиш ареалларини таърифланг. Ернинг айрим йирик ҳудудларида қандай динлар устун эканини аниқланг.

8- топшириқ. Атласдаги аҳолининг зичлиги харитасини таҳлил қилинг. Унда аҳоли жуда зич ўрнашган ўлкаларни ажратинг ва нима сабабдан бу жойларда аҳоли зич эканлигини тушунтиришга уриниб кўринг. Атласдаги дунёнинг табиий харитасини аҳолининг зичлиги харитаси билан устма-уст қўйиб солиштиринг ва табиатнинг қандай ноқулай шароитлари аҳолининг жойлашишига ноқулайлик туғдиришини аниқланг. Ҳудудининг турли қисмлари аҳолининг жойлашишига кўра кескин фарқ қилувчи мамлакатларга мисоллар келтиринг ва бунинг сабабини тушунтириб беринг.

Кўшимча (мураккаблаштирилган) топшириқ. Бажарилган ишлар маълумотларидан фойдаланиб, мамлакатлар аҳолисининг зичлигига қараб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти даражаси тўғрисида хулоса чиқариш мумкин эмаслигини аниқ мисоллар билан исботланг. Ўз хулосаларингизни ўртоқларингиз билан муҳокама қилинг.

9- топшириқ. Дарсликнинг асосий матнидан фойдаланиб, дафтарингизга асосий иммиграция ва эмиграция мамлакатлари ва ҳудудларини кўрсатадиган жадвал чизинг. Бу мамлакат ва ҳудудларни ёзувсиз харитага тушинг. Жадвални таҳлил қилиб, қандай хулосалар чиқариш мумкин?

10- топшириқ. Дарслик матнида айтилган фикрларни аниқлаштириш ва кўрсатиш учун 18- расмдан ва атласдаги жаҳон урбанизацияси харитасидан фойдаланинг. Урбанизация даражасининг қандай кўрсаткичларини алоҳида олинган мамлакатлар учун жуда юқори; юқори, ўрта, паст, жуда паст даража деб ҳисоблаш мумкинлигини аниқланг. Буларни мисоллар билан кўрсатинг. Юқори, ўрта ва паст даражада урбанизацияланган

мамлакатларнинг қаерларда жойлашганини кўриб чиқинг. Бунинг сабабини тушунтиришга уриниб кўринг.

Кўшимча топшириқ (эрмак учун). Миллионер шаҳарлар мавзусида кроссворд тузинг.

11- топшириқ. 3- жадвал маълумотларини таҳлил қилинг. Дунёнинг айрим худудларида 1950—1980 йилларда шаҳар аҳолиси салмоғи неча баробар ўсганлигини ҳисоблаб чиқинг. 1980—2000 йилларда урбанизациянинг энг юқори даражада бўлиши қаерда кутиляпти?

12- топшириқ (якуний). 1. (Дафтарда бажариладиган иш.) Олган билимларингиз асосида «урбанизация» тушунчасининг асосий белгилари жадвалини қуйидаги шаклда тузинг:

Белгилари	Улар намоён бўладиган аниқ мисоллар
-----------	-------------------------------------

2. (Дафтарда бажариладиган иш.) Олган билимларингиз асосида қуйидаги ҳодисаларнинг сабабларини айтинг: а) ривожланаётган мамлакатларда кейинги ўн йилликларда ўлим камайди, лекин туғилиш илгариги даражада сақланиб қолди; б) Хитой билан Ҳиндистон давлат демографик сиёсатини энг фаол олиб боришяпти; в) дунё аҳолиси нотекис жойлашган; г) шаҳар аҳолиси биринчи галда катта шаҳарларда тўпланади; д) иккинчи жаҳон урушидан кейин аҳолининг қитъалараро миграцияси камайиб, қитъа доирасидаги миграцияси кучайди.

3. 3- мавзу маълумотларини бошқача жойлаштиришга ва бошқача тартибда баён қилишга уриниб кўринг. Ўз таклифингизни ёқлаб далиллар келтиринг.

4. (Дафтарда бажариладиган иш.) Сиз мавзуни ўрганаётган вақтингизда танишган янги атамаларнинг лугатини тузинг.

5. Атласдаги ва китобдаги дунё аҳолисига оид хариталарни ўрганинг. Улар харита тузишнинг қандай усулларида тайёрланганлигини аниқланг. Бу хариталарни таҳлил қилиб, сизнингча, қандай маълумотларни олиш мумкин?

6. «Демографик йортлаш ва унинг оқибатлари» ёки «Ҳозирги замондаги урбанизация» деган мавзуда қисқача оғзаки ахборот тайёрланг.

7. Мазкур мавзуга оид китоблардан бирига (унинг бирор боби ёки бўлимига) қисқача шарҳ тузинг.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ВА ЎЗARO НАЗОРАТ БЎЛИМИ

Сиз қуйидагиларни қандай тушунтирасиз:

1. Аҳоли кўпайишининг биринчи ва иккинчи турларининг асосий белгилари ва кўрсаткичлари қандай?

2. Жаҳон аҳолиси жинсий таркибида қандай географик тафовутлар мавжуд?

3. Жаҳон аҳолисининг жойлашиши ва зичлигига таъсир кўрсатувчи омиллар нималардан иборат?

4. Жаҳон аҳолиси ташқи миграциясининг хусусияти ва географиясида иккинчи жаҳон урушидан кейин қандай ўзгаришлар бўлди?

5. Бутун жаҳон урбанизация жараёнининг асосий умумий белгилари нималар?

Сиз қандай деб ўйлайсиз:

1. Таниқли рус географи А. И. Воейков, «Аҳолининг жойлашишида одамнинг ўзи унинг атрофини ўраб турган муҳитга қараганда кўпроқ ҳал қилувчи омилдир», деб ёзганда, нимани кўзда тутган?

2. Ер аҳолиси зичлигининг ўртача кўрсаткичи нима сабабдан доим ўсиб боради?

3. Нима сабабдан БМТ ҳисоботларидан бири «Ҳозирги дунё демографик жиҳатдан парчаланган» деб аталади?

4. ХХI аср Ер қурраси аҳолиси қарийдиган аср бўлади деган демографлар ҳақми?

Биласизми:


1. Қуйида келтирилган «формула»лардан қайси бири аҳоли кўпайишининг иккинчи турига кирувчи мамлакатларга тегишлидир: 28—11-17, 16—10-6, 33—12-21?

2. Қуйидаги мамлакатлар учун қандай умумий хусусиятлар хос:

а) Кения, Қувайт, Индонезия, Вьетнам, Жазоир, Никарагуа;

б) Франция, Канада, Болгария, Австралия, Куба, Япония?

3. Қуйида санаб ўтилган халқлардан қайси бирлари ҳинд-европа тиллари оиласига мансуб: хитойлар, хиндилар, руслар,



15- расм.

японлар, бразилияликлар, АҚШ америкаликлари, инглизлар, мисрликлар?

4. Схематик харитада белгиланган жойлар аҳолиси қуйида санаб ўтилган қайси тилларда сўзлашади: инглиз, француз, немис, испан, португал, араб?

Қуйидагиларни бажара оласизми:

1. Дарслиқ матнида ҳамда саҳифалардаги хариталарда айтиб ўтилган қуйидаги мамлакатларни дунёнинг ёзувсиз харитасига ёддан тушира оласизми: Чехия, Словакия, Германия, Белгия, Покистон, Индонезия, Шри-Ланка, Эфиопия, Кения, Куба?

2. «Аҳолининг кўпайиши», «урбанизация» тушунчаларига таъриф бера оласизми?

3. Дунёнинг ёзувсиз харитасида жаҳондаги ўнта йирик шаҳарни ёддан белгилай оласизми?

4. Қуйида санаб ўтилган мамлакатларни урбанизация даражасига қараб (камайиш томонга) бирин-кетин тартиб билан ёза оласизми: Австралия, Хитой, АҚШ, Буюк Британия, Эфиопия, Аргентина, Германия?

5. Қуйидаги айтилганларнинг тўғрилигини текшириш, агар зарур бўлса, тўғри жавоб бериш: а) ҳар 1000 киши ҳисобига тугилиш кўрсаткичида Хитой дунёда биринчи ўринда туради; б) ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги тугилишни ва аҳолининг табиий кўпайишини камайтиришга қаратилган демографик сиёсат юргизяпти; в) урбанизациянинг энг юқори суръати ривожланган мамлакатларга, энг паст суръати — ривожланаётган мамлакатларга хосдир.

6. Қуйидаги гапларда тушириб қолдирилган сўзлар ўрнини (дафтарда) тўлдира оласизми:

а) аҳолининг тугилиш, ўлим, ва табиий кўпайиши жараёнига кишилар ҳаётининг... шароитлари ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

б) Миллий (этник) чегаралар сиёсий чегараларга мос келганда... давлатлар вужудга келади.

в) Ҳозирги замон урбанизацияси учун марказий шаҳардан... шаҳарга ўтиб борилаётгани айниқса хосдир.

3- МАВЗУ УЧУН МЕТОДИК ОЧКИЧ

Нималарни эсламоқ керак:

1. Материкларда аҳоли уларнинг табиий шароити ва жойлашиш тарихига боғлиқ ҳолда жойлашганини (География, 7- синф).
2. Аҳолининг ирқий тарқиби ва асосий ирқларнинг жойлашиши (География, 6- синф).
3. Ўзбекистон аҳолисининг миллий тарқиби. (География, 8- синф.)
4. Ўзбекистон аҳолисининг жойлашиши, аҳоли пунктлари турлари. (География, 8- синф.)
5. Тушунча ва атамалар: аҳоли зичлиги, ирқлар, халқлар, меҳнат ресурслари, аҳоли миграцияси, шаҳар аҳолиси, қишлоқ аҳолиси, шаҳар агломерацияси (География, 7, 8 ва 9- синфлар).

Нималарни билиб олмоқ керак

3- мавзунинг асосий ғоялари:

1. Меҳнатда қатнашадиган аҳоли — жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучидир. 2. Барча ирк, миллат ва элатларга мансуб кишилар моддий ишлаб чиқаришда ҳамда маънавий ҳаётда қатнашишда бир хил қобилиятга эгадирлар.


3- мавзунинг асосий илмий маълумотлари:

1. Аҳолининг кўпайиши ҳақида тушунча. Жаҳон аҳолиси табиий кўпайишининг моҳияти ва географик хусусиятлари. 2. Жаҳон аҳолисининг, меҳнат ресурсларининг жинсий ва ёшлар бўйича таркибининг моҳияти ва географик хусусиятлари. 3. Жаҳон халқларининг тил оилалари бўйича таснифланиши ва уларнинг Ер юзида жойлашишининг асосий хусусиятлари. 4. Аҳолининг қуруқликларда жойлашишининг асосий хусусиятлари ва нотекис жойлашганлигининг сабаблари. 5. Аҳоли миграциясининг турлари ва ташқи миграциянинг асосий ҳудудлари. 6. Урбанизация ҳақида тушунча. Бутун дунёда ва унинг айрим ҳудудларида урбанизация даражаси ва суръатлари. 7. Мавзудаги очқич сўзлар: 1) аҳоли кўпайишининг биринчи тури; 2) аҳоли кўпайишининг иккинчи тури; 3) демографик портлаш; 4) демографик сиёсат; 5) иқтисодий фаол аҳоли; 6) этнос—элат, халқ; 7) бир миллатли давлат; 9) жаҳон дини; 10) аҳолининг меҳнат миграцияси; 11) «оқиллар кетиши»; 12) оммавий шаҳарлашиш.

Нима қилишни билиш керак:

1. Аҳолининг кўпайиши, таркиби, урбанизация даражаси ва суръати кўрсаткичларини дунёга ва айрим мамлакатларга таъриф бериш учун қўлланишни. 2. Хариталар, чизмалар ва жадваллардан дарслик матнида айтилганларни ойдинлаштириш ва исботлаш учун фойдаланишни, бунда зарур ҳисоблаш ва қиёслашларни бажаришни. 3. Аҳолининг ёшлар бўйича жинсий пирамидасини ўқишни ва таҳлил қилишни. 4. Дарслик матни ва хариталари асосида жадваллар тузишни. 5. Дарслик матни асосида топшириқларни мустақил тузишни. 6. Ўрганилаётган мавзу юзасидан қисқача оғзаки ахборот тузишни. 7. Ўқилган матнга шарҳ тайёрлашни.

4- МАВЗУНИНГ ЧИЗМА РЕЖАСИ



4- МАВЗУ. ФАН-ТЕХНИКА ИНҚИЛОБИ ВА ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ

Сиз фан-техника инқилоби (ФТИ) ҳақида ва унинг ҳозирги жаҳон ҳаётига кўрсатган жуда катта таъсири тўғрисида биласиз. ФТИнинг хусусиятлари ва унинг ҳаётда намоён бўлиши ҳақида анча тўлиқроқ тасаввурни сиз мазкур мавзунини ўрганиш вақтида оласиз. Жаҳон хўжалиги ҳақидаги тушунча ҳам сиз учун янги тушунча бўлади.

Жаҳон хўжалиги ва ФТИни кўпгина ижтимоий, табиий ва аниқ фанлар ўрганади. Лекин жаҳон хўжалиги ва ФТИнинг географик жиҳатларини иқтисодий ва социал география тармоқларидан бири сифатида жаҳон хўжалиги географияси ўрганади.

1. ФАН-ТЕХНИКА ИНҚИЛОБИГА ТАЪРИФ БЕРАМИЗ

1. Фан-техника инқилоби ҳақида тушунча. Инсоният маданиятининг бутун ривожланиши фан-техника тараққиёти билан каттик боғланган. Лекин бу тараққиёт жараёнида ишлаб чиқариш кучлари тез ва чуқур ўзгарган айрим даврлар ҳам бўлган. XVIII — XIX асрларда бир қанча мамлакатларда саноатда кескин бурилиш бўлган давр ана шундай даврлардандир. Бу даврда қўл меҳнатидан йирик машиналашган ишлаб чиқаришга ўтилди. XX аср ўрталарида бошланган ҳозирги замон фан-техника инқилоби ҳам ана шундай кескин бурилиш давридир.

Фан-техника инқилоби инсоният ишлаб чиқариш кучларида туб сифатий бурилиш бўлиб, у фанни жамиятнинг бевосита ишлаб чиқариш кучига айланишига асосланади.

ФТИ аста-секин ривожлана бориб, кейин инсоннинг моддий ва маънавий имкониятларининг бениҳоя ўсишига туртки бўлди. Биз ҳозир ФТИ янада чуқурлашиб бораётган даврда яшаймиз.

2. ФТИнинг асосий хусусиятлари ва таркибий қисмлари: тўртта асосий хусусияти. Ҳозирги замон ФТИ тўртта асосий хусусиятга эга.

Биринчидан, кўп қиррали бўлиб, ҳамма тармоқлар ва соҳаларни, меҳнат жараёнини, турмуш шароитини, маданиятни, кишилар руҳиятини ўзгартиради. Агар илгариги саноатда бури-

лишнинг рамзи деб буг машинаси ҳисобланган бўлса, ҳозирги ФТИнинг рамзи ЭҲМ ҳам, космик кема ҳам, атом электр станцияси ҳам, реактив самолёт ҳам, телевизёр ҳам бўлиши мумкин [1]. Ҳозирги ФТИнинг кўп қиррали эканини географик жиҳатдан ҳам шарҳлаш мумкин, чунки ФТИ дунёнинг барча мамлакатларига, Ернинг бутун географик қобигига, шунингдек коинотга ҳам озми-кўпми таъсир кўрсатди.

Иккинчидан, фан-техника қайта қуришни ниҳоятда тезлаштириб юборди. Бу тезланиш илмий кашфиёт билан уни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш ўртасидаги вақтнинг кескин қисқарганида [2], маҳсулотларнинг жуда тез маънавий эскириб қолишида ва бинобарин, мунтазам янгилашиб туришида ўз ифодасини топди.

Учинчидан, инсоннинг ишлаб чиқаришдаги ўрнининг тубдан ўзгаришига олиб келди. ФТИ меҳнат ресурслари маалакаси даражасига талабни кескин оширди. Бу талаб сизларнинг ҳар бирингиз учун ҳам тегишлидир. Бу ҳол инсон фаолияти барча соҳаларида ақлий меҳнат салмоғини оширди, яъни меҳнатни «ақлийлаштириш» рўй берди.

Тўртинчидан, ФТИнинг муҳим хусусияти шуки, ФТИ иккинчи жаҳон уруши вақтида ҳарбий-техника инқилоби сифатида пайдо бўлди, 1945 йилда Хиросимада портлаган атом бомбаси ҳарбий-техника инқилоби бошланганлиги ҳақида жар солди. Бутун «совук уруш» давомида фан-техника тафаккурининг энг янги ютуқлари ҳарбий мақсадларда фойдаланишга қаратилди.

Иқтисодчилар, файласуфлар ва социологлар ҳозирги замон ФТИ кўп қиррали бўлиб, ягона мураккаб тизимдан иборат бу тизимда унинг тўртта таркибий қисми бир-бири билан ўзаро жуда боғланиб кетган, деб ҳисоблайдилар. Бу тўртта таркибий қисми: 1) фан, 2) техника ва технология, 3) ишлаб чиқариш ва 4) бошқарув.

3. Фан: фан талаб тармоқларнинг ривожланиши. ФТИ даврида фан билимларнинг жуда мураккаб мажмуига айланди. Шу билан бирга илм-фан инсон фаолиятининг жуда кенг соҳасига айланди; жаҳондаги илмий ходимлар сони 5,5 млн. га яқин, яъни Ер юзиде яшаган барча илмий ходимларнинг $\frac{9}{10}$ қисми бизнинг даври-

мизда яшамоқда. Фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқалари жуда ўсди, ишлаб чиқариш тобора кўпроқ фанталаб¹ бўлиб бормоқда. Лекин бунда ривожланган мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар орасидаги фарқлар жуда катта.

|| **Мисол.** Бутун жаҳонда бажариладиган илмий ишларнинг $\frac{4}{5}$ қисми 10 та ривожланган мамлакатга тўғри келади. Бу мамлакатларда ички ялпи маҳсулотнинг 2—3 фоизи фанга

¹ Фанталаблик муайян маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган умумий харажатда илмий тадқиқотлар ва илмий ишларга харажатнинг даражаси (салмоғи).

сарфланади. Хамма ривожланаётган мамлакатларга эса жахондаги фанга қилинадиган харажатнинг 4—5% и тўғри келади.

4. Техника ва технология: тараққиётнинг икки йўли. Техника ҳамда технология илм ва кашфиётни ўзида мужассамлаштиради. Янги техника ва технологиядан фойдаланишдан мақсад ишлаб чиқариш самарасини, меҳнат унумдорлигини оширишдир. Кейинги йилларда техника ва технологиянинг асосий вазифаси бўлган меҳнатни иқтисод қилиш билан бирга ресурсларни иқтисод қилиш ва табиатни муҳофаза этиш вазифалари тобора кучайиб бормоқда.

Мисол. Буюк Британия ва Италияда пўлатнинг $\frac{2}{3}$ қисми темир-терсақдан олинади. Буюк Британия билан Японияда қоғознинг $\frac{1}{2}$ қисми макулатурадан, АҚШ ва Японияда

алюминийнинг катта қисми иккиламчи алюминийдан олинади.

ФТИ шароитида техника ва технологиянинг ривожланиши икки йўлдан боради.

Эволюцион (мукаммаллашиш) тараққиёт йўли. Бунда мавжуд техника ва технология тобора мукаммаллашиб, машина ва жиҳозлар қуввати (меҳнат унумдорлиги) ошиб, транспорт воситаларининг юк қўтариш қобилияти кўпайиб боради.

1- мисол. Дунёдаги энг йирик энергия блоклари ва домна печлари Россия билан Японияда. Кострома ГРЭСида қуввати 1,2 млн. кВт ли энергия блоқи ишлаб турибди. Череповец металлургия комбинатида йилга 5,5 млн. т. Япониядаги комбинатлардан бирида 5 млн.т. чўян эритувчи домна ишлаб турибди.

2- мисол. 50- йиллар бошида энг катта денгиз танкери 50 минг т нефтни таший оларди. 60- йилларга келиб юк қўтариш қобилияти 100, 200, 300 минг т, 70- йилларга келиб 400, 500, 550 минг т бўлган улкан танкерлар вужудга келди. Булардан энг йириклари Япония билан Францияда қурилди [3] (20- расмга қаранг).

Бирок улканлик муайян иқтисодий фойда берса ҳам, лекин ҳамма вақт ҳам ўзини оқлай бермайди. Афтидан, иқтисодиётнинг келажаги йирик, ўрта ва майда корхоналарнинг яқин ҳамкорлигидадир.

Тараққиёт инқилобий йўлдан борганда тамомила янги техника ва технологияга ўтилади. Инқилобий тараққиёт йўли электрон техника ишлаб чиқаришда айниқса аниқ намоён бўлди. Илгарилари «тўқимачилик асри», «пўлат асри», «автомобиль асри» тўғрисида гапирилган бўлса, энди «микроэлектроника» тўғрисида гап боради. 70- йилларда бошланган ФТИнинг иккинчи баққичини қўлини микроэлектрон инқилоби деб аташади.

Мисол. Ҳозирги замондаги жамият ҳаётини уй-рўзгорда ишлатиладиган электрон асбобларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Транзистор радиоприёмниклар, телевизорлар, магнитофонлар, видеомагнитофонлар, микрокалькуляторлар, персонал ЭҲМ, электрон соатлар [4], электрон ўйинлар тобора кенг тарқалаяпти.

Янги технологияга жадал ўтиш ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Бу машина-соҳилда металлларга механик ишлов бериш усулидан электрохимия, плазма, лазер, радиация, ультратовуш, вакуум ёрдамида ишлов бериш усулига ўтишдир. Металлургияда эса янги технологияга ўтиш чўян, пўлат ва прокат олишнинг энг истиқболли усулларини қўлланишдан, қишлоқ хўжалигида ерга клучсиз ишлов беришга ўтишдан, алоқа ишларида эса радиорелей, шишатола орқали алоқала, телекс, телефакс ва ҳ. к. ларга ўтишдан иборатдир.

Мисол. Фарбнинг асосий мамлакатларида 90- йиллар бошларида деярли ҳамма пўлат кислотароқли конвертор ва электр печларда ишлаб чиқарилган барча пўлатнинг ярми, Японияда эса 95% и тўхтовсиз қуйиш усулида тайёрланган. Дунёда металлланган окатишлардан (тошлардан) темирни тиклаш йўли билан ҳозирнинг ўзидаёқ 20 млн. т пўлат ишлаб чиқариляпти.

ФТИ даврида техника ва технология тараққиётининг асосий йўли инқилобий йўлдир.

5. Ишлаб чиқариш: тараққиётнинг олти асосий йўналиши. ФТИ даврида ишлаб чиқариш олти асосий йўналишда ривожланади.

Биринчи йўналиш электронлаштириш, яъни инсон фаолиятининг барча соҳаларини электрон ҳисоблаш техникаси билан тўлдириш. Электронлаштириш туфайли кўп ишлаб чиқариш жараёнлари бутунлай ўзгаради. Электронлаштириш таълим, соғлиқни сақлаш ва маиший, уй-рўзгор ишларига тобора кўпроқ сингиб бормоқда. Электронлаштириш тургун воситаларга ҳам, ҳаракатдаги воситаларга ҳам кириб бормоқда [5].

Ҳозирги вақтда электрон жиҳозлар ишлаб чиқариш саноатининг илм фанга талаби кучли бўлган асосий тармоқларидан бири бўлиб қолди. Электрон ҳисоблаш машиналари АҚШ, ГФР ва Японияда ҳаммадан кўп.

Иккинчи йўналиш — комплекс автоматлаштириш. Комплекс автоматлаштириш 50-йилларда ЭҲМ пайдо бўлиши билан бошланди. 70-йилларда микро ЭҲМ ва микропроцессорларнинг пайдо бўлиши билан комплекс автоматлаштиришнинг янги босқичи бошланди. Микро ЭҲМ ва микропроцессорлар моддий ва номоддий ишлаб чиқаришларнинг кўп соҳаларига жорий қилинди. Турли хил электрон механик машиналарнинг қўлланишида янги босқичнинг бошланиши микропроцессорлар билан боғлиқдир. Чех ёзувчиси К. Чапек 20-йиллардаёқ микропроцессорларни роботлар деб атаган эди [6]. Робот техникасининг вужудга келиши, ўз навбатида нозик ишлаб

чиқариш тизимининг автомат заводларнинг бунёд бўлишига олиб келди.

Ҳозирги вақтда робот ясаш ишлаб чиқаришнинг илм-фанни талаб қиладиган энг муҳим тармоқларидан бири бўлиб қолмоқда. Хорижий дунёда саноат роботлари энг кўп бўлган мамлакатлар Япония, АҚШ ва Германия, Италия ва Франциядир.

Учинчи йўналиш — энергетика хўжалигини қайта куриш. Энергетика хўжалиги энергияни иқтисод қилишга, ёқилги-энергетика баланси таркибини мукамаллаштиришга; энергиянинг янги манбаларидан тобора кўпроқ фойдаланишга асосланадиган бўлади. Атом энергетикасини ривожлантириш айниқса кўп муаммоларни келтириб чиқаради. 1990 йилга келиб АЭС лари сони 250 дан ошди. Бу соҳа АҚШ, Франция, Япония, ГФР ва Россия ҳамда Украинада айниқса ривож топди. Бироқ кейинги йилларда эҳтимол тутилган экологик оқибатлар хавфини кўзда тутиб, кўп мамлакатлар АЭС куриш режаларини қисқартирмоқдалар.

Тўртинчи йўналиш — янги материаллар ишлаб чиқариш. Ҳозирги замон ишлаб чиқариши эски конструктив материаллар бўлган қора ва рангдор металлларга, синтетик полимерларга юқори талаб қўяди. Бундай материаллар салмоғи ошди. Лекин ҳозирги ишлаб чиқариш тамомила янги композицион, ярим ўтказгич, сопол материаллар, шаффоф толалар, шунингдек «XX аср металлари» ҳисобланган бериллий, литий, титан (аэрокосмик саноатнинг энг асосий метали) ва бошқа кўп материаллар ишлатадиган бўлди.

Бешинчи йўналиш — биотехнологиянинг жадал ривожланиши. Бу йўналиш 70-йилларда пайдо бўлди, лекин ҳозирок энг истиқболли соҳага айланиб қолди. ФТИнинг илм-фанни энг кўп талаб қиладиган янги тармоқларидан бўлган биотехнология ва биосаноат ҳам АҚШ, Япония, ГФР ҳамда Францияда ривожланмоқда.

Олтинчи йўналиш — қоинотни ўзлаштириш. Фазогирликнинг ривожланиши илм-фанни талаб этадиган яна бир янги тармоқ — аэрокосмик саноатнинг пайдо бўлишига олиб келди. Кўпгина янги машиналар, асбоб-ускуналар, қотишмаларнинг пайдо бўлиши мана шу саноат билан боғлиқдир. Бу асбоб-ускуналарнинг кўпи кейинроқ ердаги тармоқларда ҳам қўлланмоқда. Космонавтика космик технология, космик ер билимини вужудга келтирди. Фазодаги тадқиқотлар натижалари фанни ривожлантиришда жуда катта аҳамият касб этади.

ФТИ даврида энг муҳим янги йўналишлар билан бирга ишлаб чиқаришни такомиллаштиришнинг механизациялаш, электрлаштириш, кимёлаштириш каби ананавий йўллари ҳам ўзининг катта аҳамиятини йўқотгани йўқ (1- топшириқ).

6. Бошқариш: юқори ахборот маданияти йўлида. ФТИнинг ҳозирги босқичи бошқаришга янги талаблар қўяди. Эскичасига, «назар солиб» бошқариш энди мумкин эмас. Информатика курсидан сизга маълумки, амалиёт талабига жавоб тарика-

сида бошқариш ҳақидаги янги фан-кибернетика вужудга келди. Кибернетика шу билан бирга ахборот (информация) ҳақидаги фан ҳам ҳисобланади.

Биз ҳозир ахборот (информация) жунбиш даврида яшаймиз. Ҳозирги вақтда илмий ахборотлар ҳажми ва ахборот манбалари жуда тез кўпайиб борапти. Шунинг учун ҳам оддий (қоғозли) ахборотдан машина ахборотига ўтиб бориш жуда муҳимдир. Ҳозир бундай ўтиш бошланган. Академик А. П. Ершов сўзи билан айтганда ахборотларни қайта ишлаш ва узатишнинг ҳозирги системалари инсоният жамиятининг ўзига хос асаб системасини шакллантиради. Турли хил ахборот техникасини яратиш ҳозирнинг ўзидаёқ ишлаб чиқаришнинг илм-фан талаб энг янги тармоқларидан бирига айланди. Бу техникани ишлатиш зарурияти эса дастурчи, бошқарувчи (оператор) ва бошқа мутахассислар вужудга келишига сабаб бўлди. Информатика тизимли ёндошишни амалга оширишга, иқтисодий — математик моделлаштиришни қўлланадиган имкон беради. У ишлаб чиқаришни жойлаштиришга ҳам катта таъсир кўрсатади. Чунончи, илм-фан талаб кўп тармоқлар яхши ташкил этилган ва турли хил ахборотлар манбаига яқин ерга, яъни йирик шаҳарлар ҳамда шаҳар агломерацияларида жойлаштиришни тақозо қилади.

И. А. Витвер 1854 йилда Крим уруши ҳақидаги хабар Австралияга 114 кунда етиб борганлиги ҳақида ёзади. Ҳозирги вақтда алоқа соҳасидаги фан-техника тараққиёти Ер қуррасининг хоҳлаган нуқтасидан барча мамлакатларга яқин тезлигида етиб боришига имкон яратди. Хорижий Европа, Япония, Америка, Австралиядаги кўчага ўрнатилган автомат телефонлардан ҳар бир қитъага кўнгирак қилиш мумкин.

2. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИНИ ЎРГАНАМИЗ

1. **Жаҳон хўжалиги ҳақида тушунча.** Жаҳон хўжалиги аслида инсониятнинг бутун тарихи давомида шаклланган.

Буюк географик кашфиётлар натижасида Европа ва Осиёдан кейин Ер қуррасининг бошқа қитъалари ҳам халқаро савдога жалб этилди. Қитъалар ўртасида маҳсулотлар алмашинуши жаҳон бозорининг ҳосил бўлишига олиб келди.

Транспортнинг ривожланиши бу бозорнинг бундан кейинги ривожланишига ёрдам берди. Денгиз транспорти барча қитъаларни бир-бирлари билан боғлади. XIX асрнинг иккинчи ярмида темир йўллар узунлиги тез ортиб борди, улар куруқликларнинг ички қисмларини бир-бири билан боғлади ва Генрих Гейне ибораси билан айтганда «маконни қисқартирди» [7].

Лекин жаҳон хўжалигини шакллантиришда машиналашган йирик саноат асосий омил бўлди. Машиналашган йирик саноат XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Европанинг бир қанча мамлакатлари ва АҚШда саноат инқилобидан кейин вужудга келди. Бинобарин, жаҳон хўжалиги XIX аср охири ва XX аср бошларида машиналашган йирик саноат, транспорт ва жаҳон

бозорининг ривожланиши натижасида таркиб топди. Жаҳон хўжалиги дунёдаги барча мамлакатларнинг бутун жаҳон иқтисодий муносабатлари орқали бир-бирлари билан боғланган миллий хўжаликларининг тарихий таркиб топган уйғунлигидир.


2. Жаҳон хўжалигининг географик «моделли»

Бу модел тобора мураккаблашиб боради. XIX аср охирига қадар ҳамма кўрсаткичларига кўра битта марказ — Европа устун турар эди. И. А. Витвер бу даврни Европа — марказ даврида деб бежиз айтмаган. Кейинчалик иккинчи марказ — АҚШ пайдо бўлди. У тезда асосий марказ бўлиб қолди. Иккита жаҳон уруши оралигида жаҳон аҳамиятига эга бўлган янги марказлар — СССР, Япония вужудга келди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Хитой, Ҳиндистон, Жануби-Ғарбий Осиёдаги нефть қазиб чиқарувчи мамлакатлар гуруҳи, Канада, Австралия, Бразилия каби марказлар таркиб топа бошлади. Кейинги йигирма йил мобайнида «тўртта Осиё йўлбарси» — Корея Республикаси, Тайван, Гонконг ва Сингапур бошчилигидаги янги индустриал мамлакатлар (ЯИМ) жаҳонга танилди. Булар натижасида Осиё-Тинч океан регионининг жаҳон хўжалигидаги мавқеи янада ўсди.

Шундай қилиб, *ҳозирги вақтда жаҳон хўжалигининг географик модели кўп марказлик хусусиятига эга бўлди.*

Жаҳон хўжалиги ичидаги ўзаро муносабатлар яқин вақтларга қадар тўртта «кутб» — капиталистик Ғарб, социалистик Шарқ, «бой» Шимол ва «қамбағал» Жанубнинг мавжудлиги билан белгиланган эди. Ҳозирги вақтда жаҳон хўжалигининг ички асосий қарама-қаршилиги деб Шимол билан Жанубнинг, ёки кўпинча айтилишича, «марказ» билан «чекка»нинг социал иқтисодий тараққиёти даражаси ўртасидаги ошиб бораётган тафовутни ҳисоблаш керак:

Мисол. 90- йиллар бошларида жаҳон хўжалигининг бутун «чекка» жойларига жаҳон ички ялпи маҳсулоти ва саноат маҳсулотининг 15 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 30 фоизи тўғри келган. Ички ялпи маҳсулотни аҳоли жон бошига ҳисоблаганда бу мамлакатларда 1 минг доллардан кам бўлгани ҳолда Ғарбнинг иқтисодий ривожланган мамлакатларида 14 минг доллардан ортиқ бўлган.



16- расм. Ривожланаётган мамлакатлар хўжалигининг ҳудудий тузилиши модели

Шу сабабли жаҳон хўжалиги «географик моделини» такомиллаштиришнинг асосий йўналиши жаҳон хўжалиги «чекка» қисмини ривожлантиришни жадаллаштиришдан иборат бўлмоғи керак.

3. Халқаро географик меҳнат тақсимоти ҳақида тушунча. Н. Н. Баранский географик меҳнат тақсимоти ҳақидаги тушунчани чуқур ва ҳар томонлама ифодалаб бериб, уни иқтисодий географиянинг асосий тушунчаси деб атади.

Географик меҳнат тақсимоти инсоният жамиятининг товар ишлаб чиқариши ва алмаштириш билан боғлиқ таракқиётининг муқаррар натижасидир. Бунинг муқаррарлигига сабаб шуки, алоҳида ҳудудлар ўртасида доим тафовутлар бўлади. Булар қуйидагилар: биринчидан, уларнинг географик ўрни турли хил, иккинчидан, табиий шароити ва бойликлари ҳар хил, учинчидан ижтимоий-иқтисодий шароитлари таракқиёт даражаси, хўжалигининг тузилиши, меҳнат ресурслари, тарихий анъаналари ва хоказолари бир хил эмас. Бундай тафовутлар муайян ҳудудларнинг турли хил саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ихтисослашишига олиб келади.

Бу айтилганлар алоҳида иқтисодий районларга халқаро меҳнат тақсимоти орқали ўзаро боғланган мамлакатларга ҳам тегишлидир. Географик меҳнат тақсимоти жуда қадимда вужудга келган, лекин жаҳон хўжалиги пайдо бўлиши билан у бутун дунёни қамраб олди.

Халқаро географик меҳнат тақсимоти айрим мамлакатларнинг муайян маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга, муайян хизматларни бажаришга ихтисослашишида ва кейин уларни алмаштиришда намоён бўлади.

Халқаро географик меҳнат тақсимоти вақт давомида ўзгаради.

4. Халқаро ихтисослашиш тармоғи — географик меҳнат тақсимотининг натижаси. Айрим мамлакатларнинг айрим хил маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ва хизматларни бажаришга ихтисослашиши бундай маҳсулотларни шу мамлакат эҳтиёжидан кўра кўпроқ миқдорда ишлаб чиқаришни кўзда тутди. Ихтисослашиш халқаро ихтисос тармоқларининг шаклланишида ўзининг аксини топади. Бундай тармоқлар маҳсулотини кўпроқ экспортни кўзлаб ишлаб чиқаради ва халқаро географик меҳнат тақсимотида мамлакатнинг «афт-башарасини» кўрсатади.

1-мисол. Япония автомобиллар ишлаб чиқаришда жаҳонда биринчи ўринда туради. Мамлакат ишлаб чиқарган автомобилларининг тахминан ярмини бошқа мамлакатларга сотади. Автомобиль саноати Япониянинг халқаро ихтисос тармоғидир.

2-мисол. Канада галла етиштиришда дунёда бешинчи ўрини ва уни четга чиқаришда иккинчи ўринни эгаллайди. Галлачилик хўжалиги мамлакатнинг халқаро ихтисос тармоғидир.

Халқаро ихтисос, ўз навбатида, халқаро товар ва хизматни айирбошлашни зарурият қилиб қўяди. Бундай айирбошлаш халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланишида ва юк та-

шишнинг кўпайишида ўз ифодасини топади. Чунки маҳсулот ишлаб чиқариш билан уни истеъмол қилиш орасида ҳар доим ҳудудий муайян масофа вужудга келади.

5. **Халқаро иқтисодий интеграция:** регионал ва тармоқлар бўйича гуруҳлар. Жаҳон хўжалиги ва халқаро географик меҳнат тақсимоти бутун мамлакатларни қамраб олиб, кейинги ўн йилликларда кенгайишдан кўра ҳам кўпроқ чуқурлашиб кетяпти. Улар чуқурлашиб, шакллари ўзгариб, янгиланиб бормоқда. Халқаро ихтисослашиш ва маҳсулот айирбошлаш бир қанча мамлакатлар миллий хўжаликларининг бир-бирларига жуда боғланиб кетишига олиб келди. Шу йўл билан халқаро меҳнат тақсимотининг юқори босқичи—**халқаро иқтисодий интеграция** вужудга келди. *Халқаро интеграция айрим гуруҳ мамлакатларнинг чуқур ва барқарор ўзаро алоқаларининг объектив ривожланиш жараёнидир. У мамлакатларнинг келишилган давлатлараро сиёсат юргизишига асосланади.*

Регионал иқтисодий интеграция XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон хўжалигининг ривожланишида асосий йўналиш бўлиб қолди. Жаҳон хўжалиги интеграциялашган иқтисодий гуруҳлардан иборат бўлиб бормоқда. Тўртта шундай гуруҳ энг муҳим гуруҳлардир.

Европада жами аҳолиси 325 млн. кишидан иборат 12 та давлат аъзо бўлган Европа иқтисодий ҳамкорлиги (ЕИХ) ана шундай гуруҳлардандир.

1957 йилда ташкил этилган ЕИХ аста-секин дунёдаги энг йирик умумий бозорга айланди. ЕИХ нинг қонун чиқарувчи органи Европа парламенти бўлиб, унинг идораси Франциянинг Страсбург шаҳарида жойлашган. Европа парламенти ЕИХ га кирувчи барча мамлакатлардан тўғри сайлов йўли билан сайланади. ЕИХ нинг ўз байроғи, мадҳияси, ягона паспорти, ягона пул бирлиги (ЭКО), суд ва банки мавжуд. 1993 йил бошида икки давлат чегараларининг йўқ қилинганлиги натижасида ягона иқтисодий ҳудуд вужудга келди. Бу ҳудудда товарлар, капитал ва хизмат кўрсатиш, технология ҳамда ишчи кучи эркин ҳаракатлана беради.

Шимолий Америкада 80- йиллар охирида бунёд этилган эркин савдо зонасига аввал АҚШ билан Канада, кейинроқ Мексика қўшилди. Уларнинг жами аҳолиси 360 млн. киши. Лотин Америкаси интеграция ассоциациясига 11 та мамлакат кирган. Осиё-Тинч океан регионида эса бундай гуруҳ жануби-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси бўлиб (АСЕАН), унга 6 та мамлакат кирган.

1949 йилдан 1991 йилгача ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгаши энг йирик регионал интеграцион гуруҳ сифатида мавжуд бўлган. Унга 10 та давлат: Совет Иттифоқи, Польша, ГДР, Чехословакия, Венгрия, Руминия, Болгария, Вьетнам, МХФ ва Куба аъзо бўлган. ЎИЁК катта ишларни амалга оширди, лекин социалистик интеграция режасини тўлиқ амалга ошира олмади, қатнашувчи мамлакатларнинг ҳақиқий ягона бозорини ярата билмади. ЎИЁКнинг парчаланиб кетишига иқтисодий сабаблардан ташқари сиёсий сабаблар ҳам таъсир кўрсатди.

Жаҳон хўжалиги тизимида регионал гуруҳлардан ташқари тармоқлар бўйича иқтисодий гуруҳлар ҳам мавжуд. Булардан энг муҳими нефть чиқарувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) бўлиб унга 13 мамлакат бирлашган. (3- топширик).

3. ФТИНИНГ ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИГА ТАЪСИРИ ҲАҚИДА БИЛИМ ОЛАМИЗ

1. ФТИнинг хўжаликнинг ўсиш суръати ва ривожланиш даражасига таъсири: учинчи sanoat инқилобининг бошланиши. XX асрда жаҳон хўжалигининг ўсиш суръати юқори бўлди. Асримизнинг дастлабки уч чораги давомида жаҳон иқтисодий имконияти тахминан 10 ҳисса кўпайди. Бинобарин, 70- йиллар ўртасида жаҳон иқтисодий имкониятининг $\frac{9}{10}$ қисми бизнинг ас-

римиз ютуқлари натижаси, $\frac{1}{10}$ қисми эса инсониятнинг асримизгача бутун тарихи давомидаги ютуқлари натижаси бўлди. ФТИ жаҳон иқтисодий тараққиёти суръатини яна ҳам кучайтирди.

ФТИ ютуқларидан гарбнинг иқтисодий ривожланган мамлакатлари энг юқори даражада фойдалана олдилар. Улар ФТИ ютуқларини фан-техника тараққиётининг асосий тезлатгичига айлантирдилар. Бу мамлакатлар бутун ишлаб чиқаришни янги техника ва технология асосида қуришга, энергия ва хомашёни иқтисод қилишга киришди. *Буни кўпинча қайта индустриялаштириш ёки учинчи sanoat инқилоби деб аташади.*

Бундай қайта индустриялаштириш давлатнинг фаол ёрдами билан амалга ошяпти. Давлат кўп корхоналарнинг ва хатто бутун тармоқларнинг эгаси, шунингдек бош буюртмачи ва меҳнат натижаси (илм-фан, харбий ишлаб чиқаришнинг истеъмолчиси ҳамдир. Давлат капитал қўяди, кадрлар тайёрлайди, иқтисодийётни ривожлантиришнинг ҳар хил дастурлари, шу жумладан регионал дастурлари ёрдамида уни бошқаради.

Қайта sanoatлаштиришда монополияларнинг таъсири жуда каттадир. Кўп монополиялар халқаро монополияларга айланиб кетди. Шундай монополияларнинг асосий шакли халқаро (транснационал) корпорациялардир (ХК). Халқаро корпорацияларнинг умумий сони минглаб, ўн минглаб ҳисобланади. Лекин асосий тизгин 400—500 та мультимиллиардер корпорация қўлидадир. Ана шундай қилиб, жаҳон хўжалигининг ўзига хос «халқаролашуви» рўй бермоқда. Лекин шу билан бирга гарб мамлакатларида миллионлаб майда компаниялар ҳам мавжуд.

Гарбнинг иқтисодий ривожланган мамлакатлари ҳозирги замон техника ва технологиясига, фан билан ишлаб чиқаришнинг туб моҳияти билан янги ўзаро алоқаларига таянган ҳолда аҳолисининг кўпчилик қисми ҳаёт-шароитини нисбатан юқори даражага кўтаришга муваффақ бўлди. Лекин шунга қарамасдан бу мамлакатларда ҳам ишлаб чиқаришда айрим пасайишлар ва

ҳатто таназзуллар, ишсизликлар, инфляция ва бошқа социал инкирозлар бўлиб туради.

1991 йилгача ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашига аъзо мамлакатларда «учинчи» sanoat инкилоби анча кам таъсир кўрсатди. Лекин бу мамлакатларда ФТИни социализм афзалликларни билан бирлаш ҳақида шиор илгарни сурилган бўлса ҳам у ҳаётга ҳақиқий татбиқ этилмади. Бу мамлакатлар иқтисодиёти маъмурий буйруқбозлик услубида бошқарилганлиги сабабли узок вақт мобайнида муайян даражада экстенсив йўлда ривожлана бориб, ишлаб чиқаришга кўшимча меҳнат ва моддий ресурсларни жалб қилишга асосландилар.

Саноатлашиш йўлидан бораётган ривожланаётган мамлакатларда sanoat иккинчи жаҳон урушига қадар ўтган вақтдагидан икки-уч марта тезроқ ўсмоқда, ҳатто ғарб мамлакатларидан ҳам тезроқ ривожланмоқда. Шунга мос равишда ишлаб чиқариш даражаси (ҳажми) ҳам ўсди. Шу билан бир вақтда ҳали ўнлаб заиф ривожланган мамлакатлар борки, уларнинг кўпи sanoatлашишгача бўлган даражага ҳам кўтарилгани йўқ.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида патриархал анъана ва урф-одатлар, диний қарашларнинг таъсирини ҳам ҳисобга олмоқ керак. Булар кишиларнинг меҳнат, бойлик ва вақт тушунчаларига бошқача муносабатда бўлишга олиб келади. Иккинчи томондан кўп мамлакатларнинг раҳбар доиралари «бошқалардан кўринишда орқада қолмаслик мақсадида» обрў келтирувчи шаҳарлар, ҳашаматли саройлар қуришга жуда катта маблағ сарф қилишади.

2. ФТИнинг жаҳон хўжалиги асосий тармоқларига таъсири: индустриал (sanoatлашган) жамиятдан индустриал хўжалик орти жамиятига.

Жаҳон хўжалигида XVII — XIX асрлардаги sanoat тўнтаришигача аграр (қишлоқ хўжалиги) тузилиши яққа ҳукмрон эди. Унда моддий бойликнинг асосий манбаи қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ тармоқлар бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи ярмида иқтисодий ривожланган мамлакатларда хўжаликнинг sanoat етакчи ўрин тутган индустриал тузилиши таркиб топди. Мана шу босқичда жаҳонда ФТИ даври бошланди. ФТИ жаҳон хўжалиги асосий тармоқларига жуда катта таъсир кўрсатди ва ҳозир ҳам таъсир кўрсатаяпти. Унинг таъсирида жаҳон хўжалигининг тубдан янги тузилиши, индустриал хўжалик орти деб аталувчи (ёки ахборотли) тузилиши шакллана бошлади.

Хўжаликнинг индустриал хўжалик орти тузилиши унун даставвал моддий ва номоддий ишлаб чиқаришлар ўртасидаги нисбатнинг номоддий ишлаб чиқариш фойдасига ўзгариши хосдир. Бунда sanoat салмоғининг ўсиши жараёни ўрнига унинг қисқариши жараёни рўй беради. Шундан сўнг sanoatда ва умуман моддий ишлаб чиқаришда қисқариш рўй беради. Шу билан бир вақтда хизмат кўрсатиш, фан, таълим, маданият соҳаларининг ўсиши болади.

Мисол. Номоддий ишлаб чиқариш соҳасида банд кишилар сонининг моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган кишилардан ортиб кетган биринчи мамлакат АҚШ бўлган. Бу ҳол 1955 йилда рўй берди. Ҳозирги вақтда ҳам номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида банд кишиларнинг салмоғи $\left(\frac{2}{3}\right)$ жиҳатидан АҚШ биринчиликни сақлаб колмокда.

Бундан буён ақлий меҳнат соҳасида банд бўлган кишилар кўпайиб боради. Бу соҳага ўрта мактаб ҳам, олий таълим тизими ҳам, билимларни оммалаштиришган, нашриёт фаолияти ҳам, радио, телевидение ҳам киради. Ишлаб чиқариш кучларининг ва инсоннинг ўзининг ҳам муҳим ривожланиш омили унинг жисмоний ва ижодий қобилиятини тиклаш (соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт, истироҳат, туризм, дам олиш)дир. Узоқ муддатда фойдаланиладиган истеъмол молларига талабнинг анча кўпайиши (автомобиль, телевизор, ЭХМлари) хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайишига олиб келди. Банклар, сугурта компаниялари, авиация компаниялари, меҳмонхона ва туристик фирмаларнинг хизматларидан ҳам тобора кўпроқ кишилар фойдаланишяпти. Ишбилармонлик хизматининг муҳим турларидан бири истеъмол талабини ўрганиш (маркетинг) бўлиб колди.

3. ФТИнинг моддий ишлаб чиқариш тармоқларига таъсири: ижобий силжишлар. ФТИ моддий ишлаб чиқариш тармоқларида катта силжишларга олиб келди. Бутун дунёда моддий ишлаб чиқаришда 1,5 млрд киши банд. *Силжишлар даставвал саноат билан қишлоқ хўжалиги орасидаги нисбатнинг саноат фойдасига ўзгаришида ўз аксини тонди.* Бунга сабаб шуки, хўжаликнинг барча бошқа тармоқларидаги меҳнат унумдорлигининг ўсиши, аҳолини узоқ вақт фойдаланиладиган товарлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш биринчи галда саноатнинг ривожланишига боғлиқ. Бунга яна қишлоқ хўжалигининг жадаллаштириш ҳам сабаб бўлади. Қишлоқ хўжалиги агросаноат интеграцияси натижасида тобора саноатга ўхшаб боради ва саноат ишлаб чиқаришининг ўзига хос бир турига айланади.

ФТИ моддий ишлаб чиқаришнинг айрим йирик қисмлари тузилишида ҳам катта ўзгаришларга олиб келди.

Саноатнинг тармоқлари таркибида ишлов берувчи тармоқлар салмоғи янада ўсди. Ҳозирги вақтда бутун саноат маҳсулоти қийматининг $\frac{9}{10}$ қисми шу тармоқларга тўғри келади. Бу

тармоқлар таркибида «илгор учлик» — машинасозлик, кимё ва электроэнергетика тармоқлари алоҳида ажралиб туради. Фантехника тараққиёти шу тармоқларга боғлиқдир. Ундирувчи саноат салмоғининг $\frac{1}{10}$ улушдан сал кўпроқ камайишига ишлаб чиқаришнинг энергия ва материалларга талабининг мунтазам камаяётгани ва табиий хомашё ўрнини синтетик хомашё эгаллаб бораётгани сабаб бўлмокда.

Саноатнинг айрим тармоқлари таркибида ҳам мураккаб жараёнлар рўй берапти. Баъзи бир тармоқлар (масалан, паровозсозлик) бутунлай, «йўқоляпти».

бошқа тармоқлар эса, булар анча кўп тармоқларни кўпайтириб янгидан пайдо бўляпти. БМТ тавсифига кўра, hozирги вақтда саноатнинг 300 дан ортиқ тармоқ ва кичик тармоқлари мавжуд. Иккинчи томондан, ФТИ даври учун турли хил тармоқларнинг бирлашиб, тармоқлараро комплексларнинг ҳосил қилиши хосдир. Буларга ёқилги-энергетика, машинасозлик, агросаноат ва бошқа саноат тармоқларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу тармоқларни географиянинг олдинги курсларида ўргандик.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларидаги ўзгаришлар секинроқ рўй беради. Шунга қарамасдан қишлоқ хўжалигининг жадаллашиши кучайган сари одатда чорвачилик салмоғи кўпаяди. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган кўп мамлакатларда қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг $\frac{3}{4}$ қисмини беради. Деҳқончиликда эса техника ва ем-хашак экинлари, сабзавот ва мевачиликнинг аҳамияти ошади.

ФТИ транспортнинг айрим турлари ўртасидаги «меҳнат тақсимотига» катта ўзгаришлар киритди. Темир йўл транспорти аҳамияти умуман камайди.

У ўз аҳамиятини саноат ва қишлоқ хўжалигининг кўп миқдордаги юкларини, шунингдек йўловчиларни асосан ўртача масофаларга ташишда, шаҳар ичида, айниқса энг йирик шаҳарлар ва агломерацияларда ташишда сақлаб қолмоқда. [8] Автомобиль транспорти шаҳар ичида ва шаҳарлар атрофида йўловчи ташишда биринчи ўринни эгаллайди. Автомобиллардан фойдаланиш қулай бўлганлиги, юкларни «эшикдан эшиккача» таший олиши туфайли бу транспортнинг шаҳарлараро ва халқаро юк ташишдаги аҳамияти ошиб бормоқда. Денгиз транспорти халқаро савдонинг катта қисмини таъминлайди. Лекин йўловчилар ташишда, саёҳатчиларни ҳисобга олмаганда, амалда иштирок этмайди. Ҳаво транспорти йўловчиларни ўртача ва айниқса узок масофаларга ташишда катта аҳамият касб этмоқда.

4. ФТИнинг хўжалик тармоқларининг жойлашишига таъсири: илгаридан ва янги ўзлаштирилган ҳудудлар. Қадимда ўзлаштирилган районлар XIX аср охири ва XX аср бошларида, кўпинча ундан анча олдин таркиб топган. ФТИ даврида бу районлар иқтисодиёти қайта тузиляпти. Бу эса катта маблағлар талаб этади. Шу билан бирга бир қанча районларда ФТИ таъсирида янги саноат, шаҳар ва транспорт қурилишлари олиб бориляпти, шунингдек ерлар қишлоқ хўжалигида ўзлаштириляпти. Шундай қилиб янгидан ўзлаштирилган районлар пайдо бўлади. Бундай районлар айниқса табиий бойликларга бой ҳудудларда вужудга келади.

ФТИ даврида ишлаб чиқаришнинг жойлашиши ва ҳудудий таркибига янги техника ҳамда технология тобора кўп таъсир кўрсатади. Темирни тўғридан-тўғри тиклаш ва узлуксиз пўлат қуйиш методларининг жорий қилиниши янги тур саноат корхоналарининг — йилига 100—150 минг тонна пўлат прокат қуювчи «митти» заводларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бундай заводлар металлни истеъмол қилувчиларга таяниб ишлайди.

«Одамларсиз» автомат корхоналар биринчи галда меҳнат ресурслари етишмайдиган районларда қурилиши зарур. [9]

5. ФТИнинг хўжаликнинг ҳудудий жойлашишига таъсири: жойлаштириш омиллари. Ишлаб чиқаришни ва аҳолини жойлаштиришнинг баъзи бир омилларини сизлар Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси курсида мамлакатимиз мисолида ўргангансиз. Бу омилларнинг бир қисми илгари вужудга келган, ФТИ даврида янги мазмун касб этди. Бошқа омилларнинг пайдо бўлиши эса ФТИ билан бевосита боғлиқдир.

1. Ҳудудий омил. *Ҳудуд жамият географик муҳитининг муҳим қисмларидан биридир.* Одатда, ҳудуд қанча катта бўлса, табиат ресурслари шунча бой, хилма-хил бўлади ва аҳолини ҳамда ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг турли хил вариантлари шунча кўп бўлади.

Мисол. Бу нарса биринчи галда Россия, Канада, Бразилия, Австралия, АҚШ, Хитой, Ҳиндистонга тегишли. Бу ҳудуди катта мамлакатлар одатда айрим йирик қисмларга бўлинади: иқтисодий зоналар, йирик ҳудудлар ва ҳудудлар. Аксинча, юқорида айтиб ўтганимиздек, кўпчилик кичик мамлакатларда ҳудуд «етишмаслиги» сезилиб туради.

Хўжаликнинг ҳудудий таркибига мамлакат ҳудудининг шакли ва унинг яхлитлиги ҳам каттагина таъсир кўрсатади (4- топширик).

2. Иқтисодий географик ўрин омил. Иқтисодий географик ўрин (ИГЎ) тушунчасини фанга Н. Н. Баранский ҳаммадан тўлиқ асослаб берган. У ИГЎнинг асосий *тўрт хилини ажратиб кўрсатган:* 1) марказий ўрин, 2) ичкарида (чеккада) жойлашиш, 3) қўшни жойлашиш, 4) денгиз бўйида жойлашиш. ИГЎнинг бундай бўлинишини мамлакатларга, районларга, шаҳарларга нисбатан қўлланиш мумкин. Марказий ва денгиз бўйида жойлашганлик ИГЎ нинг қулай хусусияти ҳисобланади. Ичкарида (чеккада) жойлашганлик иқтисодий тараққиётни секинлатиши мумкин. Қўшни жойлашганликнинг таъсири кўп жиҳатдан давлатлар ўртасидаги муносабатларга боғлиқ.

Мисол. Денгиз бўйида жойлашганлик (Арктика денгизларидан ташқари) ҳамма вақт ҳам ИГЎнинг қулайлик белгиси бўлиб келган. ФТИ даврида денгиз бўйининг аҳамияти яна ҳам ошиб кетди. 50 — 70- йилларда Ғарбий Европанинг кўп мамлакатлари, Япония ва қисман АҚШда ҳам ишлаб чиқариш ҳамда аҳолининг жойлашишида денгиз бўйига силжиш аниқ сезилди. Бунга, биринчи галда, четдан келтириладиган хомашё ва ёқилгига интилиш сабаб бўлди.

Н. Н. Баранский, мамлакат ўз ИГЎ ни тузатиши ва яхшилаши мумкин, деб ёзади. У мисол қилиб, Панама қаналининг қурилиши ва АҚШда трансконтинентал темир йўлнинг ўтказилишини келтиради. (5- ижодий топширик).

3. Табиий шароит — ресурс омил. Саноатлаштиришнинг илк босқичларида табиий ресурслар, биринчи галда фойдали қазилмалар географияси оғир саноатни жойлаштиришга

катта таъсир кўрсатган эди. Оғир саноат айниқса тошкўмир ва темир рудаси конларига яқин жойлаштириллар эди. ФТИ даврида бундай интилиш сезиларли даражада камайди. Бу айтилган гап биринчи галда илм-фанталаб энг янги тармоқларга тегишлидир.

Лекин ундирувчи саноат учун табиий ресурслар омили хали ҳам асосий омил бўлиб қолмоқда. Илгариги хавзаларда, конларда фойдали қазилмалар, ўрмон кесиладиган жойларда дарахтлар камайиб қолганлигидан янги районларга, кўпинча бориш қийин, аҳоли кам, табиий шароити ноқулай ҳудудларга силжиш ундирувчи саноатда биринчи навбатда сезила бошлади.

1- мисол. Дунёнинг шимолий ҳудудлари жуда катта майдонга эга — 20 млн. км². Бунинг 11 млн. км² қисми Россия шимолига тўғри келади. ФТИ бу барча ерларни ўзлаштиришга, уларда инсон яшашига ва табиий ресурсларидан фойдаланишга имкон берди.

2- мисол. Дунёдаги материк саёзликлари 31 млн. км² майдонга эга. Материк саёзликларини ўзлаштириш, 90- йилларнинг бошига келиб «денгиз нефти»нинг бутун жаҳондаги нефть қазиб чиқаришдаги салмоғини $\frac{1}{4}$ қисмга яқинлаштирди, газ қазиб чиқаришда эса «денгиз гази»нинг салмоғини $\frac{1}{5}$ қисмга етказди. [10] Нефть ва газ қазиб чиқаришнинг асосий районлари шимолий денгиз, форс қўлтиги ва Мексика қўлтиги ҳудудларидир.

Шимолни ва денгизларни ўзлаштириш учун махсус техника бунёд этилади. [11] Лекин, шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бу ҳудудларнинг табиат ресурсларини ўзлаштириш ва фойдаланиш жуда катта маблағни талаб қилади ва атроф-муҳитнинг ифлосланиб кетиш хавфини туғдиради.

4. Т р а н с п о р т о м и л и. ФТИ даврига қадар бу омил ишлаб чиқаришни жойлаштиришга деярли ҳал қилувчи таъсир кўрсатар эди. Алоқа йўллари ва транспорт воситаларининг мукамаллаштирилиши транспорт харажатларини анча камайтиришга олиб келди. Шу билан бирга «транспорт инқилоби» ихтисослашган йирик ишлаб чиқаришларнинг махсулотларини минглаб км теварак-атрофга чиқаришга, аҳолининг силжиб юришини кучайтиришга, ишлаб чиқаришнинг денгиз бўйига силжишига, табиий ресурсларни ташиб боришга, янги ҳудудларни ўзлаштиришга имкон туғдирди ва охир оқибатда ишлаб чиқариш районлари билан махсулот истеъмоли районлари ўртасидаги ажралиш йўқолади.

Мисол. Россияда БАМнинг бунёд этилиши ресурсли янги ҳудудларни ўзлаштириш билан боғлиқдир. Канада транспорт курилишлари дастурларидан бири «Ресурсларга йўл» деб аталади.

Бинобарин, транспорт омили ФТИ даврида ишлаб чиқаришни жойлаштиришга, айниқса ер майдони катта мамлакатларда жойлаштиришга, анча катта таъсир кўрсатишда давом этапти.

5. Мехнат ресурслари омили. Бу омил ишлаб чиқа-

ришни жойлаштиришга ва хўжаликнинг ҳудудий таркибига ҳамма вақт таъсир кўрсатган ва ҳозир ҳам таъсир этаяпти. Сизга маълумки, «бўш қўллар» мавжуд бўлса, бу ер ўзига хўжалик фаолиятини «тортади», агар улар бўлмаса, хўжалик фаолиятини «қочади». Бу айниқса кўп меҳнат талаб тармоқлар учун ҳосидир.

ФТИ даврида меҳнат ресурслари омили таъсири икки ҳил намоён бўлади. Биринчи ҳолда саноатга, ноишлаб чиқариш соҳага бошқа жойлардан қўшимча ишчи кучи жалб қилинади. Иккинчи ҳолда ишлаб чиқаришни меҳнат ресурслари тўпланган жойларга кўчириш фойдалироқ бўлади.

1- мисол. Фарбий Европанинг катта иқтисодий имкониятларга ва яхши ривожланган қулайликларга (инфраструктурага) эга бўлган энг йирик саноат ҳудудлари ва шаҳарлар агломерациялари Европанинг бошқа мамлакатларидан ҳам, Европадан ташқари мамлакатлардан ҳам қўшимча меҳнат ресурсларини ўзига тортиб оладиган асосий марказлар бўлиб қолдилар.

2- мисол. Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёнинг жуда кўп, арзон ишчи кучига эга бўлган ҳудудлари Япония, Фарбий Европа ва АҚШдан саноатнинг кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқлари кириб келадиган асосий марказлар бўлиб қолди. [12]

ФТИ даврида арзон ишчи кучига, шу жумладан аёллар ишчи кучига интилиш сақланиб қолади. Аёллар ишчи кучи узлуксиз ишлаб чиқаришнинг энг янги тармоқларида кўплаб фойдаланиладиган бўлди: *Лекин юқори малакали ишчи кадрларга, ишчи кучи «сифатига» таяниш янада каттароқ аҳамиятга эга бўлиб қолди.*

6. Ҳудудий тўпланиш омили. Ишлаб чиқариш корхоналар кўламининг катталаниши билан ифодаланган тўпланиши катта иқтисодий самара беради. Йирик саноат марказлари, тугунлари, ҳудудлари, транспорт тугунлари, шаҳар агломерацияларида ишлаб чиқаришнинг тўпланиши билан боғлиқ равишда хўжалик ва аҳолининг ҳам ҳудудий тўпланиши рўй беради. *Эски саноат ҳудудларининг* мавқеи айниқса катта, улар пойтахт шаҳарларида, кўмир ҳавзаларида ва шу қабиларда аллақачон таркиб топган. Бутун жаҳон саноат ишлаб, чиқаришининг $\frac{3}{4}$ қисми шундай жойларда тўпланган.

Бироқ аҳоли ҳамда хўжаликнинг эски саноат районларида ҳаддан ташқари кўп тўпланиши бир қанча салбий оқибатларга — биринчи галда атроф-муҳит сифатининг ёмонлашишига олиб келади. *Шу сабабли ФТИ даври учун ишлаб чиқаришнинг тарқоқланиши, кичик, ўртача корхоналар, митти заводлар, митти ГЭСлар ва ҳ. к. лар қурилиши ҳосидир.* «Кичик корхона энг афзал» ҳозирги давр шиорларидан бири. Бу шиорнинг тўғрилиги илғор мамлакатлар тажрибаси билан исботланган.

7. Илм-фан талаблик омили. ФТИ даврида фан-техника базаси ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг тобора муҳимроқ омилига айланиб бормоқда. Бу ҳол биринчи навбатда илм-фан талаб энг янги тармоқларга тааллуқлидир. Бундай тармоқлар

йирик илмий марказлар — катта шаҳарлар ва шаҳар агломерацияларида жойлашади: «ихтисослашган илм-фан шаҳарлари» вужудга келади. Баъзи мамлакатлар учун илмий тадқиқотларнинг худудий кучли марказлашуви хос бўлса, бошқа мамлакатлар учун аксинча уларнинг тарқалганлиги хосдир.

Мисол. Россияда илмий тадқиқотларнинг асосий марказлари — Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск, Ўзбекистонда — Тошкент, Францияда барча илмий ходимларнинг ярми Парижда тўпланган, Японияда эса — Токиода. Данияда — Копенгагенда, Болгарияда — Софияда. АҚШда эса асосий илмий тадқиқотлар бутун мамлакатда тарқалган дорилфунунларда олиб борилади.

Сиз бутун дунёда илм-фан билан ишлаб чиқариш бир-бирига тобора кўпроқ боғланиб бораётганини эшитгансиз. Бунинг оқибатида илм-фан — sanoat комплеклари вужудга келади. Бундай комплекслар гарбда илмий-тадқиқот манзилари, технополислар деб аталади. Булар бутун цикл ишининг мунтазамлигини «илмий гождан тайёр маҳсулотгача» деган тамоилда таъминлайдиган илмий муассасалар ва sanoat корхоналарининг худудий гуруҳларидан иборат. АҚШдаги Силикон (кремнийли) водийни илм-фанталаб маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ана шундай тўпланишига биринчи ёрқин мисол деса бўлади.

8. Экологик омил. Илгари ҳам мавжуд бўлган бу омил ФТИ даврида алоҳида аҳамият касб этди. Энг sanoatлашган ва урбанизациялашган жойларда ер ва сувнинг етишмаслиги, sanoat чиқинди ва оқаваларининг тозалашга ҳаражатнинг ошиб бориши, атроф-муҳит ҳолатининг умумий ёмонлашиши бу ерларда ишлаб чиқариш ҳамда аҳолининг бундан буёнги тўпланишини чегараловчи муҳим сабаблар бўлиб қолди. Айрим ҳолларда бир қанча «ифлос» ишлаб чиқаришлар бошқа жойларга кўчирилади ёки бутунлай тўхтатилади.

6. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда хўжаликнинг худудий тузилиши ва регионал сиёсат: турмуш даражасини тенглаштириш. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда узоқ вақт давомида юқори даражада «етук» хўжаликнинг худудий тузилиши таркиб топган. Бу мамлакатлар худуди sanoat районлари ва марказлари, шаҳар агломерациялари, транспорт тугунлари, шох кўчалар, жадал қишлоқ хўжалиги, рекреация ва саёҳат районлари, технологик парклар билан тўлган. Булар бутун худудий хўжалик тузилишининг ўзига хос таянч тўрини ҳосил қилади. Бу мамлакатларда учта асосий турдаги иқтисодий районлар тизими таркиб топган.

Биринчи тур районлар булар тўхтовсиз ривожланувчи юқори даражада тараққий этган районлардир. Бу районлар sanoatнинг илм-фанталаб тармоқларини, илм-фанни ва илмий хизмат кўрсатишни, ноишлаб чиқариш соҳасини ўзига тортиш учун энг қулай шароитга эга. Энг йирик фирмаларнинг идоралари шу районларда жойлашган ва бу ерларда «қарорлар» қабул қилинади.

Иккинчи тур районлар, таназулли районлар. Буларга огир саноат устун турган эски саноат районлари киритилади. Буларга ФТИ етарли даражада таъсир кўрсатмаган ва улар тургунлик ҳолатдадир.

Учинчи тур районлар, қоқоқ аграр районлар. Булар умуман заиф саноатлашган. Саноатлашишдан кейинги ривожланиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Ғарбнинг иқтисодий ривожланган кўпчилик мамлакатлари хўжаликнинг таркиб топган ҳудудий тузилишини яхшилаш учун давлат регионал сиёсатини юргизишмоқда. *Регионал сиёсий ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштиришга ва кишилар турмуш даражасини тенглаштиришга ёрдам берувчи қонунчилик, маъмурий, иқтисодий ҳамда табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари мажмуидан иборат.*

Бу сиёсат, даставвал, юқори даражада ривожланган районлар билан қоқоқ ҳамда тургун районлар ўртасидаги номутаносибликни тугатишга қаратилган. Қоқоқ районларда «ривожланиш қутблари» вазифасини бажарувчи йирик саноат корхоналари бунёд этилмоқда. Тургун районларда ҳозирги замон илм-фанталаб ишлаб чиқариш корхоналари, йирик фирмалар филиаллари бунёд этишга ҳаракат қилиняпти.

Регионал сиёсат шунингдек йирик шаҳарлар ва шаҳар агломерацияларининг, аввало пойтахт шаҳарларнинг бундан буёнги ўсишини чегаралашни ва уларнинг «бўшанишини» ҳам кўзда тутди. Пойтахтларда 60—70-йилларда марказий районларнинг пасайиши ва экологик муаммоларнинг кескинлашиши кузатилди. Бундан ташқари, бу сиёсат янги районларни, асосан чекка районларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Мисол. Янги ўзлаштириляётган районларга Аляска, Канаданинг Шимоли, Австралиянинг ички қисмлари, Гренландия, Скандинавиянинг шимоли киради. Уларнинг умумий майдони 18 млн. км².

Умуман олганда регионал сиёсат ундан кўзда тутилган натижани тўлиқ бермади: Юқори даражада тараққий этган ва қоқоқ районлар ўртасидаги жуда катта тафовутлар сақланиб қолмоқда. (6- топшириқ).

7. Ривожланаётган мамлакатларда хўжаликнинг ҳудудий тузилиши ва регионал сиёсат: хўжаликнинг илгариги мустамлакалик тузилишини қайта қуриш. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари хўжалиги ҳудудий тузилишининг кўпгина асосий хусусиятлари уларнинг мустамлака ёки ярим мустамлақа қарашлиги вақтида таркиб топган. Хўжаликнинг ҳудудий тузилишининг мустамлакачилик тури кўп мамлакатларда ҳозир ҳам сақланиб қолган. Бундай хўжалик учун етукликнинг анча паст даражада эканлиги — саноат ва қишлоқ хўжалиги районларининг асосий транспорт йўллариининг сийраклиги, айрим қисмларнинг бир-бирларидан ажралиб қолганлиги, ҳудудлардан айрим-айрим «ўчоқлар» сифатида фойдаланиш ҳосдир. Шу билан бир вақтда ишлаб чиқариш ва аҳолининг ҳудудий марказлашуви бу мамла-

катларнинг кўпчилигида иктисодий ривожланган мамлакатлардигидан анча юқори туради.

Географ олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, ривожланаётган мамлакатларда бутун худудининг асосий маркази, фокуси вазифасини одатда уларнинг пойтахтлари бажаради. Пойтахтлар баъзан ҳаддан ташқари ривожланиб кетиб, бошқа шаҳарлар тараққиётини чегаралаб қўяди. Денгиз бўйи мамлакатларида одатда пойтахт асосий денгиз дарвозаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

Мисол. Буэнос-Айресда Аргентина аҳолисининг $\frac{1}{3}$ қисми, sanoat ишлаб чиқаришининг $\frac{1}{2}$ қисмидан ортиғи тўпланган. Бу шаҳар аҳолиси ундан кейинги шаҳар аҳолисидан 12 хисса кўп. Буэнос-Айрес — Аргентинаниннг асосий денгиз порти.

Баъзи ҳолларда мамлакатнинг иктисодий маркази вазифасини пойтахт шаҳар эмас, бошқа шаҳар бажаради. Масалан, Ҳиндистондаги Бомбай ва Калькутта шаҳарлари, Бразилиядаги Сан-Паулу, Марокашдаги Касабланка ана шундай шаҳарлардир. Бундай худудларга ёндош ерлар одатда мамлакатнинг энг ривожланган, кўпинча анчагина sanoatга эга бўлган районларини ташкил этади. Улар халқаро савдода фаол катнашади.

Маҳсулотини экспорт қилувчи районлар ҳам худуднинг ёрдамчи марказлари («фокуслари») вазифасини бажариши мумкин. Булар ё тоғ-кон sanoati районлари, ёки плантация кишлоқ хўжалиги районларидир. Бундай районлар атрофдаги худудлар билан кам боғланмаган бўлиб, ўз маҳсулотини пойтахт шаҳар ёки ихтисослаштирилган порт орқали жаҳон бозорига чиқаради. Истеъмол учун хизмат қилувчи анъанавий кишлоқ хўжалиги билан шугулланувчи кенг ички районлар чекка худудлар мавқеига эга. Бу худудлар ортиқча аҳолини пойтахтга, йирик порт шаҳарларига, плантациялар ва конларга «чиқариб» турадиган асосий районлардир. Адабиётларда бундай худудлар «бекорга ички мустамлакалар» деб айтилмайди.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар ҳақида «Бир мамлакатда икки мамлакат» дейилганда улар географик манзараси энг яхши баён этилган бўлади. Бу мамлакатларда катта шаҳарлар ҳаёти гўё қолган худудларга қарама-қарши тургандек бўлади (7- топширик).

Ривожланаётган кўп мамлакатлар худудий хўжалик тузилишининг эски мустамлакачилик турини ўзгартириш учун давлат регионал сиёсатини олиб боришяпти. Бу сиёсатнинг асосий мақсади мамлакат айрим қисмларининг тарқоқлигини бартараф қилиш, марказ билан чекка қисмлар ўртасидаги номутаносибликни камайтириш, шаҳарларнинг миллий руҳини шакллантириш, урбанизация жараёнини бошқариш, чеккадаги ресурсли районларни ўзлаштиришдан иборат. Ички худудларнинг ўзлаштирилишига пойтахтларнинг денгиз бўйидаги шаҳарлардан ички районларга кўчирилиши ҳам ёрдам бериши керак. Пой-

тахтлар Бразилия, Аргентина, Нигерия, Танзанияда ички районларга кўчирилди. Лекин шунча ҳаракатларга қарамасдан ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида ҳудудий кескин номутаносибликлар ҳозирча сақланиб қолмоқда.

Асосий хулоса. ФТИ ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг ҳамма томонига, ижтимоий муносабатнинг бутун тизимига, инсоннинг ўзига ва у яшайдиган муҳитга жуда кучли таъсир этади. Жаҳон хўжалиги ягона организм бўлиб қолди ва биронта давлат у қайси ижтимоий тузумга киришидан ҳамда иқтисодий тараққиёти жиҳатидан қандай даражада бўлишидан қатъи назар бу организмдан ташқарида нормал ривожлана олмайди.

КЎШИМЧА МАТН

(Қизиқарли маълумотлар)

[1] Олимпия ўйинларидан дастлабки телекўрсатув 1956 йилда бу ўйинлар Мельбурнда ўтказилганда ташкил этилган. Бу кўрсатувни фақат Австралия аҳолиси кўрган. 1960 йилда Римда ўтказилган олимпиадани бир қанча қўшни мамлакатлар аҳолиси, 1980 йилда Москвадаги олимпиадани, 1984 йилда Лос-Анжелос, 1988 йилда Сеул олимпиадаларини 2 млрд га яқин киши томоша қилди. 1992 йилда Барселонадаги олимпиадани эса 3 млрд га яқин киши кўрди.

[2] Фоторасм олиш тамонли кашф қилингандан биринчи фоторасм олингунгача 102 йил ўтган (1727—1829), биринчи радио импульси узатилгандан мунтазам радио эшиттириши бошлангунча 80 йил (1840—1920) ўтган. Телефонни жорий қилишга 56 йил кетган (1820—1876). XX аср ўрталарига келиб илмий кашфиётларни амалга жорий қилиш вақти кескин қисқарди: радиолокация 15 йилда (1925—1940), телекўрсатув 14 йилда (1922—1936), атом бомбаси 6 йилда (1939—1945), лазер 5 йилда (1956—1951) жорий этилди.

[3] Юк кўтариш қуввати 550 минг т бўлган танкернинг узунлиги 480 м, кенлиги 63 м га яқин, юк ортилганда сувга боғиши 30 м. га яқин. Бундай танкернинг парраги уч қаватли бино баландлигига тенг, палубаси майдонига 2,5 га бўлади.

[4] Дастлабки электрон соатлар 50-йилларда пайдо бўлди, уларни ёпласига ишлаб чиқариш эса 60-йилларда бошланди. 70-йиллар бошида электрон соатларнинг умумий соат ишлаб чиқаришдаги салмоғи 3—4%, ни, 80-йиллар ўрталарида эса 50% дан ортиқни ташкил этди. Жаҳонда соат ишлаб чиқаришида асосан электрон соатлар ишлаб чиқарадиган Япония Швейцарияни ортада қолдириб, биринчи ўринга чиқиб олди.

[5] Автомобилларга қўйиладиган микропроцессор йўлларда тезликни бошқаради ва бирор жойгача бўлган масофани автоматик равишда аниқлайди, ҳайдовчини нотўғри ҳаракатлар қилганда огоҳлантиради, тезликни алмаштиради, тормоз беради. Келажак автомобилида ҳайдовчи компьютерга бориш керак бўлган жойни, қандай бориш йўлларини, қаерга бориб туриш

кераклигини киритади. Ҳамма жараёни компьютернинг ўзи бажаради.

[6] Японияда океан остида 6000 м гача чуқурликда ишлай оладиган робот — геолог, нотани «ўқиб», электр гитара чала оладиган робот — машшок; Австралияда қўй юнгини қирқувчи робот яратилган. АҚШ да роботлар говвослар ўрнини босаяпти. ГФР да роботлар полицияда «ишлайди», уларга автомашиналарда портловчи моддалар бор деб ўйланганда уларни очиш «топширилади». Робот — ўқитувчи, робот — официант, робот — идиш-товоқ ювувчи, робот — фаррошлар, робот — хизматчи ва х. к. лар бор.

[7] Дунёда темир йўлда буг машинаси биринчи марта Англияда 1825 йил қўлланилган эди. Биринчи темир йўл АҚШ да 1830 йилда, Францияда 1832 йилда, Бельгия ва Германияда 1835 йилда, Австрияда 1837 йилда ишга туширилди. Россияда биринчи темир йўл Петроград билан Царское село (ҳозирги Пушкин) оралигида 1837 йилда ишга тушган.

[8] Дунёдаги биринчи метрополитен йўли Лондонда 1863 йили, иккинчиси Нью-Йоркда 1868 йили қурилган. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг 70 та шаҳарида метрополитен ишлаб турибди. Лондон, Нью-Йорк, Париж, Москва метрополитенлари йўллари энг узун йўллардир. Йўловчини кўп ташишда (йилига 3 млрд. га яқин) Москва метрополитени биринчи ўринда туради.

[9] Робот ясовчи тўлик автоматлаштирилган завод Японияда қурилган. Завод мукаммал ишлаб чиқариш тизими билан жихозланган, ҳамма ишни роботлар бажаради. Завод кеча-кундуз ишлайди, озгина уста мутахассислар бошқариб туришади. Тунда роботлар ишини биргина оператор кузатиб туради.

[10] 90- йиллар охирида жаҳоннинг 100 га яқин мамлакати материк саёзлигида нефть ва газ конларини қидириш ва ўрганиш ишларини олиб борди ва деярли 50 мамлакат қазиб чиқарди. 2 мингдан ортиқ нефть ва газ конлари очилди ҳамда ишга туширилди, денгиз тагида 40 мингдан ортиқ бурғ кудуги қазилди, бир қанча минг пўлат ва бетон бурғ платформаларидан фойдаланилди. Бутун нефтнинг $\frac{9}{10}$ қисми 100 м гача чуқурликдан қазиб олинди.

[11] Денгиз бурғ платформасининг баландлиги пўлат «оёқлари» пойлоғидан минораси тепасигача осмонўпар биноларга тенг келади. Бундай платформалардан энг каттасининг оғирлиги 500—800 минг т., унда 300—500 киши хизмат қилади, битта-иккита бурғ минораси, турар-жой уйлари, резервуарлари, вертолётлар учун майдони бўлади (21- расмга қаранг).

[12] Япония, АҚШ ва Фарбий Европа фирмалари Корея Республикаси, Гонконг, Сингапур, Малайзия, Филиппин, Тайван ва бошқа мамлакатларда телевизор, магнитофон ва бошқа уй-рўзгор электр техникасини ишлаб чиқаришни ташкил этишган. Худди шундай Швейцариянинг машҳур «Омега» соат фирмаси

Ўз капиталининг бир қисмини Гонконг билан Сингапурга кўчирди. Голландиянинг «Филипс» фирмаси Тайванда дунёда энг катта (йиллиги 4 млн. дона) кинескоп заводини курди.

Китоб жавонингизга

1. Фан ва инсоният. Йиллик халқаро журнал. М.: «Знание».
2. Ер ва инсоният. Умумий обзор // «Мамлакатлар ва одамлар» серияси.— М.: «Мысль», 1985, IV қисм.
3. Моисеев Н. П. Фан-техника инкилоби ҳақида қисса.— М.:

БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИШ БЎЛИМИ.

2- топшириқ. Географиянинг олдинги курсларидан олган билимларингизга таяниб, район ва мамлакатларнинг районларро ва халқаро географик меҳнат тақсимотида ихтисослашиши, табиий шароити ва бойликлари хусусиятига қандай боғлиқ эканлигига мисоллар келтиринг: 1) тоғ-кон саноатида; 2) кишлоқ хўжалигида.

3- топшириқ. Дарслик матнида қайд қилинган тўртта регионал иқтисодий гуруҳни, шунингдек нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (НЭКМТ) аъзоларини ёзувсиз харитага тушинг. Бу харитадан халқаро иқтисодий интеграцияга таърифни аниқлаштиришда фойдаланинг.

4- топшириқ (эрмак учун). Жаҳоннинг сиёсий харитасидан фойдаланиб, ҳудуди одатдан бошқачароқ бўлган (жуда чўзилиб кетган, турли қисмлардан ташкил топган) мамлакатларга мисоллар келтиринг. Сизнинг фикрингизча улар ҳудудининг бундайлиги мамлакат аҳолиси ва хўжалиги географиясига қандай таъсир кўрсатиши мумкин?

5- топшириқ. Сиз ўзингизни дарслик муаллифиман ва мамлакатлар ҳамда районлар мисолида ИГУ нинг учта турини тасвирлаб беришим керак, деб тасаввур қилинг. Харитадан фойдаланиб шундай мисолларни танланг. Бу ишингиз натижасини ўртоқларингиз билан муҳокама қилинг.

6- топшириқ. Дарслик матнидан фойдаланиб, иқтисодий ривожланган мамлакатлардаги регионал сиёсатнинг тўртта асосий мақсадини кўрсатинг ва уларга қисқача таъриф бering.

7- топшириқ (ижодий). Ривожланаётган мамлакатлар хўжалиги ҳудудий тузилишининг дарслик матнида берилган таърифни тасвирлаш учун 22- расмдан фойдаланинг.

Кўшимча топшириқ (мураккаблаштирилган). Дунёнинг ёзувсиз харитасига ривожланаётган мамлакатлардан мисоллар тушинг: а) пойтахтлари бир вақтнинг ўзида ҳам энг йирик шаҳар ва денгиз порти бўлган мамлакатларни; б) пойтахти денгиз бўйида жойлашмаган, денгиз дарвозаси шаклини бошқа шаҳар бажарадиган мамлакатларни. Ҳосил бўлган чизма харитани таҳлил қилинг ва у бўйича ҳикоя тузинг.

8- топшириқ (якуний). 1. (Дафтарда бажариладиган

иш.) Олган билимларингиз асосида ишлаб чиқаришни жойлаштиришга ҳар бир омилнинг таъсирини жадвал кўринишида тасвирланг.

2. «Фан-техника инқилоби ва ишлаб чиқаришни жойлаштириш» деган мавзуда муаммоли ахборот тайёрланг.

3. Мазкур мавзуга оид китобларнинг биридан (унинг бир боби бўлимидан) ёзма конспект тузинг.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ВА ЎЗАРО НАЗОРАТ БЎЛИМИ

Сиз қуйидагиларни қандай тушунтирасиз:

1. Нима учун ФТИ даврида ишлаб чиқариш тараққиётининг инқилобий йўли асосий йўл бўлади?

2. Ҳозирги замон жаҳон хўжалиги географик «моделли»нинг ўзига хос асосий хусусияти нима?

3. Моддий ишлаб чиқариш билан номоддий ишлаб чиқаришлар нисбати ФТИ даврида нима учун ўзгаради?

4. Хўжаликнинг ҳудудий тузилиши мустамлака тузилиши учун нималар хос?

Сиз қандай ўйлайсиз:

1. ФТИ даврида электротехника, машинасозлик ва кимё саноатлари илғор (авангард) тармоқлар бўлиб қолишди?

2. 1 млн. т юк кўтара оладиган улкан танкерлар қуриш лойиҳаси нима учун амалга оширилмади?

3. Н. Н. Баранский Москва, Париж, Лондон, Мадрид, Прага мисолларини келтирганда ИГЎ нинг қандай турини назарда тутган эди?

4. Нима сабабдан ундирувчи саноатни кўпинча кашшоф (биринчи пайдо бўлувчи) тармоқ деб аташади?

Биласизми:

1. Қуйида санаб ўтилган ҳудудлардан қайси бирлари янги ўзлаштирилган ҳудудлар ҳисобланади: Канада Шимоли, Лондон, Рур, Россия Шимоли, Австралия Ғарби.

2. Қуйида санаб ўтилган денгизлардан қайси бирлари нефть ва табиий газ қазиб чиқариладиган асосий денгизлар ҳисобланади: Шимолий денгиз, Болтиқ денгизи, Ўрта денгиз, Форс кўлтиги, Арабистон денгизи, Мексика кўлтиги?

Қуйидагиларни бажара оласизми:

1. Дарслик матнида ва саҳифаларидаги хариталарда эслатиб ўтилган қуйидаги мамлакатларни контур харитага ёддан

тушира оласизми? (Норвегия, Швецария, Италия, Бангладеш, Непал, БАА, Марокаш, Чад, Танзания, Венесуэла)

2. «Фан-техника инқилоби», «жаҳон хўжалиги», «халқаро географик меҳнат тақсимоти», «Регионал сиёсат» тушунчаларига таъриф бера оласизми?

3. Қуйидаги тасдиқлар (гаплар)нинг қанчалик тўғри эканини текшира оласизми, агар лозим бўлса, тўғри жавобни бера оласизми:

а) Робот техника ФТИ нинг энг янги, илм-фан талаб тармоқларидан биридир;

б) Жаҳон хўжалиги XVIII ва XIX асрлар чегарасида таркиб топди;

в) Кўмир саноати Япониянинг халқаро ихтисослашган тармоғидир;

г) Ундирувчи саноат тармоқларини жойлаштиришга табиий шароит, табиий бойлик омили катта таъсир кўрсатади.

4. Қуйидаги гаплардаги тушиб қолган жойларни тўлдиринг:
а) ФТИ даврида фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқалари айниқса кучайди, булар тобора ... бўлиб бормоқда.

б) Н. Н. Баранский географик меҳнат тақсимотини ... деб атаган.

в) Ривожланаётган мамлакатда бутун ҳудуднинг маркази — «фокуси» вазифасини ... бажаради.

4- МАВЗУ УЧУН МЕТОДИК ОЧҚИЧ

Нималарни эсламоқ керак.

1. XV — XVIII асрлардаги буюк географик кашфиётларнинг аҳамияти ва натижаларини (География 7- синф; Тарих 7- синф).
2. Янги тарих даврида саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспортнинг ривожланиши (Тарих, 9- синф).
3. Ҳозирги замон жамиятида ЭҲМ нинг ўрни (Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, 9, 10- синфлар).
4. Тушунча ва атамалар: ишлаб чиқариш соҳаси, ноишлаб чиқариш соҳаси, халқ хўжалиги тармоқлари, тармоқлараро ишлаб чиқариш комплекси, географик (ҳудудий) меҳнат тақсимоти, ҳудудий режалаштириш, миллий даромад, марказлашиш.

Нималарни билиб олмоқ керак.

4- мавзунинг асосий ғоялари:

Ҳозирги замон фан-техника инқилоби ишлаб чиқариш кучларида, табиат билан жамиятнинг ўзаро таъсирида туб ўзгаришларга олиб келади.

4- мавзунинг асосий илмий маълумотлари:


1. Фан-техника инқилоби ҳақида тушунча. 2. Ишлаб чиқариш тараққиётининг ФТИ давридаги асосий йўналишла-

ри. 3. Жаҳон хўжалиги ва унинг географик «моделі» ҳақида тушунча. 4. Халқаро географик меҳнат тақсимоти ҳақида тушунча. 5. ФТИ нинг ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ўсиши ва тармоқлар таркибига таъсири. 6. ФТИ нинг ишлаб чиқариш кучларининг жойлашишига таъсири. Жойлаштириш омиллари. 7. Турли тоифадаги давлатларда хўжалигининг ҳудудий тузилиши ва регионал сиёсат. 8. Мавзудаги очкич сўзлар: 1) фан талаблик, 2) халқаро ихтисос тармоғи, 3) халқаро иқтисодий интеграция, 4) хўжаликнинг аграр тузилиши, 5) хўжаликнинг индустриал тузилиши, 6) хўжаликнинг индустриал орти тузилиши, 7) эски ўзлаштирилган район, 8) эски саноат райони, 9) янги ўзлаштирилаётган ҳудуд, 10) юқори даражада ривожланган район, 11) таназзул район, 12) колоқ район, 13) регионал сиёсат, 14) «ўсиш қутби».

Нима қилишни билиш керак.

1. Фан-техника инқилоби ва жаҳон хўжалигига таъриф беришни. Бунда умумий тушунчаларни аниқ таърифлаш керак. 2. Айрим қоида ва умумлашмаларни қиёслаш ҳамда исботлаш учун матндаги хариталар ва чизмалардаги материалларни қўлланиш. 3. Ўқилган китобнинг (боблари, қисмлари) нинг ёзма конспектини тузиш. 4. Берилган мавзу юзасидан муаммоли ахборот тайёрлаш.

5- МАВЗУНИНГ ЧИЗМА-РЕЖАСИ



5- МАВЗУ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИ ГЕОГРАФИЯСИ

Энди сиз фан-техника инкилоби, жаҳон хўжалиги, халқаро географик меҳнат тақсимоти каби тушунчаларни билиб олганингиздан, ишлаб чиқаришни жойлаштириш омиллари билан танишиб чиққанингиздан кейин жаҳон хўжалиги тармоқлари географиясини ўрганишга киришиш мантиқан тўғри бўлади. Жаҳон хўжалик тармоқлари географиясини географ ва иқтисодчи олимлар жаҳон хўжалиги иқтисодий география ва социал географияси ҳамда жаҳон иқтисодиёти доирасида тадқиқ қилишади.

1. БИЗ САНОАТ ГЕОГРАФИЯСИНИ ЎРГАНАМИЗ

1. Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг биринчи етакчи тармоғидир. Жаҳон саноатида тахминан 350 млн. киши ишлайди. Охирги юз йилда саноат ишлаб чиқариши 50 барабар ўсди, лекин бу ўсишнинг $\frac{3}{4}$ қисми XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Саноатнинг барча тармоқлари вужудга келган вақтига қараб одатда уч гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳга эски тармоқлар деб аталувчи тошкўмир, темир руда казиб чиқариш, металлургия, вагонсозлик, паровоз-тепловозсозлик, кемасозлик, тўқимачилик тармоқлари киради. Ҳозирги вақтда бу тармоқлар одатда секин ўсмоқда. Лекин улар жаҳон саноати географиясига илгаригидай анча катта таъсир кўрсатади.

Иккинчи гуруҳга янги тармоқлар деб аталувчи автомобилсозлик, алюминий эритиш, пластмассалар, кимёвий толалар ишлаб чиқариш киради. Одатда, бу тармоқлар илгаригидек жадал бўлмаса ҳам анча тез суръатлар билан ўсмоқда (бутун дунёда ҳар куни конвейерлардан тахминан 100 минг автомобил тушади). Асосан иқтисодий ривожланган мамлакатларда тўпланган, лекин эндиликда ривожланаётган мамлакатларда ҳам анча кенг тарқалган бу саноат тармоқлари жаҳон саноати географиясига катта таъсир кўрсатиб келмоқда.

Ниҳоят, учинчи гуруҳга энг янги тармоқлар киради. Уларнинг кўпчилиги фанталаб тармоқларга киради, яна уларни кўпинча «юқори технология» тармоқлари деб ҳам аташади. Буларга микроэлектроника, ҳисоблаш техникаси, роботсозлик; информатика саноати, атом ва аэрокосмик ишлаб чиқариш, органик синтез кимёси, микробиология саноати — ФТИ нинг ҳақиқий «катализаторлар»ини ишлаб чиқариш киради. Ҳозирги вақтда бу тармоқлар ҳаммадан тез ва барқарор ривожланмоқда. АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Италияда бутун ишлов берувчи саноат ялпи маҳсулотининг 35—40% тўғри келади. Бу саноат тармоқлари географияси ҳозирча асосан иқтисодий ривожланган ва «янги саноатлашган» мамлакатлар билан чегараланган бўлса ҳам, уларнинг жаҳон саноати географисига таъсири тўхтовсиз ортиб бормоқда.

Жаҳон саноат ишлаб чиқаришида кон-қазиллов саноати салмоғининг ишлаб чиқаришида энергия ва материалга талабнинг камайётгани ҳамда асл хом ашёларнинг синтетик материаллар билан тобора кўпроқ алмашинаётгани сабаб бўлмоқда. Шунга қарамасдан ФТИ даврида кон-қазиллов саноати тармоқларида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди (фойдали қазилмаларни очик усулда ва денгиз остида қазиб олишнинг, ер остида саралашнинг кенгайиши ва бошқалар).

2. Ёқилғи-энергетика саноати: ёқилғи ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг ўсиши, ривожланишнинг учта бошқичи. Сизга маълумки, одамзот маданиятининг бутун тарихи турли хил ёқилғи ва энергияни ўзлаштириш билан боғланган. *ФТИ даврида ҳам энергетика ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва жойлаштиришга жуда катта таъсир кўрсатади.* Шу маънода энергетика «жаҳонни бошқаряпти» деган ибора ҳам бор.

Бирламчи энергия бойликларини жаҳонда ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ҳар доим ўсиб боради: 1900 йилда 1 млрд. т шартли ёқилғи ишлаб чиқарилган ва ишлатилган бўлса, у 1990 йилда 10 млрд. т га етди, 2000 йилда афтидан 14 млрд. т га боради. Бундай ўсиш суръати 70- йиллар ўрталарида жаҳон энергетика, биринчи галда нефть бўҳрони бошлангунга қадар жуда юқори бўлди. Бўҳрондан кейин ўсиш суръати кескин камайди. Лекин бутун жаҳонга хос бўлган бу йўналиш турли жойларда бир хилда эмас.

Мисол. Аҳолиси 250 млн. киши бўлган АҚШ бутун бирламчи бутун энергетика ресурсларининг $\frac{1}{4}$ қисмини истеъмол қилгани ҳолда аҳолиси 3 млрд. кишидан ортиқ бўлган ривожланаётган мамлакатларнинг ҳаммаси ҳам шунча энергия истеъмол қилади. Агар сайёрамизда ҳар бир кишига ўртача йилга 2 т дан шартли ёқилғи тўғри келса, АҚШ да 10 т дан, ривожланаётган мамлакатларда 0,7 т дан тўғри келади [1].

Ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқариладиган энергетика ресурсларининг, хусусан нефтнинг катта қисми АҚШ, Ғарбий Европа, Японияга олиб кетилади; буларнинг

импортга қарамлиги, уни камайтиришга уринишаётганига қарамасдан ҳали ҳам юқорилигича қоляпти.

Кейинги икки аср мобайнида жаҳон ёқилги-энергетика саноати ўз тараққиётида икки асосий босқични ўтди. Бутун XIX аср давомида ва XX асрнинг биринчи ярмида кўмир босқичи давом этди. Бу босқичда жаҳон ёқилги-энергетика балансида кўмир ёқилғиси кескин устун бўлиб турди. Шундан кейин иккинчи, нефть-газ босқичи бошланди. Бунга нефть ва газнинг қаттиқ ёқилгига нисбатан энг самарали энергияга эга бўлган кўпдан-кўп афзалликлари сабабдир. Жаҳон энергетикаси 80-йилларда ўз тараққиётининг учинчи (ўткинчи) даврига қадам қўйди. Бу босқич бир неча ўн йиллар давом этади. Бу даврда асосан туғайдиган минерал ёқилгилардан фойдаланишдан асосан тикланадиган ва тугамайдиган ресурсларга асосланган энергетикага аста-секин ўтиб бориш рўй бериши керак (1- топширик).

3. Нефть, газ, кўмир саноати — жаҳон энергетикасининг асоси. Нефть саноати айниқса катта аҳамиятга эга. Нефть 75 та мамлакатда қазиб чиқарилади.


Нефть кишиларга жуда қадимдан маълум бўлган. Ундан ёритишда, иситишда, дори-дармон тайёрлашда ишлатилиши ҳақида Геродот ва Плутарх ёзиб қолдирган XIX асрда нефть қазиб чиқаришнинг ўсишига аввал керосин чирокнинг ихтиро этилиши, кейин, ички ёнув двигателининг яратилиши туртки бўлди. XX асрда эса инсониятнинг иқтисодий ва социал ривожланишига ҳеч бир бирламчи энергия бойлиги нефтчалик катта таъсир этмаган.

Нефть жаҳоннинг 80 мамлакатида қазиб чиқарилади. Лекин бу тармоқ географияси нефть қазиб чиқарувчи биринчи ўн та мамлакатга боғлиқ. Бу давлатларнинг кўпчилиги учун нефть саноати халқаро ихтисослашувда муҳим, баъзиларида ягона тармоқ ҳисобланади.

Жаҳон нефть саноати географиясининг муҳим хусусиятларидан бири шуки, нефть захирасининг $\frac{4}{5}$ қисмидан ортиғи ва

қазиб чиқаришнинг $\frac{1}{2}$ қисмига яқини ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади. Бу мамлакатлар, айниқса нефтни экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти аъзолари, четга нефть чиқарувчи асосий мамлакатлардир. Бу айтилганлар биринчи галда яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига тегишли.

Мисол. Бу регионга ва айниқса форс қўлтиги соҳилидаги мамлакатларга жаҳондаги аниқланган нефть захирасининг $\frac{2}{3}$ қисми тўғри келади. Бу регионнинг жаҳонда нефть қазиб чиқариши кейинги вақтда камайган бўлса ҳам, лекин у бутун қазиб чиқарилаётган нефтнинг $\frac{1}{4}$ қисмини бермоқда.



17- расм. Жаҳонда бирламчи энергия бойликларидан фойдаланиш таркибида XX аср давомида рўй берган ўзгаришлар

4- ж а д в а л

90- йиллар бошида жаҳонда ёқилғи ва энергиянинг асосий турларини ишлаб чиқариш

Шу жумладан								
Ишлаб чиқариш	Бугун: дунёда	МДҲ	Хорижий Европа	Хорижий Осиё	Африка	Шим. Америка	Лотин Америкаси	Австрия ва Океания
Нефть, млн. т	3100	515	230	1125	300	510	390	30
Табиий газ, млрд. м ³	2000	755	245	290	80	610	100	15
Кўмир, млн. т	4500	630	1200	1245	190	975	50	210
Электр энергия, млрд. кВт.с.	11700	1585	3050	2200	255	3800	610	200

Қазиб олинаётган нефтнинг 40% и халқаро бозорга чиқарилади. Жаҳон ҳўжалигида нефтни қазиб чиқариш билан ундан фойдаланиш орасида жуда катта ҳудудий узилиш ҳосил бўлган. Нефтни ташиш учун жуда катта, хусусан океан йўллари вужудга келди (2- топширик).

Жаҳон газ саноати ҳам XX асрнинг иккинчи ярмида анча ривож топди. Яқиндагина бу саноат асосан иқтисодий ривожланган мамлакатларда тўпланган эди. Кейинги вақтда табиий газ қазиб чиқариш ривожланаётган мамлакатларда ҳам тез ўсаяпти (26- расми кўринг). Бу мамлакатлар четга газ чиқаришни кўпайтиряптилар. Газ суйилтирилган ҳолда (маҳсус метан ташувчи кемаларда — 165°C ҳароратда) ҳам газ қувурлари, шу жумладан сув ости қувурлари орқали ҳам экспорт қилинади [2].

Нефть арзон бўлган даврда кўмир саноатининг ривожланиши секинлашди, лекин кейин яна жадаллашиб кетди. Кўмир жаҳондаги 60 та мамлакатда қазиб чиқарилади, лекин булар орасида дастлабки ўн та давлат кўмир саноати географияси-ни белгилайди. Бу давлатлар учун кўмир саноати халқаро ихтисосли тармоқ ҳисобланади.

Кўмир саноати географиясининг асосий хусусияти шуки, кўмир қазиб чиқаришнинг асосий қисми нефть қазиб чиқаришдан фарқ қилиб, иқтисодий ривожланган мамлакатларда тўпланган.

Кўмир асосан қайси мамлакатларда қазиб чиқарилса, ўша мамлакатларда истеъмол қилинади. Кўмирнинг фақат $\frac{1}{10}$ қисми жаҳон бозорига чиқарилади. Қоксланадиган кўмир ҳам, энергетик кўмир ҳам халқаро савдога денгиз йўллари орқали чиқарилади (3- топширик).

4. Электр энергетикаси — «илғор учлик» тармоқларидан бири. ФТИ даврида, айниқса электронлаштириш ва комплекс автоматлаштиришнинг ривожланиши билан электр энергия ишлаб чиқариш юқори суръатлар билан ўсаяпти.

Сизнинг эсингизда бўлса керак, Россияда электр энергетика-да иссиқлик энергетикаси етакчи ўрин тутадۇ. Бутун дунёда каттик ёқилгида ишлайдиган ИЭС салмоғи 63% ни ташкил этади. Одатда ИЭС иккинчи ўринда туради. Кўмир ҳавзаларига ёки энергия истеъмолчиларига яқин жойлашади ва кўпинча тармоқлар ҳосил қилиб жойлашади.

Гидроэнергетика унинг электр энергия ишлаб чиқаришдаги салмоғи 20% ни ташкил этади, лекин у аста пасайиб борапти ва электр энергия энг кўп талаб қилинадиган вақтда ишлашга ўтмоқда. Гидроэлектр станциялар ҳам, айниқса каскадлар ҳосил қилганларида энергетика районини вужудга келтиради. *Ҳозирги вақтда гидроэлектр энергетикасининг истиқ-болу ривожланаётган мамлакатлар билан боғланган.* Бу гап биринчи галда Бразилия ва Хитойга тегишли.

Атом энергетикаси учинчи ўринда туради. Унинг жаҳонда электр энергияси ишлаб чиқаришдаги салмоғи 17% га тенг. Лекин 60—80-йиллардагидек тез бўлмаса ҳам аста кўпайиб борапти.

Жаҳон электр энергетикаси ана шундай. Лекин турли реги-онларда ва мамлакатларда у кескин фарқ қилиши мумкин.

Мисол. Польша билан ЖАР да деярли ҳамма электр энергияни ИЭС лар, Норвегияда эса ГЭС лар беради. Францияда электр энергетикада АЭС салмоги $\frac{3}{4}$ қисмга тенг.

Электр энергиянинг халқаро савдоси асосан Европа билан Шимолий Америкада олиб борилади. Электр энергиясини экспорт қилувчи асосий давлатлар Россия, Украина, Венгрия, Франция, Швейцария, Канада. Олувчилар Италия, Нидерландия, АҚШ (4- топширик).

5. Энергиянинг ноодатий манбалари: фойдаланишнинг бошланиши. Нефтнинг қимматлашиши энергия ресурсларининг янги турларига қизиқишни оширди. Бундай энергия ресурслари илмий адабиётда **ноодатий энергия ресурслари** деб аталади.

Ернинг иссиқлик энергиясидан икки хил фойдаланилади. Биринчиси, бинолар, иссиқхоналар, сув хавзаларини иситиш учун иссиқ сув юбориш. Маълумки, қадимги римликлар ўз ҳаммомларини иситиш учун ер ости иссиқ сувидан фойдаланганлар. Ҳозирги вақтда Исландияда кўп қўлланилади [4]. Иккинчиси, шундай сувлар бор жойларда геотермал ИЭС ларини қуриш (геоИЭС). Энг катта шундай электр станциялари АҚШ да Катта Гейзерлар водийсида (Калифорнияда), кейин Филиппинда, Мексика, Италия, Япония, Янги Зеландияда қурилган.

Сув қалқиши, тўлқин энергиясидан ва денгиз суви ҳароратидаги тафовут энергиясидан фойдаланиш ҳозирча асосан тажриба босқичида. Қалқиш электр станциялари фақат Франция, АҚШ, Канада, Россия ва Хитойда бор.

Ҳозир тропик ва субтропик минтақалардаги мамлакатларда қуёш энергияси билан иситиладиган жуда кўп уйлар бор. АҚШ, Франция, Испания, Япония ва Украинада дастлабки қуёш электр станциялари (КЭС) муваффақиятли ишлаб турибди. Кичик-кичик шамол электростанциялари тропиклардан Арктикагача бўлган юздан ортик мамлакатларда ишлаб турибди. Лекин, шунга қарамасдан, қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш ҳам дастлабки, тажриба босқичида деб айтиш мумкин.

Кўмир, ёнувчи сланец, нефтли кумлар ва биомасса асосида олинadиган синтетик ёқилгиларни ҳам ноодатий энергия манбаларига киритилади.

Умуман, энергетика бухронидан кейинда биринчи ўн йилликда ноодатий энергия манбаларига қизиқиш жуда кучайиб кетди. Лекин нефть анча арзонлашгандан кейин бу қизиқиш яна сусайди.

6. Кон-қазилов саноати. Жаҳон хўжалигини минерал хом ашё билан таъминлаш биринчи галда кон-қазилов саноатига боғлиқ. Бу саноат тармоғи кўп мамлакатларда ривожланган. Лекин мазкур саноат маҳсулотининг $\frac{2}{3}$ қисми МДХ га қирувчи мамлакатлар, АҚШ, Хитой, Канада, Австралия ва ЖАР да ишлаб чиқарилади.

70-йиллар ўрталарига қадар Фарбнинг иқтисодий ривожланган мамлакатларига минерал хом ашёни ривожланаётган


мамлакатлар еказиб берар эди. Лекин минерал хом ашё бухрони бошлангандан кейин Ғарбнинг минерал хом ашё хўжалиги моҳияти тубдан қайта кўрилди. Улар ўз хомашёсига таянишга ва хомашёни иқтисод қилишга интилишга қаратилди. Натижада Канада, Австралия, ЖАР мавқеи ўсди.

Канада — жаҳонда уран, никел, рух, кўргошин, темир маъдани, молибден, олтин ва қумуш, титан, калийли тошлар, асбест, олтингугурт казиб чиқариш ва экспорт қилишда етакчи мамлакат. Австралия жаҳонда темир маъдани, титан, боксит, уран, кўргошин, рух, никел, олтин, кейинги вақтда олмосни ҳам қазиб чиқариш ва четга чиқаришда етакчи мамлакат [5]. ЖАР эса платиналар, олтин, марганец, хромит, ванадий, олмос, уран, асбест казиб олиш ва четга чиқаришда етакчи давлатдир.

Лекин ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон кон-қазилув саноатидаги аҳамияти ҳозирги вақтда ҳам жуда катталигича қолиб қелмоқда. Бу айтилганлар Осиёдаги Хиндистон, Малайзия, Индонезия, Саудия Арабистони; Африка мамлакатларидан Заир, Замбия, Марокаш, Нигерия, Зимбабве, Ботсвана; Лотин Америкаси давлатларидан Бразилия, Чили, Мексика, Венесуэлага ҳосилдир.


ҲТИ конлар заҳиралари бойлигига, ҳавза ва конларнинг ИҒҰ га, очик усулда олиш имконига талабни оширди. Лекин очик усулда казиб олишнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини ҳисобга олиш керак (5- топширик).

7. **Металлургия саноати:** таяниш турлари. Узоқ давр мобайнида металллар эритиш ҳажми, биринчи галда ҳар бир




18- расм. Дунёда нефть казиб чиқариладиган асосий районлар


мамлакатнинг иқтисодий қудратини белгилар эди. 70-йиллар га келиб энергетика ва хомашё бўҳрони таъсирида эски тармоқлардан бири сифатида металлургиянинг ривожланиш суръати кескин секинлашди.



19- расм. Халқаро нефть савдоси



20- расм. Дунёда табиғий газ қазиб чиқариладиган асосий раёнлар



21- расм. Дунёда кўмир қазиб чиқариладиган асосий районлар

Жахон қора металлургия саноати географияси нималарга таяниб ривожланганлиги таъсирида тарихий таркиб топган. Бир ярим аср мобайнида бу тармоқ асосан тошкўмир хавзаларига таяниб ривожланди: АҚШ, Ҳорижий Европа, Россия, Украина ва Хитойда асосий металлургия базалари шундай вужудга келди. Ўзига жалб қилиш бўйича иккинчи ўринни темир маъдани хавзалари эгаллайди. Ҳозирги вақтда темир маъдани 50 та мамлакатда қазиб чиқарилади, лекин асосан бир неча мамлакатларда металл эритилади (28-расмни кўринг), буларда ишлаб чиқариш темир маъдани хавзаларига таяниб ишлайди. *Лекин ФТИ даврида металлургия саноатининг ёқилғи ва маъдан конларига таяниши умумий равишда камайди.* Аввалига металлургиянинг коксланадиган кўмир ва темир маъдани келтиришга таяниши кучайди. Бунинг натижасида Япония, Фарбий Европа ва қисман АҚШнинг қора металлургия корхоналари тобора денгиз портларига яқинлаша борди. Кейинги вақтларда эса истеъмолчига таяниш айниқса кучайди. Бунга йирик металлургия комбинатлари қуришдан ихтисослашган кичик заводлар қуришга ўтиш сабаб бўлди. Уларни эркин жойлаштириш мумкин.


Ўттиз-қирқ йиллар илгари деярли бутун қора металлургия саноати иқтисодий ривожланган мамлакатларда тўпланган эди. Лекин кейинги вақтда бу тармоқ ривожланаётган мамлакатларда тезроқ ўсаяпти. Бразилия ва Корея Республикаси пўлат эритишда Буюк Британия ва Франциядан, Хиндистон Бельгия ва

Испаниядан ўтиб кетишди. Бу ҳолат келажакда ҳам давом этади (6- топширик).


Рангдор металлургия ишлаб чиқариш кўламига кўра қора металлургиядан 20 хисса орқададир. Шу билан бирга, маъдан таркибида фойдали элементлари жуда кам бўлган оғир рангдор металллар, легирувчи ва нодир металллар металлургия корхоналари одатда улар қазиб олинadиган районларда жойлаштирилади. Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг бир қанча мамлакатларида рангдор металлургиянинг мустамлакачилик давридаёқ вужудга келганлигига ана шу сабаб бўлган.

Мисол. Дунёдаги энг йирик мис саноати районларидан бири Марказий Африкада таркиб топган. Мис минтақаси деб аталувчи бу минтақа Заир ва Замбия худудида қадимги денгиз киргоқ чизиги бўйлаб 500 км га чўзилган бўлиб, бу ердаги мис конлари 600 млн. йил муқаддам пайдо бўлган. Бу ерда мис рудаси қазиб олинади ва «қора» (тозаланмаган) ҳамда тозаланган мис ишлаб чиқарилади (30- расмга қаранг).

Оғир рудалардан фарқ қилиб, енгил рангдор металл рудалари, энг аввало алюминий рудаси, фойдали компонентларнинг таркибига кўра темир рудасини эслатади ва ташиш учун қулай, яъни — транспортабельдир. Худди мана шунинг учун ҳам алюминий саноати хом ашё қазиб олинadиган жой билан тайёр маҳсулот истеъмол қилinaдиган жой ўртасидаги ҳудудий узлиши (масофа) катта бўлишига яққол мисолдир.




22- расм. Дунёда темир рудаси қазиб чиқариладиган асосий районлар



23-расм. Дунёда пулат эритиладиган асосий районлар

Дунёда казиб олинadиган бокситнинг $\frac{1}{3}$ қисмидан ортиғи экспортга кетади, уларни денгизда ташиш ўртача масофаси эса 7 минг км дан ортади.

Сўнги 20—30 йил давомида АКШ, Ғарбий Европа, Японияда рангдор металлургия саноатининг ривожланиши, қора металлургия саноати каби кескин пасайди. Ривожланаётган мамлакатларда эса, бу тармок, аксинча, бирмунча тез ўса бошлади. Бу билан боглик равишда саноатнинг бир қанча янги ўзлаштирилган районлари вужудга келди. Албатта бу мазкур мамлакатларнинг индустриялашуви



24-расм. Марказий Африкадаги мисли минтақа

белгиларидан биридир. Аини вақтда у Ғарбдаги иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг табиатни муҳофаза қилиш сиёсатини тобора қаттиқ олиб бориши натижасидир. Ривожланаётган мамлакатлар бу йўл билан «ифлос» ишлаб чиқаришларнинг зарарий таъсири-ни камайтиришга уринмоқдалар (7-топшириқ).

90- йиллар бошида Жаҳон Қора металлургияси

	Бутун дунё	Шу жумладан						
		МДҲ	Хорижий Европа	Хорижий Осиё	Африка	Шимолий Америка	Лотин Америкаси	Австралия ва Океания
Темир рудаси млн. т. ҳис.	1000	235	50	245	60	100	200	110
Мис рудаси млн. т. ҳис	735	133	195	250	15	100	40	7

6- ж а д в а

90- йиллар бошида баъзи бир машинасозлик маҳсулотлари турларининг ишлаб чиқариллиши

Бутун дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлари	Металл кесувчи дастгоҳлар	Бутун дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлари	Тракторлар минг дона ҳис.	Бутун дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлари	Енгил автомашиналар	Бутун дунё ва «биринчи ўнлик» мамлакатлари	Телевизор
Бутун дунё	1200	Бутун дунё	1250	Бутун дунё	35,0	Бутун дунё	130,0
Япония	195	Россия	180	Япония	9,8	Хитой	26,0
Хитой	120	Япония	150	АҚШ	5,3	Корея	—
ГФР	105	Ҳиндистон	110	ГФР	5,1	Респ.	16,0
АҚШ	105	АҚШ	105	Франция	3,2	Япония	15,0
Италия	90	Беларусь	95	Италия	1,6	АҚШ	14,5
Россия	64	Украина	90	Испания	2,0	Россия	4,4
Швейцария	60	Буюк		Буюк		ГФР	3,6
Украина	33	Британия	80	Британия	1,4	Украина	3,6
Буюк	—	ГФР	75	Канада	0,9	Буюк	
Британия	25	Италия	55	Россия	1,0	Британия	3,0
Польша	22	Бразилия	55	Корея респ.	1,0	Бразилия	2,7
						Сингапур	3,0

8. Машинасозлик: унинг тўрт энг асосий региони. Сиз тарих дарсидан эсласангиз керак, машинасозлик бундан икки юз йил илгари Англияда саноат инқилоби вақтида саноат тармоғи сифатида вужудга келган. Ҳозирги вақтда эса машинасозлик ишчи ва хизматчиларнинг сонини (80 млн. кишидан ортиқ) ҳамда маҳсулоти қиммати жиҳатидан жаҳон саноати тармоқлари орасида биринчи ўринда туради. ФТИ даврида машинасозлик заводларининг металлга бўлган боғлиқлиги анча камайди. Лекин уларнинг малакали ишчи кучига боғлиқлиги, илм-фанга

талаб тармоқларнинг эса илмий тадқиқот марказларига боғлиқлиги анча ошди. Машинасозлик ҳамма жойда ҳам жойлашадиган тармоққа айланиб бормоқда.

Дунёнинг иктисодий харитасида умумий тарзда машина-созликнинг тўрт регионини ажратиш мумкин. Биринчи регион — Шимолий Америка бўлиб, бу ерда машинасозлик маҳсулотининг энг оддийдан то энг мураккабгача бўлган барча турлари ишлаб чиқарилади. Иккинчи регион — Хорижий Европа бўлиб, у асосан оммавий машинасозлик маҳсулотини ишлаб чиқаради. бироқ у айрим энг янги тармоқларда ҳам ўз макенини сақлаб турибди. Учинчи регион — Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё бўлиб, оммавий машинасозлик маҳсулотлари билан бирга энг юқори технологияга асосланган буюмлар ишлаб чиқарувчи Япония энг олдинда туради. Тўртинчи регион — Мустақил Давлатлар Хамдўстлигидир. Бу регионга кирувчи кўпчилик мамлакатлар учун машинасозлик — халқаро ихтисослашувининг бош тармоғидир (6-жадвалга қаранг); бу ҳол МДХнинг халқаро савдодаги алоҳида ўрнини белгилайди.

Ривожланаётган мамлакатлар дунё машинасозлиги саноати маҳсулотининг $\frac{1}{10}$ қисмидан камроғини беради. Ҳеч бир бошқа тармоқда унинг қолоқлиги машинасозлик саноатидагичалик кучли намоён бўлмаган. Бундан ташқари, бу саноатда машиналар деталларини АҚШ, Ғарбий Европа ва Япониядан олувчи йигма заводлар анчагина. Тўғри, кейинги вақтда уларнинг айримларида, чунончи, Бразилия, Хиндистон, Аргентина, Мексикада машинасозлик саноати бирмунча юқори даражага етди. Бу айниқса «янги индустриал мамлакатлар»га тегишлидир. Бироқ уларда қурилган корхоналарнинг кўпчилиги ғарбий фирмаларнинг филиаллари ҳисобланади (8-топширик).

9. Кимё саноати: тўрт энг асосий региони. XX аср кимё саноатининг шиддатли ривожланиши асри бўлиб қолди. Бу саноат машинасозлик саноати билан бирга ҳозирги замон индустриясининг энг динамик (тадрижий) тармоғидир.

Дунё кимё саноатида, машинасозлик саноатидаги каби тўрт энг асосий регион таркиб топди. Булар — АҚШ, Хорижий Европа, МДХ ва Япония. Буларнинг ҳар бирида тоғ-кимё саноати ва минерал ўғитлар, асосий кимё, айниқса органик синтез маҳсулотлари ва полимер материаллар ишлаб чиқариш ривожланган. Ривожланаётган мамлакатларда яқин вақтларгача кимё саноати асосан хом ашё қазиб олишдан иборат эди. Бироқ энергетика таназзулидан сўнг бу саноат Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг нефть ва газ ресурсларига бой мамлакатларида анча тез ўса бошлади. Форс қўлтиги, Шимолий Африка мамлакатларида, Мексика ва Венесуэллада йирик нефтькимё мажмуалари қурилмоқда.

Меҳнатнинг бундай тақсимотида асосий органик синтез

маҳсулотлари ва полимер материаллар ишлаб чиқиш ривожланган мамлакатларда тобора кўп тўпланмоқда, юқори поғонага хос мураккаб фан талаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш эса — АҚШ, Ғарбий Европа ва Японияда тўпланган (9- топширик).

10. Ўрмон ва ёғочсозлик саноати: иккита минтақанинг мавжудлиги. Жаҳон ўрмон ва ёғочсозлик саноатининг географияси кўп жиҳатдан ўрмон ресурсларининг жойлашувига боғлиқ.

Шимолий ўрмон минтақасида асосан игна баргли дарахтлар кесилиб, улардан ёғоч, тахта тилинади, целлюлоза, қоғоз, картон ишланади. Россия, Канада, Швеция, Финландияда ўрмон ва ёғочсозлик саноати бу давлатлар халқаро ихтисослашувининг муҳим тармоқларидир. Ёғоч маҳсулотларини четга чиқариш жиҳатидан Канада дунёда биринчи ўринда туради. [6].

Жанубий ўрмон минтақасида кенг баргли дарахтлар кесилади. Бу ерда ўрмон саноатининг учта асосий ареали таркиб топган. Булар: Бразилия, Тропик Африка, Жанубий Шарқий Осиё. Уларда тайёрланган ёғоч-тахта денгиз йўллари орқали Япония ва Ғарбий Европага юборилади, қолган қисми кўпроқ ўтинга кетади. Жанубий минтақа мамлакатларида қоғоз тайёрлаш учун кўпинча ўрмон ёғочи эмас, балки гаров (Ҳиндистон), багасса (Перу), сизаль (Бразилия, Танзания), жўт (Бангладеш) дан фойдаланилади. Шунга қарамай бу мамлакатлар аҳоли жон бошига қоғоз ишлаб чиқаришда анча орқададир. [7].

11. Енгил саноат: бу саноат географиясидаги ўзгаришлар. Енгил саноат ўзгаришидаги ўзгаришлар унинг етакчи тармоғи бўлмиш тўқимачилик саноатида айниқса яққол намоён бўлди. 90- йиллар бошида жаҳонда табиий ва сунъий толадан 115 млрд м² дан ортиқ газлама ишлаб чиқарилди. Агар хунармандчилик ишлаб чиқариши ҳам ҳисобланадиган бўлса, саноатнинг бу тармоғи барча мамлакатларда мавжуд.

Жаҳон тўқимачилик саноатида беш энг асосий регион таркиб топган. Булар: Шарқий Осиё, Жанубий Осиё, МДХ, Хорижий Европа ва АҚШ дан иборат. Буларнинг ҳар бирида ил-газлама ва кимёвий толалардан газлама тўқиш устун туради, бошқа тармоқчалар (жун газлама, зигир, газлама, шойи тармоқчалари) камроқ аҳамиятга эга. Бирок бу регионлар ўртасидаги нисбат кейинги вақтда сезиларли даражада ўзгарди. 50- йиллардан бошлаб жаҳонда газлама ва кийим-кечак ишлаб чиқаришда Ғарбнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларининг роли ҳар доим камайиб келди; кўплаб эски тўқимачилик районлари инқирозга юз тутди.

Мисол. Илгари газлама ишлаб чиқаришда дунёда биринчи ўринни эгаллаган Буюк Британия эндиликда газлама ишлаб чиқарувчи мамлакатларнинг иккинчи ўнлиги охирига тушиб қолди. У газлама экспорт қилувчи энг катта мамлакатдан, уни импорт қилувчи мамлакатга айланди. Бошқа

мамлакатлардан фарк қилиб, Хитойнинг ҳиссаси ўсишда давом этмоқда. *Ривожланаётган мамлакатларнинг ҳиссаси эса янада тезроқ ўсмоқда; бу мамлакатларда аввало арзон ишчи кучига асосланган тўқимачилик ва тикувчилик саноати ҳақиқий шиддатли ўсиш йилларини бошидан кечирмоқда.* Бу ерда ишлаб чиқариладиган газмолларнинг анча қисми Ғарб мамлакатларига экспорт қилинади. Бу нарса тайёр кийимларга янада кўпроқ тегишлидир. АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатлари ҳамда Япония магазинларида Корея Республикаси, Гонконг, Тайвань, Ҳиндистон, Колумбия, Мексика ва бошқа ривожланаётган мамлакатлардан олинган арзон кийим кечак, трикотаж моллар сотилади (10-топширик).

12. Саноат ва атроф-муҳит. Инсоннинг саноатдаги фаолияти атроф-муҳит билан чамбарчас боғлиқ. Айнан саноат кўндан-кўн табиат бойликларининг асосий истеъмолчисидир. Тоғ-кон саноати районларидаги антропоген ландшафтлар; кўп жиҳатдан шаҳар ландшафтлари ҳам саноат туфайли вужудга келган. *Шу билан бирга саноатнинг ўсиши табиатдан фойдаланишнинг кўпгина муаммоларини кескинлаштириб юборди.* Бу гап биринчи галда «ифлос» ишлаб чиқаришларга тегишлидир.

Иссиқлик электр энергетикаси атроф-муҳитга жуда кўп миқдорда зарарли моддалар чиқаради, атмосферанинг газ таркибини ўзгартиради, сув ҳароратини кўтаради. Атом энергетикасининг вужудга келиши радиоактив чиқиндиларни йўқотишдек мураккаб масалани келтириб чиқарди. АЭСлардаги авариялар, айниқса Черноблдаги каби катта кўламда бўлса, янада катта хавф тугдиради. Бундай авариялар атом энергетикасидан тинч мақсадларда фойдаланишда ҳам эҳтиёт бўлиш кераклигини кўрсатди. Гидроэнергетика экологик жиҳатдан бирмунча «тоза» ҳисобланади, бироқ улар билан боғлиқ гидроэнергетика иншоотлари, айниқса катта тўғон ва сув омборлари кўпинча экологик мувозанатни бузишга олиб келади.

Кон-қазиллов саноатининг ривожланиши тупроқ қопламани бузади, бутун-бутун табиий ландшафтларни пайҳон қилади, буларни тиклаш учун катта маблағ сарфлаш заруриятини келтириб чиқаради. Денгиз ости конларини қазиб чиқариш Дунё океанига катта экологик хавф тугдиради. Ўрмон ёғочини кеснишда ҳам тупроқ қоплами бузилади.

Металлургиянинг ривожланиши атроф-муҳитда темир, кўрғошин, қалайи, мис, симоб, маргимуш ва бошқа металллар миқдорининг кўпайишига олиб келади. Бу ҳол кишилар соғлигига хавф тугдириши мумкин. Кимё ва нефть-кимё саноатининг ривожланиши ҳаво, сув, тупроқнинг ифлосланишига олиб келади. Бундай корхоналарда бўладиган йирик авариялар айниқса хавфлидир. [9]. Бу айтилганлар целлюлоза-қоғоз саноати учун ҳам тегишлидир.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, олим ва муҳандислар юқорида санаб ўтилган муаммоларга эътибор бермоқда: улар табиатни муҳофаза қилишга қаратилган технология-

ларни ишлаб чиқиши билангина чекланмай, экологик омилини яхшироқ ҳисобга оладиган жойлаштириш тамойилларини ҳам ишлаб чиқмоқдалар. Бу энг аввало АЭСларни ҳудудий жойлаштиришга тегишлидир.

2. БИЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА БАЛИҚ ОВЛАШ ГЕОГРАФИЯСИНИ КЎРИБ ЧИҚАМИЗ.

1. Қишлоқ хўжалиги — моддий ишлаб чиқаришнинг иккинчи етакчи тармоғи. Қишлоқ хўжалиги моддий ишлаб чиқаришнинг энг қадимий тармоғигина бўлиб қолмай, энг кенг тарқалган тармоғи ҳамдир. Дунёда биронта мамлакат йўқки, унинг аҳолиси қишлоқ хўжалиги ва унга яқин тармоқлар — ўрмон хўжалиги, овчилик, балиқ овлаш билан шуғулланмасин. Бутун дунёда бу соҳаларда 11 млрд. киши банд.

Қишлоқ хўжалиги ҳамма жойда тарқалганлиги билан бирга ниҳоятда хилма-хилдир: олимлар унинг таъминан 50 типини ажратадилар. Бироқ уларни икки катта гуруҳга бирлаштириш мумкин. Биринчидан, бу ривожланган товар қишлоқ хўжалиги бўлиб, у ўз навбатида, интенсив деҳқончилик ва чорвачиликни, боғдорчилик ҳамда томорқа хўжалигини ҳам, шунингдек экстенсив деҳқончилик билан яйлов чорвачилигини ҳам ўз ичига олади. Иккинчидан, бу анъанавий, яъни ички истеъмолга ихтисослашган қишлоқ хўжалиги бўлиб, у ерлар асосан плуг ва омонда ишланадиган бирмунча қоқ деҳқончиликни, яйлов чорвачилигини, кўчманчи ҳамда ярим кўчманчи чорвачиликни, шунингдек янада қоқ бўлган териб-термачлаш, овчилик ва балиқ тутишни ўз ичига олади.

Иқтисодий ривожланган, айниқса индустриядан кейинги босқич даражасига етган мамлакатларда товар қишлоқ хўжалиги ескин даражада устун туради. Товар қишлоқ хўжалиги ФТИ даврида механикалаштириш ва кимёлаштиришнинг энг юқори даражасига етди ва унинг эндиликдаги ривожланишида микроэлектроника, автоматлаштириш (бройлер жўжалар етиштириш), селекция, генетика, биотехнологиянинг энг янги ютуқларини жорий қилиш асосий ўрин тутади. Бу гуруҳга кирувчи мамлакатларда аграр-саноат мажмуи **агробизнес** деб аталувчи шаклга эга бўлди. Агробизнес қишлоқ хўжалик маҳсулотини етказиб бериш билан бирга уни қайта ишлаш, сақлаш, ташиниш ва сотишни, шунингдек техника, ўғитлар ва бошқаларни ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланади. *У ишлаб чиқаришга индустриал хусусият бахш этади.* Фермерлар хўжалигининг тобора тор ихтисослашуви шунга олиб келдики, илгариги вақтлардаги сигир, қўй, уй қаррандалари сақланадиган типик деҳқон ҳовлисини энди жуда кам учратасиз.

Ривожланаётган мамлакатларда товар маҳсулот етказиб берувчи қишлоқ хўжалиги ҳам, истеъмол маҳсулоти етказиб берувчи қишлоқ хўжалиги ҳам ташкил топган.

Товар хўжалиги -- бу йирик, яхши ташкил этилган плантация ва фермерлардан иборат бўлиб, улар яхши ерларни эгаллаган, ёлланма ишчи кучи, машиналар, ўғитлар, сугоришдан кенг фойдаланади. Улар ишлаб чиқарган маҳсулот ички ва айниқса ташқи бозорга мўлжалланган; шунинг учун ҳам товар, хўжаликлари гўё «давлат ичидаги давлат»дир. Бироқ бундай плантациялар у ёки бу экинни етиштириш учун шароит энг қулай ерлардагина ороллар тарзида жойлашган.

Ривожланган мамлакатларда анъанавий истеъмол (ёки товар маҳсулоти кам) қишлоқ хўжалиги кенг тарқалган. Кўпрок зироатчилик йўналишидаги бу хўжалик АҚШ ва Европадагидан фарқ қилиб, чорвачилик билан уйғунлашмайди, балки ундан мустақил равишда мавжуддир. Кам товарли сектор юз миллионлаб майда ва жуда майда хўжаликлардан иборат; улар энг «арзон» калория берувчи ва одатда оилани озиқ-овқатини аранг таъминловчи истеъмол товарлари етиштиради. Бу секторда шунингдек, ўрмонларни кесиб, ўт кўйиб очилган ерларда деҳқончилик қилиш ҳам сақланиб қолган, бу ерларда тупроқларни ишлашда фойдаланиладиган асосий асбоблар: омов, нари борса, темир учли найза билан мотиға (жетмонга ўхшаш асбоб) дир. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш даражаси жиҳатидан «учинчи дунё»нинг ҳали жуда орқада эканлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

Дунёдаги жами тракторлар сони 26—27 млн. ни ташкил этгани ҳолда, унинг $\frac{1}{10}$ қисмидан сал кўпроғи ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади.

Биргина АҚШдаги тракторлар сони ривожланаётган барча мамлакатлардагини кўшиб ҳисоблаганда улардан кўпдир. Бу мамлакатларда галланинг ўртача ҳосилдорлиги 15—20 ц/га; ваҳоланки Ғарбнинг иқтисодий ривожланган мамлакатларида бу кўрсаткич 34—50 ц/га га тенг. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги иқтисодий ривожланган мамлакатлардагидан 20—25 баравар паст.

2. «Яшил инқилоб» тўғрисида тушунча. 60- йиллар иқтисодий ривожланган мамлакатлардан сўнг ривожланаётган мамлакатларда ҳам «яшил инқилоб» бошлангач, бу тушунча кенг тарқала бошлади.

«Яшил инқилоб» — бу қишлоқ хўжалигини замонавий техника асосида тубдан ўзгартириш демакдир. У — ФТИ намоён бўлишининг шаклларида бири.

«Яшил инқилоб» уч таркибий қисм — компонентни ўз ичига олади. Бу аввало ҳосилдорликни кескин даражада кўтаришга ва йилига икки, уч, хатто тўрт мартаба ҳосил олишга имкон берувчи янги тезпишар галла экинлари навларини яратиш демакдир. Иккинчидан, бу — ирригацияни кенгайтиришни ўз ичига олади, чунки янги навлар сугорма (обикор) деҳқончилик шароитидагина ўзининг барча яхши сифатларини намоён қилиши мумкин. Ниҳоят, учинчидан бу —

замонавий техника, ўғитлар ва бошқа хил кимёвий моддаларни кенг қўллашдан иборат.

Ҳеч шубҳа йўқки, «яшил инқилоб» — жуда муҳим ва прогрессив ҳодисадир. Баъзи бир ривожланаётган мамлакатлар «яшил инқилоб» натижасида ўзи етиштирган дон билан ўз эҳтиёжларини қондира бошлади. Донли экинлар ҳосилдорлиги икки-уч баравар кўтарилди. Машина ва ўғитларга талаб кучайди. Шуларга қарамай, «яшил инқилоб» ундан кутилган натижани тўла оқламади.

Биринчидан, у ялписига ривож топмай айрим жойлардагина, чунончи Мексикада, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёнинг айрим мамлакатларида кенг тарқалиб, бошқа регионларни деярли четлаб ўтди.

Мексикани «яшил инқилоб»га асос солган мамлакат деб ҳисобласа бўлади, чунки 60- йиллар бошида айнан шу ерда бугдойнинг юкори ҳосилли янги қизғиш павлари яратилди. Сўнгра бу навлар Ҳиндистонда, Покистонда ва Осиёнинг бир қатор бошқа мамлакатларида тарқалди. Тахминан худди шу даврда Филиппинда ажойиб-гаройиб шоли навлари етиштирилдики, улар ҳам ҳосилдорликнинг анча ўсшини таъминлади.

Иккинчидан, «яшил инқилоб» йирик ер эгаларига ва чет эл компанияларига тегишли ерлардагина бўлиб, анъанавий истеъмолчи секторда деярли ҳеч қандай ўзгариш ясамади. Бошқача қилиб айтганда, «яшил инқилоб» яна бир бор шу нарсани яққол *қўрсатдики, ривожланаётган мамлакатлар қишлоқ хўжалигининг қолоқлиги табиий сабаблар билан эмас, балки ижтимоий-иқтисодий сабаблар билан боғлиқдир.*

3. Зйроатчилик. Донли экинлар — жаҳон қишлоқ хўжалигининг асоси. Донли экинлар бутун дунёдаги экин экиладиган жами ерларнинг ярмини эгаллайди. Дон экиладиган ерлар аҳоли жойларга тўғри келади. Жаҳонда дон етиштириш тобора ўсиб бориб, йилига 1,9 млрд тоннага етди. *Жаҳон дон хўжалиги асосан уч хил дон — бугдой, шоли маккажўхори етиштиришдан иборат бўлиб, улар галла ялпи ҳосилининг $\frac{4}{5}$ қисмини беради* (25-расмга қаранг) ва аҳолига зарур бўлган озиқ-овқат қувватининг деярли ярмини таъминлайди.

Бугдой — инсониятнинг тахминан ярми учун асосий нон маҳсулотидир. Рус академиги Н. И. Вавилов (1887—1943) бугдойнинг асл ватани Олд Осиё билан Ўрта денгизбўйи эканлигини аниқлаган. Бугдой ана шу ерлардан аста-секин бутун дунёга тарқалган. Ҳозирги вақтда бугдойзорлар одам яшайдиган барча қитъаларда мавжуд. Бугдой экиладиган асосий минтақа шимолий яримшарда, кичикроқ минтақа эса жанубий яримшарда жойлашган. Йил давомида бирор ой йўқки. Ер куррасининг бирор жойида галла ўрилмаётган бўлсин [9].


Бугдой деярли 70 мамлакатда етиштирилади, лекин ялпи ҳосилининг асосий қисми бир неча мамлакатга тўғри келади. АҚШ, Канада, Австралия, шунингдек Россия, Қозоғистон

Украинада жаҳоннинг асосий дон экинлари экиладиган ҳудудлари — бугдой экишга ихтисослашган районлар таркиб тонган.


Мисол. Дунёдаги галла етиштириладиган энг йирик ҳудудлардан бири АҚШнинг Марказий текисликлари бўлиб, у шимолда Канаданинг дашт вилоятлари билан туташган. Бу ердаги бепоён майдонлар XX аср бошида «бугдой талвасаси» даврида ҳайдалган. Бу ерда ундан юқори сифатли нон маҳсулотлари тайёрланадиган каттик бугдой кўп етиштирилади. Виннипег шаҳри Канаданинг «бугдой пойтахти» деб аталади.

Шоли — нон ўрнида истеъмол қилинадиган асосий озиқ-овқат маҳсулоти. Бутун инсониятнинг ярми нон ўрнида гуруч овқат истеъмол қилади. Шоли жуда қадимдан экиладиган экинлардан бири бўлиб, Хитойда эра миздан анча аввалдан етиштириб келинади. Шоли ҳам бугдой каби кейинчалик бошқа қитъаларга тарқалган.


Дунёдаги ялпи шоли ҳосилининг $\frac{9}{10}$ қисми Осиёнинг «шоликор» мамлакатларида етиштирилади. Дунёдаги барча сугориладиган ерларнинг $\frac{2}{3}$ қисмига шоли экилади.




25-расм. Дон экинлари ялпи ҳосили структураси



26-расм. Дунёдаги бугдой етиштириладиган асосий районлар



27-расм. Дунёдаги шоли етиштириладиган асосий районлар



28-расм. Дунёдаги шакар олинладиган экинлар етиштириладиган энг асосий районлар

худудларига ҳам тарқалди. Маккажўхори экиладиган ерлар кўпроқ бугдой экиладиган ерларга тўғри келади. Маккажўхори ни фақат дони учун эмас, балки ем-хашак учун ҳам экилиши кейинги вақтларда бу экин етиштириладиган майдонларнинг кенгайишига сабаб бўлди. Бироқ маккажўхори етиштирадиган асосий мамлакат АҚШ эди, ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда, ундан кейинги ўринларда Хитой билан Бразилия туради.

Мисол. Дунёдаги маккажўхори етиштириладиган асосий район — АҚШнинг маккажўхори минтақаси Буюк кўллардан жанубда жойлашган. Бу ернинг табиий шароити маккажўхори етиштириш учун жуда қулай. Маккажўхори етиштиришда Айова штати айниқса машҳур.

Дунёда етиштириладиган доннинг, асосан бугдой ва маккажўхорининг 10—15% и жаҳон бозорига чиқарилади. Ғалла экспорт қиладиган асосий мамлакатлар — АҚШ, Канада, Австралия, Франция, Аргентина. Бу мамлакатларда дон хўжалиги халқаро ихтисослашган тармоққа айланган. Канада билан Австралия йиллик бугдой ҳосилининг, Аргентина эса маккажўхори ҳосилининг 80% ини четга чиқаради.

Ем учун ишлатиладиган дон асосан Ғарбий Европа мамлакатлари ва Японияга, озиқ-овқатга ишлатиладиган дон эса дони ўзига етишмайдиган ривожланаётган мамлакатларга чиқарилади. Кейинги йилларда зироатчилик орқада қолётганлиги сабабли МДХга кирувчи мамлакатлар четдан озиқ-овқат ва ем учун энг кўп ғалла келтирмоқда: улар йилига 30—40 млн. т ғалла импорт қилмоқдалар (11- топширик).

4. Зироатчилик. Бошқа озиқ-овқат экинлари. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш учун донли экинлардан ташқари мойли, илдизмевали, қандли, кишига қувват берувчи, сабзавот, мевали ўсимликлардан ҳам кенг фойдаланилади.

Мойли экинлар сайёрамизнинг озиқ-овқат маҳсулотлари орасида донли экинлардан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Истеъмол қилинадиган жами мойнинг $\frac{2}{3}$ қисми ўсим-

ликлардан олинади; уларнинг салмоғи Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари аҳолисининг озиқ-овқатида айниқса каттадир.

АҚШ — соя (дунёдагининг ярмидан ортиқроғи), Ҳиндистон — ерёнгоқ, Италия — зайтуннинг ялпи ҳосили жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради.

Илдизмевали экинлардан энг кенг тарқалгани — картошка. Картошканинг ватани — Жанубий Америка, лекин ҳозирги вақтда картошка шимолий ярим шар мўътадил минтақасининг асосий экини бўлиб қолган. Картошка ялпи ҳосили жиҳатидан Россия — биринчи, Польша — иккинчи, Хитой — учинчи ўринда туради.

Аҳолининг озиқ-овқатида қандли экинлар катта ўрин тутади. Жаҳонда йилига тахминан 100 млн. т қанд-шакар

ишлаб чиқарилади: бунинг 60 % и шакарқамишдан, 40 % и қандлавлардан олинади. Гарчи бу ҳар иккала экин кўп меҳнат талаб қилиб, ундан бир хил маҳсулот — қанд-шакар олинса-да, лекин улар етиштириладиган ҳудудлар тамомила бошқа-бошқа ерларда жойлашган. Шакарқамишнинг «иккинчи ватани» — Америкада, тропик ва субтропик иқлимли районларда энг кўп етиштирилади. Қандлавлар — мўътадил минтақа экини. Қандлавлар етиштирадиган асосий мамлакатлар — Россия, Украина, Хорижий Европа ва Шимолий Америка мамлакатларидир (36- расми кўринг).

Қувват берувчи ўсимлик сифатида одатда чой, кофе, какаодан фойдаланилади. Буларнинг ҳаммаси тропик минтақада (чой субтропикларда ҳам) етиштирилади ва улар экиладиган ерлар бирмунча чекланган. Чойнинг ватани — Хитой бўлиб, у Европада XVII асрдагина маълум бўлган. Бироқ чой уч марта тезсузар елканларда ташиб келтирила бошлагач, ниҳоятда тез ёйилган.

Ҳозирда ҳам жаҳонда етиштириладиган чойнинг тахминан $\frac{4}{5}$ қисмини

Осиё мамлакатлари, хусусан Ҳиндистон, Хитой, Шри-Ланка беради. Кофе билан какао ўсимлиги эса маълум вақтдан кейин ўз «ватани»ни ўзгартирган.

Кофенинг ватани — Африка, бироқ эндиликда кофе ялпи ҳосилининг $\frac{2}{3}$

қисмини Латин Америкаси мамлакатлари, биринчи галда Бразилия билан Колумбия [10] етиштиради. Какао ўсимлигининг ватани, аксинча, Америка бўлиб, эндиликда у Африканинг Гвинея қўлтигида кўп етиштирилади.

Аҳолининг турмуш даражаси ўсган сари одамларнинг озиқ-овқат истеъмолида сабзавот ва меваларнинг салмоғи ошиб боради. [11].

Мойли, қандли экинлар, мевалар айниқса қувват берувчи экинлар ҳосилининг анчагина қисми жаҳон бозорига чиқарилади. Бу экинлар маҳсулотини кўпроқ ривожланаётган мамлакатлар экспорт қилади, олувчилар эса ривожланган капиталистик мамлакатлардир.

5. Зироатчилик. Озиқ-овқат бўлмайдиган экинлар. Толали экинлардан пахта энг катта аҳамиятга эга; жаҳонда ҳар йили 15—16 млн т. пахта толаси ишлаб чиқарилади. Пахта экиладиган ерлар майдони ва пахта ҳосили жиҳатидан Осиё мамлакатлари биринчи ўринда туради. Осиё дунёда пахтачилик жуда қадимдан ривожланган район. Пахта етиштиришда Америка мамлакатлари иккинчи ва Африка мамлакатлари учинчи ўринда туради (35- расми кўринг).

Бошқа толали экинлар — зигир, айниқса сизал, жут етиштириладиган ерлар анча чекланган. Жаҳонда етиштириладиган зигирнинг деярли $\frac{3}{4}$ қисмини Россия ва Беларусь, жут-

нинг шунча қисмини Бангладеш беради. Табиий қаучук етиштириш янада тор ҳудудда тўпланган. Унинг 85 % ини

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, кўпроқ Малайзия, Индонезия ва Таиланд беради. Пахта, жут ва табиий каучук жаҳон савдосининг муҳим молларидир. Наркотик моддалар билан ўгринчи савдо қилиш кенг кўламда давом этмоқда.

6. Чорвачилик: унинг уч асосий тармоғи. Донли экинлар каби чорвачилик деярли ҳамма ерда тарқалган. Ўтлоқ ва яйловлар экин экиладиган ерларга қараганда уч барабар кўп ерларни эгаллаб ётади. Чорвачилик маҳсулотининг асосий қисмини мўътадил минтақа мамлакатлари беради. Яна шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, дунёда етиштириладиган галланинг ярмига яқини чорва молларига ем қилиб берилади.

Жаҳон чорвачилиги географияси биринчи навбатда чорва молларининг жойлашини билан белгиланади. Чорва молларининг умумий сони 4 млрд. бошга яқин. Чорвачиликнинг учта тармоғи асосий ўрин тутаяди.

Деярли ҳамма сут ва гўштнинг $\frac{1}{3}$ қисмидан ортиғи қорамол боқидан (1,3 млрд. бош) келади. Интенсив сут ва гўшт-сут чорвачилиги мўътадил минтақанинг ўрмон ҳамда ўрмон-дашт зоналарида энг кўп тарқалган. Бу зоналарда моллар молхоналарда ёки яйловларда боқилади. Қорамоллар гўшт учун кўпроқ мўътадил ва субтропик минтақаларнинг қурғоқчилроқ ҳудудларида боқилади. Бу ерларда моллар асосан яйловда боқилади. АҚШ, Канада, Аргентина, Австралиянинг баъзи бир ҳудудларида кенг майдонларда товар маҳсулот етиштирадиган хўжаликлар (ранчо) — ҳақиқий «гўшт фабрикалари» вужудга келган.

Чўчкачилик (0,8 млрд. дан кўп бош чўчка бор) жаҳонда етиштириладиган гўшт маҳсулотининг $\frac{2}{5}$ қисмини беради. Чўчкачилик аҳоли зич ўрнашган вилоятларда ва йирик саноат марказлари яқинида, интенсив чорвачилик районларида, картошка етиштириладиган ҳудудларда жойлашади. Жаҳондаги етиштириладиган ҳамма чўчкаларнинг деярли ярми Осиёга, аввало Хитойга тўғри келади.

Қўйчилик (1,2 млрд. бош). Гўшт-жун етиштиришга ихтисослашган қўйчилик етарлича намгарчил ва нисбатан юмшоқ иқлимли ҳудудларга, майин ҳамда ярим майин жун етиштиришга ихтисослашган қўйчилик эса қурғоқчилроқ ҳудудларга хосдир.

Мисол. Австралиянинг дашт ва чалачўл районлари жаҳондаги энг йирик қўйчилик ўлкасидир. Қўйларнинг асосий қисми шахсий мулкдорлар ёки компанияларга қарашли йирик қўйчилик станцияларида («шинстейнз») тўпланган. Бундай станцияларда қўйлар йил давомида табиий яйловларда боқилади. [12].

Чорвачилик маҳсулотларининг ҳам анча қисми жаҳон бозорига чиқарилади. Чорвачилик маҳсулотларини асосан

ривожланган мамлакатлар, шунингдек баъзи бир ривожланаётган мамлакатлар экспорт қилади. [12- топширик.]

7. Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳит. Қишлоқларнинг қишлоқ хўжалиги билан шугулланиши минглаб йиллар мобайнида атроф-муҳитга жуда катта таъсир кўрсатиб келди. Экин далалари ва яйловлар антропоген ландшафтларни вужудга келтирди. Бундай ландшафтлар Ер юзининг турли табиат зоналарида жуда катта майдонларни эгаллаб ётади. Қишлоқ хўжалиги экстенсив ривожланган даврда атроф-муҳитга таъсир асосан ерларни ҳайдаш ва ўрмонларни кесиш орқали бўлган. Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги кўп давлатларда атроф муҳитга ҳали ҳам ана шундай таъсир кўрсатиляпти.

Интенсив қишлоқ хўжалиги олиб бориладиган мамлакатларда ХХ аср ўрталаридан чорвачиликнинг атроф-муҳитни ифлослантирувчи таъсири кескин даражада кучайди. Бироқ қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш атроф-муҳитга айниқса кучли таъсир кўрсатмоқда.

Мисол. Ҳозирги вақтда жаҳон қишлоқ хўжалигида 100 мингга яқин кимёвий препаратлар қўлланилмоқда. Ҳар йили далаларга 500 млн. т кимёвий ўғитлар ва 4—5 млн. т турли хил кимёвий заҳарли моддалар сепилади.

Қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришдан иқтисодий фойда жуда катта бўлади. Лекин шу билан бирга кимёвий ўғитлардан кенг миқёсда ва назоратсиз фойдаланиш улар бир қисмининг дарё ва кўлларга тушишига олиб келади. Бу ҳол ўсимликларга, кишилар соғлиғига салбий таъсир кўрсатади, денгизларда суь ўтларининг жадал ривожланиши билан «қизил» ва «яшил» ифлосланишларга сабаб бўлади.

Пестицидлар, айниқса ДДТ, булардан ҳам кўпроқ зарар келтиради [13]. Шу сабабли пестицидлардан фойдаланиш кейинги вақтларда АҚШда ва Европадаги кўп мамлакатларда таъқиқланган. Бегона ўтларга ва ҳашроотларга қарши курашнинг бошқа усуллари, жумладан биотехнологияда фойдаланиш усуллари ишланмоқда. Шунга қарамай, дунёда йилга 400 миңдан то 2 млн. гача одам заҳарланмоқда. Буларнинг аксарияти ривожланаётган мамлакатлардаги қишлоқ аҳлидир.

8. Балиқ овлаш. Балиқ овлаш инсониятнинг энг қадимги касб-корликларидан бири. Ҳозирги вақтда ҳам балиқ овлаш ~~15 млн кишига~~ ризқ-рўз беради. Дунёда йиллик овланадиган балиқ ва бошқа денгиз маҳсулотлари 100 млн.т ни ташкил этади. Бу маҳсулотнинг тахминан $\frac{9}{10}$ қисмини денгиз ва океанда балиқ тутиш ташкил этса, $\frac{1}{10}$ қисмини чучук сувлардан

овланадиган балиқлар ташкил этади. Балиқ ва денгиздан олиннадиган бошқа маҳсулотларнинг аҳамияти шундаки, улар жониворлар оксилларининг миқдорига кўра мол ва парранда гўшtidан қолишмайди, инсониятнинг оксилларга бўлган тала-

бининг $\frac{1}{4}$ қисмини таъминлайди [14]. Балиқ ва бошқа денгиз маҳсулотлари ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг истеъмолида айниқса катта ўрин тутади. *Гарчи балиқ овлаш билан бутун дунёда шуғулланилса ҳам, жаҳонда тугиладиган балиқнинг $\frac{1}{2}$ қисми олтига мамлакатга тўғри келади. Булар:*

Япония, Хитой, Россия, АҚШ, Чили ва Перу.

Овланадиган балиқнинг асосий қисми континентал шельфа (материк саёзлигида) тугилади. Иккинчи жаҳон урушига қадар жаҳондаги балиқ тугиладиган асосий район Шимолий Атлантикада эди, кейинчалик Тинч океаннинг шимолий қисмида жойлашган район ундан ўзиб кетди. Атлантика сельди ва трескаси ёки Аляскадаги «кироллар қисқичбақаси» популяцияларининг камайиб кетиши натижасида дунёдаги балиқ тугиладиган районлар Шимолий зонадан Дунё океанининг тропик ва жанубий зоналарига томон силжий бошлади.

Дунё бўйича олинадиган жами балиқ ва денгиз маҳсулотларининг 15 млн. т га яқини сунбий ҳавзаларда балиқ кўпайтиришга ёки аквакультурага¹ шу жумладан бу миқдорнинг ярмидан ортиги балиқ ва бошқа хил тирик организмларни денгиз муҳитида кўпайтиришга (марикультурага) тўғри келади. Аквакультура Хитойда бундан 4 минг йил аввал вужудга келган бўлиб, бу мамлакат хануз бу соҳада биринчиликни кўлдан бергани йўқ. Умуман олганда аквакультура маҳсулотининг $\frac{4}{5}$ қисмидан ортигини Осиё мамлакатлари беради.

3. БИЗ ТРАНСПОРТ ГЕОГРАФИЯСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАМИЗ.

1. **Транспорт — моддий ишлаб чиқаришнинг учинчи етакчи тармоғи.** Сиз биласизки, транспорт географик меҳнат тақсимотининг асосини ташкил этади. Транспортда юк ташиш ҳажми ва юк таркиби, одатда, экономиканинг тараққиёт даражасини ва таркибини ақс эттиради, транспорт тармоқлари ва ташиладиган юклар тури географияси эса — ишлаб чиқариш кучларининг жойлашишини ақс эттиради. Транспортнинг ўзи ҳам корхоналар, ташкилотлар, ҳудудлар ва мамлакатларнинг ихтисослашуви ва кооперативлашувига ёрдам бериб, ишлаб чиқариш кучларининг жойлашишига фаол таъсир кўрсатади. Маҳсулот ишлаб чиқариш билан уни истеъмол қилиш ўртасидаги ҳудудий узилишни бартараф этишни ва одамларга хизмат кўрсатиш, уларнинг ўзаро алоқаларини транспортсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Барча йўллар, транспорт корхоналари ва транспорт воситалари биргаликда жаҳон транспорт системасини ҳосил қилади. Бу системанинг кўлами жуда катта.

¹ Аквакультура — (лотинча *aqua* — сув, *cultura* — етиштириш) — сув ҳавзаларида сув организмлари (балиқ, моллюскалар, қисқичбақасимонлар ва сув ўтлари етиштириш).

Мисол. Жаҳон транспортида ~~100~~ млн. дан ортиқ киши банд. Дунёдаги бутун транспорт йўлларининг умумий узунлиги 32 млн. км дан ошади. Ҳар йили жаҳон транспортининг барча турларида 100 млрд. т дан ортиқ юк ва 1 трлн. га яқин йўловчи ташилади. Бу юк ва йўловчиларни ташишда кўплаб миллион транспорт воситаси қатнашади [15].

ФТИ транспортнинг айрим турлари ўртасидаги «меҳнат тақсимотида» катта ўзгаришларга олиб келди.

ФТИ транспорт йўлларининг юк ўтказиш имкониятини оширди, бутунлай янги транспорт воситаларини юзага келтирди, юк сигдириш имконини ва ҳаракат тезлигини оширди. Сизларнинг кўпчилигингиз ФТИнинг бу ўзгаришлари билан ҳаётда таниш бўлсангиз керак.

Темир йўлларни электрлаштириш давом этапти. Ҳаво ёстиғида ва магнит майдони устида юрвчи ўта тезулар поездлар пайдо бўлди. [16]. Автомобиль транспортида, айниқса бензин нархи ошгандан кейин, электромобилларга, дизелли, газ баллонли ва бошқа хил двигателли машиналарга қизиқиш кучайиб кетди. Сув транспортида атом двигателли кемалардан, сув ости канотли кемалардан, сочма юк ташувчи (балкер) кемалардан, юкни горизонтал ортиш, туширишга мослашган (роккерлар) кемалар, лихтеровозлар, автомобиль ташувчилардан фойдаланиладиган бўлди. Кенг физеляжли самолётлар — аэробуслар бир йўла 350—500 йўловчини ташиш олади.

Ҳамма хил транспортни ривожлантиришга юкни **контейнерларда**¹ ташиш катта таъсир кўрсатди, у транспортдаги меҳнат унумдорлигини 8—10 баравар ошириб юборди.

2. Жаҳон транспорт географияси системасидаги географик тафовутлар: мамлакатларнинг икки гуруҳи, регионлар. Дунёдаги юк ва йўловчи ташиш географик жихатдан жуда нотекис тақсимланган.

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар транспорти, одатда техника даражасининг юқорилиги ва транспорт турли тармоқларининг ўзаро юксак алоқадорлиги билан ажралиб туради. Жаҳон транспорт шохобчалари, жаҳондаги юк ва йўловчи ташилишининг 75—80% и мана шу мамлакатларга тўғри келди. Бу мамлакатларда транспорт шохобчалари билан таъминланганлик даражаси, уларнинг зичлиги, аҳолининг транспортдан фойдаланиш даражаси ҳам энг юқоридир.

Ривожланаётган мамлакатларда ҳам сўнги 20—30 йил мобайнида кўп нарса ўзгарди. Шунга қарамай бу мамлакатларнинг кўпчилигида транспорт қишлоқ хўжалиги каби экономиканинг қолоқ тармоғидир.

¹ Контейнерлаштириш (инглизча contain — жойлаштириш) донa молларни махсус металл идишлар — контейнерларда ташиш. Бундай юк ташиш муносабати билан янги транспорт воситаси — контейнеровозлар ва махсус юк тушириш-ортиш станциялари — контейнерхоналар вужудга келди.

Транспорт системаларининг шаклланмаганлиги уларнинг ривожланишига, табиий ресурсларнинг ўзлаштирилишига, иқтисодий районларининг шаклланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек атиги бир ёки икки хил транспорт тури: темир йўл (Ҳиндистон, Покистон, Бразилия, Аргентина), қувур транспортининг (Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари) ёки дарё транспортининг (Тропик Африка) устун туриши характерли. Темир йўлларда эски паровозлар сақланиб қолган, йўлларнинг кенглиги ҳам ҳар хил. Бу мамлакатларда аҳолининг транспортда қатнови даражаси дунёдаги ўртача кўрсаткичдан анча паст. Юк ташишда ҳалигача от-улов транспорти ва ҳаммоллардан фойдаланилади.

Жаҳон транспорт системаси аҳамиятига кўра бирдай бўлмаган бу икки қисмга бўлинишдан ташқари яна **регионал транспорт системаларига** бўлинади. Булар — МДХ, Шимолий, Лотин Америкаси, Фарбий Европа, Жанубий Осиё ва ҳ. к. транспорт системаларидир.

Барча транспорт турлари фақат аҳамияти ва ривожланиши даражасига кўра эмас, балки улардан географик фойдаланиш соҳаларига қараб ҳам гуруҳланади. Бунда қуруқлик, сув ва ҳаво транспорти ажратилади.

3. Қуруқлик транспорти: унинг уч асосий тури.

Автомобиль транспортини XX аср транспорти деб аташга тўла асос бор. У асримиз бошида вужудга келди ва ҳозирги кунда автомобиль турмушимизнинг ажралмас қисмига айланди. Автомобиль йўлларининг узунлиги тобора орта бориб, 24 млн. км га етди; унинг тахминан ярми беш мамлакат — АҚШ, Ҳиндистон, Россия, Япония ва Хитойга тўғри келади. Автомобиллаштириш АҚШда энг юксак даражага етди. Бу ерда ўртача ҳар 1000 кишига 600 та автомобиль тўғри келади. Фарбий Европанинг кўпгина мамлакатларида ҳам бу кўрсаткич бирмунча юқори: 300—400 ва ундан ҳам кўпроқ.

Темир йўл транспортининг юк ва йўловчи ташишдаги салмоғи камайган бўлса-да, унинг қуруқлик транспортининг муҳим тури эканлиги ҳануз сақланиб қолмоқда. Бироқ Жаҳон темир йўл тури асосан XX аср бошида шаклланди. Унинг умумий узунлиги анчадан бери 1,2—1,3 млн. км атрофида. *Жаҳон темир йўл транспортининг тармоқлари жуда нотекис жойлашган.* Темир йўллар 140 га мамлакатда бўлса-да, лекин унинг узунлигига кўра ярмига яқини «биринчи ўнта» давлатга тўғри келади. Булар: АҚШ, Россия, Канада, Ҳиндистон, Хитой, Австралия, Аргентина, Франция, Германия ва Бразилия. Темир йўлларнинг зичлигига кўра Европа мамлакатлари ажралиб туради. Шу билан бирга темир йўллар жуда сийрак ёки бутунлай йўқ бўлган жуда катта ҳудудлар ҳам мавжуд.

Қувур транспорти нефть, табиий газ кўп миқдорда қазиб чиқариладиган ёки улар кўп ишлатиладиган мамлакатлар, ва ҳудудларга энг кўп ривож топган. Узунлиги баъзан 4—5 минг км га етадиган энг узун транспорт магистраллари

МДХ мамлакатлари Канада ва АКШда қурилган (13- топширик).

4. Сув транспорти: денгиз транспортининг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги. Денгиз транспорти жаҳон транспорти системасининг жуда муҳим таркибий қисмидир. Денгиз транспортининг ривожланиши туфайли Дунё океани мамлакат ва китъаларини бир-биридан ажратувчи эмас, балки уларни боғлаб турувчи воситага айланди. Халқаро ташйладиган бутун юкларнинг $\frac{4}{5}$ қисмига яқини денгиз транспортда ташилади.

Денгиз трассаларининг умумий узунлиги миллионлаб километр келади. Денгиз кемаларида асосан ҳажмдор юклар — суюқ юклар (нефть, нефть маҳсулотлари), сочилувчи юклар (кўмир, маъдан, дон фосфорит ва бошқалар) ташилади. Бирок денгиз транспортдаги «контейнер» инқилоби асосий юклар — тайёр буюмлар ва ярим фабрикатларни ташйшнинг жадал ўсишига ҳам олиб келди (40- расмга қаранг).


Океанда бутун Ер шарини айланиб чиқувчи контейнер йўллари орасида мунтазам дунё айлана йўллари ҳам бор. Бў океан контейнер йўлларининг таркибий қисмига Япония билан Ғарбий Европа, Япония билан АКШнинг ғарбий соҳиллари ўртасидаги «кўприклар» ҳам киради. Бунда МДХ давлатлари ва АКШ худудида қуруқлик орқали ўтган йўллар Атлантика океани, Тинч океан ва Япон денгизи орқали ўтувчи сув йўлларига туташиб кетган. [17].

Денгизда юк ташйшга денгиз савдо флоти хизмат қилади, унинг умумий тоннажи (сигими) 400 млн. т дан ортик. 70- йилларнинг ўрталарига қадар бу сигимнинг деярли ярмини танкерлар ташқил қилар эди. Энди танкерлар салмоғи сезиларли даражада камайди. Кўп улкан танкерлар бекор турибди ёки бузиб ташланыпти. Денгиз кемалари 100 га яқин давлат байроқлари остида сузаяпти, лекин келин келин қўпчилиги «биринчи ўнта» мамлакатларга қарайди. Улар орасида ҳам Либерия, Панама ва Япония олдinda туради.

Баъзи бир ривожланаётган мамлакатларда, хусусан Либерия ва Панамада катта денгиз флотининг мавжудлигига сабаб шуки, аслида АКШ, Япония, Греция, Норвегия, Германия, Буюк Британия, Италия, Швеция кемалари ана шу давлатлар байроғи остида сузадилар. Кемаларнинг бошқа мамлакатлар байроқлари остида сузишларига сабаб анъанавий денгиз мамлакатлари кема эгаларининг солиқни камроқ тўлаш ва денгизчиларга камроқ маош бериш ҳисобига маблағ иқтисод қилишга интилишдир. Бинобарин, «кулай» («арзон») байроқлар остида сузаётган кемалар ривожланаётган мамлакатларга эмас, балки Ғарбнинг ривожланган капиталистик мамлакатларига қарайди [18].

Ҳамма денгиз ва океанлардаги денгиз портларининг умумий сон 2,7 миңдан ортади. Лекин жаҳон портлари деб аталадиган, яъни йилига 50 млн. т дан ортик юк ўтказадиган

йирик портлар сони 30 та дан ортиқроқ. Буларнинг 11 таси йилига 100 млн. т дан ортиқ юк ўтказишади. Ривожланган мамлакатлар учун турли хил юкларни тушириб-ортиб юбора оладиган универсал портлар хосдир (39-расми кўриниши). Ривожланган мамлакатларда тор ихтисосли портлар, яъни нефть, маъдан, галла ўтказувчи портлар учрайди.



31-расм. Жаҳоннинг денгиз транспорти

Буюк географик кашфиётлар давридан бошлаб жаҳон кема қатновида Атлантика океани биринчи ўринда бўлиб келмоқда. Ҳозирги вақтда соҳилларида умумий аҳолиси 1,5 млрд. бўлган 70 мамлакат жойлашган. Бу океандан денгизда ташиладиган юкларнинг $\frac{1}{2}$ қисми ўтади. Бу океан соҳилларида жаҳондаги барча денгиз портларининг ҳам $\frac{2}{3}$ қисми жойлашган, шу жумладан дунёдаги энг катта порт — Роттердам ҳам шу океан киргоғида.

Бирок ҳаво транспортининг рақобати туфайли кейинги вақтда Атлантика океанининг роли бироз пасайди. XX асрнинг биринчи ярмида одам ташувчи кемалар Европа билан Шимолий Америка орасида йилига 2—3 млн. йўловчи ташир эди. Энг қулай ва тезсузар удқан йўловчи кемалари, ҳақиқий сузувчи саройлар — «Нормандия» ва «Франс» (Франция), «Куин Мери» ва «Куин Элизабет» (Буюк Британия), «Юнайтед Стейтс» (АҚШ), «Микеланжело» (Италия) кемалари «Атлантика мовий лентаси» халқаро анъанавий совринини олиш учун ўзаро мусобақалашар эдилар. Бу соврин XIX асрдаёқ таъсис

этилган бўлиб, Атлантика океанини энг қисқа муддатда кесиб ўтган кемага берилди. Сўнги марта бу океанини 3 кеча-кундуз, 10 соату 40 минутда кесиб ўтган «Юнайтед Стейтс» лайнери бу соврин сохиби бўлди. Эндиликда йўловчи ташувчи лайнерларнинг бундай мусобакаси ўтказилмаяпти, бу лайнерлар эса кўп жихатдан ўзини намойиш қилиб бўлди.

Денгизда юк ташишда Тинч океан иккинчи ўринда туради, бу океаннинг транспортдаги аҳамияти тобора ошиб борапти. Учинчи ўринда Ҳинд океани туради. Тинч океанда энг кўп юк Япония, АҚШ ва Австралия қирғоқларига, Ҳинд океанида Форс қўлтиги қирғоқларига тўғри келади. Тинч океан Россия, айниқса унинг Шарқий соҳиллари учун тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Денгиз транспорти географиясига халқаро денгиз каналлари — жаҳон денгиз йўлларининг энг муҳим чорраҳалари жуда катта таъсир кўрсатади. Бу гаплар биринчи галда Европа билан Осиё портлари орасидаги масофани 2—3 баравар қисқартирувчи Сувайш (41-расми кўринг) ҳамда Панама каналларига тегишлидир.

Ла-Манш, Гибралтар, Хормуз, Малакка ва бошқа денгиз бўғозлар ҳам катта ўрин тутаяди. Шуниси қизиқарлики, баъзи бир бўғозлар ҳар куни юзлаб ўтадиган кемаларга «торлик» қилиб қолмоқда, уларнинг чуқурлиги ҳам энг йирик кемалар учун саёзлик қилиб қолмоқда [19]. (14-топширик.)

Ички сув транспорти — транспортнинг энг қадимги тури. Ҳозирги кунда ҳам ички сув транспорти (ҳаво транспортини ҳисобга олмаганда) юк ташишда ҳам, йўловчи ташишда ҳам, умумий узунлиги бўйича ҳам жаҳон транспорт системасида охириги ўринда туради.

Ички сув транспортининг ривожланиши ва жойлашиши биринчи навбатда табиий шарт-шароитлар — кемалар суза оладиган дарё ҳамда қўлларнинг бор-йўқлигига боғлиқ. Амазонка, Парана, Миссисипи, Обь, Енисей, Янцзи, Конгонинг транспорт имкониятлари энг йирик темир йўл магистраллари имкониятидан ҳам анча каттадир. Бироқ бу имконият ва шароитдан фойдаланиш иктисодий ривожланишнинг умумий даражасига боғлиқ. Худди мана шунинг учун ҳам дунёда ички сув йўлларида юк ташишда АҚШ, Россия, Канада, Германия, Нидерландия, Бельгия ҳамда Хитой алоҳида ажралиб туради. Шунга қарамай Осиё, Африка, Лотин Америкасининг жуда катта дарё шохобчаларига жаҳон ички сув йўлларида ташиладиган юкларнинг атиги 5% и тўғри келади.

Фойдаланиладиган ички сув йўлларининг узунлигига кўра тахминан $\frac{1}{10}$ қисми сунъий сув йўллари (шлюзли дарёлар ва каналлар)га тўғри келади. Улардан энг катталари АҚШ, Хитой, Россия, Хорижий Европада жойлашган.

Кўл кема қатновининг энг асосий райони АҚШ ва Канададаги Буюк қўллар бўлиб, бу қўллар чуқур Сан Лаврентий

дарёси оркали Атлантика океанига туташтирилган. Бу сув йўли оркали денгиз кемалари куруклик ичкарасига 4 минг км масофага кира олади (38- расмга қаранг).

5. Ҳаво транспорти — энг ёш ва энг тез транспорт. Шундай десак сиз ҳам кўшиларсиз. Ҳақиқатан ҳам 1948 йилда ҳаво транспортида бутун дунёда 20 млн. га яқин йўловчи ташилган бўлса, 1990 йилда 1,2 млрд. дан ортик йўловчи ташилди. Бу деган сўз Ер юзидаги ҳар тўрт кишининг бири авиация транспортидан фойдаланади. Тайёралар мунтазам қатнаб турадиган ҳаво йўллари бутун Ер куррасини чирмаб ташлаган, узунлиги 1 миллионлаб километрга етади. Ҳаво йўллари 25 минг тайёрагоҳни туташтирган, энг йирик тайёрагоҳ ҳар йили ўн миллионлаб йўловчи ташиydi [20]. Қитъаларро йўловчи ташишда ҳаво йўллари денгиз транспортини деярли бутунлай сиқиб чиқариб, биринчи ўринга ўтиб олди. Атлантика океанини кесиб ўтадиган ҳаво йўлларида бир вақтнинг ўзида юздан ортик тайёралар бўлади.

АҚШ, Россия, Япония, Буюк Британия, Франция, Канада, Германия дунёнинг ҳаво транспорти энг ривожланган давлатларидир. Авиация кўпгина ривожланаётган мамлакатларда ҳам транспортнинг муҳим тури бўлиб қолган.

6. Транспорт ва атроф муҳит. Транспортнинг жойнинг табиий шароитига боғлиқлиги жуда катта ҳамда хилма-хилдир. Бироқ ФТИ ривожланган сари бундай боғлиқлик янги кўринишларга эга бўла боради. Эндиликда йирик тоғлар ва кенг дарёлар, чўллар, тропик ўрмонлар, ҳатто денгиз бўғозлари куруклик транспорти учун ўтиб бўлмас тўсиқ бўлмай қолди. Сунъий сув йўллари бунёд этилиб, табиат «хатосини» тузатиш сув транспортининг ривожланишига катта таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга транспортнинг атроф муҳитга салбий таъсири ҳам ошиб борапти. Бунда транспортнинг турли хиллари ўз хусусиятига эга. Ҳавони асосан автомобиль транспорти ифлослайди: йирик шаҳарларда ҳавога чиқариладиган барча ифлослантивучи моддаларнинг $\frac{2}{3}$ қисми автотранспорт хиссасига тўғри

келади. Ҳаво транспорти кўп минглаб самолётлардан чиққан газлар, темир йўл транспорти, айниқса паровозлар ишлатилгандаги қаттиқ заррачалар билан ҳавони ифлослайди. Бундан ташқари, транспортнинг барча турлари муҳитни шовкин билан «ифлослайди», куруклик транспорти ерларни банд қилади. Сув транспорти гидросферани ифлословчи муҳим манба ҳисобланади. Бунда нефть ташувчи кемалар қатнайди-ган асосий йўллар энг йирик ифлословчи бўлади.

Кўп мамлакатларда атроф муҳитни транспорт воситалари томонидан ифлосланишидан сақлаш учун қаттиқ чоралар қўлланилади. Автомобиль бензинида кўрғошин миқдори камайтирилмоқда, электромобиллардан, водород, газ ёқилғиларидан, ҳаво ёстиги устида юривчи поездлардан фойдаланиш бошлан-япти.

4. БИЗ ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР БИЛАН ТАНИШАМИЗ.

1. Янги халқаро иқтисодий тартиб сари. Бизнинг замонда халқаро иқтисодий алоқалар инсон ҳаётида айниқса катта аҳамиятга эга.

Тажриба шуни кўрсатадики, ҳеч қандай ёпиқ ҳосилалар, регионал интеграцион (бирлаштирувчи) гуруҳлар халқаро, бутунжаҳон муносабатларининг ўрнини боса олмайди.

Буни энг аввал Ғарбнинг иқтисодий ривожланган мамлакатлари тушундилар. Улар халқаро иқтисодий алоқаларда лидерлик мавқеини эгаллаганлар: барча хил алоқаларнинг $\frac{1}{3}$ дан то $\frac{3}{4}$ гача бўлган қисми улар зиммасига тўғри келади.

Уларнинг кўпчилиги товар ва хизмат экспорт қилиш ҳисобига ўз даромадларининг бирмунча, баъзан эса хатто кўп қисмини тўлдирдилар. Айнан шундай мамлакатлар экономикаси (иқтисодиёти) очик мамлакатлар дейилади.

Бутунжаҳон иқтисодий алоқаларида ривожланаётган мамлакатлар иккинчи ўринда туради. Сизга маълумки бу мамлакатлар мустамлака ёки ярим мустамлака қарашлигида эканликлари даврида метрополияларнинг аграр-хомашё кўшимчаси ҳисобланиб, уларга тропик дехқончилик маҳсулотлари, хомашё ва ёқилги, шунингдек арзон ишчи кучи етказиб берар эдилар. Улар мустақил давлатлар бўлиб олгач, аҳвол ўзгарди. Шунга қарамай, юзга яқин мамлакат хануз хомашё, ёқилги ва озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилишга мажбур; ваҳоланки, бу маҳсулотлар нархи 80-йиллар бошидан анча пасайди. Бу ҳол Жануб мамлакатларининг жаҳон савдосидаги ҳиссаси $\frac{1}{4}$ гача пасайишига ва уларнинг Шимол мамлакатларидан қарзининг кескин даражада ортиб кетишига олиб келди. Бу қарз 90-йиллар бошида 1,5 трлн. долларга етди.

БМТ ривожланаётган мамлакатлар ташаббусига кўра 70-йиллар бошидаёқ Янги халқаро иқтисодий тартиб дастурини қабул қилди. Унинг мақсади — халқаро иқтисодий алоқаларни адолатли ва тенг ҳуқуқлилиқ асосида қайта ўрнатиш, жаҳон ҳўжалигида барча мамлакатларнинг янада хилма-хил иштирокини таъминлашдан иборат. Жануб мамлакатлари бу мақсадни амалга оширмоқдалар.

МДҲ га аъзо мамлакатлар ва Хитой олдида ҳам халқаро иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, очик типдаги иқтисодиётни барпо этиш вазифаси турибди. Бутунжаҳон тажрибаси хатто энг катта мамлакатлар ҳам фақат ўз кучига ишониб ривожлана олмаслигини кўрсатди. Очик иқтисодиётнинг яққол кўринишларидан бири — эркин иқтисодий зоналар ёки эркин ишбилармонлик зоналарини барпо этишдир. Бундай зоналар 70—90 йилларда бутун дунёда кенг ривож топиб, уларнинг сони ҳозирда 500 дан ортиб кетди.

Эркин иктисодий зона ИГУ кулай район ёки шаҳардан иборат бўлиб, улар учун имтиёзли солиқ ва тамоғиния режими белгиланади, молиявий, моддий, технологик ҳамда меҳнат ресурсларини фаол жалб қилиш мақсадида улар учун алоҳида нарх-наво белгиланади. Бундай зоналар аввало чет эл капитали ва энг янги технологияларни жалб қилиш, валюта тушумларини кўпайтириш ҳамда ички бозорни рақобатга бардош берадиган товар ва хизматлар билан тобора тўлдириш мақсадида бунёд этилади.

Халқаро иктисодий алоқаларни координациялаштириш билан бутун дунё бўйича Нарх ва савдолар Бош битими, Халқаро реконструкция (тикланиш) ва ривожланиш банки, Жаҳон валюта фонди шугулланади.

2. Халқаро савдо: муомаласи, товарлари таркиби, тақсимланиши географияси. *Халқаро (жаҳон) савдоси — жаҳон хўжалигининг энг қадимий қисми бўлиб, ФТИ даврида ҳақиқий иккинчи юксалиш босқичини бошидан кечирди.* Ташки иктисодий алоқаларнинг ўсиш суръатлари умуман ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларидан ўзиб кетадики, бу ҳол халқаро географик меҳнат тақсимотининг чуқурлашганлигидан дарак беради. ФТИ таъсирида халқаро савдонинг товарлари таркибида ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Булардан энг муҳими — бу таркибнинг яхшиланиши, унда тайёр маҳсулотлар хиссасининг орта боришидир (42-расмга қarang).


Товар сифатининг юқори бўлиши, унинг жаҳон стандарти (андозаси)нинг барча талабларига мос келиши ҳам бу товарларнинг рақобатга чидамлилиги даражасининг муҳим белгисига айланди. Чунончи, қуйидагилар жаҳонга машҳур бўлиб кетганлиги бежиз эмас: «Сони» ва «Хитачи» япон фирмаларининг ва «Самсунг» Жанубий Корея фирмасининг кўрсатув техникаси, «Адида» немис фирмасининг спорт кийимлари ва пойабзали, «Кодак» Америка фирмасининг фотоаппаратлари ва фото кимёси маҳсулотлари.

Жаҳон савдосининг географик тақсимланиши анча ноте-кисдир. Барча савдо муаммоларининг 70 % дан ортиги Ғарбнинг иктисодий ривожланган мамлакатлари хиссасига, шу жумладан унинг 45 % и эса Ғарбий Европа хиссасига тўғри келади. Бу мамлакатларнинг кўнчилигида асосан четга қимматбаҳо тайёр буюмлар чиқарилади. Ғарбдаги бир қатор мамлакатларнинг четдан ёқилғи келтиришга боғлиқ эканлигини ҳисобга олсак, бу эҳтиёж Канада, Австралия ва ЖАРдан келтирилайдиган ёқилғи ҳисобига қондирилади. Айни вақтда четдан ёқилғи ва хом ашё, қисман тайёр буюмлар келтиришга кучли даражада боғланиб қолиш шунга олиб келдики, Ғарбий Европанинг кўндан-кўп мамлакатлари ва хатто АҚШ пассив савдо балансига эга¹. Дунёдаги энг катта юк оқимлари АҚШни


¹ Савдо баланси — бир йилда мамлакатга четдан келтирилган товар билан четга чиқарилган товар таннарих ўртасидаги нисбат. Агар четга чиқарилган товар таннарих четдан келтирилган товар таннарихдан катта бўлса, баланс *актив* (фаол) дейилади. Аксинча бўлса, савдо баланси *пассив* бўлади.

Канада ва Япония билан, Германияни кўшни мамлакатлар билан чамбарчас боғлаб туради.

Бирок, жаҳон бозори — бу доимий рақобат ҳамдир! Мана шунинг учун ҳам жаҳон бозорида кўпинча ҳақиқий «савдо жанглари» аланга олиб туради.



32- расм. Жаҳон савдосининг товар махсулот таркиби.



33- расм. Халқаро туризмнинг ривожланиши.

Мисол. Япониянинг тобора ишончли, тежамли, қулай ва «тоза» (ҳавога зарарли моддаларни чиқариш бўйича автомобилларни экспорт қилиши шунга олиб келдики, 80- йиллар бошига келиб АҚШдаги ҳар беш енгил автомобилнинг бири япон марказидаги автомобиль эди. Япониянинг «Хонда», «Ниссан» фирмалари АҚШда автомобиль заводлари қуришди. Бу эса ҳар иккала мамлакат ўртасида узоқ давом этган «автомобиль жангига» сабаб бўлди.


Жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида халқаро микёсда қурол-яроғ билан савдо қилиш катта ўрин тутади. 80-йиллар охирида қурол-яроғ экспорт қилувчи энг асосий давлатлар — АҚШ, СССР, Франция, Буюк Британия, Хитой, импорт қилувчилар эса ривожланаётган мамлакатлар эди. Ривожланаётган мамлакатларга жаҳондаги ялпи ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа импортининг тахминан $\frac{3}{5}$ қисми тўғри

келади. Дунёдаги қора (яширин) бозорнинг ҳам савдо ҳажми жуда катта бўлиб, унда наркотик (ғиёхванд) моддалар, сохта валюта, яширин қазиб олинadиган олтин ва олмос, порнографик буюмлар ва бошқа шу каби таъқиқланган товарлар сотилади.

3. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг бошқа шакллари: жаҳоний кўлам. Халқаро кредит-молия муносабатлари заём ва кредитлар бериш, капитал экспорт ва импорт қилишда ўз аксини топади. Бунинг муҳим шarti — эркин алмашинадиган валютанинг мавжудлигидир¹. Капитал экспорт қилувчи энг асосий давлатлар Ғарбнинг иқтисодий ривожланган мамлакатлари, аввало АҚШ, Буюк Британия, ГФР, Голландия, Япония эди ва улар ҳамон шундай бўлиб қолмоқда. Бу мамлакатларда капитал экспорт қилиш товарлар экспорт қилишдан аллақачон ортиб кетди. Бу экспортнинг тахминан 80% и мазкур гуруҳдаги давлатларга, қолган қисми эса — ривожланаётган мамлакатларга жўнатилади. Бирок, кейинги вақтда, баъзи ривожланаётган мамлакатлар ҳам капитал экспорт қилувчи мамлакатларга айланди.

Мисол. ОПЭК қа аъзо баъзи мамлакатларга таяниб, янги жаҳон молия маркази вужудга келди. Нефть долларлари оқими Форс қўлтиги районидан Ғарбий Европа ва АҚШга, Осиё, Африка, Лотин Америкасининг кўпдан-кўп мамлакатларига томон йўналди.

Халқаро ишлаб чиқариш ҳамкорлиги ҳам катта ривож топди. Бу ҳамкорлик — корхоналарнинг ихтисосла-



34- расм. Халқаро туризмнинг асосий регионлар бўйича тақсимлиши.

¹ Эркин алмашинадиган валюта (СКВ) — бир мамлакатнинг бошқа мамлакат валютаси билан эркин алмаштириш мумкин бўлган валютаси. Бундай валютага АҚШ доллари, Англия фунт стерлинги, Германия маркаси, Франция франки мисол бўла олади.

шуви ва кооперативлашуви, биргаликда маҳсулот ишлаб чиқариши, қўшма корхоналар бунёд этиши, капитал қурилиш соҳасида ҳамкорлик қилишдан иборат. Ривожланаётган мамлакатлар капитал қурилишига ёрдам бериш айниқса зарурдир, чунки бу ердаги янги саноат объектлари кўпинча индустријаштиришнинг энг муҳим негизига айланмоқда.

Фан-техника алоқалари — халқаро иқтисодий алоқаларнинг яна бир муҳим шаклидир. Бу алоқалар асосан ФТИ ва ишлаб чиқаришдаги ҳамда илмий тадқиқот соҳаларидаги давлатлараро ихтисослашув туфайли вужудга келган. Бу алоқалар халқара доирада фан-техника билимларини (патентлар, лицензиялар — яъни ихтирони тасдиқловчи ҳужжатларни) айирбошлаш, биргаликда илмий ишланма ва лойиҳалар тузишда намоён бўлади. Чунинчи, бундай ишланма ва лойиҳалар космосни тадқиқ этиш («Интеркосмос») ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишда амалга оширилмоқда.

Халқаро хизмат кўрсатиш соҳаси — янги нарса эмас. Портга кириб келган чет эл кемаларига хизмат кўрсатиш, денгиз кемаларини ёллаш каби катта даромад келтирувчи транспорт хизматлари азалдан мавжуд. Ўз денгиз флотини бошқа мамлакатлар портлари ўртасида юк ташишга бериб турувчи мамлакатлар «денгиз киракашлари» дейилади.

Мисол. «Денгиз киракашлари» сафига Греция, Буюк Британия, Франция, Голландия, Швеция, Дания киради. Бирок, энг асосий «денгиз киракаши» — Норвегия [2].

Ҳозирги вақтда фақат кемаларни эмас, балки самолётларни ҳам кирага олинади (чартер рейслар). Қурилишга хизмат кўрсатиш ҳам кенгайди. Сугурта қилиш, реклама қилиш, кинопрокат, илмий ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини ижарага бериш, муҳандислик лойиҳалари тузиш, илмий ахборотни ишлаш, космик алоқалардан фойдаланиш каби соҳалардаги хилма-хил халқаро хизмат кўрсатиш турлари янада кенг ривож топган. Ишлаб чиқариш тажрибасини алмашиш ҳам ўзига хос алмашинув шакли бўлиб, у халқаро «Ноу-хау» («Қандай бажаришни билиш») номига олган. Футболистлар, хоккеистлар, бошқа хил спортсменлар эса бошқа мамлакатларнинг обрўли клубларида тобора кўп ўйнамоқдалар.

Халқаро туризм (саёҳатлар) ҳам хизмат кўрсатишнинг энг тарқалган шаклларида биридир. *Сўнги йн йилликлар давомида жаҳонда ҳақиқий туризм васвасаси рўй бермоқда!* Туризмдан йилига тушадиган даромад 250 млрд. доллардан ортиб кетди. Бу Ҳиндистондек буюк мамлакат ялпи ички маҳсулотидан тушадиган даромаддан кўпдир. Сизга маълумки, саёҳатларга бўлган интилиш, бир томондан ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлигини, хусусан, транспорт воситаларининг мукамаллашганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, урбанизациянинг, кишилар турмуш шароити ҳамда маданиятининг ошганлигининг оқибатидир. Шундай бўлганда кишиларнинг бошқа мамлакатларни ва халқларни билишга қизиқиши кучаяди.

Транспорт турига караб автомобиль, ҳаво, дарё ва денгиз туризми ажратилади.

Туризмнинг ривожланиши билан «туризм саноати» («меҳмондўстлик саноати») — меҳмонхоналар, кемпинглар, туристик фирмалар, ахборот ва реклама хизматлари, совга буюмлар ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам ривожланди.

Дунёнинг бош туристик, яъни саёҳатчилик региони — Европа. Сўнгги йилларда АҚШда халқаро туризм жадал ривожланмоқда. Қисқаси, туризм соҳасида ҳам индустрияси ривожланиб кетган мамлакатлар олдинда бормоқда. Бирок ривожланаётган мамлакатларнинг ҳам чет эл туристлари умумий оқимидаги ҳиссаси деярли 20 % га етди. Баъзи бундай мамлакатлар (Мексика, Марокаш, Тунис, Кения) иқтисодиётида туризм салмоқли ўрин тутди. Бу гап Кипр, Барбадос, Багама, Бермуд, Сейшель ороллари каби «курорт ороллар» га айниқса тегишлидир [15- топширик].

Энг асосий хулоса. Жаҳон хўжалиги айрим тармоқлари географияси узоқ вақт давомида турли омилларнинг таъсирида шаклланган. Айрим тармоқлар географияси ҳозирги вақтда ҳам биринчи галда ФТИ ва сиёсий иқлимнинг илий бориши таъсирида ўзгаришда давом этапти (15- якуний топширик).

ҚЎШИМЧА МАТН

[1]. Қизиқарли маълумотлар. БМТ маълумотида кўра ГФРдаги икки киши, Япония ва Швейцариядаги уч киши, Мексика ва Кубадаги ўн киши, Хитойдаги 16, Ҳиндистондаги 53 ва Непалдаги 1072 киши қанча энергия сарф қилса, АҚШдаги бир киши шунча энергия сарфлайди.

[2]. 80- йиллар бошида Жазоир-Италия биринчи магистрал газ қувури ётқизилган. Унинг узунлиги 2,5 минг км бўлиб, бутун денгизни кесиб ўтган. Газ қувурининг талай қисми Ўрта Денгизнинг чуқурлиги 500—600 м ли қисмининг тагидан ўтган. Трасса танлашда денгиз туби сув ости қайиқларида ўрганилган. Қувурлар қувур ётқизиш учун яратилган. Махсус кемаларда ётқизилган.

[3]. Норвегия дунёдаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган шундай бир ягона мамлакатки, у электр энергиясига бўлган эҳтиёжининг 99,5 % ини ГЭСларда ишлаб чиқаради. Шуниси қизиқки, 200 га яқин гидроэлектр станция ёки мамлакатдаги жами гидроэлектростанцияларининг асосий кўпчилиги ер остига қурилган. Бунинг иқтисодий ва муҳандислик жиҳатларидан сабаблари бор.

[4]. Исландия — термаль сувлари, яъни ер ости иссиқ сувларини уй-жойларни иситиш ва иссиқ сув билан таъминлашда кенг миқёсда фойдаланувчи дунёда биринчи ва ҳозирча ягона мамлакат. Мамлакат пойтахти Рейкьявикда 30- йиллардан бошлаб шу мақсадда қувур ва махсус резервуарлар

системаси бунёд этилган бўлиб, улар орқали истеъмолчиларга иссиқ сув берилади. Геотермал иситиш асосига қурилган иссиқхоналар туфайли Исландия ўзини олма, помидор, қовун ва ҳатто банан билан тўла таъминлайди.

[5]. Ғарбий Австралияда олмос қонлари 1976 йилдагина очилган, ўн йилдан кейин эса у олмос қазиб олиш бўйича дунёда биринчи ўринга чиқиб олди.

[6]. Аҳоли жон бошига ёғоч тайёрлашда (йилига 6—7 м³) Канада дунёда биринчи ўринда туради. Мамлакатда 1,5 мингдан ортук тахта тилиш заводи бор; бундай заводлар Британия Колумбияси вилоятида айниқса кўп. Канадада дунёдаги энг катта Целлюлоза-қоғоз комбинати ишлаб турибди. Бу мамлакатда капиталистик дунёда ишлаб чиқариладиган газета қоғозининг 40 % и тайёрланади ва қоғоз экспортининг 60 % ини беради. АҚШда кўп газеталар Канада қоғозидан босилади:

[7]. Жон бошига ҳисоблаганда йилига Ҳиндистонда 1,5 кг, Афғонистонда ва Малида 0,1 кг қоғоз ишлатилади. Такқослаб кўринг: дунё бўйича ўртача кўрсаткич 45 кг, Финляндияда эса бу кўрсаткич 1400 кг га етади.

[8]. 1984 й. декабрь ойида Ҳиндистоннинг Бхопал шаҳрида Америка компаниясига қарашли кимё заводида фалокат рўй берди. Натижада шахарда 2,5 минг киши ҳалок бўлди, ўнлаб минг киши зарарланди.

[9]. Бугдой апрель-июнь ойларида — АҚШнинг жанубий районларида, Ўрта денгиз бўйида, Хитойда, Ҳиндистонда, июль-август ойларида АҚШнинг қолган районларида, Европанинг катта қисмида, сентябрь-ноябрь ойларида — Канадада, Шимолий Европада, Россиянинг шарқий қисмида, декабрь-март ойларида эса — Аргентина, Австралия, Янги Зеландияда ўрилади.

[10]. Кофе дарахтлари экиб ўстириш ва кофе билан савдо қилиш 25 млн. одамга яшаш манбаи бўлиб хизмат қилади. 50 га яқин мамлакат кофе экспорт қилади. Халқаро савдо озиқ-овқат маҳсулотлари таннархига кўра кофе бугдойдан кейинги иккинчи ўринда туради. Лотин Америкасида кофенинг хуш таъм «арабика», Африка ва Осиёда «робуста» нави кўп етиштирилади. «Робуста» навидан кўпроқ тез эрувчан кофе тайёрланади.

[11]. Дунёда умумий ҳажмига кўра сабзавот ва: подиз экинлари ҳосилини етиштиришда — Хитой, помидор етиштиришда — АҚШ, пиёз етиштиришда — Хитой биринчи ўринда туради. Узум етиштиришда — биринчи ўринда Италия, банан етиштиришда — Бразилия, апельсин ва лимон етиштиришда — АҚШ, мандарин етиштиришда — Япония биринчи ўринда туради.

[12]. Йирик қўйчилик станциялари («шипстейшнз») одатда жуда катта бўлади: улар ўн ва ҳатто юз минглаб гектар жойни эгаллайди. Энг катта станциянинг майдони эса 2 минг км² бўлиб, Люксембург давлати ҳудудидан салгина кичикдир. Бундай станцияларда қўйлар сони 10—20 минг ва ҳатто 50—100 минг бошга етади. Бу ерда кўпроқ австралиядан тарқалган майин жунли меринос қўйлар боқилади. Улар энг юқори сифатли

жун беради. Кичикрок Гоулберн шаҳарида қўйга «Катта Меринос» деб аталадиган ҳайкал ўрнатилган.

[13]. ДДТ ни қўллаш АҚШда оқ бошли денгиз бургути, Шотландияда оддий бургутлар сонининг ҳаддан ташқари (халокатли даражада) камайиб кетишига сабаб бўлди. АҚШ ва Канаданинг кўплаб дарёларида лосось ва форель балиқлари, Европанинг бир қатор мамлакатларида қуёнлар бутунлай қирилиб кетди. ДДТ Антарктика пингвинларининг, Арктика айиқлари ва тюленларининг, Гренландия китининг хужайраларида ҳам мавжудлиги аниқланган.

[14]. Дунёнинг турли регионларида турли денгиз маҳсулотлари афзал кўрилади. АҚШда ~~тунец~~ жуда машхур бўлиб, у турли таомлар тайёрлашда кенг фойдаланилади. Скандинавия мамлакатлари ва ГФРда энг машхур денгиз маҳсулоти — сельд балиғи, Ўрта денгиз бўйидаги мамлакатларида эса — кальмар моллюскаларидир.

[15]. Жаҳон транспорти юк ва йўловчи ташишда темир йўлларда — 200 мингта локомотив ва бир неча миллионлаб вагонлардан, автомобиль йўлларида — 500 млн га яқин автомобиллардан, денгиз трассаларида — 80 мингдан ортиқ кемалардан, ҳаво йўлларида — 10 мингдан ортиқ самолётдан фойдаланади. Жаҳон транспорти барча хил воситаларининг умумий юк сизими 1,5 млрд. т га яқин.

[16]. Поездлар тезлиги бўйича жаҳон рекорди Францияга тегишлидир. Бу ерда поезд тезлигини 1955 йилда — 331 км/соатга, 1981 й — 380 км/соатга, 80-йиллар охирида эса 515 км/соатга етказишга эришилган! Бирок булар — рекорд кўрсаткичлардир. Оддий тезюар (экспресс) поездларнинг тезлиги соатига 200—300 км. Париж — Бордо темир йўлида қатнайдиغان дунёдаги энг тезюар поездигина йўловчиларни соатига 350 км тезликда ташиydi.

[17]. Транзит юкларни Ғарбий Европа билан Япония орасида МДХ ҳудуди орқали ташиш учун Транссибирь «кўприги» ўтказилган. «Кўприк» дан юклар Ғарбий Европадан дунёдаги энг узун Транссибирь темир йўл магистрали (узунлиги — 9322 км) орқали Находка ва Восточний портларига, у ердан эса — денгиз орқали Токио — Иокогамагача олиб борилади. Бу йўлнинг умумий узунлиги — 13 минг км, ваҳоланки Ғарбий Европадан Сувайш канали орқали Япониягача бўлган йўл — 21 минг км га, Африкани айланиб ўтган йўл эса — 27 минг км га тенг.

[18]. 80-йилларнинг охирларида «қулай» байроқлар остида 7—8 минг денгиз кемаси сузиб юрган. Буларнинг кўпчилиги танкерлар бўлиб, 2,5 мингтаси Либерия байроғи остида сузган. Либерия суюқ юк ташийдиган кемалар тоннажи жиҳатидан ҳам, қуруқ юк ташийдиган кемалар тоннажи жиҳатидан ҳам дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Бу мамлакат флотининг умумий тоннажи анъанавий денгиз давлатлари бўлмиш Буюк Британия, Франция, Норвегия, Швеция, Ита-

лия, Дания, Голландия флотларининг биргаликдаги умумий тоннажидан ҳам ортиқ.

[19]. Ла-Манш бўғозидан ҳар кеча-кундуз 500 та кема сузиб ўтади, Эресунн (Зунд) бўғозидан -- 175 та, Гибралтардан — 200 та, Хормуз бўғозидан — 100 та, Малакка бўғозидан — 80 та, Босфордан — 40 та кема ўтади. Ла-Манш бўғозининг кафолатли чуқурлиги 30—35 м, Каттегатники — 20 м, Босфорники — 27 м, Малакка бўғозиники — 25 м. Шу сабабли Форс қўлтигидан чиқиб, Ғарбий Европага ўтадиган энг йирик танкерлар Буюк Британиянинг ғарбий соҳилларигача боради. Японияга борадиганлари эса Зонд ёки Макасар бўғозлари орқали айланиб ўтади.

[20]. Лондоннинг дунёда энг катта Хитроу тайёрагоҳидан ҳар кеча-кундузда деярли 100 минг йўловчи ўтади. Бу тайёрагоҳ бир кеча-кундузда 700 та самолётни қабул қилиб, яна учуриб юборади. Тигиз ишлаган вақтда соатига 100 тагача тайёра қўниб ўчади.

[21]. Норвегиянинг деярли бутун денгиз флоти чет эл портлари орасида юк ташиш билан банд. Бу — Норвегиянинг мингдан ортиқ кемаси ҳеч қачон ёки деярли ҳеч қачон ўз портларига қирмай сузиб юради, деган гапдир.

Китоб жавонингизга

1. Земля и человечество: Глобальные проблемы//«Страны и народы» серияси.— М.: Мысль, 1985. II, III қисмлар.
2. Володин В., Хазановский П. Энергия, век двадцать первый.— М.: Детская литература, 1989.
3. Юдашн Л. С. Энергетика: проблемы и надежды.— М.: Просвещение, 1990.
4. Гаврилов В. П. Черное золото планеты.— М.: Недра, 1990.
5. Федотов Г. Звонкая песнь металла.— М.: Просвещение, 1990.
6. Залогин Б. С. Океан человеку.— М.: Мысль, 1985. III боб.

БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИШ БЎЛИМИ

1- топшириқ. 23- расмни таҳлил қилинг. XX аср давомида жаҳонда бирламчи энергетика ресурслари истеъмолида рўй берган ўзгаришларни тавсифланг. Унинг ривожланиш босқичлари чегараларини аниқланг.

2- топшириқ. Дарслик матни, I ва 4-жадвал ва 24 ва 25- расмлар, шунингдек атласдаги жаҳон энергетикаси харитаси (16- бет) маълумотларига асосланиб, жаҳон нефть саноатига муфассал таъриф беринг. Нефть қазиб чиқарадиган давлатларнинг «биринчи ўнлигини» ажратиб кўрсатинг. Ўйлаб кўрингчи, бу ўнлик нимадан далолат беради. Бу ишларни бажаришда жаҳон хўжалиги тармоқлари таърифининг намунавий режасидан фойдаланинг (режани 146- бетдан кўринг).

3- топшириқ. Дарслик матни, 4- жадвал ва 6 ҳамда 27- расм, шунингдек атласдаги жаҳоннинг энергетикаси харитаси маълумотлари асосида жаҳон кўмир саноатига муфассал таъриф беринг. Кўмир қазиб чиқарадиган давлатларнинг «биринчи

ўнлиги» ни ажратиб кўрсатинг. Шу муносабат билан сизда қандай саволлар тугилди? Жаҳон хўжалиги тармоқлари таърифининг намунавий режасидан фойдаланинг (режани 146-бетдан кўринг).

4- топширик. Дарслик матни, 4- жадвал ва 31 ҳамда атласдаги жаҳон электр энергетикаси харитаси маълумотларига асосланиб, электр энергия ишлаб чиқариш бўйича «биринчи ўнлик» мамлакатларини ажратиб кўрсатинг. Иқтисодий жиҳатдан ривожланаётган мамлакатларни жон бошига электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича ўзаро таққосланг. Бу таққослаш нимани билдиради?

5- топширик. Дарслик матнидан фойдаланиб, дафтарингизда минерал хомашёни экспорт қиладиган ва импорт қиладиган мамлакатлар рўйхатини тузинг. Бу рўйхат нималарни билдиради?

6- топширик. Дарслик матни, 5- жадвал ва 28—29- расмлар маълумотларидан, шунингдек атласдаги қора металлургия харитасидан фойдаланиб (17- бет) жаҳон қора металлургиясини муфассал тавсифланг. Бунда жаҳон хўжалик тармогини тавсифлашнинг намунавий режасидан фойдаланинг (146- бетдаги режага қаранг).

Кўшимча (мураккаблаштирилган) топширик. Атласдаги жаҳон қора металлургияси харитасидан фойдаланиб, қуйидагиларга таянувчи sanoat райони ва марказларига уч-тўртта мисол келтиринг: 1) тошкўмир ва темир рудаси захиралари биргаликда мавжудлигига; 2) тошкўмир захиралари мавжудлигига; 3) темир рудаси захиралари мавжудлигига; 4) кўмир ва руда ташиладиган транспорт йўналишлар мавжудлигига.

7- топширик. Атласдаги жаҳоннинг рангдор металлургияси харитасидан (18- бет) оғир рангдор металл эритиладиган энг асосий мамлакатларни аниқланг. Ўша харитадан алюминий sanoatининг қандай хом ашёга асосланиб ишлашига мисоллар келтиринг. 1. Ўз хом ашёси асосида. 2. Келтириладиган хом ашё асосида ишлайдиган корхоналар. Бу таҳлил асосида хулосалар чиқаринг.

8- топширик. Атласдаги жаҳон машинасозлиги харитаси (19- бет) ва 6- жадвал маълумотлари асосида дарслик маълумотларини тўлдириг ва ойдинлаштиринг. Бу тармоқнинг жаҳон хўжалигида нотекис жойлашганлигини кўрсатувчи мисоллар келтиринг.

Кўшимча (мураккаблаштирилган) топширик. Атласдаги жаҳон машинасозлик харитаси асосида дафтарингизда «Жаҳон мамлакатларининг машинасозликнинг ривожланганлик даражаси бўйича бўлиниши» жадвалини тузинг. Жадвалда тўрт гуруҳ мамлакатни ажратинг.

Мисол тариқасида ҳар бир катакка беш-олтита мамлакат номини ёзинг. Бу жадвалдан қандай маълумотлар олиш мумкинлиги хақида ўйлаб кўринг.

9- топширик. Атласдаги жаҳон кимё sanoati харитасидан

(20- бет) жаҳон кимё саноати жойлашишининг асосий белгиларини очиб беринг, дарслик матнини тўлдириб, оидинлаштиринг. Намуна сифатида 6- топшириқдан фойдаланинг.

10- топшириқ. Атласдаги жаҳон енгил саноати ҳаритасидан (21- бет) бу тармоқ ҳудудий жойлашувининг асосий хусусиятларини очиб беринг, дарслик матнини конкретлаштиринг. Мисол тариқасида 8,9- топшириқлардан фойдаланинг.

11- топшириқ. Дарслик матни, 7- жадвал, 32,33- расмлар ва атласдаги жаҳон қишлоқ хўжалиги харитаси (22- бет) асосида дарсликдаги донли экинларнинг жойланиши ҳақидаги маълумотларни конкретлаштиринг. Бугдой ва шולי етиштиришда «биринчи ўнлик»ка кирувчи мамлакатларни айтиб беринг.

Кўшимча (мураккаблаштирилган) топшириқ. Дарслик форзацидаги мамлакатларнинг «визит карточкаси» маълумотларидан фойдаланиб, Хитойда (ялли ҳосил 450 млн. т), АКШда (315), Ҳиндистон (210) ва Францияда (60) аҳоли жон бошига қанчадан дон етиштирилишини ҳисоблаб чиқинг.

12- топшириқ. Дарслик матни, 36- расм ва атласдаги жаҳон қишлоқ хўжалиги харитасидан фойдаланиб, дафтарингизда «Чорвачилик энг асосий тармоқларининг тарқалиши» тартибий жадалини қуйидаги шаклда тузинг:

Чорвачилик тармоқлари	Бу тармоқлар тарқалган энг асосий мамлакатлар
а) қорамолчилик б) чўчқачилик в) қўйчилик	

Чорвачилик айрим тармоқларининг бундай жойлашиши сабабларини сиз қандай тушунтирган бўлар эдингиз?

13- топшириқ. Атласдаги жаҳон транспорти харитасидан (23- бет) фойдаланиб, Европа, Осиё, Африка, Америка, Австралия ва Океания мамлакатларини транспорт шохобчалари билан таъминланганлик даражасига кўра таққосланг. Темир йўллари умуман йўқ мамлакатларга мисоллар келтиринг.

14- топшириқ. 37- расмдан денгиз кемаларининг юк сизимига кўра «биринчи ўнлик»ка кирувчи мамлакатларни аниқланг, денгизда кема қатновининг асосий йўналишларини белгиланг. Жаҳон аҳамиятига молик портларга мисоллар келтиринг ва уларнинг ҳудудий тарқалишини тушунтириб беришга ҳаракат қилиб кўринг.

Кўшимча (эрмак учун) топшириқ. Дунёнинг сиёсий харитасидаги денгиз йўлларининг узунлиги ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиб, Сувайш каналидан фойдаланилганда Лондон билан Токио орасидаги масофа қанча қисқаришини ҳисоблаб чиқинг. Ўша харитадан дунёдаги энг узун денгиз йўлларини топинг.

15- топширик. 43—45- расмлардан дарслик матнини конкрет-лаштиришда фойдаланинг. Жаҳондаги туризмга бўлган жуда катта қизиқиш кўламини кўрсатиб беринг. Туристларнинг йирик регионлар бўйича қандай тақсимланганлигини айтиб беринг.

16- топширик (яқуний). 1. (Дафтарда ишлаш) Дарслик матни ва 5- мавзунинг жадвал ҳамда расмлари, шунингдек атлас хариталари асосида «Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига кўра жаҳонда биринчидан учинчигача бўлган ўринларни эгаллайдиган мамлакатлар» харита-диаграммасини тузинг. Бу харита-диаграммани таҳлил қилиб, қандай саволлар қўйиш мумкин?

2. Мазкур мавзунинг ўрганиш вақтида ўзингиз фойдаланган дарслик ва атлас хариталарини таҳлил қилинг. Бу хариталарни тузишда қандай картографик усуллардан фойдаланилганлигини аниқланг. Бу хариталардан қандай маълумотлар олиш мумкин?

3. (Дафтарда ва ёзувсиз харитада ишлаш) Дарслик матни, 5- мавзунинг жадвал ҳамда расмлари ва атлас хариталари асосида «Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини четга чиқарувчи асосий мамлакатлар» жадвалини тузинг. Сиз қандай ўйлайсиз, юқорида санаб ўтилган экспорт маҳсулотлари мамлакатларнинг халқаро ихтисослашган тармоқларини белгилай оладими? Бу мамлакатларни ёзувсиз харитага тушинг.

4. (Дафтарда ишлаш) Жаҳон мамлакатларининг иқтисодий ва ижтимоий географияси курсидан ва олдинги география курсларидан олган билимларингиздан фойдаланиб, «Саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспортнинг атроф-муҳитга таъсири» номли жадвал тузинг. Жадвал қуйидаги шаклда бўлсин:

1- гуруҳ тармоқлар	2- гуруҳ тармоқлар	3- гуруҳ тармоқлар	4- гуруҳ тармоқлар
Атроф-муҳитнинг ҳамма ёки кўпчилик таркибий қисмларига таъсир этади.	Асосан ҳавони ифлослайди	Асосан сувни ифлослайди	Асосан тупроқ қопламани бузади

Дарслик матнидан фойдаланиб, жадвални аниқ географик мисоллар билан тўлдириг.

5. 5- мавзунинг бирор параграфи матни асосида шундай икки-учта савол тузингки. унда дарслик матнида тўғридан-тўғри жавоб бўлмасин. Бу саволларга ўзингиз жавоб бериб кўринг.

6. Мазкур мавзуга (ёки унинг айрим бобига) тавсия қилинган китоблардан бирига ёки ўзингизга маълум китоблардан бирига қисқача таъриф (реферат) ёзинг.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ВА ЎЗARO НАЗОРАТ БЎЛИМИ

Сиз қуйидагиларни қандай тушунтирасиз:

1. Жаҳон ёқилғи-энергетика балансида XX аср давомида қандай ўзгаришлар бўлди ва буларнинг сабаблари нимада?

2. Нефть казиб олувчи районлар билан нефть истеъмол қилувчи районлар ўртасидаги ҳудудий узилиш, яъни масофанинг айниқса катталигига сабаб нима?

3. Жаҳоннинг машинасозлик ва кимё саноати харитасида ривожланаётган мамлакатларда деярли ҳеч нарса кўрсатилмаганлигига сабаб нима?

4. Жаҳонда донли экипларнинг ҳудудий жойлашиш хусусиятларини айтиб беринг.

Сиз қандай деб ўйлайсиз:

1. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти таркибида ундирувчи саноат тармоқларининг салмоғи катталиги билан Ғарбнинг ривожланган мамлакатлари иқтисодиёти таркибида бу саноат тармоқлари салмоғининг пасайиши ўртасида қандай боғлиқлик бор. У нимадан дарак беради?

2. Йирик, айниқса жаҳон аҳамиятига молик порт — мамлакат иқтисодиётини, қолаверса жаҳон хўжалиги иқтисодиётини кўрсатувчи ўзига хос барометр, деб таъкидлаш бўладими?

3. Нима учун Атлантика океани дунёнинг энг гавжум денгиз йўли бўлиб қолди?

Биласизми:

1. Қуйида санаб ўтилган мамлакатлардан қайси бирлари кўмир казиб чиқаришда дастлабки уч ўринни эгаллайди: Канада, Хитой, Буюк Британия, Россия, Польша, АҚШ?

2. Қуйида санаб ўтилган мамлакатлардан қайсилари а) қора металллар, б) рангдор металллар, в) қора ва рангдор металллар ишлаб чиқаришда энг катта ўрин тутади: Россия, Канада, Замбия, Чили, Малайзия, Зоир, Япония, АҚШ?

3. Мазкур харита чизмада харфлар билан белгиланган мамлакатлардан қайсилари қуйидагиларни энг кўп етиштиради: 1) картошка, 2) соя (ловия), 3) кунгабоқар, 4) канд лавлаги, 5) шакар-қамиш, 6) чой, 7) қахва, 8) какао, 9) пахта толаси?

4. Қуйида санаб ўтилган қайси беш мамлакат жаҳон бозорига энг кўп бугдой экспорт қилади: Аргентина, Буюк Британия, АҚШ, Ҳиндистон, Франция, Канада, Австралия, Бразилия, Индонезия?

5. Қуйида санаб ўтилган мамлакатлар чорвачилик қайси турининг сони бўйича биринчи ўринларни эгаллайди: Хитой, Ҳиндистон, Австралия?

6. Қуйида қайд қилинган мамлакатлардан қайси бирлари жаҳонда энг катта денгиз флотига эга: АҚШ, Буюк Британия, Франция, Япония, Либерия, Панама, Норвегия?

Қуйидагиларни бажара оласизми:


1. Дарслик матнида ва хариталарида кўрсатиб ўтилган Польша, Руминия, Греция, Филиппин, Малайзия, Корея Республикаси, Либерия, Замбия, Чили, Панамани ёзувсиз харитага ёддан тушира оласизми?.

2. Қуйидаги атамаларга таъриф бера оласизми: «Энг янги тармок», «Энергиянинг ноанъанавий манбалари», «Контейнерлаштириш», ё «эркин иктисодий зона»?

3. Дунёдаги энг катта нефть қазиб олувчи қуйидаги беш мамлакатни қазиб оладиган нефтининг ҳажми бўйича тартиб билан жойлаштира оласизми: 1) Россия, 2) Япония, 3) АҚШ, 4) Хитой, 5) Канада?

4. Электр энергиясини энг кўп ишлаб чиқарадиган қуйидаги беш мамлакатни улар ишлаб чиқарадиган электр энергияси ҳажмига қараб тартиб билан жойлаштира оласизми:

1) Россия, 2) Япония, 3) АҚШ, 4) Хитой, 5) Канада?



35- расм.

5. Машинасозлик саноати юксак даражада, ўртача ва паст даражада ривожланган мамлакатларга иккитадан мисол келтира оласизми?

6. Дунёдаги энг катта портни ва Европа, Осиё ва Шимолий Американинг ҳар биридаги жаҳон аҳамиятига молик иккитадан портни харитадан кўрсата оласизми?

7. Қуйидаги таъкидлар қанчалик тўғри эканлигини аниқлаб, керакли жумлаларда уларга тўғри жавоб топинг:

1) дунёда қазиб олинadиган нефтнинг катта қисми уни қазиб олувчи мамлакатларда ишлатилади; 2) Япония Ғарбнинг ривожланган мамлакатлари орасида энг кўп пўлат ишлаб чиқарувчи мамлакат ҳисобланади; 3) жаҳондаги шоли ялпи ҳосилининг тахминан $\frac{9}{10}$ қисми Осиё мамлакатларига тўғри келади; 4) Жаҳон темир йўл тармоқларининг умумий узунлиги тезлик билан ўсмоқда; 5) Австралия экспортида машина ва асбоб-ускуналар устиворлик қилади.

8. Қуйидаги гаплардан тушириб қолдирилган жойларини тўлдир аласизми: 1. Жаҳон энергетикаси 80- йилларда ўз тараққиётининг ... босқичига кирди. 2. Жаҳонда машинасозлик саноатининг ... энг асосий региони таркиб топди. 3. Донли экинлар бутун ҳайдаладиган ерларнинг сини эгаллайди, бу экинлар орасида ... алоҳида ажралиб туради. 4. «Арзон байроқлар» га эга бўлган мамлакатларга ... яққол мисол бўлиши мумкин.

5- МАВЗУ УЧУН МЕТОДИК ОЧҚИЧ

Нималарни эсламоқ керак

1. Россия халқ хўжалигининг таркиби ва энг муҳим тармоқлараро ишлаб чиқариш комплекслари (География, 9- синф). 2. Материкларда табиат зоналарининг жойлашиши (География, 7- синф). 3. Океанлардаги табиий бойликлар ва инсон хўжалик фаолиятининг турлари (География, 7- синф). 4. Маданий ўсимликларнинг келиб чиқиши (Биология, 7- синф). 5. Нефтнинг таркиби ва хоссалари, темир ва алюминийнинг табиий бирикмалари, ўғитларнинг турлари (таснифи) (Химия, 9, 10- синфлар). 6. Иссиқлик двигателлари ва табиатни муҳофаза қилиш. (Физика, 10- синф). 7. Жаҳоннинг табиат бойликлари ва экологик муаммолари, ишлаб чиқаришни жойлаштириш омиллари, халқаро ихтисослашган тармоқлари (География, 10- синф). 8. Тушунча ва атамалар: ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуи (комплекси), ишлов берувчи саноат, ундирувчи саноат, кўп материал талаб ва кўп энергия талаб ишлаб чиқаришлар, интенсив ва экстенсив ривожланиш йўллари, ёқилғи-энергетика мувозанати, конструкцион материаллар, юк ўтказиш, экспорт, импорт (География, 9- синф).

Нималарни билиб олмоқ керак.

5- мавзунинг асосий ғоялари:

1. ФТИ даврида ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий жойлашувига фан-техника тараққиёти тобора кучли таъсир эта боради. 2. Ҳеч бир мамлакат, ҳатто энг катта мамлакат ҳам бутун жаҳон иқтисодий муносабатларининг фаол иштирокисиз жадал ривожлана олмайди.

2. 5- мавзунинг асосий илмий маълумотлари:

1. Жаҳон ёқилги-энергетика, металлургия, машинасозлик, кимё, тўқимачилик саноатларининг таркиби ва ҳудудий жойлашининг асосий хусусиятлари. 2. «Яшил инқилоб» тушунчаси. 3. Жаҳон дехқончилиги ва чорвачилигининг таркиби ҳамда ҳудудий жойлашининг асосий хусусиятлари. 4. Жаҳоннинг куруклик, сув ва ҳаво транспортларининг таркиби ва ҳудудий жойлашининг асосий хусусиятлари. 5. Халқаро иқтисодий алоқаларнинг таркиби ва ҳудудий жойлашиш хусусиятлари.

5. Мавзудаги очкич сўзлар: 1) эски тармок, 2) янги тармок, 3) энг янги тармок, 4) энергиянинг ноанъанавий манбалари, 5) товар кишлок хўжалиги, 6) агробизнес, 7) истеъмол кишлок хўжалиги, 8) жаҳон транспорт системаси, 9) регионал транспорт системаси, 10) жаҳон аҳамиятига молик порт, 11) очик экономика (иқтисодиёт), 12) янги халқаро иқтисодий тартиб, 13) эркин иқтисодий зона.

Нималарни қилишни билиш керак:


1. Намунавий режадан фойдаланиб, жаҳон хўжалиги тармоқларига таъриф беришни. 2. Ишлаб чиқаришни жойлаштириш омиллари ҳамда халқаро ихтисослашув тармоқлари ҳақидаги билимлардан жаҳон хўжалиги тармоқларини таҳлил қилишда фойдаланишни. 3. Дарслик матни, статистик жадваллар, хариталар, графиклар, фоторасмлардан жаҳон хўжалиги тармоқларига таъриф беришда қўлланишни, уларни тартибга солиш, киёслаш, умумлаштиришни. 4. Турли хил манбалар маълумотлари асосида ҳар хил жадваллар тузишни. 5. Ўқиб чиққан китобингизнинг (унинг боб ва қисмларининг) қисқача мазмунини ёзишни.

Мустақил ўқув ишлари бўйича ўқув ҳосил қилишга доир йўл-йўриқ ва режалар

Жаҳон хўжалиги тармоқларини тавсифлаш режаси:

1. Тармоқнинг жаҳон хўжалигидаги аҳамияти, унинг тармоқлари, ривожланишига ФТИ нинг таъсири. 2. Тармоқнинг хом ашё ва ёқилги захиралари ҳамда уларнинг ҳудудий жойлашиши. 3. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва асосий географик регионлар бўйича маҳсулотнинг қандай тақсимланганлиги. 4. Ишлаб чиқарувчи асосий мамлакатлар. 5. Ишлаб чиқариш жойлашган асосий ҳудудлар: тармоқларнинг айнан шу ҳудудларда жойлашишига сабаб бўлган омиллар. 6. Тармоқнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келадиган экологик муаммолар. 7. Маҳсулот экспорт қиладиган асосий мамлакатлар (районлар), маҳсулот импорт қиладиган асосий мамлакатлар (районлар). Юк ташиладиган энг муҳим йўллар. 8. Тармоқни ривожлантириш ва жойлаштириш истиқболлари.

6-МАВЗУНИНГ ЧИЗМА-РЕЖАСИ



ЖАҲОННИНГ РЕГИОНАЛ ТАВСИФИ

6- МАВЗУ. ХОРИЖИЙ ЕВРОПА

Хорижий (МДХга нисбатан) Европа 5,1 млн. км² худудни эгаллайди; аҳолиси 500 млн. киши. Бу ерда тарихий тақдири умумий, сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатлари чамбарчас боғлиқ бўлган 40 га яқин мустақил (суверен) давлат жойлашган. Хорижий Европа — жаҳон маданияти (цивилизацияси) нинг ўчоқларидан бири, буюк географик кашфиётлар, sanoat тўнтаришлари, шаҳар агломерациялари, халқаро иқтисодий интеграция рўй берган китъа. Эндиликда гарчи «Европоцентризм» (яъни деярли барча буюк воқеалар «ватани» — Европа деб қараш) ортда қолган бўлса-да, бу регион бугунги кунда ҳам жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида муҳим ўрин тутади.

1. ХОРИЖИЙ ЕВРОПАНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ БИЛАН ТАНИШАМИЗ

1. Худуди, чегаралари, географик ўрни: икки асосий хусусияти. Хорижий Европанинг худуди шимолдан жанубга (Шпицберген Оролидан Крит оролигача) 5 минг кмга, Ғарбдан шарққа 3 минг кмдан ортиққа чўзилган. Европа мамлакатлари орасида катталари ҳам, кичиклари ҳам бор [1], бироқ уларнинг кўпчилиги нисбатан кичик мамлакатлардир.

Масалан, бельгияликларнинг шундай хазил гани бор: бу мамлакатга кириб келар экансиз, машинага ўз вақтида тормоз бериб улгурмасангиз кўшни мамлакатга ўтиб кетдим деяверинг. Ҳақиқатан ҳам, Москва — Лондон тезюарар поезда Бельгияни 140 минутда кесиб ўтади. Европадаги кўпгина мамлакатларнинг темир йўлларида ухлаш вагонлари йўқлиги тасодифий эмас. Регионнинг сиёсий харитасида битти мамлакатлар ёки микродавлатлар алоҳида гуруҳни ташкил этади.

Хорижий Европа мамлакатларининг иқтисодий географик ўрни икки асосий хусусияти билан белгиланади.

Биринчидан, бу мамлакатларининг бир-бирига нисбатан яқин қўшни эканлиги узига хос хусусиятидир. Худудининг кичиклиги,

чегараларининг яқинлиги [3] ва транспортининг яхши йўлга қўйилганлиги туфайли бу мамлакатлар ё бевосита чегараланади, ёки кичик масофагина уларни ўзаро ажратиб туради. Бунинг устига бу чегаралар кўпроқ шундай жойлардан ўтадики, улар транспорт алоқалари учун унча тўсик бўла олмайди.

Иккинчидан, аксарият мамлакатлар денгиз бўйида жойлашган бўлиб, уларнинг кўпи энг гавжум денгиз йўллари яқинидадир. Регионнинг Ғарбий қисмида денгиздан 480 км дан узоқда жойлашган, шарқий қисмида эса 600 км дан узоқ масофада бўлган бирорта ҳам жой йўқ. Буюк Британия, Нидерландия (Голландия), Дания, Норвегия, Исландия, Португалия, Испания, Италия, Грециянинг бутун ҳаёти қадим замонлардан бошлаб денгиз билан чамбарчас боғлиқ; уларнинг ҳар бирини иборали қилиб «денгиз қизи» деб атаса бўлади (1- топширик).

Регионнинг сиёсий харитаси ХХ аср давомида уч маротаба, яъни биринчи ва иккинчи жаҳон уруши ҳамда сўнги йилларда катта ўзгаришларни бошидан кечирди. Сўнги йиллардаги катта ўзгаришлар — Германиянинг бирлашганлиги, Литва, Латвия ва Эстониянинг мустақилликка эришганлиги ва Шарқий Европа мамлакатларидаги ижтимоий тузумнинг ўзгарганлигидан иборатдир.

Хорижий Европада давлат тузумига кўра республикалар ҳам, монархиялар ҳам бор; монархиялар орасида унитар (қўшма) давлатлар ҳам, федератив давлатлар ҳам мавжуд (2- топширик).

2. Табиий шароити ва ресурслари: катта ички тафовутлари. Хорижий Европада саноатнинг ривожланишига имкон берувчи табиий шароит ва ресурслар кўп жиҳатдан бу ердаги фойдали қазилмалар билан боғлиқ бўлиб келган. Бироқ фойдали қазилмаларнинг таркиби (тури) регионнинг шимолий — асосан платформадан иборат қисми билан жанубий — бурмали, яъни геосинклиналдан иборат қисмида бир-биридан анча фарк қилади.

Шимолий қисмда Балтика қалқони билан боғлиқ рудали фойдали қазилмалар ҳам, герцин бурмаланиши билан боғлиқ ёқилги фойдали қазилмалар ҳам бор; ёқилги фойдали қазилмалари кўпроқ платформанинг устидаги чўкинди жинс қатламларида ва чекка буқилмаларда жойлашган.

Мисол. Тошкўмир ҳавзалари орасида ГФР да Рур, Польшада — Юқори Силезия ҳавзаси, нефть-газ ҳавзалари орасида Шимолий денгиз ҳавзаси, темир ҳавзалари орасида эса — Франциядаги Лотарингия ва Швециядаги Кируна ҳавзалари алоҳида ажралиб туради.

Хорижий Европанинг жанубий қисмида магматик йўл билан пайдо бўлган рудали қазилмалар ҳам, чўкиндиларда ҳосил бўлган рудали қазилмалар (бокситлар) ҳам устун туради; бироқ ёқилги ресурслари эса анча кам. *Шундай қилиб, фойдали қазилма турларининг айрим мамлакатларда тўла эмислиги кўп*

жиҳатдан ҳудудларнинг тектоник тузилиши билан боғлиқдир.

Хорижий Европанинг гидроэнергетика ресурслари анча катта, бироқ улар асосан Альп тоғлари, Скандинавия тоғлари ва Динара тоғлари жойлашган ҳудудларга тўғри келади.

Регионнинг табиий шароити қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун нисбатан қулай бўлиб, бу қулайликдан қўп асрлардан бери кенг фойдаланиб келинади. Бунинг натижасида ишланадиган ерларни кенгайтириш имкониятларидан деярли фойдаланиб бўлинган, бу ерларнинг ўзи эса йилдан-йилга «зўриқмоқда» ёки торлик қилиб қолмоқда. Шу сабабли денгиз бўйида жойлашган кичикроқ мамлакатлар, аввало, Нидерландия (Голландия) денгизининг саёз қисмларини тупроқ тўлдириб ўзлаштиришни давом эттирмоқда.

Мисол. Нидерландияда қўп асрлар мобайнида дамба ва тўғонлар ёрдамида мамлакат бутун ҳудудининг $\frac{1}{3}$ қисми денгиздан ажратиб олинган. Шунинг учун голландларнинг «Ерни — худо яратди, Голландияни эса — голландлар» деган маталида жон бор. Илгари денгиз қўлтиги бўлган Эйсселмер қўлини қуритиш ниҳоясига етмоқда, денгиз бўйини тўла ҳимоя қилишни кўзда тутувчи «Дельта-план» дастурини амалга ошириш ҳам тугалланмоқда [4].

Регионнинг агроиклимий ресурслари унинг мўътадил минтақада, жанубий қисмида эса — субтропик минтақада жойлашганлиги билан боғлиқ. Ўрта денгиз бўйида деҳқончилик қилиш ерларни сугоришни такозо этади. Сугориладиган (обикор) ерлар Италия билан Испанияда энг кўпдир.

Ўрмон хўжалигини юритиш учун Швеция билан Финляндия энг катта табиий имкониятларга эга бўлиб, бу ерда типик ўрмон ландшафтлари устун туради. Ўрмонлар пасттекислик ва қирларни, дарё ва қўл қиргоқларини қоплаб ётади, аҳоли пунктларини ўраб туради. Халқ «ўрмонсиз Финляндия, жунсиз айик демақдир» деб бежиз айтмаган.

Хорижий Европа шунингдек катта ва хилма-хил табиий-рекреацион ресурсларга эгадир.

3. Аҳолиси: унинг кўпайиши, миграцияси, миллий таркиби, урбанизация. Кейинги вақтда хорижий Европа аҳолиси жуда секин ўса бошлади. Бунинг сабаби шуки, аҳолининг кўпайиши учун региондаги демографик вазият мураккабдир. Айрим мамлакатларда ҳатто аҳолининг сони тугилишнинг камлиги ҳисобига камайиб кетмоқда (46-расмга қаранг). Айни вақтда аҳолининг ёш таркиби ҳам ўзгармоқда, аҳоли таркибида кексаларнинг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда (12-расмга қаранг).

Буларнинг барчаси аҳоли ташқи миграциясининг жаҳон системасида регион салмоғининг кескин равишда ўзгаришига олиб келмоқда. Буюк географик кашфиётлар давридан тортиб эмиграциянинг бош ўчоғи бўлган *Хорижий Европа меҳнат эмиграциясининг бош ўчоғига айланди.* Эндиликда бу ерда чет

эллик ишчиларнинг сони 12—13 млн. га етди; уларнинг катта қисми фуқаро мавқеига эга бўлмай, вақтинчалик меҳмон-ишчилар (немисча — «гастарбайтерлар») дир (4- топширик).


Хорижий Европанинг аҳолиси миллий таркибига кўра нисбатан бир хилдир: Региондаги 62 миллатнинг аксарият қисми Хинд-Европа тил оиласига киради. Шуниси ҳам борки, славян, роман, герман тил гуруҳларининг анчагина ўзаро ўхшаш томонлари бор [5]. Улар оиласига мансуб тил гуруҳлари ҳам шундай хусусиятга эга [6]. Шунга қарамай регионнинг минг йиллар давомида шаклланган этник харитаси у қадар оддий эмас. Бу ерда бир миллатли давлатлар билан бирга, миллий таркиби мураккаб давлатлар ҳам анчагина бўлиб, уларда сўнгги вақтларда миллатлараро муносабатларнинг ўткирлашуви кузатилмоқда. Бунга Югославиядаги давлатнинг парчаланишига олиб келган миллий тўқнашувлар яққол мисолдир (5- топширик).

Хорижий Европанинг барча мамлакатларидаги устун дин — христианликдир. Жанубий Европада католикчилик, Шимолий Европада эса — протестантлик устун туради; Ўрта Европада эса улар турли нисбатдадир. Римда дунёдаги католикчиликнинг маркази — Ватикан жойлашган [7].


Хорижий Европа — дунёнинг аҳоли энг зич жойлашган регионларидан биридир. Бунда аҳолининг жойлашиши аввало шаҳарлар географиясига боғлиқ. *Бу ерда урбанизация даражаси дунёда энг каттадир*: шаҳарларда ўрта ҳисобда жами аҳолининг 70 % дан ортиги, айрим мамлакатларда эса 80 % ва ҳатто 90 % дан ортиги яшайди. Шаҳарларнинг умумий сони минглаб ҳисобланади, улар ҳудуд бўйлаб зич жойлашган. Минг йиллар давомида Ғарбий Европа шаҳар типини вужудга келди; унинг илдизлари Рим империяси даври ва Ўрта асрларга бориб тақалади.

Бундай шаҳарнинг марказида одатда ратуша ва собори бор бош майдон (бозор майдони) жойлашган бўлиб, ундан чор атрофга бадавлат шаҳарликларнинг уйлари, магазинлар, собиқ цех гильдияларининг бинолари қад кўтарган эски шаҳар кўчалари тарқалиб кетган. Эски шаҳарда одатда туристларни ўзига жалб қилувчи архитектураси ва тарихий жиҳатидан эътиборга лойиқ бинолар сақланиб қолган. Шаҳарнинг қолган қисмида кўпроқ замонавий иншоотлар қад кўтарган. Кўплаб эски Ғарбий Европа шаҳарлари дунёга машҳурдир.

Хорижий Европа урбанизациясининг характерли хусусияти — аҳолининг йирик шаҳарларда ва шаҳар агломерацияларида жуда зич тарқалганлигидир; шаҳар агломерациялари АҚШ билан Японияни кўшиб ҳисоблаганда Хорижий Европада улардагидан кўп. Булардан энг йириклари — Лондон, Париж ва Рейн-Рур агломерацияларидир. 70- йилларда — шаҳар ва агломерация жадал ўсган даврдан сўнг аҳолининг марказдан аввал яқин ва олис шаҳар атрофларига, кейинчалик эса янада олисдаги майда шаҳарларга ва кишлок жойларига томон



36- расм. Германиянинг ёш-жинс пирамидаси



37- расм. Хорижий Европанинг энг йирик шаҳарлари ва шаҳар агломерациялари

кўчиши («оқиши») бошланди ва у «яшил тўлқин» номини олди. Бунинг натижасида Лондон, Париж, Гамбург, Вена, Милан ва бошқа кўплаб шаҳарларнинг аҳолиси ё тургунлашди, ё қисқарди. Бу жараён фанда субурбанизация номини олди¹.

Субурбанизациянинг сабаблари кўп; булар — уй-жой фондининг эскириб ишдан чиқиб қолганлиги, аҳолининг шаҳар марказида жуда зичлашиб кетганлиги, атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашуви, корхоналарни қайта тиклаш учун жой етишмаслиги, кўплаб иш жойларининг шаҳар атрофига кўчирилиши, автомобиллаштиришнинг оммавийлашуви, шунингдек, кўпинча оилаларнинг ўз хусусий уйида (хонадонида) яшаш истаги кабилардан иборат. Бирок бу ҳол урбанизация жараёнининг тўхтаганини асло билдирмайди. Аксинча, субурбанизация жараёни қишлоқ жойларини ҳам тобора кўплаб камраб олади; бинобарин, шаҳар билан қишлоқ жойи ўртасидаги чегара тобора камая бориб, шартли тус олади.

Илмий башоратларга кўра регионда урбанизация даражаси XX аср охирига бориб 85% га етиши мумкин (6- топширик).

4. Хўжалиги: унинг дунёдаги ўрни, мамлакатлар ўртасидаги тафовутлар. Хорижий Европа бир бутун регион сифатида ~~саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳажми, товар ва хизмат кўрсатиш экпорти, олтин ҳамда валюта захиралари, халқаро туризмнинг ривожланиши жиҳатидан жаҳон хўжалигида биринчи ўринда туради.~~

Маълумки, Хорижий Европанинг иқтисодий қудратини биринчи навбатда Ғарб мамлакатларининг «қатта етилигига» қиравчи тўрт давлат — ГФР, Франция, Буюк Британия ва Италия белгилайди. Худди мана шу мамлакатлар турли тармоқлар ҳамда ишлаб чиқаришларнинг энг кенг мажмуига эга. Бирок улар қудрати ўртасидаги нисбат кейинги ўн йилликлар мобайнида ўзгарди. Лидерлик (карвонбошилиқ) мавқеини ГФР эгаллади; унинг иқтисодиёти қайта индустриялаштириш йўлидан тўртликнинг бошқа мамлакатларига нисбатан тадрижий ривожланмоқда. Бир вақтлар «дунёнинг устахонаси» ҳисобланган Буюк Британия эса ўзининг илгариги мавқеини кўп жиҳатдан йўқотиб бормоқда.

Хорижий Европанинг бошқа мамлакатларидан Испания, Нидерландия, Швейцария, Бельгия ва Швеция энг қатта иқтисодий мавқега эга. Юқоридаги тўрт етакчи мамлакатдан фарқли ўларок, бу давлатларнинг иқтисодиёти одатда Европа ёки бутун дунёда тан олинган айрим тармоқларга ихтисослашган. Кичик ва ўрта мамлакатлар жаҳон иқтисодий

¹ Субурбанизация (лотинча sub — атрофи, яқини ва urb — шаҳар) — шаҳар ва йўлдош шаҳарлар атроф зонаси аҳолиси сонининг ўсиш жараёни бўлиб, бу жараён нисбатан жадал суръатлар билан ўтади ва аҳоли ҳамда иш жойининг «шаҳарнинг» марказий қисмидан чеккасига томон силжишига («оқишига») олиб келади.

алоқаларида айниқса кенг иштирок этади. Иқтисодиётнинг жахон мамлакатларига очиклиги жиҳатидан Бельгия ва Нидерландия энг юксак даражага етди.

Регионнинг иқтисодий харитасида Шарқий Европа мамлакатлари алоҳида ўрин тутади; Шарқий Европада 80-йиллар охиридан бошлаб иқтисодиётни марказий режалаштиришга асосланган собиқ социалистик тизим бозор иқтисодиёти тамоийилларига асосланган тизимга ўтмоқда.

5. Саноати: етакчи тармоқлари. Хорижий Европанинг халқаро меҳнат тақсимотидаги «қиёфаси»ни 200 йилдан ортик вақт давомида ва кўп жиҳатдан ҳозирда ҳам саноатни ривожланиши белгилаб келди ва белгиламоқда.

Мисол. Хорижий Европа АҚШга қараганда металлсозлик дастгоҳлари, саноат роботлари, аник ва оптик ўлчов асбоблари, автомобиллар, тракторлар, нефть маҳсулотлари; пластмассалар, кимёвий толаларни кўп ишлаб чиқаради.

Машинасозлик — Хорижий Европа саноатининг етакчи тармоғидир: зеро бу регион машинасозлик ватанидир. Регион жами саноат маҳсулотининг $\frac{1}{3}$ қисми ва экспортнинг $\frac{2}{3}$ қисми машинасозликка тўғри келади.

Автомобиль саноати айниқса яхши ривожланган. Франциянинг «Рено», ГФРнинг «Фольксваген» ва «Мерседес», Италиянинг «ФИАТ», Швециянинг «Вольво», Чехиянинг «Татра» автомобиллари, Венгриянинг «Икарус» автобуси кабилар дунёга машхур. Бундан ташқари, Буюк Британия, Бельгия, Испания ва бошқа мамлакатларда «Форд-мотор» компаниясининг заводлари ишлаб турибди. Регионда ҳарбий саноат ҳам ривожланган, унинг асосий марказлари Мюнхен, Тулуза, Турин, Манчестер, Брюссель шаҳарларидир.

Авалло меҳнат ресусларига, илмий база ва инфраструктурага асосланган машинасозлик асосан йирик шаҳарларда ва агломерацияларда, шу жумладан пойтахт шаҳарларда жойлашади. Бирок, машинсозликнинг кўпдан-кўп тармоқчалари учун ўзига хос жойлашиш хусусиятлари хосдир.

1- мисол. Буюк Британияда электротехника, электроника, асбобсозлик, авиаракета-космик саноатсозлигининг ривожланиши жиҳатидан — Лондон райони, дастгоҳсозлик ва автомобилсозликнинг ривожланиши жиҳатидан — Бирмингем райони, тўқимачилик машинасозлиги жиҳатидан — Манчестер райони, кемасозлик буйича Глазго райони алоҳида ажралиб туради [8].

2- мисол. Хорижий Европанинг энг йирик саноат тугунларидан бири Венгриянинг пойтахти Будапешт шаҳри бўлиб, унда халқ хўжалигининг бу тармоғида 0,5 млн, дан ортик киши банддир. Бу ерда мамлакат жами саноат маҳсулотининг $\frac{1}{3}$ қисми ишлаб чиқарилади.

Бирок шундай районлар, ҳатто бутун бир мамлакатлар

хам борки, уларда машинасозлик саноати ниҳоятда тарқок жойлашган. ГФР, Бельгия, Нидерландия, Буюк Британия, Чехияда саноат корхоналари деярли ҳар бир шаҳарда бор.

Хорижий Европада кимё саноати машинасозликдан сўнг иккинчи ўринни эгаллайди. Бу айниқса бу региондагина эмас, балки бутун дунёда энг «кимёлашган» мамлакат ГФРга тааллуқлидир.

Иккинчи жаҳон урушига қадар кимё саноати асосан тошкўмир ва кўнгир кўмирга, калий ва ош тузларига, пиритларга таянган бўлиб, бундай қазилмалар жойлашган районларда ташкил топган эди.

Кимё саноатининг углеводород хомашёсига асослана бошлаши шунга олиб келдики, у энди «Нефть» конлари яқинида ташкил топа бошлади. Регионнинг гарбий қисмида бу силжиш даставвал Темза, Сена, Рейн, Эльба, Рона дарёлари эстуарийларида нефть кимёси саноатининг йирик марказлари вужудга келишида ўз аксини топди; бу ерларда кимё саноати нефтни қайта ишлаш саноати билан уйғунлашиб кетган.

Мисол. Нидерландиядаги Рейн ва Шельда дарёларининг эстуарийларида, Роттердам районида нефть-кимё ишлаб чиқаришлари ва нефтни қайта ишлаш заводларининг региондаги энг катта тугуни ташкил топди. У амалда бутун Гарбий Европада хизмат кўрсатади.

Регионнинг шарқий қисмида кимё саноатининг нефтьга «яқинлашуви» магистрал (шоҳ) нефть ва газ қувурлари трассаларида нефтни қайта ишловчи завод ва нефть-кимё комбинатларининг барпо этилишига сабаб бўлди.

Мисол. Чехия, Словакия, Польша, Венгриянинг асосий нефтни қайта ишлаш ва нефть-кимё тармоқлари корхоналари «Дўстлик» («Дружба») халқаро нефть қувури ва нефть ҳамда газ жўнатиладиган магистрал қувурлар трассасида қурилган. Болгарияда худди шу сабабга кўра нефть-кимё саноати корхоналари Қора денгиз бўйларида жойлашган.

Хорижий Европадаги кўндан-кўп мамлакатларнинг ёқилги-энергетика мажмуида нефть билан газ етакчи ўрин тутди. Улар регионнинг ўзидан (Шимолий денгиздан) ҳам қазиб олинади, ривожланаётган мамлакатлар, чунончи, Россиядан ҳам ташиб келтирилади. Буюк Британия, ГФР, Франция, Нидерландияда кўмир қазиб олиш ва уни ишлатиш қисқарди. Регионнинг шарқий қисмида ёқилги-энергетика саноатининг кўмирга таяниши хануз сақлашиб қолмоқда. Бунда тошкўмирга эмас (Польша, Чехия), балки кўнгир кўмирга асосланилади. *Афтидан, бутун жаҳонда бошқа ҳеч бир район йўқки, унинг ёқилги-энергетика балансида кўмир бунча катта роль ўйнасин.*

Мисол. Хорижий Европадаги энг йирик кўнгир кўмир хазалари Польша (Белхатув хавзаси), Чехия (Шимолий Чехия хавзаси) ва Германияда (Куйи Лаузиц, Галле Лейпциг хазалари) жойлашган.

Кўпчилик ТЭСлар (иссиқлик электр станциялари) ҳам

кўмир хавзаларига асосланган. Бироқ улар ташиб келтириладиган ёқилгига таяниб денгиз портларида ва йирик шахарларда ҳам қурилган. Электроэнергетиканинг структураси ва географиясига, айниқса Франция, Бельгия, ГФР, Буюк Британия, Чехия, Словакия, Венгрия, Болгарияда АЭС лар қурилиши ҳам катта таъсир кўрсатмоқда: АЭСлар сони ҳозирнинг ўзида 80 дан ошиб кетди (51-расмга қаранг). Дунай ва унинг ирмоқларида, Рона, Рейн, Дуэро дарёларида ГЭС лар ёки унинг бутун-бутун каскадлари бунёд этилган.

Мисол. Дунёдаги энг катта гидроузель 70-йиллар бошида Руминия ва Югославия билан ҳамкорликда Железние ворота даврасида қурилган. Унинг қуввати 2,1 млн. кВт, йилига 11 млрд. кВт соат электр энергияси ишлаб чиқаради.

Шунга қарамай, Норвегия, Швеция ва Швейцарияни истисно қилганда кўпчилик мамлакатларда ГЭС лар эндиликда ёрдамчи роль ўйнайди. Регион гидроресурсларининг $\frac{4}{5}$ қисмидан фойдаланилаётганлиги сабабли, сўнги

вақтда анча тежамли ГАЭС лар кўпроқ қурилмоқда. XX аср бошида дунёдаги биринчи геогЭС қурилган Италияда, Исландияда геотермал энергиядан фойдаланилмоқда.

Хорижий Европанинг металлургия саноати асосан ФТИ (фан-техника инқилоби) давригача шаклланган. Қора металлургия саноати аввало металлургия ёқилгиси ёки хомашёси бор мамлакатлар — ГФР, Буюк Британия, Франция, Испания, Бельгия, Люксембург [9], Польша ва Чехияда ривож топган.

Мисол. Польшанинг жанубий металлургия базаси Юқори Силезия тошкўмир хавзаси базасида шаклланган. Унинг таркибига йигирмага яқин завод, шу жумладан иккита улкан комбинат — «Хута-Краков» ва «Катовице» комбинатлари киради.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин йирик металлургия комбинатлари денгиз портларида чет элдан ташиб келтириладиган юқори сифатли ва арзон темир рудаси ҳамда темир-терсакка асосланиб қурилган ёки кейгайтирилган.

Мисол. Денгиз портларида қурилган энг катта ва замонавий комбинатлардан бири Италиянинг Таранто шахридадир. У йилига 10 млн. тоннадан ортик пўлат эритади.

Сўнги вақтларда катта комбинатлар эмас, балки мини-заводлар кўпроқ қурилмоқда.

Рангдор металлургия саноатининг энг муҳим тармоқлари алюминий ва мис саноатларидир. Алюминий ишлаб чиқариш саноати боксит захираларига эга мамлакатларда (Франция, Италия, Венгрия, Руминия, Грецияда) ҳам, алюминий хом ашёси йўқку, лекин электр энергияси кўп ишлаб чиқариладиган мамлакатларда (Норвегия, Швейцария, ГФР, Австрияда) ҳам вужудга келган. Кейинги вақтда алюминий заводлари ривожланган мамлакатлардан денгиз йўли орқали келтириладиган хом ашёга таяниб ишламоқда.



38- расм. Хорижий Европанинг саноат районлари.

Мис саноати ГФР, Франция, Буюк Британия, Италия, Бельгия, Польша [10], Югославияда энг ривож топган.

Кўпроқ хомашё манбаига асосланувчи ўрмон саноати Швеция ва Финляндияда халқаро миқёсда ихтисослашган тармоққа айланди; бу мамлакатлар аллақачон регионнинг асосий «ўрмон цехи»ни ҳосил қилган.

Бир вақтлар Фарбий Европа индустриясики бошлаб берган енгил саноат эндиликда ўзининг илгариги катта аҳамиятини анча йўқотган. Тўғри, саноат инқилоби тонгидаёқ шаклланган эски тўқимачилик районлари (Буюк Британиядаги Ланкашир ва Йоркшир, Бельгиядаги Фландрия, Франциядаги Лион, Италиядаги Милан), шунингдек, Польшанинг XIX асрга келиб ташкил топган Лодзь райони ҳозирги кунда ҳам мавжуд. Бироқ кейинги вақтда енгил саноат тобора Жанубий Европага томон «силжимокда»; чунки бу ерда хануз арзон иш қучи резервлари мавжуд. Чунончи, Португалия деярли регионнинг

бош «тикув фабрикаси»га айланди. Италия эса пойабзал ишла чикариш бўйича фақат АҚШдангина кейинда туради.

Қўпгина мамлакатларда мебель, музика асбоблари шиша металлдан ишланган буюмлар, ўйинчоқлар ва бошқа хи. маҳсулотларни ишлаб чикаришда бой миллий анъаналар ҳақ сақланиб қолмоқда [11] (7- топширик).

6. Қишлоқ хўжалиги: уч асосий типи. Қўпчилик мамлакатлар қишлоқ хўжалик маҳсулотининг асосий турлари бўйича ўз эҳтиёжини тўла қондириб, бу маҳсулотларнинг бир қисмини ташқи бозорда сотишдан манфаатдордир. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бу мамлакатларнинг аграр тузумида, **ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш**¹ тизимида анча ўзгаришлар рўй берди; бу ўзгаришлар универсал майда деҳқон хўжаликларининг ихтисослашган юксак товар маҳсулотли йирик хўжаликларга алмашинуви билан боғлиқ эди. Қишлоқ хўжалиги корхонасининг асосий типин юксак даражада механизациялаштирилган йирик фермадир. Бироқ Жанубий Европада ҳануз помешчик ер эгалиги ва ижарачи деҳқонларнинг кичик ерлардан фойдаланиши тизимлари сақланиб қолмоқда.

Хорижий Европа қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқлари зироатчилик ва чорвачиликдир; улар бир-бири билан ўрин алмашган ҳолда бутун регион бўйлаб тарқалган. *Табиий ва тарихий шароитлар таъсирида регионда қишлоқ хўжалигининг уч типини (тоифасини) вужудга келган. Булар: 1) Шимолий Европа, 2) Ўрта Европа ва 3) Жанубий Европа типларидир.*

Қишлоқ хўжалигининг Скандинавия, Финляндия, шунингдек Буюк Британияда тарқалган Шимолий Европа типини учун интенсив сут чорвачилигининг устунлиги, унга хизмат кўрсатувчи зироатчилик учун эса — озуқабоп экинлар (ем-хашак экинлари) ва жайдари бугдой етиштириш характерлидир. Ўрта Европа типини эса сут ва сут-гўшт чорвачилигининг, шунингдек чўчқачилик ҳамда наррандачиликнинг устун туриши билан ажралиб туради.

Мисол. Чорвачилик Данияда жуда юксак даражага етган бўлиб, бу ерда у аллақачон халқаро ихтисослашган тармоққа асосланган. Бу мамлакат дунёда мой, сут, пишлок, чўчқа гўшти ва тухум ишлаб чикариш ва экспорт қилиш бўйича энг йирик мамлакатлардан биридир. Уни кўпинча бутун Европанинг «сут фермаси» деб бежиз айтишмаган.

Зироатчилик аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондирибгина қолмай, чорвачиликка ҳам «ишлайди». Ерларнинг катта қисми озуқабоп ем-хашак экинлари билан банд.

¹ Ерга эгалик деб, муайян ҳуқуқий асосда ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланиш деб эса — қонун ёки одат бўйича ердан фойдаланиш усулига айтилади. Ерга эгалик давлатники, хусусий (деҳқонники, фермерники, помешчикники ва ҳ.к.), черковники бўлиши мумкин. Ерга эгаликда аввало хусусий ва ижара ер ажратилади.

Қишлоқ хўжалигининг жанубий Европа типи учун зироатчилик устун бўлиб, чорвачиликнинг иккинчи ўринга тушиб қолиш хосдир. Гарчи, регион экинлари орасида майдониغا кўра дон экинлари устун турса-да, Жанубий Европанинг халқаро ихтисослашуви аввало мева, цитруслар, узум (узум бу ерда азалдан хосилдорлик ва мўл-кўлчилик рамзи бўлиб хизмат қилади), зайтун, бодом, ёнгок, тамаки, эфир мойли экинлар билан белгиланади. Ўрта денгиз сохиллари — бутун «Европанинг бош боғидир».

Мисол. Испаниянинг бутун Ўрта денгиз бўйи қисми ва айниқса Валенсия районини одатда «уэрта», яъни «боғ» деб атайдилар. Бу ерда турли-туман мевалар ва сабзавот, бироқ энг кўп апельсин етиштирилади; уни териб олиш декабрь ойидан то март ойигача давом этади. Испания апельсин етиштириш жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради.

Айрим ҳолларда қишлоқ хўжалигининг ихтисослашуви жуда тор қоирададир; чунончи, Франция, Швейцария, Нидерландияда пишлок ишлаб чиқаришга [12], Франция, Италия, Испания, Португалия, Болгария, Венгрияда — узум етиштириш ва узум виноси ишлаб чиқаришга, ГФР ва Чехияда — ливо тайёрлаш учун арпа ва хмель етиштиришга [13], Нидерландияда — гуллар етиштиришга ихтисослашган [14] (53- расмга қаранг).

Балиқ тутиш Норвегия, Дания ва айниқса Исландияда азалдан халқаро ихтисослашган тармоқ ҳисобланади [15] (8- топширик).

7. Транспорт: бош магистрал ва тугунлари. Регионнинг регионал транспорт тизими асосан гарбий Европа типига киради. Юк ташувчи йўлларнинг узунлиги жиҳатидан у АҚШ ва Россиядан салгина орқада туради. Бироқ шуниси ҳам борки, Хорижий Европа транспорт шохобчалари билан таъминланганлик даражасига кўра улардан анча олдинда бўлиб, дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Транспорт қатнови ҳам ниҳоятда зич, халқаро ва транзит юк ташишларнинг роли ниҳоятда каттадир. Масофаларнинг нисбатан қисқалиги автомобиль транспортининг ривожланишига сабаб бўлди; эндиликда бу транспорт тури йўловчилар ташишдагина эмас, балки юк ташишда ҳам етакчи ўрин тутади. Темир йўл шохобчалари кўп мамлакатларда қисқармоқда, 50—70- йиллардаги янги катта қурилишлар Шарқий Европанинг айрим мамлакатларига — Польша, Югославия ва Албаниягагина хос эди.

Регион транспорт тармоқлари тўрининг шакли жуда мураккаб. Бироқ унинг асосий «синчи»ни халқаро аҳамиятга молик кенглик ва узунлик бўйича ўтган магистраллар ташкил этади.

Кенглик йўналишдаги асосий темир йўл магистралларига 1) Брест — Париж — Берлин — Варшава (у шарқда Минск ва Москвагача боради), 2) Лондон — Париж — Вена — Будапешт — Белград — София — Стамбул (у ёғи яқин шарқда давом этади), Париж — Прага (у ёғи Киевга боради) киради. Меридионал йўналишдаги асосий темир йўл магистралларига 1) Ам-

стердам — Брюссель — Париж — Мадрид — Лиссабон, 2) Лондон — Париж — Марсель, 3) Копенгаген — Гамбург — Франкфурт — Майн — Цюрих — Рим, 4) Росток — Берлин — Мюнхен — Рим, 5) Гданьск — Варшава — Вена — Будапешт — Белград — Афина киради. Автомобиль йўллари янада катта аҳамиятга молик, улар Германия ва Италияда энг ривож топган [16]. Регионнинг шарқий қисмида Шимол — Жануб трансевропа катта автомобиль йўли қурилмоқда; у Балтика бўйидан бошланиб то Адриатика соҳиллари ва Босфор бўғозигача етиб боради.

Дарё йўллари ҳам меридионал (Рейн) ёки кенглик (Дунай йўналишидадир). Рейн дарёсининг транспортдаги аҳамияти айниқса каттадир; унда йилига 250—300 млн. тонна юк ташилади. Икки энг муҳим сув артериясини ўзаро боғловчи Рейн — Майн — Дунай сув йўли ишга туширилгач, бу йўлнинг қуввати ва аҳамияти янада ортади.

Қуруқлик ва ички сув йўллари ўзаро кесишган жойларда йирик транспорт тугунлари вужудга келган. Асосан халқаро юкларни ташишга хизмат қилувчи денгиз портлари ҳам аслида шундай транспорт тугунларидир. Жаҳон аҳамиятига молик кўплаб портлар (Лондон, Гамбург, Антверпен, Роттердам, Гавр) ички районлар билан боғланган дарёларнинг қуйилиш қисмида эстуарийларда жойлашган. Буларнинг барчаси амалда бир бутун порт-саноат мажмуларига айланган. *Бу мажмулар денгиз хўжалиги тармоқлари, айниқса «порт саноати»нинг ривожланганлиги билан ажралиб туради; «порт саноати» асосан денгиз орқали ташиб келинган экспорт хомашё асосида ишлайди.* Булардан энг йириги — Роттердамдир.

Мисол. Роттердамчилик юк ташиш ҳажми йилига 250—300 млн. тоннани ташкил этади. Рейн дарёсининг тармоқларидан бирида денгиздан 33 км масофада жойлашган бу порт кўплаб Европа мамлакатлари учун денгиз йўлидаги асосий дарвоза вазифасини бажаради. У ички районлар билан Рейн ва Мозел дарёлари орқали ўтган сув йўллари, темир ва автомобиль йўллари, нефть газ қувурлари магистраллари билан боғланган.

Ғарбий Европа — ҳатто йирик табиий тўсиқлар ҳам транспорт алоқалари учун ўтиб бўлмас ғов бўла олмаслигига жуда яхши мисолдир. Кўплаб темир йўллар, автомобиль йўллари ва қувур йўллари Альп тоғларини кесиб ўтади. Паромлар Балтика, Шимолий ва Ўрта денгиз соҳилларини ўзаро боғлаб туради. Автомобиль йўллари кўприклари Босфор бўғозига ҳам қурилган [17]. «Аср лойиҳаси» ҳисобланмиш ва Ла-Манш бўғози орқали ўтувчи транспорт тоннели қурилмоқда [18].

8. Фан ва молия тизими: илмий тадқиқот парклари ва банк марказлари. Хорижий Европада ҳам АҚШдаги «Силикон водийси»даги каби кўплаб илмий-тадқиқот марказлари (парклари) вужудга келиб, улар бир қанча мамлакатлардаги «фанлар географияси»ни кўп жиҳатдан белгиламоқда. Улардан энг катталари Кембриж (Буюқ Британия), Мюнхен (ГФР) атрофида жойлашган. Франциянинг жанубида, Ницца районида «Юксак

технология водийси» деб аталувчи фан-техника маркази шаклланди.

Дунёдаги 200 та энг катта банкнинг 60 таси Хорижий Европададир. Банкир мамлакатнинг типик намунаси Швейцария бўлиб қолди: унинг сейф (темир кути) ларида бутун жаҳондаги қимматбаҳо қозғаларнинг ярми сақланмоқда. Мамлакатнинг «иктисодий пойтахти» бўлмиш Цюрих шаҳри бу соҳада алоҳида ажралиб туради. Кейинги вақтда Люксембург ҳам банкир мамлакатга айланди. Шундай бўлсада, региондаги энг йирик молиявий марказ Лондон эди ва у эндиликда ҳам энг катталигича қолмоқда.

9. Дам олиш ва туризм: дунёнинг бош туристик региони. *Сизга маълумки, Хорижий Европа — халқаро туризмнинг бош райони-дир.* Туризм бўйича рекордсмен мамлакат Испания бўлиб, унга йилига 50 млн. дан ортик турист келиб-кетеди. Бу демак, ҳар бир испанга биттадан ортик хорижий турист тўғри келади. Энг машҳур туристик давлатлар қаторига шунингдек Франция, Италия, Швейцария, Австрия, Буюк Британия, Чехия, Словакия, Болгария, Греция киради. Андорра, Сан-Марино, Монако [19] каби «митти давлатлар»да туристларга хизмат кўрсатиш анчадан бери асосий даромад манбаи ҳисобланади. Бу мамлакатларда ҳар бир маҳаллий аҳолига юзтадан турист тўғри келади.

Хорижий Европада туристик-рекреацион районларнинг икки тури — денгиз бўйи ва тоғ тури энг кенг тарқалган.

1- мисол. Денгизбўйи туризмнинг бош райони Ўрта денгиз бўйи бўлиб, унга йилига 100 млн. дан 150 млн. гача турист келиб-кетеди. Лагурия денгизи соҳиллари айниқса машҳурдир. Бу ерда шимолдан Альп тоғлари тўсиб турувчи Ривьера («Лазурний берег») маркази Ницца, Хорватиядаги Адриатика соҳиллари, Испания соҳиллари, Балеар ороллари жойлашган.

Тоғ туризмнинг асосий райони Альп тоғларидир. Тоғнинг қуйи минтақаси асосан даволанишда ва пиёда юришга асосланган туризмда, ўрта минтақаси — тоғ-чанғи спортида, юқори минтақаси эса альпинизмда фойдаланилади.

Гўё «ўз иқлимини сотувчи» мамлакатлар билан бирга, туристлар ва дам олувчиларни Европанинг қадимий қадамжойлари ҳам ўзига тартади. Париж, Рим, Мадрид туристларнинг ўзига хос «маккаси»дир. Бу шаҳарларда, июль — август ойларида маҳаллий аҳоли туристлардан камроқ бўлса керак. Шунингдек Лондон, Амстердам, Вена, Дрезден, Прага, Будапешт, Венеция, Неаполь, Афинага ҳам туристлар кўплаб келади (10- ижодий топширик).

10. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экология муаммолари: **хавфни энг би ўтиш.** Аҳоли зичлигининг юқорилиги, худудининг саноат ва қишлоқ хўжалигида анча вақт олдин ўзлаштирилганлиги туфайли Хорижий Европанинг табиий муҳити энг кўп даражада кишилиқ жамиятининг географик муҳитига айланди. Бу ерда антропоген ландшафтларнинг барча хили мавжуд. Бу ҳол айни вақтда табиатни муҳофаза қилиш ва экологияга оид кўплаб муаммоларнинг кескинлашувига олиб келди.

Булардан айримлари серкул кўмир (кўпроқ кўнгир кўмир)ни очик усулда казиб олиш, ёкиш ва кимёвий қайта ишлаш билан боғлиқ. Бошқалари — бир қанча шаҳарлар ва агломерациялар, металлургия, нефть-газни қайта ишловчи ҳамда нефть-кимё заводлари, АЭСларининг Рейн, Эльба, Дунай, Висла дарёларининг бўйида, денгиз сохилларида жойлашганлиги, учинчилари эса — кислотали ёмғирларнинг тарқалиши билан боғлиқдир. Тўртинчиси — автомобиллар оқимининг тобора кучайиши билан боғлиқ бўлиб, бир қатор шаҳар агломерацияларида бу оқимнинг зичлиги квадрат километрга 250—300 автомобилга етади. Бешинчиси — туризмнинг стихияли (бироз бетартиб) ривожланиши таъсирида бўлиб, бу ҳол табиий муҳитнинг Альп тоғларида ҳам, Ўрта денгиз сохилларида ҳам анча бузилишига олиб келди. Олтинчиси табиий муҳитга супертанкерлар вужудга келтирадиган фожиалар билан боғлиқдир; бундай фожиалар супертанкерлар Ла-Манш бўғозига кириб келавериш жойида айниқса тез-тез содир бўлиб туради [20].

Барча давлатлар давлат экология сиёсатини олиб бормоқда ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тобора қатъий чоратadbирларни қабул қилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш юзасидан жуда қаттиқ қонулар чиқарилган, «яшиллар»нинг оммавий ижтимоий ташкилотлари ва партиялари вужудга келди, кўпроқ велосипеддан фойдаланиш тарғиб қилинмоқда [21]; миллий парклар ва муҳофаза қилинаётган бошқа ҳудудлар шохобчалари кенгайтирилмоқда.

Буларнинг барчаси илк ижобий натижаларга олиб келди. Бироқ шунга қарамай экологик аҳвол кўпгина мамлакатларда ҳамон мураккаблигича келмоқда. Бу биринчи навбатда Буюк Британия, ГФР, Бельгия, Польша ва Чехияга тааллуқлидир.

Мисол. 80- йиллар Польшада кучли экологик хавф тугдираётган 27 ареал ажратилган ва бу ареалларда мамлакат аҳолисининг 35% яшаган. Польшадаги энг катта металлургия комбинати жойлашган кўхна Краков шаҳри экологик офат (кўнгилсизлик) шаҳри деб эълон қилинган.

Умуман Хорижий Европанинг шарқий қисмидаги экологик вазият гарбий қисмидагига қараганда анча ёмон.

2. БИЗ АҲОЛИ ПУНҚТЛАРИ ВА ХЎЖАЛИКНИНГ ГЕОГРАФИК «СЎРАТИ»НИ ЎРГАНАМИЗ

1. Ривожланишнинг «Марказий ўқи» — регион ҳудудий структурасининг бош элементи дир. Хорижий Европа аҳолиси ва хўжалигининг ҳудудий структураси асосан XIX асрдаёқ шаклланган, бу вақтда жойлашувнинг деярли бош омили табиий ресурслар бўлиб, Буюк Британия, Франция, Германия, Бельгия, Польша, Чехия ва бошқа мамлакатларда кўмир-металлургия районлари вужудга келган эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин эса бу структурага меҳнат ресурслари ва ИГУ нинг қулайлиги омиллари, сўнгги вақтларда эса — фан-техника ҳамда экология омиллари энг кучли таъсир кўрсатди.

Регионда жами 400 шаҳар агломерацияси ва юзга яқин sanoat райони бор. Булардан энг йириклари марказий ривожланиш

Ўқи доирасида жойлашган бўлиб, саккиз мамлакат ҳудуди бўйлаб 1,6 минг км. дан ортиққа чўзилган. Уз навбатида бу ўқнинг устуни бўлиб, Европанинг «бош кўчаси» — Рейн — Рона чизиги хизмат қилади. Бу «ўқ» чегарасида 120 млн. аҳоли яшайди ва регион барча иқтисодий салоҳияти (потенциали)нинг ярмига яқини тўпланган (38-расмга қаранг).

Хорижий Европада кичикрок бундай «ўқ»ларнинг яна бир нечасини ажратиш мумкин. Бу Польша, Чехия ва ГФР нинг умумий чегараси бўйлаб чўзилган sanoat-шаҳар минтақаси, Дунай «ўқи», асосий нефть қувурлари бўйлаб чўзилиб кетган полосалар, баъзи бир денгиз бўйи зоналаридир.

2. Юксак ривожланган районлар: Лондон ва Париж мисолида. Сизга маълумки, ўзида sanoatнинг энг янги тармоқлари, инфраструктура, фан, хизмат кўрсатиш соҳасини мужассамлаштирган юксак ривож толган районларга Катта Лондон ва Катта Париж пойтахт регионлари энг ёрқин мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шаҳар марказидан 70—80 км радиусдаги ҳудудларни эгаллаб ётган Лондон региониди 12—13 млн. киши яшайди, аҳоли зичлиги эса 1 км² га 750 кишига етади. Лондон марказий қисмининг аҳолисини бироз камайтириш мақсадида саккизта янги йўлдош шаҳар бунёд этилган.

Париж шаҳрининг рамзи (герби)да қумушсимон кемача тасвирланиб, унда «чайқалади-ю, лекин чўкмайди» деган ёзув бор. Дарҳақиқат, бу шаҳар мана саккиз аср бўлибдики, Франциянинг сиёсий маркази, унинг пойтахти бўлиб бутун мамлакатга жуда катта таъсир кўрсатиб келмоқда (57-расмга қаранг). Катта Парижда 10 млн. киши яшайди. У Франция ҳудудининг 1,5% ини эгаллайди, бироқ мамлакат sanoat маҳсулотининг $\frac{1}{4}$ қисмини ишлаб чиқаради; бу ерда фанни кўп талаб қиладиган тармоқлар кенг тарқалган, «париж маҳсулотлари» (яъни тикувчилик, заргарлик буюмлари ва бошқалар) бўйича эса у кўп асрлардан бери бутун дунёда машҳурдир. Бу ерда шунингдек, етакчи илмий муассасалар, монополияларнинг ва кўплаб халқаро ташкилотларнинг штабхоналари жойлашган. Франциянинг регионал дастурига кўра Катта Париж аҳолисини бироз сийраклаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

ГФР нинг маркази Штутгарт ва Мюнхен бўлган жанубий райони. Италиядаги Милан — Турин — Генуя «sanoat учбурчаси», Нидерландиядаги Рандстад sanoat-шаҳар агломерацияси («ҳалқа шаҳар») Хорижий Европанинг юксак ривожланган районларига яққол мисолдир.

3. Эски sanoat районлари: Рур мисолида. Дунёнинг ҳеч бир региониди етакчи тармоқларга эга эски sanoat районлари Хорижий Европадагидек кўп эмас. Уларнинг энг йириклари тошқўмир ҳавзаларига таяниб вужудга келган. Бироқ шундай районлар орасидан ҳам Рур райони алоҳида ажралиб туради; у кўп йиллар давомида ҳақли равишда Германиянинг индустриал юраги деб ҳисоблаб келинади.

Рур ҳавзаси ва унга туташ районларда юқорида тилга олинган

Рейн-Рур агломерацияси вужудга келган. 9 минг км² майдонга эга бўлган бу агломерацияда 11 млн. киши яшайди ва 25 катта шаҳарни қўшиб ҳисоблаганда юзга яқин шаҳар жойлашган. Афтидан дунёнинг ҳеч бир ҳудудига йирик шаҳар бунчалик гуж жойлашган ер бошқа йўқ. Агломерациянинг айрим қисмларида аҳоли зичлиги ҳар 1 км² га 5000 кишига етади. Унинг Рур қисми деярли узлуксиз мураккаб шаҳар массивидан иборат бўлиб, уни одатда «Рурштадт», яъни «Рур шаҳри» деб атайдилар. Ҳақиқатдан ҳам у бир бутун шаҳардан иборат бўлиб, гарбий дарвозаси — Дуйсбург, шарқий дарвозаси Дортмунд, пойтахти Эссен, асосий ички қисми бўлиб эса — Дюссельдорф ҳисобланади.

Бир неча минглаб корхоналари бўлган Рур саноати сўнгги йилларда анча қайта тикланди. 1950—60 йилларда Рур деярли «чўқаётган», яъни саноат ишлаб чиқариши пасаяётган районга типик мисол эди. Бугунги кунда эса у ҳақда асло бундай деб бўлмайди. Бундан ташқари «Рур осмони мусаффо бўлсин» деган шior остида «Амакижон Рейн» номи махсус экологик дастур амалга оширилди. Бундан яқиндагина Европанинг чикинди сувлар тўпланадиган дарёси бўлган Рейн тозаланиб, унда яна балиқлар пайдо бўлди.

Эски саноат районларига яна Буюк Британиядаги Ланкашир, Жанубий Уэльс, Франциядаги Эльзас ва Лотарингия, ГФР даги кўпинча «кичик Рур» деб аталувчи Саар, Польшадаги Юкори Силезия ва Чехиядаги Острава районлари мисол бўлиб ҳисобланади. Бироқ уларнинг кўчи саноатининг ривожланиш суръатлари бироз сусайган районлар каторига киради (11- топширик).

4. Қолоқ аграр районлар: Италиянинг Жануби мисолида. Буюк Хорижий Европада асосан аграр қолоқ районлар ҳам хануз талайгина бор. Бунга яққол мисол — Италиянинг Жанубидир; Мамлакат ҳудудининг 40% ини эгалловчи бу ҳудудда аҳолининг 35% и тўпланган бўлиб, унинг атиги 18% игина саноатда банддир. Бу ерда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад мамлакат Шимолидагига нисбатан деярли икки баравар кам. Иккинчи жаҳон урушидан кейин аграр аҳоли меъёридан зич эканлигидан Жанубдан 5 млн. дан ортик киши кўчиб кетиши натижасида бутун-бутун районлар одамсиз хувиллаб қолди.

Давлат Жануб иктисодиётини тиклашга қаратилган регионал сиёсат олиб бормоқда. Бу сиёсат натижасида Жанубда йирик металлургия нефть-кимё комбинатлари ва бошқа хил корхоналар барпо этилди. Натижада Жануб соф қишлоқ хўжалиги райони бўлиб қолмади. Бироқ комбинатлар атроф ҳудуд билан деярли боғланмаган, чунки улар ташиб келтириладиган хомашё асосида ишлайди; улар тайёрлаган маҳсулот эса бошқа районларга ва бошқа мамлакатларга жўнатилади. Шунинг учун ҳам итальянларнинг ўзлари бундай комбинатларни «чўлдаги ибодатхоналар» деб аташи бежиз эмас.

Хорижий Европанинг бошқа қолоқ аграр районларига Франциянинг гарбий қисми, Испаниянинг Марказий ва Жануби-гарбий қисми, «Португалия ва Греция

мисол бўла олади. Уларнинг барчаси «марказий ўқ» дан ташқарида жойлашган. Қолюқ аграр районларни юксалтириш — «кўтариш» муаммоси Шарқий Европанинг кўплаб мамлакатлари учун ҳам долзарбдир. Худди мана шунинг учун иккинчи жаҳон урушидан кейин Польшанинг шарқий ва шимолий районларини, Чехословакиянинг шарқий районларини (асосан Словакияни), Венгрия, Руминия, Болгариянинг ҳам шарқий районлари ва Югославиянинг жанубий районларини жадал ривожлантириш сиёсати амалга оширилди.

5. Янги ўзлаштирилаётган районлар: Шимолий денгиз мисолида. Хорижий Европанинг азалдан ўзлаштирилган худуди учун янги ўзлаштирилаётган районлар, умуман олганда унча характерли эмас. Одатда уларга Скандинавия ярим оролининг шимолий қисмигина мисол қилиб кўрсатилар эди. Бирок 1960 йиллар бошида Шимолий денгиз акваторийсида йирик нефть-газ ҳавзасининг очилиши вазиятни ўзгартириб юборди.

1990 йиллар бошига келиб бу «~~олтин туб~~»да нефть ва газнинг 250 дан ортиқ қони аниқланди; булардан энг катталари ~~Статфьорд~~ ва ~~Экофиск~~. Бундан ташқари, Нидерландияда соҳил яқинида дунёдаги энг йирик газ қонларидан бири ~~Слохтерен~~ бор.

Шимолий денгиздан нефть қазиб олиш 180 млн. тни, табиий газ олшн эса 140 млрд. м³ ни ташкил этади. Бу район Хорижий Европанинг нефтга бўлган эҳтиёжининг $\frac{1}{3}$, табиий газга бўлган эҳтиёжини эса $\frac{2}{3}$ қисмини қондиради. Эндиликда денгизни бург

платформалари деярли «илма тешиқ» қилиб юборишди, денгиз тагидан бир неча минг километрлаб қувурлар ўтган. Бирок шу муносабат билан экологик хавф тобора ортиб бормоқда, балиқ тутишга етказилаётган талафот ҳам шу қадар каттаки, уни асли ҳолига келтириш жуда мушкул.


6. Халқаро иқтисодий интеграциянинг регион хўжалиги худудий структурасига таъсири. Халқаро иқтисодий интеграцияга қулайлик яратувчи шарт-шароитларга қуйидагилар киради, худудий яқинлик, худуднинг юқори даражада ўзлаштирилганлиги, социал-иқтисодий ривожланишнинг юқори даражада эканлиги, транспорт билан яхши таъминланганлиги, иқтисодий алоқаларнинг қадимийлиги ва ҳ.к. Европа Иқтисодий ҳамкорлиги (ЕЭС) вужудга келгандан бери буларнинг барчаси айрим мамлакатлар хўжалиқ худудий структурасининг айниқса «марказий ўқ» доирасида янада такомиллашувига олиб келди. Германия билан Франция, Франция билан Белгия, Франция билан Италия ўртасида чегарали интеграцион районлар шаклланмоқда.

3. БИЗ ХОРИЖИЙ ЕВРОПАНИНГ СУБРЕГИОНЛАРИ ВА МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН МУСТАҚИЛ ТАНИШИБ ЧИҚАМИЗ.

1. Хорижий Европанинг субрегионлари. Хорижий Европа доирасида қуйидаги тўртта йирик қисм ёки субрегион

ажратилади: Шарқий Европа (1, 2 млн. км²), Ўрта Европа (1,5 млн. км²), Шимолий Европа (1,3 млн. км²) ва Жанубий Европа (1,1 млн. км²). Уларнинг ҳар бири бетақрор умумийликка эга бўлиб, бу умумийлик табиати ва ҳўжалик ҳаёти умумий (ўхшаш) белгилари ва унда яшовчи халқлар тарихий тақдирининг бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетганлиги билан боғлиқдир. Ҳар бир регионнинг танлаб олинган айрим мамлакатлари тўғрисидаги асосий маълумотлар китоб форзацидагига қўшимча равишда куйида келтирилди (12- топширик).

Ш А Р Т Л И Б Е Л Г И Л А Р









Мамлакатлар	Худуддан қандай фойдаланилади	Одамлар қаерда яшайдилар	Улар қаерда ишлайдилар	Мамлакат нима ишлаб чиқаради ва экспорт қилади
Польша				Машина ва ускуналар, денгиз кемалари, тошқўмир, мис, олтингугурт, доридармон, тўқимачилик буюмлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари
Чехия				Дастгоҳлар, АЭС учун ускуналар, электровозлар, электротехника буюмлари, мотоцикллар, кўмир, кокс, тўқимачилик буюмлари ва кийим-кечак, пойабзал, шакар, пиво
Болгария				Электротехника ва электроника буюмлари, кўтарма-транспорт ускуналари, рангдор металллар, тикувчилик ва тамаки маҳсулотлари, вино

39- расм.

Мамла- кәтлар	Хууддан қандай фойдаланилади	Одамлар каерда яшәйдилар	Улар каерда ишлайдилар	Мамлакат нима ишлаб чикарди ва экспорт қилди
Буюк Британия				Машина ва усқуна- лар самолётлар, ав- томобиллар, трак- торлар, қурол-ярәг нефть, кимёвий моддалар, газмол, енгил саноат маҳ- сулотлари
Франция				Автомобиллар, са- молётлар, денгиз кемалари, қурол- ярәг, АЭСлар учун усқуналар қорә ме- таллар, алюминий, газмол, пойабзал, атир-упа маҳсулот- лари, бугдой, сут ва гүшт маҳсулотла- ри, шакар, вино
ГФР				Автомобиллар, даст- гоҳлар, саноат ус- қуналари, электро- техника ва электро- ника буюмлари, қурол-ярәг, кимё- вий моддалар, енгил саноат маҳсулот- лари

Швеция				Автомобиллар, са- молётлар, денгиз кемалари, қурол- ярәг, подшинник- лар, ўрмон ва цел- люлоза-қоғоз сано- ати усқуналари, қо- ғоз, целлюлоза, те- мир рудаси, дори- дармонлар, чорва- чилик маҳсулотлари
Финляндия				Ёғоч гилиш матери- аллари, целлюлоза, ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш са- ноати усқуналари, денгиз кемалари, сут маҳсулотлари

40- расм.

Мамлакатлар	Худуддан қандай фойдаланилади	Одамлар қаерда яшайдилар	Улар қаерда ишлайдилар	Мамлакат нима ишлаб чиқаради ва экспорт қилади
Испания				Автомобиллар, денгиз кесмалари, электр асбоб-ускуналари, кимё маҳсулотлари, металл рудалари енгил саноат маҳсулотлари, цитрус мевалар, зайтун мойи, винолар
Италия				Автомобиллар, мотоцикллар, саноат ускуналари, қурол-яроғ, кимё маҳсулотлари, совуткичлар, кир ювиш ва идора машиналари, тўқимачилик ва тикув буюмлари, пой-абзал, сабзавот мевалар, цитруслар, винолар

41- расм.

Асосий хулоса. Хорижий Европа ҳудудига кўра дунёнинг энг кичик региони, бироқ унинг жаҳон ҳўжалигидиги роли ниҳоятда каттадир. Сўнгги йилларда регионнинг сиёсий ва иқтисодий харитасида катта ўзгаришлар рўй бермоқда.

ҚЎШИМЧА МАТН

(Кизикарли маълумотлар)

[1]. Хорижий Европанинг энг «узун» мамлакати — Норвегия бўлиб, у шимолдан жанубга 1750 км га чўзилган. Франция ва Буюк Британиянинг энг узун жойи 1000 км га яқин, ГФРники — 850 км, Венгрия ва Болгарияники — тахминан 500 км, Бельгияники — 230 км.

[2]. Региондаги микродавлатлардан энг «каттаси» Франция билан Испания орасида жойлашган Андорра Республикаси бўлиб, у 467 км² худудни эгаллайди (бу худуд Москва шаҳри майдонидан икки баравар кичик). Швейцария билан Австрия орасида жойлашган Лихтенштейн князлиги Рейн дарёси бўйлаб 25 км га чўзилган, мамлакатнинг эни эса атиги 10 км. Дастлабки давлат тузуклари 1263 й. га тўғри келадиган Сан-Марико Республикасини хар томондан Италия ўраб туради; бу митти давлатнинг майдони 67 км². Ўрта денгизнинг Франция соҳилларида жойлашган Монако князлигининг майдони атиги 1,9 км² бўлиб, узунлиги 2,7 км дир. Рим шаҳрининг гарбий қисмида жойлашган Ватикан давлат-шаҳари бор йўғи — 0,44 гектарда жойлашган.

[3]. Чехияда давлат чегарасидан 105 км дан узоқда жойлашган

бирорта аҳоли пункти йўқ. Бу кўрсаткич Болгарияда 120 км га, Руминияда 170 кмга, Польшада эса 230 км га тенг.

[4]. «Дельта-план» экологик дастури 1953-йилги ҳалокатли сув тошқинидан кейин қабул қилинган; ўша йили денгиз тўлқинлари таъсирида дамба ва шлюзлар емирилиб кетиб, Рейн, Маас ва Шельда дельталарини сув босиб, 50 минг хонадон вайрон бўлган. Бу ҳол сув тўлқинини тўсиш учун одамлар кеча-ю кундуз дамбадаги сув уриб кетган жойларни тўсишганига, капитанлар эса ўз кемаларини саёз жойларга қўйиб тўлқинлар йўлини тўсишга уринишларига қарамай рўй берган. Бу режага кўра дамба ва шлюзлар деярли барча дарё ҳамда каналларнинг куяр жойларини тўсади. Дамбаларни қуришга ишлатиладиган тошлар Швеция билан Финляндиядан ташиб келтирилади, Голландия мамлакатида дамбаларнинг умумий узунлиги ҳозирок 3 минг км дан ортиб кетди.

[5]. Жанубий славян халқларининг (болгарлар, серблар, македонияликлар, черногорияликларнинг) бир қисми славян ёзувидан фойдаланади; бу тиллар рус, украин ва белорус тилларига яқин. Масалан, болгар тилидаги «ден» сўзи русча «день» (кундуз)га тўғри келади, ҳар иккала халқ «утро»ни бир маънода ишлатади, болгарча «благодаря» — русча «спасибо», болгарча «сладолёд» — русча «мороженое»га тўғри келади. Бошқа славян халқлари — поляклар, чехлар, словаклар, хорватлар, словенлар — лотин ёзувидан фойдаланадилар.

[6]. Хорижий Европада Урал тил оиласига фин, венгр ва эстон тиллари киради; бу тиллар фонетик таркиби ва грамматик тузилишининг ўзига хослиги билан ажралиб туради.

[7]. Аҳолиси атиги минг кишидан иборат Ватикан давлат-шаҳари ўз ҳукумати, банки, гвардияси, қонунлари, валютаси, почта маркалари ва энг муҳими ўз монархи — Рим папасига эга. Ватиканнинг асосий функцияси дин билан боғлиқ, таъсир доираси эса бутун дунёни қамраб олади; зотан дунёдаги католик динига эътиқод қилувчилар 800 млн, кишини ташкил этади, черков хизматидаги руҳонийларнинг умумий сони 400 минг кишига; монах ва ярим монах ордени аъзоларининг умумий сони эса 1 млн. дан ортади.

[8]. Қлайд дарёси бўйидаги Глазго шаҳарида Британ пассажир флотининг энг катта кемалари «Куин Мэри» ва «Куин Элизабет» қурилган бўлиб, уларнинг сув сизими 80 минг тоннадан ортиқ.

Улар ҳозирги вақтгача 4 млн. дан ортик йўловчи ташиганлар.

[9]. Люксембург давлати гарчи чўян ва пўлат қўйишнинг умумий ҳажми жиҳатидан жаҳондаги мамлакатларнинг атиги йигирмалигига кирса-да, уларни жон бошига қўйишда (1 кишига 10 тонна чўян ва пўлат тўғри келади) у яқкаю-ягона биринчи ўриндадир.

[10]. Польша геологлари 50-йиллар охирида нефть қидираётиб, мис рудаси конини очдилар ва бу кон Европада энг катта бўлиб чиқди. Мисли қумтошларнинг чуқурлиги унча катта эмаслигига (1 кмгача) ва тоғ-геология шароитининг мураккабли-

гига карамай, бу мис кони ўзлаштирилиб, бу ерда Қуйи Силезия мис рудаси хавзаси вужудга келди.

[11]. Бельгия «браунинг» ов милтиқлари ишлаб чиқариш, олмосга ишлов бериш (Антверпен — бриллиантлар савдосининг дунёдаги марказидор), Австрия — тоғ чангилари, Чехия эса — бижутерия (тақинчоқлар), турли хил қаламлар ишлаб чиқариш билан машхур. Чехиянинг дунёга машхур «Кохи-Нор» фабрикаси кунига каттиқлиги 21 даражагача ва ранги 64 хил бўлган қалам ишлаб чиқаради. Лихтенштейнда эса дунёда энг катта сунъий тиш ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб, унинг махсулоти юздан ортиқ мамлакатга жўнатилади.

[12]. Францияда пишлоқ (сир)нинг 400 дан ортиқ хили бор. Айниқса катта шуҳрат қозонган «Рокфор» пишлоғи мамлакатнинг жанубидаги Рокфор деган жойда деярли минг йилдан бери ишлаб чиқарилади. Қўй сутидан ишланган бу пишлоқ ер остидаги жуда катта табиий горларда сақланиши туфайли алоҳида сифат ва таъмга эга. Швейцарияда сутнинг деярли ҳаммаси пишлоқ ва ёғ қилинади. Голланд таомларини ҳам пишлоқсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

[13]. Қадимги герман халқларига маълум бўлган пиво тайёрлаш ГФР ва Чехияда айниқса кенг тарқалди; бу давлатларда пиво ҳақиқий миллий ичимликка айланди. Германия пиво тайёрлашда ишлатиладиган хмель ўсимлиги етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Бу давлат айни вақтда жон бошига пиво истеъмол қилишда (йилига 160 литр) ҳам дунёда биринчи ўриндадир.

[14]. Нидерландия (Голландия) дунёда энг кўп гул етказадиган мамлакат. Амстердам шаҳри яқинидаги Алсмере шаҳарида дунёдаги энг катта гул бозори бор; бу бозор бийосининг сахни 30 та футбол майдонига тенг бўлиб, унда йилига биргина атиргул 1 миллиарддан ортиқ сотилади. Голландия гуллари 140 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинади. Мамлакатнинг ўзида ҳам ҳаммаёқда гулни учратиш мумкин.

[15]. Исландиянинг балиқ овловчи флоти мингта кемадан иборат бўлиб, уларнинг йиллик жами овлаган балиғи 1,7 млн. тоннани ташкил этади. Бу демак, жон бошига 7 тонна балиқ тўғри келади. Илгарилари асосан дунёда энг катта Исландия сельди ва трескаси овланар эди, эндиликда эса балиқ уни олинадиган мойва балиғи кўплаб овланмоқда. Мамлакат жами фаол аҳолисининг 40% и балиқ овлаш ва уни қайта ишлаш билан банд, мамлакат экспортида эса балиқ ва балиқ махсулотлари $\frac{3}{4}$ қисмини ташкил этади.

[16]. Дунёдаги биринчи автострада 1925 йил Италияда қурилган эди. Бу мамлакатда ҳозир ҳам Европадаги автострадалар ичда энг узун — «Қуёш автострадаси» бор. Узунлиги 1200 км ли бу автострада Италиянинг қуруқлик қисмида Альп тоғларидан то Мессина бўғозигача бўлган масофага чўзилган.

[17]. Стамбулдаги Босфор бўғози орқали ўтган кўприк

1973 йил очилган. Бу — Европадаги энг катта ва дунедаги ~~тўртинчи кўприкдир~~. Унинг узунлиги 1 км. Олти қатор транспорт ҳаракати йўлга қўйилганлиги туфайли кўприкдан бир кеча-кундузда 20 мингдан ортиқ машина ўта олади. 1988 йил худди шундай иккинчи кўприк ишга туширилди.

[18]. Ла-Манш бўғози орқали тоннель қуриш тўғрисидаги битим 1986 й. имзоланган бўлиб, у 1993 й. фойдаланишга топирилиши керак эди. Бу ерда ~~узунлиги 50 км~~ гача ўзаро параллель иккита темир йўл тоннели ўтказилмоқда (тоннелнинг 37 км қисми сув остидан ўтади). Тезюрар поездларда Лондон билан Париж шаҳарлари орасини 3 соатда босиб ўтиш имкони туғилмоқда. Улар йилига 30 млн., аср охирига бориб эса 50 млн. йўловчи ташийди.

[19]. Монаконинг энг эътиборга лойиқ жойларидан бири қимор ўйинлари ўтказиладиган уй бўлиб, у 1861 й. очилган. Бу ерда шунингдек океанография музейи бор. Соҳил яқинида аквалангистрлар учун қўриқладиган зона барпо этилган. Почта маркалари босиб чиқариш ҳам давлат хазинасига катта даромад келтиради.

[20]. Американинг Форс қўлтигидан Роттердамга томон сузиб кетаётган «Амоко Кадис» супертанкери 1978 йил март ойида Франция қирғоқлари яқинида рифларга урилиб, иккига бўлиниб кетган. Шунда денгизга супертанкердан 230 минг тонна нефть оқиб чиқиб катта полосада «кора бўғоз» ҳосил қилган ва бу нефть оқими пляжларни, устрица (қисқичбақанинг бир тури) боқиладиган плантацияларни, балиқчилар бандаргоҳини 200 км масофада қоплаган.

[21]. Велосипед энг оммавий транспорт воситаси сифатида Голландия билан Данияда энг машҳурдир. Норвежлар ҳақида гап кетганда улар гўё оёғида чанғиси билан тугилади дейишса, голландлар ва данияликларни гўё велосипеди билан тугилади, дейишади. Ҳозирги замон сайёҳларидан бири Голландияни қуйидагича тасвирлайди: Монах аёллар ва руҳонийлар, почтальонлар ва хизматчилар, ёшлар ва ўсмирлар, ажойиб шляпали аёллар, корзинасига маҳсулотлар солинган уй бекаларининг барчаси велосипед миниб юрадilar.

Китоб жавонингизга

1. Акрамов З. М. Испания бўйлаб саёхат. Тошкент: Ўзбекистон, 1982.
2. Страны, хозяйство, люди: Книга для чтения учащихся 10 класса (Составитель А. П. Кузнецов — М.: Просвещение, 1988, 3—4- қисмлар.
3. «У карты мира» сериясида Чехословакия (1982), Венгрия (1990), Буюк Британия (1986), Нидерландия (1984), Италияга (1985) бағишланган рисоалар. М.: Мысль, 1982—1990 йй.

БИЛИМ ВА ҚЎНИКМАЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИШ БЎЛИМИ

1- топширик.

Атлас хариталаридан фойдаланиб, Хорижий Европадаги бирор мамлакатнинг иқтисодий-географик ўрнини тавсифлаб беринг. Бунда мамлакатнинг ИГЎ ни тавсифлашнинг намунавий режасидан

**Кўшимча
топширик
(хоҳишга кўра)**

2- топширик.

фойдаланинг (179- бетдаги режага қара-
ранг). Атласдаги сиёсий харитадан регион-
даги қайси мамлакат энг кўп кўшни мам-
лакатга эга эканлигини аниқланг. Бунинг
қандай аҳамияти бор?

Хорижий Европа мамлакатларининг дарс-
лик форзацидаги «визит карточкаси» дан
фойдаланиб, давлат тузумининг тавсифи-
ни ойдинлаштиринг. Тарих курсидаги
билимларга таяниб, нима учун дунёнинг
ҳеч бир қисмида конституцион монархия-
лар Ғарбий Европадагичалик кўп сақла-
ниб қолмаганлиги сабабини тушунтириб
беринг. Республика ва Монархияларни
ёзувсиз харитага туширинг.

3- топширик.

Хорижий Европанинг атласдаги фойдали
қазилмалар харитасидан фойдаланиб, ре-
гион мамлакатларини ёқилги рудали ва
рудасиз фойдали қазилмаларининг бойли-
ги ҳамда хилма-хиллигига кўра таққос-
ланг. Бунда мамлакат (регион) саноати-
нинг ривожланиши учун зарурий табиий
шарт-шароитлар намунавий тавсифидан
фойдаланинг (179- бетдаги режага қара-
ранг). Атлас харитасига қараб Буюк Британия,
ГФР, Франция, Италия, Болгария, Гре-
ция, қайси географик кенгликларда жой-
лашганлигини аниқланг. Бунда МДХ
мамлакатлари, биринчи навбатда Марка-
зий Осиё мамлакатлари билан яққол
таққослашга алоҳида эътибор беринг.

**Кўшимча
топширик
(хоҳишингизга кўра)**

4- топширик.

47- расмдан фойдаланиб Хорижий Европа-
га аҳоли четдан кўчиб келадиган, яъни,
иммиграция қиладиган, бош регион сифа-
тида тавсиф беринг. Аҳоли оммавий
равишда иммиграция ва эмиграция қиладиган
мамлакатларни ажратиб кўрсатинг.
47- расмдан қанча маълумот ола билсан-
гиз, уларни тўпланг.

5- топширик.

Атласдаги Хорижий Европа халқлари хар-
ритасидан (26- бет) Ҳинд-Европа ва Урал
тил оиласига қирувчи халқларнинг қандай
тарқалганлигини тавсифланг. Аҳолиси-
нинг таркибига кўра бир миллатли, икки
миллатли ва кўп миллатли мамлакатларни
аниқланг.

6- топширик.

Дарслик матни ва 48- расмдан фойдала-
ниб, Хорижий Европа мамлакатларининг
урбанизация даражасини аниқланг.

**Қўшимча
топширик
(мураккаблаш-
тирилган).**

**Қўшимча
топширик
(хоҳишингизга кўра)**

7-топширик.

**Қўшимча
топширик
(мураккаблаш-
тирилган)**

8-топширик.

48-расмдан фойдаланиб, дафтарингизга Хорижий Европанинг «Миллионер шаҳарлари» жадвалини тузинг ва айрим мамлакатларни бундай шаҳарларнинг озқўплигига кўра ўзаро таққосланг. Нима деб ўйлайсиз, Хорижий Европада урбанизация жараёнининг уч асосий умумий белгиси яққол акс этганми ёки йўқми?

Дарсликдаги 48-расм ва атласдаги Хорижий Европанинг табиий харитасидан (25-бет) региондаги «миллионер шаҳарлар»ни ИГЎга кўра таснифини тузинг. Жойлашишига кўра қуйидаги шаҳарларни аниқланг: 1) денгиз соҳилидаги, 2) дарёларнинг қуйилиш жойидаги, 3) денгиздан узокдаги, бироқ кема қатнайдиغان дарёлар бўйидаги, 4) денгизлардан узокдаги. Тасниф натижаларини жадвалда акс эттиринг.

«Европа мамлакатларининг пойтахтлари» кроссвордини тузинг. Аниқлангчи, қайси мамлакатларнинг пойтахтлари уларнинг географик марказларига яқин жойлашган.

Дарслик матни ва расмлардан фойдаланиб, Хорижий Европанинг ўзингиз хоҳлаган бирор саноат тармоғи тавсифини ойдинлаштиринг. Бу тармоқнинг етакчи районлари ва энг йирик марказлари ёки бош ҳавзаларини кўрсатиб, уларни мамлакат бўйича тарқалишини аниқланг. 25—29-расмларга қараб хорижий Европага нефть, табиий газ, кўмир, темир рудаси, пўлат қаерлардан ташиб келтирилишини аниқланг.

Атласнинг 27-бетидаги Хорижий Европа харитасидан фойдаланиб, қора металлургия районлари ва марказларининг қуйидагилардан қайсиларига таянишига мисоллар келтиринг: 1) Тошкўмир ҳавзалари, 2) темир рудаси ҳавзалари, 3) тошкўмир ва темир рудаси ташиладиغان йўллар, шу жумладан денгиз йўллари.

52-расмдан фойдаланиб, Ўрта ва Жанубий Европа қишлоқ хўжалиги типлари учун энг характерли бўлган мамлакатларда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг турларини аниқланг. Уларнинг ўхшашлик жиҳатлари ва тафовутла-

рини аниқланг. Уларни изоҳлашда атласдаги агроиклимий харитадан ҳам фойдаланинг (6—7- бетлар).

9- топширик.

Дарслик матни ва атласдаги хорижий Европа транспорти харитасидан (23- бет) фойдаланиб, ёзувсиз харитага регионнинг бош темир йўл магистраллари, кема катнайдиган дарёлари ва денгиз портларини схематик тарзда туширинг. Транспорт шохобчаларининг умумий шакли бир марказли (радиал) ва кўп марказли бўлган мамлакатларга мисоллар келтиринг. Уларнинг ўзига хос тарзда шаклланиши сабаблари тўғрисида ўйлаб кўринг.

**10- топширик.
(ижодий)**

Атласдаги Лондон ва Париж шаҳарларининг марказий қисмлари тарихидан (29- б.) ва қўшимча ахборот манбаларидан фойдаланиб, бу шаҳарларнинг маданий-тарихий жиҳатдан эътиборга лойик жойлари ҳамда объектлари тўғрисида ахборот тайёрланг. Улар нима сабабли туризмнинг йирик марказларига айланганлигини тушунтириб беринг.

**Қўшимча
топширик
(ихтиёрий)**

Хорижий Европада икки ҳафталик таътил ўтказиш режасини тузинг. (Бундай кунлар келиб қолса ажаб эмас!!) Сиз боришни истаган ҳудудларни ва у ерларга бориш вақтларини (муддатларини) аниқланг. Харитага маршрутнингизни туширинг.

11- топширик.

Атласнинг 28- бетидаги Рейн-Рур саноат райони харитасини таҳлил қилинг. Унинг етакчи саноат тармоқлари ва саноат марказларини аниқланг. Қайси тармоқлар — эски, қайсилари эса янги тармоқларга киради?

12- топширик.

Хорижий Европа мамлакатларининг китоб форзацидаги «визит карточкаси»дан ва 3- § матнидан фойдаланиб, ўзингиз хоҳлаган бирор мамлакат тўғрисида қисқача ахборот тайёрланг.

**Қўшимча
топширик
(мураккаблаш-
тирилган).**

Атлас хариталаридан фойдаланиб, Хорижий Европадаги ўзингиз хоҳлаган бирор мамлакатнинг асосий саноат марказлари, қишлоқ хўжалик районлари, транспорт магистраллари ва денгиз портларини ёзувсиз харитага туширинг. Ҳосил бўлган харита схемангизни таҳлил қилинг ва ўзингиз тайёрлаган ахборотни бу билан тўлдиринг.

13- топширик (якуний) .

1. (Дафтарда ишланг). Хорижий Европа мамлакатларини қуйидаги мезонлар асосида гуруҳлаштиринг: 1) худудининг катта-кичиклиги; 2) аҳолисининг сони, 3) урбанизация даражаси. Хулосалар ясанг.
2. (Дафтарда ишланг). 5- мавзунинг жадваллари, расмлари ва матнидан фойдаланиб, регионнинг қайси мамлакатлари санот ва қишлоқ хўжалигининг қайси айрим турларини ишлаб чиқиш бўйича регионнинг қайси мамлакатлари дунё мамлакатларининг биринчи ўнлигига киришини аниқланг. Олинган маълумотларни жадвал тарзида ифода этинг.
3. 6- мавзуни ўрганаётганингизда харитада ўзингиз фойдаланган картографик тасвир услубларини аниқланг. Буларнинг қайсилари сиз учун янги?
4. Мазкур мавзу бўйича тавсия этилган китоб ёки унинг бир бобиغا қисқа тақриз тайёрланг.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ВА ЎЗАРО НАЗОРАТ БЎЛИМИ

Аниқ маълумотларни қай даражада билишингизни текшириб кўринг:

1. Хорижий Европадаги қуйидаги давлатлардан қайсилари конституцион монархия ҳисобланади: Норвегия, Буюк Британия, Швеция, Финляндия, Испания, Греция, ГФР?
2. Қуйидаги мамлакатлардан қайсилари денгизга чиқиш учун Дунай сув йўлидан фойдаланади: Югославия, Хорватия, Словения, Албания, Руминия, Польша, Венгрия, ГФР?
3. Хорижий Европанинг қуйида санаб ўтилган қайси портлари дунё тоифасидаги портларга қиради: Осло, Глазго, Лондон, Гамбург, Роттердам, Марсель, Барселона, Афина, Гдәньск, Констанца?
4. Қуйида санаб ўтилган районларнинг қайсилари юксак даражада ривожланган районларга қиради: Мидленд, Жанубий Уэльс, Лондон, Париж, Лотарингия, Жанубий Германия?

Дарслик матнидан қуйидаги саволларга жавоб топинг.

1. Фарбий Европа шаҳарининг характерли белгилари нимадан иборат?
2. Шарқий Европа мамлакатлари ёқилғи-энергетика хўжалигининг специфик белгилари нималардан иборат?

3. Фойдали қазилмаларнинг турларига кўра Хорижий Европанинг Шимолий қисми билан жанубий қисми ўртасидаги асосий тафовут нималардан иборат?

4. Хорижий Европа транспорт тизимининг характерли хусусиятлари нималардан иборат?

Куйидаги саволларга жавоб беришда харитадан фойдаланинг:

1) 1. Хорижий Европанинг қайси мамлакатларида мамлакатнинг энг катта бўлмаган шаҳари пойтахт вазифасини ўтайди?

2. Регионнинг қайси мамлакатларида аҳоли зичлиги энг катта?

3. Шимолий денгиздан Балтика денгизига Ютландия ярим оролини айланиб ўтмай қандай борса бўлади?

4. 1) Пойтахт шаҳарларда, 2) порт шаҳарларда; 3) кўмир хавзаларида шаклланган саноат районлари ва тугунлари учун қайси тармоқлар энг характерли?

5. Қайси металлургия комбинатлари денгизлар орқали ташиб келтирилган хомашё ва ёқилғи билан ишлайди?

Куйидагиларни тушунтириб беринг:

1. Хорижий Европа қачон ва нима сабабли аҳоли иммиграциясининг жаҳон аҳамиятига молик марказига айланган?

2. Нима учун Франция билан Буюк Британияда пойтахтлар бошқа шаҳарлардан кескин даражада устун тургани ҳолда, ГФР ва Италияда бундай эмас?

3. Нима учун Буюк Британия, ГФР, Бельгия, Швециянинг сув истеъмоли структурасида 60—80% сув саноатга тўғри келса, Испания, Португалия, Италия, Грецияда сув истеъмолининг асосий қисми қишлоқ хўжалигига тўғри келади?

Мамлакатлар	Таъриф
Польша	1. Бир миллатли мамлакат. 2. Кичик (майда) миллатларнинг ҳиссаси анча катта бўлган мамлакат. 3. Кўп миллатлик давлат. 4. Унитар маъмурий-ҳудудий давлат тузилишга эга бўлган мамлакат. 5. Федератив маъмурий-ҳудудий давлат тузилишга эга бўлган мамлакат
Венгрия	
Франция	
ГФР	
Швейцария	
Финляндия	
Италия	

4. Нима учун Шимолий денгизда нефть конларини кидириш ва нефть казиб олиш Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидагига қараганда бир неча баравар қимматга тушса-да, нефть монополиялари бу денгизда иш олиб бормокдалар?

5. Нима учун Норвегия кишлок хўжалигига қараганда балик тутишдан катта даромад олади?

6. Нима учун Рейн дарёси юк ташишда жаҳондаги бошқа барча дарё тизимларидан олдинда туради?

7. Нима учун айнан Европа халқаро туризмнинг бош райони Эфиопия ва ҳамон шундай бўлиб қолмоқда?

8. Нима учун иктисоди пасайиб бораётган эски саноат районларида одатда атроф-мухитнинг аҳволи энг хавфли?

Кўрсатиб беринг:

1. Куйида санаб ўтилган қайси мамлакатларда аҳоли Хинд-Европа оиласининг герман гуруҳида сўзлашади: Италия, Австрия, Греция, ГФР, Финляндия, Буюк Британия?

2. Куйидаги мамлакатларнинг қайси бири учун иммигрантларнинг кўплаб келиши характерли: Италия, Испания, ГФР, Буюк Британия, Франция, Швейцария?

Куйидагиларни бажара оласизми?

1. Дарслик матни ва хариталарида айтиб ўтилган куйидаги мамлакатларни ёддан, яъни харитага қарамай ёзувсиз харитага тушира оласизми: Исландия, Дания, Финляндия, Ирландия, Люксембург, Австрия, Венгрия, Болгария, Албания, Португалия.

2. 1) фақат ГФР билан, 2) фақат Испания билан: 3) ГФР, Швейцария, Италия, Словения, Венгрия, Чехия, Словакия билан куруқликда чегараланадиган мамлакатларни хотирлаб (ёддан) аниқлай оласизми?

3. Дарслик матни ва хариталарда берилган куйидаги шаҳарларни харитадан кўрсата оласизми? Глазго, Роттердам, Марсель, Брюссель, Мюнхен, Неаполь, Краков, Загреб?

4. Хорижий Европадаги деярли кишлок аҳолиси йўқ мамлакатни биласизми?

5. Куйидаги рўйхатда келтирилган мамлакатлардан:

а) бир миллатли мамлакатларни ўчиринг: Бельгия, Испания, Норвегия, Португалия, ГФР, Буюк Британия.

б) пойтахт районлари учун саноат корхоналарининг юкори даражада зич тўпланганлиги характерли бўлмаган мамлакатлар: Чехия, Словакия, Венгрия, Австрия, Италия, Франция, Дания.

Тайёр жавоблардан тўғрисиани танланг:

1. Франция: а) уч мамлакат билан, б) беш мамлакат билан, в) олти мамлакат билан чегараланади.

2. Хорижий Европадаги энг катта шаҳар агломерацияси: Лондон, Париж, Рейн-Рур, Голланд.

3. Региондаги денгиз бўйида жойлашган пойтахт шаҳарлар: Мадрид, Париж, Рим, Вена, Стокгольм, Копенгаген, Прага, София, Афина.

4. Хорижий Европада энг кўп нефть Испания, Австрия, Норвегия, Буюк Британия, Руминия, Албанияда қазиб олинади.

6- МАВЗУГА ДОИР МЕТОДИК «ОЧҚИЧ»ЛАР

Нималарни эсламоқ керак

1. Хорижий Европанинг сиёсий харитаси ва халқлари (География, 7- синф). 2. Хорижий Европанинг табиий географик ўрни, рельефи, фойдали қазилмалари, иқлими, сувлари, тупроқ ва ўсимликларининг ўзига хос хусусиятлари, региондаги табиат зоналари. 3. Хорижий Европа мамлакатларининг XIX аср охири — XX аср бошида тарихий ривожланиш хусусиятлари (Тарих, 10- синф). 4. Мазкур дарсликнинг 1- қисми маълумотлари. 5. Тушунча ва атамалар: иқтисодий географик ўрни, хўжаликнинг ҳудудий структураси, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперативлашуви, инфраструктура.

Нималарни билиб олмоқ керак

6- мавзунинг асосий ғоялари:

Европа — барча европаликларнинг умумий уйи бўлиб, бу ерда география ва тарих ўнлаб мамлакат ҳамда халқларнинг тақдирини ўзаро чамбарчас боғлаган.

6- мавзунинг асосий илмий маълумотлари:

1. Хорижий Европанинг ИГЎ, табиий ресурслари ва аҳолиси географиясининг характерли хусусиятлари. 2. Хорижий Европа аҳоли пунктлари ва хўжалиги ҳудудий структурасининг асосий хусусиятлари. 3. Хорижий Европа саноати етакчи тармоқларининг структураси ва жойлашуви хусусиятлари ҳамда саноатининг етакчи районлари. 4. Хорижий Европа қишлоқ хўжалиги жойлашувининг асосий хусусиятлари ва уларнинг типлари. 5. Хорижий Европанинг субрегионлари. 6. 6- мавзунинг таянч тушунча ва атамалари: 1) шаҳарларнинг Ғарбий Европа типи; 2) субурбанизация; 3) транспорт тизимларининг Ғарбий Европа типи, 4) порт-саноат мажмуи, 5) «ривожланиш ўқи», 6) пойтахт регион.

Нима қилишни билиш керак.

1. Мамлакатнинг иқтисодий-географик ўрнини тавсифлаш.
2. Мамлакат ёки регион саноатининг ривожланишига таъсир

этувчи табиий шарт-шароитни тавсифлаш. 3. Исботлаш, таққослаш, ойдинлаштириш, жадвал, графиклар тузиш, ҳисоб-китоблар ўтказиш учун турли хил билим манбаларидан фойдалана билиш. 4. Янги эгалланаётган билимларни чуқурлаштириш учун илгари ўрганилган матнли, графикли ва харита тарзидаги маълумотларни қўллаш олиш. 5. Ўқиган китобингиз (унинг бирор боби ёки қисми) га тақриз тайёрлаш.

Мустақил ўқув ишини эгаллаш малакаларини ҳосил қилиш учун кўрсатма ва режалар


1. Мамлакат (регион)нинг ИГЎ ни тавсифлаш режаси.

1. Қўшни мамлакатларга нисбатан тутган ўрни. 2. Асосий қуруқлик ва денгиз транспорт йўлларига нисбатан тутган ўрни. 3. Асосий ёқилғи-хомашё базалари, саноат ва қишлоқ хўжалиги районларига нисбатан тутган ўрин. 4. Маҳсулотини жўнатадиган асосий районларга нисбатан тутган ўрни. 5. ИГЎ нинг вақт ўтиши билан ўзгариб туриши. 6. ИГЎ нинг мамлакат хўжалигининг ривожланиши ва жойлашувига таъсири ҳақидаги асосий хулоса.

2. Мамлакат (регион) саноатининг ривожланиши учун керакли табиий шарт-шароит тавсифининг режаси.

1. Фойдали қазилма заҳираларининг миқдори ва жойланиши, уларнинг ҳудудий уйғунлашуви. 2. Сув, ўрмон ресурслари ва улардан фойдаланиш имкониятлари. 3. Мамлакат ҳудуди табиий шароити ва ресурсларининг унинг саноатини ривожлантириш ҳамда саноатни табиий ресурслар билан таъминлаш нуқтаи назаридан (салоҳиятига) умумий баҳо бериш. 4. Саноатни ривожлантириш нуқтаи назаридан табиатдан оқилона ёки нооқилона фойдаланиш белгилари нималардан иборат? 5. Умумий хулоса. Ресурсларни кўпайтириш ва улардан фойдаланиш истиқболлари.

7- МАВЗУНИНГ ЧИЗМА РЕЖАСИ



7-МАВЗУ. ХОРИЖИЙ ОСИЁ. АВСТРАЛИЯ

МДХга нисбатан олганда Хорижий Осиё 27 млн. км² хуудни эгаллайди; аҳолиси 3.1 млрд. киши. Бинобарин, у майдонига кўра фақат Африкадан кичикдир, аҳоли сонига кўра эса бошқа барча регионларни анча ортда қолдиради. Осиёнинг сиёсий харитасида 40 дан ортик мустақил, яъни суверен давлат кўрсатилган. Улардан айримлари дунёдаги энг қадимий давлатлар қаторига киради. Хорижий Осиё дунёдаги инсоният сунъий сугориш, шаҳарлар жуда кўплаб маланий калриятлар вужудга келган энг қадимий марказлардан биридир. Регион мамлакатларининг асосий кўпчилиги ривожланаётган мамлакатлар қаторига киради. Одатда Хорижий Осиё таркибида тўрт субрегион ажрагилади. Булар — Марказий¹ ва Шарқий Осиё, Жануби-Шарқий Осиё, Жанубий Осиё, Жануби-Ғарбий Осиё.

Ушбу мавзуда Австралия Осиё — Тинч океан регионига қирувчи мамлакат-материк сифатида қаралади.

1. ХОРИЖИЙ ОСИЁНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИНИ БЕРАМИЗ.

1. Худуди, чегаралари, географик ўрни: мамлакатлар ўртасидаги катта тафовутлар. Хорижий Осиёнинг худуди шимолдан жанубга деярли 7 минг км га, ғарбдан шарққа томон эса 10 минг км дан ортик масофага чўзилган. Регионнинг икки мамлакати — Хитой билан Ҳиндистон улкан (жуда катта) мамлакатларга, бошқа кўп мамлакатлари эса анча йирик мамлакатларга киради. Бироқ айни вақтда Осиёда кичик мамлакатлар ҳам кўп, микродавлатлар ҳам бор [1]. Кўпчилик мамлакатларнинг чегаралари аниқ табиий чегаралар орқали ўтади. Айрим жойларда, чунончи, Ҳимолай тоғларида бу ҳол иқтисодий ва бошқа хил алоқаларни ривожлантириш учун жиддий тўсик ҳамдир.

¹ Асосан Туркистон — Ўрта Осиё табиий географик ўлкасида жойлашган Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон Республикалари ҳам БМТ классификациясига кўра Марказий Осиё давлатлари деб аталишини назарда тутиш лозим. Булар, табиийки, Хорижий Осиёга қирмайди. — *Таржимон.*

Регион мамлакатларининг ИГЎ уч асосий хусусияти билан ажралиб туради.

Биринчиси, мамлакатларнинг бир-бирига бевосита қўшни бўлиб жойлашганлиги; бу ҳол Осиенинг тўртала субрегиони мамлакатларини кўп жиҳатдан бирлаштиришга имкон беради.

Иккинчиси, кўпчилик мамлакатларнинг денгиз бўйида жойлашганлиги бўлиб, бу ҳол давлатларнинг энг муҳим дунё савдо йўллари ўтувчи Тинч, Ҳинд ва Атлантика океанларига чиқишларига имкон беради.

Мисол. Вьетнам худуди Жанубий Хитой денгизи соҳиллари бўйлаб тор полосада 1700 км га чўзилган. Географлар бу мамлакатни иборали қилиб «Ҳиндихитойнинг Тинч океандаги балкони» деб бежиз айтишмаган. Вьетнамнинг бошқа мамлакатлар билан барча алоқалари денгиз йўли орқали амалга оширилади.

Учинчидан, айрим мамлакатларнинг қуруқлик ичкарасида жойлашганлиги; бу эса умуман олганда анча ноқулайлик тугдиради.

Мисол. Материк ичкарасида жойлашган Монголия — худудига кўра дунёда денгизга чиқадиган йўли йўқ энг катта давлатдир. Унинг бошқа мамлакатлар билан бўлган алоқалари асосан Россиянинг транспорт тизими орқали амалга оширилади.

Кейинги вақтда Хорижий Осиёнинг сиёсий харитасида катта ўзгаришлар юз берди. Иккинчи жаҳон уруши олдидан мустамлака ва ярим мустамлакаларда регион аҳолисининг 70% и яшар эди. Эндикда регионнинг деярли барча мамлакатлари мустақил давлатлардир. Шунга қарамай, яқин Шарқда Фаластин давлати муаммоси узил-кесил ҳал қилинган эмас. Корея шартли чегара орқали КХДР билан Корея Республикасига ажратилган. Эрон билан Ироқ, Ҳиндистон билан Покистон, Япония, билан Россия ўртасида худудий баҳслар мавжуд.

Хорижий Осиёда Хорижий Европадаги каби республикалар ва монархиялар [2] ҳам, унитар ва федератив давлатлар ҳам бор (1- топшириқ).

2. Табиий шароити ва ресурслари: контрастлар, яъни кескин тафовутлар региони. Умуман олганда регионнинг оғир саноатга асос яратувчи минерал ресурслари анча хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Хитой, Ҳиндистон платформаларида тошкўмир, темир ва марганец рудалари, бир қатор рудали қазилмаларнинг асосий хавзалари жойлашган. Альп-Ҳимолай ва Тинч океан бурмали (рудали) минтақаларда рангли ҳамда нодир металл рудалари кўп тарқалган. Бирок, регионнинг кўп жиҳатдан унинг халқаро географик меҳнат тақсимоотидаги аҳамиятини белгиловчи асосий бойлиги нефтдир.

Мисол. Жануби-Ғарбий Осиёнинг кўпчилик мамлакатларида гарчи нефть ва табиий газ заҳиралари текширилган бўлса-да, уларнинг асосий конлари Саудия Арабистони, Қувайт, Ироқ, Эронда жойлашган. Улар заҳираларининг катталигидан ташқари қазиб олиш учун тоғ-геологик шароитининг ниҳоятда қулайлиги билан ҳам ажралиб туради [3].

Шаркий ва Жануби-Шаркий Осиёнинг чекка денгизлари саёзликларида (шельфида) нефть билан газ конларини излаш жадал олиб борилмоқда. Бу жойлар — дунёдаги энг катта ва айни вақтда кам ўрганилган жойлардир (2- топширик).

Регионда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун зарурий табиий шароит ва ресурслар ҳам ниҳоятда хилма-хилдир. Шунга қарамай кўпчилик мамлакатларда иккита асосий муаммо мавжуд.

Биринчиси — ер ресурсларининг етишмаслиги муаммосидир. Катта-катта тоғ массивлари, чул ва чала чул майдонларининг мавжудлиги қишлоқ хўжалиги ерлари, айниқса ҳайдаладиган ерларнинг ҳиссасини чеклаб, ер фонди структурасига кучли таъсир кўрсатади. Натижада кўпчилик мамлакатларда ҳайдаладиган ерлар билан таъминланганлик даражаси аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 0,1—0,2 гектарга, баъзан эса бундан ҳам камга тўғри келади. Шуниси ҳам борки, аҳоли сони ортган сари бу миқдор янада камай боради.

Иккинчиси, бу — агроқлим ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммосидир. Регион ҳудудининг катта қисмида иссиқлик захираси ўсимликлар вегетациясини қишлоқ хўжалик мавсуми давомида, ҳатто йил бўйи таъминлайди. Намлик ресурслари эса ниҳоятда нотекис таксимланган. Агар муссон иқлимли районларда экинлар қишдагина суғорилса, Жануби-Шаркий Осиёнинг қурғоқчил тропик ва субтропик иқлимли ерларида экинлар йил бўйи суғорилади. Умуман региондаги фойдаланиладиган деярли барча сув суғоришда ишлатилади. Ер шароити суғориладиган ерларнинг $\frac{3}{4}$ қисми шу ерда жойлашган. Суғориладиган (обикор)

ерларнинг умумий майдони жиҳатидан Хитой — биринчи, Ҳиндистон — иккинчи ўринда туради.

Хорижий Осиёда, Ўрта Осиёдаги каби, обикор деҳқончилик 4 минг йилдан ортиқ вақтдан бери маълум. Эронда бундан икки минг йил аввал қурилган суғорув тизимлари ҳалигача сақланиб қолган. Сурияда (62- расмга қаранг), Ироқда, Туркияда суғориладиган ерлар майдонини кенгайтиришга имкон берувчи йирик гидроузеллар қурилган. Форс қўлтиги мамлакатларида эса ўсимликларни суғоришда асосан қимматга тушувчи қучитилган денгиз сувидан фойдаланилади: бу сув кўпинча бевосита ҳар бир дарахт тагига, ҳар бир арик ёки ўсимлик тўпига қуйилади (3- топширик).

3. Аҳолиси: унинг кўпайиши, этник ва диний таркиби, жойлашиши, урбанизация. Регионда аҳолининг кўпайиши демографик портлаш ҳодисаси билан чамбарчас боғлиқдир; *бу жараёнда араб мамлакатлари марказий ўрин тутади.* Араб мамлакатларининг кўпчилиги давлат миқёсида демографик сиёсат олиб бормади. Тўғри, регионнинг бошқа мамлакатларида ҳам бундай сиёсат унча катта натижа бермади. Аҳолининг жадал ўсиши ва унинг ёшаруви (12- расмга қаранг) давом этмоқда. Аҳолининг ўсиши ҳозирги суръатлар билан давом этса, Хорижий

аҳолиси 30 йилда икки барабар кўпайиши мумкин! Бундай демографик вазият кўплаб иқтисодий, экологик ва социал муаммолар ечимини мураккаблаштиради.

Хорижий Осиё аҳолисининг этник таркиби ниҳоятда мураккабдир: этнограф олимларнинг ҳисобларига кўра бу ерда мингдан ортиқ халқ яшайди ва улар гоят хилма-хил тил оилалари ҳамда гуруҳларига кирадилар. Булар орасида жуда катта халқлар ҳам, тоғли жойларда сочилиб тарқалган жуда камсонли халқлар ҳам бор. Кўпчилик мамлакатлар кўп миллатли мамлакатлар каторига киради.

Мисол. Ҳиндистон билан Индонезиянинг ҳар бирида 150 дан ортиқ, Филиппинда — деярли 100, Хитой ва Вьетнамда — 50 дан ортиқ, Эрон, Афғонистон, Мьянма, Таиландда — 30 дан ортиқ халқ яшайди.


Этник таркиби жиҳатидан мураккаб бўлган бир қанча мамлакатларда (Ҳиндистон, Шри-Ланка, Кипрда), анча вақтдан бери жиҳдий миллий низолар барҳам топмаяпти (4- топшириқ).

Хорижий Осиё — дунёдаги барча динларнинг ватанидир; бу динлар кўп асрлар, ҳатто минг йиллар лавомида сиёсатга, иқтисодиётга, маънавий маданиятига, аҳолининг ўсишига [4], халқларнинг урф-одатига улкан таъсир кўрсатиб келган. Дин моддий маданиятда мусулмонларнинг масжидларида, ҳиндуларнинг ибодатхоналарида, будда ибодатхона ва монастирларида ҳам ўзини намоён этган. Бизнинг кунларда ҳам диннинг кишилар ҳаётининг барча томонларига кўрсатаётган таъсири жуда каттадир.

жой	1	2	3	Жой	1	2	3
Саноатда банд аҳоли сони	АҚШ	Япония	ГФР	Денгиз кемалари	Япония	Жанубий Корея	ГФР
Электр энергия ишлаб чиқариш	АҚШ	Япония	Канада	Саноат ишлари	Япония	АҚШ	ГФР
АЭСда электр энергия ишлаб чиқариш	АҚШ	Франция	Япония	Телевизорлар	АҚШ	Япония	Ж. Корея
Пўлат	Япония	АҚШ	ГФР	Пластмасса	АҚШ	Япония	ГФР
Мис	АҚШ	Япония	Чили	Кимёвий тола	АҚШ	Япония	ГФР
Енгил автомобиллар	Япония	АҚШ	ГФР	Фан учун зарур жиҳозлар	АҚШ	Япония	ГФР

42- расм.

Мусулмон мамлакатларида дин кўпинча эркак ва аёлнинг жамият ва оиладаги ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилайди (бу мактаб ва университетларда ўғил ва қиз болаларни алоҳида



43- расм. Форс қўлтигининг нефть ҳав-
заси.

ўқитишда, эркак ва аёллар иш жойининг алоҳида эканлигида, жамоат жойлари ва хусусий уйларда эркаклар билан аёлларнинг хонаси алоҳидалигида намоён бўлган), никоҳ муносабатларига таъсир кўрсатади (кўп болали бўлишни рағбатлантириш, кўп хотинлиликка рухсат бериш, тўй маросимларининг диний эътиқод асосида ўтказилиши ва ҳ.к.), ҳафталик кунлар тартибида (кунига беш марта намоз ўқиш, жума куни дам олиш куни бўлиши ва ҳ.к.), овқатланиш маромида (рамазон ойида рўза тутиш, қурбон ҳайитини байрам тусида ўтказиш, спиртли ичимликлар ичмаслик, чўчка гўшти емаслик ва ҳ.к.), кийим-кечакда, суд тизимида ва ҳаётнинг бошқа кўп жиҳатларида акс этади [5]. Хуллас динсиз, хусусан ислом динсиз мусулмонларнинг турмуш тарзини тасаввур этиш қийин. Бунда инсонларнинг имон-эътиқодни белгиловчи ислом динининг ижобий жиҳатларини алоҳида таъкидлаш лозим; у айти вақтда бутун-бутун халқларни, эл ва элатларни ягона эътиқод асосида яқинлаштиради, дўстлаштиради. Осиёнинг кўпгина мусулмон мамлакатларида ислом дини давлат дини деб эълон қилинган; чунончи, Эронда, Покистонда бу ҳол мамлакатларнинг расмий номида ҳам акс этган.

Хуллас, азиз ўқувчилар Хорижий Осиёдагина эмас, балки ўз ўлкамиз Туркистонда ҳам чуқур тарихий ва маънавий илдизга эга бўлган ислом динига катта ҳурмат ва эҳтиромда бўлишимиз мақсадга мувофиқдир.

Хорижий Осиёда а ҳ о л и н и н г ж о й л а ш у в и айниқса ноте-кисдир. Бу ерда бир томонда — аҳолиси ниҳоятда зич денгизбўйи текисликлари, дарё водийлари ва дельталари ҳамда воҳалар, иккинчи томонда эса аҳоли ниҳоятда сийрак тарқалган чўллар ва чалачўллар, баланд тоғлар, тропик ўрмонлар.

Мисол. Бангладеш жаҳон мамлакатлари орасида майдонига кўра 87- ўринда, аҳолиси сонига кўра эса — 8- ўринда туради. Пасттекисликда жойлашган бу мамлакатда аҳоли зичлиги 1 км²

да 800 кишидан ортади. Айрим районларда эса бу кўрсаткич 1 км² да 2000 кишига етади. Дунёдаги аҳолиси энг сийрак жойлашган мамлакатлардан бири Монголияда эса 1 км² га тўғри келадиган аҳоли сони 1 кишидан салгина ортади, холос!

Регионнинг кўпгина мамлакатларида рўй бераётган шаҳарларнинг ниҳоятда жадал ўсиши туфайли аҳолининг худудий жойлашувига у р б а н и з а ц и я тобора катта таъсир кўрсатмоқда. Йирик шаҳарлар, «миллионер» шаҳарлар айниқса тез ўсмоқда. Мамлакатларнинг бу қадар кўп ва хилма-хиллиги шароитида, ўзингиз биласизки, шаҳарлар орасидаги тафовут ҳам ниҳоятда каттадир. Шундай бўлсада, географик адабиётда **Осиё (Шарк) шаҳари** деган рамзий умумлашма ном вужудга келган.

Одатда шарк шаҳари эски ва янги шаҳар қисмларига ажралган бўлади. Эски шаҳардаги энг гавжум жой (Чорсу) бозор, ундан чор атрофга тарқалган кўчалар, қосибларнинг даҳалари ва бошқалардан иборат бўлиб, биз бу ҳолатни ўз ўлкамиз — Урта Осиё мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. «Шарк шаҳарлари»да одатда сартарошлар, қосиблар ва маиший хизмат кўрсатувчи бошқа хил кишилар хоналарда эмас, балки очик жойда ҳам хизмат кўрсатаверадилар. Янги шаҳар қисмида замонавий кўп қаватли уйлар устун туради.

Хорижий Осиёнинг баъзи кўхна шаҳарлари бир ярим-икки, ҳатто уч-тўрт минг йил аввал вужудга келган. Буларнинг айримлари бугунги кунда «ўлик шаҳар»га айланиб, уларнинг вайроналаригина сақланиб қолган ва улар кўплаб туристларни ўзига жалб қилади. Туркиядаги Троя, Ироқдаги Вавилон (Бобил), Суриядаги Пальмира, Ливандаги Баалбек, Покистондаги Моҳенжо-Даро мана шундай энг кўхна шаҳар вайроналаридан иборат. Бирок айрим шаҳарлар «тирик шаҳар» сифатида сақланиб қолган. Булар, масалан, Пекин, Деҳли, Варанаси, Богдод («Минг бир кеча» шаҳри), Стамбул, Ерусалим қабилардир.

Регионда қ и ш л о қ а ҳ о л и п у н к т л а р и н и н г т а р қ а л и ш и учун қишлоқ шакли характерлидир. Монголларда, афгонларда, бедуни-арабларда, яъни саҳрои арабларда (бедуни сўзи — «баду» — чўл, саҳродан келиб чиққан) ва бошқа халқларда кўчманчилик билан турмуш кечириш тарзи сақланиб қолган; бу жойларда аҳоли асосан ўтовларда яшайди.

4. Хўжалиги: ривожланиш даражаси ва саноатининг халқаро миқёсда ихтисослашуви. Умуман олганда Хорижий Осиёнинг дунё хўжалигидаги аҳамияти сўнгги ўн йилликлар давомида анча ўсди. Бирок айрим мамлакатларнинг ривожланиш даражаси ва ихтисослашувидаги тафовутлар Хорижий Европадагидан кўра анча кескин (бўртиб) ақс этган. Бу хусусият биринчи навбатда саноат ишлаб чиқаришига хосдир.

Хорижий Осиёда саноат ишлаб чиқариши олти гуруҳ мамлакатларни ўз ичига олади.

Биринчидан, бу Япония бўлиб, у иккинчи жаҳон урушидан сўнг ғарбий дунёнинг «2-сонли мамлақати»га ва региондаги «катта еттиликка» кирувчи бирдан-бир давлатга айланди. У кўп

иктисодий кўрсаткичлар бўйича Фарбнинг иктисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлари орасида ҳам етакчи мавқени эгаллайди.

Иккинчидан, бу Хитой билан Хиндистондир. Улар ҳам иктисодий ва социал ривожланишда катта ютуқларга эришиб, бир авлод кўзи олдида тубдан ўзгариб кетди. Бироқ асосий кўрсаткичлар бўйича жон бошига ҳисоблаганда улар ҳам дунёдаги кўп мамлакатлардан анча орқада туради.

Учинчидан, булар Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари, биринчи навбатда Корея Республикаси, Тайвань, Гонконг ва Сингапурдан иборат бўлиб, улар тезкорлик билан амалга оширилган иктисодий сакраш туфайли «Осиё йўлбарслари» (ёки дракон) нинг тўртлиги деб атала болади. Сўнги вақтларда бу тоифадаги давлатларга АСЕАН га кирувчи Таиланд билан Малайзияни ҳам қўша бошладилар. Бу давлатларга шунингдек, 80—90- йиллар кескин иктисодий юксалишни бошидан кечираётган Туркия ҳам яқинлашмоқда.

70—80- йиллар бу мамлакатлар иктисодини япон модели намунаси асосида қайта қуриш амалга оширилди. Уларда автомобиль, нефтни қайта ишлаш, нефть-кимё, кемасозлик ва айниқса электротехника ва электрон саноати вужудга келди; бу мамлакатларда йилига ўн миллионлаб радиопремниклар, телевизорлар, магнитофонлар, видеомагнитофонлар ишлаб чиқариламоқда. Бошқа хил оммавий истеъмол маҳсулотлари — кийим-кечак, газмол, пойабзал ишлаб чиқариш ҳам жадал ўсмоқда. Бу давлатлар «иктисодий мўъжизаси»нинг сабаби бир томондан маҳаллий ишбилармонларнинг фаоллиги бўлса, иккинчидан ТНКлар уларни ўз капиталларини ишга солиш соҳаси деб танладилар; бунда улар аввало мамлакатлар ИГЎ нинг қулайлиги ва ниҳоятда чидамли, интизомли ва айни вақтда нисбатан арзон иш кучининг мавжудлигига таянади. Бироқ фанни кўп талаб қиладиган барча маҳсулот ва бошқа маҳсулотлар ҳам Фарб мамлакатларида сотилади.

1- мисол. Бундан 30 йил аввал анча қоқоқ аграр мамлакат бўлган Корея Республикаси 80- йиллар охирига келиб дунёда АЭСларда электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича 11- ўринга, пўлат эритиш бўйича 7- ўринга, денгиз кемалари ишлаб чиқариш бўйича эса 2- ўринга чиқиб олди. Электрон саноати маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича эса у дунёда олтинчи ўринга кўтарилди.

2- мисол. Сингапур давлат-шаҳари (санскритча — «йўлбарс шаҳри») азалдан ўзининг денгиз порти билан машҳурдир. Бу денгиз порти дунёдаги энг катта портлардан бири бўлиб, Шаркнинг — Фарбий, Фарбнинг эса — Шарқий дарвозаси ҳисобланади. Бироқ сўнги вақтда у савдо марказидан индустриал марказга айланди (нефтни қайта ишлаш, кемасозлик, электроника). Сингапур шунингдек молия фаолиятининг дунёдаги энг йирик марказларидан бири, туризмнинг муҳим марказидир.

Тўртинчидан, бу Форс қўлтигидаги нефть казиб олувчи мамлакатлар гуруҳидир. Бу мамлакатлар нефть сотишдан

олинган жуда катта даромадга таяниб, қисқа вақт давомида «асроша сакраш»ни амалга оширдилар. Натижада Форс қўлтиги зонаси нефть ва табиий газ қазиб олиш, нефть кимёси, металлургия ҳамда бошқа тармоқлар юксак ривожланган муҳим саноат районларидан бирига айланди. Ўрта асрларга хос пахса ва хом гиштдан ишланган шаҳарлар ўрнида замонавий саноат шаҳарлари вужудга келди. ЭХМ билан бошқарилувчи томчилаб сугориш усулидан кенг фойдаланилади. Мактаб ўқувчилари ёшликдан компьютер билан ишлага ўргатилади.

Мисол. Саудия Арабистони узоқ вақтлардан бери туячилик, финик хурمولари етиштириш, ҳажга борувчи мусулмонларга хизмат қилишдан даромад қилар эди. Эндиликда унинг иқтисодиётининг асосини нефть қазиб олиш ташкил этади; мамлакат экспортининг 95% ини нефть ташкил этади. Арабистон чўлида ўта замонавий автомобиль йўллари, аэропортлар, Эль-Жубайл ва Якбу сингари йирик саноат мажмуалари, обод шаҳарлар бунёд этилган [6] (5- топширик).

Сизга маълумки, сўнгги йилларда Форс қўлтигининг нефть қазиб олувчи мамлакатлари йирик иммиграция районига айланди. Бу ерда араб ва поараб мамлакатларидан келган 6 млн. чет элик ишлайди. Уларни бу ерга иш ҳақининг юқорилиги жалб қилган. Чет эликлар Саудия Арабистонида иш билан банд барча аҳолининг ярмини, Кувайтда — деярли 60% ини, Бирлашган Араб Амирлигида эса — 90 % ни ташкил этади [7]. Улар қўли билан шаҳарлар ва йирик автомобиль йўллари қурилади, нефть қазиб олинади.

Бешинчидан, бу — индустриялаштириш ҳозирча асосан тоғ-кон ёки энгил саноат билан чекланган давлатлардир (Монголия, Вьетнам, Бангладеш, Шри-Ланка, Афғонистон, Иордания).

Мисол. Монголиянинг энг катта саноат корхонаси «Эрдэнэт» тоғ-кон руда бойитиш комбинатидир. Бу ерда йилига 20 млн. т руда очик усулда қазиб олинади ва улар қайта ишланиб мис ва молибден концентратига айлантирилади. «Эрдэнэт» мамлакат янги экспорт маҳсулотининг $\frac{1}{3}$ қисмига яқинини беради.

Ниҳоят, олтинчидан, булар энг сустривожланган мамлакатлардир (Лаос, Камбоджа, Непал, Бутан, Яман) бўлиб, уларда замонавий саноат деярли йуқдир.

Хорижий Осиёнинг барча мамлакатларида хунармандчилик ва кустар (қўлда) ишлаб чиқаришнинг роли ниҳоятда каттадир. Бу мамлакатларнинг кўпчилиги ишлаб чиқарган газмоллари, гиламлари, чарм, сопол, заргарлик буюмлари, лок маҳсулотлари, металл, ёғоч ва суюкка ўйиб ишланган буюмлари, қўлда тўқилган сават ва корзиналари, бўйраси, кийимга чизилган гуллари, уй ҳамда черков асбоб-анжомлари, совуқ қурооллари (қилич, ханжар, пичок) ва бошқа маҳсулотлари билан шуҳрат қозонган.

5. Хўжалиги: қишлоқ хўжалигининг асосий районлари. Хорижий Осиёнинг кўпчилик мамлакатларида иктисодий фаол аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида банд. Албатта, бу соҳа бутун регион учун характерли бўлган айрим белгилари билан ҳам ажралиб туради. Буларга товар маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжаликлар билан истеъмолга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг уйғунлашиб келиши, помешчик ер эгаллиги билан ердан фойдаланувчи деҳқон хўжаликларининг алмашилиб келиши, экинлар орасида озиқ-овқат экинларининг кескин даражада устун туриши кабилар қиради. *Бу мамлакатлар учун энг муҳим бўлган хусусият шундан иборатки, уларнинг кўпчилигида озиқ-овқат муаммоси ҳали ечилган эмас.* Бу биринчи навбатда Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига тааллуқли бўлиб, уларда ўн миллионлаб кишилар ҳар доим ярим оч яшайди.

Шунга қарамай, бундай улкан ҳудудда қишлоқ хўжалигининг турли районлари шаклланган.

Булардан энг муҳими шоликор район бўлиб, у Шарқий, Жануби-Шарқий ва Жанубий Осиёнинг бутун муссон секторини эгаллайди. Ҳар йили Янцзи, Сицзян, Хонгха, Меконг, Иравади, Ганга ҳамда Брахмапутра дарёларининг унумдор лойқалари тўпланадиган дельта ва водийлари, Ява ороли ҳамда Япониянинг нагттекисликлари типик «шолিপоя ландшафтлари»дан иборатдир. Бу ерлар минг йиллардан бери юз миллионлаб одамларни «боқиб келмоқда»; бу одамлар эса йил бўйи огир меҳнат қиладилар: баҳори шолидан кейин кузгиси экилади, кузги шолидан кейин эса қишқисига навбат келади [8]. Шоли сув босадиган далалардагина эмас, балки деҳқоннинг қанига ҳам экилади, деб беҳудага айтмайдилар. Дельта районларининг ўзини эса образли қилиб шоли чуқурликлари ёки шоли қорзиналари деб аташади.

Мисол. Вьетнамнинг асосий шоликор ерлари (уларнинг маданий ландшафти марзалари тўғри ўтган шолиторлар, тўғонлар, дамбалар ва суғорув каналларидан ташкил топган) унинг икки асосий «қорзинаси» — (савати) бўлиб, булар Хонгха ва Меконг дельталаридир. Бу ерда ҳосил йилига икки марта — май ва ноябрь ойларида йигиб олинади.

Бу районнинг бирмунча баланд қисмлари учун Хитой, Япония, Ҳиндистон, Шри-Ланканинг «чойзор ландшафтлари» ҳосдир. Мьянми, Лаос ва Таиланд чегарасида машҳур «олтин учбурчак» — дунёдаги кўкнори етиштириладиган энг асосий район жойлашган. Бу кўкноридан оний олинади. Яйлов сифатида фойдаланиладиган ерлар ва мол учун ем-хашак етишмаслигидан товар чорвачилик суст ривожланган; деҳқонлар асосан от-улов сифатида фойдаланиладиган чорва моллари боқадилар.

Субтропик деҳқончилик райони Ўрта денгиз соҳилларида шаклланган.

Регионнинг бошқа ҳудудларида бугдой, тариксимон дон экинлари етиштириш ва яйлов чорвачилиги устун туради. Кўпроқ йирик қорамол, қўй, эчки, от, туя боқилади. Бу ердаги

мамлакатлар қоракўл тери, гўшт маҳсулотлари, тери сотадилар.

Чунончи, экстенсив усулларида юритиладиган чорвачилик Монголияда хануз бу мамлакатнинг иктисодий қиёфасини белгиловчи асосий соҳа ҳисобланади. Жануби-Ғарбий Осиёда, Афғонистонда яйлов чорвачилиги воҳалардаги обикор дехқончилик билан уйғун ҳолда олиб борилади.

6. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик муаммолар: туб ўзгаришларнинг бошланиши. *Инсон фаолиятининг атроф муҳитга салбий таъсири Хорижий Осиёда кенг тарқалган ҳодиса бўлиб қолди.* Кўпгина мамлакатларда атмосферанинг ифлосланиши, сув ресурсларининг камайиб кетиши, тупроқ эрозияси, ерларнинг ишдан чиқиб қолиши рўй бермоқда. Буларнинг асосий сабаблари — бир қатор мамлакатларда «ифлос» ишлаб чиқаришлар фойдали қазилмаларни очиқ усулда қазиб олишнинг мавжудлиги, дехқончилик ва чорвачиликни экстенсив усулларда олиб борилиши, шаҳарларда замонавий коммунал хўжалигининг йўқлигидир. Ҳалокатли сув тошқинлари, айниқса Бангладешда тез-тез бўлиб турибди. Кўп жойларда, шу жумладан Ҳимолай тоғлари этакларида ўрмонларнинг тугаб бориши тобора кенг кўламда давом этмоқда. Одамлар, бу ўрмонлар Ҳиндистонда «огир касалга чалинган», Непалда эса, «нобуд бўлмоқда»демоқдалар.

Япония, Хитой, Сингапурда (9), Форс қўлтигидаги давлатларда ва Исроилда табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига анча катта эътибор берилмоқда. Бироқ кўп экологик муаммолар ҳали ўз ечимини кутиб турибди.

2. БИЗ ХИТОЙ БИЛАН ТАНИШАМИЗ

1. Худуди, чегаралари, географик ўрни: мамлакатнинг кўлами (катталиги) тўғрисидаги тасаввур. Хитой Халқ Республикаси худудининг ўлчамига кўра дунёдаги учинчи катта давлатдир. Мамлакат ғарбдан шарққа томон 5,7 минг км га, шимолдан жанубга томон эса 3,7 минг км га чўзилган. Хитойнинг курукликдаги чегаралари кўпроқ яхши акс этган табиий чегаралардан ўтади. Ташқи иктисодий алоқаларни амалга оширишда асосан денгиз йўлларида фойдаланиши сабабли, мамлакат денгиз бўйи районларининг ИГУ анча қулайдир.

Хитой (Тайван оролини қўшиб ҳисоблаганда) 23 музофот (провинция)га бўлинади ва Марказга бўйсунувчи учта шаҳари бор; булар — Пекин, Шанхай ва Тяньцзинь. Мамлакатнинг баъзи музофотлари аҳолисининг сонини энг катта Европа мамлакатлари аҳолисининг сони билан таққосласа бўлади [10].

2. Аҳолиси: сони, кўпайиши, этник таркиби, аҳоли пунктларининг жойланиши. *Мана икки минг йилдирки, Хитой ер шаридаги энг сераҳоли мамлакат бўлиб қолмоқда.* Хитой маталларидан бирида «Жэнь шань, жэнь Хай», яъни «Одамлар тоғи, одамлар денгизи» дейилади. 1949 йил ХХР барпо топганидан бери аҳоли сони икки баравар кўпайди ва 1990 йилги бутун хитой аҳоли рўйхати маълумотига кўра 1 млрд. 134 млн. кишини ташкил этди.

Хитойда олиб борилаётган фаол демографик сиёсат ҳақида эҳтимол ўзингиз ҳам биласиз. Шунга қарамай мамлакат аҳолиси 2000 йилга бориб 1,3 млрд. кишидан ортади. *Бу эса Хитой жамиятининг барча томонларида чуқур из қолдиради.* Хитойда ~~700 млн. дан ортиқ меҳнатга яроқли одам бор.~~ бунинг $\frac{2}{5}$ қисмидан ортигини ёшлар ташкил этади.

Этник таркибига кўра Хитой аҳолисининг асосий кўпчилигини хитойлар ташкил этади (хитойлар ўзларини — «хань» ёки «ханлар» деб атайдилар). Улар мамлакатнинг бутун шарқий қисмини эгаллайдилар.

Хитой тилида пекин, кактон тили каби еттита асосий диалект (шева) бор: улар орасидаги тафовут шу қадар каттаки, шимолий музофотлардан келган одам билан жанубий музофотлардан келган одам гаплашса бир-бирини аранг тушунади. Улар бир-бирини тушуниши учун ягона иероглиф ёзувидан фойдаланадилар; чунки уни турли хил шевада сўзлашувчи хитойларнинг барчаси бирдай тушунадилар. [11]. Бундан ташқари, халқ ҳокимияти йиллари ягона миллий тил — «путунхуа» (яъни, «хамма тушунадиган тил») ишлаб чиқилди. Уни яратишда Пекин шеvasи асос қилиб олинган. Бирок саводсизлар мамлакатда ҳам 200 млн. кишидан ортади.

Гарчи бутун Хитой аҳолиси таркибида миллий жиҳатдан камчиликни ташкил этувчи халқлар («кичик миллатлар») нинг салмоғи унча катта бўлмаса-да (атиғи 8%), бу мамлакатни одатда кўп миллатли мамлакатлар қаторига киритадилар. Чунки, биринчидан, хитоймас кичик халқлар, эл ва элатларнинг (яъни этник гуруҳларнинг) умумий миқдори 60 га яқинлашади ва улар уч турли тил оиласига қирадилар. Иккинчидан, уларнинг умумий сони 80 млн. кишидан ортади. Учинчидан, бу «кичик миллатлар» мамлакат бутун ҳудудининг ярмидан ортиғида тарқалгандир.

Хорижий Осиёнинг бошқа мамлакатлари каби Хитой учун аҳоли пунктларининг ҳудудий тарқалишида кескин тафовут кўзга ташланади: деярли 90% аҳоли мамлакат ҳудудининг $\frac{1}{3}$ қисмида тўпланган. Хитойни урбанизация даражасига


кўра яқингача сустр урбанизациялашган мамлакатлар қаторига киритар эдилар. Бирок, шаҳар аҳолиси сонининг «портлаб» ўсиши уни ҳам четлаб ўтмади. Эндиликда шаҳар аҳоли пунктларининг, йирик шаҳарларнинг (450) ва миллионер шаҳарларнинг (34) умумий сони жиҳатидан, шунингдек шаҳар аҳолисининг мутлақ миқдори бўйича Хитой дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Бирок Хитой қишлоқлар сонига кўра ҳам дунёда биринчиликни ўз қўлида тутиб турибди: мамлакатда тахминан 700000 та қишлоқ бор (6- топширик).

Хитой қадимий маданиятга эга мамлакат. Машҳур бог-парк ансамбллари будда храмлари, узунлиги салкам 4 минг км ли Буюк Хитой девори каби улкан ва бекиёс иншоотлар Хитой халқи моддий маданиятининг ёдгорликларидир. Ҳозирги кунларгача етиб келган маънавий маданият анъаналарига ўзига хос Хитой театри, рассомчилиги (табиат ва табиат манзараларини чизиш), мусикаси, пазандачилиги,

ушу гимнастикаси, Ой календари (такими) ва бошқалар киреди. Хитой мактабларида ўқувчилар билими кўнинча 100 балли шкала асосида баҳоланади. Хитой фалсафаси, астрономияси, медицинаси, географияси жуда қадимдан мавжуд.

3. Хўжалиги: муваффақият ва муаммолари. Хўжалиги аввало ижтимоий мулкка асосланган ва ягона режа бўйича ривожланаётган Хитой давлати кейинги ўн йилликлар давомида йирик индустриал давлатга айланди. У саноат ишлаб чиқариши-нинг умумий ҳажмига кўра дунёда тўртинчи-бешинчи, саноат корхоналарининг сонига кўра эса биринчи ўринга чиқди. Эндиликда Хитойнинг иқтисодий қиёфасини кўп жиҳатдан оғир саноат белгилайди; бу саноат асосан мамлакатнинг ўз ресурсларига таянади.

Хитой ёқилғи-энергетика мажмуининг асосини кўмир саноати ташкил этади. Кўмир қазиб олиш кўплаб хавзаларда тарқалган; булардан энг йириклари (Датун хавзаси) мамлакатнинг шимолий қисмидадир. Нефть конлари ҳам тарқоқ жойлашган, бироқ асосий қони — Дацинга мамлакатда қазиб олинadиган нефтнинг ярми



44- расм. Хитойнинг маъмурий-худудий бўлиниши ва иқтисодий зоналар

тўғри келади. Электр энергия ишлаб чиқаришининг ³ қисми ~~ёкиди~~ электр станцияларига тўғри келади, улар ҳам худуд бўйлаб тарқоқ жойлашган. Хитойда гидроэнергетикани ривожлантириш бўйича жуда катта дастурлардан бири амалга оширилмоқда; ГЭСларнинг бош каскадлари Янцзи ва Хуанхэ дарёларининг юқори оқимларида қурилмоқда. Биринчи иккита АЭС қурилди. Энергиянинг ноанъанавий турлари бўлмиш геотермал ва денгиз суви қалқишига асосланган электр қувватидан фойдаланилмоқда.

Мамлакат металлургия комплексининг асосини тўла циклда ишловчи йирик комбинатлар ташкил этади. Улар тошқўмир ва темир рудаси конлари ёки улар ташиладиган йўл яқинида жойлашган.

Мисол. Мамлакат шимоли-шаркидаги Хитойда энг катта Аньшан металлургия комбинати маҳаллий коксланувчи кўмир ва темир рудасидан фойдаланади. Бу ерда йилига 7—8 млн. тонна чўян эритилади.

Машинасозлик мажмуида ихтисослашган корхоналар эмас, балки универсал корхоналар устун туради. Улар асосан йирик шаҳарларда, денгиз портларида, металлургия базаларида ва улар яқинида жойлашади. Бироқ машинасозлик корхоналари кичик шаҳарларда ҳам тобора кўпаймоқда. Уй-рўзгор электротехникаси ва электрониканинг ривожланиши бунга ёрдам бермоқда.

Мисол. Яқин-яқингача телевизор ва кир ювиш машиналари Хитойда ҳатто шаҳарликлар хонадонларида ҳам жуда кам эди, 80- йиллар охирига келиб эса, мамлакат уларни ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринга чиқиб олди.

Мамлакатнинг химия мажмуи кокс ва нефть кимёси, тоғ-кон кимёси ва ўсимлик хомашёси маҳсулотларига таянади. Икки гуруҳ ишлаб чиқариш ажралиб туради: 1) минерал ўғитлар (биринчи навбатда, азот ўғитлари) ишлаб чиқариш, 2) уй-рўзгор химияси ва фармацевтика. Бу мажмуининг жойлашуви учун йирик комбинатларнинг жуда кўплаб майда ва ўртача корхоналар билан уйғунлашуви характерлидир.

Тўқимачилик саноати — Хитой энгил саноатининг етакчи тармоғидир. У асосан ички бозорга хизмат кўрсатади; хитойликларнинг аксарият қисми ип-газламадан тикилган кийим-кечак кияди. Хитой бу жиҳатдан дунёда биринчи ўринда туради. Ипак саноати ҳам мамлакатнинг анъанавий саноат турларига қиради (7- топширик).

Хитой иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги ҳамон жуда катта аҳамиятга эга; мамлакат қишлоқ хўжалигида 400 млн. киши банд.

80- йиллар «халқ коммуналари»дан оила пудратига ўтилгач, қишлоқ хўжалиги анчагина даромадли тармоқ бўлиб қолди; асосий қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили сезиларли даражада ошди. 1990 йил эса мамлакатда галла экинларидан рекорд ҳосил олинди, яъни 450 млн. тонна дон олинди. Бу — Хитойнинг бутун тарихдаги энг юқори ҳосилдир.

Асосий деҳқончилик районлари мамлакатнинг шарқий қисмида жойлашган. Булар бугдой, гаолян, маккажўхори экинлари кўп етиштириладиган «Сарик Хитой» ва асосан шוליға ихтисослашган «Яшил Хитой»дир; худди шу ерда чойзорлар ҳам жойлашган.

1- мисол. Янғизи дарёси даҳасида Сицзянда етиштириладиган шולי аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотидир [12]. Мазаси турлича бўлган 10 мингдан ортиқ шולי нави маълум. Шוליпоясси, яъни похолни мол ва паррандага берилади. Ундан қоз, шляпалар, бўйра, сумка, аркон тайёрланади. Сув бостирилган шוליпояларда балиқ боқиб кўпайтирилади.

2- мисол. Денгиз бўйининг сертепа районларида тайёрландиган чой ҳам мамлакатнинг анъанавий экинидир. ~~Хитой чойнинг ватанидир ва XIX аср охиригача у дунёда энг кўп чой етиштириб, четга экспорт қилар эди. У хозир ҳам кўп чой экспорт қилишда дунёда монополист ҳисобланади. Хитой деҳқонлари жуда кўплаб чой навларини етиштирганлар.~~

Мамлакатнинг асосан хитой бўлмаган халқлар (монголлар, тибетлар, уйгурлар, дунганлар ва бошқалар) тарқалган «қуруқ Хитой» қисмида — экстенсив кўчманчи ёки ярим кўчманчи чорвачилик устун туради. Бу ерда ўтрок аҳоли тарқалган деҳқончилик ўчоқлари (соҳалар) у ер-бу ердагина жойлашган. Жануби-ғарбдаги «Совуқ Хитой»да (Тибетда) эса; қишлоқ хўжалиги умуман суст ривожланган (8- топширик).

Хитой қишлоғининг характерли белгиси — кооператив «қишлоқ саноати»нинг ривожланганлиги бўлиб, унда 100 млн. киши банд; бу — бўш иш кучининг ўрнини эгаллашга имкон беради. Аквакультура, яъни сув ўсимляклари ва хайвонлари етиштириш ҳам кенг ривожланган. Хитой балиқ ва денгиз моллюскалари боқиб кўпайтириш ва денгиз сув ўтлари етиштиришда дунёда биринчи ўринда туради. Умуман олганда хитойликларнинг бутун ҳаёти жуда қадимги вақтлардан бери денгиз билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакатда «денгиз меҳнатчилари» кўплаб миллионлаб кишини ташкил этади.

Ҳозирги Хитойни ҳали иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларга киритиб бўлмайди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад кўрсаткичлари бўйича у иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлардангина эмас, балки баъзи бир ривожланаётган мамлакатлардан ҳам орқададир. Етиштириладиган молларининг хили (ассортименти), фан-техника даражаси, саноат маҳсулотининг сифати, меҳнат унумдорлиги бўйича ҳам шундай деса бўлади. Қишлоқ хўжалиги эса асосан каммаҳсул ҳисобланади. Хитой иқтисодиётининг бўш жиҳатларидан бири транспортдир.

1990 йиллар бошига келиб иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичи якунланди. 2000 йилгача бўлган вақтни ўз ичига олувчи иккинчи босқичда «соякон»га, яъни «кичик қулайлик»ка эришиш кўзда тутилган. Учинчи босқич эса XXI асрнинг ўрталаригача бориши кўзда тутилмоқда.

4. Ички тафовутлари ва шаҳарлари. 80-йиллар Хитойда

худудий режалаштиришни такомиллаштириш мақсадида учта иқтисодий зона ажратилди: Шарқий, Марказий ва Ғарбий.

Шарқий (денгиз бўйи) зонаси иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган. Саноат марказлари ва тугунларининг кўпчилиги, кўплаб кишлок хўжалик районлари, транспорт магистраллари, барча денгиз портлари шу зонада жойлашган. Энг йирик шаҳарлар ҳам шу иқтисодий зонададир.

Хитойнинг энг катта шаҳарларидан бири — Ш а н х а й. У денгиздан 50 км нарида Янцзи дарёсининг эстуарийсига қуйилувчи Хуангу дарёси бўйида жойлашган. (Янцзи — хитойчадан таржима қилганда «денгиз яқинидаги шаҳар» демакдир.) У дунёдаги энг катта портлардан бири ва мамлакатнинг кўп минглаб корхоналари тўпланган энг муҳим саноат марказидир. Кейинги вақтда бу ерда ХХРдаги энг замонавий металлургия комбинати, биринчи АЭС бунёд этилди, эркин иқтисодий зона ташкил этилди. Илгари Шанхай энг нообод ва аҳолиси ўта зич шаҳарлардан бири эди. Шаҳар аҳолисининг ортик даражада зичлиги ҳозирда ҳам сақланиб қолмоқда, бироқ шаҳар қайта қурилмоқда; Шанхай атрофида йўлдош шаҳарлар барпо этилган.

Хитойнинг аҳолисига кўра иккинчи катта шаҳар — Пекин дир. У Буюк Хитой текислигида денгиздан 170 км нарида мамлакатнинг аҳолиси энг зич районларидан бирида жойлашган. У турли номлар билан қадимги ва ўрта аср хитой давлатларининг бир неча бор пойтахти бўлган, XV асрдан бошлаб эса ҳозирги номи билан, яъни Пекин деб юритилган. (Тўғриси: Бэйцзин, яъни шимолий пойтахт демакдир. Урта Осиё ва бошқа Шарқ мамлакатларида ўрта асрларда у Хонбалнк деб ҳам аталган.) Шаҳарларнинг марказий тарихий қисми тўғри чизикли тархга эга. Бу ерда тарихий ва маданий обидалар кўп.

Пекининг марказий қисми Ички (Тақиқланган) шаҳарни ўз ичига олиб, унда собиқ император саройлари бор; Олий уйғунлик палатаси. Тўла уйғунлик палатаси ва Уйғунликни сақлаш палатаси деб аталувчи бу саройлардан ташқари бир қисми музейларга айлантирилган жуда кўплаб иншоотлар жойлашган. Шаҳарнинг бош Чананьзе (Узоқ хотиржамлик кўчаси ва Тяньаньмэнь осмон хотиржамлиги дарвозаси) марказий майдонида ташқи шаҳар жойлашган бўлиб, унда саноат, савдо-хунармандчилик ва уй-жой кварталлари бор. Тяньаньмэнь майдони дунёдаги энг катта майдонлардан биридир; унда бир вақтнинг ўзида 2 млн киши жойлашиши мумкин (66 расмага қаранг).

Хитой ҳукумати 1984 йил ташқи дунё учун денгиз бўйидаги 14 та шаҳарни очик деб эълон қилди; бинобарин улар бевосита ташқи иқтисодий алоқалар олиб бориш ҳуқуқига эга бўлди. Шунингдек тўртта эркин иқтисодий зона ташкил этилди. Булардан энг каттаси — Шэньчжень бўлиб, у Гонгонга қўшнидир.

Марказий зонада ёқилги ва энергия, химия маҳсулотлари, хомашё ва ярим фабрикатлар, озиқ-овқат маҳсу-

лотлари ишлаб чиқариш устун туради. Ғарбий зонада чорвачиликка ва минерал хомашёни қайта ишлаш /катта эътибор берилган. (9- тошширик).

3. БИЗ ЯПОНИЯНИ ЎРГАНАМИЗ

1. Худуди, чегаралари, географик ўрни: «Кун чиқардаги ўлка». Японияни худудининг ўлчамига кўра Ғарбий Европанинг энг йирик мамлакатлари ва АҚШ штатлари билан таққосласа бўлади. Бироқ таркибига ва шаклига кўра Япония худуди улардан кескин фарқ қилади. Япония архипелаглар мамлакати бўлиб, тўртта йирик ва деярли 4 минг майда оролларда жойлашган. У бутун бир ороллар оламидир. Табиий ресурсларга камбағал Япония соҳилларга ниҳоятда бойдир.

Япониянинг ИГЎ аввало унинг оролларда жойлашганлиги билан боғлиқдир, мамлакат ороллари Евросиё билан Тинч океан орасида 3,5 минг кмга чўзилган бўлиб, Осиё-Тинч океан регионининг марказидадир. Бу ҳол мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотида иштирок этиши учун жуда катта имкониятлар очади.

Мамлакатнинг Осиёнинг чекка шарқида жойлашганлиги унинг иборали номида акс этган: у «Кун чиқардаги ўлка» деб аталади [13] (10- тошширик).

2. Аҳолиси: табиий ўсишининг хусусиятлари, миллий таркиби, жойланиши. Сизга маълумки, Япония аҳолисининг сонига кўра дунё мамлакатларининг ўнлигига киради. Бироқ кейинги ўн йилликлар давомида аҳоли табиий ўсишининг характери кескин даражада ўзгарди *Япония аҳоли кўпайишининг иккинчи типидан биринчи типига ўтган Осиёдаги биринчи мамлакат бўлди.*

Бу «демократик инқилоб» жуда қисқа муддатда бўлди. У япон жамиятидаги йирик ижтимоий-иқтисодий туб ўзгаришлар, таълим ва соғлиқни сақлашдаги жиддий ютуқлар натижаси бўлди. Япония — болалар ўлими кўрсаткичлари дунёда энг паст бўлган соғлом одамлар миллати мамлакатидир. ~~Бунда давлат демографик сиёсати ҳам катта роль ўйнади.~~ Оилани режалаштириш асосларига доир машғулотлар мактабнинг юқори синфларидан ўтказилади. Кечроқ турмушга чиқиб тарғиб қилинади.

Япония миллий таркибига кўра ниҳоятда бир хилдир. У типик бир миллатли мамлакат бўлиб, японлар аҳолининг 99 % дан ортигини ташкил этади. Япон тили жуда ўзига хос бўлиб, жаҳондаги тил оилаларидан биронтасига кирмайди. Ҳозирги замон япон ёзуви тизими ҳам анча мураккаб, чунки унда ҳам иероглифлар, ҳам бўгинли ҳарфлар ишлатилади.

Мамлакатда икки асосий дин — синтоизм ва буддизм мавжуд бўлиб, улар илк феодаллик даврдаёқ вужудга келган. Одатда диндорлар бир вақтда ҳар иккала динга эътиқод қиладилар; бу динларнинг таъсир доираси ўзгача бўлса-да, улар биргаликда мавжуддир [14].

Япония — юксак маданият ва ёппасига саводхонлик мамлакати бўлиб, унда болаларни ўқитиш ва тарбиялашга уларнинг ёшлигидан катта эътибор берилади. Япониядаги университетлар сони бутун Ғарбий Европадагидан кўп. У — қадимги маданият, бадиий ва турмуш анъаналари мамлакати бўлиб, улар япон турмуши тарзининг ажралмас қисмидир.

Бундай анъаналарга қуйидагилар киради: *икебана* — гулдасталар тузиш ва вазага гул ҳамда дарахт новдаларини муайян тартибда жойлаштириш, *бонсай* — накана дарахтлар етиштириш, каллиграфия, яъни ҳуснихат, мусика, коғоз ва шойига гул ҳамда жонли манзаралар чизиш, оригинал храм ва бог-парк архитектураси, соялар театри, чой тантанаси, кимоно аёллар кийими, оғир вазнлиларнинг сумо кураши, дзюдо, каратэ, таом ейишда ишлатиладиган чилчўп, ўзига хос япон таомлари, японча дастурхон ясашиш ва кўплаб бошқа хил анъаналар.

Мукаддас анъаналарга яна кексаларга ҳурмат-иззатда бўлиш, отанинг розилигига қараб турмуш куриш (сўнги йилларда бу мақсадда компьютерлардан фойдаланилмоқда), кўплаб нарсаларга ишониш (ирим), турли хил тақвимлардан фойдаланиш, давлат миқёсидаги расмий байрамларнинг кўпчилиги (болалар куни, ёшга етганлар куни, баҳорги ва кузги кун-тун тенглиги байрамлари буларга мисолдир), турли-туман фестиваллар [15].

Японларнинг миллий анъаналаридан бири болаларни ёшлигидан атроф табиатга, дарахтларга, гулларга, ҳайвонларга нисбатан меҳр, эҳтиёткорлик, тежаб-тергаб фойдаланиш муносабатини тарбиялашдир. Шу сабабли Японияда табиатга *мавсумий сайрлар* уюштириш ниҳоятда оммавий тус олган: баҳорда — ёввойи олча (сакура) нинг гуллашини томоша қилиб завқ олиш, кузда эса — заранг ўрмонларида сайр қилиш миллий анъаналардандир. Эндиликда бу анъаналар Ғарбдан кириб келган замонавий анъаналар билан уйғунлашиб кетмоқда.

Япония аҳолининг ўртача зичлиги кўрсаткичларига кўра (1 км² га 340 киши тўғри келади) дунёда энг олдинги ўринлардан биридадир. Амалда эса бу ерда аҳолининг зичлиги бундан анча катта, чунки мамлакатнинг деярли барча аҳолиси денгиз бўйидаги пасттекисликларда ва дарё водийларида тўпланган.

Кейинги ўн йилликлар давомида Япония урбанизация суръатларининг юқорилиги билан ажралиб туради. *Натижада урбанизация суръатларининг юқорилиги жиҳатидан дунёда олдинги ўринлардан бирига чиқиб олди.* Мамлакатда икки юздан ортиқ йирик шаҳар бор.

Япония шаҳар типини ўзига хос белгиларга эга. Кўпчилик шаҳарлар ўрта асрлардаёқ феодаллар қасрлари, монастырлар, почта йўллари устида вужудга келган. Улар ҳозиргача ўзининг қадимий тархи одатда бир ва икки қаватдан иборат иморатлари сақланиб қолган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин

кўп йирик шаҳарлар «америкача» қиёфага эга бўла бошлади: уларда ҳам осмонга бўй чўзган ўта баланд бинолар қад кўтарди. Бу биноларда банклар, монополияларнинг штаб-квартиралари жойлашган.

Бироқ, одатда япон шаҳарларида иш юритиладиган ягона марказ йўқ.

Эндиликда аҳолининг асосий қисми худди мана шу йирик шаҳарлар ҳамда шаҳар агломерацияларида тўпланмоқда. Улардан энг йириклари Хонсю оролининг жанубий соҳили бўйлаб мунчоқдек тизилиб бир-бирига тутшиб кетган. Булар орасида Токио, Осака ва Нагоя атрофида шаклланган агломерацияларнинг «катта учлиги» алоҳида ажралиб туради (45-расмга қаранг). Шунга қарамай, Япония Токиодан бошланади, деб айтилиши бежиз эмас.



Токио шаҳри Япон оролларидаги энг катта Конто текислигида жойлашган. У 1869 йил пойтахтга айланган ва ўшандаёқ япончадан таржима қилганда ўзининг «Шарқий пойтахт» деган ҳозирги номини олган. Токио — дунёдаги аҳолиси ортиқча даражадаги энг зич шаҳарлардан биридир, бунинг устига шаҳар иншоотлари ниҳоятда бетартиб қурилган [16]. У ҳам юқорига (антисейсмик заминда 50—60 қаватли улкан бинолар қад кўтарган), ҳам пастга (ер ости савдо марказлари), ҳам ёнга ўсмоқда, яъни кенгаймоқда.

Токио агломерацияси Осака, Нагая ва бир қатор бошқа агломерациялар билан бирга янада йирик урбанизациялашган «галактика» — *Токайдо мегалополисини*¹ ташкил этади, бу мегалополис соҳил бўйлаб 600—700 км га чўзилиб кетган. Бу ерда аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 800—1000 кишига тўғри келади.


3. Хўжалиги: ХХI аср бўсағасида. 1950 йиллардан бошлаб деярли чорак аср давомида Япония иқтисодиёти жуда тез юксалиш суръатлари билан ажралиб туради. *Мамлакат бу борада қисқа муддатда жуда катта йўл босиб, фан, техника, таълим, саноат ва савдода жуда катта ютуқларга эришди.* Япония жаҳон миқёсидаги энг катта сармоячи (кредитор) давлатга айланди. Мамлакатда маълум даражада бутун иқтисодий ҳаёт сифат жиҳатидан қайта қурилди, индустриал жараёнини тўла босиб ўтган жамият асослари яратилди.

Япония саноати дастлаб эволюцион (яъни, аста-секин тобора ривожлана бориш) йўлидан ривожланди. Энергетика, металлургия, автомобилсозлик, кемасозлик, кимё, нефть кимёси, қурилиш саноати каби таянч тармоқлар импорт хомашё асосида деярли бутунлай янгидан барпо этилди. Булар барчаси

¹ Мегалополис (грекча megalos — катта ва polis — шаҳар демакдир) — шаҳар аҳоли пунктларининг энг йирик шакли бўлиб, у кўплаб қўшни агломерацияларнинг бир-бирига қўшилиб кетиши натижасида вужудга келади.



45- расм. Япониянинг энг йirik шаҳарлари ва шаҳар агломерациялари



46- расм. Япониянинг экспорти ва импорти

техника ва технологиянинг энг янги ютуқлари таъсирида ривож топди; бунда кўп патент ва лицензиялар (яъни, ихтиро қозғалари) четдан, аввало АҚШ ва ГФР дан сотиб олиниб, маҳаллий шароитга мослаштирилган.

70—80 йиллардан бошлаб саноатда инқилобий йўл устун турди. Эндиликда мамлакат ёқилги ва хомашё импортига боғлиқ бўлган, энергия ҳамда металлни кўп ишлатадиган ишлаб чиқаришларни тобора чеклаб, фанни кўп талаб қиладиган энг янги тармоқларга зўр бермоқда. Япония электроника, робот техникаси, биотехнология соҳаларида етакчи мавқени эгаллаб, эндиликда ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишга киришди. Япония фанга сарфланадиган маблағ салмоғига кўра иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг орасида биринчи ўринда туради, илмий ходимларнинг сонига кўра эса ГФР, Буюк Британия ва Францияни бирга қўшиб ҳисоблаганда ҳам улардан устун туради.

Агар илгари Япониянинг рамзи деб одатда Фудзияма муқаддас тоғи, сакура, гейшлар, самурайлар ҳисобланган бўлса, эндиликда бундай рамз гарбий дунёда энг катта АЭС, металлургия комбинатлари, супертанкерлар, кўприклар, туннеллар, тезкор темир йўллар, энг замонавий автомобиллар «Тоёта», «Хонда», «Ниссан» ҳисобланади.

Мамлакатнинг ривожига таълимнинг ва касбий квалификациянинг юкори эканлиги, меҳнаткашлар иш интизомининг мустақкамлиги, уларнинг техник тақомиллашув сари муттасил интилиши ҳам муҳим аҳамиятга молик. Одатда, япон ишчиси касби жиҳатидан америка ишчисига нисбатан яхши тайёрланган бўлади. Меҳнат ҳақи эса тайёрланаётган маҳсулотнинг миқдоригагина эмас, балки сифатига ҳам боғлиқ бўлиб, бу ҳол ишлаб чиқаришнинг доимий ўсишига имкон беради. Бундан ташқари япон ишчиси одатда бирор фирмага «бутун ҳаёти бўйи» ёлланади ва камдан-кам ҳолдагина ишини алмаштиради. Бу эса ишчини ишлаб чиқаришни тақомиллаштиришга ундайди, чунки иш ҳақининг миқдори, таътил муддати, пенсия ҳақи «ўз фирмасида»ги иш стажига боғлиқ шр.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин мамлакатда кишлок хўжалиги ҳам туб ўзгаришларни бошидан кечирди.

Академик Н. И. Вавилов Японияга 1929 йил уюштирган саёҳатлари таъсирида ёзган «Пять континентов» асарида «Японияда дехқончилик ўзининг интенсивлиги билан кишини ҳайратга солади. Марказий ва Жанубий Японияда ҳар бир қарич ердан фойдаланилади», деб ёзган эди. Албатта, бундай анъанавий, сермеҳнат интенсив кишлок хўжалиги ҳозирги вақтда ҳам сақланиб қолган. Бироқ 40-йиллар охиридаги аграр ислохотдан, помешчик ер эгаллиги тугатилгандан ва дехқонлар хусусий ер эгасига айланганларидан сўнг маҳсулот ишлаб чиқарувчи асосий куч фермерлар бўлиб қолдилар.

Кишлоқ хўжалигининг структураси ҳам ўзгарди. Япония ҳар доим соф дехқончилик мамлакати бўлиб келган эди. Гарчи асосий дон экини, японларнинг нони хануз шоли бўлса-да (шоли майдонлари мамлакатдаги ҳайдаладиган ерларнинг деярли

ярмини эгаллаб ётади), кейинги вақтда богдорчилик, чорбог хўжалиги ва айниқса қорамол, чўчка, парранда боқиб кўпайтириш яхши ривож топди. Натижада японларнинг овқатланиш рационали (яъни таомлар миқдори ва сифати) европа ва америкаликларнинг рационасига тобора яқинлаша борди (ҳозирги кунда бир япон бир инглиз йилига қанча гўшт еса), у ҳам шунча гўшт ейди).

Япония қишлоқ хўжалигида жаъми 6 млн. киши банд, ишланадиган ерлар эса мамлакат ҳудудининг атиги 16 % ини эгаллайди. Бирок бу ҳудуд ва ишчилар мамлакатнинг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини, жумладан, шоли ва сабзавотларга бўлган эҳтиёжини асосий қисмини қондиради.

Япон хўжалигининг яна бир аъъанавий тармоғи балиқчиликдир. ~~Сизга маълумки, Япония балиқ овлашда дунёда биринчи ўринда туради. Мамлакатда 3 мингдан ортиқ балиқ овловчи портлар бор. Соҳил бўйидаги денгизларнинг бой ва хилма-хил фаунаси (ҳайвоноти) фақат балиқчиликнигина эмас, балки бошқа хил денгиз маҳсулотлари етиштиришни ривожлантиришга ҳам имкон берган. Балиқ ва денгиз маҳсулотлари японларнинг овқатида жуда катта ўрин тутди [17]. Марварид касбкорлиги ҳам ривож топган.~~

Японияда транспортнинг дарё ва қувур транспортидан ташқари барча тури ривож топган; Бу мамлакат транспорт шохобчаларининг характерига кўра Ғарбий Европа мамлакатларини эслатса, юк ташиш ва айниқса йўловчилар ташиш ҳажмига кўра бу мамлакатларнинг ҳаммасидан ўзиб кетган. ~~Йўловчи ташувчи темир йўл шохобчаларининг зичлигига кўра эса, Япония дунёда биринчи ўринда туради. Япония шунингдек, Ғарб мамлакатлари орасида энг катта ва энг замонавий денгиз савдо флотига эга. У арзон юкларни ташишни ҳам кенг пулга кўйган.~~

Япония хўжалигининг жуда муҳим хусусияти унинг халқаро иқтисодий алоқалари ниҳоятда кучли эканлигидир. Мамлакат ўз ёқилғиси ва хомашёси билан сустан таъминланганлиги сабабли, уларнинг $\frac{9}{10}$ қисмини четдан келтиради. Иккинчи томондан, мамлакат иқтисодиёти тайёр маҳсулотни экспорт қилиш билан ҳам ниҳоятда боглиқдир. Япония фаол савдо балансига эга. Япон фотоаппаратлари, видеомагнитофонлари, калькуляторлари, соатлари, автомобиллари, мотоциклларини кўплаб мамлакатлардан сотиб олиш мумкин. Япония Осиё — Тинч океан регионидаги барча мамлакатларнинг савдо бўйича бош шеригидир. Япон ишбилармонларининг шиори «Савдо қилиш ёки ҳалок бўлиш»дир (11- топшириқ).

4. Хўжалигининг ҳудудий структураси: икки «юзли» мамлакат. Япония учун бутунлай икки хил қисм: «ташқи» ва «ички» (ёки «куёшли» ва «сояли») қисмларнинг ажойиб бир тарзда уйғушлашуви хосдир.

Япониянинг «ташқи қисми»ни денгиз бўйи пасттектис-

ликлари аввало Хонсю ороли бўйлаб нисбатан камбар (15—65 км) полосада чўзилиб кетган Тинч океан минтақаси ташкил этади (70- расмга қаранг). Бу минтақа мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ўзагидир. Мамлакатнинг асосий саноат районлари — Токио, Осака, Нагая, Китакою, кўпдан-кўп иссиқлик ва атом электр станциялари, металлургия, нефтни қайта ишлаш ва кимё комбинатлари, машинасозлик заводлари шу ерда жойлашган. Юқорида санаб ўтилган корхоналар четдан келтириладиган хомашё ва ёқилги ҳамда ўз маҳсулотини экспорт қилишга асосланган. Қурилиш майдонлари нихоятда етишмаслиги сабабли кўплаб, шу жумладан энг йирик корхоналар киргоқ бўйидаги денгиздан ажратиб олинган майдонларга қурилган.

Тинч океан минтақасини одатда саноат минтақаси деб атайдилар, аслида эса бу унча тўғри эмас. Бу минтақа доирасида кўплаб интенсив қишлоқ хўжалиги районлари ҳам, бош транспорт магистраллари ҳам, энг муҳим портлар ҳам бор.

Мисол. Япониянинг асосий транспорт ўқини «Синкансен» тезюар поездлар юрадиган темир йўл магистрали ташкил этади. Бу магистраль Бутун Тинч океан минтақаси бўйлаб ўтган (72- расмга қаранг) [18] (12- топширик).

60—70-йиллар аҳолининг ўта зичлиги ва «ифлос» ишлаб чиқаришлар кенг тарқалганлиги сабабли Тинч океан минтақаси хонасида экологик вазият нихоятда кескинлашди, регионнинг асосий саноат районлари ва агломерациялари экологик кризис (бухрон, инкироз) ёқасига келиб қолди. «Когай» (Японияда атроф-муҳитнинг ифлосланиши шундай деб аталади) — бу ерда ўта хавфли даражага етди. Гарчи ҳукумат ва жамоатчилик амалга оширган чора-тадбирлар натижасида 80-йиллар атроф-муҳитнинг аҳволи сезиларли даражада яхшилانган бўлса-да, умуман олганда экологик муаммони тўла ечиш учун ҳали жуда кўп ишларни амалга ошириш лозим.

Япониянинг «ички қисми»ни чекка зона ташкил этади. У аввало Хонсю оролининг барча тоғ-ўрмон районларини ўз ичига олиб, бу ерда ўрмон ёғочи тайёрлаш, чорвачилик, ер ости бойликларини қазиб олиш, гидроэнергетика устун туради. Бироқ рекреация ва туризм айниқса ривожланган. Япония аҳолисининг «жой алмаштиришга ўчлиги» кўп жиҳатдан катта ёшдагиларнинг ҳам, мактаб ўқувчиларнинг ҳам оммавий туристик оқимлари билан чамбарчас богликдир.

Мисол. Хонсю оролининг тоғли қисмидаги миллий парklar халқ ўртасида энг машхурдир; бу ерда одамга тўлиб-тошиб кетган Токайдо мегалополиси аҳолиси дам олиб, хордик чиқаради. Японларнинг муқаддас тоғи Фудзияма ва Никко парки айниқса машхурдир. Фудзияма тоғи японлар учун зиёратгоҳ ва қадамжойдир. Никко парки тўғрисида шундай магал бор: «Никкода бўлмаган одам гўзаллик ҳақида гапира олмайди».

Сўнгги вақтда Япониядаги давлат регионал сиёсати эколо-

гик жиҳатдан тоза чекка зонани ўзлаштиришга даъват этади. Тинч океан минтақасидаги экологик ва демографик вазиятни юмшатиш мақсадида барча технополислар, яъни фан ва фанни кўплаб талаб қилувчи ишлаб чиқариш маркасларининг ярми Хонсю оролининг атроф зонасида бунёд этилмокда. Хоккайдо оролини ўзлаштириш дунёда энг узун Сейкан темир йўл тоннелини қуришга имкон беради [19]. Бироқ умуман олганда худудий номутаносибликлар анча секин бартараф этилмокда (13- ижодий топширик).

4. БИЗ ҲИНДИСТОННИ «КАШФ ЭТАМИЗ».

1. Худуди, чегаралари, географик ўрни: Ҳиндистон субконтиненти. Давлат тузуми. Ҳиндистон худуди шаклига кўра учбурчакни эслатади, унинг «асоси» материкда бўлиб, Осиёнинг бошқа қисмларидан Ҳимолай тоғлари тизими орқали ажралиб туради. Бу худуд катта эканлиги ва бошқа худудлардан бирмунча ажралиб турганлиги сабабли айрим олимлар уни Ҳиндистон субконтиненти деб ҳам атайдилар. Мамлакат шимолдан жанубга томон 3,2 минг, ғарбдан шарққа томон эса 2,9 минг км га чўзилган.

Ҳиндистоннинг ИГЎ хўжаликни ривожлантириш учун қулайлик яратади. Бу қулайлик биринчи навбатда мамлакатнинг Ўрта денгиздан Ҳинд океанига борадиган денгиз йўллари устида ва Яқин Шарқ билан Узоқ Шарқ орасидаги йўлнинг ўртасида жойлашганлиги билан боғлиқ. Мамлакатнинг қуруқликдаги чегараси денгиздаги чегарасидан 2,5 барабар узун бўлиб, кўпинча йўли оғир бўлган тоғли сарҳадлардан ўтади; шу сабабли қуруқликдан ўтган чегаранинг мамлакат иктисодий ҳаётидаги аҳамияти унча катта эмас.

Ҳиндистон — дунёдаги энг қадимий мамлакатлардан бири. У деярли икки аср мобайнида Англия мустамлақаси бўлиб келди. 1947 йил мустақилликка эришди. 1950 йил эса Республика деб эълон қилинди. Ҳиндистон давлат тузумига кўра федератив республика бўлиб, 25 штатдан иборат (атласнинг 38- бетидаги картага қаранг). Штатлардан ҳар бири ўз қонун чиқарувчи мажлисига ва ҳукуматига эга, бироқ бунда марказий — ҳокимиятнинг кучли таъсири бор. Ҳиндистон Буюк Британия бошқарадиган Ҳамкорлик таркибига киради.

2. Аҳолиси: унинг қайта шаклланиши, этник таркиби, жойлашиши. Ҳиндистон аҳоли сонига кўра дунёда Хитойдан кейинги иккинчи ўринда турувчи мамлакатдир. Бу ерда аҳоли рўйхати 1891 йилдан бери ҳар 10 йилда ўтказилади. Уларнинг натижаларини таҳлил қилиш аҳоли сони жуда тез суръатлар билан ўсаётганидан далолат беради.

Мисол. Ҳиндистон аҳолиси 1901 й. 239 млн. киши, 1951 й. 361 млн. киши, 1981 й. 683 млн. киши, 1991 й. эса 844 млн. кишидан иборат бўлган. Агар аҳолининг ҳозирги ўсиш суръатлари сақланиб қолса, мамлакат аҳолисининг

сони 2000 йилда 1 млрд. кишидан ортиши мумкин [20].

Сизга маълумки, Ҳиндистон ривожланаётган мамлакатлар орасида биринчи бўлиб оилани режалаштириш дастурини амалга ошира бошлади. Бироқ кўп асрли ёш никоҳ қуриш анъаналарига эга бўлган мамлакатда бу дастур умуман яхши самара бермади.

Ҳиндистон аҳолисининг этник таркиби ниҳоятда хилма-хилдир: Ҳиндистон дунёда энг кўп миллатли мамлакатдир! «Ҳиндлар» тушунчаси бир неча юзлаб этнослар яъни, миллат, элат ва қабилаларни бирлаштиради, улар ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли босқичида бўлиб, турли тилларда сўзлашади.

Мисол. Мамлакатдаги асосий тилларга 15 тил қиради. Бироқ деярли 100 млн. ҳиндлар бошқа хил тилларда сўзлашадилар, шеваларнинг умумий сони эса, олимларнинг фикрича 16 мингга етади. Ҳиндистонда ҳеч бир тил йўқки, унда сўзловчилар мутлақ кўпчиликни ташкил этсин.

Мамлакатнинг расмий тили ҳинд миллатлари орасида энг каттаси бўлмиш ҳиндистонликларнинг тили — ҳиндийдир. Миллатлараро муомала тили сифатида айниқса шаҳарларда, шунингдек инглиз тилидан ҳам фойдаланилади. Бундан ташқари, ҳар бир штат ўзининг энг кўп тарқалган тилига эга. Икки тиллилик кенг тарқалган.

Мамлакат аҳолисининг мураккаб этник таркиби ҳиндларнинг моддий маданиятида кучли из қолдирган. Ҳиндистонни том маънода очик осмон тагидаги музей деб аташ мумкин: мамлакатда минглаб ажойиб ибодатхоналар, саройлар, мавзолейлар (75-расмга қаранг), масжидлар, фортлар бор. Ҳиндистоннинг ниҳоятда бой маънавий маданияти ҳам бор. Унга ҳиндларнинг қадимги эпоси (халқ оғзаки ижоди), анъанавий тасвирий санъат ва театр санъати, классик рақслар ва бошқалар қиради. Ҳиндистон — шахмат ватани, ўнли рақамлар билан ҳисоблаш тизими, йог таълимоти шу ерда вужудга келган. Асрлар оша бошқа анъаналар ҳам вужудга келган. Чунончи, аёллар либоси — сари, кўзойнакли илонни ўйнатиш санъати (хунари) кенг маълум.

Ҳиндистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти тарихида буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва у асос солган «бобурийлар сулоласи»нинг аҳамияти бениҳоя каттадир.

Бобур 1526—27-йиллар Шимолий Ҳиндистоннинг катта қисмини эгаллади ва шундан сўнг у тузган империя тобора кенгая бошлаб, то Бенгалиягача бориб етди. Бобур Ҳиндистонни ўзидан олдин эгаллаган саркардалардан фарқли ўлароқ мамлакатни талон-торож қилиб кўплаб бойлик — ўлжа олтиришни эмас, балки бу ердаги тарқок халқларни бирлаштириб, муҳолифдаги, яъни ўзаро рақиб турли диний мазҳабларни муросага келтиришга, иқтисодий ва маданий ҳаётни жонлантириш ва ривожлантиришга астойдил киришди. Агра, Деҳли каби шаҳарлар обод қилиниб, уларнинг маданий ва сийсий макси

ортди. Бобур ва бобурийлар курилиш ва ободончилик ишларига айниқса катта аҳамият бердилар. Ҳиндистонда Бобурийлар империяси уч асрдан ортиқ (1526—1858 йиллар) ҳукм сурди. Бу империя Бобурнинг невараси Акбаршоҳ (1542—1605 йиллар) ва унинг ўғли Жаҳонгир даврида (XVII — асрнинг боши) айниқса гуллаб, Ҳиндистонда жуда катта ишларни амалга оширди. Шох Жаҳон (1627—1658) ва Аврангзеб оламгир (1658—1707) лар ҳукмронлиги даврида ҳам мамлакат бирмунча марказлашди, иқтисодий ва маданий ҳаёт юксалди. Мана шуларни ҳисобга олиб айрим Ҳинд давлат арбоблари ва мутафаккирлари, чунончи Ҳиндистоннинг собиқ бош вазири Жавахарлал Неру ва мумтоз ёзувчиси Рабиндранат Тагорлар Бобур ва бобурийларнинг Ҳиндистондаги ижтимоий ва маданий фаолиятига юксак баҳо берганлар.

Ҳиндларнинг турмуш тарзига, ижтимоий ва оилавий муносабатларини [21] ҳам ҳисобга олганда, дин жуда катта таъсир кўрсатади; ҳиндларнинг $\frac{4}{5}$ қисми индуизм динига [22],

$\frac{1}{10}$ қисми эса ислом динига эътиқод қилади. Индуизмнинг ўзинга хос ақидаларидан бири жамиятни касталарга (мазҳабларга) бўлиш ҳисобланади; касталарга бўлиш расман тақиқланган бўлса-да, (айниқса қишлоқларда) хануз сақланиб қолмоқда. У (юқори) ёки бу (қуйи) кастага мансублик, ҳинди умрининг охиригача унинг ўзини қандай тутишини белгилайди.

Шу билан бирга, аҳоли этник ва диний таркибининг мураккаблиги кўпинча миллатлараро ва касталараро зиддиятларга, сепаратчилик (давлатдан ажралиб чиқиш) харакатларига (айниқса мамлакатнинг шимолида — Панжобда) олиб келади.

Ҳиндистонда аҳолининг жойлашиши анча нотекисдир. Қадимдан дастлаб дарё водийлари ва дельталаридаги, денгиз соҳилидаги унумдор тупроқли пасттекислик ҳамда текисликлар ўзлаштирилган. Кейинроқ ички районлар ўзлаштирилган. Бирок ҳозирда ҳам аҳолиси сийрак ва ҳатто аҳолисиз ҳудудлар бор.

Ҳиндистонда урбанизация даражаси унча юқори эмас. Шунга қарамай, аҳоли сонининг бу қадар катталиги сабабли урбанизация даражаси кўлами анча катта. Мамлакатда 4,5 миңг шаҳар бор. Бунинг устига катта шаҳарлар ва «миллионер» шаҳарлар сони муттасил ўсмоқда.

Мисол. Ҳиндистон катта шаҳарлар сонига кўра фақат Хитойдангина орқада, «миллионер» шаҳарлар (агломерациялар) сонига кўра Хитой ва АҚШдан орқададир. Шаҳарликларнинг муқтасил миқдорига кўра Ҳиндистон Хитойдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

Шунга қарамай, Ҳиндистон аҳолисининг асосий қисми кўпроқ кичик, бироқ серодам (гавжум) қишлоқларда яшайди. Уларнинг умумий сони 600 миңга яқин. Қишлоқ уйлари-рининг тили ниҳоятда хилма-хил. Бу ерда тош уйлари ҳам,

ёғоч уйларни ҳам, хом гишт ва пахсадан қурилган уйларни ҳам, томи пальма барги билан ёпилган кулбаларни ҳам, темир ва бетон қозиклар устига қурилган уйларни ҳам учратиш мумкин (14- топшириқ).

3. Хўжалигининг умумий таърифи: кескин тафовутлар мамлакати. Ҳиндистон мустақиллик йиллари давомида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда катта ютуқларга эришди. У индустриалаштиришни, туб аграр ўзгаришларни муваффақиятли олиб бормоқда, космик дастурни амалга оширмоқда. Мамлакат хўжалиги беш йиллик режалар асосида ривожлантирилмоқда.

Кўпгина ҳинд товарлари (моллари)нинг сифати энг яхши дунё стандартларидан қолишмайди. Бу — бошқа омилар билан бир қаторда аҳолининг меҳнат малакалари билан ҳам боғлиқ. Ҳиндистонда болалар жуда ёшлигидан меҳнатга ўргатилади. Бунда гап фақат одамлар муҳтожлиги ва қашшоқлигида бўлмай, меҳнаткаш одамнинг кадрланишида, меҳнатга бўлган ҳурматда ҳамдир.

Шунга қарамай, Ҳиндистон ҳамон жуда катта тафовутлар мамлакати бўлиб қолмоқда. У ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича дунёда 11- ўринни эгаллайди, бироқ жон бошига тўғри қелаётган миллий даромад жиҳатидан 102- ўриндадир. Аҳолининг $\frac{2}{5}$ қисми анча камбағал яшайди.

Бир томондан қудратли, техниканинг энг сўнгги ютуқлари бўйича қурилган саноат корхоналари ўн минглаб майда ва жуда майда, фақат қўл меҳнатига асосланган корхоналар билан уйғунлана, иккинчи томондан, йирик давлат ва хусусий капиталистик ферма ҳамда плантациялар ерсизлик ва ер танқислигидан қийналиб ётган миллионлаб майда деҳқон хўжаликлари билан алмашинади. Ҳиндистон устидан самолётда учиб ўтар экансиз, пастдаги бутун ер майда куроқлардан, яъни парча-парчалардан иборат бўлиб кўринади, чунки хусусий ерлар шу қадар кичикдир. Бу хўжаликлардаги агротехника даражаси дунёда энг пастдир. Кўч қишлоқларда электр токи йўқ.

Ҳиндистон дунёда йирик қорамол сони жиҳатидан биринчи ўринни эгаллайди, бироқ гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш бўйича эса охириги ўринлардан бирида туради [23]. У темир йўлларнинг узунлиги жиҳатидан Осиёда биринчи ўринда туради, бироқ бу йўлларнинг ярми тор изли йўллардир. Ҳиндистон фан-техника мутахассисларининг сони жиҳатидан фақат Россия билан АКШдан кейинда туради, бироқ бу ерда фан ва техниканинг деярли барча соҳаларида мутахассисларнинг чет давлатларга кетиб қолиш ҳоллари кўплаб кузатилмоқда. Дунёдаги ҳеч бир мамлакат кинофильмлар ишлаш бўйича Ҳиндистонга тенглаша олмайди. Мамлакатда йилига 750 та кинофильм яратилади, бироқ аҳолининг ярмидан ортиги саводсиздир. Бомбей, Қалькутта ва бошқа шаҳарларда обод кварталлар (дахалар) хароба уйлар (бастилар) билан ёнма-ён жойлашган. Бу харобаларда ўн миллионлаб ишсиз ва уйсиз одамлар кун кечиради.

Узингиз ҳам биласизки, бу барча тафовутларни бартароф қилиш учун анча вақт кетади.

4. Саноати: тармоқлари, структурасининг ва «географияси»нинг асосий хусусиятлари. Хиндистонда фаол аҳолининг $\frac{1}{5}$ қисми саноатда банд. У энгил саноат ва озик-овқат саноати мамлакатидан оғир индустрияси ривожланган мамлакатга айланди. Ҳозирги Хиндистон фақат дастгоҳлар; тепловозлар, автомобиллар, тракторлар, телевизорлар эмас, балки ЭХМ, АЭС ва космик тадқиқотлар учун ускуналар ҳам ишлаб чиқаради. У атом саноатининг ривожланиши даражасига кўра дунёдаги ~~ривожланаётган мамлакатлар орасида етакчи ўрин тутди.~~

Хиндистоннинг ~~индустрлаштириш~~ иулига ўтиши унинг ёқилги ва хом ашё ресурслари аҳамиятини кескин даражада оширди. Фойдали қазилмалар ҳудудий уйғунлик ҳосил қилувчи районлар саноатда фойдаланиш учун айниқса қулайдир. Бундай районлар асосан Декан ясси тоғлигидадир. Шунинг учун ҳам асосий саноат тугунлари, оғир индустриянинг энг муҳим янги қурилишлари худди шу ерда вужудга келган. Бундай улкан қурилишларни мустақил Хиндистоннинг биринчи бош вазири Жавахарлал Неру иборали қилиб, «Янги Хиндистоннинг қасрлари» деб атаган эди. Ҳақиқатан ҳам улар ўзига хос «~~ўсиш қутблари~~» бўлиб қолди.

Мисол. Декан ясси тоғлигининг шарқий чеккасида, Дамодар водийсида мамлакатнинг бош кўмир-металлургия базаси шаклланди; уни кўпинча «Хиндистон Рури» деб атайдилар. Шу ердаги Бокаро шаҳрида йирик металлургия комбинати бор.

Хиндистон энгил саноатининг етакчи тармоқлари — ил-газлама ва жун тўкиш, шунингдек, тикувчиликдан иборат. Буларнинг барчаси экспортга ишлайди.

5. Қишлоқ хўжалиги: табиий шароити, деҳқончилик зоналари.

Хиндистондаги фаол аҳолининг $\frac{3}{5}$ қисми қишлоқ хўжалигида банд. Давлат ажратган маблағлар «Яшил революция»нинг ютуқларидан фойдаланиш натижасида галла экинлари, айниқса бугдойнинг ялпи ҳосили ошди ва мамлакат ўзини дон билан деярли таъминлай бошлади; бироқ аҳолининг дон истеъмоли даражаси жуда паст (жон бошига 230—240 кг га тўғри келади).

Хиндистоннинг табиий шароити мамлакат ҳудудининг катта қисмида қишлоқ хўжалигини юритиш учун анча қулай. Мамлакат каттагина ер фондига эга. У ~~ҳайдаладиган ерлар майдонига кўра фақат АҚШдангина орқададир; экинзорлар мамлакат ҳудудининг ярмидан ортигини эгаллайди.~~

Хиндистонда иккита асосий қишлоқ хўжалик мавсуми бор: ёзги мавсум ва кишки мавсум. Ёзги мавсум (хариф) май ойи охирдан то сентябрь — октябргача давом этади. Энг муҳим экинлар бу мавсум бошида экилади, чунки шунда уларнинг етилиши ёзги муссон даврига, ҳосилли йиғиб-териш даври эса муссоннинг сўниш даврига тўғри келади. Кишки мавсум (раби) сентябрь — октябрдан то март — апрелгача давом этади. Бу мавсумда қурук ва серкуёш об-ҳаво шароити устуи туради ва кўпчилик экинлар сугоришни талаб қилади.

Шу мавсумларга мувофиқ Ҳиндистонда иккита асосий дехқончилик зонаси шаклланган; улар Ҳинд-Ганга паст текислигидадир.

Бу пасттекисликнинг жануби-шарқий қисмида *Ҳиндистоннинг асосий шоликорлик зонаси* шаклланган бўлиб, бу ерда шולי ёзги мавсум (харифда) муссон ёмғирлари остида, қишки мавсум — рабида эса сугориб етиштирилади. Дехқончиликнинг бу тизими йилига икки, ҳатто уч марта ҳосил олишга имкон беради.

Ҳинд-Ганга пасттекислигининг шимоли-ғарбий қисми — Панжобда (Панжоб — форсча беш дарё оралиги демакдир) *асосий бугдой зонаси* жойлашган. Бугдой раби мавсумида, кўпроқ обикор ерларда етиштирилади. Бу мақсадда гидротехник иншоотлар қурилган бўлиб, улардан энг каттаси Бхакра — Нангалдир. Йирик капиталистик хўжаликлар энг кўп бўлган бу зонада «яшил инқилоб» энг аввал ва энг кўп акс этган. Бу зона Ҳиндистон товар дехқончилигининг бош райони дир.

Мамлакатда бундан ташқари толали, мойли, шакар берувчи ва шифобахш ўсимликлар етиштириладиган анча ареллар ҳам бор (15- топширик).

6. Ҳиндистон хўжалиги ва аҳолисининг географик тарқалиш хусусиятлари: ривожланиш марказлари ва «йўлаклари». Ҳиндистонда хўжаликнинг шундай бир ҳудудий структураси ташкил топганки, бу жиҳатдан у кўпчилик ривожланаётган мамлакатлардан фарқ қилади. *Мамлакатда устун турувчи ягона марказ йўқ.* Мамлакатда гўё тўртта «иктисодий пойтахт» бор; улар Ҳиндистоннинг ғарбида, шарқида, шимолида ва жанубидадир.

Бомбай — Ҳиндистоннинг энг катта шаҳари, саноат ва савдо-мўлиявий маркази. Машинасозлик, нефть-кимё, ип-газлама корхоналари, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш маркази, мамлакатдаги энг катта киностудиялар жойлашган. Бомбай порти — мамлакатнинг бош денгиз дарвозасидир. Бомбай атрофидаги шаҳарлар билан бирга мамлакатдаги энг катта саноат тугунини ташкил этади.

Калькутта XVII аср охирида инглизларнинг Ост-Инд факторийси ўрнида вужудга келган бўлиб, деярли бир ярим аср Британия Ҳиндистонининг маъмурий маркази бўлиб келди. У мамлакатнинг Бомбайдан кейинги иккинчи йирик саноат ва порт шаҳаридир. Калькутта жутни қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича алоҳида ажралиб туради.

Калькутта Ҳиндистоннинг энг асосий маданий маркази ҳисобланади. Унинг Ганг дельтасининг ўзакларидан бири бўйлаб чўзилиб кетган агломерацияси бир-бирига туташган кўп шаҳарларни ўз ичига олади. Калькутта шаҳри — кескин социал тафовутлар шаҳри дир. Ун минглаб уйсизлар бу шаҳарнинг аҳолисини ташкил этади.

Дехли — дунёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, ҳинд — мусулмон архитектураси ёдгорликларига бойдир. Бу шаҳар 1911 йилдан бери Ҳиндистоннинг пойтахти. Шаҳар мустақиллик иллари жуда тез ўсди. У мамлакатнинг йирик транспорт, саноат ва маданият маркази бўлиб қолди. Унинг сиёсий ва маъмурий вазнлари бундан ҳам муҳимдир.

Дехли шаҳри бир-бирдан фарқли икки қисмдан иборат. Унинг шимолий қисми ёки Эски Дехли шарққа хос типик манзарага эга бўлиб, кўчаларнинг торлиги, майда хунармандчилиги ва аҳолининг ниҳоятда зичлиги билан ажралиб туради. Жанубий қисми — яъни Янги Дехли ХХ асрда европа усулида қурилган. Янги Дехли Ҳиндистоннинг расмий пойтахти ҳисобланади.

Мадорас — Ҳиндистоннинг асосий саноат марказлари ва портларидан бири. Жанубнинг «иқтисодий пойтахти»дир.

Бу тўрт асосий саноат маркази ўз таъсирини Ҳиндистоннинг Фарби, Шарқи, Шимоли ва Жанубига, маълум даражада эса, бутун мамлакатга ўтказди. Улар гўё тўртбурчакли пирамиданинг чўққиси бўлиб, бир-бири билан энг муҳим транспорт магистраллари орқали боғланган. Бу магистраллар асосий «ривожланиш ўқлари (йўлаклари)» вазифасини бажаради.

5. БИЗ АВСТРАЛИЯНИ МУСТАҚИЛ ЎРГАНАМИЗ

Дарсликда Австралия (Австралия Иттифоқи)нинг мунтазам тавсифи берилмайди. Бирок бу мамлакат тўғрисидаги айрим маълумотлар дарсликнинг биринчи қисмида кўп марта берилган (16- ижодий топшириқ).

Энг асосий хулоса. Хорижий Осиё — аҳолисига кўра дунёнинг энг катта региони бўлиб, унинг кўплаб иқтисодий, социал, экологик муаммолари демографик портлаш билан боғлиқдир. Ҳудудининг жуда катта эканлиги унинг субрегион доирасида географик ўрни, табиий шароити ва ресурсларининг ҳам бир-бирдан катта фарқ қилишига сабаб бўлган (17-якуний топшириқ).

ҚЎШИМЧА МАТН

(Қизиқарли маълумотлар)

[1] Синганур шаҳар-давлатининг майдони 620 км² бўлиб, Москва шаҳри майдонининг $\frac{2}{3}$ қисмини эгаллайди, аҳолиси эса 2,8 млн. киши. Бу давлат майдони узунасига 42 км га, энига эса 22 км га тенг. Ҳудудининг бир қисми денгиздан ажратиб олинган бўлиб халқаро Чанги аэропорти ҳам шу қисмда жойлашган.

[2] Хорижий Осиёда Малайзия монархияси жойлашган. Бу ерда қирол мамлакатнинг тўққиз штати султонлари орасидан ҳар беш йилда сайланади. Монархнинг тўла унвони мана бундай дейилади: Дули Янг Маха Мулиа Шри Падука Багинда Янг Ди

Пертуан Агунг. Уни малай тилидан таржима қилинса, «Олий ҳукмрон жаноби олийлари» демақдир.

[3] Бутун дунёда топилган 30 та улкан нефть конининг 15 таси Форс кўлтиги хавзасидадир. Ҳатто улар орасидан ҳам ўта улкан нефть конлари — Саудия Арабистонидаги Гавар кони (заҳираси 12 млрд. т. нефть) — ва Қувайтдаги Ал-Бурхон кони (заҳираси 8—9 млрд. т. нефть) алоҳида ажралиб туради. Форс кўлтиги хавзасидаги нефть қудуқларидан нефть фонтан (фаввора) бўлиб отилиб чиқади: уларнинг суткалик ҳажми 1—2 минг тоннага тўғри келади. Нефть бург қудуқларининг умумий сони 5 мингта. Таққосланг: АКШда 615 та бург қудуғи бўлиб, ундан суткасига ўртача 1—2 тонна нефть чиқади.

[4] 1921 йил революцияси арафасида Монголияда 1800 дан ортиқ хилма-хил черков (ибодатхона) ва Ламачиликнинг (ламачилик — буддистликнинг бир тури) 750 та монастири бор эди. Бу монастирларга болаларни 6—8 ёшидан деярли мажбурий равишда берар эдилар, бу деган сўз, мамлакатдаги ҳар икки боланинг бири монастирга берилар эди. Натижада ламачи монахлар ва диндорлар барча эркак аҳолининг 40 % ини ташкил этар эди. Улар никоҳга кириш ҳуқуқидан маҳрум эканлиғидан аҳолининг табиий ўсишига жуда салбий таъсир кўрсатган. Демографларнинг ҳисобига кўра, агар ламачилик бўлмаганда эди, Монголиянинг аҳолиси ҳозиргидек 2 млн. эмас, балки 10 млн. кишини ташкил этарди.

[5] Бутун дунё мусулмонларининг муқаддас шаҳри бўлмиш Маккага («Маккаи Мунаввара»га, бу ердаги Масжиди жоме ҳовлисида муқаддас Каъба жойлашган) ва пайгамбаримиз — жаноби Расулуллоҳ Муҳаммад алайҳиссалом дафн этилган шаҳар — Мадинага («Мадинаи Мукаррама»га) йилига 1—2 млн. одам ҳажга боради. Бошқа динга эътиқод қилувчиларнинг бу шаҳарларга кириши ман этилган. Христианларнинг муҳим зиёратгоҳ маркази эса — Қуддус шаҳридир.

[6] Саудия Арабистонининг пойтахти — Ар-Риёд дунёдаги энг тадрижий ривожланаётган шаҳарлардан биридир. Унинг аҳолиси 1960 й. 160 минг киши эди, 1990 йилга келиб 2 млн. кишидан ортиб кетди. Вазирликлар, банклар, меҳмонхоналар одатда 7—8 қават бўлиб, ўзига хос нафис архитектураси билан ажралиб туради (63-расмга қаранг). Кўчалар чеккасига яшил ўсимликлар кўп экилган, саноат корхоналари эса шаҳардан ташқаридадир.

[7] Бирлашган Араб Амирлигида (БАА) ҳар бир маҳаллий аҳоли тўрт нафар хорижий ишчини ўз хизматига олиш ҳуқуқига эга. Москва журналистларидан бири мамлакат пойтахти Абу-Дабини қуйидагича тавсифлаган эди: «Омонликларнинг ранг-баранг ёнинчиги, сикхларнинг тюрбацлари (ўзига хос либослари) товланади. Бу ерда покистонликларни ҳам, корейларни ҳам, малайзияликларни ҳам, араб мамлакатларидан келган муҳожирларни ҳам учратамиз. Дам олиш кунлари денгиз соҳили бўйлаб гўё бутун Шарқ халқлари саф-

саф бўлиб сайр қилаётгандек бўлиб туюлади». Туб жой аҳоли мамлакат аҳолисининг $\frac{1}{6}$ қисмини ташкил этади. Бирок улар — катта имтиёзга эга бўлган камчиликдан иборат.

[8] Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёнинг ҳар бир аҳолиси йилига ўрта ҳисобда 100—300 кг гуруч истеъмол қилади. Уларнинг озиқ-овқат раціонида гуручга барча калориянинг тахминан $\frac{3}{4}$ қисми тўғри келади. Бу демак, кунига эрталабки нонуштада ҳам, пешинда ҳам, кечкурун ҳам асосий таом гуруч таоми ёки гуруч кўшиб ишлатилган таом бўлиб бошқа барча хил таомлар гўё унга кўшимча, холос. Таққосланг: европалик йилига 1 кг дан 10 кггача гуруч истеъмол қилади, холос.

[9] Табиатни муҳофаза қилишга қаратилган фаол сиёсат, тозалаш иншоотлари қуриш, тозаланин сақлаш юзасидан жуда қатъий чоралар кўрилиши (кўчага ташланган сигарет қолдиги учун 500 сингапур доллари ҳисобида жарима ундириб олинди) туфайли Сингапур Хорижий Осиёда экологик жиҳатдан энг соф мамлакат бўлиб қолди. Бу мамлакат экваториал ва тропик минтақадаги хом сувни водопроводдан бемалол ичиш мумкин бўлган камдан-кам мамлакатлардан биридир.

[10] Хитойнинг Сичуань музофоти (провинцияси)да 100 млн. дан ортиқ, Шаньдуи, Хэнань музофотларининг ҳар бирида 80 млн аҳоли яшайди. ~~Мабодо Сичуань алоҳида давлат бўлганида эди, у аҳоли сонига кўра дунёда тўккизинчи ўринни эгаллар эди.~~

[11] Хитой иероглиф ёзувида 50 мингдан ортиқ белги бўлиб, унинг 7 мингтаси энг кўп ишлатилади. Бошланғич мактабни битирувчи 3,5 минг иероглифни билиши лозим; уларнинг ҳар биридаги чизиқчалар сони 30 га бориши мумкин. Хитой тилидаги ҳар бир иероглиф маълум мусиқа оҳангида талаффуз этилади. Бунда бир товуш билан талаффуз қилинадиган кўп сўзлар мусиқа оҳангига қараб турлича маънони англатиши мумкин. Масалан, «ма» бўғини биринчи оҳангда талаффуз қилинса — «она», иккинчи оҳангда — каноп (ёввойи наша), учинчи оҳангда — «от», тўртинчи оҳангда эса «ҳақорат қилмоқ» маъноларини билдиради.

[12] Хитой тилида ўзбекча «емоқ» сўзига иккита сўз — «чи фань» тўғри келади ва у айнан таржима қилганда «гуруч емоқ» демакдир. Хитойча эрталабки овқатланиш — «цзао фань», яъни «наҳорги гуруч», пешинги овқат — «у фань» ёки «тушки гуруч», кечкурунги овқат эса — «вань фань», яъни кечки овқат дейилади.

[13] Японларнинг ўзлари ўз мамлакатларини қадимдан Ниппон (ёки Нихон) деб атайдилар. Бу ном икки иероглифча белгидан таркиб топган бўлиб, биринчиси «куёш», иккинчиси эса — «асос» деган маънони англатади. Шунинг учун ҳам Японияни «Куюш чиқадиган мамлакат» деб талқин қиладилар. Япониянинг байроғидаги Куюшнинг қизил гардиши ва давлат рамзидаги думалок хризантема гули ҳам куюшнинг

балқиб чиқишини ифода этади.

[14] Синтоизм («синто» сўзи — «худо йўли» демакдир) асосий диний-майший урф-одатлар, аввало тўй тантаналарига хизмат қилади; бундай тўйлар ҳар доим синтоистик ибодатхоналарда ўтказилади. Буддизм эса, аксинча, марҳумлар маросимларини ўтказишга хизмат қилади.

[15] Японияда йилга 40 дан ортиқ турли-туман фестиваллар ўтказилади. Улардан бири Хоккайдонинг «оқ оролида» — ўтказиладиган машхур қор фестивалидир. У февралнинг бошида ўтади. Фестиваль кунлари шаҳарнинг шоҳ кўчаси — Саппорода қордан ясалган 300 дан ортиқ иншоот қад кўтаради. Булар эртак персонажлари ва адабий асарларнинг қахрамонлари, машхур ёдгорликлар ҳамда архитектура иншоотларининг макетларидир.

[16] Токио кўчаларининг умумий узунлиги 22 минг км бўлиб, экваторнинг ярмидан ортиқдир; шаҳарда 4 млн. уй бор. Кўп кўчаларнинг эса умуман номи йўқ. Рақамли жадваллар район, блок хонадонларнинг тартиб номерини билдиради (шаҳарда районларнинг ўзи 23 та). Токиода бировнинг манзилгоҳини топиш, меҳмонлар ёки мусофирлар у ёқда турсин, ҳатто ўз хизматини сидқидилдан бажарадиган полиция ва такси ҳайдовчиси учун ҳам осон иш эмас. Шаҳарнинг айрим қисмлари тезюар автомобиль эстакадалари билан ўзаро туташтирилган, бироқ ҳатто улар ҳам 5 млн. автомобиль ҳаракатини аранг таъминлайди. Айни авж соатларида кўчадаги ҳаракат ниҳоятда сусайиб, машиналар туриб қолади.

[17] Японлар балик ва бошқа хил денгиз маҳсулотлари — осминоғлар, кальмарлар, моллюскалар, йирик қисқичбакаларни одагда хом (камдан-кам ҳолда эса «сўлитиб») ейишни афзал кўрадилар: ваҳолонки, япон пазандачилигида уларни қайнатиб, қовуриб ва бошқа хил пишириб тайёрлаш усуллари кўп.

[18] «Синкансен» («Янги темир йўл») магистралининг умумий узунлиги 1100 км. Ундан поездлар соатига ўртача 200 км ва ундан кўпроқ тезликда «учиб» ўтадилар. Бу йўлнинг узунлиги 515 км ли Токио — Осака қисмида ҳаракат айниқса каттадир. Ушбу ердан суткасига 120 жуфтгача поезд ўтади, йилга эса 120 млн. йўловчи ташилади: бу мамлакат бутун аҳолисининг сонига тенг, «Хикари» (Нур) экспреси (тезюар поезди) бу шаҳарлар орасидаги масофани 2 соату 15 минутда босиб ўтади. Бунда у 66 та тоннель ва 3 мингта кўприқдан ўтиб келади.

[19] «Сейкан» тоннелини қуриш 1970 йилдан то 1988 йилгача давом этади. У Цугару бўғози сувининг тагидан 100 м чуқурликда ўтган бўлиб, Хонсю ва Хоккайдо ороларини ўзаро туташтирди. Тоннелнинг узунлиги 54 км бўлиб, унинг 23 км ли қисми сув остидан ўтган. Тоннель Токио-Саппоро темир йўлидаги ҳаракатни анча тезлаштирди.

[20] Ҳинд статистик-демографларининг ҳисобларига кўра,

Ҳиндистон аҳолиси камида соатига 1,9 минг кишига, суткасига 46 минг кишига, йилига эса 17 млн. кишига кўпаймоқда. Агар аҳолининг ўсиш суръати 80-йиллар даражасида қолса, Ҳиндистон аҳолиси XXI аср ўртасига бориб, 3 м.р.д. кишидан ортиб кетади. Ҳозирнинг ўзидаёқ, мамлакатнинг Ер шаридаги куруқликнинг 2,4 % ини эгалловчи ҳудудида, жаҳон аҳолисининг 15,7 % и тўпланган.

[21] Ҳиндистонда никоҳларнинг $\frac{9}{10}$ қисми ота-оналар томонидан «уюштирилади». Бунда махсус никоҳ эълонларидан кенг фойдаланилади, бу эълонларни барча газеталар якшанба соғида босиб чиқарадилар. Газетада босилган эълонга юзлаб жавобларни олган боланинг отаси ёки қизнинг онаси уларга энг муносиб номзодларни, сўнгра эса улардан ҳам биттасини танлайди. Бу иш одатда ёшларнинг иштирокисиз ўтади. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, куёв ва келин бир-бирларини тўй вақтидагина кўрадилар.

[22] Бутун Ҳиндистон тарихи Ганг дарёси билан чамбарчас боғлиқдир; зеро Ганг ҳиндларнинг муқаддас дарёси ҳисобланади. Миллионлаб зиёратчилар дарё ёқасига келиб, бу дарё сувида «покланиш» (тахорат) удумини амалга оширадилар. Индуизмга содиқ ҳар бир ҳинд ўз ҳаёт йўлини Ганг бўйларида ақунлашга уринади. Чунки у жасадининг кули дарё узра сочилишини бир умр орзу қилади, баъзи марҳумларнинг жасадини эса ўтда куйдирмай, дарёга шундай ташлаб юборадилар, яъни сувга «кўмадилар». Зиёратчилар жойи сифатида Варанаси (Банорас) шаҳри энг машҳурдир. Бу шаҳар Ҳиндистоннинг «Мангу» (боқий) шаҳарларидан бири сифатида шухрат қозонган.

[23] Ҳиндистон аҳолиси йилига жон бошига атиги 1,5—2 кг гўшт истеъмол қилади. Бунга сабаб — маҳсулдор чорвачиликнинг йўқлиги эмас, балки индуизм диний қарашларининг таъсиридир. Бу дин вегетеранлик, яъни гўштсиз овқатланишни кўллаб-қувватлайди, овқатга мол гўштини ишлатиш ва сигирларни сўйишни манъ этади (Қадимий Ҳиндистонда сигирлар ҳосилдорлик ва фаровонлик рамзи бўлган). Индуизм ақидалаларига биноан, ҳинд деҳқони зотсиз қариб қолган қорамолни сўймайди, балки шунчаки ўз ховлисидан ҳайдаб юборади. Бунинг натижасида миллионлаб оч «муқаддас» сигирлар йўллар, экин далалари, шаҳар кўчалари бўйлаб дайдиб юриб, йўл ҳаракатига ҳалал беради ва экинзорларни вайрон қилади, бироқ уларга ҳеч ким тегмайди (76-расмга қаранг).

Китоб жавонингизга

1. Зарубежная Азия. //«Страны и народы» серияси. М.: Мысль, 1979—1982.
2. Страны, хозяйство, моды: Книга для чтения учащихся 10 класса /тузувчи А. П. Кузнецов.— М.: Просвещение, 1988. 4,5-бўлимлар.
3. Самбуrowa E. H., Медведева A. A. Китай //«У Карты мира». серияси,— М.: Мысль, 1991.

4. Потёшкина И. И. Монголия /«У карты мира» серияси.— М.: Мысль, 1988

5. Ивашевцев Г. А. Индия //«У карты мира» серияси — М.: Мысль, 1989.

6. Аничкин О. Н., Куракова Л. И., Фролова Л. Г. Австралия //«У карты мира» серияси — М.: Мысль, 1983.

БИЛИМ ВА ҚЎНИКМАЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИШ БЎЛИМИ

1- топширик. Дарслик муқовасининг ички қисмидаги Хорижий Осиё мамлакатларининг «визит карточкаси» ёрдамида уларнинг давлат тузумини аниқлаштиринг. Тарих курсидан олган билимларингизга таяниб, тушунтириб беринг-чи, нима учун дунёнинг бошқа бирор қисмида хорижий Осиёдагича мутлақ монархиялар сақланиб қолмаган. Республика ва монархияларни ёзувсиз харитага туширинг. Шунингдек, ёзувсиз харитада федератив давлатларни ҳам белгилаб қўйинг.

2- топширик. Атласнинг 4- ва 31-саҳифаларидаги хариталардан фойдаланиб, хорижий Осиё мамлакатларида қайси хил фойдали қазилмалар борлигини аниқланг. Фойдали қазилма турларини мамлакатлар бўйича тақсимланг ва улар таркибидagi минерал ресурсларнинг «комплектланганлиги» ёки «комплектланмаганлиги» тўғрисида хулосалар чиқаринг.

3- топширик. Дарслик матни, Хорижий Осиёнинг табиий харитаси (30- бет), шунингдек, атласдаги дунёнинг ер, сув ва агроиклимий ресурслари хариталаридан (5—8- бетлар) фойдаланиб, Хорижий Осиё кишлок хўжалигини ривожлантириш учун қулай ёки, ноқулай бўлган табиий шароитни тавсифланг. Бунда 219-бетдаги мамлакат (регион) кишлок хўжалигини ривожлантириш учун зарурий бўлган табиий шароитни тавсифлашнинг намунавий режасидан фойдаланинг. 7- синфда материклар ва океанлар географиясини ўрганишдан олган билимларингиздан ҳам фойдаланинг.

4- топширик. Атласдаги дунё халқлари харитасидан (12—13- бетлар) фойдаланиб, Шарқий, Жануби-Шарқий, Жанубий ва Жануби-Гарбий Осиё аҳолиси қайси асосий тил оилаларига киришини аниқланг. Айрим тил оилаларини ташкил этувчи энг катта халқлар номини айтиб беринг.

5- топширик. Атласдаги Жануби-Гарбий Осиёнинг иқтисодий харитаси ва дарсликдаги 61-расмдан фойдаланиб, бу субрегионда нефть саноатининг жойлашувини таърифлаб беринг. Асосий нефть конлари, нефтни қайта ишлаш марказлари, нефть қуурлари, нефть экспорт қилинадиган денгиз портларининг номларини айтиб беринг.

6- топширик. Дарслик матни, дарслик муқовасининг ичкари-сидаги мамлакатларнинг «визит карточка»лари, дарсликдаги расмлар ва атлас хариталаридан фойдаланиб, Хитой аҳолисининг тавсифини беринг. Асосий фактларни баён этиб, хулосалар чиқаринг. Дарсликнинг 220-бетдаги мамлакат (регион)ни

тавсифлашнинг намунавий типовой режасидан фойдаланинг.

Қўшимча топшириқ. Қуйидаги топонимик лугатдан фойдаланиб, Хитойнинг 65-расмда белгиланган айрим музофотлари номларининг маъносини аниқланг: «бэй»,— шимол, «нань» — жануб, «дунь» — шарқ, «си» — гарб, «шань» — тоғ, «юань» ва «нин» — текислик, «хэ» ва «цзян» — дарё, «ху» — кўл, «юнь» — булут.

Мисол: «Хэбэй» — «дарёдан (Хуанхэдан) шимолдаги».

7- топшириқ. Атласнинг 4- ва 33-саҳифасидаги хариталардан фойдаланиб, Хитой оғир саноатининг етакчи тармоқлари корхоналари жойлашган энг йирик саноат марказларига мисоллар келтиринг.

Қўшимча топшириқ Бу марказларни ёзувсиз харитага туширинг. Уларнинг вужудга келиш сабабларини ҳақида ўйлаб кўринг.

8- топшириқ. Дунёнинг агроиклим ва марказий ҳамда Шарқий Осиёнинг иқтисодий харитасидан фойдаланиб қуйидагиларни белгиланг: 1) Хитой қандай агроиклим минтақа минтақаларида жойлашган; 2) Хитойда қайси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади; 3) қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган асосий районлар қаерда жойлашган. Бунинг сабабларини айтиб беришга ҳаракат қилинг.

Қўшимча топшириқ Ёзувсиз харитага Хитойда шоли, бугдой ва чой етиштириладиган асосий районларни туширинг. Уларнинг жойлашишини тушунтириб беринг.

9- топшириқ. Дарслик матни, 65-расм ва атласнинг 30- ва 33-бетидаги хариталардан фойдаланиб, Хитойнинг уч иқтисодий зонасини қиёсий тавсифланг.

Қўшимча топшириқ Сиз экскурсоводсиз ва сизга Пекин шаҳрининг маркази бўйлаб саёҳат ўтказиш топширилган деб тасаввур этинг. Дарслик матни, Пекининг атласдаги тархи (35-бет) ва қўшимча ахборот манбаларидан фойдаланиб, бундай экскурсия учун маълумот тўпланг ва уни ўртоқларингиз билан ўтказинг.

10- топшириқ. Дарслик матни, дунёнинг сиёсий харитаси ва Япониянинг атласдаги иқтисодий харитасидан фойдаланиб (34-бет), Япониянинг ИГУ ни тавсифланг. Бунда дарсликнинг 179 саҳифасидаги мамлакат (регион) нинг ИГУ ни тавсифлаш намунавий режасини кўлланг.

Қўшимча топшириқ Дарслик матни ва расмларидан шунингдек, атлас хариталаридан фойдаланиб, Япония билан Буюк Британиянинг ИГУ ни қиёсий тавсифланг; улар ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутларни аниқланг.

11- топширик. Дарслик матни ва 69- расмдан фойдаланиб, Япония импорти ҳамда экспортнинг структураси (таркиби)ни тавсифланг: 5-мавзудаги расмдан фойдаланиб, Японияга четдан олиб келинадиган асосий ёкилги ва хомашё ташиладиган йўлларни аниқланг.

Қўшимча топширик (мураккаблаштирилган). 5-мавзуда берилган расмлардан фойдаланиб бу юк ташиш йўналишларини ёзувсиз харитага тушинг. Япониянинг ёкилги-хомашё импорти географияси тўғрисида умумлашма хулоса ёсанг.

12- топширик. Дарслик матни ва 70- расмдан фойдаланиб, Япониянинг Тинч океан минтақасига умумий таъриф беринг. Япониянинг атласдаги иқтисодий харитаси ёрдамида (34- бет) дарсликдаги кўйдаги маълумотларни ойдинлаштинг: 1) «Бу ерда кўплаб ИЭС ва АЭС, металлургия, нефтни қайта ишловчи ва кимё комбинатлари, машинасозлик заводлари бор»; 2) «Унинг доирасида интенсив кишлок хўжалигининг кўплаб асосий районлари, асосий транспорт магистраллари, энг муҳим портлар бор».

13- топширик (ижодий).

Япония бўйлаб одатдаги туристик маршрут Токио, Осака, Киото, Хиросимани ўз ичига олади. Дарслик матни расмларидан, шунингдек қўшимча ахборот манбаларидан фойдаланиб, шундай бир маршрут тузингки, у Япониянинг хар иккала «қиёфаси»ни кўрсатсин.

14- топширик. Дарслик матни, 74- расм ва атласдаги Ҳиндистон халқлари харитасидан фойдаланиб (38-бет), Ҳиндистон аҳолисини тавсифланг. «Миллионер» шаҳарларни санаб беринг. Аҳоли зичлигининг 1951, 1981, 1991 ва 2000 йилги (башорат) ўртача кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқинг. Олинган маълумотларни қиёсланг ва улар нималарни билдиришини тушунтириб беринг.

15- топширик. Дарслик матни, атласдаги Осиёнинг табий харитаси (30-бет) ва Жанубий ҳамда Жануби-Шарқий Осиёнинг иқтисодий харитасидан (36-бет) фойдаланиб, Ҳиндистоннинг кишлок хўжалигини тавсифланг. Бунда дарсликнинг 220-саҳифасидаги мамлакат (регион)нинг намунавий тавсифи режасидан фойдаланинг.

Қўшимча топширик (мураккаблаштирилган). Атласдаги харитадан (37-бет) фойдаланиб, ёзувсиз харитага шоли, бугдой, тарик, пахта, жут, шакарқамиш ва чой етиштириладиган жойлар ареалини тушинг. Ҳиндистонда Хорижий Осиё кишлок хўжалигининг қайси районлари (типлари) борлигини аниқланг.

16- топширик (ижодий). Дарсликнинг биринчи қисмидаги матн ва расмларни диққат билан қараб

чикинг ҳамда улардан Австралияга тегишли барча маълумотларни ажратиб олинг. Бу маълумотлар асосида мазкур мамлакатнинг қисқача социал-иқтисодий тавсифини беринг. Дарсликнинг 270-саҳифасидаги айрим мамлакатга тавсиф беришнинг намунавий режасидан фойдаланинг.

**17- топширик
(якуний).**

1. (Дафтарда ишлаш). 7-мавзунинг бирор параграфининг мантикий конспектини тузинг. 2. (Ёзувсиз харитада ишлаш). Дарслик матни ва расмларидан

фойдаланиб, «Хорижий Осиё мамлакатлари жаҳон бозорига чиқарадиган энг муҳим маҳсулотлар» харита-схемасини тузинг. Тоғ-кон саноати, қайта ишлаш саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини стрелкалар билан кўрсатинг.

3. Хорижий Осиёдаги ўзингиз боришни истаган бирор мамлакатни танланг. Бу мамлакатга тегишли қизиқарли материалларни ажратиб тўпланг. Уни синфда гўё ўз шахсий таассуротингиз тарзида сўзлаб беринг.

4. 7-мавзуни ўрганаётганингизда дарсликдаги қайси мавзуй хариталардан ва атласнинг қайси хариталаридан фойдаланишингизни аниқланг.

5. Дарсликдаги 73-расмдан фойдаланиб, Япония соҳилидаги денгизнинг қуруқликка айлантирилган қисмини тавсифланг.

**Ўз-ўзини назорат ва ўзаро назорат бўлими
Куйидаги саволларга жавоб бериб кўринг:**

1. Нима учун иқтисодий жиҳатдан ривожланган барча мамлакатлар орасида Япония денгизга энг кўп «сурилди»? Нима учун айнан Япония супертанкерлар, кўмир ташувчи, руда ташувчи ва автомобиль ташувчи кемалар қуришда биринчи бўлиб қолди?

2. Нима учун Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёда аҳоли зичлиги дарё водийлари ҳамда дельталарида энг катта?

3. Нима учун чорвачилик Монголия хўжалигининг етакчи тармоғи бўлиб қолди?

4. Нима учун Меконг дарёсини «Осиёнинг Дунайи» деб аташ мумкин?

5. Нима учун «Ҳиндистонни билиш учун қишлоқда яшаш керак» дейишади?

6. Нима учун Австралияда асосан океан бўйи ҳудудлари ўзлаштирилган?

Куйидаги қайдларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириб кўринг, агар керак бўлса тўғри жавобни айтинг.

1. Ер шаридаги ҳар бешта одамнинг бири — хитойлик.

2. Осиёнинг бошқа давлатларидан фарқли ўлароқ, Япония учун аҳоли кўпайишининг биринчи типини характерли.

3. Жанубий Осиё — дунёнинг энг кўп миллатли ва кўп тилли регионларидан бири. ✓

4. Япония ресурслардан атиги биттасига, яъни меҳнат ресурсларига эга бўлиб, етакчи индустриал давлатга айланди.

5. Осиёнинг муссон ўлкаларидаги деҳқонлар бугдой ва арпа етиштирадилар.

6. Австралия қўйлар сони ва жун етиштиришда дунёда биринчи ўринни эгаллайди.

КУЙИДАГИ САВОЛЛАРДАН ҲАР БИРИГА ТЎҒРИ ЖАВОБ ТОПИҢГ

1. Жануби-Ғарбий Осиё мамлакатлари ер бағри нефть, табиий газ, темир рудаси, уран, рангли металл рудаларига бой.

2. Жанубий Осиёнинг кишлок хўжалик маҳсулотлари орасида гуруч, банан, хурмо, бугдой, чой, пахта, жун ажралиб туради.

3. Япониянинг қуйидаги тўрт асосий оролидан қайсилари иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган: 1) Хоккайдо О, 2) Хонсю О., 3). Кюсю О., 4). Сикоку О?

Нотўғри жавобларни ўчиринг:

Япония қуйидаги маҳсулотларни экспорт қилади: қора металллар, автомобиллар, денгиз кемалари, электроника буюмлари, кўмир, нефть, темир рудаси, ўрмон материаллари, чорвачилик маҳсулотлари.

Қуйидагиларни бажара оласизми?

1. Дарслик матни ва хариталарида эслатиб ўтилган қуйидаги мамлакатларни хотирангизга таяниб, ёзувсиз харитага тушира оласизми: Монголия, КХДР, Тайланд, Сингапур, Афғонистон, Эрон, Ироқ, Сурия, Туркия, Исроил?

2. Дарслик матни ва хариталарида тилга олинган қуйидаги шаҳарларни харитадан кўрсата оласизми: Шанхай, Осака, Жакарта, Бангкок, Бомбай, Кобул, Ар-Риёд, Стамбул, Сидней, Мельбурк?

3. Қуйида санаб ўтилган шаҳарлардан қайси бирлари «янги индустриал» мамлакатларга қиради: КХДР, Камбоджа, Корея Ресубликаси, Сингапур, Ироқ?

4. Қуйида санаб ўтилган пойтахт шаҳарларнинг қайсилари денгиз бўйида жойлашган: Улан-Батор, Пекин, Токио, Сеул, Ханой, Деҳли, Бағдод, Анқара, Бейрут?

5. Австралиянинг беш йирик шаҳари номини айтинг.

✓Қуйидаги таъкид қайси мамлакатларга тегишли:

1. Қайси мамлакат аҳолисининг ўртача зичлиги бўйича дунёда биринчи ўринда туради («Митти давлатлардан ташқари»)?

2. Қайси мамлакат обикор ерлар майдонига кўра дунёда биринчи ўринда туради?

3. Қайси мамлакат нефть захиралари бўйича дунёда биринчи ўринда туради?

4. Ҳамкорликка кирувчи материк-мамлакат.

7- мавзу учун методик очкич

Нималарни эсламоқ керак:

1. Хорижий Осиёнинг сиёсий харитаси ва халқлари (География, 7- синф). 2. Хорижий Осиё билан Австралиянинг географик ўрни, рельефи, фойдала қазилмалари, иқлими, сувлари, тупроқлари ва ўсимликлари хусусиятлари, улар доирасидаги табиат зоналари (География, 7- синф). 3. Олд Осиё қадимги даврларда (Тарих, 6- синф). 4. Хитой, Ҳиндистон ва Япониянинг XIX аср охири — XX аср бошида ривожланиш хусусиятлари (Тарих, 10- синф). 5. Дарслик I қисмининг маълумотлари. 6. Тушунча ва атамалар: иқлим минтақалари, тупроқлар эрозияси, мелиорация, баҳорикор деҳқончилик.

Нималарни билиб олмоқ керак:

7- мавзунинг асосий ғоялари:

Сўнги ўн йилликлар давомида хорижий Осиё мамлакатларининг дунё сиёсати ва иқтисодиётидаги роли тобора ортиб бормоқда.

7- МАВЗУНИНГ АСОСИЙ ИЛМИЙ МАЪЛУМОТЛАРИ:

1. Хорижий Осиё ва унинг тўрт субрегион иқтисодий-географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари, аҳолиси, саноати, қишлоқ хўжалиги географияси, табиатни муҳофаза қилиш муаммоларининг характерли белгилари. 2. Хитойнинг иқтисодий географик ва социал географик тавсифи. 3. Япониянинг иқтисодий географик ва социал географик тавсифи. 4. Ҳиндистоннинг иқтисодий-географик ва социал географик тавсифи. 5. Австралиянинг қисқача географик обзори. 6. Мавзунинг энг асосий («калит») тушунчалари: 1) Осиё типидagi шаҳар, 2) мегалополис, 3) «технополис», 4) «ўсиш кутби».

Нималарни қилишни билиш керак

1. Мамлакат (регион) қишлоқ хўжалигининг ривожланиши учун зарурий табиий шарт-шароитларни тавсифлаш олиш.
2. Мамлакат (регион) қишлоқ хўжалигини тавсифлаш олиш.
3. Мамлакат (регион) аҳолисини тавсифлаш олиш.
4. Дарслик матни бир қисмининг мантиқий конспектини туза олиш.

Мустақил ўқув иши малакаларини эгаллаш бўйича кўрсатма ва режалар

1. Мамлакат (регион) қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан табиий шароитни тавсифлаш режаси

1. Худуд рельефининг шароити ва унинг қишлоқ хўжалигига таъсири. 2. Худуднинг агроиклимий тавсифи. 3. Худуднинг тупроқ-ўсимлик шароити. 4. Қишлоқ хўжалигини ривожланти-

риш нуктаи назаридан табиий шароит ва ресурсларга умумий баҳо бериш.


2. Мамлакат (регион) қишлоқ хўжалигини тавсифлаш режаси.

1. Тармоқнинг аҳамияти ва маҳсулот ҳажми. 2. Тармоқни ривожлантириш учун табиий шароити. 3. Аграр қишлоқ хўжалиги муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари. 4. Тармоқнинг структураси, зироатчилик ва чорвачиликнинг нисбати. 5. Зироатчилик ва чорвачилик географияси, қишлоқ хўжалик районлари (зоналари). 6. Мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт ёки экспорт қилишга қай даражада муҳтожлиги. 7. Умумий хулоса ва тармоқнинг ривожланиш истикболлари.

3. Мамлакат (регион) аҳолисини тавсифлаш режаси:

1. Аҳолининг сони, кўпайиш тури, демографик сиёсат. 2. Аҳолининг ёш-жинсий таркиби, меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги. 3. Аҳолининг миллий (этник) таркиби. 4. Аҳолининг социал-синфий таркиби. 5. Аҳоли жойлашувининг асосий хусусиятлари, миграциянинг бу жойлашувга таъсири. 6. Урбанизациянинг даража, суръат ва шакллари, бош шаҳарлар ва шаҳар агломерациялари. 7. Қишлоқ аҳоли пунктлари географияси. 8. Умумий хулоса. Аҳолининг ўсиш истикболлари ва меҳнат ресурслари билан қай даражада таъминланганлиги.

8- МАВЗУНИНГ ЧИЗМА-РЕЖАСИ



8- МАВЗУ. АФРИКА

Африканинг майдони 30,3 млн км², аҳолиси 650 млн киши (1990 й). Дунёдаги ҳеч қайси материк мустамлакачилик зулми ва қул савдоси бўйича Африкачалик жафо чеккан эмас. XX аср бошига келиб бутун Африка мустамлака материгига айланди ва бу ҳол кўп жиҳатдан унинг қолоқ бўлиб қолишини белгилади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мустамлакачилик тизими кадамма-кадам тугатила борди ва эндиликда материкнинг (ороллар билан бирга) сиёсий харитасида 55 мамлакат бор. Буларнинг деярли барчаси озодликка эришган мамлакатлар қаторига киради. Жанубий Африка Республикаси иктисодий ривож топган мамлакатлар тоифасига киради.

Африка иктисодий ва социал ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари бўйича бошқа йирик регионлардан анча орқадир. Бунинг устига бу қолоқлик ҳатто ортиб бормокда.

1. БИЗ АФРИКАГА УМУМИЙ ТАВСИФ БЕРАМИЗ

1. Худуди, чегаралари, географик ўрни: катта ички тафовутлари. Давлат тузуми. Африка худуди шимолдан жанубга 8 минг км га, ғарбдан шарққа томон эса энг кўпи билан 7,5 минг км га чўзилган. Африка мамлакатларининг кўпи худудига кўра Европа мамлакатларидан йирикдир.

Мисол. Африканинг худудига кўра энг катта мамлакати Судандир (2,5 млн. км²). У Европа мамлакатларининг энг каттаси бўлган Франциядан 4,5 баравар катта. Жазоир, Зоир, Ливия, Ангола, Эфиопия, ЖАР ҳам майдонига кўра Франциядан икки-уч баравар каттадир.

Африка мамлакатларининг ИГЎ ни баҳолаш учун турли мезонлардан фойдаланиш мумкин. Энг муҳим бундай мезонлардан бири мамлакатнинг денгизга чиқа олиши ёки чиқа олмаслигидир. Дунёнинг бошқа ҳеч бир материгида денгиздан узоқда (баъзан 1,5 минг км масофада) жойлашган давлатлар сони бу қадар кўп эмас. Материк ичкарасида жойлашган мамлакатларининг кўнчилиги энг қолоқ мамлакатлар қаторига киради.

Африка мамлакатлари давлат тузумига кўра бири-биридан анча кам фарқ қилади: улардан фақат учтасида монархия тузуми сақланиб қолган, қолганлари — республикалардир.

2. Табиий шароити ва ресурслари: Африка мамлакатларининг ривожланишидаги энг муҳим омил. Африка турли хил фойдали қазилмаларга ниҳоятда бойдир. У марганец рудалари, хромитлар, бокситлар, олтин, платиноидлар, кобальт, олмас, фосфоритлар бўйича бошқа материклар ўртасида биринчи ўринда туради. Яна шуниси ҳам борки, минерал хом ашёлар сифатининг юқорилиги билан ажралиб туради ва кўпинча, очик усулда қазиб олинади.

Мисол. Африканинг фойдали қазилмаларга энг бой мамлакатлари ЖАРдир. Унинг ер бағрида нефть, табиий газ ва бокситларни ҳисобга олмаганда, қазилма бойлик ресурсларининг деярли ҳамма хили бор [1].

Бироқ Африкада фойдали қазилмалари кам мамлакатлар ҳам бор ва бу ҳол уларнинг ривожланишига тўскинлик қилади (1-тошширик).

Африканинг ер ресурслари анча катта. Ундаги ҳар бир одамга Жануби-Шарқий Осиё ва Лотин Америкасидагига қараганда ишланадиган ер кўп тўғри келади. Шуниси ҳам борки, материкда қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг атиги 1,5 қисми ишланади. Бироқ Африкада тупроқлар эрозияси ҳам жуда кенг кўламда рўй бермоқда. Бельгиялик географ Жан-Поль Гарруа Африкада ерларнинг ишдан чиқиб бораётганлиги ҳақида 30-йиллардаёқ китоб ёзиб, бу китобга «Африка ўлиб бораётган ер» деган даҳшатли ном кўйган эди. Шундан бери тупроқларнинг ҳолати яхшилангани йўқ, аксинча, ёмонлашди.

Африканинг агроиклим ресурслари бирдай эмас. Сизга маълумки, Африка ер юзидаги «энг иссиқ (жазирама) материк», бинобарин, у иссиқлик ресурслари билан жуда яхши таъминланган. Бироқ материк ҳудуди бўйлаб сув ресурслари ниҳоятда нотекис тақсимланган. Бу ҳол унинг қишлоқ хўжалигига ва умуман олганда, аҳолисининг бутун ҳаётига жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Шундай экан, биздаги «Сув — ҳаёт демасдир!» (яъни «Сув — обихаёт!») ибораси биринчи навбатда Африкага ҳам тааллуқлидир. Унинг қургокчил қисмларида ерларни суғориш катта аҳамиятга эга. Ҳозирча эса ерларнинг атиги 3—4% и суғорилади, ҳолос. Экваториал минтақада эса ортиқча намланиш, яъни ёгинларнинг кўплиги аксинча одамларнинг ҳаёти ва хўжалик фаолияти учун катта қийинчиликлар тугдиради. Африкада гидроэнергетика ресурсларининг деярли ярми Конго хавзасига тўғри келади. [2].

Африка ўрмонларининг умумий майдонига кўра фақат Лотин Америкаси ва Россиядан кейинда туради. Бироқ унинг

ўрмон билан қопланганлик ўртача кўрсаткичи анча паст. Бунинг устига ўрмонлар кўплаб кесилиши натижасида тиклана олмаслиги, улар майдонининг тобора қисқара бориши тобора хавфли тус олмоқда (2- топшириқ).

3. Аҳолиси: унинг кўпайиши, таркиби ва жойлашиши. Хусусиятлари. Сизга маълумки, Африка бутун дунёда аҳоли сонининг энг юксак суръатларда ўсиши билан ажралиб туради. Бу кўп жиҳатдан оилаларнинг кўп болали бўлишидек қадимий анъаналар билан боғлиқ. Африкада «Пулсизлик кулфат. Болаёсизлик эса ундан икки баравар кўпроқ кулфатдир» деган гап бор. Шундай бўлса-да материкда кўпчилик давлатлар фаол демографик сиёсат олиб бормайдилар ва шу сабабли ҳам бу ерда туғилиш энг юқоридир.

|| **Мисол.** Кения, Бенин, Уганда, Нигерия, Нигер, Танзанияда туғилиш ҳар бир минг аҳоли бошига 50 тадан ошади, яъни бу кўрсаткич Европадагидан 4—5 баравар юқори.

Африка то ҳозиргача ўлим энг юқори регион бўлишига қарамай, унинг аҳолиси жуда тез ўсмоқда ва у илмий ҳисобларга кўра 2000 йилга бориб деярли 900 миллион кишига етади. Бу болалар ўлимининг жуда юқори кўрсаткичлари, аҳолининг иш билан бандлиги, маориф, соғлиқни сақлаш муаммоларининг кескинлашуви бундан буён ҳам сақланиб қолади, демакдир.

Африка аҳолисининг этник таркиби билан боғлиқ муаммолар ҳам талайгина ва жуда хилма-хилдир. Этнограф олимлар материкда 300—500 тача этносни, яъни халқ, қабила, қавм, уруғ, элат ва ҳоказоларни ажратдилар. Уларнинг айримлари, айниқса Шимолий Африкада, йирик миллатга айланиб бўлдилар, бироқ кўпчилиги ҳамон элат ва қабила даражасида қолиб келмоқдалар; бунинг устига кўп жойларда уруғ-қабилачилик тузуми қолдиқлари сақланиб келмоқда.

Африканинг озодликка чиққан мамлакатларида илгариги, яъни мустамлакачилик давридаги чегаралар ҳамон сақланиб қолмоқда; ваҳоланки улар бир вақтлар аҳолининг этник хусусиятларини ҳисобга олмай ўтказилган эди. Бунинг натижасида кўплаб яхлит халқлар давлат чегарасининг икки томонида қолиб келмоқда. Бу ҳол ҳануз этнослараро зиддиятлар ва ҳудудий ихтилофларга сабаб бўлмоқда, улар кўпинча ҳарбий тўқнашувларга (Африка Мугузиди), «этник қочоқлар» сонининг кўпайиб кетишига олиб келмоқда. Ўтмиш саркитларидан бири шуки, ҳануз кўпчилик Африка мамлакатларида давлат тили собиқ метрополиялар тили, яъни, инглиз, француз, португал тиллари бўлиб қолмоқда.

Африканинг маданий мероси жуда катта. Бу мерос халқ ижоди, яъни фольклорни, қадимги Мисрда вужудга келган монументал архитектуранинг, жуда қадимги девор ёзувларини ёзиш анъаналарини сақлаб қолган амалий-декоратив санъатни ўз ичига олади. Деярли ҳар бир

халқ ўз мусиқа маданиятига эга, ўз ашула ва ракс услубларини, мусиқа асбобларини саклаб келмоқда. Қадим замонлардан бери турли хил театрлаштирилган томошалар, сайиллар мавжуд.

Африкада аҳолининг ўртача зичлиги (1 кв км² га 22 киши тўғри келади). Хорижий Европа ва Осиёдагига қараганда бир неча баравар кам. Осиёдаги каби Африкада ҳам аҳоли пунктлари нўхоятда нотекис тақсимланган. Саҳрои Кабирда дунёдаги аҳоли умуман яшамайдиган энг катта худудлар жойлашган. Нам троник ўрмонларда ҳам аҳоли сийрак. Бирок аҳоли зич тарқалган жойлар ҳам бор: улар айниқса соҳилларда кўп. Айрим мамлакатларда эса аҳолининг тарқалишидаги бундай тафовутлар янада каттадир.

Мисол. Чунончи, Миср мана шундай давлатларга яққол мисолдир. Аҳолининг деярли барчаси (55 млн. киши) Нил дарёсининг дельтаси ва водийсидаги худудда яшайди, ваҳоланки, бу худуд мамлакат жами майдонининг атиги 40% ини ташкил этади (1 млн. км²). Бу деган сўз — ҳар бир км² га Нил дельтаси ва водийсида 1300—1400 киши тўғри келса, чўл районларда 1 кишидан ҳам кам миқдор тўғри келади.

Африка урбанизация даражасига кўра бошқа регионлардан анча кейинда туради. Бу нарса шаҳар аҳолисининг салмоғига ҳам, катта шаҳарлар ва «миллионер» шаҳарларнинг сонига ҳам (атиги 20 та) тааллуқлидир. Африкада шаҳар агломерациялари эндигина шаклланмоқда. *Бирок бу ердаги урбанизация суръатлари дунёда энг юқоридир*; айрим шаҳарларнинг аҳолиси ҳар 10 йилда 2 баравар кўпаймоқда. Бирок шаҳар аҳолисининг бу қадар тез «портлаб» ўсиши бир қанча салбий оқибатларга ҳам эга. Зеро, асосан пойтахт шаҳарлар ва «иктисодий пойтахтлар» аҳолиси жадал ўс-моқда. Яна шуниси ҳам борки, бу шаҳарлар аҳолиси кишлоқ аҳолисининг муттасил кўчиб келиши ҳисобига кўпаймоқда; чунки улар моддий ҳаёт воситаларидан маҳрум бўлиб, харобага айланган чекка районларда жуда оғир кун кечирадилар (3- тонширик).

4. Хўжалиги: Африканинг дунё хўжалигида тутган ўрни. Африка мамлакатлари мустақилликка эришгач, асрий колоқликдан чиқиб олиш учун ҳаракат қила бошладилар. Табиий ресурсларни национализация қилиш (яъни давлат ихтиёрига ўтказиш), аграр реформани амалга ошириш, иктисодиётни режалаштириш, миллий кадрларни тайёрлаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бунинг натижасида ривожланиш суръатлари жадаллашди. Хўжаликнинг тармоқлар ва худудий структурасини қайта қуриш бошланди.

Бу йўлда тоғ-кон саноатида энг катта муваффақиятларга эришилди. Ҳозирги кунда кўплаб хил фойдали қазилмаларни қазиб олишда Африка хорижий дунёда муҳим, баъзан эса етакчи ўринни тутаяди (8- жадвалга қаранг). Қазиб олинган ёқилги ва хомашёнинг асосий қисми жаҳон бозорига

чиқарилиши сабабли айнан тоғ-кон саноати биринчи навбатда Африканинг халқаро географик меҳнат тақсимотидаги ўрнини белгилайди.


Африканинг жаҳон хўжалигидаги ўрнини белгиловчи иккинчи тармоқ тропик ва субтропик деҳқончилиқдир (8-жадвалга қаранг). У ҳам аниқ экспорт йўналишига эга.

Умуман олганда, Африка ўз ривожланишида ҳали жуда орқададир. У дунёнинг бошқа регионлари орасида индустриалштириш суръатлари, кишлоқ хўжалиқ экинларининг ҳосилдорлиги жиҳатидан охириги ўрнида туради.

8-жадвал

Африканинг хорижий дунё тоғ-кон саноати ва қишлоқ хўжалиқ маҳсулотидagi ҳиссаси

Тоғ-кон саноати	Ҳиссаси	Қишлоқ хўжалиғи	Ҳиссаси фоиз ҳис.
Олмос	96	Какао (янчилмагани)	60
Олтин	76	Маниок	42
Кобальт рудаси	68	Сизаль	41
Хромитлар	67	Хурмо ёнғоғи мағзи	39
Марганец рудаси	57	Ерёнғоқ	27
Уран	35	Кофе	22
Фосфоритлар	31	Тариқ ва оқжўхори	20
Мис рудаси	24	Зайтун	16



47-расм. Африкадаги саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирадиган давлатлар

Кўпчилик мамлакатларда ҳамон хўжалиқ тармоқлар структурасининг мустамлакачилик типини сақлаб қолмоқда. Унинг ўзига хос белгилари қуйидагилардан иборат: 1) кам товар маҳсулотли, каммаҳсул кишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришининг устун туриши; 2) ишлов берувчи саноатнинг суст

ривожланганлиги; 3) транспортнинг анча қоқоқлиги; 4) но-ишлаб чиқариш соҳасининг кўпроқ савдо ва хизмат кўрсатиш билан чекланганлиги.

Хўжалигининг ҳудудий структураси ҳам мустамлака ўтмишидан сақланиб келаётган умумий қоқоқлик ва кучли номутаносиблик (нотекис ривожланиш) билан характерланади. Регионнинг иқтисодий харитасида саноат (булар асосан пойтахт районларидир) ва юкка товар маҳсулотли кишлоқ хўжалигининг айрим ўчоқларигина ажралиб туради.

80-йиллар Африканинг социал-иқтисодий аҳволи айниқса ёмонлашиб, иқтисодий тушкунликка (буҳронга) ўта борди. Ривожланиш суръатлари секинлашди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (йиллик ўсиш 2% атрофида) билан аҳолининг бу маҳсулотларга бўлган талаби (унинг йиллик ўсиши 3%) ўртасидаги тафовут ортди; натижада четдан галла келтириш кучайди. Бунинг устига Африкада мисли кўрилмаган қурғоқчилик рўй бериб, у регион мамлакатларининг ярмидан ортигини қамраб олди ва бевосита 200 млн кишини ўз таъсири остига олди. Африка, шунингдек, ғарб мамлакатларидан катта қарз бўлиб қолди. Мана шунинг учун ҳам уни ҳамма «йўқсиллик материғи» деб атай бошлади (4-топшириқ).

Кўпчилик Африка мамлакатлари социал-иқтисодий қоқоқлигининг бош сабабларидан бири — бу материк иқтисодиётининг бир ёқлама — аграр хомашё йўналишида ривожланиши бўлди. Кўп мамлакатларда бу бир ёқламалик монокультура, яъни бир экиннинг яккаҳоқимлиги даражасига етди. Монокультура (монотовар) ихтисослашув — мамлакат хўжалигининг бир хил маҳсулот, одатда хом ашё ёки озиқ-овқат маҳсулот етиштиришга ихтисослашиши демакдир; бу маҳсулот асосан экспорт учун етиштирилади. (Ўзбекистонда узоқ йиллар ҳукм сурган пахта яккаҳоқимлигини эсланг.)

Монокультура — фақат табиий ходиса бўлмай, тарихий, социал ходиса ҳамдир. Африка мамлакатлари бундай ўта тор ихтисослашувга мустамлакачилик даврида мажбур қилинган. Ҳозирги кунда ҳам мана шундай тор ихтисослашув оқибатида ўнлаб мамлакатларнинг бутун ҳаёти дунё мамлакатларининг экспорт қилинувчи бу икки хил товар маҳсулотига талаби билан чамбарчас боғлиқдир.

Бу — мустамлака қарамлигининг бир шаклидан ўзга нарса эмас. Монокультура мамлакатлари кўп тармоқли иқтисодни барпо қилишга уринмоқдалар, бироқ бу йўлда камдан-кам давлатларигина муваффақиятга эришдилар.

2. ШИМОЛИЙ ВА ТРОПИК АФРИКАНИНГ СУБРЕГИОНЛАРИНИ ТАҚҚОСЛАЙМИЗ

1. Африканинг субрегионларга бўлиниши: икки асосий субрегион. Африкани иқтисодий районлаштириш ҳали амалга

оширилгани йўқ. Ҳуқуқ адабиётида ва ҳатто илмий адабиётда ҳам одатда уни икки табиий ва маданий-тарихий субрегионга ажратадилар; булар — Шимолий Африка ва Тропик Африка (ёки «Саҳрои Кабирдан жанубдаги Африка») дир. Тропик Африка ўз навбатида Ғарбий, Марказий, Шарқий ва Жанубий Африкага бўлинади.

2. Шимолий Африка: худудининг образи. Шимолий Африканинг умумий майдони — 10 млн. км² атрофида, аҳолиси 150 млн. киши. Бу субрегионнинг географик ўрни аввало Ўрта денгизга рўпара эканлиги билан боғлиқ. Шу туфайли Шимолий Африка амалда Жанубий Европа ва Жануби-Ғарбий Осиё билан қўшни ва Европадан Осиёга борадиган асосий денгиз йўлларига тўғридан-тўғри чиқа олади. Саҳрои Кабирнинг аҳоли нихоятда сийрак яшайдиган худудлари регионнинг ички қисми ҳисобланади.

Шимолий Африка — қадимги Миср маданиятининг бешиги бўлиб, унинг дунё маданиятига қўшган ҳиссаси ҳаммага маълум. Антик даврда Африканинг Ўрта денгиз бўйи қисми қадимги Юнонистон ва Римнинг асосий экинзор ерлари эди; ер ости сувлари тўпланадиган галереялар ва бошқа хил иншоотлар изларини ҳаётсиз, ҳувуллаб ётган қум ва тошлар «денгизи» орасида ҳамон учратиш мумкин. Қирғоқ бўйидаги кўп шаҳарлар (Искандария, Тунис) ҳаёти тарихи қадимги юнон, рим ва карфагенликлар бунёд этган шаҳар ҳамда кишлоқлардан бошланади. VII — XII асрлардаги араб цивилизацияси (юксак ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва маданияти) Шимолий Африка аҳолисининг этник таркиби, маданияти, дини ва турмуш тарзига нихоятда катта таъсир кўрсатган. Бу субрегионни ҳозирда ҳам «араблар африкаси» деб атайдилар: унинг деярли барча аҳолиси араб тилида сўзлашади [3] ва ислом динига эътиқол қилади. Кўп замонавий шаҳарларга ҳам араблар асос солганлар.

Шимолий Африканинг хўжалик ҳаёти Кашбар денгиз бўйи худудларида тўпланган. Бу ерда ишлаб берувчи саноатнинг асосий марказлари, субтропик деҳқончиликнинг етакчи районлари жойлашган. Субтропик деҳқончилик қисман обикор ерларда ривожланган. Табиийки, регион аҳолисининг деярли барчаси шу поясада тўпланган. Қишлоқ жойларда ясси ҳамда лой томли паҳса ва хом ғиштли уйлар энг кўп тарқалган. Шаҳарлар қиёфаси ҳам нихоятда ўзига хос. Мана шуни ҳисобга олиб географ ва этнограф (элшунос) лар алоҳида **араб шаҳари типини** ажратадилар. Бу шаҳарлар ҳам одатда бошқа шаҳар шаҳарлари каби икки қисмга — эски шаҳар ва янги шаҳарга бўлинган бўлади.

Эски шаҳарнинг асосини одатда қасба, яъни баланд жойда (тепаликда) жойлашган истехком ташкил этади. Қасбани эски шаҳарнинг бошқа даҳалари зич халқа тарзида ўраб туради; бу даҳалар томи ясси, ҳовлиси гир айлантириб девор билан ўраб олинган пастак уйлардан ташкил топган бўлади.

Бу — даҳаларнинг энг ажойиб, эътиборга лойик қисми — ранг-баранг шарк бозорларидир. Кўпинча ҳимоя деворлари билан ўраб олинган бу эски шаҳар мадина дейилади; мадина арабчада «шаҳар» демакдир. Мадинадан ташқарида шаҳарнинг янги, замонавий қисми жойлашади. Шаҳарнинг бу янги қисми ҳам кўпинча шаҳар камбағалларининг хароба кулбалари ҳалқаси билан ўралган бўлади.

Бу кескин тафовутлар энг катта шаҳарлар қиёфасида айниқса яққол намоён бўлади; бу шаҳарларнинг қиёфаси фақат миллий руҳда бўлмай, космополитик (яъни, бошқа кўплаб шаҳарлар хусусиятларини акс эттирувчи) белгиларга ҳам эгадир. Афтидан, бу хусусият биринчи навбатда, Қоҳира шаҳрига тааллуқлидир. Қоҳира — Мисрнинггина эмас, балки бутун Африканинг энг катта шаҳри, бутун араб дунёсининг муҳим сиёсий, маданий ва диний марказидир. Қоҳира ниҳоятда қулай географик ўринга эга: у тор Нил водийси аста кенгайиб унумдор Дельтага чиқиб борадиган ерда жойлашган; Нил дельтаси мамлакатнинг дунёда энг яхши узун толали пахта «нил пахтаси» етиштирувчи асосий райондир. Бу ерни дастлаб машҳур юнон тарихчиси ва географи Геродот «Дельта» деб атаган; чунки унинг шакли қадимги юнонларнинг дельта ҳарфига ўхшайди (Атласнинг 41-саҳифасидаги харитага қаранг). 1969 йил Қоҳира шаҳри ўзининг 1000 йиллигини нишонлади.

Шимолий Африка субрегионининг жанубий қисми аҳолиси жуда сийрак тарқалган. Дехқончилик билан шуғулланувчи аҳоли воҳаларда тўпланган бўлиб, бу ердаги асосий истеъмол ва товар экинни финик хурмосидир. Бошқа барча ҳудудларда фақат туя боқувчи кўчманчилар яшайди, Саҳрои Кабирнинг Жазоир ва Ливия қисмларида эса нефть конлари бор.

Фақат Нил водийси бўйлаб тор «обиҳаёт қисми» чўл ва саҳролар салтанати узра жанубга узок кириб борган. Собик СССРнинг иқтисодий ва техникавий ёрдамида Нил дарёсида бунёд этилган Асвон гидроузели иншооти бутун Юқори Миср хўжалигининг ривожланишида жуда катта аҳамиятга эга бўлди [4], (6- ижодий топшириқ).

3. Тропик Африка: ҳудудининг қиёфаси. Тропик Африканинг умумий майдони 20 млн. км² дан ортик, аҳолиси — 500 млн. киши. Уни «қора Африка» деб ҳам аташади, чунки бу субрегион аҳолисининг асосий кўпчилиги экваториал (негроид) ирққа киради. Бироқ этник таркибига кўра Тропик Африканинг айрим қисмлари бир-биридан катта фарқ қилади. Аҳолининг этник таркиби Ғарбий ва Шарқий Африкада энг мураккаб бўлиб, турфа хил ирқ ва тил оилалари ўзаро туташган бу ерда этник ва сиёсий чегараларнинг энг «айқаш-уйқаш» бўлиб кетганлигини кўриш мумкин. Марказий ва Жанубий Африка аҳолиси ўзаро қардош банту оиласига кирувчи («банту» — «одамлар» дегани) жуда кўплаб тилларда гап-лашади (шеваларнинг сони 600 га етади). Суахили тили айниқса

кенг тарқалган. Мадагаскар аҳолиси эса астронезия оиласига кирувчи тилларда сўзлашади [5].

Тропик Африканинг хўжалиги ва аҳоли турар жойларининг тарқалишида ҳам умумийлик кўп. Тропик Африка ривожланаётган дунёнинг энг қолоқ қисми бўлиб, унинг ҳудудидида 29 та султ ривожланган мамлакат жойлашган. Эндидикида бу ер дунёнинг шундай бир йирик регионидан иборатки, унда моддий ишлаб чиқаришнинг асосий соҳаси кишлок хўжалиги бўлиб қолмоқда.

Кишлоқ аҳолисининг ярмига яқини натурал кишлок хўжалиги билан, қолганлари эса камтовар кишлок хўжалигини юритади. Плуглар деярли бутунлай йўқлигидан, ерни омов билан ишлаш устун туради; омов деҳқон меҳнатининг рамзи сифатида бир қанча Африка мамлакатлари давлат рамзида акс эттирилганлиги асло бежиз эмас. Барча асосий кишлок хўжалик ишларини аёллар билан болалар бажаришади. Улар маниок ёки кассава, ямс, батат каби илдиз ва туганак мевали тропик экинларни етиштиришади, сўнгра улардан ун, ёрма, бўтка ва нон тайёрланади; шунингдек, унча кўп меҳнат талаб қилмайдиган тариқ, окжўхори, шоли, маккажўхори, банан ва сабзавотлар етиштирилади. Чорвачилик асосан це — це чивинининг дастидан унча ривож топмаган. Чорвачилик бирмунча аҳамиятга молик районларда ҳам (Эфиопия, Кения, Сомали) ниҳоятда экстенсив усулда юритилади. Экваториал ўрмонларда шундай қабила ва ҳатто элатлар борки, улар хануз ов қилиш, балиқ тутиш ва ўсимлик меваси ҳамда илдизларини териб ейиш, яъни териб-термачлаш билан кун кечирадилар. Саванна ва нам тропик ўрмонларда озиқ-овқат етиштириш мақсадида юритиладиган деҳқончилик асосан у ер-бу ерда ўрмонни ёкиб ундан очилган парча-парча ерларда экинлар етиштиришдан иборат.

Мана шундай умумий ҳолатдан товар зироатчилик районлари, яъни кўп йиллик дарахтзор ва бутазорларда какао, кофе, ерёнгок, хевея, ёғ пальмаси, чой, сизал, дориворлар етиштириладиган районлар кескин ажралиб туради. Бу ўсимликларнинг бир қисми плантацияларда, айрим қисми эса деҳқон хўжаликларидида етиштирилади. Айнан шу маданий ўсимликлар биринчи навбатда бир қанча мамлакатлар монокультура хўжалигининг ихтисослашувини белгилайди.

Тропик Африканинг кўпчилики аҳолиси асосий касб-корига қараб кишлок жойларда яшайди. Саванналарда дарё бўйидаги йирик кишлоклар кўпчиликини ташкил этса, тропик ўрмонларда кичик кишлоклар кўп.

Кишлоқдаги одамларнинг турмуши улар юритадиган натурал (яъни фақат ўзи истеъмол қиладиган маҳсулот етказувчи) хўжалик юритиш билан чамбарчас боғлиқ. Булар орасида маҳаллий аҳамиятга молик диний эътиқодлар кўп; булар ўтмиш аждодлар руҳига топиниш, фетишизм (ҳар хил нарсаларга сизиниш) табиатдаги илохий кучларга топиниш, сеҳргарлик, жодугарлик (авраш), тилсим (тумор)ларга ишониш ва хоказо. Африкаликлар

мархумлар руҳи ер юзида тирикларнинг хатти-ҳаракатини ҳар доим каттик кузатиб туради ва мабодо бирорта анъанавий панд-насиҳат бузилса, бу руҳлар тирикларга зарар етказиши мумкин, деб ишондилар. Тропик Африкада Осиёдан кириб келган христиан ва ислом дини ҳам бирмунча кенг тарқалган. [6].

~~Тропик Африка — дунёнинг (Океанияни ҳисобга олмаганда) энг индустриалашган регионидир.~~ Бу ерда бирмунча йирик тоғ-кон таноати райони — Замбия ва Зойрдаги Мис минтақаси ташкил тошган. Бу тармоқ, шунингдек бир қанча кичикроқ ареаллар ҳам ҳосил қилган.

~~Тропик Африка дунёнинг энг кам урбанизациялашган регионидир.~~ Унинг атиги саккиз мамлакатида «миллионер» шаҳарлар бўлиб, улар одатда кўпдан-кўп вилоят шаҳарлари узра якка-ёлғиз улкан шаҳарлар сифатида юксакка бўй чўзганлар.

Мисол. Тропик Африканинг аҳоли сонига кўра энг катта мамлакати — Нигериядир. У субрегионда йирик шаҳарларнинг сони жиҳатидан ҳам биринчи ўринда туради. Лагос аҳолиси эса (агломерация доирасида) хозироқ 7 млн. кишидан ортиб кетди [7].

Тропик Африка транспорт шохобчаларининг ривожланиш даражасига кўра ҳам жуда қоқоқдир. Уларнинг қиёфасини бир-бирдан узокда жойлашган ва портлардан ички районларга томон тик кириб борган йўллар белгилайди. Кўп мамлакатларда темир йўллар умуман йўқ. Енгилроқ юкларни айрим ҳолларда 30—40 км гача бошда ташиш одат тусига кирган.

Ниҳоят, Тропик Африкада атроф муҳитнинг сифати тез ёмонлашиб бормоқда. Айнан шу субрегионда чўлланиш (чўлга айланиш), ўрмонларнинг кесилиб кетиши, флора ва фауна турларининг камайиб кетиши энг хавфли даражададир.

Мисол. Тропик Африканинг кургоқчилик ва чўлланиш энг кучли бўлиб турадиган асосий райони Сахел (Соҳил) зонаси бўлиб, у Саҳрои Кабирнинг жанубий чегаралари бўйлаб Мавританиядан то Эфиопиягача ўн мамлакат ҳудудида чўзилиб кетган. 1968—1974 йиллар давомида бу ерга бирор марта ҳам ёмғир ёлмаган; шу туфайли Сахел қуриб-қақшаган ерлар зонасига айланди. 80- йилларнинг биринчи ярми ва ўрталарида бу фожиали кургоқчилик қайталади. Чорва моллари сони кескин қисқарди.

Бу районда юз берган кўнгилсизликни «Сахел фожиаси» деб атай бошладилар. Бироқ бундай айб фақат табиатда эмас. Саҳрои Кабирнинг «босиб келиш»га чорва молларининг ҳаддан ортиқ миқдорда боқилиши, ўрмонларнинг асосан ўтинга кесилиб кетиши сабаб бўлди [8].

4. ЖАР — иқтисоди иккиёклама мамлакат. Африканинг Саҳрои Кабирдан жанубда жойлашган мамлакатлари орасида ЖАР алоҳида ўрин тутайди. Биринчидан, у географик ўрнига кўра Тропик Африкага кирмайди. Иккинчидан, у ривожланган мамлакатлар қаторига ҳам кирмайди. Сизга маълумки,

у Африка материгидаги иктисодий жихатидан ривожланган бирдан-бир мамлакатдир. У иктисодий ривожланишнинг барча кўрсаткичлари бўйича Африкада биринчи ўринда туради.

Мисол. ЖАР хиссасига материк ҳудудининг атиги 4% ва аҳолисининг 6% и тўғри келгани ҳолда, саноат маҳсулотининг $\frac{2}{5}$ қисми, эритилган пўлатнинг $\frac{4}{5}$ қисми, темир йўлларнинг $\frac{1}{3}$ қисми, автомобиль паркларининг эса ярми тўғри келади.

ЖАРда Африканинг энг йирик саноат райони — Витватерсранд шаклланиб, уни кўпинча «Африка рури» деб атайдилар (атласнинг 41-саҳифасидаги харитага қаранг). Унинг пойтахти — Йоханнесбург, катта замонавий шаҳар, мамлакатнинг «иктисодий пойтахтидир».

Бирок ЖАР нинг барча районлари ҳам бирдай юксак даражада ривожланган эмас. Узоқ йиллар давомида бу ерда камчиликни (аҳолининг атиги 12 фоизини) ташкил этувчи оқ танлилар апартеида¹ сиёсатини олиб борганлар. Бу ашаддий сиёсат оқ танли бўлмаган аҳолини ирқий камситишни, чунончи, оқ ва қора танли одамларнинг алоҳида-алоҳида яшашини кўзда тутди. Мана шу сиёсатга мос равишда собиқ резервациялар ўрнида 10 та «қоралар мустақил давлати» ёки бантустан барпо этилган. Улар кам унум ерларда жойлашган. Бу «қоралар мамлакати»да йирик шаҳарлар йўқ, қишлоқ хўжалиги эса кам маҳсулдир. Кейинги йиллардагина аввалига апартеид сиёсатидан чекиниш кузатилди, сўнгра эса у юридик жихатдан тақиқланди.

Жанубий Африка Республикасини иккиёқлама иқтисодли мамлакат деб аташ мумкин. Унда иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг ҳам, ривожланаётган мамлакатларнинг ҳам хусусияти бирдай уйғунлашган.

Энг асосий хулоса. Африка жуда катта табиий ва аҳоли салоҳиятига (потенциалига) қарамай, ҳамон дунё хўжалигининг энг қолоқ қисми бўлиб қолмоқда. Бинобарин, регион ҳозирги ривожланиш босқичининг бош вазифаси социал-иқтисодий тўб ўзгаришларни жадаллаштириш орқали мураккаб демографик, озиқ-овқат ва экологик муаммоларни ўз вақтида ҳал этишдан иборатдир (18-якуний топширик).

КЎШИМЧА МАТН

(Қизикарли маълумотлар)

[1] Африкада биринчи олмаосни 1869 йил бир чўпон бола топган. Ордан бир йил ўтгач, бу ерда Кимберли шахри бунёд

¹Апартеид — (Африканлар тилида *apartheid* — алоҳида ривожланмок) ирқий камситишнинг энг ашаддий шакли. У аҳоли бирор гуруҳининг сиёсий, иқтисодий ва фуқаролик ҳуқуқларини то махсус ҳудудий жихатидан ажратиб қўйишгача олиб боради.

~~этилган; шу шаҳар номидан келиб чиқиб, таркибида олмоси бор туб жинс кимберлит деб аталган. Кимберлитлар таркибидаги олмос миқдори жуда кам — 0,0000073 фоиз бўлиб, бу 3 тонна кимберлитдан 0,2 г ёки 1 қарат олмос олинади, демакдир. Ҳозирги кунда Кимберлиннинг эътиборга сазовор жойларидан бири чуқурлиги 400 м ли улкан котловандан иборат бўлиб, уни олмос қазиб олувчилар қазिशган.~~

[2] Гарчи Конго дарёси Амазонка дарёсига қараганда океанга беш баравар кам сув келтирса-да, унинг гидроэнергетика салоҳияти анча юқори. Бунга сабаб шуки, унинг 300 км ли қуйи оқимида дарёнинг нишаби (қиялиги) 275 м га тенг бўлиб, бунда дарё 32 шаршара ва торайган жойдан оқиб ўтади. Бу ерда қуввати 80—90 млн. кВт га тенг гидроэлектр станциялар қуриш мумкин; бунча қувват АҚШ гидроэлектр станцияларининг умумий қувватига тенг. Конгонинг қуйи оқимида жуда катта тўгон ва Инга ГЭСи бунёд этиш режаси мавжуд.

[3] Арабча ёзув ўнгдан чапга ёзилади. Кўнчилигингиз биласизки, араб алифбосида 28 та унли ва унсиз ҳарф бор. Ҳарфлар сўзнинг қаерида (бошида, ўртасида ёки охирида) келишига қараб 2 тадан 4 тагача шаклга эга бўлиши мумкин. Арабчадан европа тилларига жуда кўп сўзлар ўтган. Масалан, алгебра, алгоритм, зенит, магазин, адмирал, тариф, холва, кофе ва ҳоказо. Ўзбек тили таркибида ҳам арабча сўзлар нихоятда кўп. Чунончи, му, ма билан бошланувчи сўзларнинг аксарияти арабчадир. Масалан: муҳаббат, муҳаррир, муҳандис, мумтоз, муқаддам, мактаб, мактуб, маърифат, масофа, мажлис ва бошқалар. Ўрта осийлик ўрта асрнинг буюк олим ва мутафаккири Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Форобий ва бошқалар араб тили ва алифбосида ёзган мумтоз асарлари билан бутун дунёга машҳурдирлар. Ҳадис илмининг буюк намояндалари — муҳандислар Исмоил Бухорий, Имом ат-Термизий ва бошқалар ҳам оламга машҳур ҳамда ҳикматга нихоятда бой, маънавий дурдоналар бўлмиш ҳадисларини араб тили ва ёзувида ёзганлар.

[4] 1971 йил жуда катта Асвон тўғони қурилгач, узунлиги 500 км, сув юзаси 5 минг км² дан ортқ бўлган Носир сув омбори вужудга келди. У суви ҳажмига кўра (157 км³) дунёда тўртинчи ўринда туради. «Носир» сув омбори йил бўйи 800 минг гектар ерни қўшимча сугоришга имкон берди, бу ерлардан эса, йилига икки-уч марта ҳосил олинади.

[5] Австралия тилларининг ўзига хослиги географик номларда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Африка бўйича мутахассис ёзувчи С. Кулик Мадагаскардаги аҳоли пунктларининг номи мураккаблигини қуйидаги мисолларда кўрсатган: Амбинанибанатфиндраву, Траттамарианиндранираню, Мару-амнаидрахимэхавелона.

[6] Тропик Африканинг бир катор мамлакатларида, Осиёнинг айрим мамлакатларидаги каби, кўнхотинили (поланиния)

ҳануз мавжуд. Илгари бу ҳодиса айрим мамлакатларда жуда кўпол шаклларда авж олган эди. Чунончи, Африка ва Осиёнинг айрим қабила бошлиқлари ва подшоларининг бир неча юзлаб хотинлари бўлган. Жаҳон цивилизацияси таъсирида бундай ҳодисалар тобора барҳам топмоқда.

[7]. Гвинея қўлтигининг ороллари ва соҳилларида жойлашган Лагос шаҳри ўз ривожидан анчадан бери жуда катта қийинчиликларга дуч келмоқда. Шуни ҳисобга олиб, Нигерия ҳукумати 1975 йил пойтахтни мамлакат марказидаги кичикрок шаҳар — Абуджага кўчиришга қарор қилди.

[8]. Сахел зонасидаги ҳар 10 кишидан 9 тасининг ҳаёти овқат пишириш ва уйни иситиш учун ўтини бор-йўқлигига боғлиқ. Гарчи аёллар ва болалар йилига 100—300 кунни шох-шабба ҳамда хазон тўплаш билан ўтказсалар-да, улар ўсимликлар побуд қилиниб, кесилиб кетишига қарамай, ўзларининг минимал эҳтиёжларини кондира олмайдилар. Бундай шароитда сув қайнатиш катта орзу ҳисобланади; чунки бунда тез пишиб етиладиган дон маҳсулотлари анча тўйимли, бироқ узок пишадиган донлар, чунончи, дуккаклилар билан алмаштирилиши мумкин.

[9]. Кенияда миллий парк ва кўриқхоналар мамлакат ҳудудининг 15% ини эгаллайди. Уларда филлар, каркидонлар, зебралар, буйволлар, кийиклар, жирафалар, йўлбарслар, қоллонлар, кўплаб қушлар яшайди. Шунга қарамай, браконьерлик натижасида кейинги 20 йил мобайнида филлар сони 65 мингдан 20 мингга тушиб қолди. Мамлакатда эндиликда ҳар йили филлар йили нишонланади; шу куни Кения президенти браконьерлардан тортиб олинган фил суякларини гулхан қилиб ёқади.

Китоб жавонингизга

1. Африка: энциклопедический справочник. М: Советская энциклопедия. 1986. Т 1—2.
2. Страны Африки: Политико-экономический справочник — М: Политиздат, 1988.
3. Африка//Серия «Страны и народы» М. Мысль, 1979—1982.
4. Страны, хозяйство, люди: Книга для чтения учащихся 10 класса: {Тузвичи А. П. Кузнецов — М. Просвещение, 1988. «Развивающиеся страны» бўлими).

БИЛИМ ВА ҚЎНИКМАЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИШ БЎЛИМИ

1- топшириқ. Атлас хариталаридан фойдаланиб (4 ва 40- бетлар), Африка мамлакатларини фойдали қазилмаларга бойлиги даражасига қараб тавсифланг. Қуйидаги шаклда жадвал тузинг.

Хилма-хил минерал хом ашёга бой мамлакатлар	Бир-иккита минерал хом ашёга бой мамлакатлар	Минерал хом ашёси кам мамлакатлар
---	--	-----------------------------------

Бу мамлакатларнинг оғир саноатни ривожлантириш учун хом ашё ва ёқилги билан таъминланганлиги тўғрисида хулосалар чиқаринг.

Қўшимча топшириқ (мураккаблаштирилган). Юқоридаги (1- топшириқдаги) манбаларга қараб фойдали қазилмаларнинг асосий ҳудудий тарқалишини аниқланг. Уларнинг ҳар биридаги қазилмаларнинг таркибини тавсифланг: уни ҳудуднинг тектоник тузилиши билан боғлашга уриниб кўринг. Бу қазилма конларни ёзувсиз харитага туширинг.

2- топшириқ. Атласнинг 5, 6, 7, 8- бетидаги хариталардан фойдаланиб, Африканинг дарсликда келтирилган ер, сув ва агроиклимий ресурслари тавсифини янада ойдинлаштиринг.

3- топшириқ. 3- жадвалдан фойдаланиб, Африкада шаҳар аҳолисининг «портлаб» ўсаётганлигини микдорий кўрсаткичлар билан тасвирланг. Бу кўрсаткичлар асосида қандай хулосаларга келиш мумкин.

Қўшимча топшириқ (мураккаблаштирилган). «Африка аҳолиси» мавзуида маъруза матнини тайёрланг. Бунда дарслик матни ва ундаги 3- ва 8- расмлар, атлас хариталари, қўшимча адабиётдан фойдаланинг.

4- топшириқ. Африканинг атласдаги табиий ва иқтисодий хариталаридан (29, 40- бетлар) қуйидагиларни аниқланг:

1) Африка тоғ-кон саноатининг асосий районлари ва уларнинг ихтисослашуви; 2) товар дехқончилигининг асосий районлари ва уларнинг ихтисослашуви; 3) трансфрика транспорт магистрали. Шунингдек, дарсликнинг 5- мавзуидаги расмлардан фойдаланинг.

Қўшимча топшириқ (мураккаблаштирилган). 8- жадвал маълумотларидан фойдаланиб, Африканинг ёзувсиз харитасида: «Хорижий дунё тоғ-кон саноати ва қишлоқ хўжалигида Африканинг салмоғи» диаграммасини тузинг.

5- топшириқ. 47- расмни таҳлил қилинг. Африканинг атласдаги иқтисодий харитасидан (40- бет) фойдаланиб, қайси рудали, рудамас фойдали қазилмалар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги хом ашёси турлари графикда кўрсатилган ҳар бир мамлакатнинг монокультура ихтисослашувини белгилашини конкрет кўрсатиб беринг.

6- топшириқ (ижодий). Дарслик матни ва атласдаги Қоҳира шаҳрининг тарихидан фойдаланиб: «Қоҳира — Шимолий Африкадаги араб шаҳри» мавзуида ахборот тайёрланг. Бунда қўшимча ахборот манбаларидан ҳам фойдаланинг.

Қўшимча топшириқ (эрмак сифатида). Сиз Нил дарёсида Асвондан то дарёнинг қуяр жойигача саёҳат қилмоқчисиз, деб тасаввур қилайлик. Бу «саёҳатингизни» ўртогингизга ёзган хатингизда тасвирланг. Бунда ҳудуднинг гўзал, жозибали қиёфасини яратишга ҳаракат қилинг.

7- топшириқ (ижодий). Сизнингча, келгусида «Сахел фожиаси» такрорланмаслиги учун қандай чора-тадбирлар кўриш керак? Ўз «лойиҳангизни» асослаб беринг.

Кўшимча топшириқ (эрмак учун). Жюль Верн ўзининг «Ҳаво шарида беш ҳафта» романида Африка бўйлаб ҳаво шаридаги саёхати тўғрисида ҳикоя қилган эди. Ўша саёхат маршрутини «такрорланг». Жюль Верн тасвирлаган районлар бугунги кунда қайси мамлакатларда жойлашган ва улар қайси районлардан иборат.

8-якуний топшириқ. 1. (дафтарда ишлаш.) Шимолий, Тропик Африка мамлакатлари ва ЖАРни аҳоли ва хўжалик кўрсаткичлари бўйича таққосланг. Уларнинг ўхшаш томонлари ва тафовутларини аниқланг. Керакли маълумотларни жадвал ҳолига келтиринг.

2. Шимолий Африка ва Жануби Ғарбий Осиё тоғ-кон саноатининг асосий тармоқларини таққосланг. Бундай таққослашдан қандай хулосаларга келиш мумкин?

3. Тропик Африка билан Жанубий Осиёнинг маҳсулоти экспорт қилинадиган асосий кишлоқ хўжалик экинларини таққосланг. Бундай таққослашдан қандай хулосаларга келиш мумкин?

4. Синфда кўрсатиш учун «Африка географияси почта маркаларида» номли альбом тайёрланг.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ВА ЎЗARO НАЗОРАТ БЎЛИМИ

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Нима учун Африкада аҳолининг океан ва денгиз бўйларида яшашни Хорижий Осиё даражасида эмас?

2. Нима учун саноат маҳсулотини Мис минтақасидан четга ташиб кетиш учун Конго дарёсидан фойдаланилмайди?

3. Нима учун Қохира шаҳрини «дарё дельтасини тугма-ловчи олмос тугма» деб аташади?

4. Нима учун Сенегални «ерёнгоқ республикаси» дейишади?

Қуйидаги таъкидлар тўғрими?

1. Африка мамлакатларининг кўпчилиги ХХ асрнинг иккинчи ярмида мустақилликка эришганлар.

2. Африка дунёдаги тугилиш сони ҳам ва ўлим сони ҳам энг катта регион.

3. Африка мамлакатлари учун урбанизациянинг юқори суръатлари ҳосдир.

4. Нигериянинг энг асосий фойдали қазилмаси — темир рудаси.

Тўғри жавоб топинг

1. Африкадаги аҳоли сонига кўра энг катта мамлакат (Миср, Эфиопия, Нигерия, Зонир, ЖАР).

2. Шимолий Африканинг энг муҳим фойдали қазилма бойликларига қуйидагилар киради: ... (кўмир, темир рудаси,

бокситлар, нефть, табиий газ, фосфоритлар).

3. Африканинг энг суст ривожланган мамлакатлари қаторига қуйидагилар киради: ... (Жазоир, Эфиопия, Чад, Нигер, Сомали, ЖАР).

4. Тропик Африканинг экспорт қилинадиган энг асосий кишлок хўжалик маҳсулотлари ... (бугдой, тарик, пахта, цитруслар, ерёнгок, кофе, какао, табиий каучук, сизаль).

Куйидагиларни уддалай оласизми?

1. Дарслик матнида тилга олинган ва дарслик хариталарида кўрсатилган қуйидаги давлатларни ёддан дунёнинг ёзувсиз-харитасига тушира оласизми: Ливия, Жазоир, Судан, Гана, Конго, Ангола, Зимбабве, Намибия, Мозамбик, Мадагаскар.

2. Дарслик матни ва хариталарда тилга олинган қуйидаги шаҳарларни харитадан кўрсата оласизми? Қоҳира, Жазоир, Киншаса, Аддис-Абеба, Найроби, Претория, Йоханнесбург, Кейптаун?

3. Қуйидаги тушунча ва атамаларнинг маъносини очиб беринг: монокультура, натурал хўжалик, апартеид?

4. Қуйидаги санаб ўтилган қайси мамлакатлар какао етиштирувчи ва экспорт қилувчи энг асосий мамлакатлар ҳисобланади: Кот-д, Ивуар, Гана, Нигерия, Танзания, Ангола.

Куйидаги таъкидлар қайси мамлакатларга тегишли эканлигини аниқланг

1. Майдони 600 км² га тенг оролда жойлашган мамлакат.

2. ЖАР ҳудуди «ичида» жойлашган мамлакатлар.

3. Нигер дарёсининг ўрта оқимида жойлашган ва денгизга чиқадиган очик йўли йўқ мамлакат.

4. Пойтахти Найроби ҳисобланувчи мамлакат.

5. Аҳолининг 98 фоизи умумий майдонининг 4 фоизидан камроғида яшовчи мамлакат.

Куйидаги жумлаларда тушириб кодирилган сўз ва рақамларни топинг

Мис минтақаси Замбиядан нинг жануби-шарқий қисмигача чўзилган.

2. Африкада энг кўп нефть қазиб олувчи ва экспорт қилувчи мамлакат, ОПЭКнинг аъзоси.

3. ЖАР Африка бутун саноат маҳсулотининг % ини ишлаб чиқаради.

8- МАВЗУ УЧУН МЕТОДИК ОЧКИЧ

Нималарни эсламоқ керак.

1. Африканинг сиёсий харитаси ва халқлари (7- синф географияси).

2. Африканинг табиий-географик ўрни, рельефи, фойдали қазилмалари, табиат зоналари (7- синф географияси). 3. Қадимги Миср (5-синф тарихи). 4. Африка халқларининг XIX аср охири ва XX аср бошидаги миллий озодлик ҳаракатининг асосий мазмуни (10-синф тарихи). 5. Дарсликнинг 1-қисми материали. 6. Тушунча ва атамалар: мустамлака, бантустан, платформа, чўл (сахро), саванна, экваториал ўрмон, кимберлит трубкаси, миллий парк (боғ).

Нималарни билиб олмоқ керак:

8- мавзунинг асосий ғоялари.

Африканинг социал-иқтисодий тузумини тубдан ўзгартириш Африка халқларининг ҳам, бутун дунё ҳамжамиятининг ҳам зўр ҳаракатини талаб қилади.

8- мавзунинг асосий илмий маълумотлари

1. Африканинг иқтисодий-географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари географияси, аҳолиси, қишлоқ хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш муаммоларининг ўзига хос белгилари. 2. Монокультура ҳақида тасаввур. 3. Шимолий Африка ҳудудининг образи. 4. Тропик Африка ҳудудининг образи. 5. Мавзунинг таянч сўзлари: 1. Хўжалик тармоқлари структура-сининг мустамлака типи. 2. Монокультура. 3. Араб типдаги шаҳар. 4. Апартеид.

Нима қилишни билиш керак:


1. Дарслик ва атласдан фойдаланиб, регион, субрегион ёки мамлакатни тавсифлаш учун керакли билимларни саралаб олиш.
2. Тармоқлар, регионлар ва шаҳарларнинг қиёсий тавсифини бера олиш.
3. Харита-диаграмма тузиш.
4. Берилган мавзу бўйича маъруза конспектини тайёрлаш.

Мустақил ўқув иши малакасини эгаллашга доир кўрсатма ва режалар

Харита-диаграммани қандай тузиш керак. Бунда қилинадиган ишлар:

1. Керакли дастлабки маълумотларни жадвал тарзида тайёрлаш.
2. Ёзувсиз харитага тушириладиган ҳудуд чегараларини ажратиш.
3. Диаграмма белгилари ва уларнинг шаклига мос масштаб танлаш.
4. Бу белгиларни ёзувсиз харитага тушириб, уни чизикчалар билан ёки бўяб ажратиш.
5. Харита-диаграммани таҳлил қилиб, хулосалар чиқариш.

9- МАВЗУНИНГ ЧИЗМА-РЕЖАСИ



9- МАВЗУ. ШИМОЛИЙ АМЕРИКА

Иқтисодий ва социал географиядаги «Шимолий Америка» тушунчаси сизга 7- синфдан маълум бўлган «Шимолий Америка» тушунчасидан бир оз фарк қилади. Одатда, иқтисодий ва социал географияда Шимолий Америкага фақат АҚШ билан Канада киритилади. Мана шу регион ҳудуди 19,4 млн. км² ни, аҳолиси эса салкам 280 млн кишини ташкил этади (1990). 1992 й. Американи Христофор Колумб кашф этганининг 500 йиллиги тантанали нишонланди. Шундан бери дунёда Шимолий Америка катта ўрин тутиб келмоқда. Унинг аҳамияти айниқса XX асрда ўсиб кетди. АҚШ ҳам, Канада ҳам Ғарб мамлакатларининг «катта еттилиги»га киришини эсга олинг.

1. БИЗ АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИНИ БЕРАМИЗ.

1. Ҳудуди, чегаралари, географик ўрни: қулай шарт-шароитлари. Давлат тузуми. АҚШ ҳудудининг катталигига кўра дунё мамлакатлари орасида тўртинчи ўринда туради. У таркибига кўра уч қисмдан иборат: 1) яхлит тўртбурчак шаклга эга бўлиб, шарқдан ғарбга томон 4,7, шимолдан жанубга томон эса 3 минг км га чўзилган асосий ҳудуди (ёки АҚШнинг ўзи). [1]; 2) Аляска; 3) Тинч океанидаги Гавайи ороллари.

АҚШнинг географик ўрни жуда қулай бўлиб, у тарихнинг барча босқичларида мамлакатнинг ривожланишига қулайлик яратган. Бу аввало, денгиз чегараларининг (12 минг км), ажойиб табиий бандаргоҳларининг мавжудлиги ва айниқса ҳудуди асосий қисмининг икки океан орасида жойлашганлиги билан боғлиқ. Канада билан бўлган қуруқлик чегаралари ҳам табиий чегаралар, яъни шартли чизиқлар, дарё ва қўллар орқали ўтади ва савдо-иқтисодий алоқаларининг ривожланишига имкон беради (1- топширик).

АҚШ давлат тузумига кўра — федератив республика бўлиб, 50 штатдан таркиб топган [2] (атласнинг 43- бетидаги харитага

қаранг). Ҳар бир штат ўз конституциясига, ҳокимиятнинг, конун чиқарувчи ва ижро этувчи органларига, сайланган губернаторга, шунингдек ўз рамзий белгиларига эга [3]. Ундан ташқари, Колумбия федерал округи алоҳида ажратилган, унинг худудида мамлакат пойтахти Вашингтон жойлашган.

2. Аҳолиси: унинг сони, кўпайиши, ташқи миграциялари, миллий таркиби, жойлашуви. АҚШ аҳолисининг сонига кўра ҳам дунёда учинчи ўринда туради: у аҳолисининг сони жиҳатидан ГФР, Франция, Буюк Британия ва Италия аҳолисини қўшиб ҳисоблаганда ҳам улардан олдиндадир. Демографларнинг илмий башоратларига кўра 2000 йилга бориб мамлакат аҳолисининг сони 265—270 млн. кишига ортади. Бу фақат XX аср давомида АҚШ аҳолиси сони 3,5 барабар ўсади, демакдир.

Бирок, АҚШ ёш давлат сифатида аҳолининг табиий ўсиши бўйича дунёда энг олдинги ўринлардан бирини эгаллаган вақтлар аллақачон ўтиб кетди. 80—90-йиллар аҳолининг табиий ўсиши анча пасайиб, бу ҳол аҳолининг ёш-жинси пирамида-сида ўз аксини тонди (48-расмга қаранг). Эндиликда аҳолининг мутлақ кўпайиши (ўсиши) 2 млн. кишидан кам.

АҚШ аҳолисининг сонига иммиграция ҳамisha катта таъсир кўрсатган ва ҳамон таъсир кўрсатиб келмоқда.

Мисол. XIX аср бошида дунёнинг деярли 70 мамлакатидан АҚШ га 55 млн. одам кириб келган. Ҳозирги пайтда ҳам бир қатор чеклашларга қарамай, мамлакатга йилига 1 млн. одам иммиграция қилмоқда.

Ялпи иммиграция АҚШ аҳолиси миллий таркибида, унинг шаклланишида ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди. *Ҳозирги замон Америка миллати аввало дунёнинг турли қитъаларидан, айниқса, Европа [4] билан Африкадан кўчиб келганларнинг этник аралашиб ва қўшилиб кетиши натижасидир.*

XX аср иккинчи ярмида Европадан иммиграция (кўчиб келиш) анча камайди, бироқ Осиё ва айниқса, Лотин Америкаси иммигрантлари орасида мексикаликлар кўпчилиكنи ташкил этади; миллионлаб мексикаликлар тирикчилик учун пул ишлаш мақсадида ҳар йили гоҳ ошқора, гоҳ яширин чегарадан ўтиб келадилар. Уларни «брасерос» (яъни, ўз меҳнатини сотувчилар) деб аташади.

Ҳозирги вақтда АҚШ да юздан ортик этнослар вакиллари яшаса-да, этнограф олимлар уларни уч асосий этник гуруҳга бўладилар: 1) АҚШ америкалари ёки содда қилиб айтганда америкалар (америкаликлар), улар турли мамлакатлардан кўчиб келган халқлардир, бироқ инглиз тили уларнинг она тили ҳисобланади; 2) оралик иммигрант гуруҳлар; бу гуруҳ АҚШга нисбатан яқинда кўчиб келган ва ҳали бу мамлакатда туб қўйиб, яхши сингиб кетмаганлардан таркиб топган; 3) туб жой халқлари (индиёнлар, эскимослар ва бошқалар). АҚШ

американлари жами аҳолининг $\frac{3}{4}$ қисмини, аборигенлар эса I фозидан камроғини ташкил этади. Шунга қарамай, АҚШ даги жуда кўп географик номлар аслида индиёнлар тилидан келиб чиққан.

Сизга маълумки, Америка миллати таркибида қора американлар (афроамериканлар, негрлар) каттагина гуруҳни ташкил этадилар (уларнинг АҚШ аҳолисидаги салмоғи — 12%). Илгари негр аҳолисининг асосий қисми жанубда «қора минтақа»да яшар эди; бу ерда то XIX асрда куллик бекор қилунгунга қадар плантация хўжалиги устун турар эди. Сўнги ўн йилликлар мобайнида негрларнинг ярми Шимол ва Ғарб (80-расмга қаранг) шаҳарларига кўчиб ўтдилар, ҳатто жанубий штатларнинг ўзида ҳам улар эндиликда асосан шаҳарларда яшамокдалар. Мамлакат аҳолисининг диний таркиби унинг миллий таркиби билан чамбарчас боғлиқдир [5].

АҚШ аҳолисининг ўртача зичлиги кўрсаткичига кўра дунёнинг энг сераҳоли 20 мамлакати орасида 18 ўринда туради (1 км² да 27 киши). Аҳолининг мамлакат худудида жойлашувида жуда катта ички тафовутлар мавжуд. Мисол. АҚШ аҳолисининг деярли 70% и мамлакат худудининг 12% ида яшайди. Денгиз (кўл) бўйидаги ва тоғли штатлар ўртасидаги тафовут айниқса каттадир: бу ерларда зичлик 1 км² да 350—400 дан (денгиз бўйларида) 2—3 кишигача (тоғларда) камаяди.

Сўнги вақтда аҳолининг, биринчи навбатда, нафақахўрларнинг Шимолий штатлардан («қора минтақа») Жанубий штатларга («куёшли минтақа») ички миграцияси анча кучайди. Умуман олганда, Техас, Флорида ва айниқса, Калифорния штатлари аҳолиси энг тез ўсмокда.

АҚШ аҳолисининг жойлашуви аввало шаҳарлар географияси билан боғлиқдир; мамлакатда шаҳарларнинг умумий сони 9 мингга етади. Шимолий Америка типигаги шаҳарлар анча ўзига хос хусусиятларга эга, бунинг сабабларидан бири — шаҳарларнинг нисбатан ёшлигидир.


Америка шаҳарлари аниқ тўртбурчак шаклга эга. Одатда, Марказий «ишчи район» ёки «даунтаун» алоҳида ажралиб туради; бошқарув органлари, банклар, оммавий ахборот воситалари ва хизмат кўрсатиш муассасалари одатда мана шу ишчи районида тўпланган бўлади. Катта шаҳарларда бу районнинг қиёфасини жуда юксакка бўй чўзган улкан бинолар белгилайди. Бу бинолар гўё шаҳарнинг куч-қувватини ва салобатини кўз-кўз қилиб туради ва унинг гуллаб-яшнаётганидан дарак беради. Шаҳарнинг бошқа қисмларида кам қаватли (3—5 қаватли) уйлар, марказдан яна чеккада эса хусусий уй-жойлар устун туради (82-расмга қаранг). Бу ҳол шаҳарларнинг жуда «ёйилиб кетганлиги» ва шаҳар агломерацияларининг шаклланишига сабаб бўлган.

АҚШ — типик шаҳар агломерациялари мамлакати.

Мисол. АҚШда 1950 йил 170 та шаҳар агломерацияси бор эди, 80- йиллар охирига келиб эса, улар сони салкам 300 га етди. АҚШда «миллионер» шаҳарлар жами 6 та, «миллионер» агломерациялар эса 40 га яқин. Уларда АҚШ аҳолисининг ярми яшайди.


Айни вақтда агломерацияларнинг марказлари билан чекка қисмлари ўртасидаги нисбат ҳам ўзгарди. Ерлар баҳосининг муттасил орта бориши, агломерациялар марказидаги экологик ва шахсий транспорт ўсиб, умуман шаҳар транспорти аҳволининг тобора ёмонлашуви, бунинг устига аҳолининг моддий аҳволи ўртача америкаликнинг кичик бўлса-да, ўз шахсий уйида яшашга интилиши шаҳар атроф зоналарининг бетартиб равишда беҳад ўсиб кетишига олиб келди. Эндиликда шаҳардаги бундай бир этажли уйларда жами америка онлаларининг $\frac{2}{3}$ қисми яшамокда; ваҳоланки яқин-яқингача аҳоли атрофга тарқалиб кетарди. Сизга маълумки, бу жараён *субурбанизация* номини олган.

1950 йилларда америка географлари АҚШда янада катта шаҳар ҳосилалари—мегаполисларнинг шаклланганлигини қайд этдилар. Ҳозирги вақтда мамлакатда учта ана шундай мегаполис бор: булар — Шимоли-Шарқий, Қўлбўйи ва Калифорния мегаполисларидир. Бостон шаҳридан то Вашингтон шаҳригача чўзилган биринчи мегаполисни кискарттириб «Бостон», Чикаго билан Питтсбург орасидаги иккинчисини — «Чипите», Сан-Франциско-Сан-Диего орасидаги учинчисини эса «Сан-Сан» деб аташади (79, 80, 81- расм).



48- расм. АҚШнинг ёш-жинс пирамидаси.

АҚШнинг қишлоқ аҳолиси кўпинча алоҳида жойлашган фермаларда яшайди. Бирок турмуш тарзига кўра қишлоқ аҳли шаҳарликлардан унча кўп фарқ қилмайди. *Бинобарин,*



49- расм. Негрларнинг Америкада жойлашуви

бутун мамлакаг бўйлаб бир хил шаҳар турмуш тарзи устун туради.

3. Хўжалигининг умумий тавсифи: АҚШнинг дунё иқтисодиётида етакчи ўрин тутуши. АҚШ XIX асрнинг охиридаёқ саноат маҳсулотининг ҳажми бўйича Буюк Британиядан ўзиб кетиб, дунёда биринчи ўринга чиқиб олди. Ҳозирги кунда ҳам АҚШ меҳнат унвдорлиги, фанталаб ишлаб чиқаришларнинг кўплиги жиҳатидан дунёда биринчи ўриндадир. Мамлакат саноат ва қишлоқ хўжалигининг баъзи бир анъанавий тармоқларида, шунингдек ноишлаб чиқариш соҳаларида ҳам ўзининг устунлигини сақлаб қолди.

Мисол. Ҳарбий дунёдаги авиаракета-космос техникасининг 3 қисмидан кўпроғи, электрон-ҳисоблаш техникасининг 4 (айниқса саноат ва ҳарбий соҳаларда) $\frac{2}{3}$ қисми, кўмир казиб олиш ҳажмининг ва АЭСлар қувватининг ярмидан ортиғи, ғалла экинлари ялпи ҳосилининг $\frac{1}{3}$ қисмига яқини АҚШ ҳиссасига тўғри келади.

АҚШ саноати юксак даражаси, ишлаб чиқариш ва худудий концентрацияси (тўпланганлиги) билан ажралиб туради. У ҳам оммавий, серияли, ҳам ўта мураккаб, уникал маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган. «АҚШда ишланган» маркали буюмлар яхши сифатли бўлиб, жаҳон бозорида юқори баҳоланади.

АҚШ саноатида ҳозирги замонда мавжуд ишлаб чиқаришларнинг барча тармоқлари, тармоқчалари ва турлари мавжуд. Шунга қарамай, улар орасида ҳам шундай тармоқлар борки, улар мамлакатнинг жаҳон хўжалигидаги мавқеини биринчи навбатда белгилайди. Бу аввало, АҚШ учун аллақачон анъанавий тармоқ бўлиб қолган автомобилсозликдир. Бу яна шунингдек, иккинчи жаҳон урушидан сўнг вужудга келган авиаракета-космик саноати ва электроникадир. Нефть саноатининг аҳамияти ҳам жуда катта. Автомобиль ва ҳаво транспортининг ривожланиши, стратегик эҳтиёжларни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ бўлган бу тармоқ кўп жиҳатдан мамлакатнинг нафақат иқтисодий, ҳатто ҳарбий ҳаётини ҳам белгилайди.

АҚШ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳажмига кўра дунёнинг исталган бошқа мамлакатидан анча устун туради. АҚШ биринчи бўлиб агробизнесга ўтди. Аграр саноат мажмуи соҳасидаги ишлаб чиқариш унумдорлиги ҳатто саноатдагидан ҳам тезроқ ўсмоқда. Сертармоқ қишлоқ хўжалиги фақат мамлакат эҳтиёжини таъминлаб қолмай, экспортга ҳам анча маҳсулот етказиб беради. Жаҳондаги галла экспортининг ярмига яқини АҚШ ҳиссасига тўғри келади.

АҚШ қишлоқ хўжалиги корхонасининг асосий типини ферма бўлиб, у сотиладиган маҳсулотнинг асосий қисмини ишлаб чиқаради. Шу билан бирга агробизнес шароитида **босқичма-босқич ихтисослашув** юксак ривож топган; бундай ихтисослашувга биноан бир бутун ишлаб чиқариш жараёни айрим босқичларга бўлиб амалга оширилади.

Мисол. Помидор кўчатларини жануби-шарқий штатларнинг фермерлари етиштирадилар. Сўнгра бу кўчатларни самолётда Калифорния штатига олиб келиб, улардан юқори нав помидор етиштирадилар. Техас штатида эса бу помидордан сок (шарбат) тайёрлайдилар.

Фермаларнинг бундай ихтисослашуви табиий шароитдан энг самарали фойдаланишга, маҳсулот сифатини энг юқори даражага олиб чиқишга ва арзонлаштиришга имкон беради. Бироқ бундай ихтисослашув айни вақтда фермерларни бозорга ва нарх-навонинг ўзгариб туришига боғлиқ қилиб қўяди.


АҚШ барча транспорт турларининг ривожланганлик даражасига кўра ҳам дунёдаги исталган мамлакатдан устун туради: Ғарб транспорт тармоқлари умумий узунлигининг
 $\frac{1}{3}$ қисми ва ташиладиган юкларнинг $\frac{1}{4}$ қисми АҚШ ҳиссасига

тўғри келади. *АҚШнинг транспорт тизими (Канада билан бирга) алоҳида Шимолий Америка тизимини* ташкил этади. Унинг характерли хусусиятлари — транспорт барча турларининг ривожланганлиги, юк ва йўловчи ташиш ҳажмининг катталиги, юкларнинг катта масофага ташилиши, автомобиль транспорти-

нинг алоҳида мавқега эга эканлигидир. 90- йиллар бошига келиб мамлакат автомобиль парки 200 млн. машинага етди.

АҚШда автомобиль ҳақиқий оммавий транспорт турига, «америкача» турмуш тарзининг муҳим белгисига айланди. Бу ерда иш, дам олиш, бирор нарса харид қилиш, ўйин-кулги — буларнинг барчасини автомобилсиз тасаввур этиб бўлмайди. Автомобилга бўлган алоҳида эътибор, яъни унга шайдолик 20- йиллардан бошланган, мамлакатда шундай махсус кинотеатрлар, банклар, хатто черковлар борки, у ерда ҳамма ишни машинада ўтириб ҳал қилиш мумкин. АҚШда автомобиль — бу фақат транспорт воситаси бўлмай, у одамларнинг жамиятдаги мавқени белгиловчи ўзига хос рамз ҳамдир. Автомобиль туфайли американлар дунёдаги энг серхаракат халқдир. Одамлари масофадан ҳеч қандай тап тортмайдилар. Америкаликлар умри мобайнида бошқа мамлакат одамларига қараганда бир жойдан иккинчи жойга 13 барабар кўп силжийдилар.

Америкада номоддий ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаси жуда тараққий этган бўлиб, эндиликда у барча банд аҳолининг $\frac{2}{3}$ қисмини ўзида тўплаган. Бу шундан далолат берадики, АҚШ ҳозирок ортиндустириал жамият босқичига қадам қўйди. То XX аср ўрталарига қадар АҚШ хўжалигининг ҳудудий структурасига ҳудудий, табиий




50- расм. АҚШ нинг нефть саноати.



51-расм. АҚШ қора металлургиясининг асосий районлари



52-расм. АҚШнинг саноат минтақалари



53-расм. АҚШ зироатчилиғи.

шароит ва ресурс, транспорт, меҳнат ресурслари, концентрация энг кучли таъсир кўрсатиб келди. Фан-техника инкилоби даврида фанга галактик ортиши, экологик, ИГҲ омиллари айниқса катта аҳамият касб этди. *Хорижий Европадан фарқли ўлароқ, АҚШ хўжалигининг ҳозирги географик «қиёфаси» учун иқтисодий ҳаётнинг чекка океан бўйи ва қўлбўйи районларида тўпланганлиги хосдир.* Бу хусусият шаҳар аҳолисининг гуж тўпланганлиги билан бевосита боғлиқ; учта мегаполисда мамлакат жами саноат маҳсулотининг $\frac{3}{5}$ қисми ишлаб чиқарилади.

АҚШда ҳам иқтисодий тараккий этган бошқа мамлакатлар каби кескин худудий номутаносибликлар мавжуд: кўпинча юксак ривожланган районлар билан қоқоқ районлар ёнма-ён жойлашган бўлади. Бунда номутаносибликлар (нотекисликлар)ни юмшатиш мақсадида олиб борилаётган регионал сиёсат муайян натижалар бермоқда. Чунончи, ишлаб чиқариш кучларининг шимолий штатлардан жанубий ва гарбий штатларга силжиш жараёни аниқ намоён бўлмоқда. Бироқ «ўтириб қолган» ва қоқоқ районлар қаддини бирмунча секин ростламоқда.

4. Саноат географияси: унга таъсир этувчи табиий шароит ва ресурслар, етакчи тармоқлари ҳамда энг асосий районлари. АҚШнинг табиий шароити ва табиий ресурслари мамлакат саноатини ривожлантириш учун жуда қулайдир.

Мисол. Гарбнинг иқтисодий жиҳатдан тараккий этган мамлакатлари орасида АҚШ кўмир (3,6 триллион тонна), нефть (4,4 млрд. тонна), табиий газ (10 триллион м³), уран, темир (25 млрд. т.) ва молибден рудалари, фосфоритлар, олтингурут, шунингдек, гидроэнергия (700 млрд. квт-соат) захиралари жиҳатидан биринчи ўринни эгаллайди.

Фойдали қазилма ҳавзалари ва қонлари бутун мамлакат бўйлаб кенг тарқалган; чунончи, кўмир ва нефть захиралари 30 дан ортиқ штатда топилган. АҚШ худудининг тектоник тузилиши хусусиятларига кўра икки катта қисмга: шарқий (платформа) ва гарбий (бурмаланган — геосинклинал) қисмларга бўлиш мумкин. Шарқий қисмнинг энг асосий бойлиги — ёқилғи фойдали қазилмалари бўлса, Гарбий қисмнинг асосий бойлиги рудали фойдали қазилмалардир.

Мамлакатда геологик-қидирув ишлари тобора чуқур қатларни қараб олиш, ҳам тобора янгидан-янги худудларни ўрганиш ҳисобига ҳам «бўйига», ҳам «энига» кенгаймоқда. Булар натижасида шу нарса маълум бўлдики, барча истиқболли нефть захираларининг ярмидан ортиғи Мексика қўлтиғига, Калифорния ва Аляска яқинидаги жойларга тўғри келар экан. АҚШнинг янги ўзлаштирилаётган бош райони Алясканинг материк қисмида мамлакатдаги энг катта Прадхо-Бей нефть қони топилди [6].

Шунга қарамай, сўнги йилларда мамлакатда саноатни

ресурс билан таъминлаш муаммолари жиддийлашди, айрим конларнинг захиралари анча камайиб кетди. Натижада, 70- йилларга келиб, дунёдаги табиий ресурсларга энг бой мамлакатлардан бири ўз тарихида илк бор бу ресурсларнинг танқислиги билан тўқнашди (4- топширик).

Етакчи тармоқлар географияси, АҚШ саноати харитасига назар ташлар экансиз, барча етакчи (энг асосий) тармоқлар кўплаб штатларда ривожланганлигини пайқайсиз. Бироқ бундай умумий манзарада, одатда, икки-уч асосий штат кескин ажралиб туради.

Бу ҳол ёқилги-энергетика саноатига тааллуқлидир.

1- мисол. Кўмир 15 дан ортик штатда қазиб олинади. Бироқ мамлакатнинг энг асосий «кўмирли штатлари» Кентукки, Фарбий Виргиния, Пенсильвания бўлиб, уларда мамлакатдаги энг катта Аппалачи кўмир ҳавзасининг бир қисми жойлашган. Кейинги вақтда Фарбдаги Вайоминг штатининг ахамияти тобора ортиб бормокда; бу ерда кўмир очик усулда қазиб олинади ва унинг таркибида олтингугурт кам.

2- мисол. Электр энергияси мамлакатнинг барча штатларида ишлаб чиқарилади; бироқ энг катта электр станциялар «дастаси» Теннесси ва Вашингтон штатларида қурилади.

Улардан биринчисида 30- йиллардаёқ Теннесси дарёсида ГЭСлар каскади қурилиши бошланган; сўнгра у «тармоқ отиб» кўплаб иссиқлик ва атом электр станциялари бунёд этилди. Вашингтон штатида эса Колумбия дарёсига умумий қуввати 20 млн. кВт келадиган дунёдаги энг катта ГЭСлар каскади бунёд этилди.

Нефть саноати ҳам худди мана шундай айрим штатларда тўпланган (5- топширик).

Бу қора металлургияга ҳам тааллуқли бўлиб, у дастлаб мамлакатнинг шимолида вужудга келган ва хануз асосан Илли-нойс, Индиана, Огайо, Пенсильвания, Мэриленд каби штатларда тўпланган (6- топширик). Рангдор металлургияда тоғли штатлар етакчи ўринда туради.

Машинасозлик саноатининг ҳудудий жойлашуви умуман олганда шаҳар ва агломерацияларнинг жойлашувига мос келади. Бу АҚШнинг уч мегаполисига айниқса тааллуқли бўлиб, улар амалда мамлакатнинг уч энг асосий машинасозлик районини ташкил этади. Саноат корхоналари жуда хилма-хил бўлишига қарамай, айрим штатлар тор доирада ихтисослашганлиги билан ажралиб туради.

1- мисол. Автомобиль заводлари мамлакатнинг 26 штатида жойлашган 125 шаҳаридадир. Шунга қарамай, автомобиллар Кўлбўйи мегаполисида энг кўп ишлаб чиқарилади. Бу ерда АҚШнинг бош «автомобилсозлик штати» Мишиган ва «автомобилсозлик пойтахти» Тройт шаҳари жойлашган.

[17]

2- мисол. Авиаракета-космос ва электрон саноатининг йирик марказлари ҳам жуда кўп штатлардадир. Бирок Тинч океан бўйидаги штатлар ва аввало, Калифорния штати алоҳида ажралиб туради: бу ерда АҚШнинг «авиаракета-космик пойтахти» Лос-Анжелес жойлашган. Дунёда авиалайнерлар («хаво кемалари») ишлаб чиқарадиган энг йирик корхона «Боинг» компанияси жойлашган Сиэтл ~~штати~~ ҳам катта аҳамиятга эга.

Дастгоҳлик саноати асосан Кўлбўйи ва Шимоли-Шарқий мегаполисларда, кишлок хўжалик машинасозлиги — Кўлбўйи мегаполисида, кемасозлик эса — Шимоли-Шарқий мегаполисида жойлашган, электрон саноати учала мегаполисида ривож топган.

Кимё саноатининг кўплаб марказлари бор, бирок унинг корхоналарининг ҳам айрим районларда тўпланганлиги характерлидир.

Мисол. АҚШ нефть ва газ-кимё саноатининг бош району Мексика қўлтигидаги нефть-газ ҳавзаси доирасида вужудга келган. Бу ерда 200 дан ортик корхона ишлаб турибди, АҚШнинг «нефть-кимё пойтахти» — Хьюстон маъна шу ерда жойлашган.

Тўқимачилик саноати икки аср давомида Шимолий-Атлантика штатларида, яъни пойтахти Бостон ҳисобланмиш «Янги Англия»да тўпланган. Бирок кейинги вақтда бу тармоқ Жанубий Атлантика штатлари томон силжимоқда; бунга сабаб шуки, бу штатлар иш кучи нисбатан анча арзон пахта толаси ва синтетик тола ишлаб чиқариладиган районлардаги истеъмол бозорига яқиндир.

Саноат районлари ва минтақалари. Сизга маълумки, АҚШ каби улкан мамлакатда кўплаб катта-кичик саноат районларини ажратиш мумкин. Булардан энг катта учтаси Нью-Йорк, Лос-Анжелес ва Чикаго саноат районларидир. АҚШ саноат районларининг кўпчилиги яна йирик худудий ҳосила — тўрт саноат минтақасига киради.

Энг кўхна Шимолий саноат минтақасининг роли айниқса каттадир. У Атлантика океанидан то Миссисипи дарёсигача 1,5 миң км га чўзилган. Бу минтақа бир қанча эски саноат районлари ва кўплаб, эҳтимол, юзлаб саноат марказларини ўз ичига қамраб олади. Гарчи, АҚШнинг саноат ишлаб чиқаришида бу минтақанинг салмоғи камая бошлаган бўлса-да, у ҳамон дунёда энг катта индустриал область бўлиб қолмоқда. Сунгги ўн йилликлар давомида шикланган Жануби-Шарқий саноат минтақаси меҳнат талаб ва энергия талаб маҳсулот ишлаб чиқаришга, нисбатан янги Мексика қўлтиги (баъзан уни «Галф» — қўлтик деб атайдилар) райони эса нефтни қайта ишлаш ҳамда нефть кимёсига ихтисослашган. Калифорнияда эса фанни кўп талаб этадиган энг янги саноат тармоқлари устундир (8- топширик).

5. Қишлоқ хўжалиги географияси: табиий шароити ва ресурслари, энг асосий тармоқ ва районлари. Табиат АҚШ худудига сахийлик қилиб, унда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун жуда қулай табиий шароит ва бой табиий ресурслар бунёд этган.

Мамлакат катта ер ресурсларига ва ер фондининг мақбул структурасига эга; ишланадиган ерлар, ўтлоқлар ва яйловлар АҚШ асосий худудининг деярли ярмини эгаллайди. Салгина сертепа унумдор Марказий текисликларда баъзан шудгорлар 80—90% ни ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги учун ноқулай ерлар фақат Аляскада, Кордильера минтақасининг баланд тоғли ва чўл районларидагина устун туради.

АҚШнинг агроиклим ресурслари ҳам жуда каттадир. Сиз буни АҚШнинг географик ўрнини Европанинг географик ўрни билан таққослаб жуда яққол тасаввур этишингиз мумкин (91-расм). Температура шароити мамлакатда мўътадил ва субтропик минтақаларнинг барча хил экинларини, жанубда — Флорида ярим ороли ва Гавайи оролларида эса — тропик экинларни етиштиришга имкон беради. Худуднинг шарқий ярмида нам етарли. Бироқ ўзига хос иклимий чегара ҳисобланмиш 100-меридиандан Ғарбда фақат обикор деҳқончилик, яъни ерларни сўғориш барқарор деҳқончилик қилишга имкон беради. Мана шунинг учун ҳам барча сўғориладиган ерларнинг $\frac{3}{4}$ қисми ғарбий штатларга тўғри келади.

АҚШ зироатчилигининг йўналишини биринчи навбатда донли экинлар белгилайди. Улар экин жами майдонларининг $\frac{2}{3}$ қисмини эгаллайди. Асосий дон экини — бугдўйдир, бироқ озуқа экинлар (маккажўхори, оқжўхори) дан анча кўп ҳосил йиғиб олинади. Мойли экинлар орасида соя (ловия) асосий ўрин тутаяди, сўнгги ўн йилликлар давомида унинг ялпи ҳосили анча ошди. Улардан озик-овқат маҳсулоти сифатида ҳам, молга ем ўрнида ҳам фойдаланилади. Толали экинлар орасида пахта алоҳида роль ўйнайди, у XIX асрда мамлакат экспортидаги асосий маҳсулот ҳисобланар эди. Шакар берувчи экинлар орасида қанд лавлаги билан шакарқамиш деярли бир ўринда туради. Кўпчилик америкаликларнинг кундалик емиши тарихига қирадиган сабзавот ва мевалар жуда муҳим ўрин тутаяди.

АҚШ чорвачилигининг йўналишини аввало, ҳам сут, ҳам гўшт учун қорамол боқиш белгилайди. Шунингдек, чўчкачилик ва паррандачилик ҳам кенг тарқалган. Гўшт учун бройлер жўжаларини боқиш — АҚШ қишлоқ хўжалигининг энг индустриялаштирилган тармоғидир. Уни саноатнинг қишлоқ жойларидаги тармоғи деб қараш мумкин. Йилига 4 млрд. гача бройлер боқиб етиштирилади. Уни исталган ошхона ёки кичик тамаддихонадан сотиб олиш мумкин.

Қишлоқ хўжалик районлари. АҚШда қишлоқ хўжалигининг иқтисодий ривожланган мамлакатларда учрайдиган деярли барча типлари мавжуд: олимлар мамлакатда қишлоқ хўжалигининг мана шундай 13 типини ажратадилар. Шу билан бирга мамлакат табиий шароитининг ниҳоятда хилма-хил эканлиги, қишлоқ хўжалигининг юксак товардорлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кенг кўламда ташишга имкон берувчи транспортнинг ривожланганлиги, айрим фермаларнигина эмас, балки бутун-бутун районларнинг анча тор доирада иқтисослашувига имкон берган бўлиб, улар АҚШда минтақалар деб аталади. Бунга бугдой минтақаси яққол мисол бўла олади. Бу минтақадаги фермалар жуда юксак даражада механизациялашган бўлиб, кўпинча кўп минглаб гектар ерларни эгаллаб ётувчи ҳақиқий «дон фабрикалари»дан иборат. Бунга яна бир мисол, Марказий текисликларнинг шимолида вужудга келган маккажўхори минтақаси бўлиб, бу ерларда маккажўхори етиштириш учун тупрок-иклим шароити ниҳоятда қулайдир. Яна бири — Кўлбўйидаги ва Шимоли-Шарқ штатларидаги сут минтақаси. Яна бири — Миссисипи дарёсининг қуйи оқими бўйлаб шаклланган пахта минтақаси. Яна бири — Буюк текисликларнинг Жанубий қисмида ва тоғли штатлардаги ранчоларда ташкил топган чорвачилик минтақаси. Шунингдек, ерэнгок, тамаки, шоли, мева ва сабзавотларга ихтисослашган районларни ажратиш мумкин [8]. (9- топширик).

6. Транспорт географияси: энг асосий магистраллари ва тугунлари. Ташқи савдоси. АҚШ транспорт тармоқларининг асосини (таянчини) кенглик ва меридионал йўналишдаги Атлантика океанидан Тинч океанигача ва Канададан Мексика чегараларигача чўзилган трансконтинентал (яъни, материкни кесиб ўтувчи) магистраллар ташкил этади. Улар фониде эса ички сув йўллари тўр ёйган. Кенглик йўналишида ўтган бундай сув йўли, аввало, Авлиё Лаврентий дарёси ва Буюк кўллар тизими бўлиб, бу тизим 50- йиллар охирига келиб, чуқур сув йўлига айланган. Меридионал йўналишда ўтган бундай сув йўли тизими — «Америка Волгаси» ҳисобланмиш Миссисипи сув йўлидир. Куруклик ва сув йўллари ҳамда ҳаво йўллари ўзаро кесишган жойларда йирик транспорт тугунлари вужудга келган.

Мисол. АҚШдаги энг йирик транспорт тугуни — Чикаго. Бу ерда ўнлаб темир йўллар ва автомобиль йўллари ўзаро туташган бўлиб, турли хил юклар бир йўлдан иккинчисига олиб ортिलाди. Чикагода дунёдаги энг катта О'Хэйр аэропорти бор [9].

Мамлакатнинг Атлантика бўйи ва Тинч океан бўйидаги ерларда, шунингдек АҚШнинг «учинчи денгиз соҳили» ҳисобланмиш Буюк кўллар бўйидаги кўплаб денгиз портларида йирик транспорт тугунлари вужудга келган. Мамлакатда жами юзга

яқин йирик порт бор. Порт-саноат мажмуаларининг энг йириклари Атлантика буйининг шимолий қисмида (бу ерда табиий гавань — бандаргоҳлар кўп) ва Мексика кўлиги соҳилидадир.

АҚШ иқтисодиёти Фарбий Европага караганда ташки савдога кам боғлиқ; бироқ боғлиқлик ўсиб бормоқда. Ташки савдонинг тахминан $\frac{2}{3}$ қисми иқтисодий жиҳатдан

ривожланган мамлакатлар билан олиб борилади. АҚШ экспортида фанни кўп талаб қиладиган махсулотлар асосий ўрин тутати. Шунга қарамай, мамлакатнинг савдо баланси суст.

7. Дам олиш ва туризм географияси: энг асосий районлари. Халқаро туризмнинг ривожланганлиги жиҳатидан АҚШ Европадан анча кейинда туради; шунга қарамай, мамлакатга 30—40 млн. киши турист сифатида келади. Бунда Канада билан кўшничилик туризми энг ривожланган. Ички туризм жуда тараққий этган, «меҳмондўстлик индустрияси» ҳам зўр ривожланган бўлиб, у автосервиси ҳам ўз ичига олади.

АҚШ жуда катта ва хилма-хил табиий рекреацион ресурсларга эга бўлиб, улар асосида табиий-рекреацион районлар ташкил топган. Денгизбўйи туризмнинг энг асосий районлари — Флорида, Калифорния штатлари ва Гавайи ороллари, тоғ туризмнинг бош районлари — Фарблаг (айниқса, Қояли тоғлар доирасидаги) штатлар, Кўлбўйи туризми бош районлари эса Кўлбўйи штатларидир.

АҚШда 50 та миллий парк бўлиб, унга йилига 50 млн. дан ортиқ турист келиб кетади. Улардан энг машҳурлари фарбда Йеллоустон, Йосемит, Секвойя, Глейшер, Катта Каньон, Колорадо миллий парклари ва Аппалачи тоғларидаги Грейт-Смоки-Маунтинс миллий паркидир. АҚШдаги туристик-рекреацион ҳудудлар тизими миллий парklar, кўриқхоналар ва табиий резерватлардан ташқари яна «миллий ёдгорлик», «миллий мемориал», «Миллий тарихий парк (боғ)», «миллий жанг майдони» кабилардан ҳам иборат.

8. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик муаммолар: энг ёмони ортда қолди. 1960—1970-йиллар АҚШнинг энг индустриалашган ва урбанизациялашган районлари экологик танглик (буҳрон) лар ёқасида қолди.

Фойдали қазилмаларни очик усулда қазиб олишнинг кенгайиши — яроксиз ерлар («бэдлендлар») майдонининг ўсишига, иссиқлик (ёқилги) энергетикасининг кучайиши — кислотали ёмгирларнинг тарқалишига, автомобиллаштириш жараёнининг жадаллик билан давом этиши бир канча шаҳарларнинг ҳақиқий «смогополис» ларга¹ айланишига олиб келди [10]. Буёқ кўлларда, айнисеа, Эри кўлида органик ҳаёт

¹Смог — деб ҳаводаги туман, чанг, тутун ва ҳар хил моддалар аралашма-сига айтилади. Бунда ҳаво шу қадар ифлосланаднки, баъзан одамлар бўғилади.

сўна бошлади. Америка адабиётида ҳатто дарё ёнаётганлиги тўғрисидаги ғаройиб воқеа тасвирланган. Гап шундаки, ёқасида Кливленд саноат шаҳари жойлашган бу дарё сувининг усти нефть пардаси билан қопланган.

Мана шундай шаронда АҚШда атроф муҳитни муҳофаза қилишга доир миллий сиёсат тўғрисидаги қонун қабул қилинган. Давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига сарфланадиган харажатлари анча оширилди. Жамоат катта ташаббусни намоён этди. Ёшларнинг экологик таълим ва тарбияси яхшиланди. Натижада атроф-муҳитнинг аҳволи яхшилана борди. Буюк қўллар ва унга қуйилувчи дарёлар суви анча тозаланиб, уларда яна қимматбаҳо форель балиғи овлана бошлади; Нью-Йорк, Чикаго ва бошқа шаҳарлар ҳавоси ҳам анча мусаффо бўлиб қолди. Бироқ бир қанча районларда экологик вазият ҳамон мураккаблигича қолмоқда.

2. БИЗ АҚШНИНГ МАКРОРАЙОНЛАРИ БИЛАН ТАНИШАМИЗ.

1. АҚШни макрорайонлаштириш: мамлакатнинг тўрт асосий қисми. Яқин-яқинларгача АҚШни уч асосий иқтисодий районга бўлиш қабул қилинган эди. Бироқ 80-йиллар Америка статистикаси ҳам тарихий-маданий хусусиятларига кўра, ҳам ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўра бир-бирдан фарқ қилувчи қуйидаги тўрт макрорайонни ажрата бошлади; булар — Шимоли-Шарк, Ўрта Ғарб, Жануб ва Ғарбдир.

2. Шимоли-Шарк: «миллатнинг устахонаси». Шимоли-Шарк АҚШнинг майдонига кўра энг кичик макрорайондир. Бироқ унинг мамлакат ҳаётидаги роли ниҳоятда муҳим эди ва шундай бўлиб қолмоқда.

1620 йил Массачусетс қўлтиги қиргоғига Англиядан «Мейфлауэр» кемаси кириб келди; унга Англияга биринчи бўлиб кўчиб келувчилар бор эди. Ана шундай қилиб АҚШнинг бешиги ҳисобланмиш Янги Англия вужудга келди; тубжой америкаликларни рамзий белгиси ҳисобланмиш «янки» сўзи худди шу Янги Англияликларга тааллуқлидир. Янги Англиянинг маркази — Бостон янги ерларда вужудга келган биринчи шаҳар бўлди. Бу шаҳарда АҚШдаги энг кекса Гарвард университети (1636 й.) жойлашган. Кейинроқ кўчиб келган инглизлар голландлардан Манхаттан оролидаги Янги Амстердам шаҳарини сотиб олиб, унинг Англиянинг қироли Карл II нинг уқаси, флот командири герцог Йоркский шарафига Нью-Йорк деб атаганлар. Ундан ҳам кейинроқ Филадельфия шаҳарига асос солинган. 1776 йил шаҳарда АҚШнинг Мустақиллик Декларацияси эълон қилинган.

Шимоли-Шарк узоқ вақт бошқа районлардан тезроқ ривожланди. Бунга ИГУ нинг қулайлиги, тошқўмирга бойлиги, мустамлакачилик хусусиятлари ёрдам берди. АҚШнинг саноат минтақаси худди мана шу Шимоли-Шаркда вужудга келди ва

бу минтақа районни «миллатнинг устахонаси»га айлангирди. Гарчи XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, кўп кўрсаткичлар бўйича бу районнинг кўрсаткичлари пасайиб кетган бўлса-да, *у ҳануз мамлакатнинг энг муҳим иқтисодий райони бўлиб қолмоқда.* Унинг ҳўжалиги ва аҳоли турар жойлари географиясини биринчи навбатда сизга маълум Шимоли-Шарқий мегаполис белгилайди, бу мегаполисни кўпинча мамлакатнинг «Бош кўчаси» (Main Street) деб атайдилар. Унда мамлакатнинг «иктисодий пойтахти» Нью-Йорк ва унинг сиёсий пойтахти — Вашингтон жойлашган. Улар орасидаги масофани йўловчи ташувчи тезюарар поезд тахминан уч соатда босиб ўтади.

Нью-Йорк — АҚШнинг энг катта молиявий, саноат, транспорт, савдо ва маданият марказидир. У мамлакат яъни махсулотининг $\frac{1}{10}$ қисмидан ортиқроғини беради ва бу

кўрсаткич жиҳатидан бутун Ҳиндистондан устун туради. Нью-Йоркнинг АҚШнинг бош молиявий маркази сифатидаги аҳамияти айниқса каттадир. Бу ерда энг йирик банк ва сугурта компанияларининг идоралари жойлашган. Нью-Йорк фонд биржаси — фақат АҚШдагина энг катта биржа бўлиб қолмай, бутун дунёда ҳам молия-банк муомалаларининг марказидир.

Нью-Йорк саноатида уч гуруҳ тармоқлар ажралиб туради. Биринчидан, булар огир саноат тармоқлари бўлиб, улар шаҳарнинг порт эканлиги ва денгиз орқали ташиб келинадиган хом ашёлар — нефть, рангли металл рудаларини қайта ишлаш билан боғлиқдир. Иккинчидан, улар иш кучи ва истеъмолчинга асосланган тармоқлар — машинасозлик, тикувчилик, озик-овқат саноатларидир. Нью-Йоркни янги модалар ва янги хил таомлар пойтахти деб аталиши асло бежиз эмас. Учинчидан, бу — полиграфия саноати бўлиб, бу саноат унга бутун дунёга машҳур «янгиликлар пойтахти» шухратини келтирди [11]. Нью-Йорк турли хил томошалар дунёсида (кино, театр, цирк ва х. к.) энг нуфузли ўринда туради.

Нью-Йорк шаҳари аслида беш райондан таркиб топган бўлиб, уларнинг кўпчилиги Гудзон дарёсининг қуяр жойидаги оролларида жойлашган.

Улар орасида Манхаттан оролида жойлашган Манхаттан райони энг машҳурдир. У тўғри бурчак шаклдаги тархга эга бўлиб, орол бўйлаб чўзилиб кетган 11 та кенг-кенг кўча ва уларга перпендикуляр (тик) жойлашган 200 тармоқ кўча («стрит») дан иборатдир. Манхаттаннынг бир вақтлар голландларнинг Янги Амстердам шаҳри жойлашган жанубий қисмида Марказий қисми («даунтаун») таркиб топган. Бу ерда энг йирик банклар, штаб-квартиралар, фонд биржаси, муниципал муассасалар ўрнашган; қисқа ва тор Уолл-стрит кўчаси айниқса машҳур. Манхаттаннынг ташқи қисқасини ниҳоятда баланд — «осмонўпар» бинолар белгилайди. Улардан 30 тасининг баландлиги 200 м дан ортади. Агар илгари шаҳар қисқасини аввало 30-йилларда қурилган «осмонўпар» бино «Эмпайр стейтс билдинг»

(102 қаватли бу бинонинг баландлиги 381 м) белгилаган бўлса, эндиликда унга Жахон савдо марказининг кўш минораси қўшилди. 110 қаватли ва баландлиги 412 м келадиган бу сервикор бино Марказий район узра юксакка кад кўтарган [12].

Нью-Йорк шаҳри АҚШнинг «бош дарвозаси» сифатида (мамлакатга келувчи иммигрантларнинг 90% и шу шаҳар орқали ўтади) миллий таркибининг энг хилма-хиллиги билан ажралиб туради; унда 177 миллатга мансуб аҳоли яшайди. Шаҳар аҳолисининг камида $\frac{2}{5}$ қисмини нисбатан яқинда кўчиб келган иммигрантлар ва болалар ташкил этади [13]. Нью-Йорк газеталари 15 тилда босилади.

Вашингтон — 1800 йилдан бери АҚШнинг пойтахти. Нью-Йорк дан фарқли ўлароқ, образли қилиб айтганда, унинг асосий маҳсулоти қонунлар ва ҳукумат қарорларидир. Вашингтон бошқа шаҳарларга караганда Европа шаҳарларига кўпроқ ўхшайди. Бу АҚШдаги «осмонўпар» бинолари йўқ бирдан-бир шаҳардир. Чунки бу ерда мамлакат конгрессининг маҳкамаси — Капитолийдан баланд бино қуриш таъқиқланган. Вашингтонда саноат қархоналари кам, бироқ у йирик фан ва маданият марказидир.

Вашингтон шаҳарига Потомак дарёсининг қуйи оқидамида 1792 й. АҚШнинг биринчи президенти Жорж Вашингтон асос солган. Бундай пойтахт учун Мэриленд ва Виргиния штатлари чегарасида, яъни Шимол ва Жануб чегарасида саҳни 10×10 миль келадиган жой ажратилган. Шаҳар аниқ тўғри чизикли тархга эга бўлиб, уни Капитолий ва президент маҳкамаси — Ок уйдан атрофга тарқалган кенг кўчалар тўлдириб туради [14].

Агар Янги Англия узок вақт АҚШ энгил саноатининг бош райони бўлиб келган бўлса, ўтган асрдаёқ «Америка Рури» шарафига муяссар бўлган жой Пенсильваниянинг гарбий қисмидир. Бу ерда Аппалачи ҳавзаси базасида санбат минтақасининг негизларидан бири ташкил топди. Бу кўмир-металлургия базасининг энг асосий маркази Огайо дарёси бўйида жойлашган Питтсбург шаҳри — АҚШнинг «металлургия пойтахти» унво-нига эга бўлди. Бироқ мана анча вақтдан бери бу қадимги саноат райони инқирозга юз тутиб, тургунлик районлар қаторига кириб қолди (10- ижодий топшириқ).

3. Ўрта Ғарб: йирик саноат ва қишлоқ хўжалиги райони. Ўрта Ғарбда XIX асрдаёқ аҳоли кўплаб ўрнашиб, саноатда ўзлаштирилган. Нью-Йоркдан ва Бостондан бошлаб саноат минтақаси худуди тобора ғарбга сурилиб, баъзан «Америка Ўрта денгиз бўйи»си деб аталадиган Кўлбўйини камраб олди. Бу ерда ёқилги ва хом ашёнинг катта ресурслари ва районнинг қулай ИГЎ ча базасида Чикаго, Детройт ва Кливлент каби йирик саноат марказлари шаклланди. XX асрнинг иккинчи ярмида Кўлбўйи мегаполиси ташкил топди.

~~Чикагони Ўрта Фарбнинг пойтахти~~ дейишга ҳар томонлама тўла асос бор. Бундан 150 йил бурун Буюк кўллар билан унумдор прериялар чегарасида вужудга келган бу шаҳар аллақачон Америка индустриясининг қудрати ва бетўхтов ривожланиши рамзига айланди. У айни вақтда энг йирик молия, савдо ва маданият маркази ҳамда сизга маълумки, АҚШдаги энг катта транспорт тугунидир. Чикаго субурбанизацияга жуда яққол мисолдир. Унинг агломерациясига ўнлаб йўлдош шаҳарлар, «туташ» шаҳарлари киради.

Бирок Ўрта Фарб фақат кўмир ва темир рудасигагина бой эмас. Унинг бойлиги нихоятда кулай тупроқ ҳамда иқлимий шароитдан ҳам иборатдир. Мана шунинг учун ҳам Ўрта Фарб аллақачон мамлакатнинг озиқ-овқат (ғалла) маконига айланган. У АҚШ ҳудудининг атиги $\frac{1}{5}$ қисмини эгаллагани холда мамлакат қишлоқ хўжалигининг $\frac{1}{2}$ қисмига яқинини беради.

Бу микрорайон доирасида сут минтақаси жойлашган бўлиб, у силосхона миноралари кумушсимон ярқираб турган йирик фермалари билан ажралиб туради; бу ердан сут, ёғ, пишлоқ бутун мамлакатга тарқалади. Ўрта Фарбда маккажўхори минтақаси ҳам жойлашган бўлиб, унинг фермерлари гўшт учун қорамол ва чўчка боқишади.

Географ Л. В. Смирнягин маккажўхори минтақасини мана бундай тасвирлайди: ўлканинг эрта баҳордаги қиёфаси кучли таассурот қолдиради: баландлиги 2—3 метр келадиған маккажўхорининг далалари денгизнигина эмас, балки океанни эслатади. Зеро, «маккажўхори океани»да шамол улкан тўлқинларини, оқ жўхори оролларини, кўм-кўк соянинг чексиз далаларини ҳосил қилади; ўтар(қўтон)лардаги биққа семиз қорамоллар, фермаларнинг оқ-қизил бинолари ўзига хос ажиб бир манзара кашф этади. Буларнинг барчаси ораста, гуллаб-яшнаб турибдики, бу асло тасодифий эмас: чунки маҳаллий банк фермаларнинг ташқи қиёфаси, гўзал манзарасига қараб ҳам кредит (қарз)ни оз ёки кўп беради.

Баҳори бугдойзорлар минтақаси ҳам шу ердадир, бу бугдойзорлар прериянинг табиий ландшафтларини аллақачонқоқ суриб чиқарган. Поёнсиз бугдой далаларининг ҳар ер-ҳар ерида бетон элеваторли кичик-кичик шаҳарчалар жойлашган бўлиб, фермерлар уларга ўз маҳсулотини ташиб келадилар. Жануброқда эса — кузги бугдой минтақаси ястаниб ётади.

4. Жануб: катта ўзгаришлар микрорайони. Американинг Жануби Шимоли-Шарқ ва Ўрта Фарбга қараганда узоқ вақт суёт ривожланди. Бунга асосий сабаб кулдорликка асосланган плантация хўжалигининг кенг тарқалганлигидир. Бу ерда бир ярим аср мобайнида пахта етиштирувчи хўжаликлар ҳукм суриб келди. Кейинчалик Жануб юксак ривожланган микрорайонларнинг аграр-хом ашё кўшимчаси бўлиб хизмат қилиб

келди. У камбагаллиги, қоқоқлиги, иркчиликнинг ўта намоён бўлиши билан ажралиб турар эди.

Бирок сўнги ўн йилликлар давомида Жанубнинг бундай анъанавий образи анча ортда қолди. Бу регион мамлакатда ~~нефть, табиий газ, кўмир, фосфоритлар қазиб олиш, электр станциялари ва нефть комбинатларининг~~ қуввати жиҳатидан мамлакатда биринчи ўринни эгаллади. Эндиликда бу ерда мамлакатдаги газмол ва тамаки маҳсулотларининг $\frac{9}{10}$ қисми

тўпланган. Пахта минтақасининг майдони анча қискарди, бироқ айни вақтда қишлоқ хўжалиги тобора сертармоқ ва интенсив бўлиб бормоқда. Жануб фаровонлиги жиҳатидан бошқа макрорегионлардан ҳали орқада; бу ҳол биринчи навбатда, негрлар энг кўп бўлган штатлар — Миссисипи ва Алабама штатларига тааллуқлидир.

Жануб серкиёфа райондир. Географ олимлар унда бир қанча қисмларни ажратадилар.

Унинг биринчиси Кекса Жануб бўлиб, ўзининг тамаки плантациялари билан машхур; «Мальборо» сигареталари айнан худди шу ерда қашф этилган бўлиб, у ҳозирги вақтгача ишлаб чиқарилади. Бройлер жўжалари етиштириладиган энг асосий район ҳам худди шу ердадир. Бу яна Чуқур Жанубдан иборат бўлиб, у пахта яккахокимлиги билан донг чиқарган. Атланта шаҳри унинг жадал ўсаётганлигига яққол намунадир [15]. Бу «серкуёш» Флорида штати бўлиб, унга йилига 50 млн. турист ва дам олувчиларнинг келиши Майамини дунёнинг энг катта курортга айлантирган. Цитрус мевалари бу ердан бутун мамлакатга тарқалади. Канадарад бунда АҚШнинг бош космодроми жойлашган. Яна бир қисми — бу Янги Жануб, яъни Техас бўлиб, у нефть «талвасаси»дан кейин АҚШнинг энг бой ва гуллаб-яшнаётган районларидан бирига айланди. Унинг бош марказлари ўта замонавий Даллас ва Хьюстон шаҳарларидир. Бу ерда йирик аэрокосмик ишлаб чиқариш корхоналари бор, космик парвозлар шу ердан бошқарилади.

5. Ғарб — АҚШнинг энг ёш ва ўсаётган макрорайони. Ғарб — АҚШнинг энг ёш макрорайонидир. Худудига кўра эса у энг каттадир. *Афтдан, мана шунинг учун ҳам бу ерда районнинг ички тафовутлари айниқса яққол намоён бўлган.* Мамлакатдаги энг юксак тоғлар, энг чуқур қаньонлар, энг катта тўллар (Аризона штатини «Америкадаги Миср» деб бежиз айтишмайди) ва энг серхосил водийлар шу районда жойлашган. Англия-америка, испан-америка, осий-америка ва индеецлар маданиятларининг энг аралашиб кетган жойи ҳам, улкан шаҳарлар билан деярли ҳаётсиз майдонлар ажойиб бир тарзда уйғунлашган жой ҳам шу район, яъни Ғарбдир. Одамлар ҳаёт даражасидаги энг катта тафовутлар ҳам мана шу ерда.

Ғарб узоқ вақт тоғ-қон саноати билан яйлов чорвачилигини ихтисослашиб келган. У иккинчи жаҳон урушидан кейингина ғарб ривожлана бошлади ва иктисодий ўсиш суръатларига кўра ҳозиргача бошқа районларни ортда қолдириб келмоқда.

Ғарб бир қанча умумий белгиларига қарамай, ички хилма-хилликка эга. Унда аввало Узоқ (мамлакатнинг шарқий қисмига нисбатан) Ғарбни ажратилади. У Буюк текисликлардаги прерияларни — кенг яйловлар, йирик қорамол ва қўйлар ўлкаси, ранчо, ковбойлар (отлик подачилар) ва уларнинг анъанавий мусобақаси — родео ўлкасидир. Сўнгра у Тоғли Ғарб — Қояли тоғлар ва чўллар, кўпдан-кўп мис, молибден, уран, олтин ва кўмир конлари, обикор дехқончилик ўлкаси, миллий парклар, тоғ-чанги курортлари ва йил бўйи олиб бориладиган туризм ўлкасидир [16]. Нихоят, бу Тинч океан Ғарби бўлиб, унинг доирасида ҳам хилма-хил қисмлар бор, буюк «олтин штат» хисобланмиш Калифорния алоҳида ажралиб туради.

Калифорнияни кўпинча «давлатдаги давлат» деб аташади. Ҳақиқатан ҳам бу шгат майдониға кура Японияға, аҳолисиға кура эса Канадаға тенг. Иқтисодий қуввати жиҳатига келганда эса, агар уни мустақил «Давлат» деб олиб қаралса, у фақат АҚШ, Россия, Япония, ГФР, Франция ва Буюк Британиядангина кейинда туради, холос, аҳоли жон бошиға тўғри келадиган саноат маҳсулоти жиҳатидан эса улар орасида ҳам биринчи ўринни эгаллаган бўлура эди. Калифорния — АҚШнинг бош илмий ва ҳарбий-саноат аслаҳахонасидир. Калифорния, шунингдек, мамлакатнинг қишлоқ хўжалик штати ҳамдир. Бунга биринчи навбатда 700 км га чўзилиб кетган мевали боғдан иборат Марказий водий имкон берган. Калифорнияда автомобиллар сони мамлакатнинг бошқа 50 штатидагига караганда атиги 2 баравар камдир.

Калифорниянинг ўзига хос иқтисодий қиёфасини унинг энг катта шаҳари бўлмиш Лос-Анжелес белгилайди. Испан миссионерлари 1781 йил асос солган бу шаҳар [17] нинг равнақиға аввал қишлоқ хўжалиги, сўнгра олтин, кинематография (Голливуд), нефть ва сўнги йилларда — ҳарбий йўналишдаги тармоқлар мажмуи: самолётлар, ракеталар, космик кемалар, шунингдек улар учун асбоблар ва электроника ишлаб чиқариш сабаб бўлди. У саноат маркази сифатида фақат Нью-Йоркдангина кейинда туради.

Лос-Анжелес — майдониға кура дунёдаги энг катта шаҳарлардан бўлиб, у океан соҳили бўйлаб 100—120 км га чўзилган, унинг кўчаларидаги уйлар номери эса 12, хатто 16 минггача етади. Бу АҚШнинг барча шаҳарлари орасида энг «бир қаватлиси»дир. Лос-Анжелес агломерациясига 220 дан ортиқ аҳоли пункти киради ва бу агломерация аҳолисининг ³/₄ қисми шаҳар атрофида яшайди. Шунинг учун ҳам халқда «Лос-Анжелес — бу шаҳар атрофлари демакдир, улар ўз шаҳарини излайдилар» деган гап бор.

Калифорниянинг иккинчи энг муҳим маркази — Сан-Франциско бўлиб, у АҚШнинг энг гўзал шаҳарларидан бири, эҳтимол, энг гўзал шаҳаридир. У Лос-Анжелес шаҳри қад

кўтаргунга қадар Калифорниянинггина эмас, балки бутун Ғарбнинг иқтисодий ва маданий пойтахти эди. Сан-Франциско яқинида машҳур Силикон водийси жойлашган [18].

Ғарб таркибига, шунингдек, АҚШдаги янги ўзлаштирилаётган бош ресурс райони Аляска билан ананаслар ва туризм ороли — Гавайи ороллари ҳам киради. Аляскада тоғ-кон саноатининг ривожланиши муносабати билан бу ерда атроф муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан алоҳида чора-тадбирлар кўрилмоқда, бироқ экологик фожиалардан бутунлай четлаб ўтиб бўлмаёпти [19]. (11- ижодий топшириқ.)

3. Биз Канадани мустақил ўрганамиз.

Дарсликда Канаданинг системали, яъни тартибга солинган бир бутун тавсифи берилмайди. Бироқ бу мамлакат тўғрисидаги айрим маълумотлар дарсликнинг 1- қисмида кўп марта келтирилган (12- ижодий топшириқ).

Энг асосий хулоса. Америка Қўшма Штатларининг жаҳон хўжалигидаги салмоғи бир оз пасайишига қарамай, у ҳозирги кунда ҳам дунёда иқтисодий жиҳатдан энг тараққий топган давлатдир. Канада билан биргаликдаги ҳосил бўлган бу Англо-Америка бутун дунёдаги ягона энг қудратли иқтисодий райондир, дейиш мумкин (13- якуний топшириқ).

ҚЎШИМЧА МАТН

(Қизиқарли маълумотлар)

[1]. АҚШ худуди беш соат минтақасида жойлашган бўлиб, улар ғарбдан шарққа томон Тинч океан, Марказий, Шарқий ва Атлантика номи билан аталувчи соат минтақаларининг ажратилишини белгилайди. Самолётнинг бутун мамлакат худуди бўйлаб океандан океангача (яъни ғарб-шарқ йўналишида) учиб ўтиши учун 5—5,5 соат вақт кетади.

[2]. АҚШнинг федератив давлат тузуми мамлакатнинг давлат байроғида акс этган бўлиб, бу байроқ мамлакат мустақиллиги эълон қилингандан салгина кейин 1776 йил тасдиқланган. Байроқнинг чап юқори бурчагида беш қиррали оқ юлдузчалар туширилган хаворанг тўғри бурчак жойлашган, бундаги юлдузчалар сони федерацияга кирувчи штатлар сонига тўғри келади. Юлдузчалар сони штатлар сонининг ортиб боришига қараб ҳар доим кўпайиб борган. Байроққа 50- юлдузча 1959 йил Гавайи оролларига штат ҳуқуқи берилиши муносабати билан туширилган. Байроқ матосининг ўзи 13 та оқ-қизил йўллардан иборат бўлиб, улар бир бутун бирлашган дастлабки 13 штатнинг рамзий белгисидир.

[3]. Штатларнинг рамзий белгилари (символикаси) одатда уларнинг тарихий ёки табиий хусусиятлари билан боғлиқ

бўлади. Масалан, Нью-Йорк штатини «империя штати» деб аташади, бунга сабаб шуки, АҚШ мустақил давлат деб эълон қилинган, у 13 штат ичида энг каттаси эди; унинг боғдорчилик штатларидан бири сифатидаги рамзий белгиси (нишони) яна олмадир. Делавэр штати ҳам «биринчи штат» дейилади, чунки у Конституцияни биринчи бўлиб тасдиқлаган. Субтропик табиатли Флоридани — «қуёшли штат», XIX аср ўртасида олтин топилган Калифорния — «олтин штат», Аризона — «Катта каньон штати», Мэн — «карагай штати», Канзас — «кунгабокар штати», Миссисипи — «магнолия штати» дейилади.

[4]. АҚШга Европадан европаликлар билан бирга кўллаб Европа шаҳарларининг номи ҳам кириб борган. АҚШнинг хозирги харитасида Афина, Кембридж ва Оксфорд аҳоли пунктлари 13 марта, Берлин номи 9 марта, Варшава — 8, Париж, Лиссабон, Москва — 7, Неапол — 6, Рим — 5, Мадрид ва Лондон номлари 4 марта учрайди.

[5]. АҚШда 260 та ҳар хил черковлар қайд қилинган бўлиб, шулардан 86 тасига 50 мингдан ортиқ одам йиғилади. Америкаликларнинг қайси динга эътиқод қилиши, одатда уларнинг келиб чикиши билан боғлиқ: Италия, Испания, Польшадан келиб чиққанларнинг авлодлари одатда католиклар, Буюк Британия ва Скандинавия давлатларидан келиб чиққанларнинг авлодлари протестантлар, Россия ва Грециядан борганларнинг авлодлари эса — православлардир.

[6]. Аляскада нефть иккинчи жаҳон урушидан сал кейин топилган, бироқ унинг конлари унча катта эмас экан. 60-йилларда нефть яна қидирила бошлади ва умумий захираси 2 млрд. т дан ортадиган жуда катта Прадко-Бей кони топилди. Бу кон Бофорт денгизи яқинида Барроу бурнидан 300 км жануби-шарқда, доимий музлок зонасида жойлашган. Бу ерда киш ҳарорати 45—50°C га етади.

[7]. 1896 йил Детройт шаҳарининг атрофидаги Дирборнда ўзи етишган механик Генри Форд ўзи ясаган автомобилни синовдан ўтказди. Шундан сўнг, у АҚШда биринчи бўлиб енгил автомобилларни серияли (конвейерли) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу автомобиллар «Темир Лиззи» номини олди. Шундан бери «Форд мотор компани» энг йирик саноат комплексларидан бирига айланиб, унинг 0,5 млн. одам ишлайдиган корхоналари бутун дунёга тарқалган. Бироқ Форд компаниясининг бош штаб-квартираси ҳамон Дирборндадир.

[8]. АҚШда мева ва сабзавотлар етиштириладиган бош район Калифорниядир; унинг 350 қуёшли кунлар мамлакати дейилиши бежиз эмас. Калифорния дунёда етиштириладиган лимонларнинг $\frac{1}{2}$ қисмини, апельсинларнинг $\frac{1}{3}$ қисмини беради. Калифорния штатига АҚШда етиштириладиган жами узумнинг $\frac{9}{10}$ қисми,

шафтоли, нок, олхўри, помидорнинг $\frac{1}{2}$ қисми, мева ва сабзавотлар консервасининг $\frac{1}{3}$ қисми тўғри келади.

[9]. Чикаго шаҳарида 30 та темир йўл кесишиб, бу шаҳардан бир кеча-кундузда 2 минг поезд ўтади, тўққизта энг муҳим ва ўнлаб кичикроқ магистраллар, 24 қувур транспорти ўтади. О'Хэйр аэропорти йилига 60 млн. йўловчи қабул қилади ва жўнатади.

[10]. Лос-Анжелесдаги деярли бирдан-бир транспорт воситаси — енгил автомобилдир. Агар шаҳар аҳолисининг 5 млн. автомобиллини тўрт қатор қилиб ёнма-ён қўйса, бу машиналар колоннаси Лос-Анжелесдан то Нью-Йорккача чўзилган бўлуради. Шаҳар барча майдонининг ярмига яқинини автомобиллар банд қилган (92-расмга қара). Бироқ қуруқ иқлим шароитида машиналардан ажралиб чиққан ис газлари фотохимиявий смог ҳосил бўлишига олиб келади. Америка космонавтларининг бир неча бор таъқидлашига кўра, бу шаҳар райони космосдан катта тўқ доғ сифатида кўринади.

[11]. Америка газеталари ҳажмининг катталиги билан ажралиб туради. Ҳатто кичикроқ шаҳарлардаги кундалик газеталарнинг ҳам 3—4 секцияси бўлади (снёсат, бизнес, спорт, турли хил кўнгилочарлар материаллар ва бошқалар), бу секцияларнинг ҳар бири эса 20 ва ундан ортиқ полосадан иборат. Йирик шаҳарларда газеталар 80—120 полоса бўлиб чиқади. Якшанба кунлари эса бундан ҳам катта ҳажмга эга бўлади. Бундай газета реклама иловалари билан бирга 2—3 кг келади.

[12]. «Эмпайр стейтс билдинг» биносида 25 минг, Жаҳон савдо марказининг икки минорасида 65 минг иш жойи бор; у кунига 80 минг келиб-кетувчига хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Савдо маркази биноларида 44 мингта дераза бор. Юздан ортиқ лифт бир неча секундда шу ернинг ходимлари ва келиб-кетувчиларни керакли қаватга элтиб қўяди. Баъзан шундай кунлар ҳам бўладики, кўчада ёмғир ёғаётганда «осмон ўпар» биноларнинг юқори қаватларида ярқираб қуёш чиқиб туради.

[13]. Нью-Йоркда пуэрто-риколиклар Сан-хуандагидан, ирландлар Дублиндагидан, яҳудийлар эса Тель-Авивдагидан кўп. Нью-Йорк шаҳри келиб чиқишига кўра негрларга мансуб аҳолининг сонига кўра ҳам ~~АҚШ шаҳарлари орасида биринчи ўринни эгаллайди. Манхаттаннинг шимолий қисмида 110- ва 115- кўчалар оралиғида негрлар яшайдиган энг катта район — Гарлем жойлашган.~~

[14]. АҚШ президентининг қароргоҳи (резиденцияси) — Оқ уй шаҳарнинг 1792 йилда асос солинган кўҳна биносидир. 1812—1814 йиллардаги Англия-Америка урушида инглизлар десанти Вашингтонни эгаллаган ва бунда президент қароргоҳи ҳам зарарланган. Бино тиклангач, оппоқ қилиб оқланган.

«Ок уй» номи мана шундан келиб чиққан.

[15]. Илгари Атлантика машхур қилган нарса шу бўлганки, шу ерлик аптекачи XIX аср охирида салқин ичимлик — кокаколани ихтиро қилган. Бу уддабурон корпорациянинг ҳозирги кунда ҳам Атлантада ўз штаб-квартираси бор. Кейинги вақтда Атланта осмонўпар бинолар, кўплаб конгресслар ва фестиваллар шаҳарига айланди. Атланта аэропорти йўловчилар сонига кўра дунёда олдинги ўринлардан бирида туради.

[16]. ~~Тоғли штатлардан бири бўлмиш Невада ўзининг атом полигони ва «кўнсилочар ўйинларнинг дунёвий пойтахти» эканлиги билан кенг шуҳрат қозонган Лас-Вегас шаҳри асосан рулетка ва бошқа хил қизиқарли ўйинлардан тушган даромад ҳисобига яшайди. Бу ерга, шунингдек, никоҳдан ўтиш еки қўйди-чикди учун ҳам келадилар, чунки Невада штатида бу маросимлар бошқа штатлардагига нисбатан соддалаштирилган. (Шу туфайли бу штатда ҳар 1000 кишига ҳисоблаганда АҚШдагига қараганда бу ерда ўрта ҳисобда никоҳ 20 баравар, қўйди-чикди 4—5 баравар кўп). Йилига Лас-Вегасга бутун Америкадан 10—15 млн. одам келиб-кетади.~~

[17]. Лос-Анжелес шаҳарининг испанлар томонидан берилган тўла номи Pueblo de Nuestra Señora la Reina de los Angeles — яъни «бизнинг паришталар қироличаси бўлган ҳоким (бекаси)шаҳари» дир. Бу узундан-узоқ номнинг охириги икки сўзи шаҳар номида сақланиб қолган, холос.

[18]. Силиконли водий 60-йиллар машхур Стэнфорд университети асосида вужудга келган. Бу ерда электрон-ҳисоблаш техникасини яратиш ва ишлаб чиқариш билан шугулланувчи 2 мингдан ортиқ фирма жойлашган, уларда ишлайдиган одамлар сони эса 200 минг кишидан ортади. Шу сабабли бу бутун мажмуа Силиконли ёки Кремнийли водий («Силикон вэлли») номини олган.

[19]. ~~1989 йил Алясканинг жанубий қирғоқлари яқинида Американинг «Вандиз» сувертанкери рифларга бориб урилди ва кемада ҳосил бўлган тешиқдан океанга нефть оқими отилиб чикиб, 800 км² юзасини эгич нарда енфатида қоплади. У АҚШдаги бу хилдаги энг катта экологик ҳалокат эди.~~

Китоб жавонингизга

1. Современные Соединенные Штаты Америки: Энциклопедический справочник. М.: Политиздат, 1988.
2. Страны, хозяйство, люди; Книга для чтения учащихся 10 класса. (Тузвчи А. П. Кузнецов).— М.: Просвещение, 1988. 4- бўлим.
3. Кулышев Ю. А. Канада//«У карты мира» серияси.— М.: Мысль, 1989. .

БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИШ БЎЛИМИ

I- топширик.

Дарслик матни ва атлас хариталаридан фойдаланиб (42, 44—45- бетлар),

2- топширик
(ижодий).

АҚШнинг ИГЎ ни тавсифланг. У ҳақиқатан ҳам қулайми? Нима учун сиз шундай деб ўйлайсиз? 175-бетдаги мамлакатнинг регионнинг ИГЎ га тавсиф беришнинг намунавий режасини қўлланг. Дарслик матни ва 83—86- расмлардан фойдаланиб, АҚШдаги энг йирик шаҳар агломерациялари ҳамда мегаполисларни тавсифланг. Учта мегаполиснинг мамлакат майдони ва аҳолисидаги улушини ҳисоблаб чиқинг, мегаполислар аҳолисининг ўртача зичлигини мамлакат аҳолисининг ўртача зичлиги билан таққослаб, хулосалар чиқаринг. 3- мавзу матнидан АҚШ урбанизациясини тавсифлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлган маълумотларни (фикрларни) танланг. «АҚШнинг штатлари ва шаҳарлари» кроссвордини тузинг.

Қўшимча топширик (ўйин учун).

3- топширик.

5-мавзудаги жадваллар ва расмлардан фойдаланиб, керакли ҳисобларни амалга оширинг ва дафтарда АҚШнинг жаҳон саноати ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги улушини айрим маҳсулот турлари бўйича акс эттирувчи устунли (полосали) ёки доиравий диаграмма чизинг. Уни таҳлил қилинг.

4- топширик.

Дарслик матни ва АҚШнинг минерал ресурслари харитасидан фойдаланиб, мамлакатнинг минерал ресурслари унинг сертармоқ саноатининг ривожланишига имкон беришини исботланг. Дарсликдаги куйидаги иборани аниқ маълумотлар билан изоҳлаб беринг: «Шарқий қисмининг энг асосий бойлиги — ёқилги фойдали қазилмалари, ғарбий қисмининг асосий бойлиги эса — рудали фойдали қазилмалардир». 173- бетдаги мамлакат (регион) саноатини ривожланиши учун зарурий шароит ва ресурсларни тавсифлаш намунавий режасини қўлланг.

Қўшимча топширик (мураккаб-лаштирилган).

АҚШдаги кўмир, нефть, табиий газ, темир рудаларининг захираси ва уларни қазиб олиш тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиб, мамлакатнинг бу қазилма бойликлар билан қай даражада таъминланганлигини йиллар ҳисобида ҳисоблаб чиқинг. Дарслик матнидаги ва 1- жадвалдаги маълумотлардан фойдаланиб,

АҚШнинг кўмир, нефть, табиий газ, темир рудаси бўйича дунё умумгеологик захира-ларидаги хиссасини ҳисоблаб чиқинг. Бу таҳлилдан қандай хулосалар келиб чиқади?

5- топшириқ.

87- расмдан фойдаланиб, АҚШнинг бешта энг «сернефть штати»ни айтиб беринг. Бу штатлардан қайси бирида нефть материк саёзлигидан ҳам қазиб олиншини аниқланг. Мавжуд нефть қувурлари тизимининг умумий шакли ва 70- йиллар ўтказилган трансаяска нефть қувурининг қурилиши сабабларини тушунтириб беришга уриниб кўринг. 25- расмдан фойдаланиб, АҚШ қаерлардан нефть ва нефть маҳсулотлари импорт қилишини аниқланг. Буни нима билан изоҳлаш мумкин? Бунда мамлакат (регион) саноат тармоқларини тавсифлашнинг 139- бетдаги намунавий режасидан фойдаланинг.

6- топшириқ.

Дафтарингизга куйидаги намуна бўйича «АҚШ қора металлургиясининг энг асосий районлари» конспект-маълумотнома жадвалини чизиб тўлдириг.

Районнинг номи	Иқтисослашиш тип	Энг асосий марказлари

22- расмга қараб, АҚШ қайси мамлакатлардан темир рудаси ташиб келишини аниқланг. Бунга сабаб нима?

7- топшириқ.

Атласдаги АҚШнинг иқтисодий харитаси (44—45- бет) ва жаҳон машинасозлиги харитасидан (19- бет) фойдаланиб, дарслик матнидаги машинасозликка берилган тавсифни ойдинлаштиринг. Бу хариталарга қараб, машинасозликнинг энг йирик марказларини аниқланг. Дарсликдаги АҚШнинг энг асосий машинасозлик районлари мамлакатнинг мегаполисларига тўғри келади, деган фикрни мисоллар билан изоҳлаб беринг.

Қўшимча (мураккаблаштирилган) топшириқ.

АҚШнинг иқтисодий харитасидан фойдаланиб, дафтарингизга «АҚШнинг машинасозлик саноатининг энг йирик марказлари»

8- топширик.

даги машинасозликнинг структураси» номли конспект-маълумотнома жадвал тузинг. Дарслик матни, 89- расм ва дарсликдаги расмлардан, шунингдек, АҚШнинг атласдаги иқтисодий харитасидан фойдаланиб, дафтарингизга «АҚШнинг иқтисодий минтақалари» номли конспект-маълумотнома жадвални куйидаги кўринишда тўлдилинг:

Минтақанинг номи	Саноатнинг етакчи тармоқлари	Энг асосий марказлари

9- топширик.

Хулосаларни жумлаларда ифодалаб ёзиб кўйинг.

90- расмга караб, АҚШда зироатчиликнинг жойлашувини тасвирланг. 90- расм билан АҚШнинг маъмурий-худудий бўлиниши хариталарини устма-уст кўйиб таққосланг: 1) мамлакатнинг энг асосий икки «бугдойкор» штатини (биринчиси — бахорги бугдой бўйича, иккинчиси — кузги бугдой бўйича); 2) энг асосий «маккажўхорикор штати»ни аниқланг.

10- топширик (ижодий).

Атласдаги Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларининг марказий қисми тархидан (46- бет) ва кўшимча ахборот манбаларидан фойдаланиб, бирор шаҳарнинг маданий-тарихий ва архитектура жиҳатидан диққатга сазовор жойлари тўғрисида маълумот тайёрланг. «Гид», яъни экскурсовод сифатида шаҳар бўйлаб кичикрок «эккурсия» ўтказинг.

11- топширик (ижодий).

Дарслик матни, расмлари ҳамда атлас хариталари асосида АҚШнинг ўзингиз танлаган бирор макрорайонини қисқача ёзма тавсифланг.

Кўшимча топширик (ўйин учун).

Сиз 40° ш.к. параллели ва 100°-г. у. меридиани бўйича АҚШ бўйлаб «сафарга» чикдингиз, деб тасаввур қилинг. Бундаги маршрутларни тавсифланг. Бунда кўшимча адабиётдан ҳам фойдаланинг.

12- топширик (ижодий).

Дарсликнинг 1- қисмидаги матн ва расмларни диққат билан кўздан кечириб, Канадага тегишли барча маълумотларни ажратиб олинг. Атласдаги Канадага оид

хариталардан (47-бет) фойдаланинг. Мана шу маълумот асосида Канадани ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тавсифланг. Бунда алоҳида мамлакатни тавсифлашнинг намунавий режасидан фойдаланинг.

**13- топширик
(якуний).**

1. (Дафтарда ишланали). 9- мавзунинг маълумотларидан фойдаланиб, АҚШ билан Канада аҳолиси ва хўжалигининг асосий типологик белгиларини айтиб беринг. Бу маълумотларни қуйидаги жадвалга тушинг.

Мамлакатлар	Аҳолининг қўпайиш типиди	Аҳолининг миллий таркиби	Урбанизация даражаси	Хўжаликнинг ривожланиш даражаси	Хўжаликнинг тармоқлар структураси	Хўжаликнинг ҳудудий структураси
АҚШ Канада						

Шу жадвал устида ишлаб, умумлашма хулосалар чиқаринг.

2. (Ёзувсиз харита устида ишлаш). Шимолий Американинг ёзувсиз харитасига ўзингиз танлаб қуйидагиларни тушинг: 1) энг асосий денгиз портлари; 3) транс-континентал темир йўллари; 4) миллий парклари. Ўзингизча бу рўйхатни кенгайтиришингиз ҳам мумкин.

3. Сиз бирор мавзунинг ўрганаётганингизда дарслик ва атласдаги қайси мавзуни хариталардан фойдаланингиз? Буларнинг қайси бири сиз учун янги?

4. Дарслик матни ва 81- расмга қараб Америка шаҳарининг марказий иш юритиладиган районини таърифланг.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ВА ЎЗARO НАЗОРАТ БЎЛИМИ

Тушунтириб беринг-чи, нима учун:

1) АҚШнинг Шимоли-Шарқи «миллатлар устахонаси» номини олган?

2) АҚШ ва Канада оғир саноатининг анча қисми Буюк қўллар районида тўпланган?

3) АҚШнинг алюминий заводлари Теннисси ва Колумбия дарёлари водийларида жойлашган?

4) АҚШ билан Канаданинг қишлоқ хўжалигига ихтисослашуви шарқдан ғарбга борган сари ўзгаради?

5) Флорида, Калифорния ва Гавайи штатлари туристларни ўзига энг кўп жалб қилади?

Қуйидаги ҳолларда қандай муаммолар туғилади?

1. АҚШ Жануби ва Ғарбининг индустриялашуви жадаллашиб кетса?

2. АҚШ иқтисодиёти четдан нефть, темир рудаси ва бошқа хил хом ашё ҳамда ёқилги келтиришга тобора боглиқ бўлиб қолса?

Сиз қуйидаги таъкидларни тўғри деб ўйлайсизми?

1. «Босваш» меганолиси — АҚШдаги энг катта урбанизациялашган зонадир.

2. Сўнгги йилларда Аляска АҚШда нефть казиб олинувчи муҳим район бўлиб қолди.

3. АҚШ ва Канадада қишлоқ хўжалигининг фермер тиби устун туради.

4. Сан-Лаврентий дарёси Буюк Қўлларни Нью-Йорк билан боглайди.

5. Чикагода дунёдаги энг катта аэропорт жойлашган.

6. Канада аҳолиси АҚШ аҳолисининг ярмини ташкил этади.

Қуйидагиларни уддасидан чиқа оласизми?

1. 9-мавзунинг асосий матнида айтиб ўтилган АҚШ шаҳарларини харитадан топиб, хотирангизда уларни шарқдан ғарбга томон жойлаштира оласизми?

2. АҚШнинг «сут», «маккажўхори», «бугдой», «анельсин», «ананас», «олма», «пахта» (кўп етиштириладиган) штатларида мисоллар келтира оласизми?

3. Ёзувсиз харитага Янги Англия, Узок Ғарб, Калифорнияни тушира оласизми?

4. Қуйида келтирилган қайси рақам Ғарбнинг бутун мамлакат майдонидаги улушини кўрсатади (% хисобида): 20, 36, 49, 64?

5. Канада қайси минерал хом ашё турларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича дунё миқёсида алоҳида ажралиб туришини аниқлай оласизми?

Куйидаги саволларга жавоб бериш учун дарслик матни
картадан фойдаланинг:

1. АҚШнинг қайси қисмларида: 1) нефть казиб олишда;
2) авиаракета-космик саноатида; 3) бройлер жўжалар етишти-
ришда одамларнинг иш билан бандлиги энг катта?

2. АҚШ билан Канадани кенглик йўналишда қайси транс-
континентал темир йўл орқали кесиб ўтиш мумкин?

Тасаввур қилинг: *сўз атам*

1. Сиз АҚШ ёки Канаданинг катта шаҳарларидан бирига
бориб қолдингиз. Уни таърифланг.

2. АҚШ саноати билан танишгингиз келиб қолди, дейлик.
Куйидаги корхоналарга кириш *сўз атам* қайси шаҳарларда бўли-
шингиз керак: а) авиация заводи; б) электрон буюмлар ишлаб
чиқарадиган йирик корхона; в) автомобиль заводи; г) нефть-
киме комбинати; д) қора металлургия комбинати.

3. Сизда куйидаги объектларда ишлаш имкони бўлди,
дейлик: а) чорвачилик ранчоси; б) тамаки плантацияси;
в) тахта тилиш заводи. Бунинг учун сиз АҚШнинг қайси
штатлари ёки Канаданинг қайси провинцияларига томон йўл
олишингиз керак?

Куйидаги жумлалардаги тушириб қолдирилган сўзларни
топиб, ўрнига қўйинг:

1. АҚШнинг иқтисодий пойтахти ҳисобланади, бироқ
..... у билан тобора рақобатлашмоқда.

2. Ўрта Ғарб ҳудудининг катта қисми ва га, яъни
Шимолий Американинг икки асосий сув артериясига чиқади
(яъни унга рўпарадир).

3. АҚШнинг Жанубида етиштириладиган энг муҳим экинлар
қаторига куйидагилар киради:

4. Канаданинг провинциясида кўпчилик француз тилида
гаплашади.

9- МАВЗУГА ДОИР МЕТОДИК ОЧКИЧ

Нималарни эсламоқ керак:

1. Шимолий Американинг сиёсий харитаси ва халқлари
(7- синф географияси). 2. Шимолий Америка табиий-географик
рельефи, фойдали қазилмалари, иқлими, сувлари, тупроқ ва

Ўсимликларининг ўзига хос хусусиятлари (7- синф географияси). 3. Шимолий Американинг XIX аср охири — XX аср бошидаги тарихий ривожланиши хусусиятлари (10- синф тарихи). 4. Ушбу дарслик биринчи қисмининг маълумотлари. 5. Қўриқхона, фермер тушунча ва атамаларининг маъноси.

Нималарни билиб олмоқ керак

9- мавзунинг етакчи ғоялари:

МДХ давлатлари билан АҚШ ўртасидаги янгича муносабатлар халқаро барқарорликнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда ва улар бутун дунёдаги вазиятни яхши томонга ўзгартирди.

9- мавзунинг асосий илмий маълумотлари:

1. АҚШ ИГЎ, табиий ресурслари ва аҳолиси географиясининг характерли белгилари. 2. АҚШ хўжалигининг умумий таърифи. 3. АҚШ саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти географияси ва табиатидан фойдаланишнинг асосий белгилари, мамлакатнинг энг асосий саноат ва қишлоқ хўжалиги районлари. 4. АҚШнинг макрорайонлаштирилиши ва ҳар бир макрорайоннинг ўзига хос хусусиятлари. 5. Мавзунинг таянч тушунчалари: а) Шимолий Америка типигадаги шаҳар; б) босқичма-босқич ихтисослашув; в) транспорт тизимининг Шимолий Америка типи; г) саноат минтақаси.

Нима қилишни билиш керак:

1. Шаҳар агломерациялари ва мегаполисларни тавсифлай олиш. 2. Мамлакат саноати тармоқларини тавсифлай олиш. 3. Мамлакатни иқтисодий-географик жиҳатдан қисқача тавсифлай олиш. 4. Ёзма иқтисодий-географик тасвир тайёрлай олиш.

Мустақил ўқув иши малакаларини ҳосил қилиш бўйича кўрсатма ва режалар

1. Мамлакат (регион) саноати тармоғини тавсифлаш режаси:


1. Тармоқнинг аҳамияти ва унинг маҳсулоти ҳажми.
2. Тармоқнинг ривожланиши учун зарурий табиий шароит ва ресурслар.
3. Тармоқнинг структураси.
4. Тармоқнинг ри-

вожланишига таъсир кўрсатувчи энг асосий омиллар ва унинг географиясининг асосий хусусиятлари; тармоқ саноат районлари. 5. Тармоқнинг маҳсулот экспорти ва импортига боғлиқ эканлиги. 6. Умумий хулоса. Тармоқнинг ривожланиш истикболлари.

2. Алоҳида мамлакатни тавсифлаш режаси:

1. ИГЎнинг асосий белгилари. 2. Табиий шароити ва ресурсларини хўжалик нуқтаи назаридан баҳолаш. 3. Аҳолининг кўпайиши, структураси ва жойлашувининг асосий хусусиятлари. 4. Хўжалигининг умумий тавсифи. 5. Саноати жойлашувининг асосий хусусиятлари. 6. Қишлоқ хўжалиги жойлашувининг асосий хусусиятлари. 7. Транспорти географиясининг асосий хусусиятлари. 8. Энг асосий иқтисодий районлари. 9. Ташқи иқтисодий алоқаларининг роли ва географияси. 10. Умумий хулоса; ривожланиш истикболлари.

10- МАВЗУНИНГ ЧИЗМА-РЕЖАСИ



10- МАВЗУ. ЛОТИН АМЕРИКАСИ

Сиз материк ва океанлар географияси курсида Жанубий Американи Ер шарининг олтига материгидан бири сифатида ўргангансиз. Иқтисодий ва ижтимоий географияда одатда ўрганиш объекти қилиб Лотин Америкаси региони олинади. Бошқа кўпчилик регионлардан ўларок бу регионни ажратишда биринчи навбатда мустамлакага айланиш хусусиятлари ва лотин асосидаги роман гуруҳига кирувчи тилларнинг тарқалиши асос бўлиб хизмат қилади. Лотин Америкаси халқларининг кўпчилиги XVI — XVII асрлардаёқ Испания билан Португалиянинг мустамлакалари бўлиб қолди ва XIX аср бошидагина озодликка эришдилар. Эндиликда бу регион доирасида 40 мамлакат ва худуд жойлашган. Барча 33 муस्ताқил (суверен) давлат ривожланаётган мамлакатлар сирасига киради. Регионнинг майдони 21 млн. км², аҳолиси — 450 млн. киши (1990 й).

Лотин Америкаси таркибида бир қанча субрегионлар ажратилади. Бунинг биринчиси Ўрта Америка (Мексика, Марказий Америка ва Вест-Индия мамлакатлари). Иккинчиси — Анд мамлакатлари (Венесуэла, Колумбия, Эквадор, Перу, Боливия, Чили). Учинчиси — Ла-Плата хавзаси мамлакатлари (Парагвай, Уругвай, Аргентина). Бразилия ҳам субрегион даражасида кўриб чиқилади.

1. БИЗ ЛОТИН АМЕРИКАСИНИНГ УМУМИЙ ТАСВИРИНИ БЕРАМИЗ.

1. Худуди, чегаралари, географик ўрни: катта ички тафовутлари.

Давлат тузуми. Лотин Америкаси худуди шимолдан жанубга томон 13 минг км га, Ғарбдан шарққа томон эса энг кўпи билан 5 минг км га чўзилган. Регионнинг барча мамлакатларини

майдонига кўра жуда катта (Бразилия), йирик ва ўртача (Мексика, Жанубий Американинг кўпчилик мамлакатлари), кичикроқ (марказий Америка мамлакатлари ва Куба) ва жуда кичик (Вест-Индия ороллари) мамлакатларга бўлиш мумкин. Материкдаги мамлакатлар ўртасидаги чегара кўпинча тоғ тизимлари ва йирик дарё водийларидан ўтади.

Лотин Америкасининг ИГЎнинг ўзига хослиги шундан иборатки, у нисбатан АҚШга яқин бўлиб, бошқа йирик регионлардан анча узоқда жойлашган (1). Бироқ бу ноқулайлик кўпдан-кўп муҳим денгиз йўллари Панама канали орқали давлатларни ўзаро боғлаб туриши туфайли анча камайди. Яна шуниси ҳам борки, регионнинг Боливия ва Парагвайдан бошқа барча мамлакатлари ёни океан ва денгизларга кенг очик, ёки оролларда жойлашган давлатлардир.

9- ж а д в а л

Лотин Америкасидаги энг йирик шаҳар агломерацияларининг ўсиши
(млн. киши ҳисобида)

Агломерациялар	1920	1950	1970	1980	1990	2000 йилга қилинган илмий баҳорат
Мехико	0,7	3,0	9,0	14,5	20,5	31,0
Сан-Паулу	0,6	2,5	8,0	13,0	17,5	26,0
Рио-де Жанейро	1,3	3,5	7,0	9,0	11,5	14,2
Буэнос-Айрес	2,3	5,3	8,5	10,0	11,5	13,0

Мисол. Куба регионнинг оролларда жойлашган энг катта давлати бўлиб, у 1250 км га чўзилган. У Америка ўрта денгиз бўйини хосил қилувчи Кариб денгизи билан Мексика кўлтигининг туташган ерида жойлашган. Мамлакат гербида тасвирланган калит рамзий маънога эга бўлиб, у 1492 йил Христафор Колумб кашф этган орол асрлар давомида янги дунё, яъни Америка материгини очишда ўзига хос калит ролини ўйнаганлигига ишорадир.

Лотин Америкасининг барча мустақил мамлакатлари давлат тузумига кўра ё республика, ёки Буюк Британия томонидан бошқариладиган Ҳамдўстлик таркибидаги давлатлардир (1- топширик).

2. Табиий шароити ва ресурслари: бойлиги ва хилма-хиллиги. Лотин Америкаси фойдали қазилмаларининг бойлиги ва хилма-хиллиги унинг жуда катта ҳудудининг геологик ҳамда тектоник

хусусиятлари билан боғлиқдир. Қора ва рангдор металл рудаларининг хавзалари ва конлари, шунингдек испан конкистадорлари, яъни истилочилари диққатини ўзига жалб қилган олтин ва кумуш конлари Жанубий Америка платформасининг кристалли заминни ва Анд ҳамда Кордильера тоғларининг бурмали минтақаси билан боғлиқдир. Бу минтақанинг чекка ва тоғ орасидаги букилмаларида эса йирик нефть ва табиий газ конлари пайдо бўлган.

Мисол. Региондаги энг йирик нефть-газ хавзалари Венесуэла ва Мексикададир. Венесуэлада — бу Кариб денгизига чикувчи тоғ оралиги ботиғида жойлашган Маракайбо хавзасидир. Нефть бу ерда куруқликда ҳам, Маракайбо қўли тағидаги ер бағрида ҳам жойлашган. Шунингдек Мексикада нефтли қатламлар ҳам куруқликда, ҳам шельфда жойлашган.

Лотин Америкаси бокситларга ҳам бой бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши латерит нураш пўсти билан боғлиқдир (2- топширик).

Тикланадиган табиий ресурсларнинг бойлиги ва хилма-хиллиги биринчи навбатда регионнинг асосан экваториал, тропик ва субтропик иқлим минтақаларида жойлашганлиги билан боғлиқдир.

Бирок рельефи, океан оқимлари ва бошқа омиллар ўз таъсирини кўрсатган: иссиқ ер («тьерра кальенте») ва мўътадил ер («тьерра ампллада») билан бирга бу регионда совуқ ерларни («тьерра фриа») ҳам учратиш мумкин. Айрим йиллари жанубдан совуқ хаво массаларининг кириб келиши кишлоқ хўжалигига катта зарар етказди (2). Бунинг устига ёгинларнинг мавсумлар бўйича потекис тушиши иқлим шароитини янада ёмонлаштиради: шу сабабли намлик ортиқча зоналар (Амазония) билан бирга Мексика, Чили, Аргентинада иқлим қурғоқчил келиши сабабли ерларни сугориш зарурати тугилади.

Лотин Америкаси дунёнинг йирик регионлари орасида сув ресурслари билан таъминланганлиги жиҳатидан биринчи ўринда туради. иқтисодий гидроэнергетика салоҳияти (потенциали) жиҳатидан эса фақат Хорижий Осиёдан кейинда туради. Лотин Америкасининг улкан бойлиги — унинг ўрмонлари бўлиб, улар регион жами худудининг ярмини эгаллаган. (3) В. Терещкованинг космосдан кузатувларига кўра Лотин Америкаси — яшил материк, Осиё — тўқ жигарранг, Африка эса — сариқ материк сифатида намоён бўлган.

Умуман Лотин Америкасининг катта қисмидаги табиий

шароит инсонлар ҳаёти ва хўжалик фаолияти учун қулайдир. Бирок, кўп ҳолларда бу шароит етарлича оқидона фойдаланилмай, йирткичларча фойдаланилмоқда (3- топширик).

3. Аҳолиси: унинг кўпайиши, этник таркиби, жойлашуви, урбанизация. Сизга маълумки, Лотин Америкаси учун аҳоли кўпайишининг иккинчи типни хосдир. Гарчи бу ерда демографик портлаш чўққиси 50—60- йилларга тўғри келган бўлса-да, кўпгина мамлакатларда аҳолининг йиллик ўсиши 2% дан ортади, айрим йиллари эса 3% га етади. Бу аҳолининг сонигагина эмас, балки ёш структурасига ҳам таъсир кўрсатиб, болаларнинг иш билан банд аҳолига бўлган «юки»нинг ортишига олиб келади (4- топширик).

Лотин Америкаси аҳолисининг ҳозирги этник таркиби уч таркибий қисм таъсири остида таркиб топган.

Биринчи қисмни индеец қабилалари ва элатлари ташкил этади: улар регион худудида европаликлар келгунга қадар тарқалганлар. Улар орасида юксак деҳқончилик маданиятини яратган шундай қabila ва элатлар борки, уларга Мексикадаги ацтеклар билан майялар, Марказий Анд тоғларидаги инклар яққол мисолдир. Ҳозирги вақтда туб жой индеец аҳолиси регионда тахминан 15% ни ташкил этади. Лотин Америкасидаги жуда кўп географик номлар, Шимолий Америкадаги каби, индеецлар қўйган номлардир.

Иккинчи қисмни европалик, биринчи навбатда, Испания ва Португалиядан келган кўчманчилар ташкил этади. Испания ва Португалиядан келган кўчманчилар креоллар деб аталади. То XIX аср бошига қадар Европа иммиграцияси нисбатан кам эди, бироқ у сўнгра тобора кенг миқёсга эга бўла борди.

Учинчи қисмни африкаликлар ташкил этадилар. Уларни XIX асрдан бошлаб мустамлакачилар Бразилия, Вест-Индия ва бошқа айрим мамлакатларга плантацияларда ишлатиш учун зўрлик билан олиб келганлар. Уч аср давом этган кул савдоси шунга олиб келдики, ҳозирда Лотин Америкасида негрлар барча аҳолининг $\frac{1}{10}$ қисмини ташкил этади.

Регион аҳолисининг ярмидан ортиги аралаш никоҳ натижа-сида тугилганларнинг авлодлари, яъни метислар ва мулатлардир. Шу сабабли Лотин Америкасидаги деярли барча миллатлар мураккаб этник негизга эга. Мексикада ва Марказий Америка мамлакатларида асосан метислар, Гаити, Ямайка, Кичик Антиль оролларида эса — негрлар купчилиқни ташкил этади. Анд

тоғларида жойлашган кўпчилик мамлакатларда — индеецлар ёки метислар, Аргентина, Уругвай ва Коста-Рикада — испанча сўзловчи креоллар устун туради; Бразилияда эса мулатлар ва негрлар «оқ танлилар»га қараганда салгина кам, холос.

Лотин Америкасини мустамлакага айлантириш тарихи ҳам регион аҳолисининг тил таркибига ва унинг диний таркибига ҳал қилувчи таъсир кўрсатган. Лотин америкаликларнинг асосий кўпчилиги католиклардир. Бу дин ягона расмий дин сифатида мажбурий киритилган. Бошқа динларга эътиқод қилганларни инквизиция¹ таъқиб қилган (5- топширик).

Лотин Америкаси учун маданиятнинг икки хиллиги ҳосилдир. Бунинг биринчиси индеец (индиён) ва метислар муҳити учун характерли бўлиб, бунда туб-жой аҳолининг ўзига хос чуқур, илдизлари Колумбдан олдинги даврларга бориб тақалувчи қадимий маданияти намоён бўлган. Бу мифологик ва тарихий эпос миллий мусика ҳамда рақслар, тарих ҳамда архитектуранинг ажойиб ёдгорликлари бўлмиш пирамидалар, Мексикадаги тольтеклар ва майяларнинг саройлари, инкларнинг Перудаги Мау-Пикчу шаҳар қалъаси ва бошқалардир. Иккинчиси бирмунча янги маданият бўлиб, у Европа маданияти таъсирида шаклланган. Бу маданият ҳам адабиёт, санъат, мусика, театр ва архитектурада ўз аксини топган. Диний байрамлардан ташқари турли хил карнаваллар, коррида, родео каби миллий характердаги томошалар ҳам кенг тарқалган. Футбол ниҳоятда оммавий тус олган.

Лотин Америкасида аҳолининг жойланиши уч энг асосий хусусиятга эга. Биринчидан у жаҳоннинг аҳоли энг сийрак жойлашган регионларидан бири бўлиб, аҳолининг ўртача зичлиги бир км² да атиги 20 кишига тўғри келади. Иккинчидан, аҳолининг жойлашувидаги нотекислик бошқа кўпгина йирик регионлардагига қараганда анча яққол намоён бўлган. Ушундан, дунёнинг ҳеч бир бошқа регионини аҳоли бунчалик катта ясси тоғликларни ўзлаштирмаган ва тоғқа бунчалик баланд чиқиб бормаган (4), (6- топширик).

Лотин Америкаси урбанизация кўрсаткичларига кўра ривожланаётган мамлакатларни эмас, балки кўпроқ иктисодий ривожланган мамлакатларни эслатади: урбанизациянинг ўртача даражаси бу регионда жуда юқори (72%), суръатлари эса энди бироз секинлашади. Шу билан бирга аҳоли йирик шаҳарларда (бундай йирик шаҳарлар сони 200 дан ошди) ва «миллионер» шаҳарларда (улар 30 тача) тобора кўп тўп-

¹ И н к в и з а ц и я — католик черкови томонидан тузилиб, бۇ черков душманларини бешафқат таъқиб этган суд-полиция ташкилоти.— тарж.

ланмоқда. Регионда ўзига хос **Лотин Америкаси шаҳар** типини шаклланди.

Мустамлакадаги шаҳарлар ягона тарх асосида бунёд этилган: бу тархлар эса Испания билан Португалия ўз мулк ерларига мўлжаллаб тузилган. Одатда шаҳар негизи марказий майдон («пласа майор»)дан иборат бўлиб, унда ратуша, (яъни шаҳар идораси), собор (бош черков, яъни ибодатхона) ва маъмурий бинолар жойлашган. Кўчалар марказий майдондан тўғри бурчак ҳосил қилиб тарқалиб, гўё аниқ шахмат тўрини ҳосил қилган. Шаҳарда кейинги ўн йилликлар давомида ҳозирги замон бинолари қад кўтарган.

Лотин Америкасида шаҳар агломерацияларининг фаол шаклланиш жараёни рўй бермоқда. Уларнинг тўрттаси дунёдаги энг катта шаҳар агломерациялари сирасига киради (9-жадвалга қара).

Булар орасида биринчи ўринда Катта Мехико туради. Мамлакат ҳудудининг 0,5% ини эгаллаган бу шаҳар агломерациясида Мексика аҳолисининг $\frac{1}{4}$ қисми тўпланган. Бу улкан агломерациянинг тезлик билан ўсишига асосий сабаб мигрантлар оқими: бу ерга йилига 400—500 минг киши келади!

Катта Мехико денгиз бўйида 2200 м баъданда тоғ оралиги водийсида жойлашган. Бу Американинг ҳозиргача мавжуд энг кўна пойтахт шаҳаридир. Индеецлар Теночтитлан шаҳрига 1176 йил кичикроқ бир кўлдаги оролда асос солганлар. Испанлар унинг ўрнида деярли бутунлай янги шаҳар — Янги Испания мустамлакасининг пойтахтини қурганлар. Бунда шаҳарни ўз шаҳарлари қурилиши услубига хос қондаларга тўла амал қилган ҳолда қурганлар. Ҳозирги вақтда Мехиконинг марказий районларида бой ва ўртача синфларга мансуб аҳоли устун туради, шаҳар чеккасида, «қашшоқлар минтақалари»да эса камбағаллар яшайдилар. (Мехиконинг атласдаги тархига қара, 50-бет.)

Материкнинг жанубий қисмидаги энг йирик агломерация — Катта Буэнос-Айрес дир (5). Унда мамлакат аҳолисининг $\frac{1}{3}$ қисми тўпланган. Айрим олимларнинг фикрларига кўра Мексика, Бразилия ва Аргентинада дастлабки мегаполислар шакллана бошлади (7-топширик). Лотин Америкасида дунёдаги ривожланаётган бошқа регионларга ҳам хос бўлган ва одатда «**сохта урбанизация**» номини олган бир хусусият яққол намоён бўлган. «**Сохта урбанизация**» — бу урбанизациянинг шундай бир типидан иборатки, унда шаҳар аҳолисининг салмоғи (улуғи) шаҳардаги ишлаб чиқариш ва ношлаб чиқариш

соҳа. ридаги иқтисодий фаол аҳолининг салмогидан анчи ортиб кетади.

Сохта урбанизациянинг бош сабаби — шаҳарларга бe-тўхтов қашшоқ қишлоқ аҳолисининг «оқиб» келиши ва шаҳарлар бу аҳолини уй-жой ҳамда иш билан таъминлай олмаслигидир. Шаҳар атрофидаги камбағалларнинг хароба жойлари ва «қашшоқлар минтақалари»нинг вужудга келиши айнан шу сохта урбанизация жараёни билан боғлиқдир. Уларда кўпдан-кўп йирик шаҳарларнинг 30—50% аҳолиси яшайди (95-расмга қаранг).

4. Хўжалиги: ривожланиш зиддиятлари. *Лотин Америкаси* ҳудудининг катталиги ва аҳолисининг сонига кўра Осиё ва Африкадан кейинда тургани ҳолда *индустриялаштириш даражасига кўра улардан олдинда туради ва дунёдаги жами ривожланаётган мамлакатлар саноат маҳсулотининг ярмини етказиб беради: У жаҳоннинг тоғ-кон саноатида каттагина роль ўйнайди (8-топширик).* Бирок Африкадан фарқ қилиб кейинги вақтда ишлаб берувчи саноат етакчи ўринга ўтиб олди. Регионда тўла цикли 25 та металлургия қўшма, алюминий, нефть-кимё корхоналари ишлаб турибди. Машина-созлик саноати айниқса ўсди.

Мисол. Бразилияда микроэлектроника, аэрокосмик саноат, автомобилсозлик, кemasозлик, самолётсозлик, Мексикада — электротехника ва электроника, асбобсозлик, Аргентинада — автомобиллар ишлаб чиқариш ривожланган. Шунга қарамай, регионнинг барча ишлаб берувчи саноатининг камида $\frac{4}{5}$ қисми «катта учлик» мамлакатлари — Бразилия, Мексика ва Аргентина хиссасига тўғри келади.

Ривожланишнинг кескин тафовутлари регионнинг қишлоқ хўжалиги учун айниқса хос бўлиб, бу тармоқ бир-бирдан мутлақо фарқ қилувчи икки сектордан иборат.

Биринчи сектор — юқори товар маҳсулотли, асосан плантация хўжалиги бўлиб, у кўпчилик мамлакатларда ва айниқса умуман районда монокультура, яъни бирор экиннинг кенг тарқалганлиги билан ажралиб туради.

1- мисол. Дунёда бананни энг кўп етиштирувчи мамлакатлар Коста-Рика, Колумбия, Эквадор, Гондурас, Панама. Териб олинган деярли барча банан ҳосили рефрижератор-кемаларда Европага, АҚШга чиқарилади ва бунда банан йўл-йўлакай пишиб етила боради. Марказий Американинг кўпчилик банан

плантациялари Американинг «Юнайтед фрут компани» компаниясига қарайди.

2- мисол. Кубада 1959 йилги инқилобга қадар шакар етиштириш ва уни экспорт қилиш амалда фақат шакарқамиш етиштириш билан боғлиқ эди. Ҳозирги кунда ҳам шакарқамиш плантациялари мамлакат ҳудудининг $\frac{1}{7}$ қисмини эгаллайди. 150 дан ортиқ шакар заводи йилига 7-8 млн. тонна шакар ~~ишлаб чиқаради~~. Шакарқамиш экиб ўстириш ва шакар саноати Кубанинг халқаро микёсда ихтисослашган тармоғи, мамлакат ҳаётининг асосидир.

Ҳатто XIX аср бошларида ҳам Пампанинг бепоён даштларида аҳоли жуда сийрак тарқалган бўлиб, улар молларини хайдаб боқишда фойдаланилар эди; бу билан маҳаллий отлик подачи-гаучолар шугулланар эди. Бирок аср охирига келиб Пампа Аргентинанинг экспорт учун бугдой, маккажўхори, гўшт чиқарадиган бош қишлоқ хўжалик районига айланди. Ёш моллар Қурук Пампада — унинг бирмунча қурғоқчил чекка қисмларида етиштирилади, молларни боқиб семиртиришда эса сернам Пампанинг бой яйловларидан фойдаланилади. Мана шунинг учун ҳам Пампани кўпинча «гўшт фабрикаси», энг асосий қушхоналар жойлашган Буэнос-Айресни эса — «гўшт пойтахти» ёки «Аргентина Чикагоси» деб аташади.

Иккинчи сектор — бу кам товар маҳсулотли қишлоқ хўжалиги бўлиб, уни «яшил революция» бутунлай четлаб ўтган. Бу секторда банд, деҳқонлар маккажўхори, маниок, нўхат, сабзавотлар, картошка етказадилар (6). (9- топшириқ).

Лотин Америкаси қишлоқ хўжалиги қолақлигининг бош сабабларидан бири регионда ерга эгалик ва ердан фойдаланишнинг эски шакллари сақланиб қолганлигидир. Бу ерда йирик помешчик ер эгалиги мустамлака даврида, яъни Мексикада — гаспендалар, Бразилияда — фазендалар, Аргентинада — эстансиялар пайдо бўлган вақтларда вужудга келган. Бундай йирик помешчик ерлари одатда **Латифундиялар**¹ деб аталади. Латифундияларда ердан ниҳоятда нооқилона фойдаланилади, ернинг бир қисмигина ишланади. Бунинг иккинчи кутбида майда деҳқон ер эгалиги (минифундиялар) тарқалган бўлиб унда миллионлаб деҳқонлар умуман ерсиздир.

Лотин Америкасининг транспорти ҳам катта зиддиятларга эга. Темир йўллар анча узун бўлишига қарамай, техника билан яхши таъминланган эмас. Ички сув, қувур

¹ Латифундия (грекча *latos* — катта ва *fundus* — эгалик қилмоқ) — жуда катта хусусий ер мулки.

транспортлари етарлича ривожланмаган, хаво ва автомобиль транспорти яхшироқ ривожланган (7). Ташки иқтисодий алоқаларни амалга оширадиган денгиз портлари катта роль ўйнайди. Мексика ва Вест-Индиянинг бир қатор мамлакатларида туризм катта ўрин тутаети. Улардан баъзилари (Багама ороллари) «хонадонга кўювчи мамлакатлар» дейилади.

5. Хўжалигининг худудий структураси: «бир мамлакатдан икки мамлакат». Сизга маълумки, бу ибора кўпчилик ривожланётган мамлакатлар хўжалиги ва аҳоли пунктлари географик манзарасининг асосий хусусиятини акс эттиради. Бу мамлакатларда хўжаликнинг мустамлакачилик хўжалик типини сақлаиб қолмоқда. Лотин Америкаси мамлакатларида ҳам пойтахт ёки «иқтисодий пойтахт», одатда, бутун худуднинг бош фокусини ҳосил қилади.

Мисол. Мехико, Лима, Сан-Паулу, Буэнос-Айресда шу шаҳарлар жойлашган давлатлар ялпи саноат маҳсулотининг ¹/₂ қисмини Монтевидеода эса хатто ўз мамлакатининг барча саноат маҳсулотининг ³/₄ қисми ишлаб чиқарилади.

Бу мамлакатларда ҳам минерал хомашё ва ёқилғи қазиб олиш ёки плантацияларда экин етиштиришга ихтисослашган кўпдан-кўп районлар мамлакатнинг ичкари қисмларида жойлашган. Шу сабабли XIX аср охири XX аср бошида бунёд этилган гемир йўл тармоқлари тури дарахтсимон (елпигичсимон) шаклга эга бўлиб, денгиз портлари уларнинг «ўсиш нуқтаси» ҳисобланади.

Лотин Америкасининг кўпгина мамлакатларида худудий номутаносибликларни (диспропорцияларни) юмшатишга қаратилган регионал сиёсат амалга оширилмоқда.

Мисол. Мексикада ишлаб чиқариш кучларини шимолга, АҚШ чегараларига томон силжитилмоқда ёки силжитиш кўзда тутилмоқда, Венесуэлада — шарққа, ресурсларга бой район бўлмиш Гуаянага, Бразилияда — ғарбга, Амазонияга, Аргентинада эса — жанубга, Патагонияга силжитиш амалга оширилмоқда.

Бундай силжишларни жадаллаштириш учун Бразилияда мамлакат пойтахти Рио-де-Жанейродан Бразилиа шаҳрига кўчирилди. Пойтахтни кўчириш Аргентинада ҳам кўзда тутилмоқда (10- ижодий топшириқ).

6. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик муаммолар.

Яқин-яқинларгача Лотин Америкасида бу муаммоларга нисбатан кам эътибор берилар эди. Бу эса ўрмонларни назоратсиз равишда кўплаб кесилиб кетишига, хайвонлар генофондининг қисқаришига, тупроқ эрозиясининг тезлашувига, кислотали ёмғирлар пайдо бўлишига ва шу каби бошқа кўнгилсиз экологик ҳолатларга олиб келди. Бош саноат-шаҳар агломерацияларида айниқса хавфли экологик вазият вужудга келди.

Мисол. Мехикони Лос-Анжелес каби «смогополис» деб аташади: бу ерда ҳавонинг ифлосланиш даражаси йўл кўйиш мумкин бўлган меъёрлардан кўп марта юқоридир (шаҳарда 3 млн. дан ортиқ автомобиль бор). Бундан ташқари, Мехико ўзининг тагидаги грунт (сизот) сувларини шу қадар кўп «сўриб» олмоқдаки, натижада улар сатҳи бир неча мартага пасайиб кетди.

Кейинги йиллардагина регионда табиатни муҳофаза қилиш масалалари ва экологик муаммоларга катта эътибор берилди бошланди.

2. БИЗ БРАЗИЛИЯ БИЛАН ТАНИШАМИЗ

1. **Бразилия — улкан тропик мамлакат.** Бразилия — Лотин Америкаси субрегионлари орасида энг каттаси бўлиб, унда бутун регионга хос кўплаб хусусиятлар яққол намоён бўлган.

Бразилия — дунёнинг табиий ресурсларга энг бой мамлакатларидан бири. Бу ердан 50 га яқин минерал хом-ашё тури, айниқса руда — хомашёлари қазиб олинади. Мамлакат ишланганидан ерлар майдонига кўра олдинги ўринлардан бирида туради. Унинг сув (шу жумладан гидроэнергетика) ва ўрмон ресурслари бениҳоя каттадир. Буларнинг барчаси мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши учун жуда қулай шарт-шароит яратди.

Бразилия аҳолисининг сонига кўра жаҳон мамлакатларининг «бешлиги»га киради; унинг аҳолиси йилига 3 млн. кишига ўсмоқда. Бу ҳам иқтисодий ривожланишга қулайлик туғдирсада, айти вақтда аҳолининг бандлиги, «сохта урбанизация» ва шу каби бошқа хил муаммоларни кескинлаштиради.

Бразилия — ривожланаётган мамлакатларнинг энг етакчи вакилларидан бири, уларнинг пешқадамидир. У фақат Лотин Америкасигина эмас, балки бутун дунёдаги ривожланаётган мамлакатлар орасида халқ хўжалигининг иқтисодиёти бўйича биринчи ўринда туради, саноат ишлаб чиқариши ҳажми бўйича эса дунё мамлакатларининг ўнлигига киради.

Португаллар мустамлакачиликнинг биринчи босқичида Бразилия ўрмонларида кизил дарахт тайёрлаб, ундан бўёқ олганлар (8). Шундан сўнг шакар саросимаси («жинниси») бошланиб, у XVII аср охиригача давом этди ва мамлакат Шимоли-Шарқининг ривожланишига ёрдам берди. Бутун XVIII аср шакар саросимаси остида ўтиб, у аввало Рио-де-Жанейро шаҳаридан шимолда жойлашган Минас-Жерайс («Асосий конлар») штатига ёйилди. XIX аср ўрталарига келиб эса кофе шов-шуви бошланиб, мамлакатнинг иқтисодий ҳаёти маркази бу гал Сан-Паулу штатига кўчди (9). Буларга яна каучук шов-шуви, какао шов-шувини кўшиб кўринг-а! Бразилиянинг халқаро ихтисослашуви мана шу тарзда бир неча аср мобайнида ўзгариб турди.

Бразилия йилига 1 млн. дан ортиқ автомобиль ишлаб чиқаради. Бу автомобиллар шакарқамишдан олинадиган этил спирти билан ишлашга мослаштирилган. Мини ва микрокомпьютерлар ишлаб чиқариш бўйича у фақат АҚШ, Япония ва ГФР дангина кейинда туради; фанни кўп талаб қиладиган бошқа ишлаб чиқариш соҳалари ҳам ривожланмоқда. Йирик ҳарбий саноат барпо этилган. Дунёда энг катта ГЭСлар қурилган. Булардан ташқари Бразилия кофе шакарқамиш, банан етиштиришда дунёда биринчиликни сақлаб турибди, соя ва апельсиннинг ялли ҳосили бўйича эса фақат АҚШдан кейинда туради.

Шунга қарамай, Бразилия иқтисодиётининг тармоқлар структураси ҳали етарлича такомиллашган эмас. Бу биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига тегишли бўлиб, катта-катта майдонлар кам маҳсул озиқ-овқат экинлари билан банд.

2. Хўжалигининг ҳудудий структурасидаги ўзгаришлар: ғарбга томон силжиш. Бразилия — аҳоли ва хўжалиги жойлашувининг океан бўйи типи, яққол акс этган мамлакатдир.

Мисол. Эни 300—350 км ли океан бўйи полосасида Бразилия аҳолиси ва ишлаб чиқаришининг $\frac{9}{10}$ қисми тўпланган.

Мамлакатнинг ички қисмлари эса сушт ўзлаштирилган ва уларда аҳоли ниҳоятда сийрак тарқалган. Рио-де-Жанейро районида аҳолининг зичлиги Амазониядагидан 800 баравар каттадир.

Рио-де-Жанейро, Сан-Паулу ва Белу-Оризонти шаҳарлари орасидаги район Бразилиянинг «индустриал учбурчаги» деб аталади. Бунда учбурчакнинг ҳар бир бурчаги (чўққиси) ўз ихтисосига ва ўз қиёфасига эгадир.

Узоқ йиллар давомида Бразилиянинг пойтахти ҳисобланган Рио-де-Жанейро шаҳри йирик порт шаҳар, банкир-шаҳар ва туризм шаҳари бўлиб қолди. Бироқ 1960 й. пой-

тахтнинг бошқа шаҳарга кўчирилиши ва Сан-Паулу билан рақобатнинг кучайиши натижасида унинг макеи бироз насайди.

Рио-де-Жанейро дунёдаги энг гўзал шаҳарлардан бири ҳисобланади. У кенг Гуанабара кўлиги қирғогида жойлашган. Бу кўлтик бўйлаб уй-жой ва маъмурий кварталлар (дахалар), (кирғок бўйи пляжи Копакабан ҳам шу ердадир), порт ва саноат районилари чўзилиб кетган (10). Шаҳар узра Христоснинг 40 метрли хайкали юксакка бўй чўзган. Рио (Бразилияда шаҳарни одатда қисқача шундай деб аташади). Католиклар рўзасидан олдин тўрт кунгун бунга кеча давом этадиган карнаваллари, дунёда энг катта «Маракана» футбол майдони билан шуҳрат қозонган. Бу шаҳар айни вақтда кескин ижтимоий ғаровулар шаҳаридир. Қашшоқларнинг кварталларида («фавел») юз минглаб камбағаллар — «фавеладос» яшайдилар (атласнинг 50-бетдаги Рио-де-Жанейро шаҳарининг тарҳига қаранг).

Сан Паулу — Бразилиянинг энг йирик шаҳари ва «иктисодий пойтахти»дир. Уни бутун Бразилия экономикаси юкини тортиб юривчи докоматив (поезд) деб атайдилар. У XIX аср ўрталарида ҳам кичиккича вилоят шаҳарчаси эди. Бу шаҳарча кофе шов-шуви ва Европа билан Япониядан иммигрантларнинг оммавий равишда оқиб кетиши натижасида тез ўсиб кетди. *Бора-бора бу ерда Бразилиянинг бутун Лотин Америкасининг, боринги, Жанубий яримшарнинг бош саноат райони таркиб топди.* Бу ерда фанни кўн талаб қиладиган соҳаларнинг қорхоналари ва, шунингдек, банклар тобора кўн тўпланмоқда.

Сан Паулу — «осмонўпар бинолар» шаҳри. Шу сабабли уни Лотин Америкасининг Нью-Йорки деб аташади. Бир-бирига яқин жойлашган йигирма, ўттиз, эллик қаватли «осмонўпар улкан бинолар» уларнинг юксакка тик бўй чўзган тўғри бурчакли қадди-басти, доирасимон миноралари, букилган синусоидлари киши эътиборини ўзига тортади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Бразилия мамлакат ҳудудининг $\frac{3}{5}$ қисмини эгаллаб ётган Амазонияни ўзлаштириш ва у ерларда аҳоли пунктлари ташкил этишга қаратилган регионал сиёсатни амалга ошира бошлади. Шу мақсадда соҳадан 1,5 минг километр нарида мамлакатнинг янги пойтахти — Бразилия бунёд этилди ва у мамлакатнинг ўзига хос янги рамзи бўлиб қолди (11).

70-йилларда Трасамазония автомобиль йўли — мамлакат ичига 5,5 минг км масофада кириб борган бош йўл қурилиб, бу йўл ёқасида тоғ-қон саноати (темир рудасини қазиб олиш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга асосланган «Катта Кара-

мас» лойихаси), ўрмон ёғочи тайёрлаш корхоналари, чорвачилик ранчоси, қишлоқлар, йирик ГЭС лар курила бошлади. Бироқ Амазонияни ўзлаштириш ва унда аҳоли пунктлари барпо этиш ишлари бирмунча бетартиб бораётганлиги сабабли экологик мувозанатнинг хавfli равишда бузилишига олиб келди (11- ижодий топширик).

Энг асосий хулоса. *Лотин Америкаси ривожланишининг нисбатан анча юқори даражаси билан ажралиб туради ва ривожланаётган мамлакатлар билан иқтисодий ривожланган мамлакатлар ўртасида гўё оралиқ ўрин тутади* (12- якуний топширик).

ҚЎШИМЧА МАТН

(Қизикарли маълумотлар)

(1) — Москва — Гавана авиарейси 14 соат. Москва — Буэнос-Айрес авиарейси эса 19 соат давом этади. Одесса — Буэнос-Айрес денгиз трассасининг узунлиги 14 минг км.

(2) 1975 й. Антрактидадан кириб келган совуқлик тўлқини Бразилиядаги 3,5 млрд. кофе дарахтларининг каттагина қисмини нобуд қилди ёки уларга зарар етказди. Бу кофе ишлаб чиқариши анча қисқариб, дунёда унинг нархи кескин даражада ошиб кетишига сабаб бўлди.

(3) Кўп дарахт турлари, айникса, кимматбаҳо ёғоч беради. Бу дарахтлар: қизил дарахт, сандал дарахти, Ёғочи жуда енгил бальс дарахти (Тур Хейердал «Кон-Тики» солини куришда худди мана шу бальс дарахти ходаларидан фойдаланган). Регионнинг нам тропик ўрмонлари ёки сельва,— какао дарахти ва каучук олинадиган дарахт гевеянинг ватанидир.

(4) Боливиядаги Ла-Пас шаҳри денгиз сатҳидан 3630 м баландда жойлашган: бу дунёдаги энг баланд тоғда жойлашган пойтахтдир. Анд тоғларидаги айрим қишлоқлар 4500—5000 м баландда жойлашган. Перуда XIX аср охиридаёқ дунёда энг баланд тоғдан ўтган темир йўл ўтказилган: унинг баландлиги — деярли 4800 м, яъни Моиблан чўққисининг баландлигига тенг.

(5) Испан конкистадори Педро ва Мендоса Ла-Плага дарёсининг ўнг қирғоғида шаҳарчага асос солиб, уни Сьюдад-де-ла-Сан-Фисима-Тринидад-и-Пуэрто-де-Нуэстра-Сеньора-де-Санта-Мария-д-лос-Буэнос-Айрес деб узундан-узок ном билан атаган. XIX асрнинг бошига келиб, бу узун номдан фақат охириги икки сўзгина шаҳар номи сифатида сақланиб қолди.

(6) Картошканинг ватани — Перу тоғликлари. Перу бо-зорларидаги картошка расталари hozirgi вақтда ҳам кар-тошкаларни ранги, катталиги, шаклининг хилма-хиллиги билан бу ерга келувчиларни ҳайратга солади.

(7) Дунёдаги энг узун Панамерика автомобиль йўли (уни куриш 1930 йилда бошланган) кўндан-кўп Лотин Америкаси мамлакатларининг пойтахтини ўзаро боғлайди. Унинг умумий узунлиги 33 минг км дан ортиқ бўлиб, АҚШнинг Мексика билан бўлган чегарасидан бошланиб, то Буэнос-Айрес шаҳаригача давом этади. Бу йўл Панама каналини «Мост Америк» номли кўприк орқали кесиб ўтади.

(8) Танасида қизғиш модда бўлган қизил дарахт бундан ҳам илгари Осиё ўрмонларида топилган бўлиб, «Паул-бразил» деб аталган. Бразилия мамлакатининг номи шу дарахт номи билан боғлиқ.

(9) XVIII аср бошида Голландиядаги ботаника кўрғазма-сига Ява оролидан кофе дарахти келтирилган. Бир неча йилдан сўнг голландлар бу дарахт ниҳолларини Франция қироли Людовик XIV га совға қилишган. Франциянинг Қариб денгизида-ги ер мулкларининг ҳарбий губернатори ёш ниҳолларни Вест-Индияга олиб келган. Бу ердан кофе дарахти француз Гвианасига бориб қолган, кейинчалик эса Бразилияга ўтиб, ўзининг иккинчи ҳақиқий ватанини топган.

(10) Бразилияни Педру Кабрал кашф этгандан икки йил кейин бошқа бир португал денгизчи сайёҳи Гонсалу Куэлью бу мамлакат қирғоқлари бўйлаб сузган. У Гуанабара қўлтиқча-сини катта бир дарёнинг қуяр жойи деб ўйлаб, унга Рио-де-Жанейро, яъни «январь дарёси» номини берган.

(11) Архитекторлар Л. Коста ва О. Нимейнер фикрига кўра бу шаҳар тархи самолётни эслатиб, унинг фюзеляжида — маъмурий ва жамоат бинолари, «қаноти»да уй-жой кварталла-ри, учувчи кабинаси»да эса — президент миллий конгресс ва одил суд саройлари жойлашган. (98-расмга қаранг.)

Китоб жавони

1. Латинская Америка: Справочник.— М.: Политиздат, 1990.
2. Америка. Общий обзор Латинской Америки: Средняя Америка. Южная Америка. «Страны и народы» серияси.— М.: Мысль, 1981— 1983.
3. Страны, хозяйство, люди. Книга для чтения учащихся 10 класса (Ту-зувчи А. П. Кузнецов.— М.: Просвещение, 1988. 5- боб.

БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИШ БЎЛИМИ

1- топширик.

Дарслик форзацида берилган мамлакатларнинг «визит карточкаси»дан Латин Америкаси мамлакатларининг бошқарув усули ва маъмурий-худудий тузилишини аниқланг: дафтарингизда жадвал тузинг. Бу мамлакатларни хорижий Осиё ва Африка мамлакатлари билан таққослаб, улар ўртасидаги тафовутларни тушунтириб беринг.

2- топширик.

Дунёнинг минерал ресурслари харитасидан (4- бет) ва Латин Америкасининг иқтисодий харитасидан (49- бет) фойдаланиб, унинг субрегионларидаги фойдали қазилмаларнинг таркибини таърифланг. Улар ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутларни тушунтириб беринг.

3- топширик.

Дарсликдаги 7—9- расмлар ва ер, агроклим ва сув ресурслари хариталарини (5—8-бетлар) региондаги тикланадиган табиий ресурсларнинг тавсифини аниқлаштиришда фойдаланинг.

4- топширик.

Дарсликдаги 12—14-расмлар ва атласдаги аҳолининг туғилиши, ўлими ҳамда табиий ўсиши хариталаридан (10—11-бетлар) фойдаланиб, аҳолининг кўпайишига доир маълумотларни ойдинлаштиринг.

5- топширик.

Атласдаги жаҳон халқлари ва динлари хариталарига (12—13- бетлар) караб, Лотин Америкаси халқларининг тил оилалари ва гуруҳлари, динлари бўйича тарқалишининг асосий хусусиятларини ойдинлаштиринг.

**Қўшимча топширик
(мураккаблаштирилган).**

Алоҳида мамлакатларнинг барча аҳолиси таркибида индеецлар (индиёнлар)нинг улуши қуйидагича (% ҳисобида): Парагвайда — 93, Боливияда — 59, Гватемалада — 51, Перу ва Эквадорда — 38—40, Мексикада — 11, Чили ва Панамада — 6, Венесуэла, Колумбия, Никарагуа, Сальвадор, Гондурас, Аргентинада — 2—4. Бу маълумотлардан фойдаланиб, регионнинг ёзувсиз харитасида картограмма ишланг. Бунда 272- бетдаги кўрсатмани қўлланг.

6- топширик.

Атласдаги жаҳон аҳолисининг зичлиги харитасидан фойдаланиб, дарсликда қайд қилинган Лотин Америкасининг аҳоли пунктларининг тарқалишидан асосий хусусиятларни ойдинлаштиринг.

7- топширик.

Дарсликдаги 17,18- расмлар ва 3 ҳамда 9- жадваллар, шунингдек, атласдаги урбанизация харитасидан (15- бет) фойдаланиб, Лотин Америкасидаги урбанизация жараёнини ойдинлаштиринг. Бунда энг кўп урбанизациялашган мамлакатларни аниқланг.

8- топширик.

Дарслик матни, атласдаги Лотин Америкасининг иқтисодий харитасидан фойдаланиб (49- бет), регионнинг ёзувсиз харитасига қуйидаги маҳсулотларни қазиб олиш ва экспорт қилишга ихтисослашган энг асосий мамлакатларни туширинг: нефть, темир рудаси, мис рудаси, бокситлар, қалайи рудалари, олтингугурт, селитра. Бундай ихтисослашув сабабларини кўрсатиб беринг.

9- топширик.

Дарслик матни, атласдаги Лотин Америкасининг хариталаридан (48,49- бетлар) фойдаланиб, регионнинг табиий ва иқтисодий ёзувсиз харитасига қуйидаги маҳсулотларга ихтисослашган энг асосий мамлакатларни туширинг: кофе, янчилмаган какао, шакар, банан, бугдой, маккажўхори, гўшт. Бундай ихтисослашув сабабларини кўрсатиб беринг.

**Қўшимча
топширик.**

Қуйидаги саволларга жавоб бериб кўринг: «Лотин Америкаси портларида кемаларга нима юкланади?» Ўртоқларингиз билан ким қўп экспорт маҳсулотларини ва улар жўнатиладиган портларни айтиш бўйича мусобақа қилинг.

**10- топширик
(ижодий).**

Дарсликдаги 22- расмга қаранг. Уни Лотин Америкасидаги ўзингиз хоҳлаган бир мамлакат мисолида конкретлаштиринг.

**11- топширик
(ижодий).**

Дарслик матни ва қўшимча манба ҳамда маълумотлардан фойдаланиб, «Амазониянинг ўзлаштирилиши» номли ахборот тайёрланг. Шу муносабат билан Бразилия учун, Лотин Америкаси учун, бутун дунё учун муаммолар тугилаётганлигини тушунтириб беринг.

**12- топширик
(якуний).**

1. География ва тарих бўйича билимларингизга таяниб, нима учун Лотин Америкаси социал-иқтисодий ривожланиш даражасига кўра дунёдаги ривожланаётган регионлардан олдинда туришини тушунтириб беринг.

2. (Дафтарда ишлаш). Дарслик матни ва расмлари, шунингдек, атлас хариталаридан фойдаланиб, Мексика, Бразилия ва Аргентинанинг ўзаро ўхшаш жиҳатлари ҳамда тафовутларини аниқланг.

3. Дарслик матни ва қўшимча ахборот манбаларидан фойдаланиб, қуйидаги шаҳарлардан ўзингиз хоҳлаган иккитасига қиёсий тавсиф беринг: Мехико, Гавана, Рио-де-Жанейро, Сан-Паулу, Бразилия, Буэнос-Айрес.

4. Сиз автомашинада Панамерика автомобиль йўли бўйлаб саёҳатдаман ва ўз таассуротларимни кундалик дафтаримга ёзиб боришман, деб тасаввур қилинг. Шунда ўзингиз хоҳлаган бир кунлик ёзувингизга мисол келтиринг.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ВА ЎЗARO НАЗОРАТ БЎЛИМИ

Қуйидагиларни изоҳлаб беринг:

1. Лотин Америкаси географик атамасининг пайдо бўлишига сабаб нима?

2. Бразилиянинг янги пойтахти — Бразилия нима мақсадда бунёд қилинган? *ПАТАГОНИЯНИ ЎЗГАШТИРИШ*

Қуйидагиларни қандай тушунасиз:

1. Лотин Америкасида пойтахт шаҳарлар билан чекка шаҳарлар орасидаги географик меҳнат тақсимоти «шаҳар мамлакат учун» эмас, балки «мамлакат шаҳар учун» тамойилига асосланишига сабаб нима?

2. ~~«Рио-де-Жанейро — бу одамлар роҳат-фароғатда яшайдиган шаҳар. Сан-Паулу эса одамлар тирикчилик учун меҳнат қиладиган шаҳар».~~

3. «Агар кофенинг нархи ошса Бразилия ҳам ўсади», деган ибора.

4. Машҳур Швед ёзувчиси Э. Лундквистнинг Буэнос-Айресни улкан, ниҳоятда бакувват ўргимчакка ўхшатиб, «у ўргимчак тўрининг чеккасида ўтириб олиб, бутун мамлакатни ўз тўрига тортиб туради» ибораси.

5. «Панама — бу аввало, канал» ибораси.

Куйидагиларни бажара оласизми?

1. Дарслик матни ва хариталарида тилга олинган куйидаги шаҳарларни эслаб дунёнинг ёзувсиз харитасига ёддан тушира оласизми? Гватемала, Никарагуа, Коста-Рика, Колумбия, Суринам, Эквадор, Перу, Боливия, Парагвай, Уругвай.

2. Дарслик матни ва хариталарида эсга олинган куйидаги шаҳарларни харитадан кўрсатиб бера оласизми? Мехико, Гавана, Каракас, Лима, Сан-Паулу, Монтевидео, Буэнос-Айрес, Сантьяго.

3. Куйидаги мамлакатларнинг қайсиларида испан тили давлат тили ҳисобланади: Куба, Венесуэла, Бразилия, Аргентина, Чили.

4. Лотин Америкасида биттадан шундай мамлакатларни айтингки, улар экспортида мис, бокситлар, қалайи, нефть, кофе, гўшт, жун, балиқ муҳим ўрин тутсин.

Куйидаги таъкидлар тўғрими ёки нотўғрими, агар лозим бўлса, тўғри жавоб беринг:

1. Аргентина ва Уругвай — Лотин Америкасида оқ танлилар энг кўп тарқалган мамлакатлардир.

2. Мексика — испан тилида сўзлашувчи дунёдаги энг катта мамлакат.

3. Бразилия — дунёдаги энг катта католик мамлакат, яъни католик динига эътиқод қилувчилар мамлақати.

4. Рио-де-Жанейро — Лотин Америкасидаги энг катта шаҳар агломерацияси.

5. Венесуэла — Лотин Америкасидаги ОПЭКга аъзо бирдан-бир мамлакат.

6. Бразилия билан Колумбия — дунёдаги кофе ишлаб чиқарадиган энг катта мамлакатлардир.

Куйидаги таъкидлар қайси мамлакатларга тегишли!

1. Марказий Американинг Кариб денгизига чиқиб бора олмайдиган бирдан-бир мамлақати.

2. Анд тоғлари субрегионининг, денгизга чиқиб бора олмайдиган бирдан-бир мамлақати.

3. Аҳолисининг $\frac{4}{5}$ қисми денгиз сатҳидан 3 минг метрдан баландда яшайдиган мамлакат.

4. Португалиядагига қараганда 14 баравар кўп одам португал тилида сўзлашадиган мамлакат.

10- МАВЗУ УЧУН МЕТОДИК ОЧКИЧ

НИМАЛАРНИ ЭСЛАМОҚ КЕРАК:

1. Лотин Америкасининг сиёсий харитаси ва халқларини (7- синф географиясидан). 2. Лотин Америкасининг табиий географик ўрни, фойдали қазилмалари, иқлими, сувлари, тупроқ ва ўсимликларининг хусусиятларини (7- синф географиясидан). 3. Лотин Америкасининг ўрта асрлар ва энг янги даврда тарихий ривожланиш хусусиятларини (7 ва 8- синфлар тарихидан). 4. Дарсликнинг биринчи қисми маълумотларини. 5. Қуйидаги тушунча ва атамаларни: баландлик минтақаланиши, экваториал ўрмон, дарё оқими, ҳаво массалари, метислар, мулатлар.

Нималарни билиб олмоқ керак

10- мавзунинг асосий ғоялари:

Лотин Америкаси мамлакатлари хўжаликнинг собиқ мустамлака тармоқлар ва ҳудудий структурасини қайта қуриш йўлига ўтиб, бу йўлда муайян муваффақиятларга эришдилар.

10- мавзунинг асосий илмий маълумотлари

1. Лотин Америкаси ИГЎ, табиий шароити ва ресурсларининг географияси, аҳолиси, хўжалигининг тармоқлар ва ҳудудий структурасининг характерли хусусиятлари, табиатни муҳофаза қилиш муаммолари. 2. Бразилия мамлакати субрегионининг иқтисодий географик тавсифи. 3. Мавзунинг таянч тушунчалари: 1) Лотин Америкаси- типдаги шаҳар; 2) «Сохта урбанизация»; 3) Латифундия; 4) Хўжалик ҳудудий структурасининг мустамлака типи.

Нима қилишни билиш керак

1. Дарслик расмлари, шунингдек атлас хариталаридан фойдаланиб, дарсликдаги асосий маълумотларни мустақил

конкретлаштириш. 2. Шаҳарларни қисқача мустақил тавсифлай олиш; 3. Харита диаграмма тузиш.


Мустақил ўқув иши малакасини эгаллашга доир кўрсатма ва режалар

Харитаграммаларни қандай тузиш ва таҳлил қилиш керак.

Бажариладиган ишлар рўйхати:

1. Таҳлил қилинадиган ҳудудлар чегараларини ёзувсиз харитада белгилаш. 2. Қартограммага тузиш учун керакли статистик ёки бошқа хил маълумот манбаларини таҳлил қила олиш, керакли кўрсаткичларни ёзиб қўйиш. 3. Бу кўрсаткичларни маълум оралиқ бўйича гуруҳлаштириш. 4. Қартограмма легендасини тузиш; бунда тўқроқ ранг ёки қуюқроқ (зичроқ) чизикчалар ходисаларнинг катта интенсивлигини акс эттирсин, ва аксинча. 5. Ранг-тасвир ва чизикчали тасвирни ёзувсиз харитага тушириш. 7. Харитадиаграммани таҳлил қилиб, хулосалар чиқариш.

11- МАВЗУНИНГ ЧИЗМА-РЕЖАСИ



**11- МАВЗУ. ИНСОНИЯТНИНГ ГЛОБАЛ
МУАММОЛАРИ**

Инсониятнинг глобал — дунёвий (сайёравий) муаммолари олимлар, сиёсий арбоблар ва кенг жамоатчиликнинг диққат марказида бўлиб, уларни кўп фанлар, шу жумладан география фани ҳам ўрганади. Бунинг сабаби шуки, бу муаммоларнинг ҳар бирининг географик жиҳатлари мавжуд ва улар дунёнинг турли регионларида турлича намоён бўладилар. Атоқли географ Н. Н. Баранский географларни материклар бўйича фикрлашга чақирганлигини эслаш лозим. Бироқ ҳозирги кунда бундай ёндошув ҳам етарли эмас. Глобал муаммоларни фақат «глобал» ва ҳатто «регионал» миқёсда ечиб бўлмайди. Уларни ҳал қилишни мамлакат ва районлардан бошламоқ лозим. Мана шунинг учун ҳам олимлар «Глобал (дунёвий) миқёсда фикрлаб, локал миқёсда иш юритиш» шиорини ўртага ташладилар.

**I. ИНСОНИЯТНИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИНИ
АСОСЛАБ БЕРАМИЗ**

1. Глобал муаммолар тушунчаси. XX асрнинг охириги ўн йилликлари дунё халқлари олдига кўплаб ўткир ва мураккаб муаммоларни кўндаланг қилиб қўйдики, улар глобал муаммолар номини олди:

Глобал муаммолар деб, шундай муаммоларга айтиладики, улар кўлами жиҳатидан бутун дунё, бутун инсониятни қамраб олиб, унинг ҳозирги ва келажаги учун хавф туғдиради ҳамда ўзларининг ечими учун барча давлат ва халқлар кучларининг бирлашуви, биргаликда жипслашиб ҳаракат қилишини талаб этади.

Глобал муаммолар ўзаро бир-бирига таъсир этиб ўзига хос куйидаги учбурчакни ҳосил қилади: аҳоли — ижтимоий ва иктисодий ривожланиш — атроф муҳит.

2. Тинчлик ва қуролсизланиш, янги жаҳон урушининг олдини олиш муаммолари. Барча тарихий даврлар ва босқичларда урушлар жамият ривожига ўз муҳрини (асоратини) қолдиради. Бироқ илгари ҳеч қачон бутун-бутун мамлакатлар ва хатто материкларнинг йўқ бўлиб кетиш реал «имконияти» бўлмаган. Бундай «имконият», яъни глобал хавф ХХ асрнинг иккинчи ярмида ядро қуролининг ва шу билан бирга ракета техникаси яратилиши муносабати билан вужудга келди. Мана шунинг учун ҳам тинчлик ва қуролсизланиш, янги жаҳон урушининг олдини олиш, инсониятнинг (қишилиқ жамиятининг) қирилиб кетмай, ўзини ўзи сақлаб қолиши муаммоси ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунимизнинг энг биринчи муаммосига айланди.

Фақат 80-йиллар охири — 90-йиллар бошига келиб, уни ҳақиқий ечишга асос солинди. «Совуқ уруш» тугатилди. Илгари ўн йилликлар мобайнида Ғарб билан Шарқни ажратиб келган «темир панжара» энди йўқ. *Ҳозир жаҳон ядро қирғини хавфи амалда қолмади. Бироқ оммавий қирғин қуролларининг регионал зиддиятлар билан уйғунликда тарқалишининг ҳамон давом этиши дунё учун янада катта хавф тугдирмоқда.*

3. «Ер фақат битта, яъни — танҳо!» Экологик муаммоси. Ноосфера (ақл-заковат сфераси) тўғрисидаги таълимот асосчиси академик В. И. Вернадский (1863—1945) 40-йиллардаёқ одамларнинг хужалиқ фаолияти географик муҳитга табиатнинг ўзида рўй берувчи геологик-жараёнлардан кам таъсир кўрсатма-япти, деб ёзган эди. Ўшандан бери жамият билан табиат ўртасидаги «модда алмашинуви» кўплаб марта ўсиб, глобал миқёсларга етди. Бироқ табиатни «забт этар» эканлар, одамлар ўз ҳаёт фаолиятларининг асосига жуда катта зарар етказдилар. Атроф-муҳит ҳолати анча ёмонлашди. Бу ҳолни тавсифлаб машҳур француз океаншуноси Жак Ив Кусто «Илгари табиат инсонни кўрқитар эди, энди инсон табиатни кўрқитмоқда» деб ёзган эди. Ер юзининг бир қанча мамлакат ва районларида экологик вазият жуда гаранглашиб кетиб, экологик таназул даражасига етди. Атроф-муҳитнинг фақат ифлосланишидан кўрилаётган иктисодий зарар ижтимоий, эстетик ва бошқа хил зарарларни ҳисобга олмаганда йилига кўплаб миллион долларни ташкил этади. Бунинг устига дунё миқёсидаги экологик хавф вужудга келди; бу хавф Ер юзи иқлимининг назорат қилиб бўлмайдиган ўзгаришлари ва

стратосферадаги озон қатламининг емирилишидир. Сизга маълумки, бу фақат ҳозирги авлод учунгина эмас, балки келгуси авлодлар учун ҳам ниҳоятда катта хавфдир. *Мана шунинг учун ҳам экологик муаммо инсониятнинг яшаб қолиш-қолмаслиги муаммоси бўлиб қолди.*

Ҳозирги вақтда бу муаммони ечиш учун тобора кўп давлатлар ўз куч ва имкониятларини бирлаштирмоқдалар. Узоқ вақтда рўй берадиган экологик хавфнинг олдини олиш билан бирга тўсатдан фавқулодда рўй берадиган хавфларни бартараф қилиш бўйича ҳам ёрдам уюштирилади. Буларнинг барчаси 70-йиллар БМТ томонидан олға сурилган «Ер фақат битта — танҳодир» шиорини бажариш демакдир. Жаҳон ҳамжамияти қуйидаги фикрдан келиб чиқади: *экологик муаммони ечишнинг бош йўли — бу одамларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятини шундай ташкил қилишдан иборатки, у атроф-муҳитни бутун инсоният ва ҳар бир инсон манфаати учун экологик жиҳатдан нормал ривожланиши — ўзгартирилишини таъминласин.*

4• Демография муаммоси — «аср муаммолари»дан бири. Бу муаммонинг ўзаро зиддиятли икки жиҳати бор.

Биринчидан, мавжуд демографик кризис ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Чунки у ҳозирнинг ўзида бир қатор мамлакатларда аҳоли кўпайиши мувозанатининг бузилишига, унинг тез қариб қолиши ва сонининг камайиб кетишига олиб келди. Демограф (аҳолишунос)лар бу жараёни депопуляция деб атайдилар.

Иккинчидан, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг кўпчилик мамлакатларида аҳолининг ҳамон тез ўсиши ташвиш тугдирмоқда. Бунинг устига аҳоли таркибида ёшларнинг улушининг жуда катта эканлиги шароитида табиий ўсиш суръатларининг тезда пасайишини кутиш қийин. Шунга қарамай, демограф олимларнинг қайд қилишича 60-йилларга тўғри келган демографик портлаш чўққиси энди ортда қолди. Аҳоли кўпайишининг иккинчи типига кирувчи барча регионларда (Африка бундан мустасно) аҳоли тугилиши ва ўсишининг камайиши бошланди.

Мисол. Дунё аҳолисининг сони йилига ўрта ҳисобда 60-йиллар бошида 2% га, 80-йиллар охирида эса — 1,6% га кўпайган, асримиз охирига бориб бу ўсиш 1,5% га тушиши, XXI аср бошида эса, 1,2%га тушиши тахмин қилинмоқда (1).

Демографик муаммони ҳал қилиш учун БМТ «Аҳолининг тарқалишига доир бутун жаҳон ҳаракат дастури»ни қабул қилди. Уни амалга оширишда географ ва демографлар ҳам иштирок этишмоқда. Бунда прогрессив кучлар шундан келиб чиқадиларки, оилани режалаштириш дастурлари аҳоли сонини оқилона бошқаришга ёрдам беради. Бироқ, *биргина демографик сиёсатнинг ўзи етарли эмас. Бу сиёсат одамлар ҳаётининг иқтисодий ва социал шароитларини яхшилаш билан уйғунликда олиб борилиши лозим* (2-ижодий топширик).

5. Энергетика ва хом ашё муаммолари: сабаблари ва ҳал қилиш йўллари. Булар аввало инсониятни ёқилги ва хом ашё билан мустаҳкам таъминлаш муаммоларидир. Инсониятни ресурслар билан таъминлаш муаммоси бирмунча кескинлашган вақтлар илгари ҳам бўлган. Бироқ бу муаммо одатда табиий ресурслари етишмайдиган айрим район ва мамлакатларга тегишли бўларди. У дунё миқёсида афтидан 70-йилларда биринчи марта намоён бўлди ва унинг бир қанча сабаблари бор эди.

Улардан бири — нефть, табиий газ ва бошқа хил ёқилги ҳамда хом ашё турлари аниқланган захираларининг камлиги, тоғ-кон ишлари шароитининг ёмонлашуви, қазиб олиш районлари билан истеъмол районлари ўртасидаги ҳудудий узилишнинг ортиши, кон қазилма ишларининг табиий шароити ниҳоятда оғир бўлган янги районларга силжиши ва шу қабилардир. Бинобарин, *бизнинг давримизда минерал ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта ишлаб чиқариш илгаригидан анча рационал (оқилона) олиб борилиши шарт.*

Бунинг учун фан-техника инқилоби улкан имкониятлар очиб беради. ФТИ га қуйидагилар боғлиқ: Ер бағридан фойдали қазилмаларни тобора тўла қазиб олиш, ишлаб чиқаришдаги энергия ва материалларни тежаш, янгидан-янги фойдали қазилма конларини топиш ҳамда илгари фойдаланила олмаётган конларни ўзлаштириш, битмас-туганмас энергетика ресурсларини хўжалик оборотига тортиш, атом ва водород энергетикаси соҳаларини янада МГД — генераторлар, ёқилги элементларини яратишда ва ниҳоят бошқарилувчи термоядро синтези соҳаларида юксалишга эришиш ва ҳ. к.

Ер бағрида жойлашган ва Ерда ҳамда ер атрофидаги физода вужудга келаётган энергия ҳамда хом ашёнинг умумий миқдори

шу қадар кўпки, унинг тугаши тўғрисида назорат жиҳатдан гап ҳам бўлиши мумкин эмас (3- ижодий топширик).

6. Озиқ-овқат муаммоси — Ер юзининг тобора ўсиб бораётган аҳолисини озиқ-овқат билан қандай таъминлаш керак? Қадимий шарқ донишмандлигида «Инсон овқатланиш учун яшамайди, балки яшаш учун овқатланади» деган ҳикматли гап бор. Инсоннинг нормал ҳаёти ва фаолияти учун зарурий озиқ-овқат миқдори унинг жинси, ёши, вазни, бўйи, қиладиган меҳнатининг характери ва шароити, турмуши, ҳудуднинг иқлимий хусусиятларига боғлиқ. Олимларнинг ҳисоблашича, истеъмол қилинадиган таомнинг калориялик медицина нормаси суткасига 2300—2600 ккал ва 70—700 г оқсилдан кам бўлмаслиги керак. Бирок БМТ маълумотларига кўра инсониятнинг $\frac{2}{3}$ қисми муттасил равишда озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмовчилиги сезиладиган мамлакатларда яшайди. Мана шунинг учун ҳам озиқ-овқат муаммосини глобал (дунёвий) муаммо деб ҳисоблаш лозим. Бу муаммони ечиш учун инсоният зироатчилик, чорвачилик ва балиқчилик ресурсларидан тўларок фойдаланиши керак, мазкур муаммонинг ечими икки хил бўлиши мумкин.

Биринчи — экстенсив йўл — ҳайдаладиган ва яйлов ерлар ҳамда балиқ овлашда фойдаланиладиган ерларни келгусида кенгайтира боришдан иборат.

Мисол. Сайёрамизда қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқли ерлар 3,2—3,4 млрд. гектарни ташкил этиб ҳозирча буларнинг ярмидан камидан фойдаланилмоқда. Бундай ерларнинг асосий резервлари Африкада Сахрои Кабирдан Жанубда, Лотин Америкасида ва Австралиядадир.

Бироқ барча энг серҳосил ва қулай жойлашган ерлар деярли ўзлаштирилганлиги сабабли, бу йўл жуда катта харажат талаб қилади.

Интенсив йўл аввало мавжуд ерларнинг биологик маҳсулдорлигини оширишдан иборат. Бу йўлни амалга оширишда биотехнология, ўсимликларнинг янги, юқори ҳосилдор навларидан ва тупроққа ишлов беришнинг янги усулларидан фойдаланиш, механизация, кимёлаштириш, шунингдек мелиорацияни янада ривожлантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Мелиорация, яъни қишлоқ хўжалиги ерлари ҳолатини яхшилаш Месопотамия, Қадимги Миср, Ҳиндистон ва Ўрта Осиёдан бошланган бўлиб, бир неча минг йиллик тарихга эга.

Мисол. Факат XX аср мобайнида сугориладиган (обикор) ерлар майдони 4 млн гектардан 300 млн. гектарга кўпайиши лозим. Хозирда бу ерлар ишланадиган ерларнинг $\frac{1}{5}$ қисмини ташкил этади, лекин қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг $\frac{2}{5}$ қисмини беради. Обикор деҳқончилик 135 мамлакатда тарқалган, бироқ унинг ярмидан ортиғи Осиёга тўғри келади.

Хозирги вақтда озик-овқат маҳсулотларини тайёрлашнинг янги, ноанъанавий усули ҳам ишлаб чиқилмоқда; бу усулга кўра сунъий озик-овқат маҳсулотлари натурал табиий хомашёдан олинган оқсиллар асосида тайёрланмоқда, яъни «ихтиро» қилинмоқда (2).

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бутун Ер шарни аҳолисини озик-овқат билан таъминлаш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмини XX асрнинг охириги чорагида — 2 барабар, XXI аср ўрталарига бориб эса — 5 барабар кўпайтириш лозим. Ҳисоблар яна шуни кўрсатадики, агар хозирги вақтда кўпчилик ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалигида эришган даража дунёнинг бошқа барча мамлакатларига ёйилган, 10 млн. ва ҳатто ундан ортиқ кишининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўла қондирилган бўлур эди (3). *Бинобарин, интенсив йўл — инсоният озик-овқат муаммосини ечишнинг бош йўлидир.* Бу йўл хозирнинг ўзидаёқ деҳқончилик маҳсулотлари барча ўсишининг $\frac{9}{10}$ қисмини таъминлайди (4- ижодий топшириқ).

7. Дунё океанидан фойдаланиш муаммоси: янги босқич. Ер юзасининг 71% ини эгалловчи Дунё океани мамлакатлар ва халқларнинг алоқасида ҳар доим муҳим роль ўйнаб келган. Бироқ то XX асрнинг ўрталаригача кишилик фаолиятининг Дунё океанидаги барча турлари жаҳондаги даромаднинг атиги 1—2% ини берган, холос. Бироқ фан-техника тараққиёти жадаллашган сари Дунё океанини ҳар томонлама тадқиқ этиш ва ўзлаштириш бутунлай бошқача кўлам кашф этди.

Биринчидан, глобал энергетика ва хом ашё муаммоларининг ўткирлашуви денгиз тоғ-кон ҳамда кимё sanoatlари ва денгиз энергетикасининг пайдо бўлишига олиб келди. Фан-техника тараққиёти муваффақиятлари келгусида нефть ва газларни, темир-марганецли конкрецияларни қазиб олишни янада кўпайтириб, денгиз сувидан водороднинг изотопи бўлмиш дейтерийни ажратиб олиш, сув қалқини асосига қурилган улкан электр

станциялар (4) ва денгиз сувини чуқитиш иншоотларини қуришда янғидан-янғи истиқболлар очди.

Иккинчидан, глобал (дунёвий) кўламдан озиқ-овқат муаммоларининг ўткирлашуви Океаннинг биологик ресурсларига бўлган қизиқишни оширди. Ваҳоланки, ҳозирча Дунё океани инсониятнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжининг атиги 2% ини таъминлайди, холос. Бирок Океандан ҳайвон оксилнининг 12—15% ини ажратиб олинмоқда. Албатта балиқ овлаш ва денгиз маҳсулотларини олишни тобора кўпайтира бориш лозим. Океандаги мавжуд балансни бузмаган ҳолда бу маҳсулотларни янада кўпайтириш имкониятлари турли мамлакатлар олимларининг ҳисобига кўра 100 млн. т. дан 150 млн. т гача етади. Денгизда сув ўтларини етиштиришни ривожлантириш эса қўшимча катта резерв ҳисобланади (5). Таркибида ёғлар ва зарарли холестерин моддаси кам бўлган балиқ «2000 йилнинг товуши» бўлиб қолади деб, бекорга айтмаптилар.

Учинчидан, халқаро географик меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, жаҳон савдосининг тезкорлик билан ўсиши денгизда юк ташиш ишлари ҳажмини тобора оширмоқда. Бу биринчи навбатда ишлаб чиқариш ва аҳолини денгиз сари силжишига ва шу муносабат билан бир қанча денгизбўйи районларининг шиддат билан ривожланишига сабаб бўлди. Масалан, кўпдан-кўп йирик денгиз портлари саноат-порт мажмуаларига айланди: бу мажмуалар учун кемасозлик, нефтни қайта ишлаш, нефть кимёси, металлургия каби соҳалар энг характерлидир. Кейинги вақтда эса баъзи бир энг янги тармоқлар ҳам ривожлана бошлади. Денгизбўйи урбанизацияси ниҳоятда кенг миқёсда ривож топмоқда.

Дунё океанидаги «аҳоли»нинг ўзи (бу «аҳоли»га кемалар экипажи, бургу платформаларида ишловчи одамлар, йўловчилар ва туристлар кирди) ҳам ортиб, эндиликда 2—3 млн. кишига етди. Эҳтимол, яқин келажакда бу «аҳоли» сони стационар ёки сузиб юрвчи ороллар лойиҳалари амалга ошириш муносабати билан янада ортиб кетади. Дарвоқе, бундай орол образи Жюль Вернининг «Сузувчи орол» романида ҳам берилган (6).

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, Океан телеграф ва телефон алоқаларининг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади; унинг тагидан кўплаб кабель симларни тортилган (7).

Дунё океани доирасидаги ва океан — қуруқлик туташган зонасидан барча ишлаб чиқариш фаолияти ва илмий фаолият натижасида жаҳон хўжалигининг алоҳида таркибий қисми бўлмиш денгиз хўжалиги вужудга келди. У тоғ-кон ва қайта

ишлаш саноатлари, энергетика, балиқ овлаш, транспорт, савдо, рекреация ҳамда туризми ўз ичига олади. Умуман олганда денгиз хўжалигида камида 100 млн. киши банд:

Бирок бундай фаолият айни вақтда Дунё океанининг глобал муаммосини тугдирди. Унинг моҳияти Океан ресурсларининг ниҳоятда нотекис ўзлаштирилаётганлиги, денгиз муҳитининг тобора кўп ифлосланаётганлиги, ундан харбий фаоллик майдони сифатида фойдаланаётганлигидан иборатдир. Худди мана шунинг учун ҳам 1982 й. қабул қилинган БМТ нинг денгиз ҳуқуқига доир Конвенцияси (Битими) жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, у «Денгиз хартияси» номини олган¹. Бу ҳужжат денгиз соҳилидан 200 мил. масофадаги иктисодий зонани белгилаб берди, бу зонада денгиз бўйида жойлашган давлат биологик ва минерал ресурслардан фойдаланишда мустақил (суверен) ҳуқуққа эга. *Дунё океанидан фойдаланиш муаммосини ечишнинг асосий йўли — океан табиати ва табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, унинг бойликларига нисбатан тўғри, мажмуали ёндошувни танлашдан иборат бўлиб, бу ёндошув бутун жаҳон ҳамжамияти куч ва ҳаракатларини бирлаштиришдан иборатдир* (5- ижодий топширик).

8. Космосни тинч мақсадда ўзлаштириш: янги уфқлар. Космос — дунё миқёсидаги муҳит, инсониятнинг умумий мулки (бойлиги) ҳисобланади. Космик дастурлар анча мураккаблашган ҳозирги вақтда бу дастурларни бажариш кўплаб мамлакатлар ва халқларнинг техникавий, иктисодий, ақлий имкониятларини жиңслаштиришни талаб этади. Шу сабабли космосни ўзлаштириш энг муҳим халқаро, глобал муаммолардан бири бўлиб қолди.

Мисол. 1978 й. Халқаро «Интеркосмос» дастури бўйича собиқ СССРнинг космонавтлари билан бирга орбитал илмий-тадқиқот мажмуаларидаги парвозда 15 дан ортиқ бошқа чет мамлакатлар вакиллари иштирок этдилар.

Харбий дастурлардан воз кечишни кўзда тутувчи космосни тинч мақсадларда ўзлаштириш дастури, энг янги фан ва техника, ишлаб чиқариш ҳамда бошқарув ютуқларидан фойдаланишга асосланади. У ҳозирнинг ўзидаёқ Ер ва унинг ресурслари тўғрисида муттасил ниҳоятда катта космик ахбо-

¹ Хартия деб катта ижтимоий ва иктисодий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатга айтилади. — тарж.

ротни бериб турибди. Қелажак космос индустрияси, космос технологияси, космик энергоресурслардан фойдаланиш кабиларнинг белгилари тобора яққол намоён бўлмоқда.

9. Глобал муаммоларнинг ўзаро алоқадорлиги. Ривожланаётган мамлакатларни қолоқликдан чиқариш — энг катта умум-башарий муаммо. Юқорида кўрдингизки, инсоният глобал муаммоларининг ҳар бири ўз аниқ мазмунига эга. Бироқ уларнинг барчаси ўзаро чамбарчас боғлиқ: чунончи, энергетика ва хомашё муаммоси экологик муаммо билан, экологик муаммо демографик муаммо билан, демографик муаммо эса озиқ-овқат муаммоси билан боғлиқ ва ҳ. к. Инсониятнинг глобал муаммолари орасида янги жаҳон урушининг олдини олиш муаммоси алоҳида ўрин тутиб келди ва ҳамон муҳим ўрин тутмоқда. Чунки бошқа барча муаммолар бу муаммо билан узвий боғлиқ. Бироқ қуролланиш иқтисодиёти қуролсизланиш иқтисодиётига ўта бошлаган ҳозирги вақтда, *кўпчилик муаммоларнинг оғирлик маркази тобора ривожланаётган мамлакатларга силжимоқда.* Уларнинг қолоқлик кўлами ниҳоятда каттадир (10-жадвалга қаранг).

Бу қолоқликнинг асосий кўриниши ва айни вақтда сабаби — камбағаллик, қашшоқликдир. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида аҳолининг 40% и мутлак қашшоқ шароитда яшайди. Шаҳар ва қишлоқлардаги хароба жойларда яшайдиган қашшоқларнинг ҳаёт даражаси энг бой мамлакатлардаги ҳаёт даражасининг атиги 5—10%и га тўғри келади, холос (8).

Ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқат муаммоси энг драматик, ҳатто фожиали хусусиятга эгадир. Тўғри, очлик ва тўйиб овқат емаслик, яъни ярим очлик дунёда инсоният ривожининг энг дастлабки даврлариданоқ мавжуд. Ҳатто XIX — XX асрлардаги авж олган очарчиликлар Хитой, Ҳиндистон, Ирландияда, Африканинг кўплаб мамлакатларида ва Совет Иттифоқида миллионлаб одамларнинг ёстигини қуритди. Бироқ фан-техника таракқиёти шароитида ва Ғарбнинг иқтисодий ривожланган мамлакатларида озиқ-овқат маҳсулотлари керагидан ортиқча ишлаб чиқарилаётган бир шароитда очарчиликнинг мавжудлиги ҳақиқатан ҳам давризмизнинг энг «ғаройиб» — ақлга тўғри келмайдиган хусусиятларидан биридир. Очарчилик ривожланаётган мамлакатларнинг умумий қолоқлиги ва камбағаллиги маҳсулидир. Бу қолоқлик ва камбағаллик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини

унинг махсулотига бўлган талабдан жуда орқада қолиб кетишига сабаб бўлди. Бугунги кунда «очарчилик» географияси-ни аввало, Африка ва Осиёнинг энг қоқоқ «яшил инқилоб» четлаб ўтган мамлакатлари белгилайди; бу мамлакатларда аҳолининг каттагина қисми айнан очликдан ўлим чегарасида яшайди. 70 дан ортиқ ривожланаётган мамлакат озиқ-овқат махсулотларини четдан келтиришга мажбур.

Тўйиб овқат емаслик ва очлик билан боғлиқ касалликлар, тоза сув етишмаслиги натижасида ривожланаётган мамлакатларда йилига 40 млн. одам дунёдан ўтади (бу миқдор бутун иккинчи жаҳон урушида нобуд бўлган одамлар сонига тенг). уларнинг 18 миллиони болалардир. БМТнинг болалар фонди плакатида тасвирланган африкалик қиз «Сен катта бўлганингда қандай бўлишни истайсач?» деган саволга энг қисқа қилиб «Гирик бўлишни» деб жавоб қайтаради. «XX аср ўлати» номини олган СПИД юқумли касаллиги ҳам Тропик Африканинг энг қашшоқ мамлакатларида энг кўп тарқалди.

Ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқат муаммоси билан демографик муаммо чамбарчас боғлиқдир. Демографик портлаш уларга зиддиятли таъсир кўрсатмоқда. Бир томондан, у муттасил янги кучларнинг кириб келишини, меҳнат ресурсларининг ўсишини таъминласа, бошқа томондан, иқтисодий қоқоқликни енгишда кўшимча қийинчиликлар тугдиради, кўплаб социал масалаларнинг ечимини мушқуллаштиради, улар эришган ютуқларнинг катта қисмини йўққа чиқаради, худудга бўлган «таъйиқ»ни кучайтиради. Осиё, Африка, Лотин Америкасининг кўпчилик мамлакатларида аҳолининг ўсиш суръатлари озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чиқариш суръатларидан юқори бўлиб, ундан ўзиб кетмоқда.

Сизга маълумки, сўнгги вақтда ривожланаётган мамлакатлардаги демографик портлаш шаҳар аҳолиси сонининг «портлаши», яъни кескин кўпайиб кетиши шаклида намоён бўлмоқда. Шунга қарамай ривожланаётган кўпдан-кўп мамлакатларда қишлоқ аҳолисининг сони камайиш ўрнига тобора кўпаймоқда. Шунга мувофиқ равишда усиз ҳам ниҳоятда кўпайиб кетаётган қишлоқ аҳолиси керагидан ортиқ даражада ўсмоқда; бу аграр аҳоли йирик шаҳарларнинг «қашшоқлик минтақаси» даги миграция тўлқинини ҳам, чет элга, нисбатан бой мамлакатларга кўчиб кетаётган аҳоли сонини ҳам тўлдирмоқда. Бутун дунёдаги жами қочоқлар сонч ҳозирок 500 млн кишига етди ва уларнинг асосий қисми ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Кейинги:

вақтда иктисодий қочоқлар оқимиға экологик қочоқлар тобора кўп келиб қўшилмоқда.

Демографик портлаш билан ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг ўзига хос ёш таркиби бевосита боғлиқ бўлиб, бу мамлакатлардаги ишга лаёқатли ҳар бир одамга иккитадан боқиманда тўғри келади (9). Аҳоли сонига ёшлар салмоғининг катта эканлиги шунингдек кўплаб социал муаммоларни ҳам ниҳоятда кескинлаштириб юборади.

Экологик муаммо ҳам озиқ-овқат ва демографик муаммолар билан бевосита боғлиқдир. 1972 йилдаёқ Индира Ганди қашшоқликни атроф-муҳитнинг энг дахшатли ифлосланиши деб атаган эди. Ҳақиқатан ҳам ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги шу қадар камбағал, улар учун халқаро савдо шароитлари шу қадар ноқулайки, уларга нодир ўрмонларни кесиш, ҳайвонлари билан яйловларни топташ, «ифлос» ишлаб чиқаришларга тоқат қилишдан ўзга чора йўқ; улар келажак тўғрисида ғамхўрлик қила олмайдилар. Чўллашиш (яъни бошқа хил ландшафтларнинг чўл ландшафтларига айланиши), ўрмонларнинг тугаб кетиши, тупроқлар деградацияси, фауна ва флора турларининг камайиб кетиши, сув ҳамда ҳавонинг ифлосланиши каби салбий жараёнларнинг бош сабаби ҳам худди ана шундадир. Тропиклар табиатининг таъсирга айниқса берилувчанлиги, яъни нозиклиги бу салбий оқибатларни янада кучайтиради.

Ривожланаётган мамлакатларнинг ночор аҳволи энг катта умуминсоний, умумжаҳоний муаммо бўлиб қолди. БМТ 1974 йилдаёқ қабул қилган дастурга кўра 1984 йил дунёда битта ҳам одам ухлашга оч ётмаслиги кўзда тутилган эди. Ўшанда яна ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон саноат ишлаб чиқаришидаги ҳиссасини 25 % гача кўтариш мўлжалланган эди. Бироқ буларни бажариб бўлмади.

Мана шунинг учун ҳам ривожланаётган мамлакатлар қолоқлигини бартараф этиш хануз энг долзарб масала бўлиб қолмоқда. *Бу вазифани ҳал қилишнинг бош йўллари мазкур мамлакатлар ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларида туб социал-иқтисодий ўзгаришлар ўтказиш, фан-техника тараққиётини ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва демилитаризацияни¹ амалга оширишдан иборатдир (6- ижодий кишилик).*

¹ Демилитаризация — ҳарбий кучларни камайитириш демакдир.— тарж.

Ривожлаётган мамлакатларнинг ҳолоқлик миқёслари (кўрсаткичлари)

Ҳолоқлик турлари	Аҳолиси, млн. киши ҳис.
Энг қашшоқлик шароитида яшовчилар	1300 дан ортиқ
Оқликда яшовчилар	500 дан ортиқ
Етарли озиқ-овқатсиз аҳоли	1000
Тиббиёт хизматидаан маҳрум аҳоли	1500
Қисман ёки тўла ишсизлар	500 дан ортиқ
Катта ёшли аҳоли ўртасидаги саводсизлар	800 дан ортиқ
Мақтабга бориш имконияти йўқ болалар	200 дан ортиқ
Ишончли сув таъмирлаш маъбалари йўқ аҳоли	2000
Уйни иситиш учун ўтиндан фойдаланувчи аҳоли	1500

2. БИЗ ГЛОБАЛ ИЛМИЙ БАШОРАТЛАР, ГИПОТЕЗАЛАР ВА ЛОЙИХАЛАРНИ БИЛИБ ОЛАМИЗ.

1. Глобал илмий башоратлар: икки хил ёндашув. Олимлар инсоният ривожланишининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган кўплаб глобал илмий башоратлари (прогнозлари)ни ишлаб чиққанлар. Унда принцип жиҳатидан бири-бирига зид икки хил ёндашув кўзга ташланади: бу ёндашувларни пессимистик (яъни, тушқунлик руҳидаги) ва оптимистик (яъни, келажакка комил ишонч руҳидаги) ёндашув деб аташ мумкин.

Пессимистик ёндашув 70-йиллар Рим клуби иштирокчилари ишлаб чиққан глобал лойиҳаларда ўзининг айниқса ёрқин ифодасини топган. Бу лойиҳа («сценарий») га кўра ХХI аср ўрталарига келиб Ер юзининг кўп табиий ресурслари деярли тўла тугаб кетади, атроф-муҳитнинг ифлосланиши эса фожияли даражага етади. Натижада глобал миқёсда ресурслар, экологик, озиқ-овқат таназзули рўй беради, бошқача қилиб айтганда «дунё охирлайди» ва сайёрамиз аҳолиси қирила бошлайди. Бундай фикрдаги олимлар алармистлар (французча *alarme* — қўрқув, ташвиш, бонг) дейлади. Ғарбда кўплаб алармистик адабиёт пайдо бўлди.

Шу жиҳатдан олиб қараганда буржуа футуролог¹ олимлари китобларининг қуйидаги номи характерлидир: «Ўсиш чегаралари», «Ўлмай қолиш

¹ *Футурология* — Ер ва инсониятнинг келажagini илмий башорат қилиш билан шуғулланувчи фан — тарж.

стратегияси», «Инсоният бурилиш нуктасида», «Охирлаётган доира», «Олдинда тубсизлик», «Келажак билан учрашувдаги кўнгилсизлик», «Одамлар кўпайиб кетишидан портловчи бомба» ва х. к. Бу асарларнинг умумий кайфияти гарбий нашрларнинг бирида босилиб чиққан қуйидаги пародияда ўз аксини топган: «Яқинда сўнгги одам сўнгги томчи нефтни сўнгги бир тутам ўтни кайнатиб, сўнгги каламушни қовуришга сарфлайди».

Бу олимларнинг тавсиялари аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг ўсишини чеклаш, ҳам яхшиси — тўхтатишга бориб тақалар эди (10).

80-йиллар жаҳон футурологиясида келажакка бирмунча оптимистик баҳо бериш томон силжиш рўй берди. Бундай ёндашувга асосланувчи олимлар инсониятнинг глобал муаммолари жуда мураккаб эканлигини инкор этмайдилар. 1987 йил атроф-муҳит муаммолари бўйича тузилган Халқаро комиссия ўзининг «Бизнинг умумий келажакимиз» номли докладада экологик таназзул ва ривожланиш таназзули борасидаги жиддий огоҳлантиришни билдирди.

Бироқ бундай эҳтиёткорликка қарамай, улар Ер бағри ва Дунё океани ҳали жуда кўп фойдаланилмаётган ва очилмаган бойликларни ўзида яшириб ётибди, анъанавий ресурслар турлари янги хил ресурслар билан алмашинади, фан-техника тараққиёти жамият билан табиат ўртасидаги экологик мувозанатни яхшилайти, ҳозирги вақтдаги демографик портлаш эса, абадий, яъни туганмас ҳодиса эмас. Улар *глобал муаммоларни ёчишининг бош йўли аҳоли ва ишлаб чиқаришни қисқартиришда эмас, балки инсониятнинг фан-техника тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ социал тараққиётида, жаҳон сиёсий иқлимнинг илиши ва қуролсизланиш сиёсатида деб биладилар.*

2. Глобал гипотезалар: олимлар нималар ҳақида баҳслашадилар. Инсониятнинг келгусидаги ривожланишининг айрим жиҳатлари глобал и л м и й гипотезаларда ҳам ўз аксини топган.

Сиз иқлимшунос олим М. И. Будико ва жаҳондаги бошқа олимлар олға сурган парник «самараси»¹ тўғрисидаги илмий гипотеза ҳақида эшитган бўлсангиз керак. Бу олимлар

¹ Парник ёки иссиқхона «самараси» деб, шундай ҳодисага айтиладики, бунинг натижасида сайёрамизнинг ўртача ҳарорати тобора кўтарилади, тунги ва кундузги ҳарорат ўртасидаги тафовут камаяди. Парник самарасига асосан ер юзиде қазилма ёқилги турларининг кўп ишлатилишидир. Бу ёқилгилардан ажралиб чиққан карбонат ангидрид, метан ва азот чала оксиди атмосферага ўтиб, ер юзидан ажралиб чиқаётган иссиқликни иссиқхонадаги ойна каби қайтаради — *тарж.*

Ер шарининг тобора исиб бориши натижасида қандай глобал ўзгаришлар содир бўлишини илмий башорат қиладилар.

Ҳақиқатан ҳам, сўнгги аср мобайнида Ернинг ўртача ҳарорати $0,6^{\circ}\text{C}$ га кўтарилди. Ҳисоблар шуни кўрсатадики, парник самараси ўса борса, Ер шари ҳарорати ҳар ўн йилда $0,5^{\circ}$ га кўтарилиб, кўплаб салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Мабодо Ер юзида ўртача ҳарорат ҳатто $3-4^{\circ}$ га кўтарилса, иқлим зоналари юзлаб километрга сурилиши, дехқончилик чегаралари анча шимолга кириб бориши ва жуда катта майдондаги доимий музликлар тугаб кетиши мумкин эди. Шимолий Муз океанини қоплаган музлар ёзда эриб кетиб, кемалар бемалол сузиб юрган бўларди. Бироқ, иккинчи томондан эса, Москва иқлими Кавказ ортининг ҳозирги иқлимига ўхшаб қоларди. Африкадаги экваториал зона шимолга сурилиб, Сахрон Қабирни эгалларди. Антарктида ва Гренландия музликлари эриб кетиб, натижада Дунё океани «кирғоқларидан чиқиб кетиб» (унинг сатҳи 66 м га кўтарилар эди) ҳозирда инсониятнинг $\frac{1}{4}$ қисми яшаб турган кирғоқ пасттекисликларини босиб кетган бўлур эди.

Лекин парник «самараси» оқибатларига бошқача баҳо берувчи олимлар ҳам бор. Масалан, академик А. Л. Яншин бу «самара» билан боғлиқ иқлимнинг илиши натижасида Антрактида ва Гренландия музликлари унча кўп эримайди, бинобарин, Дунё океани сатҳи кескин кўтарилмайди, деб ҳисоблайди.

Иккинчи қизиқарли гипотеза — бу Ер юзи аҳолиси сонининг барқарорлашуви гипотезасидир. Бундай барқарорлик (ёки авлодларнинг тенг миқдорда алмашина бориши) рўй бериши учун эркак ва аёлларнинг ўртача ёши 75 атрофида бўлиши, тугилиш ва ўлим кўрсаткичлари эса ҳар 1000 аҳолига 13,4 киши даражасида бўлиши керак. Ҳозирги вақтда кўпчилик аҳолишунослар шу фикрга қўшиладилар. Бироқ бу барқарорлик Ер юзи аҳолиси сони қанчага етганда ва қачон бўлиши масаласида олимлар ўртасида яқдиллик йўқ. Йирик аҳолишунос Б. Ц. Урланис (1906—1981) фикрига кўра барқарорлик жаҳон аҳолиси сони 12,5 млрд. кишига етганда ХХІ аср ўрталарида Европа ва Шимолий Америкадан бошланиб, ХХІІ асрнинг биринчи чорагида Африкада тугайди. Бошқа олимларнинг хилма-хил тахминларига кўра барқарорлик жаҳон аҳолиси сони 8 млрд. дан то 15 млрд. га етгунча вужудга келади.

Яна бир илмий гипотеза — Ойкуменаполис (ёки дунё шаҳари) гипотезаси бўлиб, у мегалополисларнинг ўзаро

қўшилиши натижасида вужудга келади. Бу гипотезани бутун дунёга таниқли грёк олими К. Доксиадис олдинга сурди.

3. **Глобал лойиҳалар: эҳтиёткорлик зарур!** Шунингдек Ер йирик табиий регионларини қайта қуришга доир ҳам кўплаб муҳандислик лойиҳалари — бошқача қилиб айтганда глобал (дунёвий) лойиҳалар ҳам бор. Уларнинг кўпчилиги Дунё океани билан боғлиқ.

Мисол. XX аср бошидаёқ Гибралтар бўғозида узунлиги 29 км ли тўғон қуриш лойиҳаси олға сурилган эди. XX аср ўрта ларида Беринг бўғозида тўғон қуриш лойиҳалари тавсия этилди. Америка муҳандислари Гальфстрим окимидан энергетик мақсадларда фойдаланиш лойиҳасини ишлаб чиқдилар (11). Конго дарёси хавзасида сунъий денгиз барпо этиш лойиҳаси ҳам бор.

Бу лойиҳаларнинг бир қисмини ҳатто ҳозирги кунда ҳам илмий фантастика деб аташ мумкин. Бирок, уларнинг айримларини ҳозирги фан-техника инқилоби даврида амалга оширса бўладиганга ўхшайди. Бирок, ҳозирги қудратли техниканинг табиий жараёнларга кўрсатиши мумкин бўлган салбий экологик оқибатларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Энг асосий хулоса. *Глобал муаммолар бир қанча илмий, техникавий, иқтисодий ва бошқа хил масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлса-да, улар аввало социял масалалардир. Тинчлик ва фан-техника инқилоби шароитида кишилик жамиятининг аҳоли ортиқчаллиги, табиий ресурслар етишмаслиги ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши туфайли тугаб кетиш хавфи йўқ.*

ҚЎШИМЧА МАТН

(Қизикарли маълумотлар)

(1) БМТ экспертларининг илмий башоратларига кўра Ер юзи аҳолиси 2010 йилда 7 млрд. 2025 йилда эса 8,5 млрд. кишига. шу жумладан Хитой аҳолиси 1,5 млрд, Ҳиндистон аҳолиси деярли 1,5 млрд., Нигерия аҳолиси — 300 млн., АҚШ аҳолиси 300 млн. кишига етади. 2040 йилга бориб эса жаҳон аҳолиси 10 млрд. кишини ташкил этади.

(2) АҚШда соя дони оксили асосида ветчина¹, ковурилган картошка, макарон, ёрма музқаймоқ тайёрланиб сотилмоқда. Соя сути мактаб ўқувчиларининг таомлари таркибига кирган.

¹ Ветчина — чўчка сон гўштининг дудлангани ёки тузлангани.

(3) Кишлоқ хўжалигида ишловчи бир одам Ҳиндистонда 5 кишини, ГФР да — 50 кишини, АҚШ да — 80 кишини, Бельгияда эса 100 кишини боқади. Албатта бундан фақат фермерлар ва деҳқонларгина эмас, балки аграр саноат мажмуида банд бўлган барча киши назарда тутилади.

(4) Россияда оқ денгизда Мезень (куввати — 10—15 млн. кВт) ва Ок (куввати — 14 млн. кВт) ПЭС¹ ларини, Охота денгизида янада катта Пентина (80—100 млн. кВт) ПЭС ини, Францияда Ла-Манил бўғозидаги Котантеп ярим ороли яқинидаги ПЭС ини (50 млн. кВт), Буюк Британияда — Бристоль кўлтигида Севери дарёсининг этагидаги ПЭС ини, Ҳиндистонда Арабистон денгизидаги Кач кўлтигидаги ПЭС ини куриш мўлжалланмоқда.

(5) Японияда денгиз фермалари ва плантацияларини кенгайтириш дастури амалга оширилмоқда. Бу дастурда 2000 й. да 8—9 млн. т «денгиз неъматлари» маҳсулоти олиш ва бу билан мамлакат ярми аҳолисининг балиқ ҳамда денгиз маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш кўзда тутилган. АҚШда, Ҳиндистонда, Филиппин оролларидаги денгиз фермаларида ҳам кискичбақанинг бир қанча турлари ва мидиялар, Францияда — ейиладиган денгиз моллюскалари боқиб кўпайтирилади. Тропик мамлакатларда маржон оролларида кит ва дельфин фермалари ташкил этишда фойдаланиш мўлжалланмоқда.

(6) Японияда майдони 25 км², аҳолиси 500 мингдан 1 млн. гача бўлган тўла автоном сузувчи шаҳар лойиҳаси ишлаб чиқилган. Шаҳар жойлашган бу сунъий орол 10000 та пўлат таянч (устун) ва жуда катта буйларда² қалқиб туради. Лойиҳага кўра бу орол бир печта «налуба»лардан тузилган бўлади.

(7) Трансатлантика кабелининг биринчи лойиҳасини 1843 йилдаёқ телеграфнинг изтироҳчиси Самуил Морзе тавсия этган эди. Бироқ бу кабель фақат 1858 йил тортилган. Европа билан Шимолий Америка орасидаги биринчи телефон кабели 1955—1956 йиллар тортилган. 90-йиллар бошида эса дастлабки икки сув ости оптик линияси: АҚШ — Гавайти ороллари —

¹ ПЭС — денгиз суви қалқиши қувватига асосланиб қуриладиган электр станция.— тарж.

² Буй — сув юзида қалқиб турувчи предмет, сунъий орол унинг устига ўрнатилади.— тарж.

Япония (11,5 минг км) ва АҚШ — Ғарбий Европа (6,5 минг км) линияси ўтказилади.

(8) Швед, швейцариялик ва америкалик сомалиликка нисбатан Ер ресурсларидан 40 барабар кўп фойдаланади, хиндларга нисбатан гўшти маҳсулотларни 75 барабар кўп истеъмол қилади.

(9) Ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқариш ёшидаги 1000 кишига 680 нафар бола тўғри келади. Шундай мамлакатлар борки, уларда болалар сони «ишловчилар»дан кўп ёки ҳар иккаласининг сони тенг. Бундай мамлакатларга Иордания, Сурия, Жазоир, Ливия, Кения, Зимбабве, Бурунди, Мадагаскар, Гондурас, Никарагуа киради. Таққосланг: хорижий Европада ишлаб чиқариш ёшидаги ҳар 1000 кишига ўрта ҳисобда 360 бола, АҚШ, Канада, Японияда — 380 бола тўғри келади.

(10) Ғарб олимлари ва жамоат арбоблари аҳолининг ўсишини чеклашнинг қандай усуллари таклиф этишмади дейсиз! Булар орасида фақат бадавлат одамларгагина оила қуриш ҳуқуқини бериш ҳам, мажбурий бичиш ҳам, болалар туғилишини чеклаш бўйича турли хил лойиҳалар ҳам бор. Яна бир усул — эркаклар учун шундай дори ихтиро қилиш керакки, уни ичиш натижасида туғиладиган жами болаларнинг 99 % и ўғил бўлсин.

(11) АҚШда Гольфстрим оқимининг ниҳоятда катта энергиясидан фойдаланиш лойиҳаси тузилган бўлиб, бу лойиҳада сувга диаметри 80 м ли турбиналар ўрнатилиши кўзда тутилади. Бу турбиналарни бир-биридан узоқ масофада қатор қилиб ўрнатилса, жами 100 млн. кВт электр қуввати олиниши мумкин.

Китоб жавонингизга

1. Земля и человечество: Глобальные проблемы // «Страны и народы» серияси. М.: Мысль. 1985.— Кириш қисми.— IV боб.
2. Один мир для всех. Контуры глобального создания. М.: Прогресс, 1990.
3. Наше общее будущее: Доклад международной комиссии по окружающей среде и разелтию (мкоср).— М.: Прогресс, 1989.
4. Улицкий Ю. А. Океан надежд.— М.: Просвещение, 1983.

Билим ва кўникмалар ҳосил қилиш бўлими

1- топширик
(ижодий).

Дарсликдаги 2- мавзунинг бутун мазмуни ва бошқа мавзуларнинг мазмунидан

фойдаланиб, дафтарингизга «Жамиятнинг атроф-муҳитга таъсири омиллари ва шакллари» схемасини тузинг. Бир ўйлаб кўринг, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммосининг ҳал этилиши сайёрамиздаги ҳар бир одамга ва шахсан ўзингизга қай даражада боғлиқ.

**2- топширик
(ижодий).**

Дарсликдаги 3- мавзунинг тўла мазмуни ва бошқа мавзулар мазмунидан фойдаланиб, сайёрамизнинг ҳозирги кундаги «демографик портрети»ни таърифлаб беринг. Сиз нима деб ўйлайсиз, XXI асрда демографик портлаш давом этади, деб айтиш мумкинми?

**3- топширик
(ижодий).**

2,4 ва 5- мавзуларнинг тўла мазмуни, шунингдек курснинг регионал қисми ва атлас хариталаридан фойдаланиб, инсоният энергетика ҳамда хом ашё муаммоларининг географик жиҳатларини айтиб беринг. Сизнингча уларни ечишнинг қандай йўллари бор?

**4- топширик
(ижодий).**

Дарсликдаги 99- расм, 2, 5 ва бошқа мавзулар мазмунидан фойдаланиб, глобал миқёсдан озиқ-овқат муаммосининг географик жиҳатларини таърифланг. Дунёда озиқ-овқатнинг етишмаслиги табиий сабаблар билан эмас, балки ижтимоий сабаблар билан боғлиқ эканлигини тушунтириб беринг. Озиқ-овқат муаммосини ечишда иштирок этувчи хўжалик тармоқларининг номларини айтиб беринг.

**5- топширик
(ижодий).**

1—5- мавзулар мазмунидан денгиз хўжалиги тушунчасини изохлаб беришда фойдаланинг. Дафтарингизга бу тушунчанинг схемасини чизинг. Денгиздан нефть қазиб олиш ва уни ташиш дунё харитасини денгиздан балиқ овлаш дунё харитаси билан таққосланг ва денгиздан нефть қазиб олиш ҳамда балиқ овлашнинг худудий жиҳатдан бир-бирига мос келиши

натижасида вужудга келадиган муаммони мустақил айтиб беринг. Бу муаммони ечиш йўлларини кўрсатинг.

**6- топширик
(ижодий).**

II- мавзу мазмунидан фойдаланиб, дафтарингизга «Ривожланаётган мамлакатлар қолақлигини тугатиш муаммоси инсониятнинг бошқа глобал муаммолари билан ўзаро алоқадорлиги» схемасини тузинг. Шундай алоқадорликни ким кўп белгилаш бўйича ўзаро мусобақалашинг.

**7- топширик
(ижодий).**

1. II- мавзунинг графикли (чизма) консектини тузинг.

2. (Дафтарга ишлаш). Олган билимингизга таяниб, «Инсониятнинг глобал муаммолари таърифи» консект-маълумотнома жадвалини тузинг. Бу жадвал маълумотлари бўйича умумлашма хулосалар ясанг.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ВА ЎЗАРО НАЗОРАТ БЎЛИМИ НИМА ДЕБ ЎЙЛАЙСИЗ:

1. Агар сиз нефть қатламларидан нефть тортиб олишни 2 % га кўпайтириш усулини кашф этишга эришган бўлсангиз, бу кашфиётингиз Фарбий Сибирчалик қатта нефть хавзасини «кашф қилишга» тенг келармиди?

2. Ривожланаётган мамлакатларнинг ёқилги-хомашё ресурслари айсбергнинг кичик бир (учи) чўққиси «холос» деган образли ибора қандай маънони билдиради? Бу «айсберг»дан тўла фойдаланиш учун нима қилиш керак?

3. «Биз Ерни ажодлардан меросга олган эмасмиз. Биз уни келгуси авлодлардан қарзга олганмиз» деган жумлани қандай изоҳлайсиз?

4. Глобал муаммоларни ҳал этиш нима учун давлат ва ҳукуматларгагина боғлиқ бўлмай, бутун Ер шаригадаги одамлар, ҳар бир одам, шу жумладан шахсан сизга ҳам боғлиқ?

11- МАВЗУ УЧУН МЕТОДИК ОЧКИЧ

Нимани эсламоқ керак.

Дарсликдаги 1—10- мавзуларнинг барча маълумотини.

Нимани билиб олмоқ керак?

11- мавзунинг асосий ғоялари

1. Ҳозирги давр — ўзаро зиддиятли, бироқ тобора бир бутун дунёда ўзаро боғлиқлигининг ўсиши давридир. 2. Ҳозирги замон глобал муаммолари бутун мажмуининг маркази ҳамда ўзаро бир-бирига боғловчи бўғини инсон ва унинг келажагидир.

11- мавзунинг асосий илмий маълумотлари:

1. Инсониятнинг глобал муаммолари тушунчаси. 2. Бу муаммолардан ҳар бирининг моҳияти, пайдо бўлиш сабаблари,

бу муаммоларни ечиш йўллари. 3. Мавзунинг таянч тушунчалари: 1) Экологик таназзул (бухрон), 2) денгиз хўжалиги, 3) глобал илмий башорат (прогноз), 4) Глобал илмий гипотеза, 5) глобал (дунё миқёсидаги) лойиҳа.

Нима қилишни билиш керак

1. Инсониятнинг глобал муаммоларини таърифлай олиш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш, 2. Дарслик матнининг график конспектини тузиш. 3. Берилган мавзу юзасидан мунозара (баҳс) уюштиришда иштирок этиш.

БИЗ ДУНЁНИ XXI АСР БЎСАҒАСИДА АНГЛАЙМИЗ

(Хотима ўрнида)

Бизнинг серманзара, серқиёфа ва зиддиятли дунёмиз аср ва минг йиллик охирига яқинлашмоқда. У сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий характердаги мураккаб муаммоларга бой бўлиб, уларнинг кўпи ўзининг муҳим ҳудудий, географик жиҳатлари-га ҳам эга.

Жаҳон хўжалигининг ҳозирги фан-техника инқилоби билан боғлиқ ҳолда ривожланишининг янги босқичига кириб бориши шуни билдирадики, ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий қудрати аввало унинг фан ва техниканинг энг янги ютуқларини қай даражада эгаллашига, халқ манфаатлари йўлида меҳнат унумдорлигини қай даражада кўтаришига боғлиқ. Шу муносабат билан инсон ақл-заковатининг энг жамланган ифодаси бўлмиш фан олдида ҳам улкан вазифалар кўндаланг бўлиб турибди.

География фани кўпроқ тасвирий фандан тобора амалий-ўзгартирувчи фанга айланмоқда. У географик муҳит географик қобикнинг янги ҳолатини ўрганиш ва илмий башорат қилиш, табиатни инсон томонидан тубдан ўзгартирилишининг охириги чегараларини белгилаш, табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқаларни оптималлаштириш билан шугулланади, аҳоли ва хўжаликни оқилона ҳудудий жойлаштиришда иштирок этади.

Жаҳон иқтисодиётини тубдан ўзгартириш, фан-техника тараққиёти, турли хил ахборотлар алмашинуви, инсон ва товарлар (маҳсулотлар)нинг силжиши (кўчиши), қисқача айтганда, инсоният цивилизациясининг бутун ривожини, ўз навбатида дунёнинг тобора ўсиб бораётган бирлигига, материклар, регионлар ва мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг ўзаро кучайишига олиб келмоқда. Мана шунинг учун ҳам умуминсо-

ний манфаатлар ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда ва ўзини тобора яққол намоён этмоқда. Бу манфаатлар биринчи навбатда инсониятнинг глобал муаммоларида намоён бўлмоқда. Глобал муаммолар эса, сизга маълумки, давлатлар ва халқларнинг амалий, яратувчан ҳамкорлигини бутун сайёрамиз миқёсида йўлга қўйилишини талаб этади.

Қарама-қаршиликларга бой, бироқ тобора бир бутунлик кашф этаётган дунёдаги ўзаро алоқадорликнинг кучая бориши — ҳозирги замон дунёси ривожланишининг энг муҳим белгисидир. Бу белги XX асрнинг тугаши арафасида сифат жиҳатидан янги умумжаҳон (умумбашарият) цивилизациясининг шаклланиш тенденцияси кучайганлигидан дарак беради. Француз ёзувчиси, Антуан де Сент-Экзюперининг «Биз ҳаммамиз Ер аталмиш битта кеманинг йўловчиларимиз» деган образли ибораси аynи бугунги кунда айниқса долзарбдир. Ҳамон шундай экан, қани келинг, азиз инсонлар, бу кеманинг саёҳати бахтли-саодатли бўлиши учун қўлимиздан келган ҳар нарсани қилайлик!

МУНДАРИЖА

Сўз боши

1 қисм.

Жаҳоннинг умумий тавсифи

1-мавзу. Жаҳоннинг ҳозирги сиёсий харитаси

1. Ҳозирги замон мамлакатларининг хилма-хил эканлигини ўргана-
миз
2. Халқаро муносабатларнинг дунё сиёсий харитасига таъсирини
кўриб чиқамиз
3. Жаҳон мамлакатларининг давлат тузумини ўрганамиз

2-мавзу. Жаҳон табиат ресурслари географияси

Атроф муҳитнинг ифлосланиши

1. Биз жамият билан табиатнинг ўзаро таъсирини ўрганамиз
2. Биз жаҳон табиат ресурсларига баҳо берамиз
3. Биз атроф муҳитнинг ифлосланишини кўриб чиқамиз

3-мавзу. Жаҳон аҳолиси географияси

1. Аҳолининг сони ва кўпайиши билан танишамиз
2. Биз аҳолининг таркибини биламиз
3. Аҳолининг жойлашиши ва миграцияларини таърифлаймиз
4. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиларини қиёс қиламиз

4-мавзу. Фан-техника инқилоби ва жаҳон хўжалиги

1. Фан-техника инқилобига таъриф берамиз
2. Жаҳон хўжалигини ўрганамиз
3. ФТЙнинг жаҳон хўжалигига таъсири ҳақида билим оламиз

5-мавзу. Жаҳон хўжалиги тармоқлари географияси

1. Биз саноат географиясини ўрганамиз
2. Биз қишлоқ хўжалиги ва баллиқ овлаш географиясини кўриб чи-
қамиз

3. Биз транспорт географияси билан шугулланамиз	124
4. Биз халқаро иктисодий алоқалар билан танишамиз	131

II қисм

IX Хоннинг регионал тавсифи

1-бўлим. Хорижий Европа	148
1. Хорижий Европанинг умумий тавсифи билан танишамиз	148
2. Биз аҳоли пунктлари ва хўжаликнинг географик «сурати»ни ўрганамиз	162
2-бўлим. Хорижий Осиё. Австралия	181
1. Хорижий Осиёнинг умумий тавсифини берамиз	181
2. Биз Хитой билан танишамиз	190
Биз Японияни ўрганамиз	196
4. Биз Ҳиндистонни «кашф этамиз»	203
5. Биз Австралияни мустақил ўрганамиз	209
3-бўлим. Африка	221
Биз Африкага умумий тавсиф берамиз	222
Иқлимий ва Тропик Африканинг субрегионларини таққослаймиз	227
Иқлимий Америка	240
Биз Америка Қўшма Штатларининг умумий тавсифини берамиз	240
Биз АҚШнинг макрорайонлари билан танишамиз	254
4-бўлим. Латин Америкаси	272
Биз Латин Америкасининг умумий тавсифини берамиз	273
Биз Бразилия билан танишамиз	282

III қисм

1-бўлим. Дунёни умумлаштириш	296
1-бўлим. Инсониятнинг глобал муаммолари	296
Инсониятнинг глобал муаммоларини асослаб берамиз	296
Биз глобал илмий башоратлар, гипотезалар ва лойиҳаларни билиб ўрганамиз	307
2-бўлим. XXI аср бўсағасида англаймиз (хотима ўрнида)	316

65.5
М 18

Максаковский В. П.

География. Жаҳоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси: Ўрта мактабларнинг 10-синфи учун дарслик — Т.: Ўқитувчи, 1995.— 320 б.

65,5+60.55я721

МАКСАКОВСКИЙ ВЛАДИМИР ПАВЛОВИЧ

**ЖАҲОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ
ГЕОГРАФИЯСИ**

Ўрта мактабнинг 10-синфи учун дарслик

Тошкент «Ўқитувчи» 1995

Таҳририят мудири С. Мўминов

Мухаррир Р. Мирхолиқов

Бадий муҳаррир З. Абдурасулов

Техник муҳаррир Т. Скиба

Мусаҳҳиҳа П. Аъзамова

Иб № 6921

Теринга берилди 19.04.95. Босишга рухсат этилди 28.06.95. Формати 60×90¹/₁₆. Кегли 10 шпонаиз. Гарнитур
Интерат. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. л. 20,0. Шартли кр.-отг. 20,31. Нашр. л. 18,5.
Тиражи 550000. Буюртма 2749.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент 129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 07-97-94.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетининг Тошполиграфкомбинати. Тошкент, Навоий
кўчаси, 30—1995.